

ИБРОҲИМ  
ҲАҚҚУЛ



ШАҚДИР  
ВА  
ШАФАҚҚУР

*Эсселар ва адабий-танқидий  
мақолалар*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Масъул мухаррир  
**ТЎРА МИРЗАЕВ,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Ҳаққул, Иброҳим**

Тақдир ва тафаккур: Эсселар ва адабий-танқидий мақолалар. — Т.: «Шарқ», 2007 — 336 б.

Шарқ тасаввуфи заминида пайдо бўлган Ишк, Маърифат ва Ҳақиқат ғоялари бадий ижодни мисли кўрилмаган тарзда юксак поғоналарга кўтарган эди. Шарқнинг буюк сўз санъаткорлари Румий, Яссавий ва Навоий ижодиётида бу тамойил ўзининг тўла ифодасини топгандир. Мазкур китобда ирфоний шеъриятнинг гарбу шарқка машҳур бўлган бир неча вакилларининг асарлари изчил тадқиқ ва таҳлил этилган. Уларнинг кўпчилиги ҳамма даврлар, жумладан, бугунги замоннинг ҳам энг долзарб муаммоларини теран англаш ва ҳал қилишга яқиндан ёрдам беради.

**ББК. 83(5Ў)3**

**ISBN 978-9943-00-103-9**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2007.

БОҚИИ  
САРЧАШМАЛАР



## АСРОРИ ҲАЛЛОЖ

*Эй кўнгил, Мансур «Анал-ҳақ» сўзлади,  
Ҳақ эди, Ҳақни деди, Ҳақ сўзлади.*

Насимий

### I

Бу оламда фақат ақлли, маънан кучли ва эркин одам —шижоатли Шахс билангина ҳамма нарсани очик-ойдин гаплашиш мумкин. Ҳаётга мустақил назари йўқ, мустақил мушоҳада қобилиятидан маҳрум кимса ҳеч вақт ўз фикр-қарашига соҳиб бўлолмайди. У ҳамма билган нарсани билади, ҳамма кўниккан майл ва кайфиятларга кўмилиб яшайди, турғунлик, яқранглик асло унинг жонига тегмайди. Қадимда бундай кишиларга нисбатан «хайвони нотика» ибораси қўлланган.

Каердаки ҳақиқатни ахтариш бошланса, ўша жойда ҳамиша янги ҳаёт барқ уради. Тасаввуф айни шу тарзда одамлар онгини ўзгартириш ва ҳаётга янгилик олиб кириш мақсади билан майдонга чиққан таълимотдир. Шунинг учун тасаввуф аҳли бошданок қаттиқ қаршиликка учраган, бири-биридан оғир ва қийноқли синовларга дуч келган. Улар Ишқ ва Маърифат байроғини баланд кўтарганча таъкибда яшаган, хибсхоналарга тикилган, ўлим жазосига ҳукм этилган. Орифга ҳам, ошиқ ва дарवेशга ҳам авом қарши турган. Баъзан жаҳолат, баъзан сиёсат халқу халойиқни ҳақиқат йўлидан чалғитиш, гоҳида қайтаришга эришган. Аммо бу чалғиш ва қайтишлар узоққа чўзилмаган. Чунки тасаввуф олами тўхтовсиз равишда Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқат дарғалари билан бойиб, кучайиб борган. Вақт ўтиши билан башарият ислом тасаввуфига бошқача қизиқиш, ўзгача эҳтиромда қарай бошлади. Тасаввуфда жорий қилинган маънавий-рухий тажрибалар, энг аввало, диққатни инсонга қаратар, уни ўзининг илоҳий моҳиятини мушоҳада этишга илҳомлантирарди. Тасаввуф инсоннинг Оллоҳга тобелигига алоҳида урғу бераркан, инсоннинг инсонга қарам ва мухтожлиги тушунчаларини тубдан ислоҳ айлашни ҳам тарғиб қиларди. Бу гап хуррият, эркинлик, тенглик каби ақидаларга ҳам дахлдор эди. Буюк тариқатчиларнинг бирла-



ри гўзал ахлоқ сирлари тадқиқи билан машғул бўлса, бошқа бировлари нафс, рух ва қалб тасфийасидан баҳс юритарди. «Нафсини таниган -- Раббини танир», деган ҳақиқатга қизиқиш бағоят оммалашиб борарди. Тасаввуф ташаббуси билан дин, адабиёт, мусиқа ва фалсафада мисли кўрилмаган яқинлик, ўзаро ҳамкорлик юзага келган эди. Аммо айрим масалалар хусусидаги тортишувлар, инкорни инкорлар муросасиз курашга ҳам йўл очарди. Шундай курашларнинг қурбонларидан бири дунёга донг таратган мутасаввиф, мутафаккир ижодкор Мансур Ҳаллож эди.

У ҳижрий 224, милодий 857 йилда Эроннинг Байзо ўлкасида туғилган. Ҳалложнинг таваллуд топган жойи гоҳ Нишопур, гоҳ Марв ёки Рай деб қайд этилса-да, унинг она диёри Байзо эканини эътироф этган олимларнинг сони кўпчиликни ташкил қилади. Бобоси Муҳаммад исмли бир мажусий бўлган экан.

Мансурнинг болалиги Байзода кечади. У сабийлигидаёқ Куръон мутолаасида салоҳият кўрсатади. Ўспиринлигида эса Басра, Бағдод, Ироқ каби шаҳарларга бориб илм ўрганган. Бир неча маротаба Маккани зиёрат этган ва шу сафарлар чоғида каромат зоҳир қилган. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асаридаги бир хикоятда нақл қилинишича, Мансур Ҳаллож етмиш муриди билан бир тунда Байти Макдисга етиб боради. Қарашса, ҳаммаёқ зим-зиё, қандиллар ўчган. «Бу қандиллар қачон ёнади?» деб сўрашганда, «Сахарга яқин», дейишибди. Шунда Ҳаллож «Сахаргача ҳали анча вақт бор-ку», дея шаҳодат бармоғи билан ишорат қилиб «Оллоҳ» деганида тўрт юз қандил бирданига чароғон бўлиб кетган экан. Ўша ердаги роҳиблар ундан «Сен қайси диндансан?» деб сўраганларида, «Ҳанафий мазҳабиданман. Муҳаммад алайҳиссалом умматиман. Ҳанафийларнинг ҳам энг кичигиман...», дея жавоб берган экан. Бундан Мансурнинг исломиятга садоқати ва буюк эҳтироми яққол кўринади.

Мансур Ҳалложнинг қисмати башарият тарихидаги энг фожиали ва энг қайғули бир қисматдир. Мусулмон оламида унга ўхшаб кўпчиликни дарғазаб қилган ва кўпчиликнинг қаҳрига йўлиққан бошқа бир шахс топилмаса керак. Айрим сўфийлар ҳисобга олинмаганда, шарриятчилар сингари тариқат аҳли ҳам уни хуш кўрмасди. Мутасаввиф олим Сулабий «Табақот»ида машойихларнинг аксарияти Ҳалложни рад ва инкор этганини ёзади.

Дархакикат, Маккий, Нахржурый, Жунайд Бағдодий каби бир вақтлар унга яқин бўлган зотлар ҳам ундан юз буришган. Ҳаллож ҳали ҳибсга олинмасданок тамоман яккаланган. Унинг бошига турли томондан таъна, танқид ва маломат тошлари ёғиларди. Факихлар уни нубувват ва илохийликни иддао қилган дея айблашарди, муътазила вакиллари — ҳукқабозликда, имомия мансублари эса зиндиқликда қоралашарди. Аксарият мусулмонларнинг назарида у ўлим жазосига маҳкум кофир эди. Подшолик одамлари унинг ҳар бир сўзини, дўст ва шогирдларига ёзган мактубларини тафтишдан ўтказарди. Буларга у айтарли парво қилмас, ҳар бир кори холга фано нигоҳи ила қарарди.

Тарихий маълумотларга кўра, Ҳалложнинг бир мактуби давлат маъмурларининг қўлига тушади. Хатнинг бошланишиёқ ўқиганларни дарғазаб этади. Мактуб Ҳалложга кўрсатилганда, «Ҳа, бу менинг хатим», дейди. «Сен билан фикрдош бошқа кишилар ҳам борми?» деб сўрашганда, у «Албатта, бор. Ибн Ато, Абу Муҳаммад ал-Журайрий, Абубакр Шиблий», дея бир неча кишининг номини айтади. Маъмурлар шу зотлар билан ҳам бориб учрашади. Журайрий мактубдаги сўзларни ўқиркан, «Бу — қатлиножи айлайдиган куфр эрур», дейди. Шиблий эса «Буни айтганга қарши турмоқ зарур», деб ўзини четга тортади. Ибн Ато Мансурга маслақдошлигини яширмагани боис вазир Ҳомид ибн ал-Аббоснинг қаҳрига учраб, қатл этилади. Аммо орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай вазир ҳам фожиали ҳалок бўлади.

Мансурга яқинлик, унинг фикр ва ирфоний тушунчаларига хайрихоҳлик ўзини-ўзи бало ва мусибатларга гирифтор айлаш билан баб-баробар эди. Ибн Таймийнинг ёзишича, бир вақтлар ўзи ташаббус кўрсатиб Мансурни куёв қилган Абу Ёқуб Нахржурый Ҳалложга зиндиқлик айби қўйилишини эшитибок кизини ундан ажратиб олади. Хуллас, бири иккинчисига ўхшамайдиган кийинчиликлар, кетма-кет берилган зарбалар, жохилликдан тузилган таҳқирлар Ҳаллож шахсини букиб, парчалаб ташлаши керак эди. Лекин бундай бўлмади. Чунки Ҳаллож танлаган ва инонган йўл — маърифатдаги янги йўл, янги тажриба эди. У — илохий ирода соҳиби қаҳр-ғазабни меҳр билан, жаҳолат ва ёвузликни маърифат билан енгишга ўзини қодир сезарди. Умрининг энг таҳликали дамларида ҳам ҳақлигини англантиш ва исботлашга уриниб шундай деган эди: «Агар Оллоҳни танимасан-

гиз, яратганларини танинг. Мен ўша яратикман. Мен Ҳақман. Чунки мен Ҳақ ила бақо бўлдим. Агар мени ўлдирсалар, аёқ ва кўлларимни чормих этсалар ҳам бу фикрдан воз кечмасман». Ҳалложнинг ўзига ишончи ана шундай юксак эди.

Айрим сўфийларнинг эътирофи бўйича, тавҳид да-рахтини ўтказган Боязид Бистомийдир. Ҳаллож эса уни қони ила суғорган. «Ҳалложнинг кесилган томирлари-дан оққан қондан тупроқ устида «Оллоҳ! Оллоҳ!» сўзлари ҳосил бўлмиш», дейди Ибн Арабий.

Албатта, Мансур Ҳаллождек жасур ва енгилмас шахс-лар ниҳоятда кам туғилади. Шунинг учун уларни жазо-лаш, қатл айлаш билан мурод ҳосил бўлмайди. Инсония-т ўзи сезиб, гоҳо сезмасдан ана шундай комил киши-ларнинг маслак ва мардлигига боғланади, ўзи истасин-истамасин, тинимсиз уларни хотирлайди, хотирламаса, фаолият ва маърифий таҷрибаларига суянмаса, эркин яшаш, эркин фикрлаш, ҳаётнинг бағоят мураккаб ва қал-тис муаммоларини ҳал қилишда нимадир халақит бера-ётгандай, нимадир етишмаётгандай бўлаверади. Тўғри, уларнинг жаҳон миқёсидаги хизматини бировлар ан-глайди, бировлар умуман англамайди, кимлардир ша-рафлайди, кимлардир камситади... Хуллас, иқдор ва инкор, эътироф ва эътироз тортишувлари тўхтамайди. Баъзан эса замонлар, даврлар, асрлар ўтгани сайин оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратиш қийинлашади. Ман-сур Ҳалложнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам ушбу ҳақиқат-нинг бир исботидир.

## II

Тахминан ўн икки ёшда экан, Мансур Байзодаги маш-хур бир дарвеш билан учрашади. Қисқа фурсатли суҳ-батда дарвеш унинг кўнглида унутилмас таассурот пайдо этади. Ундан эшитгани ривоят эса Мансурнинг хотира-сига муҳрланиб қолган эди.

Ёш бир йигит Қуръон кироатида зўр маҳорат касб этибди. Буни эшитган бир шайх ўша йигитни ахтариб топибди.

— Менга хабар етдиким, сен тунларингни ҳам Қуръ-они карим оятларини тиловат қилиш билан ўтказар эмиш-сан. Шундайми?

— Ҳа, худди шундай, — дебди ўспирин.

Шайх айтибди:

– Ўғлим, бугун тунда мени тасаввурингда ҳозир тут ва намозда Қуръонни менга ўқиётгандай ўкигил!

Албатта, йигит розилик билдирибди. Эртаси куни Шайх яна йигитнинг ҳузурига ташриф буюрибди.

– Хўш, менинг айтганимни қилдингми? – деб сўрабди у.

– Ҳа, қилдим. Бироқ Қуръоннинг ярмини қироат айлашга ҳам кучим етмади. Негадир мени бошқача ҳолат таъқиб эта бошлади, – дебди қори йигит.

– Ўғлим, ундай бўлса, Қуръонни шахсан ҳазрати Пайғамбаримиздан тинглаган асхобдан қайси бирларинидир кўз ўнгинга келтириб, унга ўкигил. Аммо эҳтиёт бўл, улар Қуръон ўқишингни эшитурлар. Тиловатда оёғинг куймасин.

– Иншооллох, худди шундай қилурмен, устоз.

Шайх эртасига йигитни яна сўроқлаб келганда савол-сўроқни кутмасдан у дебди:

– Устоз, бутун тун мобайнида Қуръоннинг тўртдан бирини қироат қилишга ҳам куч-мадорим етмади.

– Унда, – дебди Шайх, – бу кеча Қуръонни хаёлан ҳазрати Пайғамбарнинг ўзларига ўкигил!

Боз оқшом кечиб, субх келибди. Улар учрашишибди. Йигит Шайхга энди Қуръоннинг бир жузъидан ортиғига куч топмаганини айтибди. Шайх ундан бунинг сабабини сўраганида аниқ жавоб бера олмабди. Шайх яна топшириқ берибди:

– Бу кеча яхшилаб тайёргарлик кўргил. Қуръонни худди Жаброил қошида ўқиётгандай ўкигил!

Йигит обдон ҳозирлик кўрибди. Бироқ қанча уринмасин, бор-йўғи бир неча оятни ўқишдан нарига ўта олмабди... Бунинг эшитган Шайх навбатдаги кўрсатмани берибди:

– Болам, тун кириши билан Оллоҳга тавба-тазарру этгил. Ва билки, Унинг ҳузуринда бўлурсен. Унинг каломини Ўзига ўкурсен. Бағоят тадбирли бўл. Зеро, Қуръон ўқишдан мақсад маъно-моҳиятга шўнғимоқдир...

Яна бир тун ўтибди. Эртаси куни йигитнинг ҳолини билиш учун Шайх бошқа бировни жўнатибди. У келиб кўрсаки, йигит хасталанганмиш. Орадан бир кун ўтказиб Шайх ҳол сўрашга келганида кўзларидан ёшлар оқизиб йигит шундай сўзларни айтган экан:

– Устоз, Оллоҳ сизга кўпдан-кўп хайру эҳсон ато қилсин. Ўтган кеча мен ўзимнинг бир ёлғончи эканлигимни билдим. Шу вақтга қадар янглиш ва ёлғондан

Қуръон тиловат қилиб юрганимни англадим. Ҳақ ҳузурда Қуръон тиловат қилаётганимни тасаввур этарканман, беҳад ғариб бир ҳолга тушдим... Ҳатто «Ийяка наъбуду» дейишдан уялдим. Чунки У менинг сўзимда ёлғон борлигини биларди...

Ушбу хикоятни Мансур муридларига нақл этиб, Қуръон мохиятини мушоҳада қилиш, ундаги маъно ва ҳақиқатларнинг сир-асрорини ўзлаштириш нақадар қийин, нақадар машаққатли амал эканини қайта-қайта таъкидларди. Қуръондаги ҳар бир сўз, ҳар ибора, ҳар бир оҳанг ва маъно, ҳатто ўликнинг ҳам жисмига жон бағишлашга қодир эканлигига Мансур шубҳасиз ишонар, Қуръон нурлари ёғилган юрак дарёдай теран, мусаффо ва мунаввар бўлишига асло шак келтирмасди. Мансур Қуръони қаримни илоҳий қудрат, маънавий-руҳоний ғолибият, жамики мавжудотга меҳру муҳаббат китоби деб биларди. У дунёдаги барча боқий гўзаллик ва латофатнинг тамалини Қуръондан топган ва ўрганган эди. Аммо шундай тенгсиз, шундай буюк ва муқаддас Китоб ҳукмларига бўйинсунган, унда баён этилган диний, ахлоқий, маърифий талаблар билан тарбия топган мусулмонлар орасида нечун бунчалар маҳдудлик, нодонлик, қоқоқлик, фикрий тарқоқлик, ҳар турли мазҳаб талашувлари мавжудлигини Мансур мутлақо ҳазм айлай олмасди. Шунинг учун у онги ва қалбини зулмат қоплаган, тафаккур меҳнатидан йироқ кимсаларнинг диндорлигига иштибоҳ билан қарар, диний туйғу, диний тарбиянинг истиқболини илоҳий ишқдан айри тарзда тасаввур қилмасди. Илоҳий ишқ сирларини кашф этишда ҳам, суҳбат, мактуб, шеърий ва насрий асарларида уни талқин қилганида ҳам Ҳаллож, биринчи навбатда, Қуръоний ҳақиқат ва кўрсатмаларга суянарди. Шу маънода машҳур француз шарқшуноси Л. Массиньоннинг «Қуръон тили ва услуби хали мурғак ёшдан бошлабоқ иймон завқини ахтарган Ҳалложнинг мистик ҳаяжон ва туйғуларига қанот бағишламишдир», деган фикрлари алоҳида диққатга молик. Ҳаллож Қуръони қаримдан шу қадар таъсирланиб, шу даражада унга қаттиқ берилганки, унинг Қуръонга ички бир таслимият холида айтган гаплари, ҳатто қаҳр ва қарғиш билан қаршиланган экан. Ибн Арабийнинг маълумот беришича, кунлардан бир кун устози Амр ибн Усмон ал-Маккий Ҳалложнинг ёнига келиб, ундан «Не иш ила машғулсен?» деб сўраганида у «Қуръонга муҳолифат қилурмен», дебди. Буни тўғри маънода тушунган Маккий уни қарғаган экан.

Бошқа бир ривоятга кўра, Маккий Ҳалложни лаънаглаб, «Агар кўлимдан келса, уни ўзим ўлдирардим», дебди. Бу қаҳрнинг сабаби сўралганда у «Мен Қуръондан бир оят ўқиган эдим. Ҳаллож: «Мен ҳам худди шундай сўзларни ёза олурман ва айта билурман», дея шаккоклик қилди», деган эмиш. Маккий ва Ҳаллож муносабатига доир бундай ҳикоят ва ривоятлар бир жойга жамланиб ўзаро қиёсланса, улар Ҳалложни қоралаш, бадном этиш, янада аниқроғи, уни дин асосларини бузишга қасд қилган бир кофир қиёфасида кўрсатиш мақсадида тўқилганига шубҳа қолмайди. Бунинг учун Абу Наср Саррожнинг мана бу сўзлари билан танишиш етарли деб ўйлаймиз: «Маккийнинг исми ҳуруфга доир бир китоби бор эди. Бу китоб талабаларидан бирининг кўлига тегди. У китобни олиб кетди. Амр Усмон бундан хабардор бўлгач, дедик: «Уни олганнинг кўл-оёқлари кесилиб, бўйни узилгай!» Дерларки, Маккийнинг ўша китобини сўроқсиз олиб кетган Ҳусайн Ҳаллож эмиш...»

Абдулқодир Гилоний ҳазратлари «Агар мен Мансур Ҳалложнинг замонида яшаганда эдим, уни кўлидан тутиб омон сақлаган бўлурдим», деган экан. Хожа Али Ромитаний эса, «Агар ер юзида Хожа Абдуҳолик фарзандларидин бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди», демишлар. Эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо масалага кенгроқ назар ташланса, Мансур Ҳаллож таҳсил олган ва суҳбатдош бўлган шайхлар ҳам чин ориф ва валилар эканини эътироф этиш керак бўлади. Булар: Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий, Амр бин Усмон Маккий, Абу Ёқуб Ақто, Жунайд Бағдодий...

Бағдод халифаси машойихлардан бирига «Эй беадаб!» деганида у «Ярим кун Жунайд била суҳбат тутибмен, нечук мени беадаб дегайлар, яъни ҳар кишиким ярим кун Жунайд била суҳбат тутмиш, ондин тарки адаб келмагай», деган экан. Абу Жаъфар Ҳаддоднинг эътирофи бўйича, «Агар ақл киши суратига кирса эрди, Жунайд сурати бўлгай эрди». Лекин «Товус ул-уламо» номи ила донг таратган шу беназир зот билан ҳам Ҳаллож тил топиша олмаган эди.

Мансур Ҳалложнинг ўлими ва ўлдирилиш сабаблари тўғрисида хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилган. Ва улар шу қадар бир-биридан фарқлидирки, қанчалик уринманг, Ҳалложнинг асл қиёфасини тасаввур эта олмайсиз.

Абу Райҳон Беруний ёзади: «Ал-Ҳаллож дастлаб имом

Махдийга даъват этиб, Махдий Дайломдаги Толикон шахридан чиқади, деб даъво қилди. Уни тутиб, халкқа кўрсатиш учун Бағдодга олиб келдилар, зиндонга ташладилар. Нихоят, у хийла ишлатиб, зиндондан халос бўлди. У найрангбоз ва хунарманд, ҳар бир одамнинг эътиқод ва мазҳабига аралашиб кетадиган киши эди...»

Бир одам ҳақида бунчалик кўп, бунчалик ранг-баранг айбномалар тўкилишига ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ. Нега бунча қаҳр ва ғазаб? Нега бу қадар нафрат ва маломат? «Китоби ахбор ул-Ҳаллож»да хикоя қилинишича, Абдуллоҳ Тохир ал-Аздий Бағдоднинг чорсусида бир яҳудий билан жанжаллашиб, уни «кўппак» дея ҳақоратлабди. Шу пайт уларнинг ёнидан ўтиб қолган Ҳаллож унга қараб «Итини озорлама!» дебди-да, илгарилаб кетибди. Ишларини тугатиб бўлгач, Аздий Ҳалложнинг хузурига борибди. Уни кўрибоқ Ҳаллож юзини тескари бурибди. Аздий узр сўрабди. Унинг узрини қабул қилган Ҳаллож дебди: «Азизим! Динлар Оллоҳникидир. Ҳар дин ила бир тоифа одамни машғул этар. Улардан ҳар бири ўзларининг иродалари танлаган динни эмас, ўзларига белгиланган динни излайди... Шунин билгилки, яҳудийлик, насронийлик, ислом ва бошқа динлар ўхшаш унвонлар, ўхшаш номлардир, аммо ҳаммасининг мақсади бир, ўзгармасдир».

Албатта, ушбу сўзлар билан Ҳаллож динларнинг бирлигига эмас, улардаги умумий ғояларнинг ўхшашлигига диққатни жалб этган. Бироқ буюк мутасаввифнинг бундай фикрларини ҳамма ҳам тўғри тушунавермаганидек, уларни нотўғри талкин қилувчиларнинг сони жуда кўп бўлган. Қолаверса, давр ва замони савиясидан юксалган, илохий замон туйғуси билан яшаган шахсларни жаҳолат ва гумроҳлик қадам-бақадам таъқиб этган.

### III

Тарихдан маълумки, Мансур Ҳалложнинг ҳаёти ва ирфоний фаолияти зулм, жаҳолат, фикрий зўравонлик хуруж айлаган бир даврга тўғри келган. Ал-Мутаваккил халифалик мартабасига эришганидан сўнг «нақлчи» уламанинг давлат миқёсида катта нуфуз соҳиби бўлиши билан кўп иш ва ҳаракатлар ағдар-тўнтар бўлиб кетган эди. Халифа жаҳмия, қадария, муътазила сингари оқимларга қарши курашда ана шу уламоларнинг ёрдамига таянади. Натижада, ҳадис олимлари каломчилар усти-

дан тўлиқ галаба қозонади. Давлатнинг қўли етадиган ҳамма жойдан улар қувилади. Халифа эса бутун вилоят ва ўлкаларга амру фармонлар юбориб, калом илми билан машғул бўлувчиларнинг барчасини ўлимга маҳкум этишини эълон этади. Унинг бу сиёсати кейин келган ҳукмдорлар томонидан давом эттирилиб, ниҳоят IX асрнинг охириги ўн йиллигида фалсафа ва калом китобларини сотиш батамом тақиқланади. Жомеларда, жамоат йиғиладиган бошқа жойларда фаолият кўрсатувчи халқ воизларининг чиқишларига ҳам барҳам берилади. Бирок бу тадбирларнинг ҳеч бири ижтимоий беқарорлик ва сиёсий зиддиятларнинг ўртадан кўтарилишига ёрдам беролмасди. Ал-Мутаваккил вафотидан токи 954 йилда бувайхиларнинг Бағдодда иқтидорга соҳиб бўлгунларига қадар кечган вақт мобайнида сиёсий галаёнлар кучайиб боради. Карматийлар ҳаракатининг бошланиши эса давлат учун катта хавф туғдирган офатнинг айни ўзи саналарди. Халифага уюштирилган суиқасддан кейин улкан миқёсли шубҳа ва таъкиб муҳити яратилдики, номи «қора рўйхат»га тушган тариқат арбобларидан бири Мансур Ҳаллож эди. Унинг номи ушбу рўйхатдан четда қолиши асло мумкин эмасди. Зеро, Атоулло Таддин қайд қилганидек, «Ҳаллож Аббосий халифалиги даврини жабр ва зулмкорлик, ахлоқий-маънавий емирилиш даври деб биларди». Халифа вазирлари орасида, айниқса, Ибн Фрот Ҳалложнинг ашаддий душмани ҳисобланарди. У Ҳалложнинг номини эшитишга ҳам тоқат қилолмасди. Асосий мақсади эса қандоқ қилиб бўлмасин тезроқ унинг пайини қирқиш ва овозини бутунлай ўчириш эди. Молдавлат тўплаш ҳирсига мағлуб бу фосику золимнинг энг севимли машғулоти пора олиш, халқни талаш эди. У порахўрликнинг усул ва сирларини шунчалик пухта эгаллаган эдики, унинг танобини тортишга, ҳатто халифанинг ўзи ҳам чора излашга мажбур бўлган эди. Ибн Фрот олим ва ижодкорларни жинидан баттар ёмон кўрарди. Уларни ҳақоратлайдиган ёхуд камситадиган ҳар бир ишни у қойиллатиб бажарар ва бундан ҳузурланарди. Шарият вакиллари ана шундай амалдорларнинг топшириқларини бажаришга маҳкум малай ва улар қўлидаги қўғирчоқ эди. Шунинг учун Ҳалложга қўйиладиган айблар ҳам жуда жиддий ва ваҳимали бўлиши лозим эди. Зеро, халқни аёвсиз талаган ва эзган Аббосий халифаси амалдорларининг қилмишларини жасорат ила фош айлаган буюк бир ориф ва ҳақ йўлчисининг ўлими шарият



вакиллари учун эмас, балки сиёсат пешволари учун зарур эди. Ҳалложшунос олим Ўзтуркнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳалложнинг қотили шариат эмас, сиёсатдир. Шариатни тамсил этганлар эса ушбу жиноятга шунчаки восита қилинган».

Ҳаллож ҳаёт чоғларида юзага чиққан мунозара-тортишувлар унинг вафотидан сўнг ҳам қизгин давом этган. Айниқса, тасаввуфга, ахли тариқатга ёмон назарда қаровчилар Ҳалложнинг ҳол ва ҳақиқатларини таҳқирлаш билан чегараланмасдан унинг асарларини ҳам йўққа чиқаришга уринганлар. Шулардан бири Ибн Таймийя бўлиб, у «Мен Ҳалложга нисбат берилган бир қанча асарлар, рисоалар ва парчаларни кўрдим, ҳеч шубҳасизки, уларнинг барчаси Ҳаллож учун атай тўқилган нарсалардир», дейди. Ҳолбуки, Мансур Ҳаллож назмда ҳам, насрда ҳам эътиборга молик асарларни мерос қолдирган.

Шарқнинг кўп мутафаккир санъаткорларида, жумладан, Алишер Навоийда ҳам инсон қалби ва кўнглини, хатто Каъбадан-да улуғу муқаддас билишга чорловчи фикрлар бор. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да:

*Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоққи, кўнгул Каъбаси, —*

дейди. Бироқ бундай фикрни биринчилардан бўлиб айтиш ва теранликдан кўра саёзликни хуш кўргувчи кимсалар онгига сингдириш биз ўйлаганчалик осон кечмаган. Ҳаллож: «Ба жойи адоёи ҳаж, назару зиёрати Каъбаи дил кофи аст» — «Ҳаж зиёрати ўрнида дил Каъбасини зиёрат қилиш кифоядир», дегани учун Бағдодда ғавғо кўзгалган. У карматийларга издошлик қилиб, Каъбани вайрон этишга ундаётир дея айбланган. Салтанат ҳукмфармоларидан бири шу гапи учун Ҳалложни бемалол қатл айлашга кўрсатма берган.

Ҳалложнинг адабий мероси пароканда ҳолда қолиб кетган, албатта. Анча муддатларгача уларни эркин ўқиш ва тарғиб қилиш имкониятлари ҳам чекланган. Лекин унинг шогирдлари, мухлис ва тарафдорлари бу асарларнинг тақдирига бефарқ қарамаган.

Тасаввуф илмининг улкан билимдони Ҳужвирий хали ёшлик чоғлариданок Мансур Ҳалложнинг ҳаёти, шахси ва ҳол сирлари билан қизикқан. Унинг мактуб ва шеърларини тўплаган. Рисола ва мавъизаларни ахтарган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Ҳалложнинг порлоқ

рамзли шеър ва асарлари бордир. Фуру (шуъбалар, тармоклар) хусусида мукамал сўзлари мавжуд. Мен... унга мансуб эллик парча асарни Бағдодда ва шаҳар атрофида кўрдим. Айримларини эса Ҳузистон, Форис ва Хуросонда қўлга киритдим... Буларнинг баъзиси жуда кучли, айримлари ниҳоятда заиф, яна бири ғоятда содда, бошқа бирлари эса қўп тубан ва аҳамиятсиз эди». Ҳужвирий Ҳалложнинг фикрларини шарҳлаш учун махсус асар ҳам яратади. У дастлаб икки Ҳаллож бўлганини, улардан бири бағдодлик Мулҳид Ҳасан бин Мансур Ҳаллож, иккинчиси Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож эканини маълум қилади. Унинг эътирофи бўйича, Ҳаллож борасида ихтилофга берилган мутасаввифлар дини, мазҳабини қоралаш мақсади ила уни тарк этмаган, балки ҳол ва ҳол сирлари сабабидан тарк ва танкид қилган. Хуллас, Ҳужвирий ҳалложшунослик соҳасида жиддий изланиш олиб боради ва «Китоб фи шарҳи калом ил-Ҳаллож» деган асар битади. Умуман, у Ҳалложга қўйилган айб ва тухматларни қатъиян рад айлайди. Ҳужвирий ёзади: «...зоҳирбин баъзи кимсалар уни (Ҳалложни — И.Х.) кофир дейишмоқда, уни рад ва инкор этишмоқда. Холларини эса гуноҳга, ҳуққабозлик ва сеҳрбозликка нисбат бераётирлар. Улар Ҳусайн Мансур Ҳаллож билан Ҳасан бин Мансур Ҳалложни бир-биридан фарқлай олмаётирлар. Кейинги Ҳаллож бағдодлик бўлиб, Муҳаммад бин Закариёнинг устози, Абу Сайид Карматийнинг йўлдоши эди».

Ҳасан бин Мансур Ҳалложнинг издошлари Бағдод ёнида бир жамоат ташкил қилиб, унга «Ҳалложий» номини берган ва Мансур Ҳалложга боғлиқлик даъвоси ила ўзларининг зиндиқликларини оқлаш ғарази учун унинг сўзларидан далил сифатида фойдаланган экан.

Ҳужвирий номдор замондошларидан баъзиларининг Мансур Ҳалложга юксак назар билан қараганликларини ҳам баён этиб ўтган. Чунончи, Истаҳрий Ҳалложни аввал зуҳдда катта ютуққа эришган, сўнг кадам-бақадам ишқда илгариллаган, хайрли ишлар билан шуғулланиб, нафсоний завқ ва лаззат бахш этувчи нарсалардан ўзини тийишга қодир шахс дея ҳисоблаган. Ва муроқабани мақомига юксалган Мансур башарий сифатлардан тамоман фориф бўлгач, Ҳазрат Исода бўлганидек, унга ҳам Оллоҳнинг руҳи ҳулул этган, шундан кейин у ўзига-ўзи итоат айловчи феълини — Оллоҳ феъли, ҳар қандай амрни — Оллоҳ амри деб билувчи қурб мақомига қўтарилганини таъкидлаган.

Хужвирийнинг Халложга мухаббати қанчалик юқори бўлмасин, уни сон-саноксиз ғанимлари ва асоссиз таънаю маломатлардан нечоғли қатъият ила муҳофаза этмасин, у барибир ҳақиқатни хаспўшламасдан, ошкор айлашга содиқ қолади.

Хужвирийга кўра, Халложнинг ҳамма сўз ва фикрларига тобе бўлиш, уларни тўғрига чиқариш мақбул эмас. «Чунки Мансур холида тамкин соҳиби эмас, билъакс мағлуб ва мажзуб эди... Холида фитналар ҳам мавжуд эди».

Шунингдек, унинг йўли тўғрилик талабларига тўла-тўқис мувофиқ келмаганидек, холида бир барқарорлик ҳам бўлмаган. Хол ва ҳиссиёт беқарорлиги ила муршидлик вазифасини бажариш ва бошқаларни ўзининг ортидан эргаштириш душвор бир ишдир.

«Ҳазрати Абдуқодир Гилоний манқабалари» китобида маълумот берилишича, Шайхдан Мансур Халлож ҳақида сўраганларида, «У бир қанот эди, даъво туфайли кенг узайган эди, шариат қиличи уни қиркиб ташлади», деган экан.

Азизиддин Насафийнинг ёзишича, Юсуф Хамадоний «Агар Хусайн бин Мансур маърифатни етарли даражада билса эди, «Анал — Ҳақ» ўрнида «Анал — туроб» (Мен тупрокман)» дерди», деган экан. Бу фикрларда Халложнинг сайри сулукда бир жойга тақалиб қолиб, янада юқори мартабаларга юксала олмаганига ишорат бор. Аммо Халложнинг ҳолини камситиш йўқ.

Халложга душманлик билан қараган Ибн Таймийя «Халложнинг холларини билган Оллоҳ валийларидан ҳеч бири уни буюк дея қабул этмаган ва ҳурмат ҳам қилмаган», дейдики, бу мутлақо нотўғри ҳукм. Бу ўринда Шайх Абусаид Абулхайрнинг Халлож «улви холдадир ва анинг замонида машриқдан мағрибгача анингдек йўқ эрди», деган сўзларини эслатиш кифоя.

#### IV

Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат» асарида ёзади: «Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларида манқулдирки, Шайх Мансур Халлож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳиға тажалли қилди ва анинг мураббийси бўлибдур».

Мансур Халложнинг кўнглида порлаган ишқ ва маърифат нури Мавлоно Румийни ҳам ўзига жазб айлаган

эди. «Девони кабир»да ҳам, «Маснавий»да ҳам Мавлоно ўнлаб мисраларда ул зотнинг камолини мадҳ этади. Насимий ҳам Ҳалложнинг муҳиби ва мафтуни эди. Ҳаллож ҳақиқий ишқ ва ошиқлик рамзи, унинг холи «дор севгиси»ни тамсил этарди. Унинг ижоди Шарқнинг кўп илғор шоир ва адиблари учун илҳом, таъсир манбаи ҳисобланади.

Ҳаллож илоҳий ишқ майидан сармастлик ҳолатларини, мушоҳада ва мушоаба асносида юзага келган маъноларни гўзал шаклларда ифодалашга қодир истеъдод эди. Унинг «Китоб ут-тавосин» асари тасаввуф адабиётининг насрода битилган энг диққатга молик намуналаридандир. Ўн бир бўлимдан таркиб топган ушбу китоб Ҳалложнинг фикр дунёси, ирфоний қарашлари борасида анча кенг ва аниқ тасаввур беради. Хусусан, унинг ҳазрат Пайғамбар мадҳ этилган, Оллоҳ ва Шайтон мунозараси ёритилган ҳамда маърифат таърифи берилган саҳифалари мутасаввиф ижодкорлар томонидан қизиқиб ўқилиши билан бир қаторда, умуман тасаввуф илми ривожига ҳам муайян даражада туртки бўлган. «Анал — Ҳақ» иборасини Ҳаллож қачон ва қаерда тилга олган? — деган саволга ҳозиргача аниқ бир жавоб йўқ. Айрим тадқиқотчилар Ҳаллож «Анал — Ҳақ» демаган, унинг ўлимига «Тавосин»даги баъзи сўзлари сабаб бўлганини айтишган. Демак, Ҳалложнинг муҳолиф ва ғанимлари унинг асл мақсадини бузиб талқин қилган. «Мен кўп ҳайрон қолурмен: баданидаги бир қилнинг қандай қилиб қора ёки оқ бўлишини билмаган, борлиқни яратиб камолга етказгани қандай билмоғи мумкин?!» Бу — орифнинг ҳайрати. Бу — Ҳалложнинг сўзлари. Шундай фикрдаги кишида худолик даъвоси бўладими?!

Олмониялик таниқли шарқшунос ва тасаввуфшунос олима А.Шиммел ёзади: «Ҳалложнинг шеъри тасаввуфий кечинмаларнинг ниҳоятда нозик ва жонли бир ифодасидир. Уларнинг тили жуда нафис. Ҳаллож шеърларида энг кўп қўлланган тимсоллар — қадах ва шароб, хилол, маст этувчи тасаввуфий шодлик косаси, маъшуқа, жон қуши кабилардир. Унинг деярли барча шеърлари теран диний ва тасаввуфий маъно ҳамда сирларга тўлиқдир». Санойий, Яссавий, Аттор, Румий, Насимий, Машраб каби ижодкорларнинг асарларини ана шу тимсол, маъно ва сирли ҳиссиётлардан ажратиб тасаввур этишнинг асло имкони йўқ. Тириклик файзи ва ҳаёт гўзалликларини қадрлай билган, кўнгли ҳассос барча «ибн

ул-вақт», яъни вақт фарзандларига ўхшаб Ҳаллож ҳам шеърятни севган. Унинг шеърлари ҳақида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам юксак фикрлар айтилган.

Мансур Ҳалложнинг ҳаёт тарихи — ғоятда мураккаб, қайғули, бироқ ибратли тарих. У, албатта, ишқ учун, маърифат ва маслак учун инсоннинг қатл этилишига дастлаб инонмаган. Орифни маърифатдан бошқа яна нима муҳофаза этмоғи мумкин, деб ўйлаган. Жаҳолат ва ёвузлик ҳақиқат қаршисида кучсиз бўлиб кўринган унга. У «Анал — Ҳақ» деганида «Мен доимо мавжудман, Ҳаққа фоний бўлган ошиқнинг умри ҳам боқийдир», демоқчи бўлган. Бу ҳақда Жалолоддин Румий мана нима деган: «Анал — Ҳақ» дейиш улуғ бир камтаринликдир. Бунинг ўрнига «Мен Ҳақнинг кулиман», деган киши икки борликни — ўзи ва Тангрининг мавжудлигини тасдиқлаган бўлади. Ҳолбуки, «Мен Ҳақман», деган ўз борлигини йўқ қилгани учун «Анал — Ҳақ» демоқда. Яъни, мен йўқман, барчаси Удир. Оллоҳдан бошқа борлик йўқдир. Бу сўзда камтаринлик кўпроқ эмасми?»

Ахир, Оллоҳ сифатлари билан безаниб, илоҳий ирода сохиби бўлиш инсонни нафсоний иллат ва башарий ожизликлардан кутказадиган энг олий нажот ва саодатку! Умрини маърифат ва ҳақиқат равнакига бағишлаган Ҳаллождай ориф зотни ўн уч йиллик қамоқдан сўнг ваҳшийларча қатл этиш шартмиди?

Бир вақтлар муридларидан бири Ҳаллождан «Ориф кимдур?» деб сўраганида у бундай жавоб берган экан: «Ориф улдирки, уч юз тўққизда зулкаъда ойининг йигирма тўртида сешанба кунни они Бағдоддаги Бобу тоғига элтгайлар ва аёқ-илкин кесгайлар, кўзин ўйгайлар, дорга осгайлар, танин куйдириб, кулин кўкка совургайлар».

Ажабки, ана шу кун етиб келади ва ана ўша ориф Мансур Ҳалложнинг ўзи бўлиб чиқади.

Демак, шундай қабих ва қонли бир иш воқе этилишини Ҳаллож идроки илоҳий ила аввалдан сезган. Ибтидодаёқ интихони беҳато фаҳмлагани боис у ўлимдан кутулиб қолишга эмас, балки ажалдан ҳам бешафқат қийноқ ва азоблардан тезроқ фориг бўлишга чоғланган. Жаҳолат, нодонлик ва зўравонлик муҳити унинг дил розларини эшитмас, эшитса ҳам англамас эди. Мансур эса шу чиркин, бадбўй муҳит пешволарига «Оллоҳ менинг қонимни сизларга ҳалол этди. Мени қатл айлангиз... Энди ҳақиқий бир дин мужоҳиди янглиғ ҳаракат қилинг...», деб уларни рағбатлантирарди.

Ҳалложнинг басират кўзи очик, рухи ёруғ эди. Зулм ва жаҳолат зулматига кўникишни истамасди у. Инсонни ўлдириш — уни енгиш эмаслигини у тўла-тўқис англар, шу боис кўнглида ишқ ва виждон шуъласи барқ урар эди. Унда дор қўрқувидан асар ҳам сезилмас — у озод ориф, маст ошиқ эди. Унинг борлиғи марҳамат ва шафқат, химмат ва саховат билан тўлиб-тошганидан барча хайрон эди. Уни дор майдонига олиб кетишга келганларида «Оллоҳим, менинг зоҳирий борлиғимни маънавий борлиғинга йўқ этдинг... Мени ўлдиришга элтаётганларнинг барига марҳамат кўрсат», дея хайри дуо қилган экан Ҳаллож.

Ана ўша кундан буён Мансур Ҳаллож барҳаёт. Унинг Ҳаққа садоқати ва илҳомбахш жасорати инсоният қалбида нақшланган энг гўзал, энг ибратли дostonдир.

# Аҳмад Яссавий

## I

Туркий халқлар тарихида кенг шуҳрат тошган ва юксак маънавий нуфузга эришган улуғ зотлар кўп бўлган, лекин Хожа Аҳмад Яссавийга ўхшаб асрлар мобайнида туркий қавмлар руҳоний ҳаётига раҳнамолик қилган ва шу кунларга қадар тасаввуф, адабиёт, маданият, ҳатто сиёсат жабҳасида таъсирини ўтказиб келган буюк сиймолар бармоқ билан санарли.

«Яссавий — Исломга киришнинг охириги ва Исломиётнинг илк шоири — идеологи эдики, худди шу маънода у буюк Шарқ ренессансининг юзага чиқишида улкан хисса қўшган», — дейди профессор Яшар Қораев. Дарҳақиқат, Аҳмад Яссавий фақат янги тариқат яратувчиси сифатида эмас, балки туркий тасаввуф шеърлятининг биринчи ижодкори сифатида ҳам қайтарилмас ва унутилмас тарихий вазифани амалга оширган эди. Туркий тил ҳам гўзал, ҳам қудратли, ҳам бағри кенг тилдир. Бу тилда қадим замонларда Буддизм ва Моний динига доир матнлар шарҳланган. Бу тилда яна бошқа динларнинг тушунчаларини ифодаловчи шеърлар ёзилган. Аммо Аҳмад Яссавий ўз она тилини биринчи бўлиб тариқат тили мақомига кўтарди. Шунинг учун унинг шеърларидаги ҳар бир сўз ва ҳар бир ибора ислом ҳақиқатлари қадар муқаддас, нурли ва илоҳийдир.

Аҳмад Яссавийнинг туркий адабиётдаги тарихий хизмати фақат хикматнавислик анъанасини бошлаб берганлиги билан чегараланмайди, албатта. «Девони хикмат»да муножот, қасида, мунозара жанри талабларига мувофиқ келадиган шеърлар билан бир қаторда, «Меърожнома» ҳам ўрин олган. Яссавийнинг Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом мадх этилган манзумалари яратилиш даврларидан бошлаб то ханузгача ўқувчи кўнглини илҳомлантириб келган ва ҳар қандай ижодкорга таъсир кўрсатишга қодир асарлардир.

Алишер Навоий бу улуғ турк пири ҳақида шундай сўзларни битиб қолдирган: «Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул машойихидир. Мақомоти олий ва

машхур, каромати матаволий ва номахсур эрди. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонасида ниҳоятсиз эрмиш».

Шунча эъзоз, шунча шухрат ва машхурликка қарамасдан, Хожа Аҳмад Яссавийнинг таржимаи холи, ижодиёти ва авлодларининг тақдири ҳақида, афсуски, бизгача етарли даражада маълумотлар етиб келмаган. Лекин бир қатор илмий, адабий, маноқибий китоблар борки, улар Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқат қонунқоидаларини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. Булар: Сулаймон Боқирғонийнинг «Боқирғон китоби», Мавлоно Сафийуддин Қўйлиқийнинг «Насабнома»си, Кошифийнинг «Рашахоти айнул ҳаёт»и, Фазлуллоҳ Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро»си, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр мин амвожил бихор»и, Шайх Муҳаммад Олим Сиддиқнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс»и, Муҳаммад Фуод Купрулизоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» каби асарлардир.

## II

Хожа Аҳмад Яссавий Ўрта Осиёнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган, ҳозирги Туркистон, олдинги Ясси яқинидаги Сайрам шаҳрида таваллуд топган. Яссавийнинг вафот тарихи илмий адабиётларда 1166 – 67 йил деб белгиланганки, бунда олимларнинг фикр-қарашларида деярли ихтилоф йўқ.

Яссавий қачон туғилган? Қанча умр кечирган? Бу саволларга жавоблар эса бир-бирига тўғри келмайди.

Аҳмад Яссавийнинг таваллуд санасини Шаҳобиддин Яссавий 1103 йил деб кўрсатган. Қозоқ олимаси С.Тақибоева китобиде 1105 йил деб белгиланган. Тилшунос Х.Неъматовга кўра, Яссавий 1197 милодий йилда дунёга келган. Бир қатор тадқиқотчилар Яссавий 63 йил умр кечирган дейишса, бошқа бирлари 73 ва 85 йил яшаган, деган қарорга келишган.

Атоқли яссавийшунос Муҳаммад Фуод Купрулизоданинг айтишича, Яссавий 120 ёш яшаб ҳаётдан кўз юмган. Рус олими В.А.Гордлевский бу рақамни яна беш йилга кўпайтириб, Яссавий 125 йил яшаган, дейди. Албатта, олим «Девони ҳикмат»даги:

*Ёронлардан файз ва футуҳ ололмадим,  
Юз йигирма бешга кирдим билолмадим, —*



деган фикрлари асосида шундай хулосага келганлиги шубҳасиздир. Агар Яссавийнинг вафот тарихини 1166 йил ўлароқ қабул қилиб, унинг «Юз йигирма бешга кирдим билолмадим», деган эътирофи эътиборга олинса, унда туғилган санаси милодий 1041 йилга тўғри келади.

Тасаввуф тарихига назар ташланса, кўп улўф шайх ва мутасаввифларнинг анча узок умр кечирганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунга қарамасдан, Яссавий ҳаётининг 125 йилга чўзилганлигига ишониш қийин. Биринчидан, «Девони ҳикмат»даги «Юз йигирма бешга кирдим билолмадим», деган сўзлар тарихий ҳақиқатдан кўра, ма-ноқибий мазмунга эга. Иккинчидан, 125 йиллик узок умрнинг ярмидан кўпини «ер ости»да («Олтмиш учда ер остига кирдим mano», дейди Яссавий.) ўтказиш ақл бовар этмас бир ҳодиса. Бизнингча, Яссавийнинг яшаш вақтини 75—85 атрофида белгилаган олимларнинг тахминлари ҳақиқатга яқин келса-да, аниқ ҳужжат ва далилларга асосланмагунча бундай тахминлар тахмин бўлиб қолаверади. Хуллас, Хожа Аҳмад Яссавий XI асрнинг биринчи ярмида, Сайрамдаги энг нуфузли оилалардан бири, маърифат ва жувонмардликка ихлос-эътиқоди билан шуҳрат таратган Шайх Иброҳим оиласида туғилган. Онаси эса Шайх Иброҳимнинг халифаси Мусо Шайхнинг қизи Ойша хотун эди. Бу оилада аввал бир қиз туғилади. Унга Гавҳари Шаҳноз деб ном қўйишади. Аҳмад таваллуд топгач, кўп ўтмай онаси вафот этади. Етти ёшида эса отасидан ажралади ва унинг тарбияси опаси Гавҳари Шаҳноз зиммасига тушади. Кейин улар Ясси шаҳрига кўчиб боришади. Ёш Аҳмад Яссидан биринчи устози Арслон боб билан учрашади. Шу тарзда ундан илк таҳсилини олади. Ясси Аҳмаднинг маънавий-руҳоний камолотига доялик қилган, унинг дастлабки кашфу кароматларига гувоҳ бўлган ва султонут тариқа, бурхонул ҳақиқат, зубдатул орифин, шамсул авлиё сифатида бутун мусулмон оламига шуҳрат эшигини очган муқаддас заминдир. Хожа Аҳмаднинг Яссавий таҳаллусини олиши ҳақида икки хил қараш мавжуд. Биринчиси, унинг Яссидан яшаганлиги ва шу ерда янги бир тариқатга асос солишга таянилган қараш. Иккинчиси — бир қадар ривоят мазмунига эга қараш. Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр» асарида нақл қилинишича, Мовароуннаҳрда Яссавий номли подшоҳ бўлган экан. У қиш-ни Самарқандда, ёз ойларини Туркистон тоғ этакларида ўтказар экан. Бир ёз ойида шаҳанпоя Қорачук тоғига

овга чиқибди. Лекин ови юришмабди. Шикордан курук қайтишдан ғазабланган ҳукмдор тоғни бутунлай йўқотишни ният қилиб, барча машҳур Шайх ва пирларни ҳузурига чорлабди. Аммо улардан ҳеч бири бу ишни удалай олмабди. Шунда у яна ким назардан четда қолганлигини суриштирибди. «Сайрамда Аҳмад отлиғ бир бола бор...», – дейишибди. «Чорланг!» – дебди шох. Аҳмадга чопар боргач, у опаси билан маслаҳатлашибди. Гавҳари Шаҳноз унга дебди: «Падари бузрукворимиз рихлат замонида васият қилиб айтган эдиларки, фарзанди аржумандимиз Аҳмаднинг зухурига вақт етишса, аломати улдулки, маъбадим ичида бир суфра бордир, у шу суфрани очишга кодир бўлар...»

Хуллас, суфра очилибди. Уни олиб, Аҳмад анжумани авлиёуллоҳга қатнашиш учун Яссига қараб равона бўлибди. Дастурхон ёзиб, бир парча нонни «тўқсон тўқкиз минг авлиё ва сипоҳу подшоҳ»га таркатганда, ҳамманинг қорни тўйиб, ундан яна ортиб қолибди. Бу каромату баракотни кўриб ҳамма қойил қолибди. Сўнг отасининг хирқасини ёпиниб дуо ўқиса ёмғир қуйилиб, ердаги бутун борлик селга ғарқ бўлар ҳолга етибди. Ниҳоят, Аҳмаддан ёмғирни тўхтатишни ёлвориб сўрашибди. У хирқадан бошини чиқаргани замон ёмғир, сел тўфонлари ҳам тинибди. Қарашса, Қорачуқ тоғидан ҳам ному нишон кўринмасмиш. Бу «ҳолати ғариба ва каромати олияни мушоҳада» этган подшоҳ Хожа Аҳмадга: «Оламда ҳар ким бизни севса бундан сўнг сенинг номингни кўшиб ёд айласин», – дебди. Шу кундан бошлаб Хожа Аҳмад Яссавий таҳаллусига эришган экан. Бу ривоят Аҳмад Яссавийнинг болалик чоғларидаёқ кашфу каромат соҳиби бўлганлигини исботлаш жиҳатидан ҳам аҳамиятли, албатта.

### III

Ўн тўққизинчи асрнинг охирларида қадимшунос олим Абубакр Диваев халқ бахшиларидан шундай сатрларни ёзиб олган экан:

*Туркистонда ўн минг боб,  
Сизлардан мадад тиларман.  
Сайрамдаги сонсиз боб,  
Ўтрордаги ўттиз боб,  
Энг буюги Арслон боб,  
Сизлардан мадад тиларман.*

«Боб» арабчада «эшик» маъносини, туркчада эса ислом дини тарғиби учун фидойилик кўрсатганларга берилган бир лақабни ифодалаган сўз.

Алишер Навоий Фарғонада «улуғ машойхни боб дерлар», дейди. Шунингдек, «боб» ва «бобо» сўзи шайх, пир, валийларга нисбатан ҳам қўлланилган. Аҳмад Яссавий Туркистондаги бобларнинг энг буюги, дея эътироф этилган Арслон бобдан таҳсил олган.

Маълумки, арслон халқ тасаввурида куч-қудрат, енгилмас журъат ва жасорат тимсоли саналади. Лекин у фақат жисмоний куч соҳиблари учун қўлланиладиган тимсол бўлмасдан, маънавий-руҳоний куч соҳиблари ҳам арслонга ўхшатишган. Нақл этилишича, қадимий туркларда дин пешволарига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишнинг ифодаси ўларок, уларга арслон сурати тасвирланган олтин бир тахт ясаб бериларкан. Бизнинг назаримизда, Арслон бобнинг номида ҳам шунга яқин бир ишорат яширинган.

Аҳмад Яссавий бу буюк шайх билан учрашганида етти ёшда эди:

*Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,  
Ҳар сир кўриб парда бирла букиб ёнди.*

Арслон бобнинг «етти ёшда» Яссавийни излаб топиши ҳам тасодифий ҳодиса бўлмаган, албатта.

Ривоятга кўра, Ҳазрати пайғамбар сардорлик қилаётган бир уруш чоғида асҳоби киrom ул зотнинг ёнларига келиб оч қолганликларини айтишибди. Пайғамбарнинг дуолари туфайли Жибрили амин жаннатдан бир лаган хурмо олиб келибди. Шунда хурмолардан бир донаси ерга тушибди. Жаброил «Бу хурмо сизнинг умматингиздан Аҳмад Яссавий отлиғ бир буюкнинг насибасидур», дебди. Ҳар омонатни ўз соҳибига етказишга қатъий амал этгувчи Ҳазрати пайғамбар асҳоблардан кимдир бу вазифани зиммасига олишни таклиф қилибдилар. Аммо улардан ҳеч биридан садо чикмагач, Арслон боб бу ишни ўз зиммасига олибди. Пайғамбар (с.а.в.) хурмо донасини Арслон бобнинг оғзига ирғитгани замон бир парда зоҳир бўлибди. Ва ҳазрати пайғамбар унга Аҳмад Яссавий қандай киши бўлишини таърифлаб, унинг тарбияси билан машғул бўлишни амр айлабди.

«Девони ҳикмат»даги бир қатор тўртликларда гўё ривоятдан кейинги ҳақиқатлар ифодасини топгандир:

*Етти ёшда Арслон бобом бердим салом,  
Ҳақ Мустафо омонатин қилди инъом.  
Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом,  
Нафсим ўлиб ломаконга ошдим маном.  
Хурмо бериб, бошим силаб, назар қилди,  
Бир фурсатда уқбо сори сафар қилди,  
Алвидо деб бу оламдан гузар қилди,  
Мактаб бориб, қайнаб, тўлиб тошдим маном.*

Арслон боб тириклигидаёқ Аҳмад Яссавийни Бухорога бориб таҳсилни давом эттиришга даъват этган эди. Устозининг вафотидан сўнг Яссавий билимини ошириш учун Бухорои Шариф томонга йўл олади.

Ўша замонларда илм-маърифатнинг Мовароуннаҳрдаги нуфузли марказларидан бўлган Бухорода Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йиғилишган. Аҳмад Яссавий Бухорода, энг аввало, диний ва тасаввуфий илм сирларини чуқур эгаллашга киришади. Араб тили билан бир қаторда форсий тилни ҳам мукамал ўзлаштиради. У худди шу муборак заминда форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишишда зўр рағбат кўрсатди. М.Ф.Купрулизода ҳаққоний таъкидлаганидек, «Аҳмад Яссавий, ҳеч бир жихатдан Исломи илмлари ва Эрон адабиётига бегона эмасди. Таҳсил ва сулук ҳаётининг катта бир қисмини Исломи — Ажам фикр марказларида ўтказганлиги учун қадимги буюк Ажам мутасаввиф шоирларининг тасаввуфий асарларини бағоят чуқур биларди».

Аҳмад Яссавийнинг ҳаётидаги фавқулодда ходисалардан яна бири — унинг Бухорода замонасининг пешқадам олими ва сўфийси Шайх Юсуф Ҳамадонийга мурид бўлганлиги эди.

Абдуҳолик Гиждувонийнинг «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» рисоласидан англашилишича, Ҳамадонийнинг кўнгли бутун махлуқотга муҳаббат тимсоли бўлган. У бағоят собит зот, орифликни ниҳоятда улуғлаган. Яссавий қисқа замонда шайхнинг эътиборини қозониб, ундан олгани файз ила камол мартабасига юксалган ва Ҳамадонийнинг учинчи халифалигига эришган. Шундан сўнг, яъни «иршод ва даъват мақоми» қўлга киритилгач, «Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон сори азимат» (Навоий) айлаб янги бир тариқатга асос солади. Яссавийлик номи билан донг таратган бу тариқат бир турк машойихи томонидан туркий халқлар орасида бунёд этилган илк тасаввуф тариқати эди.

## IV

Ахмад Яссавий Бухородан Яссига қайтгач, тез шуҳрат таратган ва қиска муддатларда кўп ўлкаларга тарқалган янги тариқатни яратди. Яссавийгача ҳам сўфиёна шеър иршод учун бир восита ўлароқ қабул этилган эди. Яссавий, энг аввало, шунинг учун ҳам шеърга мурожаат қилди.

Диний-тасаввуфий маънолар муридларидан ташқари кенг халқ оммаси онги ва қалбида осон ўрин топишини таъминлаш ниятида шеър имкониятларидан ҳам мохирлик ила фойдалана олди.

Ахмад Яссавий асос солган яссавийлик тариқати тасаввуфдаги бошқа тариқатлардан одоб ва аркон жиҳатдан фарқларга эга бўлса-да, туб мохиятда улардан фарқи йўқ. Ўша давр тариқатларида бўлганидек, яссавийликда ҳам тавҳид ишончли ҳокимдир. Имом Ғаззолийнинг шарҳлашича, «тавҳиднинг асл маъноси восита сабабларини эътиборга олмасдан ҳамма нарсани Оллоҳдан билмакдир. Тавҳид аҳли хайр ва шаррни Оллоҳда билур, уларни Оллоҳ яратганига имон келтирур. Бу шундай шарафли мақомдурки, таваккул, ризо, Оллоҳ ҳукмига таслимият холлари ҳам айни шу мартабанинг меваларидир».

Абдулло Ансорийга кўра, тавҳид бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдур. Ахмад Яссавийнинг тавҳидга доир қарашлари ана шундай мақом ва бирликка асосланган. Умуман, Яссавий тариқат билан шариатни ўзаро ич-ичидан уйғунлаштирганлиги учун ҳам Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр мин амвожил бихор» номли асарида яссавийликнинг асослари: 1.Тавҳидга асосланган тасаввуфий тушунчалар. 2.Шариат ва Ҳазрати пайғамбарнинг суннатиға мутлақ боғлиқлик. 3.Шариатга таянган тариқат. 4.Риёзат ва мужоҳада. 5.Хилват ва зикр, деб кўрсатилган. Бу тариқатнинг аҳкомлари эса қуйидагилардан иборат: 1.Маърифати Ҳақ. 2.Саховати мутлақ. 3.Сидку маҳаққақ. 4.Яқину мустағрак. 5.Таваккули ризку муаллақ. 6.Тафаккури мудаққик.

Яссавий тариқатининг ўзидан аввалги бошқа тариқатлардан фарқланувчи жиҳати тилдадир. Унда исломий тасаввуф ғоялари илк мартаба туркийда талқин этилган эди. Яссавиянинг иккинчи бир ўзига хос ва муҳим томони унинг ислом дини, шу диннинг бош китоби «Қуръон»ни таянч манба билиб, форсий тилдаги тасаввуф тажрибаларидан ижодий фойдаланиш билан бир қаторда тур-

кий ахлоқ, қадимий туркий дунёқараш ва ишончлардан йироқлашмаганлигидир.

Бадиий ижодда ватандан жудолик, ғурбат, айрилик, юрт соғинчи хусусида кенг баҳс юритилганлиги маълум. Ўзбек тасаввуф шеърлятида эса «ғурбат» ва «ғариблик» масаласини махсус талқин этиш бевосита Яссавий тажрибалари билан боғлиқ. Улуғ шайхнинг эътирофлари бўйича:

*Ғурбат тегса пухта қилур кўп хомларни,  
Доно қилур, ҳам хос қилур кўп оmlарни.*

Чунки, ҳатто пайғамбару саҳобалар ҳам ғурбат оташида тобланмишлар:

*Ғурбат тегди Мустафодек эранларга,  
Ўттиз уч минг саҳоба ҳам ёронларга.*

Аҳмад Яссавий ғурбат ва ғариблик дардларини талқин қиларкан, албатта, ўз қисмати, айрилиқда кўнглидан туғилган ҳолатларга ҳам асосланган эди:

*Хуросону Шому Ироқ ният қилиб,  
Ғарибликни кўп қадрини билдим мано.*

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Яссавий ҳикматларида ғурбат тушунчаси кўпроқ илоҳий маънода қўлланган бўлиб, унда азалий ватанга интилуғвчи руҳ айрилиғи акс эттирилган.

Умуман олганда, тасаввуфда ватанпарастлик ақидаси йўқ. Тасаввуфий таълимот бўйича, инсоннинг асл ватани мутлақ Борлик. Инсон шу борликда пайдо бўлган, боқий «Диёр» – ўша муқаддас Борликка қайтажак. Шу боис, ҳақиқий сўфий ҳеч вақт «Менинг Арабистоним», «Менинг Эроним» ёки «Менинг Туркистоним» демайди ва демаслиги керак. Чунки бундай маслақ илоҳий ишқ маънабига зиддир. Шунга карамасдан Аҳмад Яссавий ҳикматларида Ватан ва ватанпарастлик хиссиётлари аксини топган. Зеро, Яссавий дин ва тасаввуфга тарғиб қилишни кўзлаган туркий қавмлар қалбига тўла-тўқис таъсир ўтказиш учун миллий идрок ва миллий ғурур, унинг тамали ҳисобланмиш Ватаний ахлоқ ва юрт севгисини эътиборга олмоғи зарур эди. Мана шунинг учун Яссавий ҳеч иккиланмасдан тасаввуф шеърлятига Ватан мавзусини олиб кирган. Яссавийлик юрт ишқи, Ватан ҳимояси ва равнақи учун курашга чорлайдиган тариқат. Афсуски, бу ҳақиқат узоқ йиллар давомида нотўғри ва теска-

ри тушунтирилиб келинди. Яссавий ва яссавийликка алоқасиз сиёсий танқидлар тўқилди.

Яссавийлик тариқати мафкураси учун, ҳеч шубҳасизки, ожизлик ва қарамликка кўниш, зулм ва золимликка ён бериш, нафс хирсида олий туйғуларни қурбон айлаш, маҳдудлик ва ақидапарастлик майллари бегона эди. Шунинг учун ҳам бу тариқат Ўрта Осиёда, Хоразм, Кавказ ва Ўрта Волганинг татар ўлкасида кўп сонли намояндаларига эга бўлган, Хуросон, Эрон ва Онадўлида Яссавийга издош гуруҳлар фаолият кўрсатишган эди. XVII аср татар шоири Мавло Қули:

*Сўфийлик мевалари пишиб кетмиш,  
Ман ондин бирин-бирин тотсам эрди.  
Ул меванинг лаззатидин маст бўлибон,  
Ўздин кечиб, беғам бўлиб ётсам эрди, —*

дейди. Мавло Қули бунда, биринчи навбатда, Хожа Аҳмад Яссавийнинг улуғ шахсияти ва тариқатини назарда тутганлиги шубҳасиздир. Чунки профессор Исмоил Ёқут айтганидек, «Хожа Аҳмад Яссавий бўлмаса эди, бугун туркларнинг қандай бир диний ҳуввиятга соҳиб бўлишини ва ўртада қандай бир тасаввуф тушунчаси тузилишини тасаввур этиш кўп қийин бўлурди». Шунингдек, Яссавий ҳикмат номини бергани тасаввуфий шеър анъанасига асос солмаганида, умуман туркий адабиётда ирфоний мавзу, гоё ва тимсолларнинг тарихи ёки тақдир қандай кечишини аниқ кўрсатиш ҳам мушкуллашарди. Яссавий туркий тасаввуф адабиёти тамалини яратиб, кейинги давр тасаввуфий шеърятнинг инкишофига кучли таъсир ўтказгандир.

## V

Ҳижрий XI асрда Ҳаким Саной, Фаридуддин Аттор ижодлари билан Эрон адабиётида буюк мутасаввиф ижодкорлар даври бошланди. Жалолиддин Румий шеърят билан тасаввуф адабиёти мисли кўрилмаган юсакликларни ишғол этди. Бу улуғ шоирлар тариқат қонун-қоидаларига қатъий амал қилувчи бир сўфий каби яшамаган бўлсалар-да, асарларида сўфийлик ахлоқи ва таълимотига доир фикр-мулоҳазаларни илҳом-ла илгари сурганлар.

Тасаввуф маслаги инсоннинг басират кўзини Рух ва Кўнгил оламига қаратди. Нафсни таниш ва енгил орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатди. Ва ру-

хоният тарбияси учун узлуксиз ғамхўрлик қилиш усулларини кўрсатди. Булар шеърятнинг мақсад ва қизиқишларига мувофиқ келадиган ҳақиқат ва ҳолатлар эди. Тариқатга мансуб шоирлар фикр-қарашларининг тарғиби учун дастлабки даврларда кичик шаклларга, хусусан, рубоий жанрига мурожаат этган бўлсалар, тасаввуф таълимоти кулоч ёзгани сайин бошқа шеърӣй шакллардан ҳам унумли фойдаландилар. Бунда ўзига хос бир манфаатдорлик тамойили мавжуд эди. Чунончи: тариқат ва хонақоҳ аҳли шеърга таъсирбахш тарғибот воситаси деб қараган бўлишса, шеърят вакиллари учун тасаввуф янги ғоялар, фалсафӣй мушоҳадалар, гўзал самовӣй туйғулар, эркин ва порлоқ орзулар манбаига айлангандир. Айниқса, илоҳӣй мавзудаги шеърларда рамз, мажоз ва тимсоллар алоҳида мавқега эришганди.

Форс-тожик шеърятда ҳам, туркий адабиётда ҳам халқ орасида сўфӣйлик асосларини талқин этиш ва тарғиб қилиш мақсадида бир неча буюк асарлар яратилдики, шундай асарлардан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»идир.

Тасаввуф бадий ижодни янги ғоя, тушунча ва туйғулар билангина эмас, ориф, дарвеш, фақр, абдол, эран сингари қаҳрамонлар билан ҳам бойитди ва уларни комил инсон идеали атрофида бирлаштирди.

Аҳмад Яссавийда «Хар не қилсанг ошиқ қилгил, Парвардигор», деган фикр бор. Аҳмад Яссавий учун бу жуда муҳим, айтиш мумкинки, бош орзу эди. Чунки, Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ни яратар экан, ўзини шоир эмас, чин ошиқ қиёфасида тасаввур этган. Зеро, тасаввуф аҳлининг ишонч-эътиқоди бўйича фақат ошиқнинг шеъри Оллоҳ каломининг тафсири ҳисобланган. Негаки, бундай шеърлар оддий шоирниқидан фарқли ўлароқ ҳайрат ва мастлик маҳсуллари сифатида эъзозланган. Бундай шеърларнинг илк намуналари Мансур Ҳаллож, мисрлик шоир Умар бин Форид томонидан яратилган. Ана шу сабабга кўра ҳам Аҳмад Яссавий Мансур Ҳалложнинг сакр ҳолатида айтгани «Анал-Ҳак» таъбирини тўлиқ қўллаб-қувватлаган.

## VI

Аҳмад Яссавий шеърларини ўз ичига олган мажмуа «Девони ҳикмат» ислом дини асосларидан баҳс этувчи, шариятнинг аҳкоми ва аҳли суннатнинг ақидаларидан са-



боқ берувчи, тасаввуф сирлари ва тарикатнинг одобу арко-ни ёритилган қомусий характердаги асардир. Унда илохий ишқ ғояси ва дидактик мавзу йўналиши етакчилик қилади. Абдурауф Фитратнинг таъбирича, Яссавийнинг «адабиёт-да тутган йўли содда ва халқ шоирларимизнинг тутган йўллари дир... Унинг ҳикматлари вазнда, кофияда, услуб-да халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар» юрган.

Яссавий «турк шоирларининг даҳоларидан», деб таърифлаган Абдурахмон Саъдий ёзади: «Яссавий турк қавм-ларининг ҳақиқий маъноси билан чин шоирларидан (лирик) ва классик шоирларидандир. Ул ғоят ҳассос, ил-ҳом ва хаёли ғоят табиий ва енгил ўқишли бир шоир-дир. Яссавийнинг юраги бутун умрга рухий ва маънавий ишқ билан ловуллаб ёнатурғон шеърий бир ўтдир».

М.Ф.Кўпрулизоданинг Аҳмад Яссавий шоирлик фао-лиятига назари ва муносабати нисбатан бошқача. Унга кўра, Яссавий араб ва форс тилларидаги тасаввуфий асар-ларни ўқий олмайдиган туркларга маърифат тарқатиш ва муридларига тасаввуфий ҳақиқатларни талқин этиш мақсадида шеър ёзган.

Форс-тожик тасаввуф шеъриятини янги ва юксак бос-қичга кўтарган Санойй, Фаридуддин Аттор, Жалолид-дин Румий сингари мутасаввиф шоирларнинг ижод наму-налари билан қиёслаганда, албатта, «Девони ҳикмат»да-ги лирик тамойил ўзгача маъно касб этади.

Аҳмад Яссавий биринчи бўлиб ҳикматнавислик анъа-насини бошлаб берган ижодкор. Яссавий ҳикматлари-нинг бош фазилат ва хосияти шундаки, улар, энг авва-ло, шеърхонни Бирлик Кучига иқроқ айлантиди ва илохий Бирлик Шавқи билан кўнгилни поклайди. Яссавий ҳик-матларини ўқиганда киши гўзал ахлоқ ва яхши амал, юксак орзу муҳибига айланади, аста-секинлик билан бўлса-да, ўткинчи дунё даъволаридан йироқлашиб маъ-но ва моҳиятга юз буради. Чунки Аҳмад Яссавий кўзла-ган бош мақсад орифона мақсад бўлган. Шунинг учун у ўз ижод намуналарига ҳикмат номини берган.

М.Ф.Кўпрулизода диний-тасаввуфий манзумалар Х асрдан эътиборан «ҳикмат» деб аталганини ёзган. Мута-саввиф шоирлар, жумладан, Аҳмад Яссавий учун ҳам «ҳикмат ладуний моҳиятга эгадир». Форобийнинг таъ-кидлашича, ҳикмат «бешиги» файласуфларнинг онги эмас, пайғамбарларнинг кўнглидадир. «Қуръон»нинг Бақара сурасида (269-оят) бундай дейилган: «У, яъни фазлу қарами кенг Оллоҳ ўзи истаган кишиларга ҳикмат бера-

ди. Кимга хикмат берилган бўлса, муҳаққакки, унга кўп яхшилик берилибди». Лукмон сурасининг 12-оятда, «Аниқки, биз Лукмонга хикмат ато этдик», дейилган. Шу маънода кўп мутасаввифларга Лукмон ҳаким ўрнатилган. Юнус Эмронинг «Ўқиб хикмат илмини Лукмон ўлайин бир замон», дейиши шунчаки орзу бўлмаган, албатта. Аҳмад Яссавийда ҳам хикмат — «илми ладуний», яъни илми ғайбу ҳақойиқ ва илоҳий сирларни кашф этмоқ ва ифодаламоқ мазмунига тенг. Бу ҳақиқатни Сулаймон Боқирғоний:

*Боқса Каъба кўрунгон, босса ерлар тирилгон,  
Ладун илми верилгон шайхим Аҳмад Яссавий, —*

дея таъкидлаган.

Лекин тасаввуфда илми ладуний ҳам икки қисмга ажратилган. Биринчиси — раҳмоний, иккинчиси — шайтоний. Буларнинг фарқлари ваҳий келишига боғлиқ. Фахри Коинотдан (Муҳаммад алайҳиссаломдан) сўнг эса ваҳий тўхтагандир. «Илми ладунийи раҳмоний Ҳақ таолога тоат ва убудият, пайғамбаримизга муҳаббатдан ҳосил бўлури, китоби илоҳ ва китоби расулиллоҳ у орқали англашилури».

Дарҳақиқат, фаҳм ва идрок, зехн ва хиссиётда Оллоҳ баъзиларни беҳад устун эканлиги учун ҳам тасаввуф аҳли илоҳий илҳомдан туғилган маърифат — илми ладуний завқи билан нафас олганлар. Оллоҳ хикмат кўнгил соҳиблари томонидан англашиларкан, дил хикмат йўли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тасаввуф адабиётида муршиди комилнинг кўнгли кўпинча «ҳиммат бешиги»га ўхшатилади. Аҳмад Яссавий хикматларида «илми ботин», «илми ҳунар», «оби хайвон» иборалари ҳам илми ладун, аниқроғи сўфийликка муқобил мазмунни акс эттиради.

Аҳмад Яссавий бир тўртликда:

*Саккизимда саккиз ёндин йўл очилди,  
Хикмат айт деб бошларимга нур сочилди, —*

дейди. Демак, Яссавийда хикмат айтиш истаги илоҳий-руҳий эҳтиёж туфайли пайдо бўлган дейиш мумкин. Лекин у бошқа бир ўринда:

*Ўттиз тўртда олим бўлиб, доно бўлдим,  
Хикмат айт деб субҳон айди, гўё бўлдим, —*

дейдики, унинг «ичи-тоши ҳақ нурига» тўлган айни ўша вақтларда илоҳий маъно ва туйғулар хикматига айланганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

Сиртдан қаралганда, Яссавий хикматларининг тил ва ифодаси сингари маънолари ҳам содда ва осон англашиларлидек кўринади. Аммо зохирий маъно пардаси билан ёпилган улардаги ботиний — асосий маъноларни тўлиқ англаш, тимсол ва ташбеҳларнинг мундарижасини тўғри белгилаш анча мушкулдирки, бу нарса «Девони хикмат»даги дастлабки тўртликни ўқишданок сезилади:

*Бисмиллоҳ деб баён айлай хикмат айтиб,  
Толибларга дурри гуҳар сочдим мано.  
Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар ютиб,  
Мин дафтари соний сўзин очдим мано...*

Мусулмончилик эътиқоди ва одоби бўйича «Бисмиллоҳ» ҳар хайрнинг боши. Аҳли илм бу муборак калимани ислом нишони билгани каби, бутун мавжудотнинг «лисонии ҳол ила вирди забонидир», дея эътироф этишган.

«Бисмиллоҳ»да туганмас бир қувват, доимий бир баракот борлигини ориф зотлар, жумладан, Аҳмад Яссавий ҳам теран идрок қилган. Дин ва тасаввуф вакиллари ўртасида «Бошда «Бисмиллоҳ» зикрдир, охирида «Алхамдулиллоҳ» шукрдир, Аҳад, Самаднинг мўъжизаси қудрати ва хидояти раҳмати туфайли ато этилган неъматларни тушунмоқ фикрдир», — деган ақида бор. Яссавий «Бисмиллоҳ»да «зикр», «шукр», «фикр»га йўл очгандир.

Тасаввуф аҳли уч табақага ажратилган. Биринчиси — мурид. Мурид бўлмоқ — бу тариқатнинг иккинчи мақоми. Мурид уч турлидир: 1.Мутлақ мурид. 2.Мажозий мурид. 3.Муртад мурид. Мутлақ мурид ҳар қандай ҳол ва вазиятда ҳам шайхидан ҳеч қанақа далил ва исбот талаб этмайди ва унга тўла бўйсунди. Зоҳирда шайхи истагандай кўриниб, ботинда ўзи истаган кишига айланиши — бу мажозий муридлик. Муртад мурид шайхнинг маълум бир холини кўргани замон ундан юз бурувчидир.

Аҳмад Яссавий «Толибларга дурри гуҳар сочдим мано» деганида, албатта, биринчи табақага мансуб аҳли сулукни эътиборга олган.

Тасаввуфда «илму ҳунар» қиймат эътибори билан кўпинча «гавҳар»га қиёсланади. «Миръоти ушшоқ»да гуҳар — солиқни сўз инжусига молик айлайдиган маънийи ҳақиқий, деб шарҳланган. Умуман, «гавҳар» дин ва тасаввуфда жуда чуқур мазмунга эга бир тимсолдир-

ки, бу жиҳатдан «Маноқибӣ Хожа Каъбул-ахбор» рисо-ласидаги бир хикоят диққатга молиқдир. Нақл этилиши-ча, Муҳаммад алайҳиссалом меърожга кўтарилиш кеча-си, Жаброилдан «Эй биродар Жаброил, Худои таоло барча ашёдан аввал нимани яратган эди?» -- деб сўра-ганда, у: «Раббул иззат дастлаб гавҳарни яратганди. Қуд-рат назари ила ул гавҳарга нигоҳ ташлагач, гавҳар сув бўлиб мавж ура бошлади. Ва етти қат осмон пайдо бўлди... Шундан сўнг Оллоҳ яна ўша гавҳарга бокди. Етти қат ер бунёд бўлди», — деган экан.

Ахмад Яссавий «Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар» ютишни «Толибларга дурри гуҳар» сочиши билан бирга, «дафтари соний» сўзини очишга ҳам нисбат берган.

Дафтари соний — иккинчи дафтар демак. Ҳикмат-ларда бу ибора бир неча бора тилга олинган. Хўш, «дафтари соний» замиридаги ҳақиқат нима? У нимага ишора қилади?

Маълумки, Яссавийга эргашиб ҳикмат айтган шоир-ларнинг сафи анча кенг бўлиб, уларнинг асарлари шакл, маъно, ифода жиҳатидан Яссавий ҳикматларидан унча фарқ қилмаган.

М.Ф.Кўпрулизода «дафтари соний» — тилга олин-ган ушбу шоирлардан бирортасиники бўлиб, «Девони ҳикмат»га киритилган деган тахминни илгари сурган. Унингча, Яссавий издошлари ўзларининг ҳикмат тўплам-ларини «иккинчи дафтар», деб ҳисоблаганлар. Яссавий-нинг «То тириксан ишқ дафтари адо бўлмас» сатрига асосланиб, Камол Эраслон шундай изоҳ беради: «Бу мисрадан «Девони ҳикмат»нинг илоҳий ишкни ифода ва талқин этган бир дафтар эканлиги маълум бўлур. Ди-ний-тасаввуфий ҳикматлардан иборат бўлган «Девони хик-мат»да илоҳий ишққа кенг ўрин берилганлиги ҳам ушбу даъвонинг тўғрилигини тасдиқлайди».

Унда биринчи дафтар нима? Камол Эраслонга кўра, биринчи дафтар — «Лавҳи махфуз»дир. У «Девони хик-мат»ни «Лавҳи махфуз» — «Азал дафтари» ёки «Дафтари аъмол» — «Амаллар дафтари»дан кейинги «иккинчи даф-тар» сифатида қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, «Қалба оламнинг ҳақиқат ва сув-ратининг ҳосил бўлиши, баъзан туйғулардан, баъзан эса лавҳи махфуздан юзага чикур... Шу нуқтаи назардан қалб ила лавҳи махфуз орасидаги парда кўтарилгани замон, лавҳи махфуздаги ашё равшанлашур ва лавҳи махфуздан қалбга қараб илм тўғри оқмоққа бошлар. Шундай қилиб,

туйғуларнинг ботиний оламлардан илмларни иқтибол эт-моққа эҳтиёжи қолмас ва бундай бир қалб қаттиқ ернинг қаъридан қайнаб чиққан булоққа ўхшар».

Демак, Яссавий «Дафтари соний сўзин очдим мано», деганида лавҳи махфуздан қалбга оқиб кирган илохий илмдан туғилган ҳақиқатлар ифодасини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. «Девони ҳикмат» асосан тасаввуф ҳақиқатларидан баҳс этгани учун «иккинчи дафтар»дан мурод эҳтимол «илми ҳол» ёки тариқат илми бўлгандир. Эҳтимол, иккинчи «дафтар»дан олдин «Девони ҳикмат»нинг биринчи «дафтари» юзага келгандир. Лекин булар хусусида фақат тахмин қилиш мумкин. Қатъий ҳукм чиқаришга эса хозирча мустаҳкам асос йўқ.

Ахмад Яссавийнинг мафқураси туркий-исломий мафқура. Бунининг қуйидаги сатрларидан ҳам англаш мумкин:

*Хушламайдур олимлар бизни айтгон туркини,  
Орифлардан эшитсанг, очар кўнгиш мулкини...  
Оят, ҳадис маъноси турки бўлса мувофиқ,  
Маъносига етганлар ерга қўяр бўркини.*

Шу жиҳатдан Яссавий ҳикматлари ҳақида баҳс юритганда, улар маъно ва моҳият эътибори билан Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига ниҳоятда чуқур боғлиқ эканлигига алоҳида аҳамият бермоқ зарур. Сахл ат-Тустарийнинг айтишича: «Оллоҳни севишнинг аломати, Қуръонни севмак. Қуръонни севишнинг аломати, пайғамбарни севмак, пайғамбарни севишнинг аломати эса, унинг суннатига муносиб бўлмоқдир». Мана шунинг учун тасаввуф аҳли инсон ўзини Қуръон ила тарбия топтирмоғи ва синовдан ўткармоғи, Оллоҳ ишқини Қуръон ишқи билан узвий алоқадорликда камол топтириш лозимлигини ёқлаганлар.

Яссавий учун Қуръондаги ҳар бир сўз ва ҳар бир тушунча — бу «Ҳақ фармони». У ҳам зоҳиран, ҳам ботинан шу фармонларга тўла таслим бўлмоқ ва шу фармонлар бўйича амал қилмоқни инсон зиммасидаги энг олий вазифа ва бурч, деб ҳисоблайди. Зеро, унинг:

*Саҳарларда Қуръон ўқиб сапо қилсам,  
Ҳазратиға қўл кўтариб дуо қилсам,  
Зори қилиб, бу жонимни фидо қилсам,  
Саҳарларда қўнуб тоат қилгум келур, —*

дейиши ҳам юзаки бир истак бўлмагандир.

Тасаввуфда тафаккурнинг энг мухташам, энг завқли ва энг хосилдор майдони илм ва маърифат. Яссавий таъкидлаганидек:

*Маърифатни минбарига минмагунча,  
Шариатни ишларини билса бўлмас.*

Маърифатнинг минбарини эгаллаш осон иш эмас. Акс ҳолда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, «тавҳид сиррига етса бўлур. Аммо маърифат сиррига етмоқ душвордир», — демаган бўлурди. Ҳақиқатда ҳам тавҳид маърифатнинг юкори, аммо битта «тармоғи»дир. Ҳожи Бектоши Валининг образли ифодаси бўйича, «Маърифат шундай бир дарахтдурки, унинг боши — тавҳид, танаси — имон, япроқлари — ислом, туби — яқинлик, илдизи — таваккул, бутоклари — наҳйи мункар, суви — рижо ва хавф, меваси — илм, тупроғи — комил инсоннинг кўнглидир. Боши аршдан ҳам баланд бу Дарахтнинг беш навдасидан бири — шавқ, иккинчиси — муҳаббат, учинчиси — иноят, тўртинчиси — иродат, бешинчиси эса — курбиятдир».

Демак, маърифат соҳиби бўлмоқ учун ана шунча ҳақиқат ва фазилатларнинг соҳиби бўлмоқ, маърифат сиррига етмоқ учун ана шунча ҳақиқат ва хусусиятларнинг асроридан огоҳ бўлмоқ лозим. Маърифат инсон онги ёки кўнглига ташқаридан олиб кириладиган, яъни зоҳирий бир неъмат ёки қудрат эмас, балки инсоннинг илохий мавжудлигидан юзага келадиган фикрий ва рухий қудратдир. Маърифат — энг аввало, қалб мужоҳадаси ва ўзни англамоқ демак.

Тасаввуф таълимоти, маълум бир маънода, нубувват таълимоти ва маърифатга содиқликдир. Шу жиҳатдан Жунайд Бағдодийнинг тасаввуфнинг асосларини Ҳазрат Иброҳимнинг саховати, Исмоилнинг таслимияти, Айюб алайҳиссаломнинг сабри, Зикриё пайғамбарнинг сукути, Ҳазрати Яҳёнинг ғариблиги, Исо Рухуллоҳнинг тарки ва Муҳаммад Мустафонинг фақр маслаги ташкил қилади, деган фикрини қувватлаш мумкин. Айниқса, «Девони Ҳикмат»да номлари қайд этилган ушбу пайғамбарлар ҳақидаги фикрлар билан танишган киши Жунайд Бағдодийнинг ҳукмини тўла маъқуллаши шубҳасиздир. Масалан, бир хикматдаги:

*Зикриётек бу бошимга арра қўйсам,  
Айюбтек бу танимга қуртни қўйсам, —*

деган гап тўғридан-тўғри Ҳазрати Зикриёнинг кофирлар вужудига арра тортганда ҳам сукут этиши ва Айюб пайғамбарнинг сабрига ишоратдир. Ёки:

*Аллоҳ дебон ўтқа кирди Халилуллоҳ,  
Ўшал ўтни бўстон қилди, кўрунг Аллоҳ, —*

талмеҳи Иброҳим алайҳиссаломнинг саховатини таъкидлайди.

Ҳазилат ва даража эътибори билан пайғамбарлар ўртасида фарқлар бўлганлигини Қуръондаги мана бу сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: «Ушбу пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Оллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг айримлари)ни (Оллоҳ) юксак даражаларга кўтардик» (Бақара: 253).

«Пайғамбарларнинг энг устуни, — дейди Имом Ҳаззолий, — пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафодирлар. Чунки Оллоҳ таоло, унинг билан динни камолга ва пайғамбарликни охирга етказган». Имом Ҳаззолийнинг таъкидлашига кўра, пайғамбаримизнинг бошқа пайғамбарлардан устунлигининг бир ҳикмати, унинг «дин ва дунё ишларини ўз қўлида бирлаштиргани эди. Оллоҳу таоло унинг ила инсонларни ҳам дин, ҳам дунёларидаги салохларини камолга эриштирмишдир. Ундан бошқа ҳеч бир пайғамбарга ҳар икки вазифа бирданига берилган эмас».

Муҳаммад пайғамбар таълимотининг мусулмон маданияти, адабиёти ва фанининг қуёшига айланишининг бош сабабларидан бири ҳам ана шунда. Расулуллоҳ учун диннинг камоли, энг аввало, ахлоқнинг камоли эди. Бир киши пайғамбардан яхши ахлоқ хусусида сўраганда, унга жавоб тарзида қуйидаги оятни ўқиган эканлар: «(Эй Муҳаммад) марҳаматли (кечиримли) бўлинг! Яхшиликни амр этиб, жохиллардан юз буринг!» (Аъроф: 199). Бир зот Расулуллоҳнинг ёнига келиб: «Эй Оллоҳнинг Расули! Дин нимадир?» — дея сўраганда, пайғамбар: «Дин гўзал ахлоқдир», — деб жавоб берибди. Ўша одам пайғамбарнинг ўнг ёнига ўтиб, яна «Эй Расули Оллоҳ! Дин нимадир?» — деб сўрабди. Пайғамбар эса: «Дин гўзал ахлоқдир», — дебди. Сўнг ҳалиги кимса пайғамбарнинг орқасига ўтиб, «Эй Оллоҳнинг Расули! Дин недур?» — деган экан, пайғамбар: «Англамасмисан, дин ғазабланмасликдир», — деган экан.

Ахмад Яссавийнинг:

*Икки олам шоҳи турур бир яхши хулқ,  
Хулқларидан ҳақ Мустафо бўлди улуг, —*

дейиши оддий эътироф эмасди. Яссавий тариқатда ҳам, тасаввуфий маъно ва ҳолатлар акс эттирилган «Девони хикмат»ида ҳам пайгамбарнинг диний-ахлокий қарашлари ва тушунчаларига асосланган эди. Шунинг учун хикматларда «Расулulloҳ сўзин айтдим кони гавҳар», «Аё дўстлар, Мустафодин баён айлай...», «Ариф Расул айтконлари эмди етти», «Ғарибларга раҳм қилмоқ Расул иши...», «Умнат учун Расул доим қайғу еди», «Ғурбат тегди Мустафодек эранларга» сингари изоҳ ва таъкид характеридаги мисраларга тез-тез дуч келинади. Умуман, «ўн саккиз минг оламга сарвар» бўлмиш Муҳаммад Мустафо Яссавий учун фақат шариатда эмас, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатда ҳам раҳнамо ва раҳбар бўлгандир. Ҳатто хилват борасида ҳам Яссавий пайгамбардан ибрат олган эди.

Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр»даги «Эй дарвиш, билгилки, Хожа Ахмад Яссавийнинг хирқати ва ривожи Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам, хирқаи меърожиндин ва хосияти меърожи хурмои латифларидан эрур», деган сўзлари ҳам ушбу фикрни тўла тасдиқлайди.

## VII

Инсон бу фоний дунёга дўстлик ва муҳаббат учун келади. Инсон дўстлик ва муҳаббатнинг маъно-моҳиятини англамаса, ҳеч бир нарсанинг сир ва ҳақиқатини тўғри тушуна олмайди. Ва жаҳлга қул бўлиб, ғафлатга ён бериб, дўстликни ҳам, муҳаббатни ҳам инкор айлаши мумкин. Тарихда бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Хусусан, инсоннинг Оллоҳга дўстлиги ва муҳаббатини инкор қилганлиги учун Жаъд бин Дирҳамга ўхшаш кимсалар энг оғир жазога ҳукм этилганлар.

Ишқ калимаси Қуръони каримда учрамаслиги учун илк зоҳидлар муҳаббат сўзини ишлатганлар.

Ишқ сўзини бир тасаввуфий истилоҳ ўлароқ биринчи бора Абу Хусайн Нурий қўллаган экан. Оллоҳ ишқи хусусида кенг тўхталган илк сўфий Робиятул Адвиядир. Аммо бу мавзунинг тасаввуф ва тасаввуф адабиётидан кенг ўрин ишғол этиши ҳам осон кечмаган. Ва ишқ



тушунчасини ёклаган буюк зотлар доимий равишда у ёки бу тарзда қаршиликка учраганлар. Мана, алоҳида эътиборга молик бир мисол: Бағдодда Фулом Халил номли фитнакор бир кимса яшар экан. У тиш-тирноғи билан тасаввуф аҳлига қарши бўлиб, улар тўғрисида оддий халқ орасида игво ва фасод гапларни тарқатиш билан қаноатланмасдан, ҳукумат одамлари, биринчи галда Бағдод халифасининг кўнглида сўфий ва мутасаввифларга нисбатан ғазаб кўзғашга ҳам эришган. Натижада, фақат ўз замонасининг эмас, балки барча замонларнинг фахри макъеига етишган буюк ақл соҳиби ва «Товус ул-уламо» унвони ила шарафланмиш Жунайд Бағдодийдек зот ҳам кофирлик ва зиндикликда айбланган. Жунайд эса азбаройи фикҳ илмини жуда чуқур билганлигидан ўзини ўлимдан омон сақлай олган. Ўшанда кўп мутасаввифлар илохий ишқдан баҳс юритганликлари учун таъқибга учраб, ҳар турли жазога маҳкум этилганлар. Чунки айрим дин арбоблари ҳам илохий ишқ тушунчасини умуман инкор қилишган.

Фулом Халилга кўра, «Севги фақат махлуқотга хос бир сифат эрур, Яратувчига хос сифат эмас. Шу боис ҳеч кимсанинг «Ман Оллоҳга ошиқман, Оллоҳ манга ошиқ, дейишга ҳаққи йўқ».

Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий эса очик-ойдин қилиб, «Оллоҳга ишқ калимасини изофа этишни тарк этмоқ эътиқод қилганимиз ишлардандир», — дейди. Унингча, ишқдаги, ҳатто энг кичик бир нарса ҳам бидъат ва залолатдир. Қушайрий бошқа бир шайхнинг мана бу фикрларига диққатни қаратган: «Ишқ севгида чегарадан ўтмоқдир. Ҳақ Субҳонаху ишқ-ла васфланмас, чунки У ҳаддан ошиш сифатига эга эмас. Бас шундай, кул Оллоҳ севгисида ҳаддан ошди, дейилиши мумкин эмас... Хуллас, Оллоҳ ишқдан беридир, на Ҳақнинг қули учун, на кулнинг Ҳақ учун ишқ сифатини беришга ҳаққи йўқдир».

Тасаввуф аҳли, албатта, бундай эътирозларни қабул қилмаганлар ва ишқнинг моҳияти, ҳақиқати ва қудратини кенг миқёсларда исботлашга эришганлар. Уларга кўра, биринчидан, ишқ бўлмаса эди, инсондаги барча фазилатлар яширин қолиб, ошкор бўлмасди. Ишқ одам ва олам сирларининг шаффоф кўзгусидир. Инсон қаердан келди, қандай яшади ва қаёнга кетади? Бу саволга тўғри жавоб топишнинг холис йўли ишқдир. Тўғри, Нажмиддин Кубро ҳазратлари айтганларидек, «Ишқ инсоннинг юракбағрини ёндиргувчи бир оташдир. У ақлни шоширтирар,

кўзни кўр, кулоқни кар айлар. Аммо у энг улкан кўрқувларни ҳам кичрайтирар. Бутун диққатни маъшуқага жалб этар...» Шу сабабдан инсон оламда Унинг гўзаллигин кўрар ва шу гўзалликни севар. Олам эса, Оллохнинг гўзаллигидир. Агар Оллохни ким айна шу нуқтаи назар ила севса, оламни Оллох севгиси билан севган бўлур.

Тасаввуфий маслақда ишқ — севгининг энг охириги даражаси ва мукаммал кўриниши. Ишқ мақомига кўтарилгунга қадар ошиқ яна етти даражада қалб ва руҳни камолга эриштириши керак.

Аҳмад Яссавийнинг тарихий хизматларидан бири шундаки, у туркий тасаввуф адабиётида биринчи бўлиб ишқнинг маъно-моҳияти, сири ва инсон қисматидаги оламшумул аҳамиятини ҳар томонлама чуқур ва ёлқинли оҳангларда талқин қилиб берди. Бу — ҳали ишқни танолмайдиган ва ишққа қарши турган кишилар мавжуд замонлар учун ўзига хос жасорат эди. Аҳмад Яссавий намуна қилиб кўрсатган ошиқ, аввало, руҳи ва кўнгли «бўйи Худо» билан тўлган дард ва хасрат кишиси. Унинг учун дарддан махрум одам одам саналмаганидек, ишқсизлар ҳам бамисоли ҳайвондир:

*Дардсиз одам одам эрмас, муни анланг,  
Ишқсиз одам ҳайвон жинси, муни тинланг.*

Ишқ фақат дард ва қувонч, изтироб ва умид, садоқат ва фидойилик эмас, балки доимий бир маънавий-руҳий ҳаракат ҳамдир. Ҳаракатдан наинки одам, олам ҳам ўзгариб, янгилашиб боради. Шунга кўра ошиқ дунёга бошқача қарайди ва дунёни бутунлай бошқача идрок этади.

Мутасаввифларнинг «халқин жадид» (янгидан яратилиш), деган бир назарий тушунчалари бор. Унинг асоси шундай: борлиқ ҳар лаҳза янгилашиб, ўзгариб боради. Ҳар он янги бир яратилиш юзага келади. Ана шу янгилашиб борлиқнинг тамали ҳисобланади. Бу янгилашиб ҳаракатининг асоси эса, бир бор бўлиш — бақо ва бир йўк бўлиш — фанодан иборат. Зеро, доимий тарзда ва силсилавий ўлароқ борлиқ бир онда бир бор бўлиш ва йўк бўлишни бошдан кечирар. Бу лаҳзалик бор бўлиш ва йўк бўлиш шаклидаги ҳаракат, айна замонда борлиққа янгилик олиб келади. Коинотда ҳеч қанақа такрор йўк. Яъни бир бор бўлиш бошқа бирининг такрори эмас. Йўқолиш (фано) они шу қадар қисқаки, унинг тугаши билан дарҳол бошқаси унинг ўрнини эгаллар. Ана шунинг учун оддий инсонлар ушбу жараёни унча

фарқлай олмайдилар. Бу ҳақда Мавлоно Румий «Маснавий»нинг илк жилдида «Ҳар он олам янгиланмоқда. Ва биз турғун қолганлигимиз учун унинг ўзгаришини илғай олмаймиз», дейди. Мутасаввифлар борлиқнинг ҳар он ўлиб янгидан тирилишининг ва ҳар тирилишнинг янги бир борлиқ ўлароқ юзага чиқишини илоҳий ишқ нури билан боғлаганлар. Чунончи, Оллоҳ ҳар тажаллий этишида борлиқни янгилар, янги-янги борлиқлар майдонга келтирар. Бизнинг кўриб, кўникканимиз эски борлиқлар ҳам аслида тинимсиз равишда янгиланишга маҳкумдир. Бу жараёнга «Тажаллий» номи ҳам берилган. Аҳмад Яссавий «Тажаллийнинг мақомидир улуғ мақом», деганда «ошиқ куллар»нинг басират кўзи билан борлиқни доимий янгиланиш ва ўзгаришда кўришларини назарда тутган. Умуман, борлиқни асл ҳолида, яъни барча ўзгариш, янгиланишлар билан кўриш ҳам, Ҳақни таниш ҳам, комиллик мартабаларига соҳиб бўлиш ҳам Яссавийнинг қатъий қарорига кўра ишқ ва ишқ шарофати туфайли воқе бўлур:

*Ишққа қадам қўйгонлар Ҳақ дийдорин кўрарлар,  
Мусо сифат маҳшарда Ҳақдин савол сўрарлар.*

Ишқ бозори — улуғ бозор. Бирок унда «савдо ҳаром». Чин ошиқлар учун маъшуқа васлидан бошқа ҳамма-ҳаммаси ўткинчидир. Ёлғиз ишқ инсонга илоҳий хуррият эшикларини очиб уни моддий ва нафсоний дунё тобелигидан халос айлай олур:

*Ишқ бозори улуғ бозор, савдо ҳаром,  
Ошиқларга сендин ўзга гавго ҳаром.  
Ишқ йўлига кирганларга дунё ҳаром,  
Ҳар не қилсанг ошиқ қилгил, Парвардигор.*

Нақл этилишича, буюк маломатий Ҳамдун Қассор илмда юқори бир даражага эришгач, Нишопурнинг имомлари ва улуғлари келиб унга: «Сўзларинг кўнгулларга бориб етиши ва фойда етказиши учун минбарга чиқиб халққа насиҳат айлашинг керак», — дейишибди. «Бунга ҳожат йўқдур», — дебди Қассор. «Нечун?» У жавоб берибди: «Чунки менинг кўнглим дунё ва дунё мавқеига боғлиқдир. Шунинг учун сўзимдан фойда бўлмас ва кўнгулларга таъсир ўтказмас...» «Жавохир ул-аброр»да Аҳмад Яссавийнинг тўрт турли кишилардан йироқ бўлиш хусусидаги фикрлари келтирилганки, булардан бири дунёпараст ва аҳли ҳаводир.

Ясавий барча хатоларнинг боши ва давоми дунё севгиси, яъни дунёпарастликда деб биледи. Ва инсоннинг олий камолоти тўғрисидаги хулосасини шундай ифодалайди:

*Дунёпараст ножинслардан бўюн товла,  
Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.*

Ясавий хикматларининг калбга чуқур таъсир ўтказиш сирларидан бири ҳам ана шунда. Улар Кўнгил аталмиш ишқ дарёсининг энг покиза дур ва гавҳарларидир.

### XIII

Кунлардан бир кун субҳидамда Будда бир қишлоққа келибди. Бунни эшитган бир одам унинг ёнига келиб, «Мен қудрати олийга ишонадиган бандаман. Аммо марҳамат қилиб менга айтгил: «Худо борми, йўқми?» — дебди. Бу гапни эшитган Будда қатъий оҳангда, «Сен қанақа бўлмағур хаёлларни кўтариб юрибсан. Ҳеч қанақа Худо йўқ», — дея жавоб қайтарибди. Буддадан бундай гапни эшитган ҳалиги кимсанинг кўнгли ларзага келиб, ишончи парчаланиб кетибди.

Шу куни тушга яқин бошқа биров келиб Буддадан сўрабди: «Мен даҳрийман. Худога ишонмайман. Аммо сенинг фикрингни билмоқчиман, айтгил «Худо борми?» «Албатта Худо бор. Худодан бошқа ҳеч қанақа қудратли куч йўқдир», — дебди Будда. Ниҳоят кечки пайт яна бир киши унга мурожаат қилибди: «Мен диндор ҳам, даҳрий ҳам эмасман. Мен агностикман. Менга анигини айтгил: Худо борми, йўқми?» Бу гал Будда ҳеч нима демасдан сукут сақлабди. Лекин бу сукутнинг таъсири сўздан ҳам ортиқроқ бўлибди. Ушбу савол-жавобларни эшитган Будданинг муриди ва доимий мусоҳиби Ананднинг хаяжони эса ҳамманикидан ортибди. Ва устозига дебди: «Ухлаш олдидан менинг бир саволимга жавоб берсангиз. Ахир сиз менинг хотиржамлигимни барбод этдингиз. Бир-бирига зид ва мутлақо қовушмайдиган жавобларингиз билан нима демоқчи бўлдингиз?» «У гаплар, — дебди Будда, — сен эшитадиган гаплар эмасди. Нега эшитдинг! Ким савол берган бўлса, мен айнан ўша одамга жавоб қайтардим. Агар ўша гаплар дилингга қадалиб ўтган бўлса — бу яхши. Мана, сенга жавобим».

Албатта, ҳолат яратиш усул ва йўллари ҳамма дин-

ларда бир хил бўлмаган. Лекин инсоннинг холини ўзгартирмасдан, хар кимнинг фикр-савиясини инобатга олиб, энг аввало, ҳолат яратмасдан одам фарзандини Оллоҳга тўла-тўқис таслим айлаш мушкуллиги деярли барча динларда назардан соқит этилмаган.

Ҳолат яратиш, хол ва ҳолат таъсири орқали кўзланган натижага эришиш хусусан маломат аҳлининг энг севган усулларида бўлган. Бунда улар нафс ва нафсдан юзага келган ҳолатлардан баҳс юритишдан чарчашмаган.

Турк олими Аҳмад Яшар Учоқ Яссавийнинг илк устози Арслон бобнинг маломатий бўлганлигини ёзади. Агар бу фикр ҳақиқат бўлса, Яссавий ёшлигидаёқ маломатийлик сирларидан яхши хабар топгани ва маломатийликка қизиқиш пайдо қилганлигига шубҳа қолмайди. Яссавийнинг маломатийлик билан муносабатини билиш ва «Девони хикмат»даги қатор хикматларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаш учун, оз бўлса-да, маломатийлик ҳақида тасаввурга эга бўлиш зарур.

Тарихдан маълумки, зоҳидлик — дунёпарастлик ва ақиданарастликка, тасаввуф — зоҳидлик ва охиратпарастликка, маломатийлик эса маълум маъноларда тасаввуфга қарши бир тушунча ёхуд маслак оқими ўлароқ майдонга келган. Ҳатто айрим олимлар маломатийликни «Тариқат эмас, балки бир аксил-амал», яъни тасаввуф ва тариқатларга қисман муҳолифдаги фикр ва тажриба ҳаракати деб ҳам таърифлашган. Аслида зуҳдни — исломдан, тасаввуфни зоҳидликдан ажратиб қараш мумкин бўлмаганидек, маломатийликни ҳам тасаввуфдан айри ҳолда тасаввур айлаш тўғри эмасдир. Маломат аҳлининг сўфийликдаги айрим шаклий ва моддий унсурлар, одат ва талабларга салбий муносабатда бўлишига қарамасдан, маломатийликнинг юзага чиқиши, энг аввало, тасаввуф билан боғлиқ. Мана шунинг учун ҳам машҳур рўхшунос Абу Ҳусайн Нурий мутасаввифларнинг барчаси ўн икки фирқага ажралиши, уларнинг иккитаси мардуд ва ботил, қолган ўнтаси мақбул эканлиги ҳақида гапириб, Ҳамдун Қассор асос солган маломатийликни «мақбул ва мўътабар» тариқатлар қаторида иккинчи тилга олади. Масаланинг бонқа бир жуда муҳим томони ҳам бор.

Ислом оламида ўнга яқин тариқат ва тариқат тармоқлари маломатийликдан қувват олиб ёки унинг таъсирида бунёд этилгандир. Нажмиддин Кубро асос солган кубра-

вийлик ана шулардан бири эди. Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатида зикри хуфия усулининг танланиши бевосита маломатийлик билан боғлиқлиги илмда аллақачон қайд этиб ўтилган.

«Маломат» арабча сўз бўлиб, қийнаш, қийнамоқ мазмунидаги «лавм» ўзагидан пайдо бўлган калимадир. Маломатийлик маслаги эса, асосан нафсни қийнаш, ўз нафсига ранж етказиш, бошқаларнинг таъна-маломатларини қувонч-ла қаршилаш маъноларини акс эттиради.

*Сочу соқол хўб оқарди, кўнглум қаро,  
Рўзи маъшиар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ,  
Сенга аён амалсизман, кўндир гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.*

Яссавийнинг ушбу ҳикматидаги сўзлар чинакам маломатийга хос бир эътирофдир. Нафсни назорат айлаш, нафсга қарши кураш туйғуси Яссавийнинг деярли ҳар бир тўртлигида сезилиб туради. Аммо у нафсдан голиблик ҳақида эмас, мағлубликдан сўзлайди:

*Нафсим мани йўлдин уриб хор айлади,  
Термултириб халққа мани зор айлади...*

Хўш, бундай очиклик ва ошкораликнинг сири нимада?

Маломатий — улуғликдан, даъводан, ўзини кўз-кўз қилишлардан, халқнинг олқиш ва эътиромини қозониш тарзидан кечган, каромат иддаосидан йироқ, бошқаларни ўзидан устун кўрган, халқдан ҳеч бир тарзда ажралмаган, зикрга, важдга берилиб бақириб-чақириш ила ўзини кўрсатишга интилмаган, ҳалол меҳнат ила топгани билан кун ўтказган, ботинан Ҳақ ила, зоҳиран халқ ила бўлган кишидир (А.Гулпинарли, Туркияда мазҳаблар ва тариқатлар, 246—248-бетлар).

Сухравардийнинг эътирофи бўйича, «ҳақиқий маломатий томирларида ихлос завқи жўшган, том маъноси ила сидқ ва садоқатга эришган бир кишидир». Лекин маломатий нечоғлик сидқ ва ихлос юксаклигига етишмасин, у ўзининг яхши ҳоли ва сифатларини қатъиян халқдан яширган. «Маломатийнинг холини бошқалардан яширин тутуши икки шаклда бўлур, — дейди Сухравардий. — Биринчиси, амал ва ҳолида ихлос ва садоқатни барқарор этишга ғайрати, иккинчиси эса ўзига хос қизғанчиқлик ила холини бошқалардан пинҳон сақлашга иштиёқдир».

Халқнинг кийнаши, бошқалар тилидан бошларига маломат тошларининг ёғиши маломатийларнинг орзусига айланган. «Бошқалар халқ наздида макбул бўлишдан нақадар хушлансалар, маломатийлар, бунинг акси ўларок, халқнинг мардуди бўлишдан шу қадар севинмишлар («Қашф ул-махжуб», 145-бет).

Ана шунинг учун ҳам Яссавий:

*Борон сифат маломатнинг ўқи тегди,  
Пайкон олиб юрак-бағрим тешидим мано, —*

дейди.

Хужвирийнинг таснифи бўйича, маломатнинг уч шакли бордир: 1.Истиқоматда бўлмоқ. 2.Қасд. 3.Тарк.

«Истиқоматда бўлмоқ»ни Хужвирий шундай шарҳлайди: «Маломат йўлига кирган, мунофиқлик, иккиюзламачилик, хушомад офатидан ўзини халос этган ва риёдан сақланган шахслар халқнинг кийноқларидан кўркмаслар, ҳар ҳол ва шарт ичида Ҳақ йўлида юрурлар, халқнинг уларга берган ном, унвон ва лақаблари не бўлса бўлсин, улар учун мутлақо аҳамиятсиздир» (Ўша асар, 146-бет).

Маломатийлар қилган ишлари, эришган ютуқларига эмас, бурчга ва ўз бурчларининг ниҳоятда оғирлигига аҳамият берганлар. Шунинг учун ўзининг қилган ишига, холига диққатни тортган кимсани гофил ва амалга оширган ишларидан қувонган ёки мамнуният сезганларни риёкор ҳисоблаганлар. Суламийнинг «Рисолаи маломатия»-сида маломатийларнинг фикр-қарашлари, ўзларига хос хусусият ва амалий ҳаракатлари атрофлича талқин этиб берилган. Шу рисоладаги сўз ва ҳукмларга асосланиб айтиладиган бўлса, маломатийлар учун энг муҳим, энг аҳамиятли нарса бу — Қалб ва Вақт. Ўзларидан бир талаблари, «инсонларнинг қусур ва камчиликларини кўриш машғулиятига барҳам бериб, нафснинг иллат ва қабоҳатларини йўқотиш билан шуғулланиш».

Султон ул-орифин Ҳазратлари бу жабҳада катта натижаларга эриша олганликлари учун ҳам:

*Маломатни бошга олиб жонин берган,  
Ошиқлари ўлмас бурун ўлар эмиш, —*

демишлар.

Яссавийнинг ҳикматларини ўқиш осон. Бироқ уларнинг асл мазмун-моҳиятини англаш ва тўғри талқин

қилиш қийин. «Ўлмас бурун ўлиш» — бу нима дегани? Бугунги шеърхон уни қандай қабул қилади? Умуман, қабул эта оладими? Агар масаланинг илдизи инобатга олинмаса, албатта, ҳеч натижа бўлмайди.

Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Муту қабла ан тамуту», яъни «Ўлмасдан бурун ўлинг» — ана ўша ҳадислардан бири. Сўфий, ориф, эран, абдол — хуллас Ҳақ ошиқлари учун бу ҳадис ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айлангандир. Шу боис Аҳмад Ясавийнинг айрим хикматлари шу ҳадиснинг шеърӣ «тафсири» ўлароқ яратилган бўлса, баъзи хикматларда ундан айни шаклда фойдаланилган:

*«Муту қабла ан тамуту» хок бўлмаклик,  
Ошиқлари ўлмас бурун ўлар эмиш.*

«Ўлмасдан бурун ўлинг» — ҳадисининг мазмуни хусусида кўп тадқиқотчилар баҳс юритишган. Ҳинд пайғамбари Буддага ҳам уни нисбат беришган. Озарбайжон файласуфи Мирзо Фатали Охундовнинг ёзишича, «Ҳинд файласуфларининг ишончларига кўра мухтарам пайғамбар (яъни Будда — И.Х.) «Ўлмасдан бурун ўлинг», — дегандир. Пайғамбарнинг ўзи, эҳтимол, бу таъбирнинг маъносини билган. Бироқ бошқа кишиларга уни англаш душвор, хусусан, унда ўлим ҳақидаги иккала сўз ҳам тўғри маънода татбиқ этилган бўлса».

Ислом файласуфларининг деярли барчаси мазкур ҳадисни Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат беришган. Лекин унинг маъносини англаш ва шарҳлашда ўртада фарқ ва тафовутлар мавжуд.

Қуръоннинг «Ваш-шамс» сурасида келишича, «Дарҳақиқат уни (яъни нафсини — жонини иймон ва такво билан) поклаган киши нажот топади» (9-оят). «Фуссилат» сурасида эса «Уларга оятларимизни офоқда (ташқи дунёда) ва анфусда (нафсда) зухурлантирамиз» (43-оят) дейилган. Тасаввуф тафсирларида Қуръон оятларининг офоқ ва анфусда кўрсатилиши «ўлим» тарзида талқин этилиб, ўлим умумий ва хусусий ўлароқ иккига ажратилган. Биринчиси — нафс ва шахватларнинг ўлими. Иккинчиси — бутун мавжудотга Ҳақ назари билан боқмоқ, борлиқдан кечиб, Оллоҳга кўз тикмоқ, тавҳидга етмоқ,



кулнинг ҳолдан ҳолга юксалиб, ашённи Ҳақда фоний кўрмоғи.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ёзади: «Сўфий Пири Сесадола — Дарвеш Ҳусайннинг набирасидур. Ва Мавлоно Муҳаммад Чохуннинг ўғлидир. Сўфийликка табобатни зам қилибтур, гўё мараз риёзатин торткон солиқларга «муту қабла ан тамуту» иршодин килур». Демак, сўфий Пири Сесадола сўфийликка табобатни кўшаркан, нафсни енгиш, яъни солиқларга руҳоний ҳаёт ва завқу шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган.

Ҳўш, пайғамбаримизнинг бу ҳадисдан назарда тутган туб мақсадлари нима эди? Бу саволга Мавлоно Жалололдин Румий «Маснавий»сининг тўртинчи дафтарида жавоб топиш мумкин: «Пайғамбар нурни англатаркан... дедики: Нур қалбни мунаввар қилдими, бунинг натижаси шудир: инсон ёлғон дунёдан йироқлашур нашъалар диёри бўлмиш охиратдан кечар». Пайғамбарнинг «Нур қалбга киргани замон қалб севинар ва кенгаяр», деган ҳадисларини эшитганлар «Бунинг аломати недур?» — дея сўрашганда Расулulloҳ, (с.а.в.) «Алданиш, ғурур, мунофиқликдан тозаланмоқ, ўлмасдан бурун ўлиш ҳолини камол топтирмоқ», деб жавоб қайтарган эканлар. Дарҳақиқат, «ўлмасдан бурун ўлиш» сифати ва ҳолини камолга етказмасдан на тасаввуфий ҳаёт ва ахлоқда, на ишқу ошиқликда олий мақсад ва мақомларга юксалиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Имом Раббоний: «...ўлмасдан бурун ўлиш ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас зотга етишмак мумкин бўлмас... бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимлар ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур», — деган.

Демак, Яссавий «Ошиқлари ўлмас бурун ўлур эмиш», деганида худди шу камол даражасидан баҳс юритган. Қабр азобиданмас.

Маломатийлик инсоннинг қусур ва камчиликлари, ожизлик ва ахлоқий ноқисликлари ҳақида кенг мушоҳада қилиш ва буларни ҳеч хаспўшламасдан очиқ-ойдин баён айлашга чорлаган.

Аммо бу чорловнинг замирида тўла маънода комилликка эришиш ва безавол инсоний фазилатлар учун курашиш нияти яширингандир. Шу маънода Яссавийнинг маломатийлик ҳиссиёти ила яратилган ҳикматлари инсоннинг ҳам ўзи, ҳам Оллоҳ олдидаги масъулиятини чуқур англашга ўргатади.

Тарихдан маълумки, ислом динига яхши назар билан қарамаган қорахитойлар XIII асрнинг 30—40-йилларида Ўрта Осиёнинг маълум қисмини, жумладан, Яссини ҳам забт этган. Аҳмад Яссавийнинг янги тариқат асосчиси сифатидаги фаолияти ана шу қийин ва мураккаб шароитга тўғри келди. Яссавий турк хукмронлари — қорахонийлар билан қорахитойлар ўртасидаги урушлар ва уларнинг дахшатли оқибатларига гувоҳ эди. У халқ ҳаётидаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий бўҳронларни жуда оғир қабул қилар ва уларга муносабатини хикматларида ҳаққоний ифода ҳам этганди. Чунки у Абдурахмон Саъдий айтганидек, «расмий ва одатий ибодат кишиси эмас», балки уйғоқ виждон сохиби эди. Яссавий хикматларидаги инкорлар ҳам, айблов ва насихатлар ҳам дардли Виждон фарёдлари эди. Яссавий ҳаётдаги кулфат ва фожиаларнинг илдизин одамлар ботинида кўрганди. Шу учун Яссавий қайси масаладан баҳс этмасин, одамларнинг эътиборини асосан шундай мақсадга қаратишга интиларди: бу мутлақ ҳақиқатни билиш, Ҳақни севиш. Чунки «Ҳақни суйган»лар йўлдан озиб, нафсу дунё учун имонсотарлик қилмайдилар:

*Тўғри юрган ошиқлардин Худо рози,  
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози,  
Ёлгончилар ошиқмен дер, Оллоҳ қози,  
Имониши пучак пулга сотар эрмиш.*

Аҳмад Яссавий хикматларини ўқиганда беихтиёр шундай хулосаларга келинади: Инсон — Худо борлигининг энг олий зухуроти. Худо дилда яшайди. Бу дил илохий жозиба касб этмоғи учун Оллоҳ инояти-ла тубдан янгиланади. Мана шунда қалбда эврилиш содир бўлади. Бу — ҳақиқий Ишқ. Ишқдаги балоғатга қараб одамнинг одамлигини аниқлаш мумкин. У руҳдан мутлақо эркинликка эришиши, ҳар қандай қарамликдан қутилиши лозим. Агар кишида Ишқ бўлмаса, ҳатто салтанат сохиби сифатида доврўф таратганда ҳам у қуруқ жасади. Чунки «Ишқсизларни ҳам жони йўқ, ҳам имони йўқ».

Ҳар қанақа иллат ва қабоҳатнинг илдизи одамнинг онгида қуриб битиши керак. Ана ўшанда ҳеч қандай ғайриинсоний майл ва ноқисликлар одамлараро муомала-муносабатларда кўкариб турмайди. Бунинг улўф чораси — маърифат, дейди Яссавий хикматларининг мантифи. Чунки, биринчидан, «Тўғри юрган ошиқлардин Худо рози».

Иккинчидан, мухаббат шавкидан хабардор киши «Ҳаром-хариш йиғиш молга» қувонмоқдан бутунлай хазар қилади. Ниҳоят, «Нафс илгида хароб, адо» бўлмоғидан ўзни қутқариш изтироблари билан яшайди. Шу зайлда «мухаббатсиз халойикдин» қочган ошиқ, ҳатто дўстидан ажралганда ҳам ҳеч нима йўқотмайди. Балки юксак Рух эҳтиросидан махрум ожиз дўстдан кўра ишончли ва қудратли Дўстга қалбан қаттиқроқ боғланади. Ва бундай юрак табиий равишда ғафлату иллатлардан тозалана боради. Бу тушунчалар эса ҳар бир сўфий ижодкорнинг матлаби. «Эътиқодингни кундалик турмуш ташвишларидан баланд қўй, лаҳзалиқ ёки ўткинчи лаззату фароғатларга илоҳий хиссиётларингни қурбон этма!» — дейди сўфий шоир.

Худога мухаббат, охири нафасгача шу севги гами билан кун кечириш, тоат-ибодат, тавбаю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижоат, ёлғизликдаги хаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилиқ ва самимият, нафсдан ғолиблиқ, фақру фано — булар тасаввуфдаги бош масала ҳамда талаблардир. Аҳмад Яссавий кўп ҳикматларининг мавзу мундарижаси худди шу ғоя ва масалалар талқинидан таркиб топгандир. Ва ўқувчилар тасавбурида комил инсон қиёфасини гавдалантиради. Комил инсон ким?

Инсони комил тушунчаси динда мавжуд бўлмаган. У илк сўфийларда ҳам кўзга ташланмаган. Унинг маълум жиҳатлари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож қарашларида ўз ифодасини топган бўлса-да, Ибн Арабийдан кейин барқарор ва яхлит бир тушунчага айланган. Бу тушунчанинг туб моҳияти эса мана бундай: Машҳур бир ҳадисга кўра, Оллоҳ яширин бир хазина эди, ўзини зоҳир айлаш учун дунёни яратди. Демак, энди биладиган, тушунадиган бир мавжудлик зарур эди. Ана шу мавжудлик Инсони комил эрур. Зеро, у ҳақиқатни билгувчи, ҳақиқатларни асл моҳиятини тушунувчи зотдир. Инсон бўлмоқ эса ҳақиқатларнинг тажаллийгоҳи бўлмоқ маъносини акс эттиради.

Ибн Арабийга кўра, олам дастлаб руҳсиз бир қоронғулик шаклида эди. У жилосиз бир ойнага ўхшарди. Бу ойнани жилолантириш учун одам яратилди. У шу ойнанинг ҳам кўрки, ҳам руҳи бўлди. Инсони комил олами акбарнинг (Оллоҳнинг) барча комилликларини ўзида мужассамлаштиргани учун олами асғардир.

Ибн Арабийнинг «Футуҳоти Маккия» асарида ёзилишича, оламда «комил инсондан мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда камолга етишмаганлар бир ҳайвони

нотика (сўзлашгувчи хайвон)дирлар...» Оллоҳнинг оламдаги ҳукми комил инсон туфайли зоҳир бўлганлиги учун «бу оламнинг низоми унинг-ла юзага келгандир». Бугина эмас, комил инсон қалб ва ахлоқ хасталикларининг табиидир. Ботиний иллат ва офатларнинг барҳам этилиши бевосита шундай зотларнинг таважжухларига боғлиқ. Зеро, комил инсоннинг сўзлари даво, назари шифодир...

Комил инсон сифати ва ҳақиқатларини кашф этишда зўр натижаларга эришган алломалардан бири улуғ юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир. Унингча, комил инсон шариат, тариқат ва ҳақиқатда балоғатга етишган шахсдир.

У ёзади: «Инсони комил жаҳонни акс эттиргувчи кўзгу, ўликни тирилтирадиган Исо, қушларнинг тилини билгувчи соҳиби салтанат Сулаймон, оби ҳаётдан қонган Хизр кабидир...»

Яссавий нуктаи назарида ҳам бу дунё Инсони комил билан файзли ва барқарордир. Чунки ундан ҳеч нарса яширин қолмайди. У ашёни ва ашёнинг сирлари қандай бўлса, худди шундай ҳолатда билади. Халқда Ҳақни, Ҳақда халқни кўра олгани учун ҳам Ҳақнинг, ҳам халқнинг хизматини шараф ила адо айлайди.

Ҳамма давр, ҳамма замонлар учун ўрнак ва намуна бўлган Инсони комил Оллоҳнинг расули Ҳазрати Мухаммад Пайғамбаримиздир. Лекин бунда баъзилар ўйлаганидек, ул муборак зотнинг тарихий шахсиятлари эмас, тасаввуфий манбаларда кўп қарра таъкидланганидек, Одам алайҳиссаломнинг лойи қорилаётган чоғдаёқ пайғамбар бўлган Мухаммад, яъни ҳақиқати Мухаммадия назарга олинмоғи лозим.

Хуллас, комил инсонлар шундай бир жамоаки, асрлар мобайнида уларнинг ҳаёт ва фаолият тажрибалари одамларни фақат эзгуликка, фақат шафқат, мурувват ва саодатга йўллаган. Олам ва одам ҳақиқатларини чуқур билишга руҳлантирган. Комиллик мартабасига кўтарилиш учун, албатта, кўп заҳмат чекиш, чинакамига руҳоният ва маърифат соҳиби бўлиш керак. Аммо комиллик йўлидаги барча муваффақиятларнинг бош асоси битта — кўнгилни мосиводан халос қилиш. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларидан бирида шундай дейилган:

*Эй беҳабар, Ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром, андин кўнгул соевтмадинг.  
Нафсдин кечиб Оллоҳ сари тўлгонмадинг,  
Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.*

Шарқда комиллик саодатига эришган инсон борки, уларнинг ҳаммаси, қалб иллатлари орасида энг хавфли деб билганлари, дунё ва ташқи оламга кўнгилнинг гирифторлигидир. Зеро, бу гирифторлик ва боғлиқликдан тўла халос бўлмагунча, комилликка урнишдан ҳеч натижа чиқмайди. Чунки ҳамма таҳликали хатоларнинг дояси дунё севгисидир. Худди шунинг учун ҳам Султон Валаднинг «Маориф»ида мана бундай даъваткор фикрларни ўқиш мумкиндир: «Бу дунёни тарк айлаган киши бизнинг кадр-қимматимизни билур. Жаҳондан кечмак, демак, кўкка тирмашиб юқори кўтарилиш ёхуд сахрою тоғларга бош олиб кетмак эмас...

Жаҳондан юз бурмоқ бўлсангиз, келинг, менинг сўзларимни тингланг ва англанг. Жаҳондан, ўзингиздан ва ўз дунёнгиздан ташқари чиқинг. Ул замон менинг кадримга етурсиз. Бу узун ва таҳликали йўлдан осон одимлайлик. Ер ва кўкни Исога ўхшаб тарк қилайлик. Ер борлиқдир, ғафлат бешигидир. Кўк илм ва маърифатдир. Агар бирор йўлтўсар олдимиздан чиқса, илм қиличи ила унинг бўйини кесайлик. Шайтоннинг аскарлари бўлмиш қоронғу тушунчаларни Ҳақнинг аскарлари саналмиш руҳоний ва нурли тушунчалар-ла яксон қилайлик».

Ҳақиқатда ҳам, қоронғи тушунчалар, нурсиз, зиёсиз майл ва орзулар шайтон «аскарлари»дир. Яссавийга кўра таркидунё қилишнинг туб маъноси худди шу аскарлар ила мурасасиз жанг қилиш ва уларни енгилдир. Акс ҳолда комиллик даъвоси ноқисликнинг ўзига хос исботига айланмоғи муқаррар.

Энди яна икки оғиз гап «Девони ҳикмат» ҳақида. Албатта, Аҳмад Яссавийнинг ўзи шундай ном билан бир китоб тартиб бермаган. Уни Яссавийнинг мурид ва издошлари тузишган. Яъни устозларининг ҳикматларини бир жойга жамлаб, унга «Девони ҳикмат» номини беришган. Ва бу китоб асрлар давомида севиб ўқилиб, бутун турк дунёсига кенг тарқалган. Сўфи Оллоёр Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида фикр юритаркан:

*Шариатда эди ул офтобе,  
Қолибдур ул эрдин китобе, —*

дейди. Бу китоб ханузгача аҳли ирфон кўнглини завқлантириб келаётган тариқат, маърифат ва ҳақиқат сирлари ёритилган «Девони ҳикмат»дир.

Яссавийлик тариқатига кирганлар учун «Девони ҳик-

мат»даги шеърларни ўқиб ёд олиш, ҳатто қобилияти етадиганлар учун шундай шаклда шеърлар ёзиш ҳам тарикатнинг дахлсиз талабларидан ҳисобланарди. Шу боис яссавийлик тарикати кўплаб шоирларни етиштириб чиқаришда ўзига хос бир мактаб вазифасини бажарган.

«Девони ҳикмат»даги ҳамма шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Қайта-қайта таъкидланиб келинаётган бу хусусдаги фикрларни, албатта, эътиборга олиш керак. Аммо масаланинг маълум бир томонига ёпишиб олиб, алоҳида бир далиллар воситасида Яссавийнинг ижодкорлигини инкор қилишга уринмаслик лозим. Шўро даври адабиётшунослиги ва номдор олимларининг энг катта хатоси ҳам ана шу эди.

Яссавийдан узоқлашиш бизни, энг аввало, рухониятдан, маърифат ва маънавиятдан йироқлаштиради. Яхё Камол: «Аҳмад Яссавийни чуқур ўрганиш лозим. Бизнинг миллатимиз унда яшириндир», — деганда тўла ҳақдир. Зеро, Яссавий тарикати ва шеърляти ҳақиқатларини етарли даражада ўрганмасдан на рухониятда, на маърифатда, на миллят ва маънавиятда юксакликларга кўтарилиб бўлади. Ўзбекистоннинг ҳар бир улғу фарзанди буни билган ва Яссавийдан сабоқ олишга, орифликда айнан Пири Туркистонга эргашишга даъват қилган. Акс ҳолда Мир Алишер Навоий:

*Турк пири киби оламдин этакни силкинг,  
Дўстандан гайри таманнои висол айламангиз, —*

демаган бўлурди. Навоийнинг бундай хулосани илгари суришида Яссавийнинг:

*Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано, —*

деган сўзларига ҳам таянилганлиги шубҳасиздир. Чунки бевосита Ҳақнинг ўзидан сабоқ олиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Бу ладуний илм йўли бўлиб, худди шу йўл Яссавийни Мансур Ҳаллож, Шиблий, Жунайд Бағдодий ва Боязид Бистомийларга маънан ва руҳан яқинлаштирган.

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф адабиётининг тамойилини яратиб, кейинги давр ирфоний шеърлятининг такомилга кучли таъсир ўтказди. Сулаймон Боқирғоний, Насимий, Навоий, Фузулий, Убайдий, Сўфий Ол-

лоёр, Махтумқули каби даҳолар санъат дунёсининг инкишофида Яссавий поэтик анъаналари муҳим роль ўйнаган эди. Аҳмад Яссавий адабиётимизга биринчи маротаба ориф, дарвеш, фақир, мискин, эран каби қаҳрамонларни олиб кирди ва уларни комил инсон идеали атрофида бирлаштирди.

Хорижлик тадқиқотчилардан бири: «Турк сайёҳи бўлган Саййид Али Раиснинг хикоятларидан Яссавий дарвишларининг Синд, Панжоб, Афғонистон, Мовароуннахр, Хуросон, Озарбайжон, хуллас, ислом оламининг хар тарафида мавжуд эканлигини билурмиз», — дейди. Яссавий дарвешларининг фаолиятларини ўрганиш ҳам унинг ислом маърифати ва маданияти тараққиётида кўрсатган таъсири нақадар буюк бўлганлигини намоён этади.

Хуллас, яссавийшуносликда бажарилиши зарур бўлган ишларнинг миқёси ниҳоятда кенг. Бироқ улар орасида, бизнинг назаримизда, биринчи галдаги вазифа «Девони ҳикмат»нинг аслиятга яқин ишончли бир нусхасини тиклашдир. Ана шунда Яссавийнинг ижоди, тариқати, ҳатто таржимаи холига доир бир қатор мунозарали масалалар ўз-ўзидан равшанлашади.

З.В.Тўғон «Девони ҳикмат»нинг қадим нусхаларида мавжуд, кейин таҳрирга учраган «Султон Сотуқ Буғрохон пири муғон эмасму?», «Қорачукни кишлагон, шунқор лочин ушлагон, Соҳиб уруж Ғози Арслон эмасму?» — мисраларига таяниб шундай хулосаларни илгари суради: «Бундан англашилурки, (юқоридаги сатрлардан — И.Ҳ.) Аҳмад Яссавийнинг буюк қорахонли Сотуқ Буғрохон (893—955) ва ўзининг замондоши Буғро Такин Арслон Қорахон ал-Ғози (1034—1047)га боғлиқлиги бўлган. Бундан ташқари, кейинги мисра мусулмон туркчилигининг энг буюк ҳоқони бўлмиш Буғро Такин Арслон Қорахонни Ўрта Сирдарёда Аҳмад Яссавийнинг мансуб бўлгани Ясси шаҳри атрофида туғилган ва шоҳин кушлар ила овчилик қилганлигини англаувчи бир тарихий қайддир».

Мустақиллик даври бошланиши билан Яссавий ижодиёти ва яссавийшуносликда ҳам янги давр бошланди. Узок муддатли танаффусдан сўнг халқимиз бу улуғ зотнинг асарларини бемалол ўқиб-ўрганиш имконига эришди. Яссавий шеърлятига бағишлаб қатор тадқиқотлар яратилди. Амалга оширилиши зарур ишлар эса ҳали олдинда. Уларни бажаришда, айниқса, ёш олимларимиз куч-ғайратларини аямасликлари лозим.

# Шайхлар ва шаҳидлар Куброси

## 1

Инсоният илму ирфони, маданият ва маънавиятининг олтин бешиklarидан бўлган қадим Хоразм дунёга шуҳрат таратган кўп фарзандларни тарбиялаб камолга етказган. Кубравия тариқатининг асосчиси, халқ қаҳрамони Нажмиддин Кубро ўша машхур сиймоларнинг энг буюкларидандир. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хевақий ал-Хоразмий. У 1145 йилда Хивада таваллуд топган. Аҳмаднинг болалиги ва ёшлиги жонажон юртида ўтди. Лекин ўспиринлигидаёқ унда илмга катта иштиёқ уйғонган. Илмга чанкоклик уни саёҳатга чорлади. У қайси юрт ва мамлакатга сафар қилмасин, ўзининг илмга садоқатини, илмий салоҳиятининг ниҳоятда ўткирлигини намойиш этиб, мунозара ва мубоҳасаларда доимо ғолиб чиққан. «Аларга Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик айвонидаким, зохир улуми таҳсилига машғул эрмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш — ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш», — дейди Алишер Навоий. Аҳмад ғолибликда пояма-поя илгарилади. Илм ва маърифатдаги фотиҳлик сирларини тегран ўзлаштирган. Вақт-соати этиб Нажмиддин — дин юлдузи бўлиб порлаган. Валийлиги шу қадар камол топганки, холида ғолиблик бошланганда муборак назари кимга тушса, ўша киши валоят мартабасига кўтарилган. Ана шунда у Шайх Валитарош лақаби ила шарафланган. Абулжанноб — Нажмиддин Кубронинг кунияти. «Менинг ғайбадаги исмим Кантарундир. Куниямга келсак, — дейди Нажмиддин Кубро, — унинг хикояси куйидагича: Искандарияда Ҳофиз Салафий Исфаҳонийдан ҳадис тинглардим. Бу кекса олим мазҳабда шофеъий, эътиқодда салафий эди. Ёши юздан ошганди. Бир кун яна ғайбат холида, Расулulloхни (с.а.в.) иккиннинг иккинчиси (ҳазрати Абу Бакр) билан ёнимда кўрдим. Тиззалари қарийб тиззамга тегиб турарди. Шу лаҳза ҳар куни Куръони каримдан унинг учун ўқилган воридларим илҳам қилинди. Дарҳол



уларни ўқий бошладим. Тугатишим ҳамона уларни жуда яхши тошганлигимни таъкидлаб: «Мана шу зайдда кундуслари ҳадис тингла ва кечалари Қуръони карим ўқи!» — дедилар. Кейин менга куниямни сўраш илҳом қилинди ва: «Ё Расулulloҳ, менинг куниям Абулжанобми ёки Абулжаннобми? Нафсим Абулжаноб (буюклик отаси) бўлмоғини истаяпти», — дея сўрадим. Ул Зот: «Йўқ, кунянг Абулжанноб (қўрқувчилар, парҳезкорлар отаси), дея жавоб бердилар...» Бу ҳодиса Нажмиддин Кубро дунёқарашада, маънавий-руҳий ҳаётида кескин бурилиш ҳосил этади. У энди зоҳирий илмнинг йўл ва майдонларини ортида қолдириб, сайри сулук водийларида қалб саёҳатини бошлашга аҳд қилади. Бунинг учун эса муршиднинг кўмағи ва раҳнамолиғи зарур эди. Шу зарурият уни Мисрга — Шайх Рўзбехон ал-Ваззон Мисрий даргоҳига етаклаб боради. Кубро қисқа муддат ичида маънавий йўлларда кўп илгарилайди, шайхининг таважжухини қозонади, унинг қизига уйланиб, икки фарзандга ота бўлади. Аммо сийратидаги ҳаракат, шиддатли интилиш уни осуда ва хотиржам яшашга қўймасди. У Табризга бориб, ҳадис илмини ўрганишни давом эттиради. Кўп ўтмай «Ҳақ таолонинг мажзублари ва маҳзубларидан» бўлмиш Бобо Фараж билан учрашади. Куброни бу мажзуб Шайх давог ва қаламдан қутултириб бутунлай риёзат ва хилватга машғул айлайди. Кубронинг тасаввуфий ҳаётда тўла зафар қозонишида бошқа бир неча шайхларнинг ҳам ҳиссалари бўлган.

Жумладан, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг ҳам хизматлари сингган. Шунинг учун ҳам бу масала куброшуносларнинг назаридан четда қолмаган.

*Дин илмини билмак шарият бўлур,  
Унга амал этсанг тариқат бўлур.  
Сидқ ила боғласанг илму амални,  
Ҳақнинг ризосила ҳақиқат бўлур, —*

дейди Насимий. Шу маънода Нажмиддин Кубро олий мақсад манзилига етган, неча юзлаб муридларни тарбиялаб уларнинг қалбини дин илми, шарият, тариқат ва ҳақиқат зилолидан қондиришга қодир муршиди комил бўлганди. Узоқ йиллик айрилиқлардан сўнг Кубро она диёри Хоразмга қайтиши, ватандошларига маърифат тарқатиши, янги тариқат бино этиши ва иршод ишлари ила қизғин машғул бўлиши керак эди. Табриздан Мисрга қайтаркан, у ҳали бу ҳақида қатъий қарорга келмаган-

ди. Пири ва кайин отаси Рӯзбехон Мисрийнинг маслаҳатидан сўнг эса 1185 йилда Кубро Хоразмга қайтиб келди. Албатта, у бундан йигирма беш йил аввалги Аҳмад эмасди. Кубро энди маърифат ва ҳақойиқ денгизи эди. Қалбида ва рухониятида азим Жайхунга ўхшаш кенглик файзи сокин эди.

## 2

«Тарикатда сиёсатлиғ муршид керак», — дейди Аҳмад Яссавий. Дарҳақиқат, чин бир муршид йўлбошчи бўлма-са, таълим-тарбия ила муридни қўлламас, энг оғир синов фурсатларида унга файз ва мадад етказмас, тарикатда илдамлаб бўлмайди. Сайру сулук, энг аввало, ишонч-эътикод ила шайх «этаги»ни маҳкам тутиш, ҳамма нарсадан четлашиб ягона меҳвар — фақат шайх кўнгли атрофида айланиш демак. Шу «меҳвар»дан мурид узоқлашдими, йўлдан чалғийди, қалб саёҳатидан ўзини маҳрум этади. Зеро, Шайх муриднинг ҳақиқий посбони ва чароғбони. Шайхнинг ақл, дил ва тадбир чироғи муриднинг нафсига қаратилади. Нафсининг аҳволини мурид равшан кўради. Уни ўзгартириш, яъни поклашга дилддан эҳтиёж туяди. Буни ҳали ҳеч кўрилмаган ва яшалмаган маънавий ҳаётнинг ибтидоси, деса бўлади. Нафс таслим этилиб поклангунча кечган ботиний жараённи тўла-тўқис изоҳлаш қийин, албатта. Лекин сайру сулукка доир тасаввуфдаги умумий эътирофларга асосланиб, нафс тафсиясидан кейинги ҳолат ва натижалардан баҳс юритиш мумкин. Чунончи: нафс покланиб, зийнат топаркан, қалб бамисоли шаффоф кўзгуга айланади. Энди унда ҳамма нарса акс этади. Қалбдан атрофга илохий нур порлайди. Энг асосийси, басират очилади. Худди шу басират Оллоҳнинг жамол ва жалол нурларини сайр қилади. Гўзаллик идроки ва иштиёқи тубдан ўзгаради. Шу тарзда солиқ ҳамма нарса ва ҳамма жойда Раббини кўриб, Унга талпинади. Чунки ишқ унинг кўнглида ёлқин сочади. Бунга асосий сабаб эса нафснинг покланганлиги ва сийратдаги чиркинлик, қўполлик, ёмонликларга матонат билан барҳам берилганидир. Оллоҳни таниш, Унинг маърифатига соҳиб бўлишнинг синалган йўли ана шу!

Хуллас, қалб ойнаси ёришгач, унинг теварагини туманга ўхшаб қуршаган туйғулар ҳам йўқолади. Гал дунёга келади: бутун иллати, ёвузлиги, маккорлиги, чексизли-

ги, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий қиёфаси билан энди қалбда дунё намоён бўлади. Қизиғи шундаки, ўткинчи дунё ила боқий дунё орасидаги тафовутларни фарқлаш ва ажратишда солиқ мутлақо қийинчилик сезмайди: фаҳм ва идрокда шу даражада илгарилайди, рухий ва маърифий ҳаётда у шу қадар баландлайди. Ҳеч бир солиқда тарки дунё туйғуси ўз-ўзидан қарор топмаган. Балки Ҳақ ишқи ва руҳоний латифликлар қалбда тарки дунё ҳиссиётини барқарорлаштирган. Бу — хилватга чекиниш истагининг тамали эрур. Хилват эса илоҳий ишқдан ҳузурланиш, ишқ ва ҳақиқат сирларини кашф этишининг дахлсиз гўшаси. Шу боис тасаввуфда хилват ҳаётига алоҳида аҳамият берилгандир.

«Нафснинг итминонга эришиши ва ёмонликка ундовчи хусусиятидан қутилиб, соҳибини эзгуликка бошлаши, — дейди Шаҳобиддин Умар Сухравардий, — яратилишидан бошлаб унда мавжуд бўлган куруклик ва совуқликни улоқтириб ташлашидан билинади. Нафсдан куруклик кўчса, унга улашган ва уни таъсирига олган руҳнинг харорати ила у юмшайди». Нафсдаги бундай ҳолат ўзгариши унинг қалбга кўрсатадиган таъсири ва хуружларини батамом камайтиради. Чунки туйғу ва идрок маркази бўлмиш қалб фақат руҳга эмас, балки нафсга юз қаратишга ҳам мажбурдир. Солиқнинг нафси сайру сулук билан сокинлашиб, хотиржамлик топгач, қалбга ҳукм ўтказиш имконларидан нафс маҳрум бўлади. Бу ишнинг оқибатини «Авориф ул-маориф» муаллифи шундай шарҳлайди: «Хуллас, нафс тизгинлангач, жаноби Ҳақнинг амрларини бажо этишга киришади. Қалб ҳам нафс йўналган тарафга бўй чўзиб, у жойдан яхши таассуротлар ола бошлайди. Шу зайлда мурид, толиб ва содиқларнинг нафси, қалб ила нафснинг ораларидаги жинс ўхшашлиги туфайли қалб хусусиятларини олади». Бевосита муршид хизмати, салоҳияти ва шарофати боис юзага чиқадиган бу муриднинг нафси, қалби, руҳидаги эврилиш ҳоли тасаввуфда «иккинчи ва маънавий туғилиш» дея таърифланган. Чунки мурид онадан туғилишда отасига нечоғлик мансуб бўлса, маънавий туғилишда ҳам шайхига шунчалик боғлиқ ва ўхшашдир. Бу масалани бағоят қизиқарли ва асосли тарзда ёритиб берган Сухравардий: «Кишининг биринчи туғилиши унинг олами мулк ила бўлган иртиботини таъминлайди. Иккинчи ва маънавий туғилиш эса малакут олами ила алоқасини таъмин этар», — дейди. Олами мулк коинотнинг зоҳирий томони ва кўриниши

бўлса, олами малакут унинг ички томони ва асроридир. Демак, муршид ўз муридига малакут сирларидан огоҳ бўлиш, хидоят нурларидан қалб ва рухни қувватлантиришга кенг имкон яратади. Нажмиддин Кубро «Тариқатимиз ва йўлимиз, кимё йўлидир. Тоғлар орасидан нуруний ва латиф нарсаларни чиқармоқ шартдир», — деганида ўша маънавий туғилишни эътиборда тутган эди. Чунки кимё санъати билан маъданлар олтинга айлантирилганидек, кубравийлик тариқатида ҳам инсон моҳият эътибори билан қалбан ва рухан ўзгариши, янги маънавий шахсият мақомини эгаллаши муқаррар эди. Бундан ташқари, тасаввуф тилида кимёйи саодат ибораси, нафсни ёмон ва тубан хўйлар, истаклардан узоқлаштириб, энг яхши, энг гўзал фазилатлар ила уни безаш, зийнатлаш маъносини билдирадигани, Кубро «тоғлар орасидан...» деганда биз олдинроқ изоҳлаганимиз нафснинг қаттиқлик ва совуқлик ҳолатига ишорат қилган.

Хуллас, сайру сулукни муваффақият ила охирига еткази билган киши ахлоқ-одобда, феъл ва сифатда, фикр ва иродада фавқуллодда холис янги «Мен»га эришади. Сухравардий ҳам буни жисмоний туғилишдан кейинги — иккинчи, янги маънавий туғилиш деб таърифлайди. Ҳақиқат аҳли томонидан «киёмати сугро» («кичик киёмат») деб ҳам аталган ушбу маънавий туғилишда солиқнинг холи — унинг сулуккача бўлган, риёзат, мушоҳада, покланиш машаққатларига ҳали киришилмаган ҳолидан кескин фарқ қилади. Унинг ахлоқий, хиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига ўхшамайди. Бунда муршиднинг хизмати ва хиссаси бекиёсдурки, бундай шарафли ишни уддалашда Нажмиддин Кубро шайхларнинг энг пешқадами эди.

### 3

Маълумки, инсон борлиқ тартиботида бошқа яратиклардан энг кейинда туради. Дастлаб «Ақли аввал» яралган. Сўнг ўн Ақл, фалакларнинг нафси, Арш, Курси, бошқа бир қанча жисмлар билан бирга тўрт унсур, маволиди салоса (маъдан — наботот — хайвонот) бино этилган. Мана шулардан кейин, яъни охирда инсон яратилмиш. Яратилиш эътибори билан инсон гарчи ҳамма нарсадан кейинда бўлса-да, моҳият, салоҳият жихатидан баридан олдинда — юксакда туради. Зеро, инсон — оламнинг руҳи, олам гўзалликларининг меҳвари. Комил-

лик унинг матлаби ва энг олий шон-шараф даражаси эрур. Мавжуд бу оламда Оллоҳ комил инсон воситасида тажалли айлайди. Комиллик нури йўқолса, оламни зулмат қоплагай. Бу ҳақда Шайхи Акбар мана нима дейди: «Оллоҳ Таоло оламни омон сақлаш учун Одамни ўзига халифа қилди. Ичида комил инсон мавжуд бўлгани қадар олам ҳам муҳофазада бўлинув. Инсонни комил шу хазинадан ажралиб охиратга кўчиши ҳамон кўк қулашга, юлдузлар сочилишга, қуёш сўнишга бошлар». Демак, бундай маънавий ҳокимлик ва муҳофизлик инсон зиммасига бениҳоя улкан масъулият юклатди.

Бундоқ қаралса, инсон фақат ақл ва англаш билан эмас, рух, туйғу ва ҳиссиётлари билан ҳам ҳайвондан фарқ қилади. Ҳиссиёти олия, яъни юксак ҳиссиётлар деб аталмиш диний ва эстетик туйғулар ёлғиз инсонга хос, инсон учун имконият имтиёз майдонларидир. Диний туйғуга ўхшаб гўзаллик ҳисси ҳам инсоннинг фитратида мавжуд. Инсон туғилишидаёқ ана шу туйғуларга соҳиб бўлади. Тараққиёт учун хизмат қиладиган, одамларни бирлик ва ҳамжиҳатликка чорлайдиган ҳеч бир кайфият, ҳеч бир эҳтиёж тасаввуф томонидан рад этилмаган. Билъакс, тасаввуф инсонда яратилишидан мавжуд бўлган софлик, бегуноҳлик, меҳрибонлик каби хусусият, қобилият ва фазилатларни муштарақ ҳамда мукаммал тарзда асраб-авайлаш, тараққий топтиришга ғамхўрлик кўрсатади. Тасаввуф руҳий ҳаётга, унда эришилажак натижаларга кўп диққат қилишга ўргатади. Энг пешқадам сўфийлар нуктаи назарида тариқат руҳий меърождан ўзга бир нима эмас. Бу фикр Нажмиддин Куброга ҳам тўла тегишли. Шу боис Кубро бир қанча тариқат арбобларидан фарқли ўлароқ, сайру сулук қилгувчи ҳар инсоннинг ўзига хос ҳаёт тарзи ва ўз бошича яшовчи руҳий олами борлигини тўла инобатга олади.

Тасаввуф тарихидан яхши маълумки, қадим даврлардан эътиборан сўфийлар психологик туйғулари ва эришилган руҳий ҳолатларини «ҳол» деб атаганлар. Сулук эса турли хил марҳала ва мартабаларга тақсимланиб, «мақом» дея номланган. Солик бу йўлда сўфийдан бошқага номаълум ва кўринмайдиган ҳодисаларга юзма-юз келган. Ўзгалар рўбару бўлмайдиган қийинчилик ва машаққатлар унинг йўлига ғовдир. Сайёр шундай ҳолларга тўқнаш келадикки азоби — завққа, завқи — азобга дўнади. Баъзан у «моддий оламга нисбатан бир безгинлик» ҳис этади. «Ўлмасдан бурун ўлиш» қийноқларига

чидайди. Қалба маънолар ўзгаради. Ҳоллар янгиланади. Нажмиддин Кубро бу ўзгариш ва янгилинишларни ранг воситасида ҳам изоҳлайди. Унингча, яшил ранг «қалб ҳаёти ва жонлилигининг «рамзи»дир. «Бу рангдан кейин ақиқ тошнинг ранги пайдо бўлади. Бу ранг Кабирнинг ранги». Ақли Кабирнинг ранги қирмизилашгач, энг қалин хижоблар ҳам йиртилади. Қирмизи ранг зухурланганда «Сайёрни паришон айлар, парчалар, қамраб олар ва тебратар». Булар ғаройиб ҳодиса ва ўзгаришлар. Одатда, мистик мушоҳадага асосланган рухоний-психологик бундай жараён сирлари ва натижаларини ошкор айлашга кўпда рухсат берилмаган. Усмонли турк олими Мустафо Қора тўғри таъкидлаганидек, Нажмиддин Кубро «Фавойих ул-жамол» рисоласида тасаввуф мумтозлари орасида жуда оз учрайдиган бир усул ила, шахсий ҳис ва мистик мушоҳадаларига диққатни тортиб, ғайбат (илоҳий яқинлик) ҳолидаги тасбитларини қаламга олган ва ўқувчига етказган. Рисолага шу нуқтаи назардан ёндашилганида, уни мукамал бир тасаввуф психологияси дейиш мумкиндир.

Дарҳақиқат, «Фавойих» Кубронинг ҳол ҳақиқати, рухлатоифи ва қалб кечинмаларини акс эттирувчи бетакрор бир асари. Унда Кубро ниҳоятда самимий, ниҳоятда ҳассос, кўнгил ҳаёти жуда теран ва танлаган йўлига собит Шахс қиёфасида намоён бўлади. Кубро илоҳий ишқнинг сир-асроридан, ҳикмат ва ҳақиқатларидан маъроқ билан сўзлайди. Ишқнинг инсон қалбидаги аёвсиз ва шиддатли таъсирларини ҳам ҳаққоний кўрсатади. Аммо у илоҳий ишққа мажозий ишқни қарши қўймайди, Оллоҳга бўлган ишқни ёқлаб, башарий севгини ерга урмайди. Ҳатто тасаввуф шайхлари учун хос ва характерли бўлмаган бир тарзда мажозий ишқ саргузаштларини қоғозга кўчиради: «Мисрда, Нил дарёси соҳилига яқин қишлоқдаги бир жорияга ошиқ бўлган эдим. Бир неча кун ейиш ва ичишдан тўхтадим. Ишқ алангаси шу қадар кучайдики, гўё нафасим ҳам оташга айланган эди», — дейди у.

Амр ал-Маккий демиш: «Оллоҳ қалбларни баданлардан етти минг йил муқаддам яратган ва ўзига яқин бир мақомда сақлаган. Рухларни қалблардан етти минг йил аввал яратиб, уларни унс боғида тутган. Энг ич гўза бўлмиш виждонлар эса рухлардан етти минг йил олдин яратилган ва Ўзи билан восил ҳолида сақланган. Ўшанда виждон руҳга, рух қалбга, қалб вужудга ҳибс этил-

миш. Ана шу синов асносида бадан ибодатга берилмиш, қалб ишққа фарқ бўлмиш, рух Раббига яқинлашмиш, виждон эса Ўзи билан бирлик холида хузур олмиш». Худди шу тўрт мавжудлик: Вужуд, Қалб, Рух ва Виждон, шу тўрт мавжудликнинг ҳақиқати: тоат-ибодат, ишқ, унс ва илохий хузур тасаввуфдаги бош мақсад, бош талаб ва сайри сулукдаги энг олий натижа деса асло хато бўлмайди. Нажмиддин Кубро рисоаларида булар тўғрисида қайта-қайта баҳс юритади, ҳар гал ё қалб, ё рух ёки виждон моҳияти ва сирларини гўё янгидан кашф этиб беради.

#### 4

Нақл қилинишича, кунлардан бир кун бир қуён хушбўй мевали анбах дарахтининг тагида ухлаб қолибди. Кутилмаганда даҳшатли бир шовқин эшитилгандай бўлибди. Қуён ҳеч иккиланмасдан қиёмат қойим бўлди, дея ура қочибди. Буни кўрган бошқа қуёнлар ундан «Нима гап? Нега бунча тез чопаетирсан?» — деб сўрашганда у «Охир замон бошланди...» — деб жавоб қайтарибди. Бу гапни эшитиши ҳамон бошқа қуёнлар ҳам унинг ортидан чопа бошлашибди. Қуёнларнинг жон холатида югуришларини кўрган буғулар «охир замон» хабарини эшитибок уларга қўшилишибди. Шундай қилиб, ҳар турли жонзотлар бирининг ортидан иккинчилари эргашиб чопишавергач, бу қочкин даҳшатли бир хавфга айланибди. Ўшанда мушоҳада ва муроқабача ҳаётини яшаб юрган ҳинд пайғамбари Будда ақл бовар этмас тўс-тўполонга дуч келгач, энг охирда югураётган хайвондан қочақчининг сабабини суриштирганда у: «Охир замон бошланди...» — дебди. Шунда Будда: «Бу нотўғри. Тўхтаглар! Дунё ҳали охир бўлгани йўқ. Қочманглар. Мени эшитинглар», — дея ҳайкирибди. Хуллас, шўрлик жонзотлар тўхташибди. Будда охир замон ваҳимасини ким бошлаганлигини суриштира гап биринчи бўлиб қочишни бошлаган қуёнга келиб тақалибди. Будда ундан сўрабди: «Охир замон бошланганлигини сезганинда сен қаерда эдинг ва нима иш билан машғул бўлаётганинг?» «Анбах дарахтининг остида ётгандим», — дебди қуён. «Эхтимол, дарахтдан узилиб тушган меванинг товуши сени уйғотгандир? Балки шу товуш сенда ваҳима кўзгаб кўрқувдан қиёмат кўпди дея ўйлагандирсан? Юринглар, ўша дарахтни бориб кўрамиз, ҳаммаси ўша жойда рав-

шанлашади». Улар бориб дарахтни топишибди. Ҳақиқатда ҳам Будданинг тахмини тўғри чиқибди.

Тасаввур килинг, ўша сурув-сурув ҳайвонлар Буддага дуч келмаганида нима бўларди? Албатта, ўзига хос бир қиёмат юзага келарди. Ва унинг бош сабаби, ҳеч шубҳасизки, кўрқувдир. Кўрқув ва ваҳима қачон тантана қилади? Қачонки ақл, мушоҳада сусайса. «Қуён»ларнинг ҳолини тушунса бўлади. Лекин бошқа ҳайвонларчи? Нега улар кўрқув ва ваҳимага бунчалик тез, бунчалик осон таслим бўлишди? Бу ҳақда бош қотирса, бунинг сабаблари хусусида кенг фикр юритса асло зиён қилмайди. Чунки инсон ваҳима ва кўрқувнинг «қайноғи»га етиб бормагунча, ўзига хос бир изчиллик ва журъат ила уларни чуқур идрок этмагунича, ҳеч вақт жасорат туйғусига соҳиб бўла олмайди. Журъат ва жасорат куруқ гап ёки куруқ даъво эмас, хол ва маънодир. Бунга етишмоқ учун эса ҳам сабот, ҳам маърифат зарур. Инсон ҳеч қачон ўз-ўзидан шижоатли бўла олмайди. У ўзининг кучсизлик, кўрқоқлик, мунофиқликларини мушоҳада этиб журъат ва жасорат туйғусига эришади. «Болалигимда кимсасиз уйдаги айрим нарсаларни кўриклаш учун бир ўзим тунашга тўғри келган эди, — дея ҳикоя қилади Нажмиддин Кубро, — шайтон: «Уйга ўғри киради», — деб тинимсиз васваса қилар, нафсим эса ваҳимада эди. Ҳолбуки, эшиклар бекитилганди. Файбий туйғуларнинг уйғониши, ҳисларнинг адашиши ва кўрқув шиддатидан бўлса керак, мен ўғри келганлигига қатъий ишондим. Гўё унинг тақиллатиши эшитиларди: ана, эшикнинг ёнига келди, тақиллатди, беркитилганлигини билгач, зулфинни ўйнай бошлади. Ниҳоят, эшикни очди ва ичкари кирди. Ақлим қочиб беҳуш бўлдим. Эртаси пешинга яқин ҳушимга келгач, ўзимга-ўзим: «Менга нима бўлди?» дедим. Иттифоқо, тунда уйга ўғри кирганини ва баъзи нарсалар ўғирланганини эсладим. Дархол нарсаларга қарадим. Ҳаммаси жой-жойида эди. Эшикни текширдим — у ҳам берк эди. Шундагина бунинг ҳимматим қилмиши эканлигини англадим. Қаттиқ кўрққанда аллақандай кўрқинчли шахслар кўзга кўринурки, бунинг сири ваҳмдир». Болалиқдаги ваҳм — болалиқда қолиб кетмайди: у инсон билан баб-баробар ўсиб, улғаяди.

Ривоятга кўра, бир одам кунлардан бир кун йўлда кетаётиб Вабога дуч келиб қолибди-да, ундан қаёнга бораётганини сўрабди. «Қўшни юртга, хизматчилик: беш юз одамнинг жонини олиб қайтаман», — дебди Вабо.



Орадан анча фурсат ўтибди. «Хизмат сафари»дан қайта-ётган Вабо билан ҳалиги киши яна учрашибди. «Юкинг оғир кўринади. Кўп кишининг шўрини қуритдингми дейман?» Шунда Вабо: «Шунақа бўлиб қолди. Аслида мен беш юз кишининг жонини олдим, холос. Лекин бир ярим минг киши қўрқувдан жон таслим қилди», — деган экан.

Хулоса аниқ: Қўрқув вабодан ҳам ёмон. Қўрқув халокати вабоникидан ҳам даҳшатлироқдир. Шу боис тасаввуф инсон қалби ва руҳиятини қўрқувдан тозалашга алоҳида эътибор қаратгандир. Чунки қўрқув ва таҳлика ироданинг қушандаси, эркинликнинг кўзга кўринмас кафасидир. Ҳамма жиноят, ҳамма хиёнат, ҳамма қабохатларда қўрқувни қўли ва иштироки бордурки, у ҳар қандай кишини ожиз, муте, ҳақиқат ҳисси ўлган бир махлуққа айлантиради. Шунда қўрқмаслик шарт ва зарур бўлган нарсалардан ҳам қўрқилади. Тасаввуфда қўрқув бир неча турга ажратилган. Булар: 1. Дунё аҳлининг қўрқуви. 2. Охират аҳлининг қўрқуви. 3. Ахлуллохнинг қўрқуви. Бу қўрқувлар орасида инсонни таҳкирлайдиган, ваҳима қўзғайдиган ва журъатини емирадиган қўрқув дунё аҳлининг қўрқувидир. Чунки у молмулк, амал ва мартаба, ҳузур ва ҳаловат қабилардан ажралишдан тўғиладиган, одамни одамга муте ёки қарам этадиган таҳлика ва қўрқув ҳисобланади. Тариқат тарбияси эса инсонни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмаслик даражасига юксалтиради. Буни Нажмиддин Кубро амалда исботлаган эди.

## 5

Биринчи жаҳон уруши йилларида рус мутафаккирларидан бири, «Инсон фақат Инсон бўлиб қолмоғи мумкин эмас: ўзидан у ё баланд кўтарилиши ёки тубанликка қулаши керак, у ё Оллоҳга томон юксалади ёки йиртқичлашади», — деган экан. Дарҳақиқат, инсоннинг фақат инсон бўлганлиги учунгина қаноатланиши ва фахрланиши ҳаминша ҳам ўзини оқлай олмайди. Зеро, Инсон яхшилик ва ёмонлик, шафқат ва ёвузлик, меҳр ва қаҳр каби ўзаро ниҳоятда зид, қарама-қарши хусусият ва туйғуларнинг бир мужассамидир. Худди шу ҳақиқатни чуқур билиш — Ўзни билишнинг энг асосий, балки биринчи шarti эрур. Акс ҳолда ҳар қандай олий туйғу ва тушунча қурук гап бўлиб қолади. Оқибатда эса ҳақиқат

ва тўғрилиқ туйғусига талабгорлар сони камайгандан-камайиб бораверади, стуклик, комиллик ҳақидаги баланд-парвоз сўзларни чайнаш бир урфга айланади. Бундай пайтда саёзлик, маҳдудлик ва авомлик шиддат-ла илгарилайди. Зеро, маърифат завқи барҳам тоған, нафсоний ва шайтоний муносабатлар тантана қилган муҳитда бошқача бўлиши мумкин эмас.

«Илк бора хилватга кирганимда, — дейди Нажмиддин Кубро, — ичимда бир риё, шуҳратпарастлик туйғуси, минбарларга чиқиб тариқатни инсонларга англаатиш ва ўргатиш орзуси бор эди. Мен шуҳратпарастлардан эмас эдим. Аммо риё мени барибир улар сафига қўшаётган эди.

Сўнгра билганим қадар «Бу йўл тўғридир», дея менда бир кашф ҳосил бўлди. Лекин хилватнинг тамали бузук эди. Чунки мақсадим саҳих, ниятимда содиқ эмас эдим».

Бугуннинг одами ўзини-ўзи бунақа тарзда тафтиш эта олмайди. Бунга сал-пал эришса-да, ҳақиқатни очиқ-часига эътироф қилишга кучи етмайди. Умумий бу кўникма учун кимларнидир айблаш инсофдан эмас. Қолаверса, ҳар бир шахс Нажмиддин Кубронинг «Унутмагилки, малак, нафс ва шайтон Сендан айри ва сендан ташқари бир борлиқ эмасдир, билъакс, улар — сен, сен — уларсан», — деган фикрларига маърифат куч-қуввати ила иқрор бўлмас экан, у ҳеч вақт ўзининг хис-туйғу ва майлларини ҳодис тафтиш қилишга киришиб билмайди. Бунинг бир сабабини бошқа бир шайх: «Инсонларнинг кўпи маърифатнинг шарафидан бенасиб, лутфларидан жохил, мартаба қудратидан хабарсиз, теран маъноларидан узоқдирлар», дея шарҳлайди ва уларни «адоват тарбиясида»ги кимсалар деб баҳолайди. «Адоват тарбияси» — бу нафс ва шайтон тарбияси демак. Нафс ҳам, шайтон ҳам одамнинг ботинидаги «мураббий». Уларнинг тарбия, таъсир ва таъкибларидан қутилиш жуда-жуда мушкул. Нажмиддин Кубро буни тўла эътироф этгани ҳолда нажот усули ва йўлларини ҳам аниқ кўрсатиб беради. Шу маънода улуғ Шайхнинг тажрибалари фавқулода кизиқарли ва ниҳоятда ибратлидир.

Машҳур япон адиби Кавабата Ясунарининг иқрорига кўра, «шайтон дунёси»га кирмоқ жуда қийин. Кучсиз рух билан у ишни удалаб бўлмайди». Бу гапга инонмоқ керак. Чунки шайтон дунёси инсоннинг сийратидаги бир дунёдирки, ундаги тўсиқларнинг сон-саногига етиш ва

уларнинг барини тубдан йўқотиш бағоят душвор. Бу «тўсиқлар» эса инсондаги нафсоний ва шайтоний хирсу хаваслардир. Буларнинг бир қанчалари ҳукмронлик маъкеига эга бўлса, яна бир қанчалари авраш, алдаш, тўғри йўлдан оздиришга мохир. Лекин бу ерда масаланинг бошқа жихати ҳам бор. Вақту замон кечгани сайин иблисликда инсон Иблисдан ҳам илгарилаб, хусусан, кейинги асрларда бузғунчилик, ёвузлик, зулмкорлик, қонхўрликда Иблисни-да лол қолдирадиган, хатто кўркувга соладиган ҳолга етган. Хусайн Жовиднинг «Иблис» ва «Иблиснинг интиқоми» драмалари ана шу мудхиш ҳақиқат тасвирига бағишланган. Тасаввуф аҳли бу фожиани олдиндан кўрган ва оқибатларини яхши тасаввур эта олганликлари учун Инсон ва Шайтон, шайтонийлик ва инсон қисмати муаммосига доимий равишда диққатни жалб этиб келганлар. Нажмиддин Кубро асарларини ўқиганда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил этамиз.

## 6

Имом Раббоний тасаввуфга доир китобларни ўқиш ҳеч вақт ҳеч кимга зиён етказмаслигини махсус таъкидлаган. Албатта, тариқат, маърифат, ҳақиқат ёки ишқ ва комиллик сирлари ёритилган китоблардан одамлар фойда кўрса кўрадики, зарар кўрмайди. Аммо ўша китоблар фирт авом, жохил ва нодон ёки фикр-қарашлари тор, қайсар олимларнинг қўлига тушса-чи? Бу жуда ёмон, албатта. Чунки уларда ифодаланган маъно ва ҳақиқатлар, биринчидан, жўн ва нотўғри тушунилади, иккинчидан, тасаввур этиб бўлмас даражада хато ҳукмлар чиқарилади, хилма-хил ёлғонлар тўкилади. Шунинг учун ўтмишда сайри сулук ҳолларини яшай билган ёки тасаввуфнинг бош талабларига баҳоли қудрат амал қила олган кишиларгагина тасаввуф ҳақида сўзлаш ҳуқуқи берилган. Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ибрат ва намунага айланиб қолган улуғ хислатларидан бири ҳам шуки, у киши Ҳақ йўлчиси ўлароқ сайри саёҳатда нима ни бошидан ўтказган бўлса, шуни гапирган. Ақлий, маънавий, руҳий қуввати нималарга етган бўлса, шуларни баён этган. Эришганини — эришдим, деган. Эриша олмаганини эса яширмаган.

Ҳур одам бошқаларнинг дунёсида яшашни асло истамайди. Унинг эркин, гўзал ва дахлсиз ўз дунёси бор. Ҳур одам манфаат тузоғига илинишдан жуда баландлаб

кетган бўлади. Бундай киши қушдай енгил, қушдай озод — нафс кутқуларидан форигликда кун кечиради. Аммо бу — бир бора покланган қалб қайта кирланмайди, бир маротаба хурликка етишган киши ўзини ҳеч қачон қулликка маҳкум этмайди, дегани эмас. Шу маънода тасаввуфдаги нафс таълимоти ва нафсни тарбиялаш тажрибаси ҳеч вақт эскирмайдиган, доимий равишда комиллик мақсадига хизмат қилишга кодир таълимот ва тажриба эрур, дейиш жоиз.

Биз нодонлик ва жаҳолат зулматига илм нури барҳам беришига шубҳаланмаймиз. Бу тўғри, албатта. Шунинг учун олимликка ҳам ишонч-эътиборимиз баланд. Лекин ёлғиз илм билан ёки олимлик даражасини эгаллаш билан асосий муаммо ечилмаслигини кўпда ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ваҳоланки, «Қанча илмлар бордурки, натижаси жаҳолат ва билимсизликдир. Қанча илмсизликлар бордурки, самараси илм эрур. Кишига гурур ва худпарастлик иддаосини туғдирадиган илм жаҳолатдан ўзга нарса эмас» («ан-Низомул хос», 169-бет).

Тасаввуфда «Ақаботи сабъа» деган ва нафси амморанинг етти таврини англатадиган ибора бор. Булар: 1. Бухл. 2. Ҳирс. 3. Жаҳл. 4. Кибр. 5. Ҳасад. 6. Шахват. 7. Ғазаб. Агар олим жаҳд этса, илм шарофати туйфайли ушбу етти офатдан халос бўлиб, нафси мулҳима мартабасига етишиши ва саховат, қаноат, тавозеъ, сабр сингари сифатларга соҳиб бўлмоғи мумкин. Бироқ нафси мулҳима «мазолики ақдом» — аёқ тойдирувчи жой, манзил бўлганлиги учун, ҳатто илмаъл яқин сирларидан вокиф олим ҳам ўзига бино қуйиб илмидан мағрурланганда яна нафси амморага қайтишга маҳкум. Бу аросат туйғуси бош кўтарганда олимнинг олимлигидан ному нишон қолмайди: у қаҳр ва ғазаб оловида ёнади, йиртқичлашади, ашаддий товламачига айланади, манфаатига тўқнаш келган ҳар бир одамга ташланишдан ўзини тия олмайди. Бундай ҳолат ва ҳодисани ҳаётда кўп учратиш ёки кузатиш мумкин. Тасаввуф аҳлининг ҳол илмига нажот ва умид кўзи билан қараб, зохирий илмларга бир қадар шубҳа билдиришларининг асосий сабаби ҳам ана шунда. Агар масаланинг ушбу томони инobatга олинмаса, Нажмиддин Кубронинг баъзи мулоҳазалари, жумладан: «Хилватдан нарида бир қанча китобларим бор эди. Уларни ўйлардим. Худди шу китоблар мени ўн бир бора хилватдан айирдилар...» деган фикрлардан тесқари маъно чиқариш эҳтимолдан йироқ эмас. Нажмиддин Куб-

ро рисоаларидаги мақсад-муддао, фикр ва мушоҳадаларни тез англаб ва жуда ўнғай ўзлаштириб бўлмайди. Уларни секинлик ва сокинлик билан, хол ва маърифат, ишқ ва ҳақиқат асрорларини баҳоли қудрат идрокдан ўтказиб ўқиб-ўрганиш зарур.

Кубро мушоҳадани иккига ажратади: бири — Адно. Иккинчиси — Аъло. Кейинги мушоҳада юксак даражадаги мушоҳада бўлиб, у самодаги борлиқларга алоқадор. Бу ҳақида «Фавойих»даги мана бу гапларга эътибор беринг: «Файбат ҳолида мушоҳада қилинган осмонни — кўриб турган осмонинг деб ўйлама. Файб оламида янада латиф, янада яшил, яна ҳам соф ва бениҳоя порлок сонсиз-саноксиз кўклар бордир.

Ўз ботиний поклининг ортгани ва илгарилаганинг сайин само ҳам сенга беҳад очик, гўзал ва соф кўринур». Биз бу гапларга ишонгимиз келади. Аммо файб оламидаги ўша латиф, ўша соф ва порлок кўкларни кўришга имконимиз етмайди. Чунки бизда басират тарбияси йўқ. Лекин ҳамма нарса ботиний покланиш ва руҳ тазкиясига боғлиқ эканлигига умид боғласак бўлади.

Маърифат қанотини Кубро ишқ қанотидан ҳам баланд ҳисоблаганида муҳорада, мукошафа ва мушоҳада қудратига тўла инонган эди.

## 7

Олмон файласуфи Ф.Ницшенинг хулосасига кўра, инсон ёлғонсиз яшай олмайди. Унга ёлғон керак, у ҳақиқатга содиқ бўлиш, ҳақиқат юқини кўтаришга қодир эмас. «Одамларнинг тинчини бузманг! Улар ўзларининг ёлғон ва алдовлари билан умр ўтказаверишсин. Ёлғон яхши, ёлғон ҳаётнинг тиргаги», — дейди Ницше. Бу гапларга эътироз билдириш мумкин. Инкор этса ҳам бўлади. Лекин эътироф ва инкорга шошилмасдан «Ницше қанчалик ҳақ, нечоғлиқ ноҳақ?» — деган савол хусусида ўйлаш керак. Илк бор ёлғон сўзлаган кимсанинг кимлигини ҳозир ҳеч ким билмаса керак. Аммо ёлғончилик инсониятга хос нарса эканлигини, ҳамма даврларда ҳам ёлғон у ёки бу тарзда башар ҳаётидан ўрин эгаллаб келганлигини деярли ҳамма билади ва бунга иқроор бўлмасликнинг имкони ҳам йўқ. Агар кейинги бир асрдаги ёлғонлар — ижтимоий, сиёсий, диний, маънавий ва маданий риёкорликлар сарҳисоб этилса, Ницшени ҳақиқат султони дея аташ лозим бўлади. Ахир,

оддий одамдан тортиб ёзувчи, шоир ва олимгача — биров кўп, биров камроқ, биров кўркиброқ, биров кўркмасдан ёлғон ишлатади. Ёлғон гоҳо «кислород»га ўхшайди: нафас олишни енгиллаштиради, иш ҳаракатини тезлаштиради. Қандайдир дадиллик бағишлайди. Шу боис баъзилар учун ёлғон — яшаш усули. Шунга қарамасдан, олмон файласуфининг фикрини тўла маъқуллаш тўғри эмас. У инсонга фақат инсонийлик доирасида назар ташлайди. «Нафсини таниган — Раббини танир», деган ҳақиқатни Ницше балки билмагандир. Бироқ билганда ҳам бунини тан олмасди. Шарқ тасаввуфи ва тасаввуф фалсафасида эса аҳвол тамоман бошқача: ёлғон инсон ила Ҳақ орасидаги парда ва тўсиқдирки, ундан қутилмаслик ўз-ўзига душманликдир. Қолаверса, ёлғон ўрин олган кўнгилда меҳр, ишқ, ваҳдат ҳисси, албатта, заволга учрайди. Қуръони каримда дунёни чуқур билиш, рост ва ёлғонни хатосиз фарқлаш ва илоҳий сирлар мушоҳадаси учун ақлдан юксак бир қудрат ҳақида гапирилган. Бу — басират эрур. Басират тасаввуфдаги тамал тушунчалардан бири бўлиб, сўфий ва мутасаввифлар уни деярли бир хилда англаб, бир хилда шарҳлашган. Басират — қалб кўзи, қудсият нури ила ёришган қалбнинг фавқуллода қуввати демак. Басират хусусида энг кўп мулоҳаза юритган алломалардан бири Имом Ғаззолийдир. Унингча, «Ақлдан нарида бошқа бир давра бордирки, унда ўзга бир кўз (қалб кўзи) очилур. Худди шу кўз ила ғайб кўрилуру, келажакда воқе бўладиган ҳодисаларни, ақл англашга ожиз қоладиган нарсаларни англаш мумкин бўлуру». Басират кўзи очиларкан, инсон маънобин бўлади, латифликни ва латиф нарсаларни севади, қадимдан ажралмайди. Унинг дунёга муносабати ва дунёни билиши тубдан ўзгаради. Ва қалби ҳақиқий маънода нур ошиғига айланади. Шунинг учун Алишер Навоий:

*Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,  
Айла басират кўзи бирла назар, —*

дея кўрсатма беради. Чунки ғафлатга таслим бўлмай, юзаки ҳисётларга берилмай, дунё макру хийлаларига алданмай ҳақиқат ва келажакни ёрқин кўрмоқнинг бошқа йўли ҳам, чораси ҳам йўқдир. Султон Валад «Маориф» асарида басиратни виждон кўзи дея таърифлаб шундай қимматли фикрларни баён этади: «Назар икки-

дир. Бири махсус, иккинчиси виждоний эрур. Биринчиси бошимиздаги кўздор. Виждонийси эса унинг-ла ўзимиздаги қаҳр, хотиржамлик, дарғазаблик, лутф, жўмардлик, фақирлик, садоқат, дўстлик, душманлик, бирлик, карама-қаршилик, шаҳват ва ифбат холларини кўра оладиганимиз кўздор. Сен буларни бошдаги кўзинг билан кўра олмассан. Виждоний кўз билан кўриш зоҳир кўзи билан кўришдан кўп карра теран ва устун бўлур. Зеро, виждоний кўз ила ичингдаги шаҳват, кўркув ва баттоллик холларини тўлиқ кўрарсан. Бошингдаги кўзни қанча очиб ёпма булар барҳам топмас...»

Хўш, бу виждоний кўз, яъни басиратнинг очилишига қандай эришса бўлади? Бунинг биринчи ва асосий шарт — қалб тасфияси. Қалб покланмас экан, инсон учун ҳеч бир нарса пок ва мусаффо эмас. Зеро, у покни — чиркиндан, латифни — касифдан, боқийни — фонийдан ажрата билмайди. Бундай ҳолда эса ҳар қандай юракда сохта ва ёлғон иддаолар, майда ва ғаразли туйғулар, табиий аҳволга номувофиқ доноликлар, илдизсиз шижоатбозликлар ҳукмронлик этади. «Қулнинг ихтиёри ва иродаси, — дейди Хужвирий, — унинг шахсий сифатларидир. Қул ўз иродаси ила Ҳақнинг иродасидан маҳжуб, яъни пардалангандир. Бу ҳолда қулнинг сифати орадаги хижоб ва пардадир. Шубҳа йўқдурки, Ҳақнинг иродаси азалийдир». Азалий бўлган нарса, албатта, фоний бўлмайди. Демак, инсон покланиш деганда, энг аввало, олий сифатларга соҳиб бўлиш ва иродасини Ҳақ иродасига фоний этишни эътиборга олмоғи лозим. Басиратнинг очилиши шундан бошланади. Ана шунда тарки дунё туйғусининг нуқсонсиз шаклланишига ҳеч нарса монелик кўрсата олмайди. Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Аҳли тасаввуф учун дунёни тарк қилиш ёки дунёга қўл силташ бош мақсад ва асосий ишлардандир. Лекин улар «дунё» деганда нимани кўзда тутишган ва нимани англашган? Биз буни ханузгача аниқ билмаганимиздек, тўғри тасаввур ҳам эта олмаймиз. Ва Аҳмад Яссавийга ўхшаш зотларни дунё қадр-қимматини билмаганликда айблашдан ҳам хижолат чекмаймиз. Холбуки, улар ваҳдати вужуд эътиқодига содиқ яшаганликлари учун ҳеч бир ашёга таҳқир кўзи билан қарамаганлар. Оллох яратган ва Бирлик туйғусига халал етказмайдиган ҳеч бир нарсдан йироқлашишга ундамаганлар. Шу боис ҳам Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»да:

*Нест дунё нуқраҳу фарзанду зан  
Чист дунё? Аз худо гофил будан, —*

дейди. Бу байтдан келиб чиқадиган хулоса шуки: Сен бойликни ҳам, аёл ва фарзандни ҳам дунё деб билма, улардан юз ҳам бурма! Дунё нима? Дунё — Худодан гофил бўлмоқ эрур. Сени нима гафлатда тутса, нима хақиқатдан узоқлаштира ана шуни дунё деб билгил.

Бизнинг назаримизда, Мавлононинг бундай фикрни илгари суришида, қўнглида ватан ишқи жўшган, халқининг эрку озодлиги учун жонини-да аямаган, буюк мухожид Нажмиддин Кубро тариқати ва шахсиятининг таъсирини илғамаслик мумкин эмас. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида ўқиймиз: «Чун тотор куффори Хоразмга етибдурлар, Ҳазрати Шайх (яъни Кубро — И.Х.) асҳобини йиғиб, амр қилибдурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул Ҳазратнинг амри бирла ўз вилоятлариға борибтурлар. Шайх дебдурларки, биз бул куффор илкида шаҳид бўлурмиз. Асҳоб тарқагондин сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар Ҳазрати Шайх қолгон асҳоби бирла чиқиб, газвға машғул бўлибтурлар, то шаҳодат шарбатин тотибдурлар. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин тутқон эрмишлар. Андоқки, шаҳодатдин сўнгра ўн киши ойира олмайдур ва ул парчамни кесиб ойирдилар. Ва баъзи дебтурларки, Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий газа-лиётида ишорат бу қиссаға ва ўз интисобини Ҳазрати Шайхқа қилиб дебтурки, рубойи:

*Мо аз он муҳташамонемки, соғар гиранд,  
На аз он муфлисонки, бузи логар гиранд,  
Ба яки даст майи холиси иймон нўшанд,  
Ба яки дасти дигар парчами кофар гиранд.*

Мазмуни: Биз ўшал соғар ичгувчи муҳташамлардан-миз. Озгин эчки етакловчи муфлислардан эмасмиз. Бир қўлда иймоннинг холис майини нўш этсак, бошқа қўлимизда эса кофир байроғини қаттиқ тутамиз.

Дунёда иккита асосий йўл бор: бири — Ҳақ йўли, иккинчиси — халқ йўли. Халқ йўлини танлаган ва шунинг билан чекланган киши Ҳақ йўлига юксала олмаслиги мумкин. Аммо Ҳақ йўлига кирган чинакам ошиқлар эса халқ йўлидан гофил қолмайдилар. Улар учун ҳақ ишқи халқ ишқидан ажралмасдир. Иймон «қадаҳи» улар-



ни элу юрт ташвиши билан яшашга, энг оғир синовларни ҳам матонат ила енгиб курашишга илҳомлантирган. Бунинг тамалида эса, юкорида изоҳлаганимиз басират туради. Нажмиддин Кубро басиратнинг қандай очилиши ва навбатма-навбат вужуддан қандай ўрин эгаллаши ҳақида сўзлаб, уни «нуроний шахс», деб характерлайди. Хуллас, басират соҳиблари қалб хасталикларининг табибларидурлар. Улар ботиний иллатларни барҳам беришга қодирдурларки, сўзлари даво, назарлари шифодир. Оллоҳга яқин қахрамонлар бўлганликлари учун улар билан муносабатга киришганлар ва суҳбат қурганларнинг ботинидан маънавий хасталиклар, ёмонлик ва ёвузликлар супирилиб кетган.

## 8

Ҳамма дарвеш шоирлик салоҳиятига соҳиб бўлмаганидек, ҳамма шоир ҳам дарвешлик завқ-шавқига етиша олмайди. Аслида дарвешнинг кўнгли билан шоирнинг кўнглида, дарвешнинг идроки билан шоирнинг идроки орасида кескин фарқ сезилмаслиги керак. Дарвешлик туйғуларидан маҳрум шоир ҳурликнинг олий мақомларига юксалиб билмайди. Гўзалликни чинакам шоир қалби билан мушоҳада эта олмаган дарвеш эса ишқ алангасида ёнмоқдан бенасиб қолади. Зохири ҳеч қачон ботинига мувофиқ келмайди. Масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак дарвешлик шоирликка ўхшаб фитрий бир қобилиятлигига тан беришга тўғри келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро бир рубойида:

*Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,  
Ҳастанд эшон, чунончи ҳастанд эшон, —*

яъни: Сен зинҳор дарвешларга таъна қилма, улар қандай бўлсалар шундайдирлар — ўзгармайдилар, дегандир. Албатта, тарбия, шароит, муҳит, этикод — булар шоирга ҳам, дарвешга ҳам таъсирини ўтказади. Аммо шоирнинг ҳам, дарвешнинг ҳам таъсирланиш маркази фақат ва фақат Кўнгулдир. Маънавий ҳаёт тамали ўлароқ Кўнгулга таянишда, дунёга қалб кўзи билан қарашда, руҳоният жабҳасидаги масъуллик ва ҳақиқатга ташналикда улар бир-бирларига жуда яқин. Қонида дарвешлик жўшган шоирнинг овози бошқача янграйди. Шахсияти ярқ этиб кўзга ташланади. Бундай овоз тозаланган

ва холис бўлади. Бундай шахсият ҳайратланарли даражада хоксор, самимий, маърифий куч-қувватга тўлиғлиги билан ажралиб туради. Ёлғиз шундай шоиргина одамларни ишқ ва маърифат шароби ила маст айлаши, ҳеч қутилмаган тарзда кўнгил хақиқатларига диққатни қаратиб, Рух ва рухониятчилик байроғини баланд кўтариши мумкин дир.

Тасаввуф аввал бошданок шеъриятга мухтожлик сезган: шеър йўли, фақат шеърга хос таъсир усуллари ила кенг омманинг қалбини забт қилишни кўзлаган. Ва мақсадга эришган ҳам. Бироқ шеърият ҳам бундан ютқазмаган. Тасаввуфга яқинлашган, тасаввуф билан чуқур алоқа ўрнатган Шарқ шеърияти — бу нисбатан бошқа Шеърият, том маъноси ила Инсонга муносабати теранлашган, инсоннинг қалби, рухоният сирларини кашф эта билган Шеърият. Чунки тасаввуф инсон ва инсонийлик маъномоҳиятини бутун мураккаблиги ва бутун мукамаллиги ила кашф этиш илми, дастури, тажрибаларини жорий айлаган эди. Шеърият эса буларни ўз табиати, фаолияти ва тараққиётига мувофиқ равишда танлаган — на танлаш, на таянишда айтарли хатога йўл қўймаган. Шунинг учун қадим Туркистонимизда ҳам шайхларнинг — шоирлиги, шоирларнинг — шайхлиги ғайритабиий туюлмаган. Хусусан, икки буюк тариқат — яссавийлик ва кубравийликнинг асосчилари Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубронинг шеър битишга рағбат кўрсатишлари тариқат тарихидагидек, шеърият тарихи учун ҳам улкан воқеадир. Бироқ бу икки Шайхнинг шеър ёзганлигига шубҳа ила қарашлар ҳам йўқ эмас: бирига нисбатан кўпроқ, иккинчисига озроқ — лекин бор. Бундан бир неча ўн йил муқаддам атоқли рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» номли китобида Нажмиддин Кубронинг рубойларини эълон этган эди. Турли тазкиралардан терилиб жамланган бу рубойларнинг сони бор-йўғи йигирма бешта. Кубро шеъриятини бойитадиган ёки унинг шоирлигини янада пухтароқ асослашга далил бўладиган бошқа шеърий намуналар ҳануз топилганича йўқ. Бу эса маълум бир шубҳали мулоҳазаларга сабаб бўлиши табиий. Кубро ижодиёти бўйича анча муддат жиддий изланишлар олиб борган, асарларини таржима қилган Мустафо Қора худди шундай фикрдадир. У Е.Э.Бертельснинг ишини мақбул кўрмайди. Унингча, биринчидан, ишончли ва қадимий манбаларда Кубронинг шоирлигига алоқадор бирор бир далил ёки қайд учра-

майди. Иккинчидан, модомики Кубро шоирлик хунари-ни пухта эгаллаб шунча рубоий яратган экан, шу икти-дорини барча асарларида намойиш этиши, исботлаши лозим эди. «Фавойих ул-жамол»дек бошдан-охир нозик ва психологик таҳлилларга тўлиғ бир асарда шеър ун-сурларига ўрин берилмаслиги тушунарсиздир», дейди Мустафо Қора. Бизнингча, айнан «Фавойих»ни ўқиган одам Куброда шоирлик салоҳияти юксак бўлганлигига ишонади. Бундан ташқари, асардаги ўша «инжа ва пси-хологик таҳлиллар» Кубро рубоийлари билан қиёсланса, ўртада шакл ва тасвирдан бошқа фарқ йўқлигига ишон-масликдан ўзга имкон қолмайди. Масалан, «Фавойих»-да нафси Афъо дейилмиш илонга қиёслаб айтилган гап-лар билан «Дев аст даруни ман, ки пинҳон нест» мисра-си билан бошланадиган рубоийдаги фикр орасида мохи-ятан кескин тафовут йўқдир. Шунингдек, Куброга ба-ғишланган маноқибларда унинг шоирлигига урғу берув-чи далиллар мавжудлигини Мустафо Қора негадир эъти-бордан соқит қилган.

Маълумки, қадим-қадимдан икки нарса шеърнинг асо-сий шарти деб белгиланган: биринчиси — мазмун гўзал-лиги, иккинчиси — ифода гўзаллиги. Ифодада бир қадар яхши натижага эришилса-ю, мазмун бўш, саёз бўлса — бундай шеър ҳеч қачон зукко шеърхон қалби ва рухига таъсир ўтказолмайди. Бунинг акси бўлганда ҳам ахвол шунга яқиндир. Кўпчилик, шеърда ифода ва тасвир гўзал-лигини қўлга киритиш қийин, деб ўйлашади. Бир то-мондан бу тўғри. Аммо шеърда ўқувчига шавқ бағиш-лайдиган, унинг фикр-қарашларини янгилашга таъсир кўрсата оладиган жозибали, бўлиғ мазмунни кашф этиш қийин ҳунардир. Ана шу ҳунарни кўп шоир қойиллатиб бажаролмайди. Ана шу ҳал қилувчи жойда, ҳатто қала-мининг кучига ишонган шоирлар ҳам оқсайди. Чунки Мирзо Фатали Охундов ҳаққоний таъкидлаб ўтганидек «гўзал мазмун тошмоқ, Оллоҳ тухфаси бўлган табиий хусусиятлардандир, аммо қофия тизмоқ, бошқа санъат-лар каби ўрганиш мумкин бўлган бир нарсадир».

Кубронинг рубоийлари — кашф ва илҳом меваси. Улар оддий бир шоирнинг эмас, балки тарикат тартиб-қоидалари бўйича яшаган, хилват ҳаётининг ранж ва тўсиқларига бардош бериб қалбини поклаган, гоҳ ошиқ-лик, гоҳ орифлик, кўпинча валийлик ҳолатларидан мас-рур шоирнинг кўнгил изхоридир. Кубро рубоийлари-нинг асосий қисмида ҳолдан-ҳолга ўтаётган, бутун эъти-

бори ўзининг ботиний ўзгаришга қаратилган Сайёрнинг фикр-қарашлари дарж этилган. Назаримизда, уларни Кубро рисоалари билан қиёсий тарзда тадқиқ ва таҳлил этиш келажакдаги қизиқарли илмий текширишлардан саналади.

## 9

Е.Э.Бертельс Нажмиддин Куброни XII—XIII аср сўфийлар орасидаги энг ёрқин шахслардан бири деб баҳолайди. Ҳақиқатда ҳам Нажмиддин Кубро шахсиятидек мунаввар, маърифатли, ватансевар ва жасур шахсиятнинг дунёга келиши, умуман, инсоният тарихида сийрак учрайдиган ходисалардан. Нажмиддин Кубро дин ва тариқатнинг, миллат ва маънавиятнинг энг порлоқ юлдузи эрур. Бундай сиймолар борлигидан порлаган нур улар жисман махв этилганда сўнмайди.

Озарбайжоннинг машҳур шоирларидан Муҳаммад Ҳоди ёзади: «Эй ҳибсхоналар, эй зиндонлар, эй мазорлар, сиз на қадар муқаддас маконлардурсизки, вориқай жамоли ҳақиқат сизнинг қаронғу кучоқларингиздан порламишлар... Тиз чўқурмен эшикларингизгаким, ичкарисида лахутий сиймолар, мунаввар лиқолар, порлоқ фикрлар, улвий ҳаёллар соқиндир». Дахшатли ёвузликни писанд этмаган, ўлимдан қўрқиб-қакшамаган Нажмиддин Кубронинг мазори — ҳақиқат ва жасорат нури порлаган, улвий ҳаёл ва енгилмас эътиқод соқин ана шундай муқаддас-зиёратгоҳ эрур. Унда ҳамиша авлодларни Оллоҳ севгисига чорловчи, юрт ва миллат эркини ҳар нарсадан устун қўйишга илҳомлантирувчи тирик руҳ ҳоким бўлган. Кўнглига ишқ ва маърифат нури инган ҳар бир ўзбек шуни англаган, шунга ишонган.

Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Ҳусайн Бойқародан «Салтанат сохиби бўлмаганингизда нима иш ила машғул бўлардингиз?» — дея сўрашганда, «Нажмиддин Кубро макбарасида жўробкашлик (супурувчи) қилардим», — деб жавоб қайтарган экан. Нажмиддин Кубро ана шундай улуғ эхтиром ва эътиборга тўла лойиқ валий зотдир. Биз буларни билардик. Бироқ истиқлолга эришгунгача дин ва тариқат оламида доврў таратган Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломаларимизнинг улуғликларига яраша фикр ва муносабатимизни очик-ойдин изҳор этиш имкониятидан маҳрум эдик. Мустақиллик бундай адолатсизлик ва имконсизликларга чек

қўйди. Олимлар, шоирлар Нажмиддин Кубро ҳаёти, тариқати ва асарларини ўрганишга киришдилар. Айниқса, Кубро таваллудининг 850 йиллиги муносабати билан қўплаб мақолалар эълон қилинди. Тошкентда, Хоразмда унинг ҳаёти, яшаган даври, тариқатидан баҳс юритувчи мақолалар тўплами чоп этилди. Профессор Н.Комиловнинг «Нажмиддин Кубро» номли рисоласи босилиб чиқди. Сал кейинроқ Урганчда Кубронинг «Одоб уз-зокирин» асарига Абулғафур Лорий томонидан ёзилган «Шарҳи рисолаи одоб уз-зокирин» (таржимон М.Кодиров)нинг чоп қилиниши ҳам куброшуносликнинг илгариларидан далолатдир.

Мен бу ўринда истеъдодли шоир ва муаррих Хуршид Давроннинг «Шаҳидлар шоҳи» асари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Ушбу тарихий-маърифий қиссада Нажмиддин Кубронинг ҳаёт тарихи, тариқат арбоби сифатида қад ростлаш жараёни, маърифат тараққиётидаги тарихий хизматлари, ватанпарварлик жасорати таъсирли услубда ёритиб берилган. Хуршиднинг шоирлик ва олимлик салоҳияти қиссада самимий бир уйғунлик топган. «Шаҳидлар шоҳи» хусусан ёшларнинг қалбини ром эта олиш қувватига эғалиги билан ажралиб туради. Уни ўқиган ўспирин китобхонда маълумот ва таассуротдан — мушоҳадага, мушоҳададан — илм ва маърифатга интилиш иштиёқи туғилади. Бу муҳим жиҳат, албатта.

Яна бир хайрли иш. Талантли олим ва таржимон Э.Очилов Нажмиддин Кубро рубойларининг таржималари тўғрисида фикр юритиб ёзади: «Бу рубойлар нисбатан қисқа фурсат ичида уч марта ўзбек тилига ўтирилди. Дастлаб қайта қуриш, ошкоралик шарофати туфайли 80-йилларнинг охирида таржимон Жамол Камол бу қутлуғ ишга киришди: улуғ ҳамюртимизнинг ... 25 рубойсини анъанавий вазни ва мумтоз услубини сақлаган ҳолда ўзбекчалаштирди. Таваллудининг 850 йиллиги муносабати билан яна бир истеъдодли шоир Матназар Абдулҳаким Кубро рубойларининг янги таржимасини амалга оширди. Биз шайх-шоир рубойларининг учинчи таржимасини амалга оширишга журъат этдик».

Галдаги вазифа эса амалга оширилган мазкур хайрли ишларнинг узвий давоми ўлароқ Нажмиддин Кубро ҳазратларининг рисоаларини таржима қилиб нашр эттириш, куброшуносликни ривожлантирадиган янги-янги тадқиқотлар яратишдир.

# *Руҳи ҳур, ирфони ҳур шоир*

## 1

Бундан минг йиллар муқаддам қадим Хитой қишлоқларидан бирида халта кўтарган бир фақир пайдо бўлибди. Қишлоқ аҳли ундан: «Елкангда нимани кўтариб юрибсан?» — деб сўрашганда у: «Бутун дунёни», — деб жавоб берибди. Ци-ци номли бу донишманд зот назарда тутган «бутун дунё» — ҳақиқат бўлиб, у ҳақиқатга зор ва ҳақиқатдан йироқ одамларга ҳақиқатни таништириш ва тарғиб қилиш билан машғул бўлган экан. Шарқда туғилиб, камол топган улуг шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги елкасига «халта» ортган ана шу фақирга ўхшайди. Зеро, улар ҳам дунёнинг дунёлигини Ҳақиқатда кўрган, Ҳақиқат учун туғилиб, бутун умри ва фаолиятини Ҳақиқат истиқболига бағишлаган истеъдодлар бўлишган.

Ҳақиқат — турғун фикр ва тушунчалар бирлигидангина иборат эмас, албатта. Ҳақиқат янгилиниши, доимий равишда илгарилаб, юксалиб бориши билан қудратли ва умидбахшдир. Мана шунинг учун Ҳақиқат ҳар гал баланд макомларга кўтарилганда, Олам ва одам тақдирида ижобий ўзгаришлар юзага келади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳақсизликлар, қисман бўлса-да, барҳам топади. Ва ўз-ўзидан бу одамларнинг Ҳақиқатга ишонч ҳиссини кучайтиради. Шу тариқа юксак ахлоқий туйғулар уйғонади. Жалололдин Румий бадиий ижод оламига кириб келганида ахвол бутунлай бошқача эди.

Тарихдан маълумки, Румий яшаб ижод этган давр — ер юзининг анча катта қисмини аёвсиз мўғул тўфони қуршаб олган, кўп халқларнинг қалбида кўрқув ва таҳликалар кучайган машъум бир давр эди. Эрон олими Абул Ҳасан Надавийнинг қайд этишича, Мавлоно Румий «инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги кадр-кимматини таҳқирлаган замон фарзанди ўлароқ майдонга чиққандир. Ва Мав-

доно шундай замон, шундай жамиятда ўзининг оламшумул шеърляти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган ҳамда таназзулга юз тутган шеър ила кўмилган инсон кароматини ҳаракатлантира олганди».

Румийнинг бетакрор шеърляти ва санъаткор сифатидаги тарихий хизматларидан фикр юритаркан, Надавий эътиборга молик яна шундай фикрларни ёзади: «Мавлоно Румий порлоқ ва гўзал бир тил, имон ва балоғат билан инсоннинг кароматини ва инсонлик фазилатини улуғлади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бошланди. Инсон ўзининг шарафи ва кадр-кимматини тегран англаш йўлига тушди. Ислом адабиёти ҳам бу жозибали қувват ва улуғворлик билан илгарилади. Мукулмон шоирлари шу тамойилда шеърлар ёзиб, диққатни унга қаратдилар. Тасаввуф оламида ҳам янги ҳаракат юз очди. Буларнинг ҳаммасини бир ибора билан инсонликдан фахр айламоқ дейиш мумкиндир». («Туйғу ва тушунчада тозалик...», Кўнё, 1986, 120—121-саҳифалар).

Дарҳақиқат, Жалололиддин Румий инсоният фикр ва туйғу тарихида ўзига хос юксак босқич яратган, Шарқ шеърлятида руҳоният завқи ва сирларини кашф этишда беллашиб бўлмас натижаларга эришган шоир эди. Румийнинг инсон кароматини улуғлаши зоҳирий бир мақсад эмасди. «Бунда у ўзининг ботиний салоҳияти ва сўзининг таъсир қувватига ҳам инонар ҳамда тўла ишонч ила одам табиатида туб ўзгаришлар пайдо қилишидан баҳс этганди». Масалан, шоир бир ғазалида:

*Ман гуссаро шодй кунам, гумроҳро ҳодй кунам,  
Ман гурғро Юсуф кунам, ман захрро шакар кунам, —*

Мазмуни: Мен ғуссани шодлик қилай, гумроҳни тўғри йўл бошловчи қилай, мен бўрини Юсуф этай, мен захарни шакар қилай, деса, бошқа бир шеърда ҳасад аҳлини ғамдан озод айлаб, «эшаклар тўдаси»га шодлик бағишлаганидан сўзлайди:

*Ҳасудонро зи ғам озод кардам,  
Дили ғалае харонро шод кардам.*

Алишер Навоий «Махбуб ул-кулуб» асарида шоирларни бир неча табакага ажратиб, аввалги жамоанинг «ишлари маоний хазинасидан маърифат жавхарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак», — дейди.

Навоий таснифи бўйича, Жалолиддин Румий ушбу гуруҳга мансуб шоирлардан. «... Яна қойили маснавийи маънавий, ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси ва маърифати номутахоний имлосидан ўзга йўқтур». Навоий Румийни «ғаввоси баҳри яқин» деганида, албатта, яқин илмидаги ғаввослигини назарга олган.

«Яқин» — очик-ойдин, аниқ ва шубҳа-гумондан бутунлай холи илм демек. Имом Ғаззолийнинг ҳукмига кўра, «дин Сарватининг бутун сармоёси» Яқин илмидир. Яқин — илмнинг бошланғичи бўлиб, унга эришилгач, қалб учун барча нарсани фаҳмламоқ, англамоқ имконлари очиларкан. Мутасаввифларнинг тушунчасида, «қай замонки нафс бирор нарсани тасдиқлашга тарафдор бўлиб, ўша нарса нафсдан ғолиб келиб исталган шаклда нафсни тасарруф айлай олса, унга Яқин номи берилур».

Яқин учун уч мақом белгиланган: Илмул яқин — ўқиш ва ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим. Айнул яқин — бу мукошафа йўли ила ҳосил этиладиган ботиний, яъни ҳол сирларини очувчи билим. Ҳаққул яқин эса илм, мушоҳада ва ҳол босқичларини кечиб Ҳаққа фоний бўлмоқ. Чунончи, фақат илм билан эмас, кўриш, ҳол ва сир мақомларида яшаб ҳақиқатни билиш ва шу ҳолатда давом этиш. Бу — Яқин даражаларининг охири ва энг юксаги. Чунки унда илм ва мушоҳададан кечиб, асл моҳият ичида яшаш ҳақиқати қўлга киритилади. Айрим олимлар Ҳаққул яқин ошиқнинг ҳам илм, ҳам ҳол, ҳам мушоҳада соҳиби ўлароқ Ҳақ васлига етишиши, деган фикрни илгари сурганлар. Навоий худди шу жихатлардан Мавлоно Румийни «ғаввоси баҳри Яқин» деб билган ва ибрат қилиб кўрсатган. Навоийнинг бир рубойидаги «Шукр айлаки Ҳақ аҳли яқин қилди сени», деган сўзлари ҳам Румийнинг хизматларини яқиндан англашга ёрдам беради.



Тасаввуф адабиёти — илми ҳол, илми ботин, илми ҳақиқат деб аталмиш тасаввуф илми билан алоқа-дорликда тараккий топиб борган. Шунинг учун бу илм ўртага қўйган асосий тушунчалар, ботиний томондан таъвил ва талқин қилиниши лозим бўлган фикр-қарашларни инobatга олмасдан, ижоди тасаввуф таълимотига боғланган ҳеч бир шоир ёки ёзувчи асарлари устидан тўғри ҳукм чиқариб бўлмайди. Мана шунинг учун шоир ва мутафаккир Гёте Румий шеъриятининг туб моҳиятини билиш ҳақида бундай деган эди: «Жалолиддин Румий воқеликнинг шубҳали заминиди ўзини ўнғайсиз ҳис этади. У ходисаларнинг ички ва ташқи жумбоқларини зукколик ила соф рухий, хаёлий зайлда ҳал қилишга уринади. Аммо охир-оқибатда у яратган асарларнинг ўзи янги талқин ва шарҳларга муҳтож жумбоққа айланади...»

### 3

Румий тасвирларидаги маъно ва туйғуларнинг замини ҳам, миқёси ҳам жуда кенг. Бу тасодифий эмас, албатта. Унинг ўзидан олдинги маданиятларни мукаммал ўзлаштирганлиги илмда ёритилган. Румий ижодиёти Юнон, Эрон, Миср, Ҳинд мифологияси билан алоқада бўлган, араб, юнон адабиёти тажрибалари билан боғланган. Ислом дини, айниқса, Қуръони карим унинг шаклланишида ҳам, ривожланишида ҳам зўр таъсир кўрсатганки, буни шоирнинг ўзи ҳам қайта-қайта эътироф этади. Мана, у бир рубойида нима дейди:

*Ман бандаи Қуръонам агар жон дорам,  
Ман хоки роҳи Муҳаммади мухторам.  
Гар нақл кунад жуз ин кас гуфторам,  
Безорам аз ўву, з-он суҳан безорам.*

Мазмуни: Агар жоним бор экан, мен Қуръоннинг бандасиман. Мен соҳиб ихтиёр Муҳаммад йўлининг тупроғиман. Биров сўзимни бундан бошқача нақл қилса, ундан ҳам, ўша сўздан ҳам безорман.

Мавлоно Румий ислом ва тасаввуф маърифати бирлигига асосланган форсий шеъриятнинг муҳиби ва беназир билимдони эди. Буюк шоир учун Фаридуддин Ат-

тор — рух, Санойй — кўз мавқеида бўлиб, у ўзини шу икки санъаткорга издош деб билган:

*Аттор руҳ буду Санойй ду чаши ӯ,  
Мо аз паи Санойю Аттор омадем.*

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Румийнинг Фаридуддин Аттор билан учрашуви ҳақида шундай дейди: «Мақкага борурда Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор суҳбатига етиштилар. Шайх «Асрорнома» китобин аларга берган экандур. Доим ўзлари билан асрар экандурлар. Алар дер эрмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурмен, балки ул завқ ва хушлуқменки, муридлар ботинида менинг каломимдин бош урар. Оллох-Оллох чун ул дамни топсанг ва ул завқни топсанг, ғанимат тут ва шукур қилки, мен улдурмен».

Ҳа, Румий ЗАВҚ муктадоси эди. Уни завқ руҳоният шоирига айлантирганди. У илоҳий гўзаллик нурларидан завқланар, кўнгли завқ-шавққа тўлган сайин дунёни унутар, шу завқ уни оламнинг оқу қароси, яхшилигию ёмонлиги, тубанлигию юксаклиги устидан том бир толибликка етказарди. Шу хурлик ҳолатлари шоирнинг қуйидаги сатрларида аксини топганди:

*Маро гўяд яке мушфиқ, бадат гўянд бадгўён,  
Накугўрову бадгўро намедонам, намедонам.  
Замин чун зан, фалак чу шў хўрад фарзанд чун гурба,  
Ман ин занрову ин шўро намедонам, намедонам.*

Мазмуни: Мени биров мушфиқ деса, бадгўйлар ёмон деса, яхши дегувчисини ҳам, ёмон дегувчисини ҳам билмайман, билмайман. Замин гўё хотин, фалак бир эр, йирткичга ўхшаб фарзандини еса, мен бу эру хотинни билмайман, билмайман.

Румий Ўзлигини ишқ ва завқла топганлиги учун ҳам «Ул завқни топсанг, ғанимат тут ва шукур қилки, мен улдурмен», деганди.

Шоир қалбида оташин ҳиссиётларни тўлиб-тоширган висол завқи эди. Шу маънода Румийни на Аттор, на Санойй ўз ортидан эргаштира олмаганди. «Санойй ва Аттор, кўп улуғ эрлардир, аммо хижрон ва айриликдан кўп баҳс этурлар. Бизнинг сўзларимиз висолга ойдир», — демишди Мавлоно.

Чиндан ҳам Санойй ва Атторнинг гоёвий-бадий тал-

қинларида инсон комилликка қанча интилса интилсин, дунёда не қадар юксалса юксалсин, унинг вужуди четга сурилмас бир пардадурки, инсон то ўлмагунича ҳақиқатга эриша олмас, деган фалсафий қараш ҳокимдир. Румийда бунинг акси, унинг нуқтаи назарида ҳақиқат олами — тириклик ва инсонлик олами. Ўлим ҳақ — эртадир, кечдир одам ўлади. Бироқ одамлар бир-бирига жон бўлиши, бир-бирининг ишқи билан ўлиши керак.

Инсон — илоҳлик мазҳари. Илоҳни ҳам у ўзидан ахтармоғи шарт. Ундан ташқарида илоҳий исм ҳам, калом ҳам йўқ. Жибрили амин, набию расул ҳам унинг ўзи:

*Онҳо, ки талабгори худоед, худоед!  
Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед!  
Чизе, ки накардед гум, аз баҳри чи жуед,  
В-андар талаби гумшуда аз баҳри чароед?  
Исмеду ҳуруфеду каломеду китобед,  
Жибрили аминеду расулон шумоед...*

Бундай фикрлар инсоннинг ўз моҳиятида мавжуд ва яшириниб ётган илоҳий фазилатларни билиш ва теран идрок этишга хизмат қилганлиги шубҳасиз, албатта.

#### 4

Жалолиддин Румий шеърляти — диний-тасаввуфий инончлар таъсирида шаклланган. Тасаввуфий маъно ва ҳиссиётлар Румий ғазалиётида бир-бирини такрорламайдиган оҳангларда тасвирланган. Тадқиқотчиларнинг эътирофларига кўра, Шарқдаги бошқа мутасаввиф шоирларнинг рубоийларидан фарқли ўларок, Румийнинг кўпчилик рубоийлари само мажлисларида яралган. Само эса Румий тушунчасида ўзига хос бир уйғониш ва сурур мажлиси эди. Шоир уни тирикликнинг ороми, жоннинг жони, дея таърифлаганди.

*Самоғ ороми жони зиндаги ҳаст,  
Каси донадки ўро жони жонаст.*

Академик А. Кримский: «Ҳеч муболағасиз, «Маснавий» тўпламини тасаввуфнинг шеърӣй қомуси дея аташ

мумкиндурки, унингсиз тасаввуфни англаш душвордир», — деганида ҳақ бўлган (А. Крымский. История Персии, его литературы и дервишеской теософии. Том III. М., 1914. — 1915. С. 276).

Бу ва бунга ўхшаш бошқа кўп далиллар Мавлоно Румийни чин маънодаги сўфий шоир кифосида тасаввур қилиш ҳамда ижодиётини сўфийлик маслагининг махсули дея таърифланга ҳуқуқ беради. Бу ҳуқуқдан хориждаги бир қанча олимлар ва шўро даври адабиётшунослиги ўзича фойдаланиб, Румийни сўфийлик дунёсидан четга чиқа олмаган шоирлар даврасига кўшишган. Холбуки, Румийнинг дунёқараши, ҳақиқатга эришиш йўли, ишқдан кўзда тутган мақсади, руҳоний юксалиш босқичлари том маънодаги сўфий ижодкорлар, хатто Санойй ва Атторникидан фарқланган. Чунки, Румий, биринчидан, расман ҳеч қайси тариқатни қабул қилмаган. У танлаган комиллик йўли — ишқ, мусиқа ва само йўли эди. Шунингдек, Румий тариқат асосчиси ҳам бўлмаган. Улкан румийшунос Абдулбоқи Гулпинорлининг ёзишича, Румийнинг издошлари бўлиб майдонга чиққан мавлавийлар: «Бир тариқатни тамсил этмасдилар. Улар, ишқ йўлининг содик йўлчилари бўлган шуттор тоифаси эди ва тариқат аҳли ҳолида эмас, бир гуруҳ ҳолида эдилар. Мавлавийлик Мавлонодан анча кейин пайдо бўлди ва мавлоноликни тамомила унуттирди» («Мавлоно Жалолиддин», Истанбул, 1985, 224-саҳифа).

Ушбу фикрларни ўқиган кишида «Мавлонолик нима?» деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, мавлонолик, энг аввало, Румийнинг буюк ва мислсиз шахсияти, шахсий фазилатлари, комил ахлоқи, инсоният тафаккурини олий юксакликларга кўтарган фикр-қарашлари ва руҳоний маърифати. Бироқ булар бир қадар умумий гапдай эшитилиши мумкин. Абдурахмон Жомийнинг «Нафахот ул-унс» асаридаги бир маълумот эса масалани «хусусий» томондан ёритишга йўл очади.

Жомий ёзади: «Бир жамоат Мавлонодан имомат қилишни илтимос этдилар ва ўша жамоа орасида Шайх Садриддин Кунявий ҳам ҳозир эди. Шунда Мавлоно деди:

— Биз мардуми абдолдурмиз, ҳар жойгаки, етурмиз, ўтирурмиз, турурмиз. Имомликка тасаввуф ва тамкин арбоблари лойиқдурлар» (Осор, ж. 8, Душанбе, 1990, саҳ. 89). Демак, Румий сўфийлик маслагидан аб-

доллик маслагини устун қўйган, ўзини тасаввуф арбоби ёки сўфий эмас, абдоллар вакили ҳисоблаган.

Абдол сўзи тасаввуф истилоҳи тарзида IX асрдан эътиборан фаол татбиқ этилган. Аммо унга ҳам халқ оғзаки ижодиёти намуналарида абдол қалимаси мавжуд бўлиб, абдоллар тўғрисида баҳс юритилган. Фақат улар дунёнинг маънавий низоми муҳофазасини ақс эттирувчи Риждоул ғайб назарияси билан алоқадор қилиб кўрсатилган.

Муҳаммад Фуод Кўприлизода абдолга хос сифатларни, «оз сўзламак, оз ухламак, оз емак, носдан айру яшамоқ, мададга муҳтож ва лойиқ бўлганларга ёрдам бермоқ, бир мамлакатга келадиган фалокатларга қарши турмоқ, ёмғир ёғдирмоқ, ғанимларга қарши бош кўтарганларга ёрдамлашмоқ», — деб характерлайди (Адабиёт тадқиқотлари, 2-жилд, Истанбул, 1989, 367-саҳифа). Буларнинг ҳаммаси инсоний ҳаракат, фаолият, ҳиммат, кўпчиликка ғамхўрлик, ҳаттоки миллий журъат ва жасоратни намойиш айлайдиган сифатлардир.

Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни — меҳрга, жоҳилликни — маърифатга, нафсни — фаросатга таслим этиш абдолликнинг ахлоқий мажбуриятлари эди. «Нафаҳот ул-унс»да ҳеч бир жониворга озор етказмаслик ва ҳеч бир жониворни ўлдирмаслик «абдоллик мазаҳаби» эканлиги айтилган.

Румий шахсиятидан баҳс этилган бир қанча ҳикоят ва ривоятлар ҳаётда ҳам унинг абдоллик одобига тўлиқриоя қилганлигидан далолат беради. Нақл қилинишича, Мавлоно бир кун кетаётиб йўлакда узала тушиб ётган итга дуч келибди. Ва итнинг оромини бузиб қўймаслик учун уйғонишини кутибди. Шу орада таниш бир киши келибди-да, итни қувиб йўлни очибди. Мавлоно, бу ҳолдан жуда хафа бўлиб, «Итга азият етказдинг», — дея танбех берибди унга.

Ҳақиқий абдолларга ўхшаб, Мавлонода ҳам амирлар, султонлар билан учрашиш ёки уларга яқинлашиш истаги бўлмаган. Бир гал амирлардан бири унинг зиёратига бора олмаганидан узр сўрабди. Шунда Мавлоно: «Узр тиламакка ҳожат йўқдир. Бизни кўрмаслик кўришдан кўп қарра қувончбахшдур», — деган экан («Туйғу ва тушунчада тозалик...», 69-саҳифа).

Румийнинг эътиқодига кўра, «Кўнгли ойдин бир мардга қул бўлмоқ шоҳларнинг бошларида тож бўлишдан кўп қарра афзал». Аммо бойлик, хонлик, амал-

дорлик хирси бу хикматни билишга йўл қўймайди. Натижада, «халқ мақом ва мартаба учун тубанликларга бардош берар. Ярамас ҳолларга тушар, юксаклик умиди ила хорликдан лаззат олар, хўрланишдан хушланар». Одам на амал, на мол, на зар билан чинакам хурликка эриша олмайди. Чунки булар вужуднинг мақсадлари. Ақлан, руҳан озод яшаш эса дил касби ва шу касб ила кенг маънодаги дўстликни камол топтирмоқдир:

*Мол асту зар асту мақсади тан,  
Касби дил дўсти фузудан...*

М. Ф. Қўприлизода, абдол энг узоғи билан XII асрда дарвеш атамасига муқобил ўлароқ қўлланила бошланглигини айтади. Румий шеъриятида абдолга хос баъзи етакчи хусусият ва фазилатларнинг дарвеш ҳамда фақир образида мужассамланувига ана шу муқобиллик сабаб бўлгандир.

## 5

Жалолиддин Румий бир рубойида «Мени она туғмаган, ишқ тукқан. Шу волидага минг-минг раҳмату офарин», — дейди. Румийнинг қарийб эллик минг байтдан иборат девони, йигирма олти минг байтдан ортик «Маснавий»си ишқ фарзандларининг кўнгил ва ҳақиқат китобидир. Мавлононинг шеърияти — халққа ишқ шодликларини етказувчи ва айни пайтда шодликнинг додини берувчи шеърят:

*Ишқ он бошад, ки халқро дорад шод,  
Ишқ он бошад, ки доди шодиҳо дод.*

Маълумки, тасаввуф таълимотида ишқ икки турга ажратилган: мажозий ва ҳақиқий ишқ. Мажозий (ёки башарий) ишқ инсоннинг инсонга ва борлиқ оламга бўлган севгисидир. Бу ишқ ҳам инсоннинг рухий ва ақлий қувватига таянади. Энг юксак ҳиссиёт ила борлиқ гўзалликларини севиш ва ардоқлашни талаб қилади. Чунки у илоҳий ишққа етишмоқ учун бир боскич. Ҳамма гап бу «боскич»да баҳимий, яъни хайвоний майл ва сифатларга кул бўлиб қолмасликда. Зеро, гўзалликдан туғилган ишқ рухоний туйғуларга кенг йўл очиши, борлиқ-оламда акс этган гўзалликнинг илоҳий сирларини теран идрок айлашга чорлаши муқаррардир. Акс тарзда Мавлоно: «Ишқ хоҳ мажозий бўлсин, хоҳ

хакикий, охир-оқибатда инсонни ҳақиқатга етказур», демасди.

Тўғри, Румий ишқни «Тангри сирларининг устур-лоби», деб билган. Илоҳий ишқни мажозий севгидан устун кўрган. Аксарият шеърларида, «Маснавий»сида шу ишқдан баҳс юритган. Лекин уларнинг бирини иккинчисига қарши қўймаган. Балки, «Ишқсиз киши канотсиз бир қушга ўхшар, унинг ҳолига вой ва ёзуқлар бўлсун», деган.

Шу ўринда озроқ чекиниш қилмоқчимиз. Литвалик олим И. Н. Калинаускас «Дунё билан яккама-якка» номли китобида машҳур рус ёзувчиси ва файласуфи Д. С. Мережковскийнинг мана бу фикрини келтиради: «Шу пайтгача бировлар кўп билишган, аммо кам севишган, бошқаларда ишқ кўп бўлган, бироқ билим жуда камлик қилган. Фақат кўп билиб, кўп севишга кодир кишигина инсоният учун ҳақиқатда гўзал ва буюк ниманидир амалга ошироғи мумкин» (Киев, 1991, 242-саҳифа). Ўйлаб кўришга арзирли гап. Бугун инсоният керакли, кераксиз илми эгаллашда олдинги асрларга нисбатан илгарилаб кетганлиги рост. Бироқ ишқий ҳиссиётларини юксалтира олгани йўқ. Шу боис дунёда ишқнинг эмас, шахватнинг қуллари кўп. Севги-муҳаббат кучига таянувчиларга қараганда, гафлат ва жаҳлатга таслимларнинг сони беҳисоб. Мавлоно шахват ила ишқ орасидаги масофанинг жуда йироқлигини: «Аз шахват то ишқ роҳи бисёр аст», — деб таъкидлар экан, таҳсил билан ҳосил этилган илм ва ишқ ўртасида ҳам катта фарқ борлигини айтади:

*Он илм, ки дар мадраса ҳосил карданд,  
Коре дигар асту ишқ коре дигар аст.*

Бу хулоса шоирнинг шахсий тақдири ва ҳаёт тажрибалари билан ҳам боғлиқ эди. Мадрасада ўқиган чоғларида ҳам, Кўниёда мударрислик қилган йилларида ҳам у бошқа киши, яъни чин ошиқ эмас, ақл ва мантиқ ҳукмларига тобе олим ва аллома эди.

1244 йил Румий ўттиз етти ёшларда экан, фикр ва маънавий ҳаётида туб ўзгариш пайдо қилган бир учрашув бўлади. Ўшанда дарвешларнинг султони Шамсиддин Табризий Кўниёга ташриф буюрганди. Нақл қилинишича, Мавлоно от устида, ёнида шогирдлари виқор ва салобат ила мадрасадан уйига қайтаётганда,

Шамс унинг қаршисида пайдо бўлади. Ва отнинг жоловидан тутиб, Мавлонога савол беради:

— Эй муллои Рум, Ҳазрати пайғамбар буюкми, Боязидми?

— Бу қандай савол? Албатта Ҳазрати Мухаммад буюк-да, — дейди Румий.

Шамс:

— Яхши, аммо Расули Аллох, қалбим зангланур, шунинг учун Раббимга қунида етмиш карра истиғфор этарман, демиш. Ҳолбуки Боязид, ўзимни ёмон хислатлардан покларман, зуҳурим нақадар буюк, дер. Жасадим ичида Тангридан бошқа бир борлик йўқ, дея даъво этмиш. Бунга не дерсан?

Мавлоно:

— Мухаммад алайҳиссалом унда етмиш мақом ошарди. Ҳар мақом ва ҳар мартабага етганда аввалги мақом ва мартабадан истиғфор этарди. Боязид эса етишажак мақомининг улуғлигидан, ўзидан кечди ва ул сўзни сўзлади.

Устоз ва шогирд орасидаги яқинлик, Мавлононинг Шамсга ишқи мана шундай тарзда бошланганди. Шундан сўнг улар хилватга чекиниб олти ой суҳбат қуришди («Мавлоно гулдастаси», Кўниё, 1991, 39—40-саҳифалар). Бу суҳбатлар — нафс ва ахлоқ, қалб ва рух, тафаккур ва маърифат, ишқ ва ҳақиқат сирларидан баҳс этувчи маърифий суҳбатлар эди. Шамс ақидапарастликдан тамоман йироқ, хур фикрли комил инсон эди. Унинг учун тоат-ибодатдан мурод зоҳирий русум ва одатларни адо айлаш эмас, қалб ҳузурига эришмоқ эди. У фақат завқ ва ҳузурда риё бўлмас, ибодат — кўнгил ибодати, қуллик — қалб қуллиги, булар ҳузурсиз ижро этилган зоҳирий ибодатлардан кўп карра устун ҳамда афзал деб ҳисобларди. Хуллас, Шамс билан учрашувдан сўнг Мавлононинг қалбидаги ишқ ва ҳурлик учқунлари аланга бўлиб ёнишга бошлаганди. Бу ҳолатлар унинг шеърларида ҳам ўз тасвирларини топган:

*То дар дили ман ишқи ту афрўхта шуд,  
Жуз ишқи ту, ҳарчи доштам, сўхта шуд.  
Ақлу сабақу китоб бар тоқ ниҳод,  
Шеъру газалу дубайти омухта шуд.*

Айрим олимлар Шамс Табризий то Кўниё уфқида зуҳур этмагунча, Румийнинг шеъру шоирлик билан



иши йўқ эди, деган фикрни айтишган. Бу гапга қўшилиб бўлмайди. Мавлоно Шамсни топгунича ҳам шеърлар ёзган. Аммо кейин Мавлоно уларни ёқиб юборган экан. А. Гулпинорли куйдирилган ўша шеърларни шоир «хаётининг илк даврларида ёзилганлигини» тахмин қилади.

«Ишқ шарияти барча динлардан айридир. Ошиқларнинг миллати ҳам, мазхаби ҳам Аллоҳдир».

Румий шеъриятининг лирик қаҳрамони худди шу маслак ва мазҳабдаги кишиларнинг вакили. Мавлоно ижодиётида талқин қилинган ҳақиқий ишқ, комил инсонга муҳаббат ёки комиллик сирларини унда кашф айлашдурки, бу ишқ орифлик, гўзаллик, виждон завқи ва кўнгил ҳаловатининг энг олий мужассамидур. Мавлоно шеъриятида инсонни ҳусни мутлақдан ажратадиган фикрий бир тўсиқ йўқ.

Маълумки, аҳли ҳол тушунчасида ишқ севгининг энг охириги даражаси ва мукамал шакли. Ишқ мақомига кўтарилгунча ошиқ яна етти даражада қалб ва руҳни камолга етказиши керак. Булар: 1. Дўстлик. 2. Савдо — кўзёш тўкмак. 3. Севгидан сармастлик. 4. Муҳаббат — ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқ-ла севгилига яқинлашмоқ. 5. Шигоф — қалбни пора этиб, оташга ёққан севги. 6. Жунун, яъни маъшуканинг қулига айланмоқ. 7. Севги шаробидан маст бўлиб ўздин кечмоқ. Севгининг ушбу даражалари ва уларни босқичма-босқич кечиб ўтган ошиқнинг аҳволруҳияси Румий томонидан фавқулудда санъаткорлик билан тасвирлаб берилган. Бунда шоирни илҳомлантирган гўзаллик ва латофат илоҳаси, биринчи навбатда, Аёл бўлганки, буни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, албатта. «Аёл Ҳақ нуридир, севгили эмас... айни яратувчидир, яратилмиш эмас», — дейди Мавлоно. Мана шунинг учун ҳам Румий тасвиридаги фикру туйғулар ниҳоятда жонли, ҳаётӣй, самимий ва завқбахшдир.

## 6

Шарқ шеърияти ҳамма давр ва шароитда ҳам бир хилда ривожланиб бормаган: у бир неча маротаба турғунлик ва бухрон ҳолатларни бошдан кечирган. Лекин уни руҳий турғунлик, фикрий якранглик офатларидан ҳар гал ҳақиқий истеъдодлар ҳалос айлашган. Жалолиддин Румий ҳам худди шундай буюк санъаткорлардан

эди. Одамлар «чин шеър ва санъат очуни»дан узоқлашган замонда Мавлоно шеърятга янги рух, янги кувват бағишлади. Унинг учун Сўз фақат инсон қалбинимас, балки икки жаҳонни ҳам янгилайдиган мўъжиза эди. Мавлоно бошқалардан ҳам мўъжиза яратишни талаб қилганди:

*Хин, сухани тоза бигу то ду жаҳон тоза шавад...*

Мавлоно шеърни севар, шеърдан тинимсиз завқларди. Бироқ қофиябозликка тоқат қилолмасди. Шеърни вазн ва қофияга тобе билиш унга мутлақо ёт фикр эди. Унинг «Эй шоҳи султони азал, бу байту ғазалдан халос бўлдим, муфтаилун, муфтаилун, муфтаилун ўлдирди мени», дейишида шеърятдаги шаклбозликка қарши исён бор:

*Ростам аз ки байту ғазал, эй шоҳи султони азал,  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун кушт маро.*

Мавлоно ижоди билан Шарқ шеърятда янги фасл бошланди. Бу — эскининг янгига таслим бўлиши ва шеърятда янгиликнинг тантана қилиш фасли эди. Шунинг учун эскирган фикр жаллобларининг даври ўтди, биз янгилик сотувчисимиз, бу бизнинг бозоримиздир, — дейди Мавлоно:

*Навбати кўҳнафурўшон даргузашт,  
Нав фурўшонему ин бозори мост.*

Румий шеърятга ўзининг ҳам рухоний, ҳам маъруфий янгилиги ва тасвир усулларининг бағоят гўзал холда хилма-хиллиги билан кейинги даврлар ўзбек адабиёти тараққиётига кучли таъсир ўтказгандир. Бу таъсир излари Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб ёзувчи ва шоирларимиз асарларида аниқ кўзга ташланиб туради. Даъвомиз курук бўлмаслиги учун биз бу ўринда Навоий шеърятдаги айрим далилларга эътиборни тортмоқчимиз.

Хар нарсанинг яхшилиқ ва камолга томон боришига инонган Жалолиддин Румий ёмонликнинг юзага келишини ҳам бошқача тушунтиради. «Нуқсонлар камол сифатларининг ойнасидир, — дейди Мавлоно, — у хурлик, юксаклик ва улуғликка кўзгу эрур... Ким ўз нуқсонини кўриб, англаса, тасарруфида тўққиз от бўлса-да, уларни комиллик йўлида елдирар.

Ўзини комил деган улуғлик соҳиби Тангри йўлида парвоз эта билмас: Эй мағрур ва худпараст кимса. Жонингда ўзингни комил англашдан баттар иллат йўқдур».

Энди, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидаги мана бу сатрларнинг маъносига диққат қилинг:

*Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,  
Комил улким нуқсин исбот айлағай.  
Ўз камолидин демас аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.  
Сенки нуқсон ичра комилсан баса,  
Олим айтиб ўзни, жоҳилсан баса...  
Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.*

Демак, Навоий ҳам Мавлонога ўхшаб нуқсонни инсондаги камол сифатининг ойнаси билган. Ва нуқсонларни билиш («Комил улким нуқсин исбот айлағай») орқали комилликка етишиш муқаррарлигини таъкидлаган.

Жалололидин Румий ва Алишер Навоий адабий меросини тарихий-қиёсий йўналишда ўрганиш Навоий шеърининг ботиний оламини мукамал билиш, ундаги бир қатор мураккаб тушунча ва ҳақиқатларнинг моҳиятини тўғри талқин қилишга йўл очади. Масалан, Алишер Навоийнинг:

*Кўнғлум ичра бут гами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,  
Аҳли дин оллинда боргунча бу исломим била, —*

сингари сатрларидаги маъноларни Румий ижодиётидан ажратиб талқин этиш мумкин эмас.

Куфр сўзининг луғавий маъноси маълум: инкор этувчи, ислом динини тан олмаган, шак келтирувчи, яъни кофир дегани. Тасаввуф истилоҳи ўлароқ куфр мутлақо бошқа мазмунларни ифодалайди. Ва куфрнинг моҳият-эътибори ила имонга ихтилофи йўқ. Шунинг учун «Маснавий»да «куфр ҳам, имон ҳам ул улуғлик соҳиби Тангрига ошиқдир», — дейилган.

Тасаввуф таълимотида куфр мақом, ҳол, йўл ва ҳақиқат тарзида қабул этилган. «Куфри ҳақиқий» дея номланган мақомни ҳозирги кун нуктаи назари билан шижоат ва холислик мақоми, деб баҳолаш мумкин. Аҳли Ҳақ инончлари бўйича, инсондаги таҳлика, ваҳм ва уларнинг хосиласи бўлмиш истак йўқдан бор

бўлмаган. Уларни ҳам Тангри яратган. Хақиқат ва мутлақ борликка ковушган киши кўнглида эса таҳлика ва ваҳми яратган Тангрини инкор айлаш туйғуси бош кўтарган. Куфр холи мана шудир.

Хақиқати куфрда умуминсоний бир мазмун яширинган. Чунончи, бутун борликни Ҳақ ва хақиқат мазҳарлари деб билган орифлар бошқа дин ва мазҳабдаги кишиларнинг илоҳий инончларига ҳам тўла хурмат билан қараганлар ҳамда инсон қавмининг ҳар бир жамоасида Ҳақни кўрганлар. Аммо куфр шиори билан илгари сурилган бу хақиқат икки маънода пинҳон тutilган. Биринчиси, диннинг зоҳирини муҳофаза айлаш, иккинчиси, ўзни жаҳолат, нодонлик ва мутаассиблик хуружларидан асраш учун.

Куфри тариқатда эса барча динлар ва мазҳабларнинг вакилларига бир назар билан қараш, ҳеч кимни ранжитмаслик ва бировлар ранжитганда ҳам ранжигмаслик бир қоида этиб белгиланган.

Бутун ҳаёти мобайнида Мавлононинг шу қоидадан чекинмаганлигини тасдиқловчи ҳикоят ва ривоятлар кўп. Бирок улардан энг эътиборлиси Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан ўрин олган: «Мавлоно Сирожиддин Қунавий ўз вақтининг бузурги эрмиш. Аммо алар била (яъни Мавлоно билан — И.Х.) хуш эрмас эмиш, анинг қошида дебтурларки, мен етмиш уч мазҳаб била бирдурмен. Тиладики, аларни ранжида қилгай ва беҳурмат этгай. Бировни ўз яқинларидинки, донишманд эрди ва сафиҳ эрди, йибордики, жамъ аросида Мавлонодин сўрғилки, сен мундоқ дебсен. Агар иқрор қилса, саfoҳат қил ва оғзингдин келгунча сўк ва ранжида қил. Ул киши келди. Савол қилди. Алар дедилар: айтибмен. У киши муқаррар қилгон дастур била беқоида айтиб, саfoҳат қила киришти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. Ул киши баfoят хижил бўлди ва қайтти».

Мана, куфр тариқининг хосияти ва куч-қудрати. Буни инобатга олмасдан Румийнинг қуйидаги каби фикрларининг маъзини чақиб бўлмайди:

*Имон чун куфр, куфр имон нашавад,  
Як бандаи Ҳақ баҳақ мусулмон нашавад.*

Яъни: имон — куфрга, куфр — имонга айланмагунча, Ҳақнинг бирор бандаси чин мусулмон бўлмас.

Навоийнинг «куфр» парастлик шавқи ва эътиқоди билан битилган ўнлаб байтларида ушбу ғоя ўзига хос шаклларда давомини топган ва уларда амалий бир ворислик туйғуси ҳоким. Балки шунинг учун ҳам Навоий очик-ойдин:

*Дин нақдини куфри била савдо қилдим,  
Ким қилди бу ишким мени расво қилдим, —*

дегандир.

## 7

Азиз ўқувчи, Сиз агар Алишер Навоийнинг «Насоийим ул-муҳаббат»идаги Румийга бағишланган саҳифаларни кўздан кечирган бўлсангиз, бир ходиса хотирангизда, албатта нақшланиб қолган. Келинг, ғаройиб бу ходисани яна бир эслайлик.

Ўшанда Жалолиддин олти ёшда бўлган. Одина куну у бир гуруҳ тенгдошлари билан томда ўйнаб, томдан-томга сакрашар ва қувнашарди. Шунда ўртоқларидан бири унга: «Келинг, бу томдан яна бир томга сакраймиз», — дейди. «Бу ит ва мушукларнинг иши. Агар сизнинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томига секрели...» — дебди Жалолиддин. Ва зум ўтмай болаларни қичқиртириб, йиғлатган воқеа юз берибди: иттифоқо, у осмонга учиб кўздан ғойиб бўлибди-да, бир фурсатдан сўнг яна ўша томга тушиб, тенгкурларига дебди: «Ул соатки сизга ул сўзни айтур эрдим, кўрдумки, яшил қисватлиғлар мени сизнинг орангиздин сирмадилар ва кўтариб осмонга элттилар ва малакут ажойибин менга кўргуздилар. Чун сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чикти, яна бу ерга тушурдилар».

Бу — бўлажак улуғ шоирнинг илк рухий парвози эди. Бу — қалби бир умр самовий ҳислар-ла завқланган илоҳпараст санъаткорнинг келажагига ишорат эди. Бу — Каъба Инсон қалби эканлигига заррача шубҳаланмаган ва:

*Эй қавми ба ҳаж рафта кужоед, кужоед,  
Маъшук дар инжост биёед, биёед, —*

дея Тангри сирлари инсон қўнглида тажалли этишидан баҳс юритган ҳақшуноснинг малакут ажойиботларидан биринчи ҳайратланиши эди. Эҳтимол, ана ўша, самовий кўтарилиш туфайли ҳам кейинчалик Мавло-

но тил ила ифода этилмайдиган сирларга соҳиб бўлганларнинг рух тилини ўрганишга ташвиқ айлаб:

*Агар тотсан, агар руму агар турк,  
Забони бе забонро биомуз, —*

дегандир. Унингча, «Рух илм ва ақл ила йўлдошдир, дўстдир. Рухнинг арабча билан, туркча билан не иши бор?» Мавлоно маъно тилини билгани, рух тилида сўзлашгани учун Фарбу Шарқнинг меҳрини қозонганди.

Жалолиддин Румий бир ғазалида «Аз марг чаро тарсам, к-ў оби ҳаёт омад», — дейди. Дарҳақиқат, шоир умрининг энг сўнгги дақиқаларида ҳам шу фикрдан чекинмасдан, ўлимни таҳликасиз қаршилай олганди.

Умрининг охириги кун и дўсти Шайх Садриддин Қунявий касаллиги оғирлашган шоирни кўришга келади. Ва Аллоҳ шифо бериб, Мавлононинг тезда тузалишини тилайди. Шунда шоир унга дейди: «Мундан сўнгра «шифокаллох» сизда бўлсин. Ҳамоноки ошиқ ва маъшук аросида бир кўнглакдин ортиқ қолмайдир, тиламассизки нур нурга кўшилур?» Нур нурга кўшилган ўша кун 1273 йил 17 декабрь эди. Мавлононинг жасади солинган тобут эртаси кун уйдан кўтариб чиқилди. Жанозага ҳаддан ортиқ халқу халойиқ тўпланганди. Олимлар, сўфийлар, ахийлар, футувват эрлари, риндлар, ҳукумат арбоблари... Насронийлар, яҳудийлар... бутун инсоният Мавлонони бош устида кўтариб борарди. Яҳудийлар Тавротдан, насронийлар Инжилдан оятлар тиловат қилишарди. Ғайридинларнинг дафн маросимини тарк этишларини кимдир талаб қилганда, улар фарёд-ла демишлар: «У бизнинг Масиҳимиз эди, у бизнинг Исомиз эди. Мусонинг, Исонинг сиррини биз унда кўрдик, ундан билдик. У қуёш эди. Қуёш эса бир жойни эмас, бутун дунёни ёритур...»

Дарҳақиқат, Мавлоно фикр ва маърифат, рух ва ҳақиқат қуёши эди. Мавлоно «олам аҳлининг жони» эди.

## Шайхи Акбар

Мухйиддин ибн Арабий фақат ўз асрининг эмас, балки йигирманчи юз йилликнинг ҳам энг машхур, асарлари наинки Шарқда, Ғарбда ҳам кучли қизиқиш ила ўқиб ўрганилаётган улуғ ижодкоридир. Унинг тенгсиз шахсияти, илоҳий завқ ва кашфдан туғилган асарларининг тириклик чоғларида баҳсу мунозараларга қандок эрк берган бўлса, ҳозир ҳам микёсан анча ўзгариб, кенгайиб давом этмоқда. Зеро, инсоният янги асрда ҳам Ибн Арабий меросига мурожаат этиш, унинг фикр-қарашларига таянишга эҳтиёжманд эканлигини тасдиқлаб турибди.

Ибн Арабий «Футухоти Маккия» китобида Мансур Ҳаллож ҳақида шундай бир ривоятни келтиради. Унда айтилишича, Ҳалложнинг байтул азама — азамат уй аталмиш бир уйи бор экан. Шу уйга у киргани замон Ҳалложнинг менлиги, яъни зоти билан хона гўёки тўлиб кетар ва кўрганларни ҳайратлантирадиган ғаройиб бир ҳол юзага келар экан. Бунинг сир-асрорига кўп одамлар тушуна билмас, ниҳоят гофил ва жоҳил кимсалар: «Ҳаллож ғирт сеҳрбоз, у сеҳргарлик билан шуғулланаётир», — деган бўхтонни тўқиб чиқаришган экан. Ҳолбуки, Мансур Ҳаллож фавқуллода хислат ва салоҳиятга соҳиб валий зотлардан бири ўлароқ инсон моҳияти ва рухониятининг ақл билан идрок этиб бўлмас куч-қувватини намойиш этган, холос. Дарвоқе, оламнинг руҳи одамда. Олам бамисоли бир жасад. Шу боис инсони комил учун олам ҳам «байтул азама»дай маскандурки, унинг руҳи оламни тебратиш ва ўзгартиришга қодир. Ана шу тушунча Ибн Арабийни Ибн Арабий бўлишига кенг имкон очган бош тушунча ва ҳақиқатлардан бири эдики, у умр бўйи бу назардан чекинмай ижод қилди.

Дунёни англаш ва идрок айлаш йўллари ҳар хил. Шулардан бири, балки энг қизиқарлиси, мукошафа йўли. Мукошафа — маънавий бир идрок, руҳда туғилган маъно, қалб ила кашф этилган Ҳақ лутфи туфайли сирнинг очилиши демак. Бу билим йўли — завқ ва илҳом йўли бўлиб, унга етишиш Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам камдан-кам ижодкорларга насиб қилган. Ибн Арабий ижодиёти-

нинг жаҳон илм-фани ва маънавияти тарихида алоҳида ходиса сифатида эътироф этилишининг асосий сабаби, унинг чин маъноси ила мукошафа салоҳиятига эга бўлганлигидир. Унингча, «кашфи йўқнинг мукамал илми ҳам бўлмас». Ёлғиз завқ ва кашфгина инсонни бошқаларнинг фикрларини қайтаришдан халос этади. Таклид ва такрор балосидан омон сақлайди. Ақлнинг имконият ва имтиёзларига ортиқча баҳо бермаслик кўникмасини тарбиялайди. «Оламнинг ҳақиқатини инжа фикр ва назар ила эмас, балки кашф илмларидан бирортаси ила англай олуرمىз», дейди Ибн Арабий. Бу илмларнинг энг ишончлиси эса «авлиё ва анбиёнинг илмлари ҳамда завқларидир». Аммо у завқ ва илми ладунийни тафаккурдан ажратмайди. Балки, «тафаккурнинг идроки ботил бўлгач, ақлнинг ҳам идроки ботил бўлур», деб хисоблайди. Шунингдек, рух мушоҳадасидан йироқ, ақл майдонларидан нари чика билмаган тафаккурга аҳамият бермасликка чақиради. Чунки «ақлдан кўра таклидчи бир нима йўқдир. Холбуки, у ўзини илоҳий бир далил сохиби деб ўйлар... Ақл, ҳатто Ҳақнинг йўлини кўришдан ҳам ожиздир...» Ибн Арабий ўспиринлик чоғлариданоқ мукошафа сирлари билан теран қизикқан, илм, ҳол ва завқ маъноларини ўзлаштиришга алоҳида диққат қилган эди.

## 2

Буюк олим, ижодкор ёки санъаткорнинг вояга етишида оила муҳитининг роли ва таъсири катта, албатта. Ибн Арабийнинг тақдири ушбу фикрнинг тўғрилигини тасдиқловчи ёрқин бир мисолдир. У 1165 йил 7 августда Андалус — ҳозирги Испаниянинг Мурсия шаҳрида таваллуд топган. Отаси Али ибн Муҳаммад замонасининг билимдон, юксак маданиятли, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор шахсларидан бўлган. Олимлар, ижодкорлар уни ўзларига яқин кўришган. Масалан, ўша даврнинг машҳур алломаси Ибн Рушд унинг дўсти бўлган. Шунинг учун Ибн Арабий ҳали соқоли сабза урмаган бир пайтда Ибн Рушд билан учрашишга мушарраф бўлганди.

Али ибн Муҳаммад унча узоқ умр кўрмаган. Ўғлининг сўзларидан англашилишича, у илоҳий ҳиссиёти ўткир, олий хислат ва хосият сохиби бўлган бир зот эди. «Отам вафотидан ўн беш кун аввал, — дейди Ибн Арабий, — ўлишини менга билдирди ва чоршанба кун



жон таслим килажагини айтди. Хақиқатда ҳам худди шундай бўлди. Ўладиган куни ахволи оғирлашгач, менга:

— Ўғлим, бугун қайтиш ва дийдорлашиш (Оллох ила) бўлади, — деди. Мен эса:

— Отажон, сафаринг бехатар бўлсин ва мулоқотингда сени муборак айласин, — дедим. Отам бу гапдан фарахланди ва айтди:

— Ўғлим, Оллох мендан сенга яхшилик мукофотини ҳадя этсин. Сендан эшитганим сўз ва билмаганим, балки бир қисмини анча олдин инкор этганим гап ана шу эди...»

Хуллас, бемор оламдан кўз юмганда юзидан «инжу каби порлайдиган бир нур» таралибди. Ибн Арабий ушбу воқеани нақл қиларкан, отасининг кашфу каромат салоҳиятига эриша олганлигига ишорат этганлиги шубҳасиз, албатта. Унинг амакилари — Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Муҳаммадлар ҳам моддий ва маънавий нуфузи баланд кишилар бўлишган. У ҳадис илмини дастлаб Аҳмад номли амакисидан ўрганган.

Ибн Арабийнинг асл исми Мухйиддин эмас, Муҳаммадир. У «Футухот»да ўзини Муҳаммад ибн ал-Нур ва Абдулазиз Зидёр номлари билан ҳам тилга олган. Унинг аждодлари Хотами Той авлодларидан бўлиб, улар Андалусга Арабистондан бориб ўрнашиб қолишган. Баъзи олимларнинг изоҳлашларича, Ибн Арабийнинг ўзини Зудёр дея аташидан мақсади мусофирлик ва ғурбат чекканлигига ишоратдир. Чунки бу калима ғариб, ғурбатда қолган, эл-юртидан ажралган, деган маъноларни англатаркан. Абул Ҳасан Али ал-Бағдодийнинг таърифига кўра, Ибн Арабий «ўрта бўйли, оқиш рангли киши бўлиб, олтин рангни эслатадиган сочлари узун эди. Ориқ ҳам эмас, семиз ҳам эмасди. Кўзлари йирик, овози жуда таъсирли. Ҳеч пайт баланд овозда гапирмасди. Кўзларида давомли бир ҳаракат — юрғунлик ҳоким эди» («Ибн Арабийнинг манқабалари». Истанбул, 1972, 20-бет).

Албатта, манқабавий фикр ва маълумотларнинг барчасини ҳам ҳақиқат ўлароқ қабул қилиш тўғри эмас. Бироқ юқоридаги таърифда Ибн Арабий табиатига хос айрим хусусиятлар ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Хусусан, унинг сўзлаш салоҳияти, фавқулодда сокинлиги, ҳофиза қуввати ва кўзларида акс этган порлоқ зақоси ўспиринлик чоғларидаёқ кўп олиму уламоларнинг диққатини жалб этган эди. Шулардан бири Ибн Рушддир.

Маълумки, Ибн Рушд фалсафа, тиб, адабиёт ва фикх илмларида олий натижаларга эришган машхур олим эди. У Андалус ҳукмдори Абу Ёқуб Юсуфнинг топшириғи билан Арасту асарларига шарҳлар битган.

Ибн Арабий болалигиданоқ бир қанча етук олимлардан сабоқ олган, уларнинг суҳбат мажлисларида қатнашган. Аммо у Ибн Рушддай фикр-савияси кенг, илм даражаси жуда теран мутафаккирга биринчи дуч келиши эди. Умрининг асосий қисмини яшаб қўйган кекса олим ҳам табиатан завқ ва кашфга мойил, билишга, англашга ўта чанқоқ бундай толиби илмни деярли учратмаганди. У кадрдон дўстининг яккаю ягона ўғлини қандай истиқбол ва сўнмас шуҳрат кутаётганини аниқ сезган, шу билан бир қаторда унинг қандай синовларга юзма-юз бўлишини ҳам тахминан тасаввур этганди. Уни ғайритабий равишда безовта қилган нарса мутлақо бошқа эди. Бу йигитчанинг кўнгли фақат кашфи ҳақиқат ва илоҳий файзга икромлигини: юксак бир ирфондан маҳрум ҳар қандай китобий ва тақлидий илмни у тан олмаслигини Ибн Рушд билиб турса-да, уни ўзича синовдан ўтказишни истаган. Ва бир куни эрталаб у билан юзма-юз қолишганда кўкқисдан уни саволга тутган экан. Бўлиб ўтган савол-жавобни Ибн Арабий бундай баён этади:

— Ҳа! (Шундайми?) — деди.

— Ҳа! (Шундай!) — дедим.

Унинг ниятини фаҳмлаганимдан завқланиб кетди. Сўнгра унга завқ бахш этганим учун истишор қилдим ва:

— Йўк! — дедим.

Бу сўзни эшитибоқ сиқинди, ранги ўзгарди. Ва ўзининг билимидан қандайдир шубҳага тушди. Кейин деди:

— Кашф ва илоҳий файзга берилиб шундай дедингми?

— Ҳа — Йўк! — дедим. Чунки «Ҳа» билан «Йўк»нинг орасида руҳлар моддалардан, бўйинлар вужудлардан ажралурлар.

Шунда унинг ранги бирданига сарғайиб кетди, титроқ тутиб ҳолсизлана бошлади. Негаки, унга рамз ва ишорат ила англатилган ҳақиқат тўлиғ етиб борганди...

Шундан сўнг Ибн Рушд ёш олимга ҳеч қанақа очик бир эътироз билдирмайди. Фақат орада аллақандай совуқлик пайдо бўлади. Ибн Арабий эса бундан асло оғрин-

майди. Чунки у киска муддатда бу хоксор ва захматкаш олимдан кўп нарса ўрганди. Айниқса, нафс сирларини билиш, тасаввуф билан фалсафа орасидаги фаркни янада яхшироқ англашда Ибн Рушднинг фикр-мулоҳазалари унга ёрдам кўрсатганди. У машхур файласуфнинг даргохидан яна дийдорлашиш, яна унинг пурмаъно гапларини тинглаш нияти билан ортга қайтади. Орадан икки йилга яқин вақт ўтгач, Ибн Арабий ўша ниятни юзага чиқармокчи бўлганда, иттифоқо бир туш кўради: Ибн Рушд билан унинг орасини бир парда тўсиб турганмиш. Буни у ўзича таъбир қилиб, «Ибн Рушд мени ўзининг маслағига яқин бўлишимни истамаётир», деган қарорга келади. Ва учрашув орзусидан бутунлай воз кечади...

#### 4

Нақл этилишича, мусулмон оламидаги энг нуфузли тариқат асосчиларидан бўлмиш Абулқодир Гилоний ҳазратлари «Мендан кейин мағриб диёридан азиз бир зот зухур этажакдир, менинг хиркамни унга етказингиз», дея васият қилган эканлар. Бу азиз ва шарафли зот худудсиз ирфонга эришган Ибн Арабий эди. Ҳақиқатда ҳам у кейинчалик ўша хирқани кийиш саодатига мушарраф бўлади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакка ўхшайди. Ибн Арабий бутун борлиғи билан тасаввуфнинг ошиғи эди. Тасаввуфни ўрганиш, унинг моҳият ва ҳақиқатларини тадқиқ қилишда унга тенглаша оладиган иккинчи бир алломани тасаввур қилиш кийин. Комил инсон тушунчаси ва ваҳдати вужуд маслагининг сўфийлик мафқурасидан муқим ўрин эгаллаши бевосита Ибн Арабийнинг номи ва фаолияти билан боғлиқ. Ибн Арабий тасаввуфга нечоғлик садоқат кўрсатмасин, ўзидан олдинги ва ўша замонлардаги айрим сўфий ва мутасаввиф олиму ижодкорларга ўхшаб фалсафага таҳқир назари ила боқмаган. Файласуфларни динсизликда айбламаган. Билъакс, «Фалсафа илмсизлик ва зулматни қувар», деб билган. Унга кўра «файласуфнинг маънисини — ҳикматни севгучидир». У шу севгининг шукуҳини Ибн Рушдда кўрган ва ҳар ақл соҳиби фалсафани севиши кераклигига тўла иқроор бўлганди. Эҳтимол шу сабабдан ҳам Ибн Рушднинг вафоти хабарини эшитиши ҳамон у Марокашга томон йўл олгандир.

Ибн Рушднинг қариган чоғлари оғир кечганди. У бировларга на ҳасад, на ғанимлик қилишни билмас, би-

рок шухрат, ҳасад, адоват бандаларининг тухмат ва бўҳтонларига бардош бериб яшаш ва ишлашга мажбур эди. Хусусан, фосиқ ва жоҳил кимсаларнинг ғийбат ва бўҳтонлари кўпайганлиги туфайли ҳукмдор Абу Ёқуб Юсуф алломани чекка бир қасабага сургун қилган, ҳатто шоғирдлари ҳам бирин-кетин устозларидан юз буришганди. Ҳар қандай золим ва мустабид подшоҳ ҳам тириклигида хорланган олимни ўлганидан сўнг эъзозлаш лозимлигини албатта англайди. Шунинг учун мотам маросими тантанали ўтказилади. Ибн Рушднинг жасади она диёрига олиб кетилаётганда, туянинг бир ёнига марҳумнинг жасади, иккинчи томонига у ёзган китоблар ортилганда оғирлик теши-тенг келганлигини кўнчилик сафида Ибн Арабий ҳам кўрганди. У, ўша жаноза асносида, вақт етиб бир кун фоний дунёни тарк этаркан, ёзган асарларининг сони ва салмоғи, ҳатто Ибн Рушддай сермахсул олимниқиданда ортиб кетишини ва муборак жасади устида шоҳу гадо, олиму ориф, шайху дарвеш, косибу ҳунарманд — барча-барча бош эгишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкин. Бироқ у ўшандаёқ бошқача ҳаёт, бошқача бир фаолият, ўзгача қисмат соҳиби эканлигига инонганлиги аниқ. Бағдоднинг пешқадам машойхларидан бири Ибн Арабий ҳақидаги китобида у ёзган асарларнинг сони беш юздан ортишини қайд қилган экан. Шу фикрнинг давоми ўлароқ Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ўқиймиз: «Ҳазрати Шайхнинг (яъни Ибн Арабийнинг — И.Х.) баъзи асҳобининг илтимоси била ўз мусаннафоти фикрастида рисола битибдурлар. Анда икки юз эллиқдан ортиқнинг отин мазкур қилибдурлар, кўпраги тасаввуфда».

## 5

Дарҳақиқат, Ибн Арабийнинг кўп китобларида, айниқса, номини дунёга машҳур қилган «Футухот ал-Маккия» ва «Фусуси ҳикам» номли асарларида, асосан, тасаввуф масалаларидан баҳс юритилган. Тасаввуф олами сирларига қизиқиш унда жуда эрта бошланган. У болалик пайтида Аҳмад ибн Асирий номли навқирон бир сўфий билан учрашади ва шундан кейин тасаввуф дунёсига кундан-кун интилиши ортиб боради. Унинг тасаввуфий ҳаёти ва маънавий тарбиясида тоғаларининг таъсири бўлганлигини эслатиб ўтмоқ лозимдир. Унинг замонидан Андалусдан олисроқ жойда Абдуллоҳ Тунисий деган улф

шайх яшаркан. Кунлардан бир кун шайх шахарга ташриф буюрибди. Ва аркони давлати қуршовида кетаётган подшоҳга рўбарў келиб қолибди. Шайхни Яхёга таништиришибди. Хукмдор у билан яхши сўрашибди. Сўн унга: «Эй Шайх, эгнимдаги шу заррин либослар билан намоз ўқисам бўладими, йўқми?» дебди. Шайх кулибди. «Нега куласан?» — сўрабди Яхё. «Ақлсизлигинг ва жохиллигингга... Қорнинг ҳаромга тўлмиш. Мазлумнинг ҳақлари ҳам бўйнингдадур. Шу холинг ила яна: «Бу либос ичида намоз ўқиш мумкинми, йўқми?» — деб сўрарсан», — жавоб қайтарибди Шайх. Кутилмаган бу гаплар ҳаммани чўчитиб юборибди. Яхё эса бир зум сукутга чўмибди. Ва Балх султони Иброҳим Адхамниги ишини такрорлабди, яъни ўша фурсатдан бошлаб тожухтадан кечиб, уч кун Тусий ҳазратларининг ҳузурларидан нари жилмабди. Тўртинчи кун Шайх унга: «Энди бор, ўтин тўпла, йиққан ўтинингни бозорга элтиб сотгил...» — дея фармойиш берибди. Шу кундан бошлаб Яхё меҳнат билан ҳалол ризқ топиб, сайри сулук шавки ила кун ўтказадиган бўлибди. Лекин у нимадан ажралдию, нимага эришди — бунинг сири кўпчиликка сирлигича қолаверибди. Бировлар собиқ хукмдорнинг тақдирига ачинишса, бошқа бировлар бозордаги аҳволини кўриб юм-юм йиғлашаркан. Шайх эса унинг қисқа фурсатларда етишган маънавий камолотига тан бериб, одамлар қачонки ундан дуо тилашса, «Боринг, дуони Яхёдан тиланг! У подшоҳликдан зухдга келди. Агар унинг ўрнида мен бўлсам, бундай ишнинг уддасидан чиқа олмасдим...» — дер экан. Ҳақиқатда ҳам бундай ишнинг уддасидан чиқиш жуда қийин. Йигирма биринчи аср одами эртақ ёки афсонага инонса инонадики, кимсанинг ихтиёрий равишда салтанатдан юз буришига ишонмайди. Ибн Арабий эса тасаввуфнинг куч-қуввати неларга қодирлигини англагани ва уни теран кашф эта олганлиги учун мазкур воқеани «Футухот»да мароқ билан ёзиб қолдирган. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида ҳам у айни тарзда нақл қилинган. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, Ибн Арабийнинг ҳаёти ва шахсиятига назар ташланадиган бўлса, унинг табиатида ўша тоғасига бир яқинликни кўрсатувчи далил ва ҳодисаларга ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Шом ҳокими Абубакр бин Айюб уни кўп ҳурмат қилган. Хукумат ғазнасидан кўп маблағ ажратган. Ибн Арабий бу маблағни ўзи учун ишлатмасдан, ночор кишиларга тарқатган. Рум ҳокими юз минг дир-

хам сарфлаб унга уй куриб берган. Ўша ховлида яшаркан, бир кун бир гадой келиб, Оллох ризоси учун бир нима беришни тилабди. Ибн Арабий эса: «Менинг шу уйдан бошқа ҳеч нима йўқ, марҳамат, шуни ола қол», — дея уни гадойга ташлаб чиқиб кетган экан.

Ибн Арабий тасаввуфий ахлоқини камолга етказмоқ учун кўп вақт ва куч сарфлаган. Шу жабҳада Камолиддин Юнус бин Яхё ал-Қассор, Абу Абдуллох ат-Таямий, Абул Ҳасан ибн Жомий каби зотлардан ботиний илмларни ўзлаштирган. Қанчадан-қанча сўфий ва дарвешларнинг суҳбат йиғинларида қатнашган. Булар тўғрисида у асарларида бири-биридан қизиқарли ва қимматли маълумотларни битиб қолдирган.

## 6

Жаҳонда Ибн Арабий қадар илм аҳлининг олқиши ва мактовларига сазовор бўлган ва Ибн Арабий даража-сида олиму уламоларнинг танқид ва таҳқирларига учраган олим деярли учрамайди. Унинг ижодиёти эътироф ва эътироз, иқрор ва инкор, мадҳ этиш ва камситиш, қоралаш ва оқлаш оралиғида қолган бир ижод эди. Бу ижод устидаги баҳс ва мунозаралар аста-секин бутун мусулмон оламига тармоқ ёзиб, асрлар ҳам уларни тўхтатишга қодир бўла олмаганди. Тасаввуф донишмандлари, ориф ва муҳиблар учун у Шайхи Акбар — Улуғ Шайх бўлса, маърифат шавқидан олис, илоҳий ишқ завқини тан олишни ҳам истамайдиган муҳолифлар наздида у Шайхи Акфар — энг тубан кофир шайх ҳисобланарди. Қанчадан-қанча фозил ва ҳақшунос зотлар унинг қиёфасида динга жон бағишлашга қодир алломани кўриб, уни бир овоздан Муҳйиддин деб аташган бўлишса, бошқа бир гуруҳ ва тоифа вакиллари уни Мадин (динни ўлдирувчи) дея номлашган. Шомда унинг ўлдирилишини талаб қилишган бўлса, Кўниёда уни зиёрат этиш олий шарафга айланган. Маккаи муқаррамада қанчадан-қанча кишилар ундан таҳсил олишган ва ҳ.к.

Ибн Арабийнинг ҳаёти тор тушунчали мутаассиб диндорларнинг нафрати ва душманлиги қуршовида ўтган десак, асло хато бўлмайди. Айниқса, жожил фақих ва чаламулла диндорларнинг унга нафрати кучли эди. Буларнинг даврасида Шайхи Акбарнинг, ҳатто номини тилга олиш ҳам душвор бўлганлигини тасдиқловчи далиллар тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Андалус тарихига бағишланган бир китобда ёзилишича, бир қанча кишилар сабоқ учун Шайх Иззуддин Абдусалом хузурига тўпланишибди. Гап зиндик сўзининг маъниси ва тарихига келиб тақалибди. Баъзилар форсийдан араб тилига ўтган ушбу сўз зани дин, яъни куфр-ни яшириб, имонни изхор қилган кимса мазмунини англатади, деб жавоб беришибди. Шунда бир толиб: «Масалан кимга ўхшаб?» — дея лукма ташлабди. Бошқа бири: «Ибн Арабийга ўхшаб», — дебди. Дарс тугагач, Шайх талабалардан бирини ифтор учун уйига таклиф қилибди. Уни кўнгилдагидек меҳмон қилибди. Бир орада мурид Шайхдан сўрабди:

— Устоз, замонамизинг қутб-ғавсини билурмисиз?

— Билсам сенга нима? Таомингни егил!

— Оллох ризоси учун унинг кимлигини менга айтинг, устоз...

Шунда Шайх табассум ила:

— Мухйиддин ибн Арабий, — дебди.

Буни эшитган йигит анграйиб қолибди-да, бир муддат тилига калима ҳам келмабди.

— Сенга нима бўлди? — сўрабди Шайх.

— Мен хайратга ботдим, устоз.

— Нечун?

— Ахир, бугун Ибн Арабий ҳақидаги гапни эшитиб ҳеч нима демарингиз-ку?

— Бугунги йиғилиш — фақиҳлар йиғилиши эди...

Шунга ҳам фаҳминг етмадими? — деган экан Шайх Иззуддин (Исмоил Фанни Эртуғрул. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул, 1991, 308-бет).

Бир пайтлар шариат арбоблари олдида Мансур Ҳаллож номини яхши маънода тилга олиш нечоғлик таҳлика тугдирган бўлса, диний илм вакиллари даврасида Ибн Арабий отини эъзозлаш ҳам шунчалик таҳликали бўлган. Акс ҳолда Ибн Арабий «Фақиҳлар авлиёнинг фиръавнлари ва Тангрини севган қулларининг Дажжолларидирлар», деб ёзмаган бўлурди.

Дунёда бугун Ибн Арабий йўқ. Унга айнан ўхшаш бирор зотнинг учрашига ҳам ақл бовар қилмайди. Бироқ Шайхи Акбарга қарши чиққан, унинг орифона фикр-қарашларини бутунлай рад этганларнинг сони жуда кўп. Уни ҳеч иккиланмасдан дин душманига чиқарувчилар ҳам исталганча топилади. Нега шундай? Нега одам фарзанди ҳақ ила ботилни англашга бунчалик ожиз? Нега дин номи ила иш кўрувчилар орасида

жаҳл ва қаҳрга таслим бўлгувчилар бунчалик кўпайиб бораётир?

Бу ва бунга ўхшаш саволларга қаноатланарли жавоб топмоқ учун Ибн Арабий меросига чуқурроқ кириб бормоқ зарурдир.

## 7

Ибн Арабий Испанияда дунёга келган ва 28 ёшига қадар шу заминда яшаб таҳсил олган. Испанияда мусулмонлар билан бирга христианлар ҳам истиқомат қилишган. Албатта, шунча муддат мобайнида Ибн Арабийдай истеъдодли ва илмга чанқоқ бир кишининг озми-кўпми испан тилини ўрганмаслигини тасаввур этмоқ қийин. Шундан сўнг у қарийб етти йил мобайнида Шимолий Африкада кун кечириб ҳабашчани ўрганган. 1203—1205 йиллари Маккада турган ва Макинаддин ал-Исфажоний исми билан дўстлашган. 1202—1240 йиллар мобайнида Онадўли, Сурия ва Ироқда кун ўтказган. Қуддусда иброний тил билан қизиққан. Ибн Арабий қайси жой ва қайси халқ орасида бўлмасин, уларнинг диний хиссиётлари ва динга эътиқодлари тўғрисида мушоҳада юритган. Ва шуларнинг ҳосиласи ўлароқ кўп муҳим ҳулосаларни баён этиб кетган. Масалан, у «Футухот»да «Диннинг бир қанча жиҳатлари авомнинг англашига кўра ифода этилмишдир», дейди. Ёки бошқа бир ўринда «жаҳолат барҳам топса эди, бу оламдан турли-туман мазҳаблар ҳам барҳам топарди», деган бағоят эътиборга молик фикрни илгари суради. Демак, мазҳаббозлик ва мазҳаб талашишларда жаҳолатдан ўзга бир маъно йўқ. Бизда Қуръон кироат қилиш, оятларни ёдлаш диний тарбияда кўп нарсани ҳал этади, деган содда бир қараш мавжуд. Ҳолбуки, Ибн Арабий айтмоқчи: «Қуръон соҳилсиз бир денгиздир... Қуръон денгизи чуқурдир». Бу денгизда сузиш беҳад катта тайёргарликни, фақат зоҳирий эмас, ботиний илмларни ҳам пухта эгаллашни талаб қилади. Аммо масаланинг шу жиҳатлари билан ҳисоблашишни истамайдиганларни ҳам озчилик деб бўлмайди. Шайхи Акбар «Агар инсон Қуръоннинг қадрини билса, ўзининг холи Қуръонга уйғун эмаслиги учун уни тиловат этишдан тўхтарди...» деганида гўё шу куннинг гапини айтган. У бир ўринда Оллоҳ тўғрисида мулоҳаза юритиб дейди: «Эронликлар «Эй Худой», деса, араблар «Ё Оллоҳ», дерлар. Румлар унга «Эй Сиё» дейишса, ар-



манлар «Эй Асфож», дерлар. Турклар унга «Эй Тангри», франклар «Эй Критур», дея мурожаат қилурлар. Ҳабашлар эса «Эй Воқ», демишлар. Зеро, бутун бу лафзлар ягона бир маъно учун хилма-хиллик касб этмишдир». Шунинг учун бутун инсониятнинг кўнгли ана шу улуғ ягона маъно атрофида бирлашиши, бирлик, ҳамфикрлик моҳиятига зид ҳеч бир кайфият ёки ақидага ён бермаслиги керак. Ибн Арабий «Футухот»да «тўғридан-тўғри Оллоҳдан билги ва амр» олганлиги ва одамларга «насихат ва таблиғ» вазифаси юклатилганлиги, шунингдек, оят келганлиги хусусида сўзлаган. Бутина эмас, у ўзининг Меърожи тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берган. Булар унинг пайғамбарлик иддаосини илгари суришда айбланишига асос бўлганди. Аслида, унда ҳеч қачон бундай ният бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмасди. Шайхи Акбар нубувват ва рисолатдан сўзларкан, Ҳазрати Мухаммаддан кейин пайғамбар пайдо бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлайди: «...Аллоҳнинг Расулидан сўнг нубувват мутлақ ўлароқ манъ этилмишдир. Рисолат ҳам худди шундай...». Ёки: «...Ҳазрати Мухаммаддан сўнгра шариат пайғамбарлигини даъво айлаган кимса мутлақ ёлғон демиш ва кофир бўлмишдир». Бас, шундоқ экан, аёвсиз танқид ва таҳқирларга қарши Ибн Арабийнинг «Мен асло пайғамбар эмасман...» дейишга мажбурият сезишининг боиси нима эди?

Профессор Н. Какликнинг ёзишича, Ибн Арабий туншунчасида «шариат (*яъни дин — И.Х.*) пайғамбарлиги бошқа, пайғамбарлик мақоми бошқа.

Пайғамбарлик эшиги бекитилган, аммо пайғамбарлик мақоми очиқ. Бу мақом «ворис» ўлароқ пайғамбарга эргашувчилар қиёфасида давом топади. Ибн Арабийнинг асл мақсади ҳам Ҳазрати пайғамбарга ворис эканлигини айтиш, Оллоҳнинг расули белгилаган йўлдан борувчиларга раҳбарлик қилиш орзусини амалга ошириш эди» (Кўрсатилган китоб, 114 – 117-бет). У бу ишга ўзини тўла ҳақли сезар ва нубувват маърифати, Оллоҳ элчиларининг лутфу иноятларига тамоман инонарни. Шу жихатдан Шайхи Акбарнинг мана бу сўзлари алоҳида бир эътиборга лойиқ эрур: «Билки Оллоҳ Ҳазрати Одамдан Ҳазрати Мухаммадгача яшаб ўтган расул ва набиларнинг аёни собита оламидаги суратларини менга кўрсатди. Бу ҳодиса 1190 йилда Куртубода яшаган пайтларда содир бўлди. Бу Расул ва набилар орасида фақат Худ алайҳиссалом мен билан суҳбатлашди. У менга йиғилишларининг саба-

бини англатди. Мен уни пайғамбарлар орасида йирик жуссали, гўзал чехрали, ширин тилли, энг нозик масала-ларни билгувчи ва кашф эта олгувчи бир зот ўларок кўрдим». Бу гапларни инкор айлаган ва ёлгонга чиқаришга уринганлар ҳам бўлган, албатта. Аммо ҳақиқат ёлгон ва бўхтонга ҳисоб бермаслиги, саёзлик теранликни, жаҳолат маърифат сирларини идрок этишга кодир эмаслиги учун ҳам Ибн Арабий илохий ишқ ва хаёлий сукунат оғушида яшаш, мушоҳада юритиш, ижод қилишга беҳад иштиёқманд эди. У «Ҳақиқат — бирдир, ёлгон эса минг. Ҳақ йўли бир, ёлгонники кўп. Жуда кўп. Ҳақиқатни топиш кийин, ёлгон эса хар қадамда учрайди», деб ўйлар, хаттоки ўзининг энг каттол ва мурасасиз ғанимларига ҳам шафқат назари ила боқарди. Шайхи Акбарнинг асарлари ҳам кўпчилик учун эмас, унинг кўнгли, мақсад-муддаоларини оз бўлса-да англашга кодир кишилар учун ёзилгандир. Чиндан ҳам унинг китобларини тушунмоқ осон эмас. Унинг рамзлар тилида ифодаланган шундай фикрлари борки, уларнинг мағзини чақишга оддий ўқувчининг идроки кучсизлик қилади. Фазаб, ҳасад ва инкор кўпинча ана шу кучсизликдан туғилади.

Абулқодир Гилоний ҳазратлари «Асрор ул-асрор» асарининг тавбага бағишланган бобида, «Илмдан баъзиси мастур суврат кабидур. Уни фақат уламоий биллох билур, Оллоҳдан ғофил бўлганлар эса инкор этур», деган эканлар. Ибн Арабийнинг фикр ва тушунчаларини ҳам аҳли ҳол, аҳли ҳақиқат, аҳли маърифат, хусусан, уламоий биллох яхши англашган ва тўғри талкин қила олишган. Абдурахмон Жомийнинг ёзишларича, Шайх Рукниддиннинг суҳбат мажлисида дарвешлардан бири ундан: «Ибн Арабий улуғ Ҳаққа Вужуди Мутлақ демиш. Қиёмат кунда шу сўзи учун жазо кўрурму ёки йўқми?» — деб сўраганда, Шайх: «Менинг билишим бўйича Мухйиддин Арабий касратда ваҳдатни собит айлани истамиш. Шунинг учун ҳам Вужуди мутлақ деган», — деб жавоб қайтарган экан («Нафахот ул-унс». 106-бет).

## 8

Хаётни қандай севмоқ керак? Хаётни меҳнат орқали, фаолият орқали севиш лозим. Хаётга муҳаббат — инсонга, ижодга, яратишга муҳаббат демак. Инсоний интилишлар қачонки ҳаёт талаби ва ҳаракатларига уйғун

келса, ана ўшанда инсон ҳаёт моҳияти ва ҳақиқатларини теран англайди. Ҳаётнинг маънавий-руҳий оқимидан ажралган сокинлик ва хотиржамлик кўп ўтмай қалб нуруни сўндиради. Шавқ ўлади. «Сизнинг ҳар кунлик ҳаётингиз — Сизнинг ибодатгоҳингиз», — дейди Халил Жаброн бир асариди. Мана шу ҳақиқатни билган одам дин ва дунё ишларини бир-биридан ажратмайди. Унинг ҳаёт, тириклик олдидаги масъуллиги кундан-кун янгиланиб, мукаммаллашиб, руҳ охири завқ мақомига юксалади. Ана шу самовий туйғу бўлмаса ҳаёт зарбаларига бардош бериш ҳам, турмуш қийинчиликлари ва ғаму кулфатларини енгиб ўтиш ҳам, одамлардан етадиган жабру жафоларни офринмасдан қабул айлаш ҳам жуда мушкулдир. У ёки бу жабҳада зафарга эришиш мақсади ила яшайдиган одам, ҳеч шубҳасизки, аввало ҳаётдан ибрат олмоғи лозим. Чунки ҳаёт чекланганлик ва сунъийликни тан олмайди. Яхшидир, ёмондир, покдир, нопокдир — ҳамма нарса ҳаёт кўзгусида асл ҳоли ва қиёфасида намоён бўлади. Ҳамма гап буларни басират нигоҳи ила кўра олишда. Кўра олган — чалғимаслиги, алданмаслиги ёки адашмаслиги мумкин, аммо албатта маҳзунлашади. У ўзини бир-биридан офир сўроқ ва муаммолар қуршовида ҳис этади. Бу муаммоларнинг ички таркиби гоҳо шу даражада ёқимсизки, ҳавф ва кўрқув «водий»сида яшаб, кўрқувни идрок қила билмаган кимсага улар ёмон таъсир кўрсатади. Лекин ушбу таъсир умидбахшдир. Умидбахшлиги шундаки, ғафлат зиндонининг эшиги очилиб кетади. Эшик очиларкан, одам бу машъум зиндонни тарк айлашга шошилмайди. Ва тарк айлашга арзирли бирдан-бир борлик — бу нафсоний дунё эканлигига руҳан етиб боради. Руҳан етиб бора олган эса ортга қайтмайди. Тасаввуфдаги сайри сулукнинг бир маъноси ва натижаси ана шудир. Тасаввуфий маслак ва сўфиёна ҳаётда Ибн Арабийга икки буюк зот ибрат ва намуна бўлганди. Булардан бири — Боязид Бистомий, иккинчиси — Мансур Халлож.

Нақл қилинишича, Бистомийдан «Сахарни қандай ўтказдинг?» — деб сўрашибди. У эса «Менинг сахарим ҳам, оқшомим ҳам йўқ. Сахар ва оқшом фақат башарий сифатлардан халос бўлмаганлар учун...» дея жавоб қайтарибди. Бистомийнинг бу фикрларини Ибн Арабий шундай шарҳлайди: «...сабоҳ ва оқшом Оллоҳга махсусдир, инсонга эмас. Чунки Оллоҳ таоло илоҳий сифатлар ила муқайяддир. Холбуки, моддага мансуб бўлган инсон сабоҳ

ва окшомга тобе эзур. Бироқ сифатлари билан муқайяд эмас. Шу боис Бистомий сифатларни ўзидан соқит этмиш ва «Менинг ҳеч сифатим йўқдир», демиш. Ана шу мақом тўғрисида билимга эга бўлмаганлар унинг сўзлардан тангрилик даъвосини топишга уринмишлар».

Дарҳақиқат, башарий сифатлардан ажралиб илохий сифатларга эга бўлиш ҳеч бир пайт улухият иддаосини илгари суриш мазмунига мувофиқ келмайди. Шунинг учун Бистомий ҳар нарсадан аввал башарий сифатлардан фориф бўлиб, илохий сифатлар ила сифатланишни истаган ва бунга эришган ҳам. Унинг Ибн Арабийни илҳомлантирган холи ва ҳол тажрибаси, энг аввало, мана шу эди. Улуғ шайх сингари у ҳам маърифат нахрига чўмган эди. Ибн Арабий ёзади: «Бистомий дедикки, Сиз ўз билимингизни, бир ўликдан (яъни ўладиган мавжудотдан) ўлик ўлароқ олдингиз, аммо биз билимимизни ҳеч ўлмайдиган ва абадий тирик (Оллоҳ)дан олдик». Мансур Халложнинг «Анал-Ҳақ»и айна шундай билимнинг хотимаси эди. Ибн Арабийнинг «Футухот ал-Маккия» ва «Фусуси хикам»и бошдан-охир худди шундай маърифат нури ила йўғрилган эди.

## 9

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»нинг Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғли Абу Наср бин Муҳаммад Бухорийга ажратилган фаслида ёзади: «Бир кун аларнинг мажлисида Шайх Мухйиддин Арабий зикри ва анинг мусаннафоти ўтар эди. Бузургвор оталаридан ривоят қилдиларки, алар дер эдиларки, «Фусус» жондур ва «Футухот» кўнгул. Ва дағи дер эдиларки, «ҳар ким «Фусус»ни яхши билса, анга хазрати Рисолат мутобаатининг дояеси қавий бўлур...»

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Фусус» маъно кўли, маъно кўзи ва маъно тили билан ёзилган ўхшаши йўқ бир асардир. У асос эътибори ила ҳақиқат ва маърифат уммонидир.

Бир кун Ибн Арабий Шайх Шаҳобиддин Сухравардий билан учрашиб қоладилар. Ва бир неча дақиқа бир-бирларига термулганларича сукут сақлайдилар. Сўнг сасу садо чиқармасдан ажраладилар. Икки буюк зотдан на униси, на буниси гапирмайди. Бирор сўз ҳам айтишмайди. Кейин Сухравардийнинг мусохиблари ундан Ибн Арабий ҳақида сўрашганда: «У ҳақойиқ денгизидир», дейди.

Ана шунинг учун Шайхи Акбарнинг шахсияти билан ижодиёти орасида фарқланиш йўқ. У нимани севган бўлса, ўшани улуғлаган. Уни энг кўп қизиқтирган муаммо — коинотнинг яралиши, Оллох ишки, пайғамбарлик мақомлари, комил инсон ва унинг оламдаги мавқеи эди. Оллох унга тасаввур ҳам қилиб бўлмас ижодий қувват инъом айлаганди.

Унинг тафаккур нахрида фикр ва туйғулар мавж уриб оқарди. Унинг «Оллох менга ҳамд этар, мен эса Унга, У менга ибодат этур, мен эса Унга... Вақт бўлур, кул шубҳасиз Раб бўлур», сингари ваҳдати вужуд тушунчасини ифодалайдиган фикрлари кимлардадир эътироз қўзғаш, кимларнидир дарғазаб қилишини билса-да, у ёзишдан ўзини чеклай олмасди. Унинг мухолифлари, фикр-қарашларининг жаллодлари эса кундан-кун кўпайиб борарди. У бундан чўчимасди. «Мени ҳеч ким қўрқита олмайди», деб ёзганди Ибн Арабий. Чунки Оллох қўрқуви унинг кўнглидан бошқа бир қўрқувнинг жой олишига имкон бермасди.

Ибн Таймия ваҳдати вужуд тушунчасини рад этган ўнлаб олимларнинг номларини тилга оларкан, яна шундай дейди: «Бир сўфий дўстим Жамолиддин бин Восил ва Шамсиддин Исфаҳонийнинг Ибн Арабий фикрларини рад ва инкор қилганликларини менга англади. Исфаҳоний ўша сўфийнинг ёнида Ибн Арабийнинг китобларидан бирини кўриб, унга: «Агар Арабийнинг китобларидан бирор калима ўргансанг менинг олдимга қадам босма...» демиш» (Махмуд Саъд Тиблавий. Ибн Таймия-да тасаввуф. Истанбул, 1989, 109–110-бетлар).

Дин ва шариат вакилларининг тасаввуф арбобларига қарши чиқишларини англаш мумкин. Бунга мисол бўладиган воқеа-ҳодисалар тарихда кўп. Лекин сўфийнинг сўфийга, тариқатчининг тариқат вакилига ғанимлигини қандай қабул қилмоқ керак? Абу Наср Саррож машхур «Ал-Лумаъ» асарида «ғалат»га тушган сўфийларни уч гуруҳга ажратади:

1. Усул ва асосда хато қилганлар. 2. Фуру (қисм) ва тафаррутда хато қилганлар. 3. Билмаганликлари учун хатога берилганлар. Ибн Арабийга шу уч гуруҳга мансуб кимсалар қаҳр кўрсатишган.

Лекин Ибн Арабий ваҳдати вужуд назариясини системалаштирган биринчи олим ўлароқ тарихда боқий қолган. Ундан кейин ваҳдати вужуд ҳақида фикр билдирганлар ундан таъсирланиб, мушоҳадаларидан фойдаланганлар.

Кўпдан-кўп олимлар ваҳдати вужуд маслаги ислом динига жиддий зарар етказишини исботлаш мақсадида махсус рисола ва шарҳ китоблари яратишган. Ваҳдати вужуд диннинг асосини бузадиган инонч бўлмасдан, ҳақиқий тавҳид эканлигини талқин қилувчи китобларнинг сони эса улардан бир неча ҳисса кўпдир. Масалан, биргина «Фусус»нинг ўзига қирқдан ортиқ машҳур олим шарҳлар битишган.

## 10

«Муҳаққиқларга кўра, борлиқда Оллоҳдан бошқасининг йўқлиги собит бўлди. Биз мавжуд бўлсак-да, борлигимиз Ундадир», дейди Ибн Арабий ва ўзининг комил инсон тўғрисидаги фикр-қарашларига ушбу нуқтаи назарни асос қилиб олади. Унингча, оламда олти жинс мавжудлик бордир: биринчиси — малак, иккинчиси — жон, учинчиси — маъдан, тўртинчиси — ўсимлик, бешинчиси — ҳайвон. Мулк олами охирига етгач, олтинчи жинс ўлароқ инсон яратилган. Инсоний жисмлар орасида зоҳир бўлган илк мавжудлик Ҳазрати Одам эди. Хўш, инсон сўзининг ўзи нима ва у қандай маънони англатади? Баъзилар уни бир латифа — латифлик десалар, бошқалар у бир жисмдир дейишган. Айримлар эса инсон барча мавжудотлар мажмуидир, деган фикрда бўлишган. Ибн Арабий шу қарашни энг тўғри деб ҳисоблайди. Унга кўра, инсон оламда энг сўнгги мавлуд бўлса-да, Оллоҳ уни оламнинг барча ҳақиқатларини ўзида мужассамлаштиришга қодир бир борлиқ қилиб яратган. Шу боис «олам инсон ила камолга етмиш, лекин инсон олам ила камолга эришган эмасдир». Олам одам олдида эмас, одам олам олдида масъул эрур. Чунки «инсон оламнинг руҳидир. Олам эса жасад». Худди вужуд мукамаллиги руҳ ила бўлганидек, оламнинг мукамаллиги ҳам инсон билан. Инсон дунёга келаркан, «Оллоҳ унга илоҳ бўлганидек, у ҳам оламга илоҳ» эканлигини албатта билмоғи керак. Бу мақомга кўтарилишнинг бош йўли эса битта — комиллик саодатига эга бўлиш. Шу нарса қўлга киритилмаса, қолгани ҳеч нимага арзимайди. Чунки «Оллоҳни фақат комил инсон билур... Оллоҳнинг оламдаги ҳукми комил инсон ила зоҳир бўлгандир». Комиллик йўлига кирмаган ва камолга етишмаганларчи? Улар «бир ҳайвони нотиқа (сўзлашувчи ҳайвон)дирлар. Бундайларнинг инсонлик нисбати, бир ўлик-

нинг инсонликка нисбати кабидур». Комилликнинг туб маъноси ва асосий сирлари эса ишқда яширинган. Ишқ бир тан ила иккинчи бир танни, бир жон ила иккинчи жонни ковуштирар. Бундай бирлашув ишқнинг энг гўзал ва энг илохий хусусиятидир. Зеро, ишқ бирлаштирувчи, тирилтирувчи, яшашнинг хакикий лаззатига етиштирувчи кудрат эрур. Фақат ишқ хар нарсага хоким бўла олади. Ишқнинг сабаби гўзаллик. Ишқнинг натижаси ўзликни билиш. Ибн Арабий ишқни уч турга ажратади: 1. Табиий ишқ. 2. Рухоний ишқ. 3. Илохий ишқ. Шайхи Акбар «Рухоний ишқ тасаввуфий ишқдир. Бунинг ниҳояси ошиқ ила маъшуқа бирлигининг идрокидир. Инсонга Оллох ила бирликни идрок эттирадиган башарий ишқ эмас, илохий ишқ», дея таъкидлаган бўлса ҳам, у мажозий севгининг аҳамиятини асло камситмайди. Унинг улуглиги шундаки, инсонни севиш билан Оллохни севишни, Оллох ишқида жон фидо этиш билан халққа фидойиликни деярли тенг даражага кўтаради. Мана, шу хақиқатни исботлайдиган бир мисол. «Футухот»даги ҳикоятлардан бирида айтилишича, бир подшоҳнинг Зайнаб исми ниҳоятда окила, илохий идрок сохибаси бўлган бир қизи бор экан. Ундан халқу халойиққа кўп яхшилик ва фойда етаркан. Халқ маликани севар ва унга инонарсан. Иттифоқо, Зайнаб оғир хасталикка чалиниб, ўладиган ахволга етибди. Подшоҳ ва Зайнабнинг амалдор эри хар канча уринишмасин у шифо топмабди. Зайнаб эса охири ўзи ихлос қўйган Шайхнинг хайр дуосига умид боғлабди. Табиийки Шайх ҳазратлари зудлик билан топиб келтирилибди. У беморни кўриши ҳамон жон чиқиш холати яқинлигини сезибди. Ва подшоҳга: «Қизингизнинг бир неча дақиқалик умри бор. Ўлим малаги келганидан сўнг бўш қўл билан орқага қайтмайди. Беморнинг жонини сақлаш мумкин. Фақат унинг жонига бадал бериш керак. Бошқа ҳеч чора йўқ», — дебди. Шу орада Азроил ҳам етиб келибди. Шайх унга: «Оллохга етказмоқ учун сенга албатта бир жон лозим. Бу жон эса менинг қизимнинг жони бўлур. Мен уни қанчалик севишимни яхши билурсен», дея ўрнидан туриб қизининг ёнига борибди. «Қизим, — дебди у, — жоним қизим, менга жонингни берурсан. Чунки одамларга фойда ва манфаат етказишда сен амирул мўминнинг қизи Зайнабнинг ўрнини боса олмасан». «Отажон, сенинг ҳукмингдаман. Жонимни албатта ҳадя этурман», — дебди қиз. Хуллас, Азроил шу қизнинг жонини олибди ва Зайнаб соғайиб кетибди.

Нихоят даражада мунгли ушбу хикоятдан кўзланган мақсад битта: халқ ва умумнинг манфаати учун ўзининг энг азиз, энг сеvimли борлиғидан ҳам кеча олиш қувватига эга бўлмоқ. Ва бу қувват исломий ахлоқнинг туб негизи эканлигини англатишдир. Бизнингча, худди шунинг учун ҳам Абдурахмон Жомий «Нафахот»да мазкур хикоятга ўрин ажратган бўлиши керак.

Буюк олим, энг аввало, халқпарвар, бутун умри давомида эл-юрт дарди билан яшайдиган Шахсдир. Акс тарзда олимнинг онги ишлайди, виждони ишламайди. У кўп нарсани билиши мумкин. Бироқ оддий ва заҳматкаш халқ ҳаёти, турмуш зарбаларига мардона бардош беришга маҳкум инсон тақдири уни қизиқтирмайди. Ибн Арабий бундай олимликни мақбул кўрмаганидек, мутлақо қўллаб-қувватламаган ҳам. «Футухот»нинг бир ўрнида у: «...Алоҳида бир мажлисда Ҳалаб султони Юсуф ибн Айюбга халқнинг эҳтиёжларидан 118 тасини арз этдим. Ҳаммаси бажо этилди», — дейди. Албатта, барча олим Шайхи Акбар бўла олмаганидек, унинг мавқеи ва давлат одамлари олдидаги нуфузи ҳам камдан-кам ҳақгўй олимларга насиб этган. Илм нима, олим кимлигини чуқур англашда биз бугун айнан Ибн Арабийга ўхшаш алломаларнинг ҳаёти ва ижодиётига қайта-қайта мурожаат қилмоғимиз зарурдир.



# Навоийга қайтиш

## 1

Мана, беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърят мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда.

Навоийга ўхшаш дохий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Хусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги Бирлик туйғуси Навоийни кўп илхомлантирар эди. «Хуросон ва Мовароуннахр тарихида, — деб ёзганди академик Иззат Султон, — «Темур ва темурийлар даври» деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди, чунки бу давр «турк улуси» зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди». Шу боисдан ҳам Навоий фикри очик, руҳонияти соғлом, тўғрилиқ, ростлик ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган, эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур ҳис этган. Сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида «Сўзда, Навоий, не

десанг, чин дегил», деган талаб ва шиоридан мутлако чекинмаган. Бу — ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ходиса.

Навоий ўн бешдан зиёд шеърый шаклларда қалам тебратган. У ғазал, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики ғўзал ҳис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган деса, муболаға бўлмайди.

Навоийнинг ўзбек тилида илк маротаба «Хамса» яратиши чинакам ижодий жасорат эди. «Хамса» — беш улкан дostonни ўз ичига олган мукамал асар. Ҳар дostonнинг ўзи бир оламдирки, ундаги ғоялар, ҳақиқатлар, неча ўнлаб қаҳрамонлар тақдири инсоният қалбини абадулабад завқлантиришга қодир.

Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги билангина белгиланмайди, албатта. Навоий бадиий ижод жабахасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимпикда ҳам шунчалик беназир. Навоийнинг тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка бағишланган асарлари ҳанузгача ўзининг илмий қимматини бой бергани йўқ. Тилимиз, адабиётимиз муаммоларини ҳал қилишда бу нодир тадқиқотларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, айниқса, ёш авлод улардан пухта хабардор бўлиши зарур.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олижаноб меҳнат. Унинг таржимаи ҳоли, меросига қизиқиш XV асрдан бошланган. Навоий асарлари ўз замонасидаёқ мохир хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, халққа етказилган бўлса-да, навоийшунослик йигирманчи асрда янгича шаклланди. Албатта, собиқ шўро даврида Навоий асарлари нашри ва тадқиқи бўйича кўп ишлар қилиниб, маълум ютуқларга эришилган. Аммо улар эркин ёки озод бир миллатнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира олмасди. Чунки Навоий тўғрисида баҳс юритган ҳеч бир олим шўро мафкураси томонидан белгиланган чизикдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнглида қолиб кетганлиги энди сир эмас. Шоирнинг айрим асарлари нега мустақиллик замонида тўлиқ нашр этилмади? Улуғ шоир ижодиётининг ирфоний моҳияти, илоҳий ҳақиқатлари хусусида нега деярли баҳс юритилмаган? Бунинг сабаблари мушоҳада қилиниши лозим.

Ёшларимиз Навоийни канчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзгулик, комиллик сирларини ўшанча кенг-рок эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин одамийлик шарафи ва кучкуватини идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўз-ўзидан халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни — фикрсизликка, илм-маърифатни — нодонликка ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади. Навоийни етарли даражада билиш — адолат, диёнат ва имон-эътиқоднинг кучига ишонч демак. Қўнглида шу ишонч ғолиб бўлган одамлар сони жамиятимизда қанча кўпайса, инсоний муаммолар ҳар қалай камайиб боради. Энг муҳими, диний ҳаётдаги маҳдудлик ва чалғишлар ёш авлод онгидан тезроқ барҳам топади. Бунга сира-сира шубҳаланмаслик зарур.

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий сиймоси. Туркий адабиётнинг энг илғор ва безавол ютуқлари шоир шеъриятида мужассамлашган. Буни Озарбайжоннинг беназир шоири Муҳаммад Фузулий, туркман классиги Махтумқули, козок оқини Абай, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бўлмиш Бердақнинг эътирофларидан ҳам англаш мумкин. Демак, Навоий ижоди қардош халқлар билан бўлган асрий алоқалар, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва янги поғоналарга кўтаришдаги ўзига хос мухташам асосдир. Навоий ва Жомий ўртасидаги устозу шогирдликни эса ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса, ўшанча кам. Чунки бундай ҳодисалар кўхна тарих учун ҳам камёбдир.

Хуллас, кейинги йилларда биз Навоийнинг тилимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ривожига тарихий хизматларини нисбатан чуқур англай бошладик. Навоийнинг қудратли шахсияти, бетакрор ижодиёти, ижтимоий, сиёсий фаоллиги, бунёдкорлик ғайрати хусусидаги тасаввурларимиз нисбатан ўзгарди.

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

*Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлғай, деди хотиф:  
Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.*

Ўша хотиф — ғойибдан овоз бергувчи адашмаган: Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори, барча давр туркий шеърятнинг султонидир. Алишер Навоий шеърятини санъаткорликнинг буюк мактаби. Унинг ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараққиёти ҳақида мулоҳаза

юритиш ёки «Шоир ким, унинг асосий хунари нима?» – деган сўроққа аниқ жавоб топиш мумкин. Мен Навоий яшаб ижод қилган даврни гоҳо ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Ҳазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини кўз олдига келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар – гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини ҳам, кадр-қимматини ҳам англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли – Навоийга олимларнинг – шоири, шоирларнинг – олими деб қараган, Навоийни илм-фаннинг толмас мухофизини, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъозлаган олиму уламолар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила гўзал талқин қилинишига тан берган файласуфлар...

Хуллас, Алишер Навоий шеъриятдан бахрамандлик кўнгили эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннию хофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, ҳақ йўлчилари – дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шарият вакиллари, қосиблар, хунарамандлар, деҳқонлар...

Эҳтимол, бу қайдлар кимгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир шоирнинг, ёзувчи ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда кўпчиликнинг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда «Навоий хослар шоири», деган бир фикр айтилган эди. «Хослар» – алоҳида тоифа демек. Одатда, аҳли тасаввуфга хослар дейилади. «Аъхос» – хосларнинг хоси, «хос» – сараланган кишилар жамоаси, «авом» – саводсиз ёки саводи паст оддий халқ, «аъом» – авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуф нуқтаи назаридан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни «хос»лар шоири дейиш ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Навоий шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам – ҳамма-ҳамманинг шоири. Навоий шеъриятдан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Ҳатто золим ва жоҳил, нодон ва гумроҳ ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад бор – Комиллик. Битта сар-

бон туйғу мавжуд — Камолот туйғуси. Асосий биргина нур кайноғи бор — Ишқ.

*Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳият ва саодати шу ишқда.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир нарсага ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасига юксалиш машаққатли — риёзат ва заҳматни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирамайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки, биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб, ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

*Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,  
Комил улким нуқсин исбот айлагай.  
Ўз камолидин демас аҳли камол  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.  
Сенки нуқсон ичра комилсен, баса,  
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен баса.*

«Нуқсон ичра комил»лик дегани нима? Бу — нафс дастидан халос бўлмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний «Мен» салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймони ва виждонини ана шу «Мен» ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Ҳурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири «Оллоҳни жуда очик кўришни истасанг, «Мен»ни жуда очик кўришни ўрган», деганда нафс учун «ўлган», рух учун ҳаёт бошлаган ўша янги «Мен»ни эътиборда тутган.

Навоий бир ғазалида:

*Рух раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,  
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур маршрут, —*

дер экан, худди шу «Мен» тақдири учун жавобгарликка чорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур

этиб бўлмас ўзгариш, ғаройиб янгиланишлар ижодкори бўлмиш ушбу «Мен» хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор.

Азизиддин Насафий «Комил инсон» номли китобида ёзади: «Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси яхши сўз, иккинчиси эзгу фаолият, учинчиси гўзал ахлоқ, тўртинчиси илм». Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин, бироқ хурлик шавқини қўлга кирита олмас экан. Сабаб? Чунки у хали тарк ва фано холининг мададига мухтождир. Чунки у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда нечоғлик илгариланган бўлмасин, тўла маънода кўнгил тозалиги ва осудалигини қўлга киритиб билмаган. Хўш, нима қилиш керак? Фано холидан нажот кутиш лозим. Навоий ғазалларидан бирида ёзади:

*Дединг: «Фано недур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»  
Ки шарҳин тиласанг юз рисола бўлгусидур.*

Бизда фано шарҳида, хатто бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша мухтасар шарҳ: «Ўлмак, йўқ бўлмак»-дан бошқасини деярли билмаймиз. Холбуки, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана, ўша байтлардан айрим намуналар:

*Кирсанг фано тариқига девонавор кир,  
Ул важҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.*

Ёки:

*Фано майхонасида қил гадолиг,  
Десангким, бўлмайин султонга мухтож.*

Фано тариқининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси — унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Ҳақдан ажралган. Яъни ирода ўртадаги хижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ожизлик, ноқислик, кучсизликларини бутунлай енга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам кудратли. Илохий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюклиги ва

устунлигини намойиш этадиган қудратли «Мен»нинг туғилиши. Шу учун ҳам Навоий:

*Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал захри,  
Навоий жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним, —*

деб ёзган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳйиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча: «Инсонни комилдан юкори мукамал бир мавжудлик йўқдир». Бу дунёда «Инсонлар орасида камолга етишмаганлар хайвони нотик — улар фақат сувратда инсондирлар, холос». Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир китъаларини хотирга келтиради:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,  
Ҳеч ор айлама гадолигдин.  
Ким буларга гадолиг ортиқдир,  
Аҳли суратга подшолигдин.*

Демак, «аҳли маъни» — комил инсонлар, «аҳли сурат» — комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадий қомусидир.

Тасаввуфга бағишланган мўътабар китобларда такрор-такрор келтириладиган бир ҳикоят бор: нақл қилинишича, Шайх Самъуннинг мажлисида бир одам унинг ёнига келиб ўтириб ундан: «Муҳаббат недур?» — дея сўрабди. «Бугун бу масалани тушунмоққа қодир бирор-бир кимса йўқдур», — дебди Самъун. Шунда унинг ёнига бир қуш келиб қўнибди. Шайх қушни тиззасига олиб, «Муҳаббатни англаган бирор жонзот бўлса, мана шу қуш эрур», — дебди-да, унга юзланиб сўз бошлабди: «Сўфийлар ишқ ва муҳаббатда шу, шу... даражаларга юксалдилар. Шундай, шундай сирларни мушоҳада этдилар...» сингари бир қанча гапларни айтибди. Самъун ишқ ҳақида шу қадар таъсирли гапирибдики, бир пайт унинг тиззасидаги қуш ўлик холида ерга қулаб тушибди. Ва бу ҳол мажлис аҳлини хайрону лол этибди. Ҳазрат Навоийнинг айрим ғазалларини ўқиганимда мана шу ҳикоят тез-тез ёдимга келаверади. У ғазалларнинг сир ва таъсир қувватини таърифлаш қийин. Баъзан уларнинг башар хайлига мўлжалланганлигига ақл ҳам унча бовар этмайди. Чунки Навоийнинг аксарият ғазаллари, ақлустути бир туйғу ва завқи руҳоний ила битилган.

Нажмиддин Кубронинг таъкидлашларича, «Муҳаббатнинг интиҳоси ишқнинг ибтидоси эрур. Муҳаббат қалб учун, ишқ эса рух учундир». Шунингдек, Ҳақ сифатларининг мушоҳада этилишига муҳаббат, Ҳақ феъллари нурининг идрокига ишқ ва Ҳақ зот нурининг мушоҳадасига унс дейилмиш.

Навоий:

*Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам,  
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам, —*

деган мисраларни ёзганида қарилик фаслига етган ва руҳида унс холи ғолиб эди. Буни байтнинг умумий мазмунидан, хусусан, хилват орзусидан илғаш кийин эмас.

Хилват — халқдан узоклашиб, улардан айри янаш учун бирор-бир гўшага чекиниш демак. Тасаввуфий маънода хилват ёки узлатдан кўзда тутилган асосий мақсад ёмон ахлоқдан ажралиш, тубан ишлардан воз кечиш, қалбни жилолантириб, руҳни ҳузур ва фароғатга етиштириш. Бу узок давом этадиган ҳодиса эмас. Лекин шу қисқа муддатда маъшуқа ошиқнинг жисми аро жонга айланиши мумкин. Навоий эса ошиқлар учун доимий орзу бўлиб келган ёр ила хилват хусусида сўзлаётир. Аммо бу хилват моҳияти тамоман бошқача. Чунончи: ошиқ ёрни жисми ичра жон этиб «хилват саройи ичра меҳмон» килиш билан кифояланмасдан, «танда жон янглиғ» уни жон бағрида пинҳон тутмоқчи:

*Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун,  
Танда жон янглиғ сени жон ичра пинҳон айласам.*

Маълумки, жон форсий сўз бўлиб, рух, кўнгил, тириклик нафаси сингари маъноларни ифодалаган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида жон тушунчаси жуда кенгайтирилиб, калима таркибига янги маънолар киритилган. Масалан, эндигина сайри сулук йўлига кирган дарвешларга мавлавийлар «жон» дейишган. Кўп тариқатларда эса жондан мурод меърожи маънавий бўлган. Бундай юксалиш ҳолидан йироқ шеърхон висолни яшириш, махфий сақлаш учун «жон пардаси»ни имкони бўлгани қадар ҳар томонга осиш ёки қандай осишни умуман тасаввур қила олмайди:

*Анда ҳам жон пардасин ҳар сари осиб сатр учун,  
Васлинг ихфосин нечаким, бўлғай имкон, айласам.*



Хўш, бу гаплар кимга қаратилган ва уларнинг ҳақиқатини ким тўғри англай олади? Ўзлик масаласида бош қотирмаган, ўзликдан кечиш йўл-йўриқларидан бе-хабар ҳеч ким. Мосиводан (Ҳақдан бошқа ҳаммасидан) бутунлай фориф бўлиб, Ҳаққа боғланган чин ошиқ ёки ориф мана бу байтда гап нима тўғрисида эканлигини тез ва хатосиз билиб олади:

*Чун бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам, не мен,  
Хар не номаҳрам дурур, ўздин паришон айласам.*

Аслида «Ўзлук» ҳам бир мен. Аммо Навоий шундай бир «хилват»дан баҳс юритаётирки, унда ўзликдан нисбатан ажралган, аниқроғи ишқ оташида тобланган иккинчи «мен» ҳам ёрга тўла маҳрам бўлишга қодир эмас. Бироқ «хар не номаҳрам» бўлса, барча-барчасини ўздин йироқлаштиришга қасд қилган худди ана шу «мен» ғазалнинг бош қаҳрамонидир. Нафс ва нафсоний майллар унга ағёр бўлганидек, Ҳақдан йироқ қолганлар ва воқиф бўлмаганлар ҳам ағёрдир. У ишқ изҳорига тил нечоғлик ожиз деб билса, ҳижрон дарди шарҳида ҳам «безабонлиғ» «усули»ни танлайди:

*Дафъ ўлуб ағёр, топсам бор ул хилват аро,  
Безабонлиғ бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.*

Тасаввур қилинганки, ошиқнинг хилватга дахлдор ва байтма-байт таъкидланиб келинган деярли барча истак ёхуд хоҳишлари рўёбга чиқди. У энди мутлақ фориф ва сокин одам. Бундай холнинг ҳикмати нима? Биринчи ҳикмати, лаҳза мазмуни, лаҳза сурурини ўзида мужассамлаштирган ва лаҳза нуридан мунаввар ҳолга соҳиб бўлиш. Зеро, боқий умр асрори «бир лаҳзалик ушбу ҳол аро» яшириндир. Шу боис ҳам ошиқ ҳеч иккиланмасдан: «Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро», дейди. Иккинчи ҳикमत, ошиқлик камолини белгиловчи беҳудлик ёки беҳушлик «мақоми»га кўтарилиш. Бу мақомда тил ишқ асрорига маҳрам эмаслигини англаган ошиқ бир умр жамол завқи ила нафас олишни истайди:

*Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро,  
Ўзни беҳуд, кўзни рухсорингга ҳайрон айласам.*

Сиртдан қаралганда, ғазал мақтаъсидаги фикр олдинги байтлардаги гаплар билан мантиқан унча боғланмайди. Чунки ўқувчи ишқ тарки иқрорини хаёлга ҳам

келтирмайди. Аксинча, султоний бир холга етишган ошиқликнинг истиқболига ўзича инонгиси келади. Аммо ғазалда талкин этилган «хилват» туйғусини ҳамма ҳам идрок қилишга қодир эмас. Айникаса, ўздин кечиб, хайрат водийсига етган «бехуд» ошиқ ахволига кўпчилик бошқача нигоҳ билан қараши табиийдир. Шоир масаланинг шу жиҳатини ҳам ҳисобга олади ва ишқ йўлидан чекинишга асло иложи йўқлигини шундай тарзда баён этади:

*Эй Навоий, дема иқрор айла ишқи тарқини,  
Ким инонгай, гар ўзумга буйла бўҳтон айласам.*

Одатда, орифона ғазалларда хаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, каттадир, кичикдир, ҳар бир нарсани фано ва бақо ҳоли ила мушоҳада қилишга даъват этилади. Алишер Навоийнинг:

*Даврон гулю гулшани хорига арзимас,  
Гулгун майи балойи хуморига арзимас,*

байти билан бошланган ғазалининг бирор бир байтида ҳам маъқулланган, эътироф этилган, кадрлашга лойиқ кўрилган нарса, ҳодиса ёки ҳақиқат йўқ ҳисоби. Ҳамма-ҳаммаси учун битта хулоса, битта ҳукм: «Арзимас!»

Бир ёқлама қараш, ёруғликни ҳисобга олмай, зулматни инкор айлаш Алишер Навоийга бутунлай ётдир. Даврондан ҳар қанча нолимасин, даврни ҳар қанча айб-ламасин, одам фарзанди ўз даври ва давронидан ажралиб яшай олмайди. Бундай умрнинг маънисини ҳам, кераги ҳам йўқ. Қолаверса, давр ва замонда ҳамма нарса ёмон дейиш ақлдан эмас. Навоий буни ҳам шу қадар мукаммал билганки, бир ғазалида:

*Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валеҳ  
Бўлмагай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб, —*

дея ўқувчини даврон макр-хийлаларидан ғафлатда қолмасликка чақирган. Демак, ёмонни билиш яхшини кадрлашга хизмат этмоғи керак. Ёки аксинча. Ана шунда:

*Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлик,  
Бир дам алар иҳонату орига арзимас*

лигини чуқур тушунишда кийинчилик сезилмайди. Тарих не-не жаҳонгирлар мисолида шоҳлик, салтанат ишқи ҳам бақосизлигини кўп бора исботлаган. Навоий шоҳликни дунёга боғланиш ва дунё ишқининг энг олий шакли ўлароқ тилга олган. Ва шоҳ нақадар адолат ила

хукм юритмасин, тожу тахт халку халойиқ ори ва қадрининг бир дамлик камситилишига арзимаслигини ҳаққоний таъкидлаган. Шу ўринда бир муаммога аниқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Навоий ғазалининг замирида тарки дунё туйғусига даъват бор. Умуман, Шарқ мутафаккирлари, айниқса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари тарки дунё ҳақидаги фикр-қарашларини ҳамиша очик-ойдин ифодалаганлар. Шўро мафкураси тасаввуф ва мумтоз шеъриятнинг айнан тарки дунёчилик тушунчаларига кескин қарши чикди ва уларни тамоман инкор этди. Бу тўғрими, нотўғрими?

Моддиётчилик маъносида нисбатан тўғри, аммо маънавий-рухий камолот нуқтаи назаридан нотўғри. Дунё ва олам ўзига хос бир ҳукмрон — ҳокими мутлак. Одам фарзанди, у билан муроса қилишга, унинг талаб, истаклари билан ҳисоблашишга мажбур. Бундан у ҳамиша ҳам ютқазавермайди. Балки эл-юрт манфаати ва тараққиёт учун ҳисса қўшади. «Ҳар не қадар бу оламнинг ҳол ва ишлари ўткинчи бўлса ҳам, — дейди Азизиддин Насафий, — алдансак ва алданмасак ҳам бу дунёга эҳтиёжimiz бор. Шу эҳтиёж туфайли нокаслар билан суҳбатлашиш, беҳабарлар билан бирга бўлишга мажбурмиз». Тасаввуф, зоҳиран дунё билан алоқани узмай, одамларга нафи етадиган ҳеч бир ишга қўл силтамаган ҳолда, ботинан дунёпараст бўлмаслик, нафс «аркон»лари билан фоний дунёга боғланмаслик йўл-йўриқларини белгилаб берди. Шу учун тасаввуф бошқа кўп касб, хунарлар қатори, ҳатто тижоратни ҳам қўллаб-қувватлади. Бу ҳақда улф юртдошимиз Абубакр Муҳаммад бин Исоқ Бухорий Калобозий ёзади: «Сўфийлар зироат, тижорат ва хунармандлик каби шарият мувоҳ айлаган йўллар билан мол топиш ҳалол деган нуқтаи назарда ҳамфикрдурлар. Аммо мол топганда ҳушёр бўлиш, қаллоблик қилмаслик ва шубҳали нарсалардан қочиш шартдир. Уларга кўра, меҳнат қилиш ва пул топишдан мақсад ёрдам қўлини чўзиш, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтириш ҳиссининг илдинини қуриштириш, пулни халқ учун харж айлашни ният этиш ва қўшниларга ғамхўрлик туйғусидир». Бундан ортиқроқ мурувват, бундан зиёд холис ният ва олий туйғуни тасаввур этиш мумкинми? Алишер Навоий бир ғазалида:

*Замона аҳлига гарчи ўюнчиликдур иш,  
Енгар ҳам охир аларни замонанинг ўюни, —*

дейди. Бугуннинг тили билан айтганда, бу байтда замонасозлик найранги, шахсий ғараз ва иддаоларни кўзлаб замонга мослашиш ҳолати қораланган. Навоий буни ўз номи билан «ўюнчилик», деб атайди. Бирок бундай ўюнчиликни енгиб, «ўюнчи»ларни забун этадиган бошқа бир катта ўйин бор. Бу — замонанинг ўйини.

Инсон шуни билиш, шу шафқатсиз ўйиндан ўзини четга олишда кўпинча ожизлик қилади. Ва гоҳо хаёлга келмас дунёсеварлик машғулотида кўли баландлигини кўз-кўз қилмоқ истади. Ахир, манқалга оддий ўтин ёқса бўлади-ку! Йўқ, халқдан ажралган дунёдор «манқал»ига рангдор, хуш хид таратувчи ёғоч ёндиради:

*Манқалда уду сандал агар айласанг ўтун,  
Бир лаҳза дуд бирла шарорига арзимас.*

Бундаги «манқал» бир тимсол. Ҳозирги даврда «манқал»нинг шакллари ўзгариб, турлари кўпайган, албатта. Камёб, қимматбаҳо «ёғоч»га ҳорисликчи? Ақл бовар қилмас даражада кучайиб, кенг томир ёзиб кетган. «Дуд» ва «шарор»дан андиша хисси пасайган десак, ҳақиқатдан кўз юмган бўламиз.

Тўғри, инсон дунёга бир марта келади. Елдай ўтадиган шу қисқа умрни эркин, ҳар қандай қарамлик ва мухтожликдан фориғ, яйраб ўтказишга у тўла ҳақли.

*Даҳр боғинда неча кунким тириксан, айтқил  
Ким, яна топмоқ эмас, маълум бу бўстон каби.*

Навоийнинг бу ўғитлари нақадар донолик ва ҳаётсеварлик билан айтилган. Лекин ақлни таний билиш чоғлариданок билмоқ керакки, ҳаёт бўстонида айш қилиш — нафсоний ва шахвоний қувватларга эрк бериш дегани эмас. Мол-мулк йиғиш пойгаси, мартаба баландлиги, «тотли-тотли» емок, «турлик-турлик» кийиб, ҳашаматли қасрларда роҳатланиб яшаш — булар ҳам умр моҳиятини ақс эттирмайди. Навоийга кўра, тириклик айши, аввало, нафсни руҳга таслим айлаш, ишк, маърифат, гўзаллик нури ила кўнгилга зийнат беришдир. Шундагина инсон дунё фатҳи учун лашкар тортмоқ «сипоҳ гарди ғубориға» арзимаслигини ҳам, одамлар орасидаги бир фурсатлик нифоқу жанжаллар асрларга чўзилган умр фароғатини буткул йўққа чиқариш эҳтимолини ҳам англаб одим ташлайди:

*Ўз қарн олам аҳли аро айламак нишот,  
Бир дам алар нифоқу ниқорига арзимас.*

Навоий шеърларини киши қанча кўп ўқиб, маъно моҳиятини қанча кўпроқ англай бошласа, фикр-мушоҳада меҳнатидан ўшанча хузурланадиган, рухнинг қудрати ва сеҳрига ортиқроқ ишонадиган бўлиб бораверади. Аста-секинлик билан бўлса-да, тубан майллар, қахрли туйғулар, саёз ва қиймати ҳаминқадар тушунчалар қалбдан чекина бошлайди. Энг муҳими, сиз ўз гафлатингиз «чегара»сини кўриш, Навоий талаб қилганидек, ноқисликларингиз исботидан чўчимайдиган холга кўтарилишга уринасиз. Бу умидбахш уриниш жараёнида ўзингизча бир нарсанинг ҳақиқати ва моҳиятини аниқроқ, теранроқ кашф этишга жаҳд қиласиз. Бу — фано холи, фано йўли ва фақру фанолик орзуси эзур. Чунки Навоий қайта-қайта фано хусусида сўзлайди, фано сирларини шарҳлашдан, фано водийсига сайр этишга чорлашдан тўхтамайди. Фикр юритганимиз ғазал мактабида ҳам ўқиймиз:

*Киргил фано йўлига, Навоийки, даҳри дун,  
Бу умри бесаботу мадориға арзимас.*

Навоий дунёқарашида комилликни кафолатловчи хол — фано холи, дилни яйратувчи, толиқишлар, торикишлар, жабр-жафолардан халос этгувчи маскан — фано майхонаси, Ҳақ висолига етказгувчи йўл — фано йўли.

Абу Наср Саррожга кўра, фано, нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Фано уч турлидир: биринчи, қулнинг ўз нафси ва сифатларидан фано бўлиб, Ҳақ сифатларига эга бўлиши. Бу — фанои афъол. Иккинчиси, қулнинг Ҳақни билиш билан Ҳақнинг сифатларидан ҳам фано бўлиши. Бу — фанои сифот. Учинчиси — қулнинг Ҳақ борлиғига фанолиги, яъни фанои зот. Фанои афъол шартларини бажаришнинг ўзиёқ инсон ахлоқини гўзаллаштиради. Чунки Хужвирий айтмоқчи, жаҳолат фано бўлгач, илм боқий бўлади, гафлат кетгач — маърифат, меҳр ва муҳаббат муқимлашади. Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фано расмин забт айланиши истаган киши зинҳор-базинҳор нафс ила рухни қориштирмаслиги зарур:

*Ғар фано расмин қилмоқ тилар эрсанг мазбут,  
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.*

Хуллас, шоир фано тариқига зўр ишонч билан қарайди. Шу тариқ орқали, хирка, тасбех, мусалло каби воси-

таларсиз ҳам ишқ ва руҳ илмини эгаллаб, висолга восил бўлишни алоҳида таъкидлайди:

*Фоний ўлғил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,  
Хирқау дафтару тасбиҳу мусалло офат.*

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йигирма беш йиллиги тантанали нишонланган йили биз талаба эдик. Ўшанда Навоий асарлари билан бирга Навоий ҳаёти, ижодига бағишланган кўп нарсалар босилган эди. Биз уларни иложи борича назардан четда қолдирмаслик ва топиб ўқишга ҳаракат қилардик.

Айниқса, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларида чиққан ижод намуналарини, албатта, ўқирдик. Ўшанда «Гулистон» журналида марҳум шоир Собир Абдулланинг бир туркум шеърлари чоп этилиб, биттаси Алишер Навоийга бағишланган мадҳия эди. Шеърдаги бошқа бирор сўзни ҳам ҳозир эслай олмайман, лекин мана бу тўрт мисра ханузгача хотирдан чиқмайди:

*Билмак Навоийни — бу зўр маърифат нишони,*

*Билмак Навоийни — бу юксакка элтар они.*

*Билмак Навоийни — бу ўз нафъи, йўқ зиёни,*

*Билмак Навоийни — бу ойнаи жаҳони.*

Ёшлиқ тасаввури билан, демак, Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «хужжати» деган хулосага келганман. Лекин Навоий ижодиётининг моҳият ва руҳоният оламига кириш, гўзаллик сир-асрорини баҳоли қудрат англаш осон эмаслигини, рости ўйлаб ҳам ўтирмаганмиз.

Навоийни англаш «мақоми»га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга ғоятда секинлик билан, ниҳоятда кўп мутолаа ва мушоҳада ила, маълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демокчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки қундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш — муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек маҳсус тайёргарликни талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллатнинг эҳтиёжига айла-

ниб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Рухоният учун қайғурмоқчи, ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамоқчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди.

«Навоийни бугун яхши ўрганмоқ керак!» — дейилганда, «Кеча нега яхши ўрганилмади?» — деган саволга ҳам жавоб топиш керак бўлади. Шу маънода баъзи фикрларга диққатни қаратмоқчимиз.

Алишер Навоий ғазалларидан бири шундай байт билан бошланади:

*Кийик чарми заиф эғнимга мажнунлуғ нишони бас,  
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.*

Байт мазмунини унча кийналмасдан тушунса бўлади. Шеър қаҳрамонининг ташқи сувратини ҳам тасаввур этиш осон: «кийик чарми»га ўранган заиф бир вужуд. «Жунун тоши» устидаги яраланган бош. Бу ғариб бош соҳибининг бирдан-бир орзуси мажнунлик холига эришиш ва «қуш ошёни»ни манзил айлаш. Демак: «нишон»дан ва «ошён»дан мурод — мутлақ хурлик истагини билдириш. «Кийик чарми» ҳам, «қуш ошёни» ҳам орзуга ишорат. Лекин кўп қатори «заифлик» ва «синиқлик» нималигини билсак-да, шахсан мен, ҳолат ўлароқ уни идрок қила олмайман. Биринчидан, бундай ҳолнинг сирини билмайман. Иккинчидан, бунақа ҳолатни яшамаганман. Шунга қарамасдан, байт мазмунидан кўнгилга бир енгиллик инади. Негадир айнан «қуш ошёни» ибораси дилимга ёқимли эшитилади. Энг муҳими эса орзиқтирувчи бир кайфиятдир. Бу кайфиятнинг номи рухоний хурлик. У қандай туғилади ва унга қандай эришилади — бу энди муаммо.

Алишер Навоийга кўра, агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ колмайди. Ишқ бўлмаса зухду такво қуруқ даъводир:

*Ишқ кўнглунгга солиб дард, охи қон этмиш,  
Ол қисват била кофирни мусулмон этмиш.*

Яъни ишқ кўнгулга дард солиб уни қон этмиш. Лекин шу қон кўнгили либоси бўлганлиги туфайли кофир мусулмонга айланмиш.

Албатта, бунда назарда тутилган «кофир» — нафс. Уни мусулмон айлаш «тажриба»си эса соф тасаввуфий тажриба. Бу «тажриба»нинг талаб, эҳтиёж, шарт ва мажбуриятларини инобатга олмай, Навоийнинг рух, кўнгили,

фано, бақо, хурлик ҳақидаги фикр ва тасвирларини умуман тўғри мушоҳада этиб бўлмайди, Чунки Навоийнинг лирик қаҳрамони Ҳакни ичкин ўлароқ нафсда мушоҳада айлагани учун у ниҳоятда кучли рухий, хиссий салоҳият соҳибидир. Унинг кўнгил ва рух оламига яқинлашишининг бир неча йўли бор. Шулардан бири — тасаввуф.

Тасаввуфни қоралаш, унинг ҳақиқатларини нотўғри талкин қилиб, мутасаввифларни бадном айлашни шўро мафкураси равнақи учун бел боғлаб хизмат қилган олимлар бошлагани йўқ. Бу иш ўнинчи асрлардаёқ бошланган. Тасаввуфдаги Ҳақ нарса ботил сифатида кўрсатилгач, Калобозийнинг айтишича, «тасаввуф ҳақиқатини билладиганлар бир гўшага бекиниб, билганларини бошқалардан сир тутганлар. Оқибатда халойиқ кўнглида тасаввуфга нисбатан нафрат уйғониб, кўнгиллар сўфийлардан совиған».

Собиқ шўро даври адабиётшунослигида Навоий ижодиётини имкони бўлгани қадар тасаввуфдан узоқлаштириш ёки ажратиш нуқтаи назари ҳукмронлик қилган бўлса, қайта қуриш ва ошқоралик замонидан сўнг бунга мутлақо тесқари ҳаракат бошланди. Яъни Навоийнинг деярли ҳар бир шеърдан тасаввуфий маъно ахтариш, қандай қилиб бўлса ҳам ирфоний ҳақиқатларни «кашф» этиш умумий бир интилишга айланди. Кечагина тасаввуфга ёт бир назар билан қараган ёки бу таълимотнинг куч-қуввати ва мавқеи билан ҳисоблашишни истамайдиган олимлар ҳам тасаввуф ҳақида ижобий фикр-мулоҳазаларини баён қилишга киришдилар. Мустақилликдан кейин сўфийлик ва тариқатлар тарихи, тасаввуф ва адабиёт муаммолари эркин ўрганишга киришилди. Тасаввуфни пухта тадқиқ этмасдан мумтоз адабиётни текшириш самара бермаслиги равшанлашди. Бу ҳодиса баъзи навоийшуносларга ҳам ички бир енгиллик бахш этди. Чунки улар айнан ўша шўро мафкураси талабларини ифодалайдиган ва тасаввуф маслаги Навоий дунёқараши учун ҳам, шеърятини учун ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган, деган ҳукм ва баҳоларининг тасдиғини кўргандай бўлишди. Ҳолбуки, айрим саёз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишлардан ташқари кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этган ва Навоий ижодиётига янгича қарашни тасдиқлашга қодир тадқиқотлар ҳам яратилди. Тўғри, бу ишларнинг ўзига яраша нуқсон ва камчиликлари бор. Дастлабки уриниш ва изланишлар учун бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз истаймизми,



истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир саёзлик, якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Уни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, Навоий шеърятининг рухоният ва туйғулар оламига қарашларини тубдан ўзгартириш лозим, янгича тадқиқ усул ва йўллари жорий этишга уриниш керак. Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зохирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини ҳам очиш лозим. Буни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юқорида қайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеъридан тасаввуфий моҳият излаш ва уларни атайин тасаввуфлаштириш тамоман номақбул ишдир. Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг аксарият шеърларида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилоҳ ва тимсоли эркин ўрин эгаллаган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Фақат ишқ, фақат ҳақиқатда эмас, ахлоқ-одоб, рух, тафаккур, маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масалаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёқарашини машъалдай ёритиб турган. Гап бунда Навоийнинг нақшбандийлик тарикатини расман қабул қилганлиги ва инсон қисматига доир бир қанча ахлоқий, маънавий ва фалсафий муаммоларни ушбу тариқат талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритганлигида эмас, албатта. Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади — шахс ва миллат тақдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди. Навоийнинг тасаввуф чашмаларидан чуқур баҳраманд бўлганлигини исботлаш учун ташқаридан «хужжат» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд. Тасаввуфий тажрибада туйғу ва ҳаяжон фавқулодда муҳим роль бажарган. Фано мақомида толиб-матлуб ёки ошиқ-маъшук бирлигини акс эттирган завқу сурурнинг асоси ҳаяжон унсуридир. Зеро, ишқ сурури ва ёруғ туйғулардан маҳрум ошиқнинг йўли таҳликалидир.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор:

*Илмро бар тан занӣ, море бувад,  
Илмро бар дил занӣ, ёре бувад.*

Яъни: Илмни танга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга жо этсанг, ёр бўлади. Навоий меросини ҳар томонлама теран ва ҳаққоний ўкиб ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки, илм керак. Лекин у илон тимсолидаги илм бўлмаслиғи лозим. Ақл, юрак, рух ва илмни ҳамжихат — уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод гулшанига ортиқча қийинчилик сезмай, яйраб кириб бо-ради ва сўнгги нафасигача ундан ажралмайди.

## 2

Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусикамиз таракқиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир. Шунингдек, тасаввуфнинг шахс тарбияси ва камолоти жабҳасидаги хизматлари ҳам кўп жиҳатдан ибратли эзур. Покистоннинг файласуф шоири Муҳаммад Иқбол таъкидлаганидек: «Ихлосли ва ҳақиқий мохиятга эга бир жараён бўлган тасаввуф муассасасининг юзага чиқиши, ҳеч шубҳа йўқки, мусулмонликда диний тажрибанинг такомилли ва тўғри таракқий топишида муҳим омил бўлган»<sup>1</sup>. «Шу боисдан ҳам «мутасаввифларнинг метафизик қарашлари бизнинг тушунча ҳаётимизда янгилик ва юксалиш манбаи эканлиги эътибори ила бағоят фойдалидирки, уларни ўзимизнинг қарашларимиз билан муқояса қилиб яхши натижаларга эришимиз мумкин»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, тасаввуф аҳлининг ташқи дунё билан ички дунёни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва рух тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибалари ҳамма замонлар учун ибратли.

Тасаввуф ва тариқатлар тарихига чуқурроқ назар ташланса, тасаввуфнинг бошқа дин ва ҳар турли ноқис фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўла таянган даври — илк сўфийлар даври эканлиги равшанлашади. Араб олими Абдуқодир Маҳмудга кўра бутун тарих мобайнида юзага чиққан тасаввуфий ҳаракатлар учга ажралади:

1. Салафий тасаввуф. 2. Сунний тасаввуф. 3. Фалсафий тасаввуф.

Салафий тасаввуф Муқотил бин Сулаймон (вафоти

<sup>1</sup> Иқбол М. Ислолда диний тафаккурнинг янгидан ташаккули. — Истанбул, 1999. 15-бет.

<sup>2</sup> Фидон М.А. Тарихий шаклланиш жараёнида сўфийлик. — Истанбул, 1997. 84-бет.

150/767) билан бошланиб, Имом Молик (в. 179/795) томонидан юкори чўққисига кўтарилган. Сунний тасаввуф ахли байт ва Жаъфар Содик (в. 148/765) воситасида юзага чиққан. Хорис Мухосибий (в. 243/857) ва Жунайд Бағдодий (в. 297/909) ила шаклланган. Имом Фаззолий (в. 505/1111) уни такомилга эриштирган. Фарб фалсафаси ва шиа — ботиний қарашларга ўрин берган фалсафий тасаввуфнинг туғилиши ва равнаки Сухравардий Мактул (в. 587/1191), Ибн Арабий каби мутасаввиф ҳамда олимларнинг номлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатлар, ҳеч шубҳасизки, бир-биридан фарқланадиган, аини пайтда бир-бирини инкор айлайдиган нуқтаи назар ва тушунчаларга ҳам эрк берган. Натижада тасаввуф ва тариқатлар фикрий ихтилоф, амалий инкор ва нуфуз талашувлар майдонига айланган. Сунний тасаввуфга қарши шиддатли кураш авж олдирилган. Сунний тасаввуф тарихи ва ҳақиқатлари мукаммал бир тарзда ёритилган «Таъарруф» китобининг муаллифи Калобозий ёзади: «Нихоят тасаввуфдан маъно кетди, исм қолди. Ҳақиқат пинҳон бўлди, шакл зохирга чиқди... Тасаввуфни қабул қилганликларини тилларида иқрор этганлар хулқ-атворлари ва амаллари билан бу йўлни инкор этдилар. Тасаввуфни халққа тушунтириш ҳолатидагилар бу йўлнинг ҳақиқий моҳиятини яшириб, тасаввуфга алоқаси йўқ нарсаларни тасаввуфга киритдилар ва унга нисбат бердилар. Шу тарзда бу йўлдаги ҳақ нарса ботил ўларок кўрсатилди...»

Бундай шароитда тасаввуф тўғрисида холис сўзлаш, унинг ҳақиқатларини асл холида халққа тушунтириш ёки тарғиб қилиш, албатта, мумкин эмас. Оқибатда тасаввуфга нисбатан нафрат уйғонди. Лекин ҳеч қандай душманлик ва ғаразли ҳаракатлар моҳияти соф, ҳақиқатлари инсон камолотига қаратилган тасаввуф ҳаракатини тўхтата олмади. Санъат, шеърят, мусиқа тасаввуфга қанот бағишлади.

Шуни унутмаслик керакки, тасаввуф қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик зиддиятли, баъзан оқ билан қорани ажратишга унча имкон бермайдиган бир таълимотдир. Шу боис баъзилар уни кашфу каромат сотиш деб англашса, айримлар ахвол ва мувоқабат билан чекланувчи бир «илм» деб билишган. Бир қисм одамларнинг тасавурида тасаввуф қандайдир хусусий одат ва тақлид иши бўлса, бошқа бировлар унга тараққиёт учун зарарли ва жамият ҳаётидан узоклашувга чорловчи узлатпараст-

лик деб карашган. Тасаввуф деганда сир ва ғайб олами билан алокани англовчилар ҳам кам бўлмаган. Маълум бир гуруҳ кишилар эса ваҳдати вужуд ва ваҳдати шуҳуд назариялари билан фалсафий рангга бўянган тушунчаларни қабул қилиб, чинакам тасаввуф ана шудир, деган қатъий хулосада туриб олишган. Холбуки, чинакам тасаввуф, Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари катори Алишер Навоийнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратган тасаввуф мутлақо бошқадир. У ишқ, маърифат, рухоният тасаввуфи, том маъноси ила комиллик тариқидир.

Айрим тасаввуфшунослар сўфийликни уч жабхада тадқиқ этишни тавсия қилишган. Шулардан бири — таассурий-руҳий тасаввуф. Бу ишқ ва жазбага таяниш тажрибаси бўлиб, алоҳида нуфузга эга. Чунки шайтон ҳам бир замонлар солиқ бўлган, бироқ ҳеч вақт муҳаббат ва ишқ ҳиссиётларига соҳиб бўлмаган экан. Демак, жазба ила ёниб ишқ асирга айланганда у йўлдан озиб, абадий лаънатга учрамасди. Зеро, ич туйғулари ишқдан бегона солиқнинг йўли ҳамиша таҳликали. Тасаввуфнинг энг катта хизмати ҳам ишқни инсон ҳаётининг туб асоси ва рухониятининг нури деб эътироф этганлигидир. Алишер Навоийга кўра ҳам агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса, мусулмонлик ҳам, зуҳду такво ҳам куруқ даъводир.

Хуллас, ишқ ва комиллик моҳияти тасаввуфдан четга сурилди дейлик. Тасаввуф Навоий учун тириклик, гўзаллик, боқийлик руҳини бой берарди. Тасаввуф эдингки, тасаввуфда маърифат ва тафаккур завқи бўлмаган. Навоий бундай тасаввуфга яқин ҳам бормаган бўларди. Инсон руҳининг сир-асрорларини кашф қилишда Навоий тасаввуфдан кўп нарса ўрганган. Бу ҳақиқатга тўла иқроп бўлиш учун ҳеч бўлмаганда Навоий ўқиган тасаввуфга доир илмий, тарихий, адабий манбаларнинг маълум бир қисми билан танишмоқ лозим.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин» хотимасида Навоий устози Абдурахмон Жомий хизматида «таълим ва истифода» юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадигани, уларнинг аксарияти тасаввуф ҳақида. Булар: суфия машойих истилоҳила битилган «Лавоҳ» ва «Лавомеъ», «Шархи рубоиёт», «Нафахот ул-унс», Хожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия»си, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»си ва б. Мана ўша хотимадан бир парча: «Яна хазрати шайх ул-машойих фахр ул-миллат вад-дин

Ироқийнинг «Ламаот» идурким, Ҳазрати Махдум ул китобни бу фақирга сабақ айтурда айтур эрдиларким, «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва номахвор равишлиқ элининг кўпроқ машғуллик қилғони хавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқимас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўблуклари яшурун қолғон эрмиш». Асру изҳор хушхоллик ва сурур қилурлар эрди, шарх битмагига доғи бу боис бўлди». Шунингдек, Навоий Хужвирий, Имом Қушайрий, Сухравардий, Имом Ғаззолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшуносликда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганича йўқ.

Маълумки, Вақт — бу ортда қолган ўтмиш, елдай илгарилаётган замон ва ҳар турли орзу-умидлар ила олдинга чорлайдиган келажак. Давр, замон ва тарих Вақтнинг энг катта ўлчамларидир. Лаҳзалар соатларга, соатлар кунларга, кунлар ой ва йилларга айланаркан, уларнинг ҳаракат тарзида тўхташ эмас, эврилиш ҳосил бўлади. Лаҳза мазмуни ва кучини англай олмаган, умр лаҳзалари ҳодиса даражасига юксалишини билмаган инсон ҳеч пайт соат, кун ёки йил зиёси ила кўнгилни мунавар эта олмайди. Зеро, Вақт мазмуни ва сири ташқи бирликда эмас, Шахснинг руҳи ва дилида яширинган. Вақт туйғуси, вақт маърифати — барча маърифат ва самовий туйғуларнинг тамали эрур.

Инсон умри Вақтнинг бир қисми ва парчаси. Вақт аслида ибтидо ва интиҳоси номаълум сўнгсизлик демек. Дунёдаги деярли барча мавжудлик шу сўнгсизликка тобе, унинг мурасасиз ҳукмига таслим. Чуқурроқ мушоҳада этилса, вақт чегараси, вақт бирлиги, вақт мезони деган тушунчалар ҳеч пайт одамга тўла-тўқис қувонч бермайди. Вақт учқурлиги ва тасарруфи ҳақида ўйлар экан, ҳатто энг қалтафаҳм кимса қалбида ҳам бир маҳзунлик пайдо бўлади. У истасин, истамасин, шахсий ҳаёт маънисини ғалат англаганлигидан, ички ёлғон ва такаббурлигидан, зоҳирпарастлик ва тафаккур маҳдудлигидан, албатта, хижолат чекади. Ўзликни идрок қилиш ва ўзлик тўғрисидаги нотўғри қарашлардан қутулиш кўпинча ана шундан бошланади. Тақдирдан шафқат ва мурувват тилаш мумкин. Бироқ Вақтдан шафқат ва мурувват тилаб бўлмайди. Шарқ алломалари Вақтни кескир қиличга ўхшатишган. Бу «қилич»дан ўзингизни қанча кўпроқ му-

хофаза этсангиз, ақл тахликага ўшанча ортиқроқ ён беради, риё, кўркув ва мунофиқлик ботқоғига ботиш хавфи ўшанча кучаяди. Ва булар охир-оқибатда қалб таназзулига сабаб бўлади.

Вактга фақат маънавий-рухий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Хуллас, Вакт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос «мақом»ларини эгаллашни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф аҳлининг фикр-қарашлари ва ҳаётий тажрибалари жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар Вактнинг энг «кичик» бирлиги ҳисобланмиш дам ва лаҳзанинг мазмунига алоҳида аҳамият бергандирлар. Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вактга доир қарашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслағи билан чуқур алоқадордир.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир асарида Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай фикрлари келтирилган: «Нафасни зое кетишга йўл қўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг: «Ман зайиъа вақтаҳу фа вақтаҳу мактун» — «Ким вақтни зое қилса, бас, у вақт душманидур». Ва уни идрок қилишга интилиш лозим. Айтдиларки, ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни «соҳиб ул-вақт» — «вақт соҳиби» дейдилар... Бу вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан қутулган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади, яъни ҳар бир вақтни энг муҳим ва авло ҳолга сарф этади. Уни «Абул-вақт солик». — «Вакт отаси бўлган солик» дейдилар. «Ибн ул-вақт» — «Вакт ўғли» шундай солиқки, хол унга хужум ва ғорат қилувчи тарзда рўй беради ва тасарруфи билан солиқни ҳолатдан узоклаштиради, ўз хукми остида бўйсундиради».

Тасаввуф нуқтаи назарида нафас уч маънони англади: 1. Тирикликни таъминловчи нафас, яъни ҳаво; 2. Дам, фурсат, лаҳза; 3. Муршиддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фарахланиши. «Рисолаи Қушайрий» муаллифининг таърифлашича, нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра нозиктаъб ва кўп покизадир. Вакт эса васл соҳибларига, ҳол рух соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир. Демак, қалб соҳиблари вақтга, рух соҳиблари ҳолларига, сир соҳиблари нафасга лоқайд бўлишлари мумкин эмас. Навоийнинг Вакт, Ҳол ва Нафас баҳсидаги анча-мунча фикр-туйғулари мана шу уч асосга таянади. Тасаввуфда Вакт — ўтмиш (мозий)

билан келажак (мустақбал) ўртасидаги замон бирлиги ҳисобланади. Бу ҳақида Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб»да ёзади: «Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур (пушаймон ва афсус этувчилар) ва ҳол муфтанамдур (ғанيماتдур). Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур».

Байт:

*Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам».*

Навоий «бир турк» деганда кимни назарда тутган — бунни аниқ айтиш қийин. Лекин ўша турк Нажмиддин Кубронинг «Фавойиҳ ул-жамол» номли рисоласидаги мана бу фикрлардан хабардор бўлган бўлиши керак: «Вақт кескир бир қиличдир. Агар кескир бўлмасайди, англаб, идрок этиб улгургунингча сени кутарди. Ҳолбуки, у кескир бир қилич ҳаракати ила ҳукмини адо айлар. Сўфий «Ибн ул-вақт» эрур. У кечмишга ҳам, келажакка ҳам боқмас. Чунки унинг мозий ёки мустақбалга кўз тикиши, аини дамдаги вақтини беҳудага сарф қилиши демакдир...» Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, аини дамдаги вақтини беҳуда сарф қилмаган киши ўтмишга қул бўлиб қолмаганидек, келажакдан ҳам бир хатар сезмайди. Шу боис Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони Вақт ҳақиқати ва шодликларини мозий ва келажакдан эмас, ҳассос ва нурли ирфоний маънилар қалбдан бош кўтарган «лаҳза», «нафас», «фурсат» ва «дам»лардан ахтаради. Унда, ҳатто «харобот» орзуси ҳам «лаҳза» кайфияти ва ҳукмига тобедур:

*Кел бир дам, эй ҳариф, харобот сориқим,  
Май важҳидир бу хирқа била жилсонимиз.*

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги — «дам», «лаҳза», «фурсат»ларга шу даражада катта мазмун бағишлайдики, давр ва замоннинг ранжу қийноқларидан ўзни муҳофаза қилишда «Дам бу дамдур» тушунчаси гўё даҳлсиз бир қалқон сифатида кўзга ташланади:

*Десаиғ замона ситезини ҳар замон кўрмай,  
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.*

Кейинги сатрдаги «замонни хуш тут» — ўтаётган ҳар дамни хуш кечир, ҳар лаҳзанинг шукронаси билан яша мазмунини ифодалайди. Зеро, ирфоний ҳаёт — илоҳий

файз ва илҳом ҳадя этилажак ҳаётдурки, уни ғанимат тутмоқ керак:

*Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,  
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.*

Албатта умрнинг лаҳзасини ғанимат сезиб хуш ўтказиш — бу донолик ва донишмандликнинг асосий хусусиятларидан эрур. Умуман олганда, ушбу хусусият ва фазилат халқимиз дунёқараши учун хос бўлган. «Алломиш» достонидаги куйидаги сўзлар бунинг бир далили бўлмоғи мумкин:

*Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема,  
Бошинг эсон давлатингни кам дема.*

Дарҳақиқат, инсоннинг боши омон, кўнгли хотиржам экан — бундан ортиқ давлат, бундан зиёд саодат йўк. Ҳар нафаси, беҳуда ўтмаган ҳар дами учун у Оллоҳга ҳар қанча шукрона айтса арзийди. Лекин «Дам бу дамдур» ҳақиқати тасаввуфда нисбатан бошқача ва теранроқ мазмунга эга. Шунинг учун ҳам Навоий шеърларида бу ҳақиқатга қайта-қайта тўхталади ва уни гоҳ ахлоқий, гоҳ ишқий, гоҳ ирфоний-фалсафий оҳангларда талкин қилиб беради. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазаллардан биридаги мана бу мисраларда нафас олинаётган ҳар бир дамдан ғофил қолмаслик орифликнинг талаби ўлароқ таъкидланган:

*Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,  
Сенгаки ҳол эмас мугтанам не ҳол ўлғай.*

*Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши,  
Етишмагангаву ўтганга қийлу ҳол ўлғай.*

Яъни: мозий ўтди. Келажак ҳали илгариди. Айни ғарбатдаги ҳолингни ғанимат билмасанг, бу қандай ҳол бўлади? Агар ориф эрсанг ҳар бир лаҳза ва нафасингни яхши қадрла, яхши ўтказ. Етиб келмагану ўтиб кетган ҳақида сўзлаш жоҳилнинг ишидир.

Маърифат аҳлининг умумий иқрорига кўра руҳни уч нарса доимий равишда кучсизлантириб, ғусса ва мусибатга гирифтор этар экан: 1. Мозийпарастлик ҳасрати. 2. Холда жараён этувчи шубҳалар. 3. Келажакка ишончсиз қараш ёки ундан қўрқиб эҳтиётда яшаш.

Албатта, инсон ўтмишдан ажралиб ёки кечган кунларини унутиб умр ўтказа олмайди. Зеро, мозий билан



боғланиш ўтмишдаги воқеа-ҳодисотларни билиш, улардан у ёки бу маънода сабоқ олиш ақл ва хотира талаби эрур. Бироқ ўтган даврга муносабат ва тарихий ҳиссиёт чуқур илм, кенг мушоҳада ва маърифат зиёсидан юзага келиши лозим. Акс тарзда ўтмиш инсоннинг фикрий эркинлиги, шахсий камолотигагина эмас, балки умум таракқиётга ҳам зарар етказмоғи мумкин. Энди аҳли ҳақиқат қарашларига келсак, улар меъёрдан ошган, кераксиз хаёл, бесамар орзуга айланган мозий ва мустақбал андишасини Оллоҳ билан ориф алоқасига бир ҳижоб деб ҳисоблашишган. Бу парда барҳам топмас экан, на қалб, на руҳ самовий парвози ва саёҳатида олий мақомларга юксала олмаганидек, ишқ ва ҳақиқат завқ-шавқларини ҳам тўлиқ эгаллай олмайди. Жалолиддин Румий ҳазратлари: «Мозий ва мустақбал Оллоҳдан ҳижобдур, пардадур», — деганларида масаланинг худди шу томонини эътиборда тутганлар.

Демак, дам ва фурсатнинг сири, маъноси, қудратини кашф қилмоқ учун ҳол хусусида қайғуриш, ҳолнинг туб моҳиятини пухта билиш зарурдир. Алишер Навоий шеърятининг ботиний оламига кириш ва сўз билан ифода-лаш қийин бўлган маъноларини ўзлаштиришнинг жуда нозик ва муҳим нуқталаридан бири ҳам мана шудир.

Навоий фақат лирик шеърларида эмас, дostonларида ҳам инсон тақдири ва камолотига дахлдор бир қанча мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ҳол, нафас, лаҳза «фалсафа»сига асосланади. Улуғ мутафаккир «Ҳайрат ул-аброр» дostonининг ўн саккизинчи мақолотида инсон умрининг фанолиги, у туғиларкан, албатта, бу дунёни бир кун тарк айлаши, бас шундай экан, ўлимни ўйлаб мотамга берилмасдан, ҳаётини ишқ ила, фойдали иш ила шод ўтказишини таъкидлаб яна ёзади:

*Умрки хориж дурур ўтган иши,  
 Ҳар неки ўтти анга етмас киши.  
 Келмаганидин доғи оқил демас,  
 Не десун ул ишники, маълум эмас...  
 Мозию мустақбалинга бўйла ҳол,  
 Ҳолинга ҳам неча хаёли маҳол.  
 Ҳолки бўлди санга бир ону бас,  
 Анда не гамгинлик этарсен ҳавас.*

Таъбир жоиз бўлса, бу ҳикматли мисраларда инсон онгини покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз «юк»дан фориф этувчи бир қувват бордир. Ўтган иш — ўтди,

у такрорланмайди. Бўладиган иш — ҳали олдинда. Буни муаммога айлантириб, олдиндан ташвишга чўмишга ҳожат йўқ. Мухими, кечаётган фурсатни бой бермаслик, айна шу вақт, шу дам талабларини бажаришда чалғимаслик. Хол маърифати инсонни шунга чорлайди. Шу маърифатни эгаллаган шахс беҳуда азобга берилмайди, бесамар машмашаларга бош қўшмайди.

Ҳолини у латифлаштирганидек, ҳол уни озод айлайди. У табиий равишда ҳар нафасини кадрлайди, ҳар нафаси учун жавобгарликни хотирдан чиқармайди. Ва Навоийнинг:

*Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,  
Ким сенга ул бир нафас эрур анис, —*

деган сўзлари шундай зотларга тегишли. Ушбу фикр-мулоҳазаларини ифодалаганда, ҳеч шубҳасизки, Навоий ўзи мансуб нақшбандийлик тариқатининг асосий шартларидан бири — «Хуш дар дам»га ҳам таянган. Хуш — ақл, дам — нафас. Нақшбандийликда нафас назорати ва мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафасларни назорат қилиш дунё ишларида адашмаслик учун ҳам, ҳақ тажаллилари учун ҳам ниҳоятда зарур. Бу ҳақида «Хайрат ул-аброр»да Навоий ёзади:

*Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,  
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл...  
Ғафлат агар бўлса бу ишдин, даме  
Ким, йўқ анингдек кишига мотаме.*

Биз огоҳлик ҳақида кўп гапирамиз. Инсонни ёвузлик ва жаҳолатдан муҳофаза этгувчи ҳақиқий огоҳлик «ҳар нафас» ҳолидан огоҳлик экан. Ҳолбуки, Навоий қаҳр, ғазаб ва жохилликлардан покланган, илохий сифат ила сифатланган ҳол ва нафасни:

*Бас мун анфоси муқаддас дегил,  
Балки муқаддас дема, ақдас дегил, —*

дейди.

Навоийнинг «нафас» хусусидаги фикрлари бир-биридан мазмунли ва рангдор. Шу жихатдан мана бу байт алоҳида диққатга молик:

*Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тиргуз мени,  
Бир нафас, дедим, қабул этким, нафаснинг жони бор.*

Бу байтда ишк дардидан халок бўлган ошиқ маъшукасини Ҳазрати Исо ила тенг кўриб, мени ўз нафасинг ила турғизгил, дея илтижо этаётир. Аммо у тилаётган умр муддати унча кўп эмас, бор-йўғи — «бир нафас». Шу бир нафаснинг мислсиз қуввати ва файзига у ишонади.

Хужвирийнинг ёзишича, «тавҳид аҳлининг вақтлари иккидур. Бири фақат фоко (мухтожлик) холида, иккинчиси важд холида. Буларнинг бири васл маҳалидаги вақт, иккинчиси фироқ ва хижрон маҳалидаги вақт». Навоий лирик қахрамони орзу айлаётган «бир нафас» эса висолга дахлдор вақтдир. Хўш, «нафаснинг жони бор», деган фикрда қанақа маъно ёки мақсад яширинган? Ёрни ишонтириш учун айтилган бу гап муршидга тегишли. Буни Муҳаммад Фузулий шундай шарҳлайди: «Билки, инсон борлигининг камоли икки вужуддан иборатдур. Инсоннинг нафсини у икки кайфият камол нашъасига тўғри етказур. Аввалгиси зоҳирий вужуд. Унинг мабдаи атодур. Иккинчиси маънавий вужуддирки, унинг маншайи йўл соҳиби бўлмиш муршиднинг ҳидоятидир. Комил бўлмоқ даражаси кейингисига боғли эканлигидан муршид атодан муқаддамдир.

Қитъа (арабчадан таржима):

*Илм бир руҳдурки, муршид ўз нафасин файзидан  
Талаб аҳлининг ўлик баданларига еткизар.  
Талаб аҳлининг ҳаёти муршид нафаси файзидан,  
Шунга кўра дерларки: «Нафаснинг жони бордур».*

Демак, Навоий байтида талқин этилган тириклик қуватининг бир қаноти ишк бўлса, иккинчи қаноти маърифат.

«Кашф ул-махжуб»да шундай сўзлар битилган: «Вужуд учун руҳ нима бўлса, вақт учун ҳам ҳол худди шудир. Вақт мутлақо ҳолга мухтож эрур. Чунки вақтнинг сафоси ҳол ила бўлур... Ҳол вақтга бирлашгач, бутун замонлар вақтга айланур. Унинг учун завољ жоиз бўлмас».

Тасаввуфга доир қадимий манбаларда қайд этилишича, Муҳаммад алайҳиссалом пайгамбарлик мартабасига стишганларидан сўнг ҳар мақом соҳиби учун бир ҳол пайдо бўлган. Ҳол нима? Абу Наср Саррож ҳолни «лаҳзада туғилиб, қалбда ризо, тафиз ва шунга ўхшаш сифатларни барқарорлаштирадиган аҳволдир», дейди. Нажмиддин Кубро ҳол, мақом, вақт ва улар орасидаги фарқдан сўзлаб, жумладан бундай деб ёзадилар:

«... инсондаги куч-қувват ва тоқат мол ҳамда ҳол ила юзага келур. Ҳол шаҳват ёки рухнинг қуввати эрур. Мол эса фақат нафс ва шаҳватни таквия этувчи бир нарсадир. Табиат эътибори билан Ҳол жуда қувватли бир куч ва тоқатдир».

Шу учун рух ва юракнинг мушоҳада қуввати ва қувончини акс эттирувчи ҳол Навоий наздида ҳам энг яхши амалдан-да устун ва шарафли саналган. Чунки кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти жўшқин ҳол соҳиблари ишқ ва ҳақиқатнинг юксак чўкқиларини эгаллашга мушарраф бўлишган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум — талвин эгалари, яна бошқа тоифалари ҳолига ҳоким — тамкин соҳиблари саналган. Талвин соҳибларининг ҳоллари шундай гаройиб, ўзгарувчан, хилма-хил маънавий-руҳий ва психологик ходисаки, буни сўзда таърифлаш ёки ифодалашнинг сира иложи йўқ.

Навоий тасавурида Ҳол ва Вақт хиссий идрок ва завқий мушоҳаданинг бир меърожи эди. Ана шунинг учун улуг шоир шеъриятидаги кўпдан-кўп фикр ва туйғулар бевосита Ҳол даражалари (хавф, ражо, ҳузун, истиқомат, сидк, ҳаё ва ҳоказо) ва уларни навбатма-навбат эгаллаш натижаси ўлароқ талқин қилингандир.

### 3

Шарқ тарихида жавонмардлик, тасаввуф, маломатийлик каби бир неча қудратли таълимотлар ҳукм сургани яхши маълум, албатта. Бу таълимотлар бири иккинчисига йўл очиб, бири иккинчисини суяб ва бойитиб, гоҳида нималарнидир ислоҳ қилиб тараққий этишган. Бунда тасодифий ҳаракат йўқ. Биринчидан, уларнинг ҳаммаси ҳам ислом дини заминида юзага келган, ислом маърифати ва ҳақиқатларига таянган. Иккинчидан, бош мақсад жуда яқин бўлган, яъни Инсон тақдири, унинг ижтимоий-маданий ҳаёти, эркинлиги, маънавий-руҳий камолоти ҳисобланган. Энг муҳими шундаки, ушбу таълимотларнинг ҳар бири ҳам ўз-ўзича инсоннинг ботиний оламига, айниқса, қалби ва руҳига чуқур кириб боришга алоҳида аҳамият берган. Бу ҳам табиий. Чунки Нажмиддин Кубро «Фавоих ул-жамол» рисоласида ҳаққоний таъкидлаганидек, «фақат қалб ва рух — ёлғиз ана шу иккаласи Ҳақни излаган. Унга осий бўлмаган ва Унинг амрига зид бир иш қилмаган, Ҳақ талабида куч сарф

этган икки ҳақ эрур»<sup>1</sup>. Шунинг учун Шарқда Қалб ва Рух илми барча илмларнинг манбаи, Рух ва Қалб мушоҳадаси Ўзликни билишнинг бош майдони деб белгиланган. Шахснинг холи, қалби, рухоният сирларини ўрганиш ва ўргатишни зиммасига олганлиги сабабли ҳам тасаввуф «илми ботин» дейилган.

Бугун ҳаммага маълум сабабларга кўра шўро замонида тасаввуфни эркин ва зарур даражада ўрганишга имкон бўлмаганди. Мустақилликдан кейин аҳвол бутунлай ўзгарди. Энди тасаввуфни ҳам, тасаввуф адабиётини ҳам дадилроқ ўрганаётимиз. Бироқ дадиллик, тезкорлик бўлса-ю, билим, малака, масъулият етишмаса, бу ҳам янги муаммолар, янги-янги камчиликларни юзага келтирар экан. Мумтоз адабиётимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини ўрганишдаги аҳвол ҳозир тахминан ана шундай.

Сўфийликка алоқаси борми, йўқми, бундан қатъи назар, ўтмишда яшаб ижод этган ҳар бир шоирнинг асарларини тасаввуфлаштириш, беш-ўнта диний-тасаввуфий истилоҳ ва ибораларни илиб олиб, зўрма-зўракилик билан уларнинг муаллифларига сўфийлик ёки мутасаввиflik «либоси»ни кийдириш умумий бир пойгага айланиб қолди, деса хато бўлмас. Очигини айтиш керак, бу анча хавfli жараён. Ҳатто бора-бора қулгига сабаб бўладиган истиқболсиз уриниш. Шу маънода атрофга ҳам мундоқ назар ташлаб, илмдаги фойдали ва фойдасиз тажрибалар устида мулоҳаза юритсак асло зарар қилмайди. Мана, усмонли турк олими Метин Ақар нима деб ёзади: «Бугун ҳар бир шеърга тасаввуф нуқтаи назари ила қараш истагида бўлганлар адабиётимизнинг халқдан ажралишга, санъаткорларни унутулиш ва анланмасликка маҳкум қилмоқдалар. Бу йўлдаги ҳаракатлар шунга бориб етдики, ҳатто Хожа Насриддиннинг фикрлари ҳам тасаввуфга кўра шарҳ этилмишдир...»<sup>2</sup> Қарангки, бизда ҳам унчалик ортда қолиш бўлмабди. Чунки Насриддин Афандини тасаввуфга алоқадор қилиб кўрсатувчи фикр-мулоҳазалар матбуотда аллақачон босилди. Эътибор қозониш, донг таратиш, илмий даража олиш ёки «ким ўзар»га ёзилган мақола ва тадқиқотлар одамларнинг тасаввуфга қизиқишини бир қадар совутиб бўлди. Энди бебаҳо хазинамиз — мумтоз адабиётдан йироқлашувга, санъ-

<sup>1</sup> *Нажмиддин Кубро*. Тасаввуфий ҳаёт. -- Истанбул, 1996. 123-бет.

<sup>2</sup> *Ақар М.* Сув касидаси шарҳи. -- Анқара, 1994. Саҳ. 14 - 15.

ат дунёси ва санъаткорлик меҳнатига, хусусан, ёшларнинг эътиборсиз бўлишига йўл қўймаслик зарур. Ахир, адабиётшуносликдаги якраглик ва саёзлик шўро тузуми давридагидан ҳам ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Аввало, тасаввуф ва тариқатлар тарихи, тасаввуф фалсафаси, назарияси ва эстетикасидан яхши хабардор бўлмоқ лозим. Зеро, тасаввуфга — тасаввуф, адабиётга — адабиёт деб қарай олиш ҳам оддий ишмас. Бунга эса тасаввуфга доир жуда қимматли бир неча манбаларни таржима қилиб чоп этмасдан эришиш қийин.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида энг кўп тилга олинган ва иқтибослар келтирилган китоблардан бири Али бин Усмон Жўллобий Хужвирийнинг «Кашф ул-махжуб»идир. Бу нодир асар фақат тасаввуфшунослик жиҳатидан эмас, балки Шарқ тасаввуф адабиётини тадқиқ этишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демокчимизки, тасаввуф ҳеч бир маънода ва ҳеч бир зайлда адабиёт манфаатларига дахл қилмаслиги, унга соя ҳам ташламаслиги керак. Тўғри, адабий меросини тасаввуф заминидан ажратиш мумкин бўлмаган бир неча ижодкорларимиз бор. Лекин улар барибир шоир-санъаткор. Айтайлик, Машрабнинг фикр-савияси, қалб мушоҳадаси, руҳи ва гўзаллик завқига ҳеч бир сўфий ёки қаландар яқин ҳам бора олмаган. Фақат буюк шахси эмас, Машраб шеърятни ҳам такрорланмас. Бу шеърятни тариқат акидалари ёки тушунчалари «девори» билан ўраш, уни, албатта, халқдан ва ҳаётини руҳоний таъсирларидан ажратиш демак. Бундан ким ютадию, ким ютқазади? Буни жиддий ўйлаш керак. Соф тасаввуф адабиёти вакиллари бизда бармоқ билан санарли. Бас, шундай экан, адабиётни тасаввуф ортидан эргаштириш, унинг фаолияти ва ютуқларини ёлғиз сўфийликка тиркаш ташаббусига чек қўйиш жоиз. Алишер Навоий ижодиётига келадиган бўлсак, унда учрайдиган ҳар бир тасаввуфий истилоҳ, образ, рамз, ҳаттоки ишоратларнинг маъно ва сирларини имкон қадар яхши билишга интилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, Навоийнинг фикр, туйғу, руҳ ва санъат дунёсига эркин кириб боришнинг йўлларида бири ҳам ана шу. Навоий асарларида учрайдиган у ё бу тасаввуфий истилоҳ, рамз ҳам баъзан маълум бир ҳақиқатни чуқур билиш, унга тамоман бошқача қарашга йўл очади. Масалан, Алишер Навоий асарларини кўздан кечирсангиз «мажзуб» деган сўзга тез-тез дуч келасиз. Бу сўз,

хусусан, «Насойим ул-муҳаббат»да кўп учрайди. Лекин асосий нарса ушбу калиманинг кўп ёки кам учрашида эмас, балки «Насойим»даги бир қанча ривоят ва ҳикоятларда мажзубнинг кимлиги, мажзублик ҳолати, ҳақиқати, асосий фазилати нималардан иборатлигини ёритишдадир. Мажзуб — жазба одами. Жазба эса кўпинча сулукка боғлиқ бўлмаган ва сулукдан олдин пайдо бўладиган ҳолат. Шунинг учун мажзублик йўли инсонни тариқатдаги қатъий талаб ва қоидалардан фориф этгувчи ўзига хос имтиёзларга ҳам эга эди. Нажмиддин Кубронинг «Ҳақ таолонинг мажзуб ва маҳбубларидин» бўлмиш Бобо Фараж билан учрашгандан кейинги ҳодисаларни хотирланг. Бобо «давог ва қаламни» ташлаб, илм таҳсилани тўхтатмагунча Куброни таъқиб этаверади. Чунки у илми ладуний ва мажзублик кашфининг ҳар қандай таҳсилдан юксак ҳамда самарали эканлигига тўла-тўқис ишонган. Албатта, ўзининг ҳоли, танлаган йўли, кўзланган мақсадига нисбатан қаралганда Бобо Фараж талабида ҳақ бўлган.

«Насойим»дан ўрин ажратилган мажзубларнинг аксарияти туркий қавмларга мансуб «Бобо»лар ва «Ота»лардир. Дикқатни тортадиган яна бир жиҳат шуки, бу мажзублар фақат тасаввуф аҳли ёхуд фуқаронинг эмас, салтанат соҳиблари, давлат арбоблари, олим ва ижодкорларнинг ҳам ихлосу эҳтиромларига сазовор бўлишган. Бобо Сангу тўғрисида Навоий ёзади: «Замон мажзубларидан эрмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Андхуд қасабасида бўлур эрмиш. Темурбек Хуросон мулки азияматиға юруганда Андхудқа етганда машхурдурки, Бобо хизматиға борғандур. Ўлтурғондин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сари отибдур. Темурбек ғояти ақлу закосидин дебдурки, Хуросонни ер юзининг кўкси дебтурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди...»<sup>1</sup> Дарҳақиқат, ишорат тилида изҳор этилган шу башоратдан илҳомланиб Амир Темур кўп ўтмай Хуросон мулкида зафар қозонган экан.

Бобо Али Маст Нисойий билан Султон Ҳусайн Бойқаро орасида ҳам айнан шунга яқин ҳодиса бўлган. «Насойим»да ўқиймиз: «Шоҳ Абулғозий аввал салтанат доиясида Бобо (яъни Бобо Али Маст Нисойий — И.Х.) назариға етибдурлар. Илтифот назари топибдурлар ва Аст-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. 17-том, Тошкент, 2001. 427-бет.

робод азиматидаким, Султон Хусайн устига юрубдурлар, Бободин рухсат тилай келибдурлар. Бобо дебдурки, «бору бор» ва умидворлиғ била борибдурлар. Астрободга етиб, душанба куни зулҳижжа ойининг ўн иккисида уруш бўлуб, аъдоға ғолиб бўлубдурлар»<sup>1</sup>.

Хирот маданий муҳитида мажзубларнинг нуфузи юқори бўлганлигини кўрсатувчи далил ва маълумотлар «Насойим»да кўп. Булар орасида бевосита Навоий ва шоирнинг падари бузруквори Ғиёсиддин Кичкина билан алоқадорлари ҳам бор. Масалан, Навоий Бобо Сариф Пўлот ҳақида: «Бу фақир била кўп улфати бор эрди»<sup>2</sup>, деса, Бобо Шихоб тўғрисида: «Бу фақир била улфати бор эрди, қошимға келур эрди»<sup>3</sup>, дейди.

Тасаввуфга доир махсус асарлар, айниқса, манокб-номаларга диққат билан назар ташланса, сўфий, дарвеш ёки маломатийларга нисбатан мажзубларга бошқача бир қараш, алоҳида бир ишонч ва хурмат устувор эканлиги осон англашилади. Бунга асосий сабаб нима? Асосий сабаб жазба кучи ва имкониятидир. Жазба сўзининг луғавий маъноси — жазб этиш, тортиш, жалб қилиш демак. Истилоҳий маъноси эса Ҳақнинг қулини ўзи томонга тортиши, илоҳий тажаллиларга сайри сулуксиз етишидир. Шундай жазба сохиби мажзуб дейилади. Абу Ҳафс Шаҳобиддин Умар Сухравардийнинг таъриф беришича, «Мажзуб — сайри сулуксиз, риёзат ва мужоҳаданинг қийинчиликларини қаршиламагани ҳолда, қалб ила Оллоҳ орасидаги ҳар турли унуттирувчи пардаларга барҳам бера олган кишидир»<sup>4</sup>. Шу маънода мажзуб аввал илоҳий зотни мушоҳада қилади. Қобилият даражасига кўра унга бир қанча сирлар кашф бўлади. Бунинг оркусидан сифати илоҳия ва асмо сир-асрори очилади. Сўнгра коинот моҳиятини бутун нозиклари ва мураккабликлари билан билишга эришилади. Хуллас, у «[тавҳид манбасига тамоман фарқ бўлганлиги учун ўз зотини Ҳақнинг ягона зотида, сифатини унинг сифатида, феълини унинг феъланда кўради... Рух кўзи зотнинг жамол мушоҳадасига тикилгани замон, ашённинг орасини ажратувчи ақл нури қадим зот нури ғалабасидан зоил бўлади]»<sup>5</sup>. Жазба ва ишқ оташида ёниб Ҳаққа талпинган

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган китоб, 447-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 452-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 451-бет.

<sup>4</sup> Абу Ҳафс Сухравардий. Авориф ул-маориф (санасиз). 11-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган асар, 323-бет.



мажзуб энди Ҳаққа чекинган чин ошиққа айланади. Шундай қилиб, солиқ энг охирда етган жойга мажзуб илк бошдаёқ етади. Солиқнинг ҳоли Оллоҳга вуслат учун ашё ила мушоҳада. Мажзубники эса ашёни Оллоҳ ила мушоҳададир. Мажзубнинг жазбаси махв ва фано билан, солиқнинг сулуки эса саҳв ва бақо билан охирга етади. Солиқ пастдан юқорига, мажзуб юқоридан пастга сайр айлайди. Жазба сулуксиз, сулук жазбасиз бўлмас, деган фикр шунга бир ишоратдир.

Баъзан илмда важд ва жазба ҳоли айни бир нарса, деб қаралади. Буни тўла маъқуллаб бўлмайди. Важдда солиқ ёки ошиқ истаги, хохиш ва иродасининг қайсидир даражада ўрни бўлади. Жазбада бундай эмас. Унда инсоннинг ихтиёрига боғлиқлик йўқ. Жазба Оллоҳнинг севган ва энг танланган бандасига эҳсон. Ҳаммаси кутилмаганда ва ногаҳоний тарзда рўй беради: ишқ оташи нафс ва қалбдаги хижобларни ёндириб юборади. Рух ҳақиқат қайноғидан илҳомланиб парвоз бошлайди. Ҳақ тажаллиларининг мушоҳадасидан кўнгил беҳад фараҳланади. Ҳол завқи ила инсон беихтиёр ўзини унутади. Вужуди, нафси, ҳис-ғуйғулари, хуллас, бутун борлиғига тегишли шуурни бой берган ошиқ маълум бир муддат фикр ва тушунчаларидан ҳам ажралади.

«Шундай валилар ҳам борки, — дейди Нажмиддин Кубро, — Ҳақ таоло уларни жазба билан қурб даражаларига эриштиради — уларда сайру сулук ва мужоҳадага мухтожлик бўлмайди»<sup>1</sup>. Бундай валилик умуман мақбул кўрилган. Лекин сулуксиз мақсадга эришилганлиги боис мажзуб валиларга ҳам иршодга рухсат этилмаган. Шайхлик мақомига соҳиб бўлмоғи учун сулук йўлини улар босиб ўтмоғи шарт деб ҳисобланган<sup>2</sup>. Навоий мансуб бўлгани нақшбандийлик тариқатида ҳам жазба ва сулук мавқеи деярли тенг эди. Бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан бири Нақшбанд ҳазратларининг Хожа Муҳаммад Порсо таърифидаги «Мақсуд бизнинг зуҳуримиздин анинг вужудидур ва анга *икаласи тарийқ билаки, жазба ва сулук бўлғай*, тарбия қилибмен»<sup>3</sup>, — деган эътироф сўзларидир.

Мажзублар наздида, Пайғамбаримизнинг меърожлари жазба тимсоли эди. Улар Нур «нарвони» билан ниҳоятда қисқа фурсатда Ҳақ даргоҳига юксалиш ва ир-

<sup>1</sup> *Нажмиддин Кубро*. Тасаввуфий ҳаёт. 88-бет.

<sup>2</sup> *Сухравардий*. Кўрсатилган асар, 111 – 114-бетлар.

<sup>3</sup> *Алишер Навоий*. МАТ. 17-том. 226-бет.

фонни эгаллашга шак-шубхасиз ишонишган. Мажзублар ҳамма нарсани Ҳак нури ила кўриб, мушоҳада этганликлари учун илоҳий нур ошиғи бўлишган. Алишер Навоий Дарвеш Баширни «мажзуб ва соҳиби каромату мақомот эрди», дейди. Унинг кашф ва каромотини зоҳир этувчи бир воқеани ҳам нақл этади: Бир кун бир жамоа шаҳардан ташқарига саёҳатга чиқадилар. Қуёш ботиб, қоронғи бўлгунча дашт кезадилар. Қайтишда йўлдан адашадилар. Ногаҳон йироқдан бир дарахт узра порлаётган нури кўриб, шу томонга қараб юрадилар. «Эмдиким, етдилар, кўрдиларки, Дарвеш Башир ўлтирибдур ва бу ёруғлик андин зоҳир бўладур... Ул ёруғлиғ била йўлни топдилар ҳар қайси ўз уйларига бордилар»<sup>1</sup>, — дейди Навоий. Албатта, кўпчилик учун бу ходиса ғайритабиий ва ишончсиз бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки мажзубларнинг руҳоният нури ва кароматларига иштибоҳ билан қараш ёки ишонмаслик ўтмишда ҳам бўлган. Бундан ташқари, зоҳидлар, обидлар, сўфийлар, дарвешлар жамоасида бўлгани сингари мажзублар сафида ҳам ёлғон даъво қилувчилар, содда, авом одамлар ишончини эгаллашга бел боғлаган рикорлар, сохта кароматчилар йўқ деб бўлмади. Буни Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» муқаддимасида мажзубларга ўхшашга ҳаркат қилувчилар тўғрисида махсус тўхталганлигидан ҳам билиш мумкин. Лекин ҳақиқий мажзубларда ҳеч вақт сохтакорлик ёки алдовга мутлақо зарурият сезилмаган. Аксинча, ҳиссий-руҳий идрок ва олдиндан билиш қувватининг зўрлиги билан улар ҳар қанақа шубҳа ва ишончсизликка тезда барҳам берганлар. Шахсан Навоийнинг ўзи ҳам бунга иқрор бўлган ва шундай бир ходисани ёзиб қолдирган: Кунлардан бир кун Навоий бир киши билан кетаётганда шериги ундан: «Нечук Бобо Пирийнинг ёнидан ўтмайсан. Сабаб недур?» — деб сўрабди. «Бу жиҳатдинки, фахш сўқар, манга хуш келмаски, анинг фаҳшин эшитгаймен», — дея жавоб берибди Навоий. Шунда шоирнинг ҳамроҳи: «Бобонинг каромати бор, дейдилар. Олдидан ўтгил. Каромат соҳиби бўлса, сени сўкмайди», — дебди. Навоий бу таклифга кўнибди. Воқеа баёни давомида шоир: «Агарчи имтиҳон эрди, аммо ул дегандек илайидин ўтдим, сўкмади. Одатининг хилофи — дуо қилди»<sup>2</sup>, — дейди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий, МАТ, 17-том. 365 - 366-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган асар, 450-бет.

Мажзублар Ҳақдан бошқа ҳеч нима билан қизиқмас, Ҳақдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмаганлар. Уларнинг бор-йўқ бойлиги ишқ ва ҳақиқат бўлган. Шунинг учун улар том маъноси ила эркин яшашган, ҳар қандай шариит ва вазиятда ҳам тўғри сўзлашдан чўчишмаган. Зеро, мажзубликда комилликнинг тамали — тўғрилиқ, кучқуввати эса Ҳақ севгиси ва ҳақиқат эди. «Насойим»даги икки хикоят бу жиҳатдан алоҳида диққатга молик. Улардан бири Бобо Ҳасан Турк отли мажзуб ҳақида: Бир киш кечаси. Қор ёққан. Ҳаво жуда совуқ. Бобо Ҳасан қалбида жазба бошланади. Яланғоч ҳолда у ташқарига чиқади. Совуқ тунда беҳуд кезади. Тонгга яқин жазбаси таскин топади. Ана шундагина совуқ таъсирини сезади. Иттифоқо, ҳаммом гулханидан ўт ёруғи кўринади. Бобо Ҳасан исиниш ниятида ўша жойга боради. Аммо қўлида кафча, ўт ёндираётган гулхантоб Бобо ҳар қанча талаб қилмасин, унга жой бўшатмайди. Шунда у қизиб турган кафчани тортиб олиб, гулханчининг бошига урганида у дарҳол жон таслим қилади. Эртасига Бобони жиноятчи сифатида Шохруҳ мирзонинг хузурига олиб борадилар. Бўлган воқеа арз қилинади. Сўнг: «Шохруҳ мирзо сўрабдурки, Бобо, сени дейдурларки, бировни ўлдурбсен? Андоқмудур? Дебдурки, хов, андоқдур. Мирзо сўрабдурки, нечун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, бировни дағи мен ўлдурдум...»<sup>1</sup>

Асло кутилмаган бу гап Шохруҳ мирзони гўё тил тишлатибди. Марҳумнинг ворисларини рози қилиб, Бобога кетиш учун рухсат берибди. Албатта, бу ўринда одам ўлдириш — мажзубликми, мажзублик — котилликми, деган бир савол туғилмаслиги керак. Чунки Бобо Ҳасан гулхантоб ёнига борганида жазба уни тарк этган эди. Жазба холи давом қилганида эҳтимол у бир бечоранинг умрини завол қилмасди. Аммо шох олдида ҳам титраб-қакшамасдан мажзублик эркинлиги ва шижоатига унинг содиқ қолиши — бу, жуда муҳим. Шунингдек, бунда мажзубликнинг хос бир «имтиёзи»ни ҳам назардан соқит этмаслик лозим. Бу — мажзубнинг фавқулодда бетарафлиги, ҳеч қандай шахсий манфаатлар билан қизиқмаслиги ва Оллоҳга яқинлик холига тегишли. Шайх Жамолиддин Лур, Навоий таъбири билан айтганда, «қувваи жазба»си зўр мажзублардан хисобланган. У кўпинча мажзублик холидан ажралолмаганлиги туфайли шатҳ

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган асар, 450—451-бетлар.

сўзларни айтар экан. Нихоят, шариат уламолари уни кофир деб эълон қилиб ўлимга фатво беришибди. Лекин икки тасаввуф шайхининг: «Ул мажзубдур ва мағлуб, анинг қатли жойиз эмас»<sup>1</sup>, деган кўрсатмаси боис подшоҳ Отабек Абубакр Жамолиддин Лурни ўлимга ҳукм қилмаган экан. Бобо Али Пойи Ҳисорий қатлига доир воқеа баёни орқали эса мажзубни ўлдириб бўлмас, деган маъно таъкидланган.

Энди юқорида белгиланган иккинчи ҳикоятга қайтасак. Султон Маҳмуд Сабуктегин бир киш фаслида бошқа диёрлар ишғоли учун ҳарбий юриш бошлайди. Ҳаким Санойи эса бунга мадҳ айлаб қасида битеди. Доим чоғирнинг қуйқасини ичганлигидан Лойхўр дея танилган бир гулханчи мажзуб бор экан. Бир куни Санойи гулханхона эшигига яқинлашганда шу мажзуб ила соқийсининг шундай суҳбатини эшитибди: «Бир аёғ тўла қилиб берки, Ҳазнавий Маҳмуднинг кўрлукига ичай». Соқий: «Маҳмуд подшоҳи исломдур ва ғозий кишидур. Нечун мундоғ дегайсен?» дебди. Лойхўр эса Маҳмуднинг босқинчилиги ва хорислигини қоралаб бўлиб «Яна бир аёғ тутки, Санойи деган шоирнинг кўрлигига ичай», — дебди. Соқий: «Санойи ғозил ва латиф таъби киши. Нечук бу навъ дегайсен?» — дея эътироз билдирганда Лойхўр: «Агар ул латиф таъби бўлса эрди, бир ишга машғул бўлмай эрди, анинг бир иши ярағой эрди. Бир неча газофни бир қоғозга битибдурки, анинг ҳеч ишига ярамас ва билмаски, ани не иш учун яратибдурлар»<sup>2</sup>, — дебди. Ана шу аччиқ, аммо ҳақ фикр таъсирида Санойи «ғафлат мастлиги»дан бедор бўлиб, сулуққа кирган экан.

Ҳеч шубҳасизки, ҳамма чин мажзублар каби Лойхўр ҳам басиратга таянган. Санойининг эшик ёнига келишини ҳам, тинглаган гаплари унга қандай таъсир ўтказишини ҳам бу мажзуб аниқ билган. Акс ҳолда у сўзни беҳуда исроф қилмаган бўлурди.

Мажзублик завқи билан шоирлик завқи ўртасида маълум бир яқинлик борлиги учун баъзи мажзублар шеър ҳам ёзишган. Шулардан бири Мир Муфлисий. У асли Машҳаддан бўлган. Илм таҳсилига берилиб кўп вақтини меҳнат ва риёзат оғушида ўтказган. Шеърини салоҳияти ҳам ёмон бўлмаган. Аммо жазба етишгач, у ақлдан ажралган. Қизиғи шундаки, мажзуб Муфлисий билан ақл-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ўша асар, 343-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ўша асар, 457–458-бетлар.

хуши ўзига қайтган Муфлсий орасидаги фаркланиш аниқ кўриниб турган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да бун шундай кайд этади: «Хуши борида яхши абётлар айтиб эди. Аммо жунун вақтида бу байтни кўп ўқур эрдиким:

*Балои маргу андуҳи қиёмат,  
Чу чанбар сохт моро нахли қомат»<sup>1</sup>.*

(Мазмуни: Ўлим балоси ва қиёмат қайғуси қоматимиз дарахтини чанбардек эгиб кўйди).

Жазба вақтидаги айрим зохирий ҳаракат, сўз ва қилиқ ёки идлолар жинниликка ўхшаб кетиши мумкин. Навоийнинг Мир Ҳайдар Мажзубга доир илк мулоҳазаларини ўқиганда ҳам шундай фикр хаёлдан ўтади. Бироқ бу ўринда ҳам Навоий: «Гохеки ўз ҳолига келса эрди, уламо билан улум баҳсин андек қилур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар»<sup>2</sup>, — дея изох беришни унутмайди.

Зеро, улуг шоир мажзублик холи сир-асрорини чуқур билган, мажзубларга беписандлик Ҳаққа макбул бўлмаслигини инobatга олган. Абдулкарим Қушайрий мажзубнинг ботиний аҳвол-руҳиясига тўхталиб, илоҳий бир муомалани мустасно этганда, қолган ҳамма пайт мажзуб Оллоҳ иродаси билан идора қилинишини, эски ҳолига қайтишида унинг на шахсий ғайрати, на хохиш-иродаси таъсир ўтказишга қодир эмаслигини ёзади<sup>3</sup>. Мажзубнинг энг буюк ва дахлсиз руҳоний қудрати ҳам мана шунда.

Хеч шак-шубҳа йўк: сайру сулук инсоннинг башарий «Мен»ини нафс ва шайтонга тобелиқдан қутқарадиган хосиятли йўл. Бу йўл ниҳоясига етиша билган киши ахлоқ-одобда, феъл ва сифотда, фикр ва иродада фавқулодда холис янги Ўзликка эришади. Сухравардий бун жисмоний туғилишдан кейинги — иккинчи, янги маънавий туғилиш деб таърифлайди<sup>4</sup>. Ҳақиқат аҳли томонидан «қиёмати суғро» («Кичик қиёмат») деб ҳам аталган иккинчи маънавий туғилишда ошиқнинг холи — унинг сулуккача бўлган, риёзат, мушоҳада, покланиш машаққатларига ҳали киришилмаган ҳолидан кескин фарқ қилади. Унинг ахлоқий, хиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига бутунлай ўхшамайди. Бунда муршиднинг хизмати ва хис-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. 13-том. Тошкент, 1997. 36-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 35-бет.

<sup>3</sup> Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 213-бет.

<sup>4</sup> Кўрсатилган китоб, 106–107-бетлар.

саси бекиёсдир. Лекин гап шеър ва шоирликка келиб тақалганда, масалага анча кенг ва ўзгачароқ тарзда қараш заруриятини ҳам ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Чунки шеърят ҳам тақрорланмас бир маънавий «сайру сулуқ»-дир. Шеърятда ҳам иккинчи, яъни янги маънавий туғилишсиз улуғ шоир қад ростлолмайди. Бизнинг назаримизда, ҳақиқий шоирлик билан мажзубликда моҳиятан ўхшашлик бор. Илоҳий Ғузалликнинг ўзига тортиш ва жазб этиш қудратига беихтиёр таслим бўлиш ҳоким. Мана, «Исо нафаслиқ ринди Шероз» буюк Ҳофизни олиб кўрайлик. У бирор-бир тариқатга мансуб бўлмаган. Иродат қўлини ҳеч бир пирга чўзмаган. Аммо жонбахш сўз ва ифодалари аҳли тасаввуф табиатига шунчалик уйғун келганки, кўплар бундан таажжубланишган. Навоийнинг ёзишича, ҳатто Ҳожагон тариқатидан бир мўътабар зот: «Ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлубдур ва машхур мундоқдурки, ҳазрат Мир Қосим қ.с. аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маънисидин мамлу ва асрору нукотидин машхурдир», — деган экан. Демак, ўз-ўзидан равшанлашаётирки, дил ва руҳоният фотиҳи Ҳожа Ҳофиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тариқатгамас, шаффоф дил, улвий ҳол соҳиби ўлароқ жазба ва ишққа суянган. Фақат ҳузури илоҳияга кўтарилган, нур ва латоиф ошиғи бўлган шоиргина Ҳофизга эргашиб ёниши ва ёзиши муқаррардир. Бир неча машхур шайхлар, жумладан, Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳам Оллоҳга элтувчи йўлларнинг адади яратикларнинг адади қадар беҳисоблигини махсус таъкидлашган. Шу йўллардан бири — жазба ва мажзублик. Бу йўл — ишқдан холга, холдан қалб ва руҳга, руҳдан Ҳаққа йўналтирувчи ҳуррият йўли. Жазба «тажриба»си ила Ҳаққа восил бўлганлар — Оллоҳ лутфи эҳсони ва инояти ила комилликнинг олий мақомини эгаллаган, инсон тақдири, кадр-қиммати ва эркинлигини таъмасиз шарафлаган зотлардир. Шунга кўра ҳам Навоий мажзублик ҳолати, ҳислат ва имтиёзларидан сўз юритган. Навоийнинг ишқ ва жазба тариқати сифатида эътироф этилган нақшбандийлик тариқатини танлашида ҳам ҳали очилмаган, илмда ҳали махсус ўрганилмаган сирлар борга ўхшайди. Хуллас, дохий шоиримизнинг жазба завқи ва ёлқини аксини тонган шеърларига бошқача кўз қараш ила ёндашиш, кўпроқ кўнгил холи ва руҳ манзаралари тасвирланган бу шеърларни янги усулларда тад-

қиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана ўшанда Навоийнинг «Ўз ҳолига саргаштаву хайрон» бўлиш хиссиётларининг маъно-моҳиятини англаш, таҳлил этишдаги таҳминбозлик ва ўзбошимчаликлар барҳам топади, деб ўйлаймиз.

#### 4

Тасаввуф адабиётини дунёга машҳур қилган омиллардан бири ва энг муҳими — бу адабиётда яралган бош қаҳрамонлардир. Илмда қайд этилишича, Фарбда XII асрдан кейин «Хур тушунча» деган тасаввуфий ҳаракат ташкил этилиб, у сўфиёна ва орифона фикру туйғуларни ўзлаштириш ҳамда тарғиб этишда катта натижаларга эришилган экан. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, инглизларда XV асрлардан эътиборан «дарвени», «сўфий» атамаси кенг тадбиқ қилинган. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофларига кўра «Орифнинг қалби Арш ва Курсидан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққакдир. Зеро, Арш ва Курси ва буларнинг ичидагилар олами жисмонийдур. Қалби солимининг руҳи инсонийдурки, у амри Раббоний эрур... Ориф бирор-бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султони дур». Ориф — Оллоҳни таниган, билган ва Ҳақ маърифатини мукаммал эгаллаган зот, яъни илоҳий файз одами. Абу Туроб Нахшабийдан орифнинг фазилатлари ҳақида сўрашганда: «Ҳеч бир нарсадан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поқлайдиган кишидир ориф», — деган экан. Абу Наср Саррожнинг таъкидлашича: «Мўмин билан орифнинг орасидаги фарқ шундайдир: Мўмин Аллоҳ нури ила боқар, ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлар. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри илоҳий ила ором олур. Ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмас». Мана шунинг учун ҳам ориф Шарқ тасаввуф адабиётида марказий мавқелардан бирини эгаллагандир. «Зоҳид бўлма, обид бўлма, ориф бўл». Бу туркий адабиётнинг асосий ғоявий даъватларидан эди. Ва бунинг ёрқин исботини Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шеъриятида орифга хос фазилат, хусусият ва орифона маънолар тасвири кенг ўрин ишғол этган. Бу тўғрида навоийшуносликда айрим умумий фикрлар айтилган бўлса-да, махсус ўрганилмаган.

Ибн Синога кўра «борлиғининг сиррини ва илоҳий сирга оид ҳақиқат нурларини идрок этган ва шу мақсад

ила тушунчасини жабарут оламига қаратган шахсга ориф» дерлар. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валилик ишоратларини англамоқ учун» Аллоҳга юз бургандир. Орифлар наздидаги маънавий-рухий ҳаракат уч босқичдан иборат. Биринчиси — ирода ҳоли, иккинчиси — риёзат, учинчиси — диққати таксиф учун ўзни хилмлаштирмоқ. Тасаввуфда «ирфон» самимий ва давомли бир илоҳий суҳбат маъносини ҳам билдиради. Шу сабабдан Сулаймон Боқирғоний:

*Суҳбатлиқ орифларга жоним бериб,  
Суҳбатсиз нодонлардан қочгим келур, —*

деган. Орифнинг ибрати, энг аввало, тарки даъво, тарки такаллуф, тарки ҳубби мосиво (ғайрни севмак) ва тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтоқланиш)га эришишдадир. Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирилмоқ идеали билан яшаганлиги учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди. Ориф мушоҳадага бериларкан, ёлғиз Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат, камол сингари сифатларини билиш билан чекланмайди, балки бутун борлиқ — коинот ва инсонийлик сирларидан ҳам огоҳликка етишади. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган. Энг охириги мақом орифлар мақоми — сиём (парҳез), қиём (қойим туриш) ва муроқабача бўлиб, уларнинг устози Муҳаммад алайҳиссаломдир. Бу ерда муроқабача ҳақида алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин орифнинг муроқабаси Ҳолиққа давомли назару бошқасини кўрмоқни унутиш эканлигини эслатиб ўтиш керак, албатта.

«Орифлар самови мажмаисиди кўнгиллар тарвиҳи (роҳат ва сокинлиги) учун уч нимага муҳтождурлар, — дейди Алишер Навоий. — Равойихи таййиба (тавба латофати ва хушбўйлиги), важҳи сабиҳ (сабаб ёки йўл гўзаллиги), сурати малиҳ (ҳол ва кайфият чиройи)».

Ориф кўнглини поклик камолига етказар экан, унинг Рух ва ҳаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли ҳиссиёт соҳиби. Ибн Синонинг айтиши бўйича, ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўзласа, табиат олами бағрида, албатта, шу нарсанинг изоҳи мавжуд бўларкан. Шунинг учун Аҳмад Яссавийнинг «Ориф ошиқ жон мулкида алам торт-



са, Ўн саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур», деган гапларига шунчаки шоирона бир муболаға деб қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеъриятида ҳам талқин этилган. Шоир бир ғазалида ёзади:

*Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,  
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.*

Бу — хотира кўзгусини поклаш ва кўнгил нигоҳини ёлғиз Ҳаққа қаратишга даъват бўлиб, унинг замонавий талқини бундай: орифлик -- ташқи дунё ахборот ва маълумотларидан воз кечиб, кўнгилни илоҳий алоқа ва маълумот манбаига айлантириш ҳамда ваҳдат мақомига кўтарилишдир.

Тасаввуфда хавотир етти турга ажратилган. Булардан, айниқса, нафс, шайтон тарафидан қалбнинг қўлга олиниши ва ақл жиҳатдан қалбга етказилган путур жуда ёмондир. Булар тўла барҳам топмоғи лозим. Ана шунда орифликнинг бошқа бир шарти ўз-ўзидан амалга ошади. Чунки орифликда беҳуда баҳс ва эътирозга ўрин йўқ.

*Фақр кўйида мусаллам тут — неки қилсанг истимов,  
Ориф эрмас ҳар кишиким, қилса ирфон бирла баҳс.*

Хуллас, орифнинг кўнгли файз ва ганж билан нечоғлиқ бойиб, мушоҳада ва муроқаба йўли билан комиллашиб бормасин, унинг вазифаси сира дам урмасдан, буларни яширин тутмоқдир. Шу маънода Навоий орифни куёш нур тўкса-да, ўзгариш кўзга ташланмайдиган азим дарёга киёслайди:

*Эрур орифға ганжи файз етса,  
Иши дам урмайин они ёшурмоқ,  
Куёш акси тушуб дарё ичинда,  
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ.*

Ориф маъруфи висолига интиларкан, мақомдан мақомга, ҳолдан ҳолга кечгани сайин унинг сийратида ўзгариш ва янгилинишлар содир бўладики, алаал-оқибатда у завқ ва ҳайрат тузоғига тушган қушга ўхшаб қолади. Шундан сўнг унинг сўзга, тилга муносабати тубдан ўзгаради. Буни инобатга олмаслик таҳлил талқинларда ҳар турли хато ёки нотўғри хулосаларга сабаб бўлиши муқаррардир. Мана, бир характерли мисол.

Адабиётшунос Султонмурод Олимов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1991 йил, 7 июнь) босил-

ган «Эл нетиб топқай мениким...» номли мақоласида Алишер Навоийнинг:

*Онглаким, сўз ўзга, маъни ўзгадур,  
Маъни онгмас шогил улким сўзгадур, —*

байтидаги фикрни Навоийнинг «бутун ижодига дахлдор бир фикр», дея янглиш ҳукм чиқаради ва ёзади: «Демак, шеърда сўз бошқа-ю маъни бошқа, кимки фақат сўз билан машғул бўлса, у маънини англамай қолар экан. Сўзни англадик, маънисига етдик, дейлик. Лекин бу билан ҳам иш битмайди-да...»

Аввало, шуни унутмаслик керакки, шеърда ҳеч қачон сўз бошқа-ю, маъни бошқа бўлмайди. Сўзнинг полифоник табиати — бу бошқа нарса. Агар шеърда сўз бошқа-ю, маъни ўзга бўлганида улуг Жалолиддин Румий: «Сўз мenden юксак туради, мен сўзга бўйсунаман», — демасди. Агар шундай бўлганида Хоразмий: «Зохиру ботин хабари сўздадур», — дея қафолат бермасди. Фақат сўз билан машғул бўлиш — маънони англашга монелик қиладиган бир ишга айланганда Навоийнинг ўзи сўз ва маъни бирлиги ҳақида такрор-такрор гапирмас ва «Ул киши сўз баҳрида ғаввосдур, Ким гуҳари маъни анга хосдур», — деб ёзмасди. Мақолада келтирилган байт «Лисон ут-тайр»нинг «Қушларнинг фано хусусидан бақо васлига еткони», деб номланган қисмидан олинган. Ва ўша байтдан олдинги сатрларда бундай дейилади:

*Кимки бу маънидин огоҳ ўлди, бил —  
Ким кесилди онга сўз айтурга тил.*

Бу маъни — фанодан бақога етган солиқ ҳолатига тегишли маъни. Шоир «Ким кесилди онга сўз айтурга тил», деганда тариқатнинг тўрт муҳим шартларидан бири — тарки қийлу қол холини назарда тутаётир. Бу ҳолатда ориф — сукут соҳиби. Ҳикматнинг боши сукутда деб билганлиги ва шунга амал қила олганлигидан ҳам у офати лисондан тамоман халосдир. Сукут одобига эришиш ва амал қилиш умуман тасаввуфдаги муҳим талаб бўлганлиги учун Румийнинг машҳур «Маснавий»сида бунга махсус боб ажратилган. Бу тўғрида Аҳмад Афлокийнинг «Маноқиб ул-орифин» асарида қимматли маълумотлар мавжуд. Қолаверса, Навоий айти шу масаладан баҳс этганлиги учун ҳам сал кейинроқ «Шарт буким, онглагон шарҳ этмагай. То тилдин бошқа офат етмагай», деган таъкид сўзларини битган. Бундан таш-

кари, байтдаги маъни ҳам биз ўйлаган «мазмун» ёки «фикр»га айнан тўғри келмайди. Орифнинг муроди фаврий эмас, гадрижий жазба натижасида ҳосил бўлади. «Шу жазба, — дейди Мухаммад Фузулий, — инсонни суратдан маънига етқариб, унинг назаридаги ҳаёлий шакллар ва мавҳум нақшларни орадан суриб, уни ҳақиқий мақомга юксалтиради». Тасаввуф бизда узоқ йиллик танаффусдан сўнг энди эркин ва кенгроқ ўрганилаётган соҳа. Шунинг учун айрим хатоликлар, мунозарали фикрлар содир бўлиши мумкин. Лекин бунда шеъринг матн моҳиятини тўғри ҳамда теран тушунмасдан назарий фикр айтиш, катта умумлашмалар чиқаришдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз шартдир.

Маълумки, ҳамма замонларда тасаввуфни динга, динни тасаввуфга қарам қилиш ёки қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлган. Орифнинг маслаги айни шундай бир-ёқламалик ва маҳдудликдан озоддир. Ориф учун тасаввуф дин бўлмаганидек, динсизлик ҳам эмас, балки диндорни ҳам, динсизни ҳам Аллоҳ ишқи ва илоҳий Гўзалликка восил этадиган бир жабҳадир. Дунёдаги барча динларнинг ўз муқаддас китоблари мавжуд, улар ўз масжидлари, черковлари, бутхона ва ибодатхоналарига эга. Тасаввуфда дини, ирқи, мазхаби, миллатидан қатъи назар, олам халқини бирлаштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу — тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи — Дил ва Қўнғил аталмиш Аллоҳ тахтидир. Тасаввуфда Забурга ҳам, Тавротга ҳам, Инжил ва Қуръони каримга ҳам Тавҳид мақомларини англатувчи рамзий маънолар бағишланган. Чунончи: Инжил исмлар тавҳиди, Забур феъллар, Қуръон зот тавҳидига тимсол эрур. Қуръон зот оламидан тажалли топган китоб бўлганлигидан унинг кадри бағоят баланд. Мавлоно Румий бир рубоийсида: «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг. Биз икки юз мазҳаб ахли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз», — деса, Юнус Эмро: «Етмиш икки миллатни бир кўз ила кўрмаган, Шарънинг авлиёси эса-да, ҳақиқатда осийдир», — дейди. Навоийнинг орифона шеърларидаги мазмун ана шу умуминсоний тушунчаларга ҳамоҳангдир. Шоир лирик қаҳрамонининг «Шайх Санъон киби дин» таркин этиб:

*Буту тарсо қошида сажда қилиб,  
Куйдуруб мусҳафу боглаб зуннор,  
Яна муе дайрига кирдим сармаст,  
Май тут, эй мугбачаи боданараст, —*

дея сўзлаши оддий эътироф эмасди. Ҳар қандай дин ёки мазҳабда хусусий жиҳатлар мавжудлиги маълум, албатта. Тасаввуф бундай хусусийликларга барҳам берган ва шу эҳтиёж туфайли Шарқ шеърятини Шайх Санъонга ўхшаш қахрамонлар ва бир қанча ўзига хос поэтик образ ҳамда тимсоллар билан бойитган. Тасаввуф шеърятда, шунингдек, Алишер Навоийнинг юзлаб ғазалларида — «зуннор» — хизматга, яъни «кулликка белни маҳкам этмоқ», «куфр» — Ҳақ сиррини махфий сақламоқ, «тарсо» — дунёдан этак силкиб, илоҳий ишқ баҳрига фарқ бўлган киши, «бутхона» — орифлар мажлиси ва холи аҳадиятдан хузурланиш тимсоли эканлигини айтиш кашфиёт бўлмайди. Аммо ўз вақти-замонида бундай тимсолларни шеърда дадил татбиқ этиш ва улар орқали орифнинг ҳар турли фикр-қарашларини тасвирлаш фақат кашфиёт эмас, шижоат ҳам бўлган. Зохирий томондан қаралганда, орифлар бутпарастлик байроғини банд қўтарган, бутга имон келтиришда намуна кўрсатган кишилар. Аслида уларнинг тушунчасида «бут» — ишқ ва ваҳдат рамзи. Ахир, ашёлар борлиқнинг зуҳури экан, бут ҳам ўша ашёлардан бири, холос. «Эй оқил инсон, — дейди Маҳмуд Шабустарий, — яхшилаб ўйла. Тавҳид юзасидан бутнинг ёлғонлиги йўқ. Билгилки, унинг яратувчиси ҳам қодир Худодир. Неки Ҳақдан яралса, у ҳақиқатдир... Агар мусулмонлар бут нималигини англаганларида эди, дин — бу бутпарастлик эканлигини билган бўлурдилар... Ахир, Аллоҳ хоҳиш этмаса, ким ҳам бутнинг юзига чирой бахш этар ва ким бутпараст бўла оларди?»

Албатта, ҳеч ким. Мана шунинг учун Навоий шеърларида тарсопарастлик ва бутпарастлик ғояси изчил ва кенг тарғиб қилинган. Мана шунинг учун Навоий «риёий Каъбадан» «дайри фанони» устун қўйиб:

*Риёву Каъбадин дайри фанога  
Кириб гар бутқа зоҳир қилдим имон.  
Мени ёзгурма, эй шайхи риёий  
Ки, гар кофир эдим, бўлдим мусулмон, —*

деган эди. Биз Навоий китъалари таҳлилига бағишланган бир мақоламизда «Бадийий ижоддаги диний «тажриба» диндорлик тажрибасидан бутунлай фарқланади. Адабиётни диннинг тарғиботчиси деб биладиганлар, албатта, янглишадилар», — деганимизда Навоий шеърятининг айна шу орифона моҳиятига асосланган эдик. Афсуски,

дин алломалари буни «динга Оврўпоча қараш», «тасаввуфни дин деб тушуниш»га йўйишди ва танқидни фикрий зўравонлик қуролига айлантиришди.

Инсоният цивилизацияси тараққиётига кучли таъсир кўрсатган таълимотлардан биттаси, ҳеч шубҳасиз, Сукрот яратган Қалб концепцияси ҳисобланади. Бу таълимотдан Сукрот инсоннинг ақидапарастлиги, ўз-ўзидан қаноатланиши ва мағрурликка қарши тўхтовсиз курашида фойдаланган эди. Шарқда бундай вазифани ўз зиммасига олган ва ўзидан-ўзи мамнунлик, мағрурлик ҳамда худпарастликка доимо ботиний қарши яшаган, гоҳо очик курашган кишилар дарвешлар ва орифлар бўлган. Уларнинг тушунчасида кибр – инсоннинг ўз жони ва имонига зулм ўтказиши, зулмнинг ҳар қанақа хили эса Ҳақ қаҳрига учрамоқдир. Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим кўринади. Жаҳондаги барча динлар ва диндорлар у ёки бу даражада ҳокимият, сиёсат ва султонларга хизмат қилганлар. Дин ва сиёсат ўртасидаги яқинлик баъзан яхши натижалар берган бўлса, баъзан жуда салбий ишга айланган. Фашизм тарихи билан кизикқан кишиларга аёнки, иккинчи жаҳон урушида Бенито Муссолинининг ғалабаси учун Рим папаси Аллоҳга тиловатлар уюштирган. Гитлер давлат тепасига чиқиб босқинчилик жанглари авж олдиргач, Олмониядаги черковларда унинг заволини тилашганми? Йўқ, бу одамхўр жаллоднинг бутун дунёга ҳоким бўлишини Тангри таолодан қўллаб-қувватлашни сўрашган. Афсуски, шунга яқин қайғули ҳодисалар Шарқда ҳам содир бўлган. Аммо Шарқдаги ҳақиқий ориф ёки дарвеш бирор бир золим шохни шарафламаган, зулмни қувватлаб, мустабид ҳокимларнинг қўғирчоғи бўлмаган. Мана шунинг учун ҳам адолатли шохлар ориф зотларни миллатнинг маънавий рухий таянчи ва пешволари деб билишган, уларга катта эҳтиром кўрсатишган.

Инсоннинг бахtimi, бахтсизлигими – буни ҳамма вақт қатъий белгилаш қийин-ку, аммо туйғу, ҳолат, кайфиятлари каби инсон «Мен»лиги ҳам тез ўзгарувчандир. Бунинг сабабларини чуқур мушоҳада қилган бир тасаввуфшунос бундай дейди: «Инсоннинг индивидуал «Мен»га эга бўлмоғи беҳад қийин. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда ўзаро алоқасиз, келиштириб бўлмас, бир-биридан йироқ юзлаб ва минглаб майда «мен»лар мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон «мен» деб ўйлайди. «Мен» деб сўзлайди. Бироқ ҳар гал бу «Мен»

бир-биридан фаркланувчидир... Яъни инсон — бу кўплик-дирки, унинг номи легион эрур». Легиончиликнинг ўзбекча ифодаси — оломончилик. Оломончилик эса нафсу тама, шухрату хусумат, жаҳолату зўравонликнинг аянч аскарчаси сифатида турланиб, парчаланиб, майда ақидаларга ёнишиб яшаш, рухоний қиёфасизликка кўникиш, риё ва мунофиқликдан азоб чекмаслик демак. Орифнинг энг буюк фазилати ва хамма замонлар учун бир хилда ибратли хислати ана шу оломончиликка тамоман зид равишда инсоний Моҳият бутунлиги ва Маслак мукамаллигига эриша олганлигидир. Сўз ва иш мувофиқлиги, фикр ва эътиқод бирлиги маъносида орифдан ҳар қанча ўрнак олса, ўшанча кам. Нақл борки, Сирри Сақатий бир кун сабр ҳақида сўзлар экан, чаён унга ниш ура бошлабди. Мусохиблари: «Ҳай, нега уни ўлдирмайсан?» дейишса, у: «Уялдим, чун сабр ҳақида сўзлаётган эдим», деган экан. Мана шундай одамлар бўлишган тасаввуф ахли. Алишер Навоий: «Элнинг одоби хушроқ эрур олтундин», дейди. Орифлар хулқ ва одоб олтинга қиёс қилиб бўлмас даражада қимматли ва шарофатли бойлик эканлигини намойиш эта олган Аллохпарастлардир.

## 5

Шарқ ва Ғарб халқларининг дини, дунёқараши, ишонч-эътиқоди бир-биридан қанчалик фарқланса, эстетик идроки ва шеърияти ҳам тахминан худди шундай фарқланишга эга. Ҳатто камчилик ва нуқсонларда ҳам бу фарқланиш ўзини кўрсатади. «Россиянинг қуллиги қисман шундаки, — деган эди Александр Герцен, — у шеъриятни моддий қувватдан ахтаради ва яратади...»

Ғарбда маълум бир муддат мобайнида эстетик туйғу — ёрдамчи туйғу, аниқроғи, эстетика ахлоқнинг чўриси ёки кичик бир синглиси деган нуқтаи назар ҳукмронлик қилган. Албатта, Россияда ҳам аҳвол кейинчалик ўзгарган. Шунинг учун Н. В. Гоголнинг ҳеч иккиланмай: «Пушкин фавқулодда ходиса, эҳтимолки, рус руҳининг ягона ходисасидир», — деган фикрини Ф. Достоевский каби адиблар ҳам қўллаб-қувватлашган.

Шу нуқтаи назардан Шарқ шеъриятига қарасак, ҳар бир улкан шоир ижодини рухоний ходиса сифатида таъриф-тавсиф этиш мумкин. Лекин буни хамма вақт ҳам ҳаёт билан мустаҳкам боғланган, журъат ила воқелик

муаммолари ёритилган ва реал инсон қисматидан озикланган ғоявий-эстетик ҳодиса деб бўлмайди. Шарқ шеъриятида илоҳий ишқ ғояси ҳамма замонларда ва ҳамма шоир ижодиётида ўзини оқлай олган, дейиш тўғри эмас. Самовий майл ва хаёлларга ортиқ даражада берилиш, айрим ҳолат, кайфият ва тушунчалар ифодасидаги «қолиплашув» бу шеърятнинг оёғи заминдан узилгандай таассурот туғдиришига сабаб бўлган. Айнан шу ҳусуда ҳолис ва ҳаққоний фикр юритиладиган бўлса, тасаввуф маслағи, тасаввуф мавзулари бадиий ижод равнакига фақат фойда эмас, балки зиён етказганлигини ҳам тан олишга тўғри келади.

Шу ўринда эътиборли бир фактни эслатиш жоиз кўрилади. Маълумки, буюк рус адиби Л. Н. Толстой бир неча дин, жумладан, ислом таълимоти билан қизиққан. У тасаввуфдан ҳам анча яхши хабардор эди. Толстой рисолаларидан бирида илоҳий ишқдан сўз очиб, инсоннинг барча бахтсизлик, кулфат ва мусибатларига шу ишқ барҳам бера олади, деган қарашни илгари суради. Шунда С. И. Мунтянов исмли бир фуқародан адиб мана бундай сўзлар битилган мактуб олади: «Мен сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга қўшила олмайман. Сиз фақат ишқ билан яхши ҳаётга, саодатга етишмоқ мумкин, деб ёзасиз. Йўқ, Лев Николаевич, ҳақиқий ишқ ҳақида қачон гапириш мумкин, қачонки, яхши тарбия кўрилса, қачонки, тўқчилик-тўқинчилик бўлса. Бутун умринг гумроҳлик ва қашшоқликда кечса, қонхўрлар, ҳукмронлар сенга қул деб қарашса, бундай аҳволда ишққа ҳеч эҳтиёж йўқдир».

Асрлар мобайнида бизнинг оддий одамларимизда худди шундай муносабат, ҳолис эътироз ва қатъият етишмаган. Чунки юрт ва миллат дардидан йироқ ижодкорларнинг илоҳий ишқ баҳсидаги яқранг, турғун фикрлари ва тахайюл мавҳумоти омма онгига оғули таъсирини ўтказган. Мана шу ахлоқий-маънавий бўҳрон басират ва басират идрокига доир қарашларга алоҳида эътиборни юзага келтирган.

Басират сўзининг луғавий маъноси кўнгил кўзи, ичдан кўриш, фавқулодда сезгирлик салоҳияти демакдир. Агар фақат шундай шарҳ ва изоҳларга таяниб, айтайлик, Алишер Навоийнинг «Муншаот» асаридаги «...кўзларин басират шамъи ёритғонлар дунё сори кўз солмайдулар ва кўнгуллари хидоят зилоли оритғонлар олам меҳрини зарраи кўнгилга олмайдулар», —

деган фикрлари талкин қилинадиган бўлса, тўрт-беш жумла умумий ва тахминий мулоҳазадан нарига ўтиб бўлмайди. Ваҳоланки, Навоий биргина басират калимаси билан комиллик матлаби учун шарт ва зарур саналган ҳам назарий, ҳам амалий ҳақиқатларни ифодалаган.

Шарқ шоирларидан бири:

*Басират аҳли нишон истамаски, кавну макон,  
Нишон ила тўлиғдир, бенишон ила тўлиғ, —*

дейди. Бу байтдан басират аҳли борлиқ — оламда яшаб, бирор далил-нишон талаб қилмайди. Чунки улар кўринадиганни ҳам кўради, кўринмайдиганни ҳам кўради, деган хулоса келиб чиқади. Ушбу хулоса Навоий «кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар», деганда тарки дунёчиликни эътиборда тутмаганлигини англашга яқиндан ёрдам беради.

Айрим мутасаввифлар, айниқса, Имом Ғаззолий инсоннинг зоҳирий — ташқи кўзига муқобил бир ботиний — ички кўзи ҳам бор бўлиб, унга «қалб кўзи», «маънавий кўз» дейилади, деган фикрни баён этган. Бошқа бир олимга кўра эса «Басират қалб кўзи, басор жасадни кўриши. Басират фақат ички маъно моҳиятни, басор эса ёлғиз хис этилган нарсаларни кўра олади. Басират фақат латифни, басор кашф (қалин, тифиз)ни, басират қадимни, басор кейин яралганни кўради».

Умуман олганда, Шарқ оламида басират ғафлатга тушмай, хис-туйғуга берилмай ҳақиқатни мукамал идрок айлаш, келажакни олдиндан кўриш салоҳияти, қудсият нуридан ёришган кўнгил қудрати деб тан олинади. Тасаввуфдаги тамал тушунчалардан бири бўлган басират ўз-ўзидан кашф этилмаган, албатта. Мутасаввифлар бунда, энг аввало, Қуръони карим оятларидан илҳомланган.

Басират муаммоси билан махсус машғул бўлган олимларнинг эътирофи бўйича мистик-психологик сирларни ўзлаштиришда туйғу аъзоларига таянадиган ташқи кўриш қуввати унча иш бермайди. Нафислик, гўзаллик ранглари билан бурканган ушбу сирларни билишда басират қудратидан фойдаланиш зарурки, бу «Зумар» сурасидаги қуйидаги оятларда очиқ-ойдин таъкидланган: «Оллох мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён».

Энг катта ва асосий фойда эса илохий нурдан ёришган кўнгил кўзи ила ашённинг асли ва моҳиятига етишиш-



дир. Басират масаласида нисбатан бошқача фикрлар ҳам билдирилган. Абдулкарим Қушайрий машҳур рисоласида: «Аслида басират ва нур дейилмиш нарса маърифатдир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Мўмин Оллоҳ нури ила назар айлар» ҳадиси худди шу маънода англашилиши керак», дейди. Фикр ва талқинларда нечоғлиқ фарқ кўзга ташланмасин, Навоий басиратнинг мавжудлигига ҳам, куч-қуввати ва имкониятларига ҳам қатъиян инонган. Ва шундай ишонч туфайли:

*Сирри ҳақиқатдин ўлиб баҳравар,  
Айла басират кўзи бирла назар, —*

деб ёзган.

Сулаймон Улутоғнинг изоҳлашича, «Нафса кўра нарсаларнинг шакллари ва сувратини кўрадиган кўз не бўлса, Қалбга кўра басират ҳам шудир». Шунинг учун мумтоз шоирлар фақат ҳақиқат ёки моҳиятни эмас, гўзалликни, хусусан, ёрнинг хусну жамолини ҳам басар, яъни басират қуввати ила кўрмоғи керак, дейишган. Бу тўғрида Навоийнинг кўрсатмаси мана бундай:

*Ёрингни танир ишига маҳорат айла,  
Диққат ила ҳолига басорат айла.*

Очигини эътироф этадиган бўлсак, бугуннинг одами учун басират тушунчаси — шахсий тажрибадан узоқ ва тахминий бир тушунча. Тасаввуф аҳлининг маълумотларига таяниб айтилса, басиратнинг очилиши учун кўп ранж ва азиятларни бўйинга олиб кўнгилни поклаш, руҳни жилолантириш лозим. Басирати тўла-тўқис очилган киши — маънавий қайта туғилишга эришган киши бўлиб, уни «Шайхул ғайб», дерлар. Негаки, у ғайб сирларидан ҳам огоҳ яшайди. Унинг ботин оламида қаҳр, нафрат, ҳасад, худпарастлик каби иллатлардан ному нишон қолмайди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам Мавлоно Румий: «Кўзни юнгил кўзга айлансин кўнгил», дегандирлар. Басиратни тадқиқ этган ғарб олимлари эҳтимол бунга биздан кўра кўпроқ ишонишгандир.

«Янги олмон психологияси бизга айтурки, — дейди машҳур Покистон шоири Муҳаммад Иқбол, — аклий фаолият диққат ила назардан ўтказилса, бунда соф ва табиий хислар силсиласидан кўра «басират» кайфияти кўпроқ юзага келиши равшанлашур».

Чунки замон, макон, инсон муносабатларини аниқ белгилашда, ҳақиқат ва моҳиятни хатосиз аниқлашда ба-

сират қуввати ва имкониятлари фарб олимларида маълум ишонч ҳосил қилган. Натижада фаннинг ўзга соҳа вакиллари ҳам уни текширишган. Ана шунда айримлар томонидан фақат метафизикавий атама деб қаралган басират чини билан қалбда мавжудлиги исботланган. Бу хусусда хорижда нашр этилган «Тасаввуф ва модерн илм» номли китобда икки анотомист олим қалбда мутасаввифлар тавсифини берган кичик бир нуқтани аниқлашгани ҳақида маълумотлар битилган. Тиббиёт илмида мазкур «нуқта» баъзан уни кашф айлаган ўша икки тадқиқотчининг номи билан, баъзида эса «Sinoatrial Node» деб тилга олинар экан. Кўз билан кўриб бўлмайдиган, ёлғиз микроскоп кўриш мумкин бўлган ва юракнинг юқори қисмидан жой олган мазкур нуқта қалбнинг ғайриоддий ҳаракатини таъминлаш билан бирга, узлуксиз равишда вужудга иссиқлик қуввати ва нур етказиб тураркан. Демак, Имом Ғаззолийнинг «Ақлдан нарида ўзга бир давра бордурки, унда бошқа бир кўз, яъни басират очилур. Басират ила инсон ғайбни кўрур, келажакда воқе бўлажак ҳодисаларни, ақл англашга ожиз бўлган айрим нарсаларни англай олур», дейиши тахминий гап бўлмаган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳеч иштибоҳсиз басиратга инонган, борлиқ-оламнинг ички моҳияти, гўзаллик ва ҳақиқат сирларини тўғри, адашмасдан англамоқ истасанг, «Айла басират кўзи бирла назар», дея даъват этган.

Улуғ мутафаккир шоир қандай қилиб басират кўзи очилишига эришган, шундан сўнг завқ ва мушоҳадада қандай юксакликларга кўтарилган, руҳий ҳаётида қанақа гўзал эврилишлар ҳосил бўлган, шеъриятидаги қайси туйғу, қайси маъно ва ҳолатларни бевосита басиратга нисбат бериш зарур — булар энди бошқа мавзу, махсус тайёргарлик ила ўрганиладиган ҳам мураккаб, ҳам ғоятда қизиқарли масалалардир.

## 6

Билган — гапирмайди, гапирган — билмайди, деган қоидага риоя қилинса, Навоий ижоди билан боғлиқ баҳс-мунозаралар бошқача кечади. Бир замонлар Алишер Навоийнинг даҳосига шубҳа билан қарашлар бўлган. Лекин бундай иштибоҳлар туман янглиғ тезда барҳам топди. Рус ёки грузин зиёлисидан Пушкин ёки Шота Руставелининг буюклигини исботлашни талаб қилиб

кўринг-чи! У сизга ё ажабланиб қарайди, ёки устингиздан кулади. Ахир, бу зотларнинг иккиси ҳам ўз юрти ва миллат тарихида юксак ўрин эгаллашини билмаган, тасаввур этмаган рус — русми, грузин — грузинми? Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини исботлаш ҳеч бир мусулмоннинг ҳаёлига келмаганидек, Навоийнинг улуғлигини кўрсатувчи қўшимча далил излашга ҳожат йўқ. Алишер Навоийнинг буюклигини билмаслик ўзбек миллатининг маданияти тарихи, миллий-маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган буюк ҳиссасини англамаслик билан баробар. Алишер Навоийнинг улуғ сиймоси ул зотнинг руҳонияти, беназир шахсияти ва сўзни санъат даражасига кўтарган ижодкор эканлиги билан белгиланади. Унинг шу замонда — янги асрда ҳам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётгани беҳикмат бўлмаса керак.

Навоийни бошқа халқларга танитмоқ учун эмас, ўзимиз яхши билишимиз учун кўпроқ ташвишланишимиз зарурга ўхшайди. Очигини айтганда, биз ҳали Навоий ижодиётини керакли ва арзийдиган даражада ўқиб-ўрганганимиз йўқ. Эҳтимол, шунинг учун ҳам илм, ижод ва санъат аҳли Навоий ижодиёти хусусида умумий, икки томчи сулдай бир хил баландпарвоз таъриф ва тавсифларни такрорлашдан асло хижолат чекмайди.

Гёте 1831 йили рус адилларидан бирига «Сиёсат ва реализм адабиёт ҳамда санъатдаги гўзалликни сўндирди», деган экан. Улуғ олмон шоири бунда сўзнинг илохий гўзаллиги ва моҳиятини назарда тутган бўлса керак. Шўро замонларида мумтоз адабиётимизга бирёклама ва юзаки муносабат бизда ҳам худди шундай ҳолатни юзага келтирди. Шу боис эндиликда Навоийни пухта билиш учун жуда жиддий ва маҳсус тайёргарлик кўриш тақозо этилади. Акс ҳолда шоир ижодининг асл моҳияти тўла кашф этилмасдан қолмоғи мумкин.

## *Рухум яратиб эдинг латофат бирла...*

Шаркнинг бир улуғ донишмандидан: «Бу не хол эрурки, эскиларнинг сўзлари бизнинг сўзларимизга қараганда кўнгилларга кўп қарра зиёдроқ фойда етказмакдур?» -- деб сўрашганида, у жавоб қайтариб шундай деган экан: «Эскилар дину имоннинг иззати, нафснинг нажоти ва Ҳақнинг ризоси учун сўз айтмишлар. Биз эса нафснинг иззати, мол-дунё орзуси ва халқнинг эътибори учун гапируرمىз... Бу хил сўзлардан эл-юртга ҳеч қандай фойда йўқдур».

Шу фикрни тез-тез эслайман ва ҳар гал нафснинг мақсадига мувофиқ айтилган ҳар қандай чиройли сўз, ҳар қандай ақлли фикр кўнгил «эшиги»дан ичкари олмаслигига ишонаман. Зеро, боболаримиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, сўзлагувчининг сўзи эмас, ҳоли, тилдаги гаплари эмас, дил тубидаги холис иқрори муҳимдир.

Сўз ва маънонинг ҳам «қон группаси» бўлади. Донишманд кишилар буни билишади. Шунга қараб сўзни сўздан, фикрни фикрдан, даъвони маънодан ажратишади. Шунга асосланиб ўзларига сўзнинг тақдири, фикр ва туйғунинг таъсир қуввати ҳамда аҳамиятига баҳо беришади. Шу жиҳатдан ҳам мумтоз шоирларимизнинг ҳақиқий шеърхон олдидаги масъулияти юқори бўлган. Биринчидан, улар нафсу хаводан тузилган, таъма аралашган, мавқе, эътибор шавқи билан айтилган ҳар қандай сўзни риёкорлик деб билишган. Иккинчидан, покланмаган сўз, ҳақиқат ва тўғрилиқ мақомига кўтарилмаган фикр ўқувчига ҳам, адабиётга ҳам фақат зиён етказишига қатъиян ишонишган. Диний тарбиянинг қайта изга тушиши туфайлими, тасаввуф маърифати таъсиридами ёки эркин фикр муҳитининг юзага келганлигиданми, адабиёт аҳли онгида яхши бир ўзгариш, силжиш кузатилмоқда. Яъни нафсоний ва шайтоний майллардан яратилган, ёлғон, ғирт сохта нуктаи назарларни акс эттирувчи бадиий ижод намуналари сезиларли даражада камайиб бораётир.

Бобурнинг шеърларида тасвирланган хол ва туйғуларни қанчалик чуқурроқ ўргансангиз, дилингиз ўшанча тозаланиб куч топади ва кенглик кайфиятларига тўлади. Бобур шахсиятига нечоғлик яқинлаша олсангиз, манманлик, калондимоғлик, каззоблик ва носамимийликдан шу қадар безасиз. Улуғ Бобурнинг шахсияти оқил, одил инсон ва инсонийлик учун зарур бўлган асосий фазилатларни аниқ белгилаб беради. Унинг кўнгил оҳанглари каби овози ҳам оддий ва жуда-жуда инсоний — ҳеч пайт шохнинг, ҳукмдорнинг дағдағасини эшитмайсиз. Аксинча, ундан кўпинча ва кўп ҳолларда насихат садолари таралади:

*Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма.*

Шу гапни Бобур бошқачароқ оҳангда ҳам изҳор айлаши мумкин эди-ку. Аммо ўша оҳанг Бобурнингмас — ўртача савиядаги тахтпарастнинг овоз оҳанги бўлурди. Бу беш кунлик дунё тожу тахт соҳиби бўлганда ҳам на одамлардан узоқлашишга, на ўзни баланд кўтаришга арзимаслигини у мукамал англай олганди. Унингча, дунёдаги энг боқий ҳақиқат умрни ғанимат билиш, инсоннинг инсонга руҳан ва маънан яқинлиги эди. Бобурнинг хуш кўрган сўзларидан бири «Аҳбоб»дир. У бу сўзни, хусусан, рубойларида тез-тез тилга олади. «Аҳбоб унутилмаса керак аҳди қадим», дея умидларга берилади. Бир рубойсида эса чин фароғат, маънавий давлат, илоҳий раҳмат мазмунини ҳам айнан шу калима билан боғлиқликда ифодалайди:

*Аҳбоб, йигилмоқни фароғат тутингиз,  
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.  
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун  
Бир-бирни неча кун ғанимат тутингиз.*

Бобур табиатан кўлами кенг, мард ва шижоатли шахс бўлган — номардлик, кўрқоқлик, писмиқликка умуман тоқат қилолмаган. Бобур донишманд, чин маъноси билан маърифатли сиёсий арбоб эди. Шу боис у ақлга макрни, адолатга жаҳл ва зўравонликни, элу улус ишончига ёлғону алдовни аралаштирмаган. Эҳтимолки, шунинг учун ҳам Бобурда давлат юкининг огирликларидан нолиш ёки эзилишни пайкамайсиз. Унинг дунё ва аҳли дунёдан шикоятларида ҳам руҳоний собирлик, далдакорлик мавжуд.

Бобурнинг мана бу рубойиси кўпчиликка яхши таниш:

*Бу олам аро ажаб оламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Хар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

Дарҳақиқат, «Бобурнома»ни ўқиган ҳар бир китобхон биладики, Бобурнинг ҳаёти, тожу тахт йўлидаги кураш жараёни, унинг ўзи таъкидлаганидан кўра қийин ва қалтис кечган. Лекин ҳар қандай қийинчиликлар ичида, ҳар қанақа қалтис ва таҳликали вазиятларда ҳам Бобурнинг ичида, яъни ботинида шаклланган маънавий-руҳоний «мен»ида кучсизланиш, толиқиш, дўлдек ёғилиб турган кулфат ва ранжу азоблардан ўзни четга тортиш майлларининг кўзга ташланмаслиги ақл бовар айлаши қийин бўлган ходисалардандир. У бир шеърида «Нақди умрим, охким, ўтти ғаму мотам била», деса, яна бирида «Ғаму дарду алам била тўлдум», дейди. Бундай ҳолатда иродаси темир одамнинг ҳам бели букилади. Ғам кетидан дард, дард ортидан алам ва мотам ёпирилганда, камдан-кам одам ўзини тушқунлик, ноумидлик, мискинликдан муҳофаза эта олади. Бобурда буларнинг тескариси: у «Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин» осуда бўлиш аҳволига етганда ҳам барибир ҳаёт завқи ва тириклик шукуҳига содиқ қолади:

*Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,  
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда.*

Шоирнинг бир қанча ўринлардаги эътирофига кўра «бир дам»лик ғамга арзимайдиган дунёнинг мазмун-моҳияти ҳам «бир дам»да очилади. Ҳақ гап шу дамга соҳиб бўлиш ва уни ўтказа билишда:

*Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобур,  
Не учунким келур дамга бўла олмас киши зомин.*

Баҳор ва ёшлик ана ўша фурсатларнинг энг гўзали, энг завқлисидир:

*Баҳор аёмидур даги йигитликнинг авонидур,  
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.*

«Ғар иликдин келса бир дамни кечурманг ғам била», — дейди шоир. Ва даврон ғамини четга супуриб

ташлашнинг синалган чораси ўлароқ кишиларни шеърга, мусикага чорлайди:

*Даврон гамин барбод қил, шират уйин обод қил,  
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.*

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, Бобур ҳеч пайт курук зуҳд, зохирий такводорликка ён бермаган шоирларимиздандир.

У бир ғазалида:

*Зухд кетди эса, карам қилди,  
Ишқ келдию муҳтарам қилди, —*

дейдики, бундан шоир танлаган йўл — ишқ ва ошиқлик йўли эканлиги осон англашилади.

Мирзо Бобурнинг илмий-адабий мероси миллатимизнинг бебаҳо хазинаси. Бобур халқимизнинг ижодкорлик, ҳукмдорлик закосини жаҳонга танитган ёрқин шахслардан бири. Дунёда кучли одамлар кўп бўлган. Бирок уларнинг барчаси ҳам Вақт, Давр синовларига охиригача бардош бера олишмаган, албатта. Ана шунда эътиқод парчаланган, маслак бузилган. Ўзлик бой берилган.

Ўзлигидан ажралган инсон борки, ўзининг бир вақтлардаги қиёфа яхлитлигини ахтаради. Аммо қанча куйиб-ёниб изламасин, армонга айланган ўша Ўзликни бошқа ҳеч қачон топа олмайди. Худди шу кемтиклик ёки бўшлиқдан хаёлга келмас майдакашлик, ҳаттоки хиёнатлар бош кўтаради. Бобурнинг ижодиёти, беназир шоир ва шоҳ Бобурнинг тажрибаю сабоқлари бизу сизни кўзга кўринмас ана шу бахтсизликдан омон қолишга яқиндан ёрдам беради. Бу эса энг муҳимидир.

\* \* \*

Захириддин Муҳаммад Бобур ижодиётига ҳар қанча ҳавас қилса, ундан ҳар қанча сабоқ олса арзийди. Бобур ҳаётда қандай бўлган бўлса, ёзган асарларида ҳам шундай: мард, ростгўй, табиийликни ниҳоятда кадрловчи, самимий, таваккул ва завқ соҳибидир. Бобурнинг шахсияти шу даражада очиқ ва қудратлики, сунъийлик, зохирий чиройбозлик ёки ёлғон унинг яқинига ҳам йўлай олмайди. Бобур бошдан кечирган бир-биридан оғир, бир-биридан қайғули ва таҳликали воқеа-ҳодисотлар унинг порлоқ шахсиятини асло парчалай олмаганлигига ҳайрон қоласиз. Сиёсий мағлубиятлар ва имконсизликлар, инсоний оқибатсизликлар ва ожизликлар, ўлим шарпалари

ва ажал хуружлари қаршисида ҳам Бобур — ўша-ўша оқил, жасур, ҳаётсевар, яхшилик ва одабийликнинг кучқувватига ишонган донишманд ўлароқ қад ростлаб туради. Менинг назаримда, Бобурдаги барча ишонч унинг толмас ва толикмас руҳидан қалқиб чиққан. Чунки у руҳнинг кудрати, илоҳий имтиёз ва талабларини теран ҳис қилган. Бобур руҳан Оллоҳга яқинлашиш сирларини кашф этгани сайин, Қалб, Рух, Сир, Хафи ва Ахфо аталмиш латойифи хамса (беш латифлик)нинг дахлсизлигига қатъийроқ ишонган. Унинг:

*Рухим яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.  
Рухимни чу тан эвига келтурдинг пок,  
Мундин бори элтма касофат бирла, —*

деган илтижолари ана шу ишончдан туғилган эди. Шоир назарда тутган «офат» эса, албатта, нафсу хаводир. Бобур маснавийларидан бирида нафснинг қилмишларидан огоҳлантирувчи ва «нафс илгида забун» бўлмасликка чорловчи шундай мисраларни битган:

*Нафс душман дурур яқин билгил,  
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.  
Душманедур, агарчи, ўтру эмас,  
Лек, бир лаҳза сендин айру эмас.  
Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,  
Жисминг уйида ўғридектур нафс.  
Бурногилар сўзин назар қилгил,  
Уйинг ўғрисидан ҳазар қилгил.  
Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,  
Қодир ўл ҳарна сўз десанг сўзунгга.*

Бобур қўлига қилич ушлаган ҳукмдор. Аммо у қилич билан нафсни енгиб бўлмаслиги, «нафс тавсани» салтанат саманидан чопқирроқ эканлигини аниқ билганлиги боис ҳам тасаввуфга қизиққан. Албатта, бу қизиқиш ўзига хос, яъни тариқатга расман юз бурган солиқнинг нуқтаи назар ва интилишларидан фарқли эди. Буни «Бобурнома»даги «Турдибек Хоксорким дарвешликдин чиқариб, сипоҳи қилиб эдим, неча йил мулозаматта эди, яна дарвешлик дағдағаси ғолиб бўлуб, рухсат тилади. Рухсат бериб, Комронға элчи йўсунлик йиборилди», — деган биргина маълумотдан ҳам илғаш мумкин. Демак, Бобурга дарвешликдаги узлатнишинлик, жўшқин ҳаёт оқимидан четлашиш макбул бўлмаган.



Асл тасаввуф — гўзал ахлоқ таълимоти. Тасаввуф — рухшунослик. Тасаввуф — қалб асрори, кўнгил латифликларини ўрганувчи ва ўргатувчи ҳол илми. Шу билан бир қаторда, тасаввуф маънавий-ахлоқий хасталикларни даволаш йўлларини кўрсатувчи шифо тажрибаси ҳамдир. Чунки шайхлар ва муршидлар кўп пайт ишни муридларнинг ботинида ўрнашиб ётган кибр, ғурур, ҳасад, кин, адоват, қаҳр, гумроҳлик каби ўнлаб маразларни даволашдан бошлаганлар. Тасаввуф истилоҳлари орасида «адвия» деган сўз бор. Бу арабча «даво» сўзининг кўплиги бўлиб, даволаш маъносини ифодалайди. Тарикат соҳиблари энг кучли, энг теран фазилат ва хислатларни адвия мақомлари деб белгилашган. Булар: эҳсон, илм, ҳикмат, басират, фаросат, тавозеъ, ҳиммат кабилардир. Бобур буларни мукамал билган. «Чорасиз дард»ларига пирдан нажот ҳам тилаган. Лекин унинг зиммасидаги тарихий вазифа:

*Найлайин муршиду нетай иршод,  
Қобилият қанию истеъдод, —*

дейишдан ўзгасига имкон бермаган бўлса-да, Бобур тасаввуфий завқдан йироқ яшамаган. Ва доимо ўзини чин дарвешларнинг муҳибини билган, ҳақ аҳли олдида гўё ўзига-ўзи ҳисоб бериб яшаган. Мана у форсий рубоийларидан бирида нима дейди:

*Дар ҳавои нафси гумраҳ умр зое кардем,  
Пеши аҳлулло аз афъоли худ шармандаем.  
Як назар бо мухлисони хастадил фармо, ки мо,  
Хўжагиро мондему хожагиро бандаем.*

Мазмуни: Гумроҳ нафсу хаво билан умрни зое қилдик. Аҳлулло қошида ўз феълимиздан шармандамиз. Бир бор хастадил мухлисларга назар этки, биз хўжайинликни қўйдигу хожагон улуғларига банда бўлдик.

Бу шохликнинг эмас, орифликнинг эътирофи. Бобур шеърларида ошиқлик ҳолининг орифлик мушоҳадаси ила уйғунлашиб, шеърхонни хокисорлик мақомига рағбатлантиришининг сири ҳам ана шунда. Бир ғарб файласуфи: «Агар мен биргина гулнинг сир-асрорини тугал туншунсам эдим, бутун мавжудотнинг сир-асрорини кашф этган бўлурдим», — деган экан. Бу гапни изоҳлаб ҳинд илоҳиётчиси Ошо шундай ёзади: «Ҳа, битта кичкина гул шу қадар бепоёнки, агар сиз унинг сирларини билсангиз, чиндан ҳам барча мавжудотни англашга эришардин-

гиз. Чунки бу оламда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Зеро, гулни билиш учун ерни билмоқ керак: у тупроқдан ўсиб чиқади, унинг манбаси замин. Яна самони билиш лозим: гул кўкка бўй чўзиб барг ёзади. Сўнг куёшни англаш лозим: куёшсиз гул — гул бўлмасди: унинг ранги куёшдандир. Хуллас, қанча ичкарига кириб борсангиз, гулни билмоқ учун бутун мавжудликни билмоқ зарурати ўшанча равшанлашади. Сиз эса уни «гул» дейиш билан ҳаммасини биламан, деб ўйлайсиз...»

Балки, шунинг учун тасаввуф шеърлятида илохий гўзаллик сирларини кашф айлашда айнан шу «гул» тимсоли танлангандир. Балки, Бобурдаги гулпарастлик шу жиҳат билан ҳам боғлиқдир. Ҳар қалай Бобурнинг ғазал ва рубоийларида ташбех ва тимсол сифатида қайта-қайта «гул»ни қўллаши ва гул ўзагидан яралган сўзларни фавкулудда мохирлик билан ишлатиш фақат зохирий бир эҳтиёж эмасдир.

*Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвадек ҳаргиз,  
Аёгинга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.*

Бу байтдаги маъно, туйғу ва манзара билан мана бу мисралардаги мақсад ва ҳолат бир-бирига монанд эмасдир:

*Фунчадек кўнглум менинг гулзор майлин қилмағай,  
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.*

Биз Бобурга яқинлашганимиз сайин, унинг бетакрор Шаҳси ва ижодиётини пухтароқ билганимиз сайин ўзимизни-ўзимиз маънан чеклашдан, билиб-билмай қўрқоқлик ё олчоқликка маҳкум этишдан, колоқ ва маҳдуд акидаларга ён беришдан анча фориг бўламиз. Бобур чин маъноси ила буюк мураббий — ҳаёт мураккабликлари ва зиддиятларидан сабоқ беради. Баъзан Бобур муршид мақомида, дунё ғала-ғовурларидан халос бўлган шайхга ўхшаб сўзлайди:

*Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отин ҳам демакка бу дунё.  
Тамаъ узгил бу эски дунёдин,  
Хотирингдин чиқар бу дунё ёдин.  
Давлат учун ўзунгни зор этма,  
Иззат учун ўзунгни хор этма...*

Бу ўғитларни бир толиб ёки солиқ эътиқоди ила тинглаб мушоҳада этсангиз, дилингиз шундай равшанла-

шадики, беихтиёр қаноат, ризо, сабр ганжига иштиёқ сезасиз. Молу дунё учун ҳеч нимадан тап тортмай ўзини дару деворга ураётган ҳорис кимсалар оддий бир ҳақиқатни — бош оғриганда оёққа тилло боғлаш фойдасизлигини фаҳмлай олмаслигидан ажабланасиз. Иттифоқо, хотирингизда Бобурнинг сўзлари жонланади:

*Беқайдмену харобу сийм эрмасмен,  
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.*

Бу шоҳ Бобурнинг эътирофими? Шоир Бобурнинг ҳукмими? Ёки олим ва мутафаккир Бобурнинг гапларими? Кўпинча бунини ажрата олмайсиз. Бобур асарлари орқали ҳам шоҳ, ҳам шоир, ҳам олим, ҳам ошиқ, аини пайтда ғурбат ўтида бағри ёнган бир ғариб бўлиб сўзлашади сиз билан. Бундай мусоҳибни қайдан топасиз? Ҳукмдор рутбасини эгаллаб ҳеч қачон расмиятчилик ва дипломдорликка таслим бўлмаган, шоир бўлиб ҳеч вақт баландпарвозлик ва самимиятсизликка майл кўрсатмаган, ота, оға, дўст, раҳнамо бўлиб ҳеч бировнинг ишончига раҳна солмаган шундай бетимсол шахс неча асрларда дунёга келишини бошқалар билмаса ҳам, биз билан сиз билишимиз ва шукрона айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

# Маърифат-ла боқий сўз

Хақ бир кўнгул берди бана,  
«Хо» демасдин ҳайрон бўлур,  
Бир дам келур шоде ўлур,  
Бир дам келур гирён бўлур.

Юнус Эмро

## 1

Адабиёт — кенг даргоҳ. Даҳоларнинг ўрни ва хизмати унда нечоғлик белгили бўлмасин, ўртамиёна ёки истеъдоди сушт қаламкашларнинг ҳам ўзларига яраша уриниш ва улушлари бўлади. Бундан адабиётга балки унча катта наф етмас, лекин катта зарари ҳам тегмайди. Зеро, адабиёт бамисоли ортиқча ва кераксиз «ашё»лардан осонлик билан фориг бўла оладиган сайёҳга ўхшайди. Адабиётда фақат гоё, мавзу, нуқтаи назар ва муносабатгина эмас, балки рамз, тимсол ва ташбеҳлар ҳам эскиради. Ана шунда янгилик ва янгиланиш адабиёт учун биринчи даражали заруриятга айланади. Буни эса фақат улкан истеъдод сохиблари теран англайди. Ва бадий ижодда янги йўллар очади. Адабиёт янги ҳаёт, янги фаолият боскичига кўтарилади. Кўпчиликнинг қўлидан келмаган ва келмайдиган иш кўпинча биргина санъаткор томонидан амалга оширилиши ниҳоятда ҳайратланарли. «Франсуа Рабле — яккаю ягона, — дейди Густав Флобер. — Зеро, унинг ўзи бутун бошли бир аср ва даврни ифодалайди. Унинг мавқеи ҳам адабий, ҳам сиёсий, ҳам ахлоқий, ҳам диний аҳамиятга эга. Янги адабиёт яратадиган ёки адабиётни янгилайдиган бундай даҳолар камдан-кам дунёга келади ва улардан ҳар бири ўзининг ва замонасининг сўзини ифодалаб кетади».

Ҳофиз, Румий, Жомий, Яссавий, Навоий, Насимий, Бобур Шарқнинг худди шундай улуф санъаткорларидир. Ана шу буюклар даврасидан ўрин олган яна бир беназир шоир — бу туркий шеърят даҳоларидан бири, озарбайжон халқининг доврўғдор фарзанди Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий эди.

У 1498 йилда она тупроғидан йироқда, Ироқнинг Карбало шаҳрида таваллуд топган. «Фузулий ватандан узоқда дунёга келди. Ватанни ватаннинг сўзларидан топди. Тилда ватан топиб, бутун умри бўйи ватандан ватанга боқа-боқа кун кечирди», дейди озарбайжонлик олим Комил Валиев. Бу оғир қисмат, эҳтимолки Фузулийнинг шоир бўлиб туғилиши ва сўнги нафасигача шоир бўлиб яшашини таъминлаган дард ва хасратдир. Лекин ватан фарзандини қандай суйса ва камолига эрк берса, Фузулийни ҳам она тили худди шундай суйган ва истеъдодини тарбиялаган. Фузулий учун ватан севгиси ва тил ишки айни бир ҳақиқат эди. У она тилига яқинлашган сайин ватаннинг қалби, тарихи, маънавияти ва қадриятларига яқинлашаётганига қатъий ишонарди. Фузулий бегона юртларда ақлига, кўнглига ва энг асосийси рухига жондош сўзларга боғланган ва сўздан кўп умидвор эди. Чунки сўз ноумид айламас, аксинча, шахсни парчалаб ташлайдиган ноумидликлардан халос этарди. Шунинг учун у ғазалларидан бирида «Эй Фузулий, шоми ғам анжомина йўқдур умид, Бир тасаллидир сана ул сўзки, дерлар бор субх» деб ёзган.

Шоир фироқу жудолик «шом»ларини сўз ила мунавар этган. У тилидан ажралмаган одам она юртдан, халқидан, эътиқод ва садоқатидан ажралмаслигини амалда исботлай олган. Албатта, Низомийсиз, Насимийсиз, Навоийсиз Фузулийнинг Фузулий бўлиши қийин эди. Ижод қийинчиликларини енгиш, шеърят сирларини теран ўзлаштиришда ҳам бу шоирлар Фузулийнинг йўлбошчилари ва устозлари бўлди. Зеро, Фузулий Шарқда шеър ёзиш, шоирликнинг энг баланд довларидан ошиш «анъана тилида сўзлашиш» эканини биларди.

Агар Насимийнинг «Бевафодур чун бу олам, кимдан истарсан вафо, Бевафо оламда сен ёри вафодор истама», деган шеърини ўғитлари Фузулийнинг кўнглидан чуқур ўрин топмаганида, балки у «Вафо ҳар кимсаданким истадим, ондин жафо кўрдим, Кими ким бевафо дунёда кўрдим, бевафо кўрдим», деб ёзмаган бўлурмиди?! Ёки мана бу байтлар ўртасидаги фикр, ифода ва поэтик таъкид яқинлигига эътибор қилинг: Насимий «Чун Насимий оламнинг султонидур, давр анинг, даврон анинг давронидур», деб айтган бўлса, Фузулий «Ул паривашким, малоҳат мулкининг султонидур, Хукм анинг ҳукмидур, фармон анинг фармонидур», деб ёзади.

Лутфий, Навоий, Бобур шеърлари таъсирида ҳам Фузулий шакл, тасвир, маъно, туйғу яқинлиги яққол кўзга ташланиб турувчи байтлар яратган. Шоир туркий девонининг дебочасида «Илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур», дейди. Фузулий шеърятининг тамали — тафаккур ва илм. Унинг фикрича, шоирлик эҳтироси олимлик истеъдоди билан бирлашмагунча ҳақиқий шеър дунёга келмайди. Шеърнинг мукамаллиги учун унинг илму маърифат билан уйғунлиги зарур. Фузулийшунос Собир Алиев шу масалада баҳс юритиб, «Шоир Фузулий шеърятда олимдир, олим Фузулий илмий мулоҳазаларида шоирдир», деган хулосага келади. Бу жуда тўғри хулосаки, тадқиқотчининг ҳақлигини шоир шеърлари, «Лайли ва Мажнун» достонигина эмас, «Бангу бода», «Сухбатул асмор», «Хафт жом», «Ринд ва зоҳид» каби асарлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Академик Ҳамид Арасли шоирнинг беш жилдлик асарларнинг охириги жилдига ёзган сўзбошисида «Фузулий сўфий тариқатларининг ҳеч бирига мансуб эмас эди», дейди. Лекин Шарқда Фузулий қадар тасаввуф илмидан яхши хабардор ва тасаввуфий шеърят тажрибаларини мукамал ўрганган шоир кам учрайди. Масалан, унинг уч юз йигирма етти байтлик «Хафт жом» деб номланган маснавийси тамомила сўфиёна моҳиятга эгадир. Тасаввуфни билмасдан мазкур асарни тушуниш ҳам, талқин қилиш ҳам мумкин эмас.

Фузулийнинг илми ва илм ҳақидаги қарашлари, бизнинг назаримизда, энг аввало, инсон моҳиятини ҳар жиҳатдан теран англашга — инсоншуносликка асосланади. Фузулий инсоннинг фақат ақли, ахлоқи ва дунёқараши билан эмас, руҳи, қалби, ҳиссиёт олами билан ҳам кенг миқёсда қизиққан. Шу маънода шоир динлар, мазҳаблар, тариқатлар, фалсафий таълимотлардаги умумий ва хусусий томонларни фавқулодда билимдонлик билан фарқлайди ва талқин қилади. Фузулий эътиқод маҳдудлигига ҳушёр ва сезгир нигоҳ билан қараган, ўзини бу ноқисликдан доимо муҳофаза эта олган. Унинг эътироф айлашига кўра, «Эътиқодлар мухталифдур ва масалаларнинг ҳақиқати кўпинча ақлнинг назаридан яширин қолур. Шу боис ҳар қайси бир эътиқод соҳиби масаланинг моҳиятини билмасдан ўз эътиқоди ила маҳдудлашур».

Эътиқод маҳдудлашар экан, тафаккур қаноти кир-

қилади, қалб сахнида қахр, ғазаб, нафрат, жаҳолат белгилари кўзга ташлана бошлайди. Ва охир-оқибатда инсон махдудлик, калтабинлик, манманликнинг қулига, ўз қобигидан нарига чиқа олмайдиган бир махлукқа айланади. Фузулийнинг эътирофи бўйича, «гуноҳ этмак инсоннинг ўз қобигида қолишдан иборат эрур».

Тасаввуфдаги айрим тариқатларда руҳни вужудга қарши қўйиш, рух камоли учун вужудни қийнаш қоида сифатида қабул қилинган. Фузулий эса рух билан вужудга «бир кўз» билан қарайди. Унингча, «рух ила баданнинг алоқаси ошиқ ила маъшуқнинг алоқаси кабилдур. Уларнинг орасидаги унсият замон ўтган сайин шиддатланур... Умуман, рух учун бадансиз тўла тарзда лаззат бўла билмас». Бу фикр Фузулийнинг комил инсон ҳақидаги тушунчасининг энг муҳим қиррасини акс эттиradi, дейиш мумкин.

Фузулийнинг дунёқарши, маслағи, тасаввуфга қизиқиш даражаси ва шеърятининг сарбон ғоясини англашда «Ринд ва Зоҳид» асаридаги мана бу сўзларни эсда сақлаш фойдадан холи бўлмайди: «Эвланмак файзики, дунёнинг низом ва интизомига сабабдур, уни мусибатга нисбат берма. Эвланмак шарафики, бани одам наслининг тўрамаси учундир, уни инсоннинг азиятига боис билма. Шун билгилки, гўзал қиз-ла яшамок, пок ахлоқли қизларга шарият қонуни бўйича яқинлашмоқ икки дунё саодатига етишмоқдур. Бундан ҳам инсон насли давом топар, ҳам уларнинг ташвишини чекмак-ла эвэшиқ соҳиби бўлурсан. Бу — ҳам нафсни чиркин ишлардан хифз этар, ҳам фаолият кўрсатмоқ учун инсоннинг ғайратини ҳаракатга келтирар».

### 3

Дунёда энг қийин ва машаққатли иш фикр, туйғу ва тушунчаларнинг табиий ифодасини топмоқ, инсон ботинида мавжуд минг бир кайфият, ҳолат ва ҳисларни моддийлаштирмоқдир. Ҳисни сўзга айлантириш нечоғлик қийин бўлса, рухий ҳаёт манзараларини фикрда гавдалантириб бериш ундан ҳам мушкул.

Поль Валерининг айтишича, ҳақиқий бадий асар муаллифнинг ҳаётидан эмас, балки руҳидан яралади. Фузулий шеърятининг илҳом қайноғи ҳам руҳдир. Руҳни завқлантирмаган, рух ҳақиқатини қанотлантирмаган, қайси бир даражада руҳиятнинг самовий эҳтиёжи сезилмай-

диган шеърни у шеър деб билмаган. Тўғри, ҳар қандай фикрга ўхшаб шеърый фикр ҳам ё хотирадан, ё тажрибадан, ёки билимдан туғилади. Шунинг учун баъзи шоирлар хотира имтиёзи ва хотира армонларидан кенгрок фойдаланса, айримлари билимга таянади. Лекин чинакам шеър руҳоний тажриба заминида туғилади. Ана шу тажрибага қараб шоирнинг маънавий киёфаси, эстетик завқи, руҳий имконияти, дид ва савияси ҳақида ҳақиқий тасаввур ҳосил қилса бўлади. Бундан ташқари, рух, завқ, изтироб амалиёти — фикр ва ифода самимияти демак. Бу самимият шоирни баландпарвозликдан ва саёз чечанликдан муҳофаза этади; нафсоний хиссиётлар ифодаси ила шеърхонни ўзига ром этиш даъвосидан саклайди. Энг муҳими, шеърятнинг софлиги ва теранлигини таъминлайди.

Фузулий истеъдодининг кучли ва такрорланмас хусусиятини ажратиб кўрсатиш лозим бўлганда, мен ҳеч иккиланмасдан, гўзаллик завқининг мукамаллиги, рух фазосининг беҳад кенг ва юксаклигини айтар эдим. Бундай завқ, бу қадар кенглик ва юксаклик камдан-кам санъаткорга насиб этади. Фузулий қалам тебратганда руҳоний завқ кудратига суянади. Сўзнинг завқи билан завқнинг сўзини уйғунлаштиради. Завқ Фузулий шеърларига шундай ёруғлик ва мусаффолик ато этадики, беихтиёр шоир шеърятининг тонги — завқ, қуёши — завқ, хавоси — завқ, илоҳий йўли эса ишқ завқи, дегинг келади. Фузулий завқининг илдизлари Тангри завқи томон узанадики, «Матла ул-эътиқод» асаридаги мана бу фикрлар ушбу ҳақиқатни билишга яқиндан ёрдам беради: «Тангри ўз зотини идрок этгандир ва ўз зотини идрок этмоқ энг буюк лаззатдир, лекин бу лаззатдан ортиқ бошқа бир завқдир. Фарқ шундаки, завқ доимий, лаззат эса ўткинчидир».

Буюк шоир «Эй Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўланин сўр», деганида завқнинг умри узоқлиги, фақат ишқ завқигина одам ва олам сирларини кашф этишга қодирлигини ҳам назарда тутган.

Машҳур шоир ва ҳукмдор Убайдий шавқ ҳақида махсус манзума битиб, унда «Шавқдек раҳбаре бўлмасдур», дейди. Агар ишқ завқи Фузулий қалбининг раҳбар ва раҳнамоси бўлса, шавқ унинг ҳамнафас ва ҳамсафари эди. Фузулий шеърларини ўқийсиз — кўп сўзлар, поэтик иборалар ва тимсолу ташбеҳлар сизга таниш. Чунки бошқа шоирлар ҳам ишлатган уларни. Бироқ бу



сўз, ибора, ташбеҳ ва тимсоллар айнан Фузулий кўнглидаги интиҳосиз завқни кутгандай, Фузулий шеъриятидаги шавқ ёлқинлари ва гўзаллик илоҳасини намоиш қилиш учун дунёга келгандай туюлади сизга. Шоир кўп шеърларида зуҳд ва зоҳидликни қоралайди. У курук зуҳд ва такводаги сўниқлик ва қоронғиликни шавқ нури ила ошкор этадики, бу ишқ ва маърифат шавқи олдида зоҳидлик, чала диндорлик ақидалари олов тафтига дош беролмайдиган муз янглиғ эриб кетади. Фузулий шеърларининг ҳаётбахш нафаси ҳар қандай идроки қарахт, кўнгли тош қимсага ҳам таъсир ўтказа олишининг бир сабаби ана шунда.

Имом Ғаззолийга кўра, севги турлари қуйидагичадир: борлиқни севиш, борлиққа боғлиқ нарсани севиш, бошқани иззат-икром этганни севиш, биззот гўзал бўлган нарсага муҳаббат боғлаш, ошиқ ва маъшукқа хайрихоҳ бўлганни севиш. Бу севгиларнинг қамоли ҳам, истиқбол ҳам охир-оқибатда Оллоҳ ишқига асосланади. Чунки, кул борлиқни севса, унга шу борлиқни инъом айлаган Оллоҳни ҳам севган бўлур. Бундан ташқари, гўзаллик севгиси инсонни Оллоҳга ва унинг расулига боғлайдиган бир воситадир. Зеро, гўзаллик Оллоҳнинг сифати эрур. Шу боис Ҳазрати Пайғамбар бир ҳадиси шарифларида «Оллоҳ гўзалдир, гўзалликни севар», деганлар. Оллоҳ гўзал бўлгани ва гўзалликни беҳад юксак қадрлагани туфайли ҳам у Одамни гўзал суратда яратмиш. Демак, гўзалликни идрок айланиш ва гўзаллик муҳаббати ила яшаш инсон қисматидаги илоҳий эҳтиёж. Бу эҳтиёж унинг зиммасига кўп масъулият юклайди. Негаки, мавжуд оламнинг меҳвари ҳам, мажмуи ҳам инсондир. Шайхи Акбар Мухйиддин ибн Арабий бу хусусда шундай қимматли мулоҳазаларни баён этган: «Оллоҳнинг бу олам-ла боғлиқ илми ўзи ила дахлдор илмдан бошқа бир нарса эмасдир. Чунки мавжудот ичида фақат У бордир. Шу сабабли инсон оламда Унинг гўзаллигини кўрар ва у гўзалликни севар. Олам эса Оллоҳнинг гўзаллигидир, мутлақ гўзал бўлган ҳам Оллоҳдир... Агар Оллоҳни қим айни шу нуқтаи назардан севса, оламни Оллоҳ севгиси ила севган бўлур».

Шарқда бу ҳақиқатни билган ва теран англаган ижодкорлар кўп бўлган, албатта. Лекин Оллоҳ ва олам гўзаллигини уйғунликда мушоҳада этган, олам ва одамни Оллоҳ севгиси ила севган санъаткорлар бармоқ билан санарли. Фузулий худди шундай севгига соҳиб, ишқни

гўзал бир тил ила айни шундай мохиятда талқин этган шоирдир. У нима ахтарса, севги ва ишқдан ахтарган; нимага умид кўзини тикса, унга ишқ нигоҳи ила қаранган; нимани топган бўлса, шу ишқ шарафидан топган. Ва барча фикрий изланишлари, рухий шодлик ва изтиробларининг якуни ўларок ёзган:

*Сарманзили ҳар мурода раҳбардур ишқ,  
Кайфияти ҳар камола мазҳардур ишқ,  
Ганжинаи кошнота гавҳардур ишқ,  
Ҳар зоҳир ўлан нашъая мазҳардур ишқ.*

Ана шу кайфият, ана шу «гавҳар» ва ана шу нашъа Фузулийни жаҳон шеърятининг энг баланд минбарига юксалтирган эди, десак муболаға бўлмайди. «Баъзилар Оллохни Оллох учун севарлар. Айримлар эса Оллохни ҳам ўзлари учун, ҳам Оллох учун севарлар», дейди Ибн Арабий. Фузулий ғазалиётидаги лирик қаҳрамон Оллохни Оллох учун қанчалик севса, Оллохни ўзи учун, инсон ҳақиқатларининг теран мушоҳадаси учун ҳам ўшанча севади. Бу ҳар қанча ибрат олса арзирли маслак.

Хуллас, Фузулий тўла маънода ишқ шоири. Ишқ шоирлиги шундаки, у ҳатто дунёнинг яралиши билан боғлиқ энг мураккаб фалсафий жумбоқларни ҳам ишқ ва ошиқ воситаси ила ниҳоятда осонлик билан ҳал этиб беради. Сиз буни кўпинча, ҳатто сезмайсиз ҳам. Мана, бир мисол:

*Мажнун ўда ёнди шуглаи оҳи-ла пок,  
Вомиқ суя ботди — ашқдан ўлди ҳалок,  
Фарҳод ҳавас-ла ела верди умрин,  
Хок ўлдилар алар, манам эмди ул хок.*

Бу рубойини ўқиб, беихтиёр унда номлари тилга олинган ошиқларнинг ҳолати ва қисматини ўйлаб қоламиз. Улардан бири ишқ ўтида ёнган. Иккинчиси кўзёши тўқатўқа сувга ботган. Учинчиси, ҳавасдан умрини елга берган. Ҳолбуки, шеърда кўзланган ҳақиқат ботинда яшириниб ётибди. Маълумки, қадимги тасаввурларга кўра, оламнинг моддий асоси тўрт унсурдан таркиб топган: тупроқ, сув, ҳаво ва ўт. Низомий Ганжавий буларни тўрт гавҳар деб атайди, чунки бутун хилқатнинг таркибини шулар ташкил қилади. Фузулий эса бу фалсафий тушунчани образга «ўраб» талқин этади. Шоирнинг:

*Лавҳи оламдан юдим ашқ ила Мажнун отини,  
Эй Фузулий, бан даги оламда бир от айларам, —*

деган сўзлари эътиборга олинса, ўзини «ошиқларнинг тупроғи» деб билгани дарров равшанлашади. Фузулий — дард, ғам ва армон «тупроғи»да гул ўстирувчи шоир. Бу гуллар кўзёшлар билан суғорилган. Фузулий — ҳаёт ва ҳақиқат шоири. У тирикликни, доимий ҳаракатни, порлоқ орзуларни севади. Самад Вурғуннинг:

*Маънисиз гўзаллик хотирда қолмас,  
Сенга сарбон бўлсин буюк орзулар, —*

деган фикри, менинг назаримда, Фузулий санъати таъсирида юзага келгандир.

#### 4

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ида бир лавҳа бор: Отабек хуфтон намозидан сўнг турмуш ташвишларидан фориғ бўлиш кайфиятида мойчироғ ёнига ўтириб, Фузулий девонини қўлига олади. Нима сабабдандир унда «бирор фожиага тушқувчининг ҳолати бор эди. Киши изтиробга тушган кезларида тилаб эмас, ихтиёрсиз баъзи бир ишларга уринадир». Шунингдек, у ҳам жиддий бир равишда Фузулий мутолаасига берилди... «Фузулийни яхшилаб ўқиш керак!» дейди Отабек. «Шеърлардан бошини кўтармайдир, гўёки китобга михланган... Нигоҳи китобга қадалган Отабек кушлар каби латиф, товуш чиқармаслик қилиб гилам устида одимлаган малакнинг хонага кириб келганини ҳам сезмайди. — Фузулий яхши китоб, — дейди Кумуш, — мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим...»

Мен бу лавҳа билан илк дафъа танишган чоғларимда Фузулий қандай шоир эканини ҳам, шеърларининг «таъм»ини ҳам билмас эдим. Шуни айтиш керакки, «Ўткан кунлар» романини ўқиганимда, Отабек икки ўлмас асарга қизиқишимга сабаб бўлган. Биринчиси — Фузулий девони, иккинчиси — «Бобурнома». Ҳозиргача шу китобларни қўлимга олсам, беихтиёр Отабекни эслайман. Унинг «Фузулийни яхшилаб ўқиш керак», деган таъкиди замирида нималар яширинганини чуқурроқ тушунаётгандай бўлман. Баъзан «Бобурнома»ни Отабекка ўхшаб мутолаа қила олгувчи ва англаувчи йигитларимиз борми, деган сўроқ кўнгилдан кечади. Кумушни айтмайсизми? Унинг «Фузулий яхши китоб...» деган самимий эътирофи ўшандаёқ хотирамда ўрнашиб қолган. Мен гоҳ «Отабек Фузулийнинг қайси шеърларидан шарҳи ҳолини топган? Фузулий-

нинг қайси байтлари Отабек жонига ўт ёққан? Ёки Қўлуш-ни Фузулийнинг қайси ғазаллари ўзига мафтун айлаган?» деган саволларга жавоб излагандай бўламан. Эҳтимол, Отабек Фузулийнинг шеърларидан кўра ҳам «Лайли ва Мажнун» достонини кўнглига яқин олгандир. Масалан:

*Фузулий ҳар замон бир таън ила бағрим қилурсан қон,  
Ажаб билмасмисанким, ишқдин кечмак эмас осон.  
Билурсан душмишам бир дарда ким, йўқтур анга дармон,  
Бу етмасмики, бир дард орттирарсан дардима сен ҳам, —*

сатрларини ўқиб, Фузулий билан дардлашгандир.

Атоқли адабиётшунос, адиб ва моҳир таржимон Тўхта-син Жалилов «Фузулий девони»га сўзбошисида ёзади: «Менинг назаримда, Фузулийнинг ақл-идроки, мушоҳа-да кучи, нафосат ҳисси, шоирлик истеъдоди бениҳоя зўр бўлиб, ундаги бу фазилатларни тўғри талқин қилиш учун яна бир Фузулий керак». Ҳақ гап! Барча даҳо санъаткорларга ўхшаб, Фузулийни англаш, у яратган нафосат ва гўзаллик оламига кириш осон иш эмас. Бу-нинг учун ўткир идрок ва қобилият, алоҳида кунт ва меҳнат зарур. Бунга эса ҳар кимнинг ҳам руҳоний қув-вати, мушоҳада имконияти етавермаган. Айни шу ҳолат Фузулийнинг ўзи томонидан ҳам қўзғатилган. Шоир шеър-ларидан бирида киноя ила:

*Бу диёр ичра халқдан ҳаргиз  
Мана бир шафқату иноят йўқ.  
Ёки бу қавм маърифатсиздир,  
Ёки ҳеч манда қобилият йўқ, —*

дея бежиз ёзмаган.

Юқорида қайд этилганидек, Фузулий том маъноси ила руҳоният шоири. Унинг дарду аламлари аслида руҳнинг шавк ва шодликларидир. Фузулий шеърларида руҳ билан кўнгил гўё Сирнинг «хаммоли»дир. Бу икки унсур — ишқ ва гўзалликнинг жавҳари. Улар барча олий хусусият-ларни ўзида мужассамлантирган бир Сирдан сизга хабар етказади. Аммо маъно томонидан бу Сирнинг сирларини очмайди. Сир бор жойда сеҳр ва сеҳркорлик ҳам бўлади. Шунинг учун Фузулийнинг санъаткорлигини баҳолашда оддий шеърхон эмас, олим ва тадқиқотчилар ҳам «сеҳр-кор» сўзини қайта-қайта тилга олишга мажбур бўлган. Ҳолбуки, С.Ализода тўғри эътироз билдирганидек, Фузу-лий сеҳркор эмас. У шеърларини қалб қони, юксак зақоси, кўз нури, туғма истеъдоди билан яратган. Буни муносиб

тарзда баҳолай олмай, чорасизликдан «сехр» сўзига ёпишиб, шоирнинг ўзини эса «ажойиб услуб сохиби» деб таърифлаган замондошларидан у норози бўлганлиги табиий».

Шу сабабдан шоир гўё масаланинг моҳиятига аниқлик киритади:

*Қадрсиздир бизим вилоятда  
Руха шодлик веран гўзал ашъор.  
Инжадур шеъримиз, не фойда?  
Ҳарза сўйлар уна бу аҳли диёр.*

Хуллас, Фузулий шеърлари «руҳа шодлик веран гўзал ашъор»дир. Шу боис ўзбек халқи Фузулийни ўз шоири сифатида эъзозлаб келади. Кўпдан-кўп шоирларимиз унинг ижодидан сабоқ олиб, ғазалларига назира ва мухаммаслар битган. Туркий тилнинг равнақи ва шу тилда сўзлашувчи халқларнинг маънавий-руҳий бирлигини таъминлашда Фузулийнинг хизмати бекиёс.

Фузулий: «Келинг, эй аҳли ҳақиқат, кетайлик дунёдан», деган мазмундаги мисра билан бошланадиган форсий шеърида шеърхонни ҳақиқат оламга чорлайди. Бизнинг бу дунёда кўрганларимиз, ҳаётда билганларимиз ҳақиқат эмас, унинг сояси — кичик ва қусурли парчалари, холос. Ҳақиқат шунчалик муҳташам, шунчалик салобатлики, дунё уни бутун борлиғи билан на сиғдира, на акс эттира олади. Шунинг учун ҳам у қусурли. Шунинг учун ҳам аҳли дунё алдоқчи ва ҳаддан ташқари турланиб тусланишга мойил — унда ноқислик кўп. Ҳақиқат олами эса ўзга бир дунё. Унда камчиликка ўрин бўлмагани учун ёвузлик ҳам йўқ. Инсон ана шу оламга етиша олса, барча азоб ва изтироблардан халос бўлади, абадий саодатга эришади. Фузулий худди шу олам ҳақида сўзлаётир. Бу фикрни ўлимга ёки дунёдан воз кечишга чорлаш дея тушуниш тўғри эмас. Инсон бу дунёда яшаб ҳам олий ҳақиқат нуридан баҳраманд бўла олади.

Фузулий шеърияти — дунёнинг муваққат ва фоний «ҳақиқат»ларидан холи соф санъат. Бу софликка шоир энг маънили ва ҳаёлий фикрларни, нозик ҳис ва латиф туйғуларни пайванд қилиш, ҳаёт ва инсон ҳақидаги тегаран фалсафий хулосаларни самимий эҳтирос ила тасвирлаш орқали эришган. У «Анисул қалб» қасидасида «Сен эй, сўз дилбарина зевар веран инсон, либоси маърифатдин қилмағил маҳрум у жонони», дейди. «Сўз дилбарига маърифат либоси» ила зийнат берган Фузулий шеърияти боқийдир.

# Ҳақиқат ва абадият

## 1

Ҳар бир улуғ шоирнинг дунёга келиши алоҳида ҳодиса. Алоҳидалиги шундаки, чин шоир ижодиёти миллат маънавий ҳаётида янги ўзгаришлар, тафаккурда эса юксалишлар пайдо этади. Шунингдек, ҳақиқий шоир ҳар қандай шароитда ҳам халқининг ишончларини оқлаш билан бир қаторда, унинг қалб таянчи бўла олади. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, халқ қийин аҳволда қолгани замон Мавлоно Жалолиддин Румийга мурожаат қилар, ундан ёрдам ва тасалли истар экан. Бир кун ҳунармандлар ҳақсизлик ва зулмдан шикоят этишганда Мавлоно: «Қассоб итни сўйганини ҳеч кўрганмисиз, албатта, у қўйни сўяр», деган эканлар. Жалолиддин Румий энг таҳликали вақтларда ҳам меҳнаткаш халқдан ажралмаган, ўзини асло четга тортмаган. Масалан, мўғул лашкарбошиси Бойчу қўшинларининг Кўнё чеғарасига яқинлашиши билан ҳукуматдан умидини узган халқ Мавлононинг хузурига интилишган. Румий ҳазратлари ўша кеча бола-чақани ташлаб бир ўзлари мўғул лашкарбошиси қароргоҳининг ёнидаги бир тепаликка бориб, босқинчилар аҳволини кузатиб, шу тепаликда тонг оттирмишлар. Азонда Кўнёга қайтиб, халойиққа қўрқмаслик ва ҳеч нима бўлмаслигини билдирганлар.

Меҳнаткаш ва заҳматкаш элга яқинлик, оддий кишилар қисмати учун чин дилдан куйиниш ва ўзини фавқуллодда масъул сезишда Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз замонасининг Румийси, Навойиси эди, деса асло хато бўлмайди. Огаҳийнинг юрак-бағрини ёндирган азоблар — иқтисодий аҳволи ночор, чорасизликни чора ўрнида кўришдан бошқа имкони йўқ кишиларнинг азоб-укубатлари эди. Эҳтимол ана шунинг учун мутафаккир шоир: «Улуска олам ичра ҳосил этмоқ нон эмас осон», дея маҳзун ҳаёллар гирдобида қолгандир. Эҳтимол, шунинг учун қиш шиддатидан тану жони титраган йўқсилларнинг холига ачиниб мана бу сатрларни битган:

*Ул гадо ҳолига раҳм эт ганиким, кечалар  
Қочуруб уйқусин, айлар дийдасин гирён совуқ.*

*Эски тўн, кўҳна пўстиндин таваққуфсиз ўтуб,  
Барча аззони қилиб суст, этти қасди жон совуқ.*

Огаҳий чин маъноси ила миллатсевар санъаткор. Унинг қалбида қулоч ёзган миллий ҳислар ниҳоятда тоза ва самимий, дард ва изтироблари ҳаётий. Фикрлари тарихий илдишлардан ажралмаган маърифатдан тугилгандир. Огаҳийда улуг ватандоши Нажмиддин Куброга яқинлаштирадиган орифлик шавқи ва салоҳияти бор. Огаҳий шахсиятида унинг Паҳлавон Махмудга ворислигини тасдиқловчи жавонмардлик фазилатлари шаклланган. Масалан, шоирнинг:

*Химмат агар баланд эса бевахм қилгуси,  
Мўри заиф шери жиён бирла ихтилот, —*

деган фикрлари Паҳлавон Махмуднинг «Гар дар сафи мо мўрчаи гирад жой, Он мўрча шер гардад аз давлати мо» («Агар сафимиздан чумоли ўрин олса, ул чумоли бизнинг давлатимиздан шерга айланади») сатрларида ифодаланган ҳақиқатнинг давомига ўхшаб кўриниши тасодифий эмас.

*Кўп ўлма зоҳир аро, Огаҳий, кел ботинингни туз  
Ки, ботин тузган элнинг оллида бекор хилъатдур.*

Бу гапни «пашмина кийган софдил донолар»нинг доноси Нажмиддин Кубро ёки Паҳлавон Махмуд танлаган йўлга бир даъват сифатида қабул қилса хато бўлмайди.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуфнинг ўн асоси изохланган машҳур «Усули ашара» рисоласида шундай сўзлар бор: «Вужуднинг султони рухдир, султонга тобе бўлиш ва эрку ихтиёрни унга топшириш вужудга макбул келмас. Қалбнинг ҳақ йўлдан бошқа бир йўлга йўналиш хасталигини юзага чиқарувчи ёмон ҳулқлар эса жаҳолат, зикналик, қўрқоқлик, мунофиқлик, фитнакорлик, кибр, худбинлик, жиззакилик, манманлик, молпарастлик, мартаба севгиси кабилардурки, булардан жаҳаннам эшиги очилур». Огаҳий учун ҳам вужуднинг султони рух эди. Шоир «Ё Раб, мени нафс бандидан айла халос» ёки «Рухимни ҳамиша нафсга ғолиб эт», дея илтижолар қилганда айнан рух ҳукмронлигини назарда тутган. Нажмиддин Кубро жаҳаннам эшигининг «очқичи» ўлароқ тилга олган бирор бир ахлоқий тубанлик йўқки, Огаҳий уларни қоралаб сатрлар битмаган бўлсин. Унингча, худбинлик, ҳатто кофирликдан ҳам ёмон:

*Кибру нахватдур батар инсонга кифру ширкдин,  
Кофир ўлсанг ўл ва лек бўлма худбин, эй кўнгул.*

Шоирнинг эътирофича, нодонлик билан ҳайвонлик бир нарса: «Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур». Дунёдаги энг бадбахт одамга эса бундай таъриф берилган:

*Бори оламнинг шуму бадбахти ул одамдур  
Ки, бухлу, хассату, кибру ҳасад ондин бўлур воқиф.*

Огаҳий анъанавий ишқ мавзуида қалам тебратган шоир. У ҳаёт, тириклик ва гўзаллик мазмунини шу ишқдан ахтарган ва топган. У ишқ ва муҳаббат завқини — инсонни севиш, инсонга меҳр кўрсатишда деб билган. Ва шу маънода кўрган, билган ҳақиқатларини хилма-хил оҳангларда шеърларида акс эттирган. Шу ишқ унинг қалбини илоҳий ва самовий ҳисларга ошно айлаган. Ана шунда у илоҳий сирлар билан чуқурроқ қизиққан ва табиий равишда аҳли ҳақиқат дунёсига юз бурган:

*Огаҳий жаҳд эт мусоҳиб бўл ҳақиқат аҳлига,  
Тобакай бўлгай мажоз аҳли била улфат санга.*

Албатта, шоир бунда «риёу ужб бирла» «ғайб сирларидин» дам урган зоҳид ва қуруқ таквою ибодатдан қалби қуриган даъво аҳлининг фирибларига алданмаган. Аксинча, уларни муросасиз фикрлар билан фош айлаган:

*Палчиқ ўлмиш зоҳид атрофи риё ашки била,  
Бир эшакдекким ботиб йўл тобмагай бутроқ аро.*

Огаҳий бир ғазалида «Гар файзи маъни истасанг дарвешлардин истагил», дейди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш лозимга ўхшайди. Гап Огаҳийнинг тасаввуфга муносабати ҳақида бораётир. Ўзбек адабиётида ўзини тасаввуфга руҳан яқин сезмаган ижодкорни учратиш қийин. Шунга қарамасдан, уларнинг барчасини сўфий ёки мутасаввиф шоир деб бўлмайди. Маълумки, тариқатнинг маъноларидан бири, солиқнинг буюк машойихлардан бирига тобе бўлган тасаввуфий жамоа учун жорий этилган қонун-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда яшашидир. Бошқа бир маъноси эса шундай жамоалардан бирига тегишли одоб ва маросимлар мажмуаси ҳисобланади. Аммо тариқат калимасининг нисбатан кенг, умумийликни ифодалайдиган бошқа маъноси ҳам бор. Бу ҳақида Абул Аъло Афибий бундай дейди:



«Қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, Оллоҳга томон сулук айлаган кишининг рухий ҳаёти тариқат эрур. Бунда солиқнинг қайси бир сўфийлик тариқатига мансуб ёки бирор бир шайхга тобе ва тобе эмаслиги муҳим эмасдир. Тариқат у маънода, сўзнинг тўла мазмуни ила ягона эрур. Чунки Оллоҳга сулук қилгувчи ҳар инсоннинг ўзига хос шахсий ҳаёти ва ўз бошича яшовчи бир рухий олами бордир». Огаҳий шеърларида ифодасини топган тарки дунё, факру фано, таваккул, сабр, узлат сингари тасаввуфий ҳақиқатлар ҳақида гапирилганда шоирнинг ўзига хос шахсий ҳаёти ва рухий олами назарда тутилмоғи шарт. Чунки Огаҳийни на назарий тасаввуф, на тасаввуфнинг ойин ва арконлари қизиқтирмаган. Унинг диққатини ишқ ва жазбага асосланган таассурий, яъни рухий тасаввуф ўзига жалб этган. Мана, узлат масаласини олайлик. Узлат — юксак бир мақсад ила ихтиёрий ёлғизланиш демак. Узлат эҳтиёжи — Ҳақ ва ҳақиқатга яқинлашиш иштиёқининг кучайишидан юзага чиқади. Инсон хилват бир гўшага чекинаркан, албатта, фикр, мушоҳада, ҳол ҳузурига эришишни кўзламоғи шарт. Акс тарзда узлат халқдан ва Ҳақдан ажралишдан бошқа бир маъно касб этмайди. Бундай танҳолик эса одамни наинки ички қийноқ ва қийинчиликларга, балки зоҳирий азоб ва кулфатларга ҳам гирифтор этади. Умуман, инсонни маҳбусга тенглаштирадиган ёлғизлик ҳавас қиладиган ҳолат ёки қисмат эмас. Огаҳий:

*Агар бу эрур ёлғизлик гамиким мен чекибдурман,  
Илоҳи бўлмасин олам аро куфр аҳли ҳам ёлғиз, —*

деб бежиз оҳ чекмаган. Аммо ишқ ва ирфон йўлига чорлайдиган ва шу йўл сирларини кашф айлаш гўшаси бўлмиш узлат руҳ ва қалб тарбияси учун алоҳида аҳамиятга эга. Нажмиддин Кубронинг айтишича, узлат икки тарзда амалга оширилур. Биринчиси, вужудла амалга ошириладиган муридларнинг хилвати. Иккинчиси, қалбла адо этиладиган муҳаққиқларнинг узлати. Зеро, «Муҳаққиқларнинг қалбларида Ҳақ ишқи ва илоҳий илмдан бошқа ҳеч нима йўқдир». Огаҳий ҳам қалбга жило ва жонга роҳат етказувчи узлатни ёқлайди. Шоирнинг узлат талқинига бағишланган бир ғазалида кўнгилга мурожаат қилиб, мана бундай дейиши ҳам бежиз эмас эди:

*Эй кўнгул, халойиқдан қатъи банди улфат қил,  
Жонга истасанг роҳат, ихтиёри узлат қил.*

Унингча, узлат шундай бир нажот манзилдирки, унда тавба ва надомат ила нафсни мағлуб қилиш мумкин:

*Нафсга бўлуб тобиъ қочмадинг маноҳидин,  
Энди шарм этиб майл тавбау надомат қил.*

Бу риёзат эса ўткинчи ва шайтоний қувончларнинг илдизини қуритишга қодир:

*Шодлигдур хилват ичра гам била хўй айламак,  
Тарк этиб ул рутбани бўлма гадоийи шодлиг.*

Шоир хилватга чорловчи бошқа бир байтда: «Сен хилват ичра бандалик туфроғига бош қўйгилу, аммо улус остонангда гулу қилганда ҳам мағрурланма», деган фикр-ни илгари сурди:

*Қўй бошингни хилват ичра бандалик туфроғига,  
Фарра бўлма гар жанобингда улус қилса гулу.*

Ҳеч, шубҳасизки, узлат улусдан қочиш, яъни фирор холини кучайтиради. Аммо барибир узлат моҳиятини тор ва бир ёқлама тушунмаслик керак. Инсон ишқидан бутунлай ажралиб қолмаган мутасаввифлар зукко, до-нишманд, хосиятли зотлардан йироқлашувни катта бир маънавий йўқотиш деб билишган. Уларнинг бу хусусда-ги фикр-қарашларини ифодалаб, Шаҳобиддин Сухравардий мана нима деб ёзади: «Инсонлардан йироқлашиб хилватда яшамоқ, ахли шарр ва бадахлоқ кишиларга нисбатан гўзалдир. Илм ахли, тарбия кўрган вафоли ва гўзал ахлоқ соҳибларига яқин бўлиш эса фаниматдур. Бундай кишилар билан унсият Оллоҳ ила унсиятга ва-сила эрур. Шунингдек, бундай кишиларни севмак — Оллоҳни севмак демак» («Аворифул маориф», 337-бет).

Огахийда бир байт бор:

*Одам эрсанг босма густохона туфроқники, ул  
Сарбасар огишта ажсоми бани одам била.*

Одам фарзандларининг жасадлари дафн қилинганли-ги учун туфроқ узра қадам босганда андиша ва одобни унутмасликка даъват қилган шоирнинг тирикларга меҳ-ри қандай бўлганлигини тасаввур этса бўлади. Аммо шу билан бирга Огахий ҳаётга юзаки қарайдиган, инсонни китобий гуманизм билан улуғлашга мойил ижодкор ҳам эмасди. У ўзининг девони дебочасида:

*Етурдим ҳар жамоатга ўзимни,  
Очиб ибрат била ҳар ён кўзимни.  
Борининг ҳолидин бўлдим хабардор,  
Аён кўнглумга бўлди барча асрор, —*

дейди. Шоир чиндан ҳам «ҳар жамоат»нинг феъл-атворини ниҳоятда яхши билар, инсон табиатига хос раҳмоний фазилатлар нимаю, шайтоний ва ҳайвоний хусусиятлар нима — булардан мукамал хабардор эди. Айни пайтда тасаввуф маслаги ва тасаввуфий қарашлар инсон тақдирига дахлдор кўп чигалликларни ечишда унга яқиндан ёрдам берарди.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс»да Шайх Абул Ҳасан Али Шозалийнинг шундай сўзларини нақл этган: «Ҳазрати Пайғамбаримизни тушимда кўрдим. Менга «Эй Али, либосингни покиза тутғилки, ҳар нарсада Оллоҳ мададига етишурсен», дедилар. Мен эса, «Эй Оллохнинг расули, менинг либосимдан мақсад недур?» деб сўрадим. Дедилар: «Улуғ Оллоҳ сенга муҳаббат, маърифат, тавҳид, иймон ва исломдан иборат беш хилъат кийдиришиш...» Либос воситасида шунга ўхшаш ҳақиқатларни назарда тутиш ёки илгари суриш жавонмардлик маслаги учун ҳам хос бўлган. Агар масаланинг шу жихати инобатга олинмаса Паҳлавон Маҳмуднинг:

*Дар кўҳнаги либоси худ айб нест,  
Айб дигар, онки дар либос аст, бадаст,*

яъни: сендаги кийимнинг эскилиги айб эмас, айб бошқа — у либосда бўлса ёмон, деган гапидаги иккинчи «либос»нинг ҳақиқати очилмай қолаверади. Демокчимизки, Огаҳий ҳам хилъатга махсус ғазал бағишлаб:

*Не тонг бисёр агар васф айласам покиза хилъатни  
Ки, букун мужиби иззат манга бисёр хилъатдур, —*

деганда ишқ ва маърифат, сидқ ва комилликни кўзда тутгандир.

Огаҳий ирфоний маъно ва ҳақиқатлардан баҳс юритганда ҳеч вақт ўзининг илоҳий идрок имтиёзидан четга чиқмайди. Илоҳий ишқ сирларини кашф айлаш билан ғайб асрорларидан лоф уриш орасида катта фарқ сезганлиги учун ҳам у:

*Неча доно эсанг ҳам урма ғайб асроридин дам,  
Онинг фикрида ожиз юз Арасту минг Филотундир, —*

дейди. Огахийни тасаввуфга қизиқтирган «майдон», энг аввало, гўзал ахлоқ ва ахлоқ гўзаллигини юзага чиқарадиган ҳалимлик, тавозе, карам, сабр, хоксорлик, қаноат каби фазилатлардир. Унингча:

*Етушгай тезроқ мақсуд сарҳаддига ул солиқ  
Ки, манзилгаҳи онинг авжи кўҳсори қаноатдур.*

Қаноат кишини мақсад чегарасига тезроқ етказса, тафаккур ва маънибинлик янада юқори мақомга кўтареди:

*Камол аҳли аро, албатта, топгай рутбаи олий,  
Маоний касбида ҳар кимсаким қилди ҳунар ихлос.*

«Маоний касби»га бевосита дахлдор бир «тармоқ» борки, Огахий унга алоҳида аҳамият берган. Имом Раббоний инсоннинг ўз ожизликлари ва кусурларини билишни «абдият ва убудият» мақомига етказувчи бир илм сифатида баҳолайди. Унга кўра, ажздаги қудрат ва нажот маърифатдан ортиқ бўлса бордурки, кам эмас. Имом Раббоний ёзади: «Агар маърифатга тенг ажз ҳам бўлса эди, бутун жоҳиллар ирфон соҳибига айланардилар ва уларнинг жаҳолатлари ҳам комилликларига сабаб бўлурди... Ҳар кимда маърифатга нисбатан ажз ҳоли кўп устун бўлса, ирфон соҳиби ўлароқ маърифий ишларда ҳам у устун эрур». Огахий ушбу ҳақиқатни шу даражада теран билган, ҳатто маърифатга нисбатан ажз ҳолини баланд кўтара олганлиги туфайли ҳам фаҳр ила:

*Мартабаи уружимиз ажз ила ўйла тутти авж,  
Ким бўла олмагай етти чарх губори роҳимиз, —*

дейди. Шоир инсонни «ходисоти даҳр» зиёнларидан халос этувчи энг олий кенглик — бу «ажз мулки» деб билади:

*Кирғил васиъ ер тиласанг ажз мулкига,  
Ким бир камина қусур дурур осмон анга.*

Огахийнинг фақру фано маслагига кучли рағбати ва ғазалларида фақру фано тўғрисида қайта-қайта тўхталишининг туб асоси айнан шу ажз ҳолига бориб тақалади. У «Гўшаи ажзу масканат туфроғи тахту тожимиз», дея билганлиги учун ҳам «фақр базми» мазмунини бошқача изоҳлайди:

*Олами фақр базмида жоми сабуҳи ичкали,  
Субҳи сафидимиз эрур бизга шаби сиёҳимиз.*

Огаҳий дунёқараши чегаралари ва тамалларини аниқлаш осон эмас. Унинг диний-илоҳий фикр-қарашлари исломий тушунчалар, айникса, Куръони карим таъсирида шаклланганлиги шубҳасиз. Огаҳийнинг тасаввуфий дунё билан боғланиши Нажмиддин Кубро тариқиға, балки ундан ҳам олдинға узайиб борар. Огаҳий Алишер Навоийнинг шеърятдаги йўлини давом эттирган энг содик издош ва энг талантили шогирддир. Унинг: «Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво, Баҳра гар йўктур Навоийнинг навосидан санға», дейиши шогирдлик эътиқоди ва эҳтиромининг самимий ифодаси эди. Хуллас, Огаҳий ўзининг бетимсол шеъряттида Шарқнинг Низомий, Насимий, Саъдий, Жомий, Бобур, Фузулий каби улуғ санъаткорларининг тажрибаларини катта маҳорат ила умумлаштирган ва ўзидан кейинги шоирларға йўл кўрсатган даҳо шоир эди. Машхур турк олими Муҳаммад Фуод Кўпрулининг «Мансур асарларини худди Мунисға ўхшаб гўзал ва таъсирбахш бир услубда яратган Огаҳий ўрни-ўрни ила уларни манзум парчалар ила безашда амакисидан анча ўзиб кетганди. Назм хунариға тамомила ҳоким, қудратли бир шоир бўлган Огаҳий ишқ ва май ҳақидаги асарларида бошқа «Шохнома» тарзида жанг воқеаларини тасвирловчи шеърлар ёзишда ҳам моҳир эканлигини намоиш қила олгандир», дейиши асосиз эмасдир.

Бу гапларни айтишдан мақсад — битта. Огаҳий тасаввуф шоири эмас, тасаввуфнинг муҳиби. У тасаввуфий ҳаёт гўзаллиги ва ҳақиқатларига муҳиб назари билан қараган. У нафс ва ахлоқни поклаш, қалб ва руҳни камолға етказиш, ишқ ва жазба завқиға етишишда тасаввуф таълимоти ва кўрсатмаларига суянган. Лекин ҳеч қачон шеърни тасаввуфий ақида ёки куруқ насихатлар тарғибиға айлантирмаган. Огаҳийнинг шеърятти — тасаввуфий билан алоқадор шеърят. Аммо бу алоқадорлик тамойилларини кўрсатишда ҳеч бир маънода маҳдудликка йўл қўймаслик лозим.

## 2

Муҳаммад Фузулий бир шеърида:

*Шеър бир зевардур, аммо биз каби ноқисларға,  
Улки комилдур, уни муҳтожи зевар этмаиши, —*

дейди. Фузулийнинг нуқтаи назарига кўра, «ноқислар шеърға муҳтож» дурки, «шеър ноқисни комил» айлар.

Унингча, Оллоҳу таоло шеърга муносабатда пайғамбар билан уммати орасида фарқ пайдо этиб, пайғамбар комил бўлганлиги учун ҳам Оллоҳ унга шеър ўргатишни лозим кўрмаган. Оддий инсон эса ноқис ва камчиликлардан холи бўлмаганлиги боис шеърга мухтожлик сезиб яшайди. Шеър ўқиб, шеър зиёси ила руҳини мунаввар айлаб, камолот мақомларига юксалишга ҳаракат қилади. Шарқда шеъриятга алоҳида аҳамият берилиши ва шеър кучига фавқуллода ишонч ила қаралишининг туб сабабларидан биттаси мана шу. Шунинг учун шеър асрлар мобайнида фақат инсон руҳи, қалби ва тафаккурининг эмас, балки ахлоқининг кўзгуси ўлароқ қадрланиб келади.

«Холик», «Махлук», «Халқ», «Хулқ», «Ахлоқ» — бу калималар моҳиятан бир-бири билан боғлиқ. Бу сўзларнинг яралишини ҳам, мазмун-моҳиятини ҳам биридан ажратиб бўлмайди. «Хулқ» ёки «Ахлоқ» десангиз, беихтиёр «Халқ» ё «Махлук» сўзи ёдга тушади. «Халқ» ҳақида ўйлаганда, албатта, «Холик» хотирга келади.

«Ахлоқ» хулқ сўзининг кўплиги бўлиб, шахсий ва ижтимоий ҳодисадир. Ахлоқ дейилганда инсонга хос хулқ, хусусият ва хислатлар англашилади.

Ҳар бир шахс ахлоқи ўша шахс ички ҳаётининг бир ойнаси. Чунки ахлоқнинг илдизи инсоннинг ичида. Инсоннинг ботини тузалмагунча ахлоқи тузалмайди. Ахлоқ ичда ва ичдан шаклланиб камол топмас экан, ҳеч қачон жамият ҳаёти учун фойда етказадиган ижтимоий куч ёки ходисага айланмайди. Зеро, жамият, муҳит, замон ва давр кулфатлари оқибатда ахлоқ ноқислиги ва ахлоқий емирилишларга бориб тақалади. Ахлоқан кучсизланган миллат ўзини-ўзи ожизлик ва забунликка маҳкум қилади. Ахлоқий эркини муҳофаза эта билмаган халқ — инсонлик ғурури ва шарафини амалда ҳимоя қилолмайдиган оломон. Адолат, диёнат, шижоат, ҳуррият, хуллас, халқ ҳаёти учун сув билан ҳаводай зарур қандай фазилат ёки тушунчалар бўлса, ҳамма-ҳаммасининг асоси ахлоқ. Шунинг учун улкан санъаткор борки, жамиятда кўзга ташланган ахлоқий иллатларга ўз муносабатини билдирган. Муҳаммад Ризо Огаҳий фазалларидан бирида:

*Оҳким, аҳли замон оллида одам ул дурур,  
Ким эса ҳайвон каби нодону хўрду хоблиг, —*

дейди. Ҳайвонсифатликнинг кадр топиши ва ҳайвонтаъб кимсаларнинг «аҳли замон» томонидан эъзозланиши шун-

чаки ҳодиса эмас. Бу — ахлоқий, маънавий кадриятларнинг кадрсизланиши эди. Бу — моддиётга таянган қўпол, шафқатсиз кучнинг ақлу донишдан устун келиши демак. Бу — руҳдан йироқлашиб, нафсга таслимиятдурки, Огаҳий ахлоқий таназулдан қутулишнинг бош чорасини кўрсатиб дейди:

*Бегона қил гар одам эсанг ўзни нафсдин,  
Ихлос ила мудом ўлубон ошноий руҳ.*

Огаҳий фикр қамрови жуда кенг, мушоҳада иқтидори ўткир, табиатан хоксор, руҳан бедор ва огоҳ шоирдир. Унинг руҳий олами ҳақиқатга таянади. Шоир назарида бу олам кўхна бир «хасратхона». Барча улуг шоирлардагидек, Огаҳийда ҳам дард ва хасрат кўп. У ошиқ сифатида толеъсизлиги, замоннинг кажрафторлиги, одамларнинг оқибатсизлиги ва бағритошлиги, адолатнинг қўли қисқалиги, доно ва оқилларнинг хор-зорлиги — хуллас, кўп нарсалардан хасрат чекади, қалби дардга тўлганлигидан зорланади. Лекин Огаҳийда хасратга, кулфат ва ғуссага куллик йўқ, аксинча, хасрат унинг маслагига тобе, ғусса унинг идрок ва хиссиётига қарамдир. Чунки Огаҳийда тафаккур тахайюл мақоми баланд. У хаёлнинг кенглигига қанча ишонса, фикрнинг куч-қуввати ҳам ўшанча инонади, ботинан тўхтаб қолмаслик ва янги-ланиб боришни нозик идрок этади. Самовий хиссиётларга эрк бериш фурсатларини назардан соқит қилмайди. Унинг:

*Огаҳий жаҳд эт, мусоҳиб бўл ҳақиқат аҳлига,  
Тобакай бўлгай мажоз аҳли била улфат санга, —*

деган фикрлари ҳам айни шу эҳтиёждан туғилгандир.

Мана шу ва бошқа бир қатор сабабларга кўра Огаҳийнинг фикр-қарашларида на бир зўракилик, на бир куруқлик, ва на бир маҳдудлик йўқ. Шунинг учун Огаҳий руҳ ва тахайюл кучига ишонган санъаткор сифатида воқелик билан юзма-юз туриб баҳслашишдан чўчимайди. Яъни «Хар тоифанинг ҳолиға лойиқ ва хар жамоанинг афъолиға мувофиқ» сўз айтиш салоҳиятини намойиш эта олади. Бунда у хусусан Алишер Навоий тажрибалари ва ижодий анъаналаридан теран таъсирланган.

Бадий сўзнинг тақдирини ҳам, тарихини ҳам ижодкор ҳал қилади. Зеро, истеъдод билан яратилган шеърнинг қисмати ибратли ва умри боқийдир. Бундай шеър вақт ва замон чегарасини писанд қилмайди ва дунёнинг

энг мухим муаммоларини англаш ва ечишда мавжуд воқеликка ҳеч пайт юза қарамаслик ва алданмасликка ўрғатади. Инсон ғамдан чўчийди, кўпинча ғамдан қочишга ҳаракат қилади. Ҳолбуки, ғам-ғуссага қараганда инсон умрини кўпроқ сохта қувонч, аҳли тасаввуф таъбири билан айтганда, макрух шодликлар кемиради ва хароб айлайди. Огаҳий бир ғазалида худди шу масалага диққатни жалб этади ва нафсоний шодлик сеҳрига берилмаслик ҳамда ўткинчи шодликлардан алданмасликка чорлаб, шеър ниҳоясида ёзади:

*Шодлиг ҳирси балоларга солибдур борчани,  
Воқиф ўл, эй Огаҳий, чекма балойи шодлиг.*

Бу гап қарийб юз етмиш йил муқаддам айтилган. Лекин «шодлиг ҳирси» хануз инсон фарзандини балоларга гирифтор этиб келади.

Инсон хануз сохта шодликка ўч, хануз у ясама шодликларга алданиб яшайди. Демак, Огаҳийнинг огоҳлантиришлари халигича маъно қимматини сақлаб қола билган.

Бизнинг назаримизда, шоирнинг:

*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,  
Икки олами обрўйин ҳосил эткай шоҳлар, —*

байти билан бошланадиган ғазали ҳар бир авлод қайта-қайта ўқийдиган ва ўзича мулоҳаза юритадиган шеърдир.

Ўзини таниган, ўзининг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилишга қодир одам борки, «мулку миллат» тақдир ва келажагига бефарқ бўла олмайди. Шунда у истасин-истамасин, юрти ва миллати учун кўнгиладан маълум бир масъуллик сезади. Миллат борки, давлат ва ҳокимият бўлади. Ҳокимият ва салтанат мавжуд экан, унинг тепасида ҳукмдор, ҳукмдор атрофида эса амалдорлар бўлмоғи шарт. Инсониятнинг энг олий орзуларидан бири — бу одил шох орзусидир. Башарият асрлар мобайнида адолатли, эркин ва маърифатли жамият ҳақидаги орзу-умидларини, биринчи галда, одил шох тимсолида тасаввур этиб келган. Шу орзу эҳтиёжи ила қанчадан-қанча шеърӣ ва насрий асарлар ёзилган. Замонасининг пешқадам фарзанди ва ижодкори бўлган Огаҳий ҳам шу масалада кўп бош қотирган. Бироқ ҳаёл ва орзу — бошқа, ҳаёт бошқа. Ҳаёт гоҳо шундай шафқатсизки, у ҳар қандай юксак орзу ва истакнинг қанотларини ҳам



қайриб ташлаши мумкин. Аммо шунда ҳам у ҳақпараст шоирни адолатдан зулмининг қўли устун бўлмоғига иқрор эта олмайди.

Огаҳийнинг ғазали «Агар мулку миллатга ҳар жиҳатдан билағон, яъни огоҳ кишилар саркорлик қилсалар ва таянч бўлсалар, шоҳлар бу дунёнинг ҳам, у дунёнинг ҳам обрўйига мушарраф бўлурлар», деган насихатнамо бир истак билан бошланади. Айни пайтда шу байт ғазалнинг маъно йўналишини белгилаб беради. Яъни ғазалхон навбатдаги мисраларни ўқимасданок, шоир назарда тутган огоҳларга зид кимсалар тўғрисида гапирмоқчилигини дарҳол билади. Бироқ «мулку миллат» «юки»ни кўтаришга ожиз бу кимсалар кимлар эканлигини аниқ тасаввур эта олмайди. Шоир эса гўё шуни ҳисобга олгандай асл мақсадга кўчади:

*Ваҳ нечук маҳкам бўлур ул шоҳга давлат қасриким,  
Бўлмаса аркони онинг кўҳна давлатхоҳлар.*

Шоирнинг фикрича, «давлат қасри»нинг мустаҳкамлиги бевосита шоҳ ёнида «кўҳна давлатхоҳлар»нинг фаолият кўрсатишига боғлиқ. Ушбу фикр бир жиҳатдан эътироз кўзғатиши мумкин: нега энди амал курсиларини доимо «кўҳна давлатхоҳлар» эгаллаб туриши керак? Нега янгилианишни қаршилик билан қаршилаш лозим? Кейинги байт бундай эътирозли саволларга ўрин қолдирмайди. Чунончи: шоир олий мартабали доноларнинг ўринларини ҳиммати паст жоҳиллар эгаллаб олганидан норозидир:

*Пастҳиммат жоҳили навъ давлат ўлмас дастёр,  
Шоҳга лозимдур неча доноийи олий жоҳлар.*

«Амалида жаҳд ва ғайрат кўрсатмоқ — дейди Имом Ғаззолий, — зохирни ботинга, ботинни зохирга мувофиқлаштирмоқ эрур. Ташқи ҳаракат ичида йўқ бир фаолиятга далолат қилмаслиги, яъни қилинажак ҳар қандай иш тўла-тўқис хулқ ва кўнгулдан юзага чиқмоғи зарур...

Баъзи одамлар вазминлик ва виқор ичида юришсада, аслида ботинларида виқор ва доноликдан асар ҳам йўқдир. Бундайлар иш ва амалларида содиқ бўла олмаслар».

Огаҳий зоҳири ботинига, ботини эса зоҳирига мос келмайдиган кимсаларнинг давлат дастёри бўлганликларига қарши гапирмоқда. Бу фақат шоирнинг шахсий фикрлари эдими? Йўқ, албатта. Шоир шеърида ўз дав-

ридаги халқпарвар ва илғор тушунчали шахсларнинг фикр-қарашларини умумлаштирган, деса хато бўлмайди.

Шох ҳар қанча кучли, зийрак ва қаттиққўл бўлмасин, унинг атрофини жоҳил, калтабин, амалпараст кимсалар ўраб олса, салтанатнинг устувор қонунлари ўшанча кучсизланади. Баланд-баланд мансаб курсиларини қаллоб ҳам, қассоб ҳам, жувозкаш ҳам, аттор ҳам эгаллашига кенг имкон очилаверади. Огаҳий бу аччиқ ҳақиқатга кўпчиликнинг диққатини қаратиб дейди:

*Мулк умурининг низомин билгуси аҳли сипоҳ,  
Не билур ассорлар, атторлар, жўлоҳлар.*

Нақлга кўра, одил халифа Умар бин Абдулазиз машҳур шайх Ҳасан Басрийга мактуб йўллаб, «Оллоҳ амрида менга ёрдамчи бўла оладиган олимларни маълум қил-ғил», дебди. Басрий жавоб хатида демиш: «Чин олимлар сенинг ёнингда бўлмоғни истамайдилар. Дунёпараст ва шуҳратсевар олимларни сен хохламайсан. Сенга берадиган бир маслаҳатим шуки, насаб жихатидан шарафли бўлганларни излаб топ. Чунки улар ўз шарафларини хиёнат ила кирлатмаслар».

Огаҳий Ҳасан Басрийнинг насихат сўзларига яқин гапни шаърий тарзда акс эттираркан, шараф сохибларини арслонга, пасткаш ва тубан табиатли кишиларни ит жинсидан бир жонзотга қиёслайди:

*Истама арзолдин ашрофнинг афъолини,  
Ким қилá олмас ҳузбар эткан ишни рубоҳлар.*

Ана шундан сўнг шоир «рубоҳлар»нинг афъоли ва қилмишларини энг характерли чизгиларида кўрсатиб беради. Қизиги шундаки, Огаҳий ўз замонасидаги «жоҳилу худбин» амалдор қиёфасини очар экан, қанча давр, замон ўтмасин, бу қиёфанинг ичдан деярли ўзгармаслиги, истак ва интилишларининг айни зайлда давом топиши кишини бир қадар ҳайрон қолдиради. Шоир ёзади:

*Жоҳилу худбин кўра олмас ўзидин ўзгани,  
Лойиқи давлат эмасдур ҳар назар кўтоҳлар.*

Дунёда жоҳилу худбин, албатта, бисёр. Бундай кимсалар ўзича яшаб, кўпчиликнинг ҳаёт ва фаолиятларига аралаша олмайдиган пайтларда балки қўлларидан кўп иш келавермас. Аммо каттароқ мансабга лойиқ кўрилганда-чи. Улар ҳеч нарсадан қайтмайдиган ҳақиқий йиртқичга дўнишади. Ва энг фароғатли ишлари халқни

алдаш, талаш ва бойлик тўплаш бўлади. Ўғрилиқ, таъмагирлик, каззоблик ила йиғилган ҳаром бойликлар эса ҳашаматли ва нақшинкор кўшк-айвонлар тарзида қад ростлайди. Оддий меҳнаткашларнинг тинка-мадорини қуритадиган бундай воқеа-ҳодисаларга нисбатан халқдан ажралмаган ва жафокаш эл дарди билан яшаган шоир жим тура олмайди. Ҳазалдаги:

*Сарф этиб эл молин ўз нафси учун қилгай мудом,  
Зийнату тожу турнубу сиффаю бингоҳлар, —*

сўзларини айти шу маъноларда қабул этмоқ лозимдир.

Ҳазалнинг учинчи байтидан бошлаб шоир кетма-кет тазод усулини татбиқ қилади. Шу боис шеърхон ўзини икки қарама-қарши гуруҳ қуршовида тургандай ҳис этади. Чунончи: бир ёнда — «пастхиммат жоҳили навъ давлат»лар, иккинчи томонда — «доноий олиий жоҳлар». Бир тоифа давлат бошқаришнинг тартиб-интизомини пухта эгаллаган амалдорлар бўлса, иккинчиси — «ассорлар, атторлар, жўлоҳлар». Улардан бирлари шараф соҳиблари бўлса, бошқалари ўзидан ўзгани кўришга яроқсиз «назари кўтоҳ» жоҳилу худбинлар. Лекин бу зиддият мулк саҳнида кечаётган зиддият, қолаверса, бу зиддият огоҳ, доно ва ашрофларнинг эмас, ўз нафси учун ҳеч нимадан қайтмайдиган жоҳилу худбинлар фойдасига ҳал бўлаётир. Бас, шундай экан, бундай «давлатхона»да туришга ким чидайди? Огаҳий бу саволни ҳам жавобсиз қолдирмаган:

*Ўйла давлатхона тургоий нечук номуским,  
Бўлса соҳиб ихтиёр онда гулому доҳлар...*

Дарҳақиқат, нафс ва амал қулларига тобеликдан ортиқроқ номуссизлик бўлмайди. Ор-номуси баланд кишиларни ғурури паст, беномусликни номус деб ҳисоблайдиган кимсаларга қарам айлаш — халқ ва салтанат истиқболи учун энг зарарли ишларнинг зарарлисидир. Чунки мансаб ва мартаба учун одам танлаш муҳим. Ҳар нафасда турланиб, тусланишга тайёр, ақлу иродаси суст, маккор ижрочилар ҳамиша ва ҳамма замонларда давлатнинг кучсизланиши ва ичдан емирилишига ҳисса қўшиб келганлар.

Давлат маҳкамаларига одамларда қачон ишонч шаклланади? Қачонки, ўша жойларни тўғри, ҳалол, тўла маънода эркин ва шижоатли шахслар эгаллашса. Бироқ ҳеч бир даврда, ҳеч бир халқнинг давлатчилик тарихида

бундай бўлмаган. Хатто юқоридаги байтда таъкидланган ходиса, яъни табиатан қул ва худбин кимса юқори кўтарилганда мартабадан кечиш мардлиги ҳам ҳаётда ниҳоятда сийрак учрайди. Аксинча, Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари айтганларидек: «Халқ мақом ва рутба учун тубанликларга бардош этар, ярамас ҳолларга тушар, юксаклик умиди ила хорликдан лаззат олар, таққирланишдан хушланар».

Огаҳийнинг ғазали — ижтимоий, сиёсий, ахлоқий-фалсафий маъноларнинг мужассамлашувидан яралган воқебанд ғазал. Шоир ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ҳодисот «занжир»ларини бир-бирига шундай моҳирлик билан боғлайдики, натижада ўқувчи жоҳил ва худбин мансабдорлардан мулк, миллат ва юрт бошига қандай офатлар ёғилишини жонли манзаралар билан англаш имконига эришади. Ва унинг:

*Қолмагай амният осори агар топса ривож,  
Шаҳр аро авбошлар, бебоклар, бироҳлар, —*

деган сўзларига иқроп бўлибгина қолмасдан, юртда бетайин, беҳаё ва йўлдан адашган кимсаларнинг кўпайиши сабабига олдингидан кўра кенгроқ ва чуқурроқ назар ташлайди. Лекин шоирнинг бош мақсади, шеърнинг ёзилишига асос бўлган фожиалардан фақат эл-улусни эмас, биринчи навбатда шоҳни огоҳ этиш эди. Чунки шоҳ ўз амалдорлари аҳволдан гофил қолганда оғир кулфатларга юзма-юз келишини тарих қайта-қайта намоён этгандурки:

*Гофил ўлса шоҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин,  
Бошга иш тушганда суд этмас фиғону оҳлар...*

Афсуски, давлатчилик тарихимизда донишманд шоирнинг фикрларини тасдиқлайдиган ҳолат ва ходисалар кўп бўлган.

Охирги байтни ўқиймиз:

*Огаҳий, қил шоҳи огоҳинг дуойи давлатин  
Ки, онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.*

Огаҳий подшоҳнинг хушёр ва ҳамма нарсадан огоҳлигини эътироф этганда, эҳтимол самимий бўлгандир. Балки шоҳ саройидаги аркони давлатнинг барчаси ҳам назари очик, мулку миллатига содиқ кишилар бўлгандир. Агар шундай бўлганида ички бир ҳасрат билан қўлига қалам олмасди. Ва бошқа бир ўринда:

*Ростравлик, Огаҳий, рудек сени солмиш йирок,  
Қурби шох тоғай эдинг кажрав эсанг фарзин каби, —*

дея шохга яқинлик — бу тўғрилиқ йўли билан эришила-  
вериладиган иш эмаслигини алоҳида таъкид ила гапир-  
масди. Умуман олганда, мактаъдаги фикр ўзидан олдин-  
ги фикрлар билан мохиятан тўла мувофиқ келмайди.  
Унда қандайдир чекиниш, қандайдир хавфдан эҳтиёт  
сезилади.

Албатта, аркони давлатга тегишли кескин танқид не-  
чоғлик тўғри бўлмасин, қай бир томондан шохга мақбул  
келмаслиги мумкин. Оддий инсон ҳам англайдиган ушбу  
ҳақиқатни донишманд ва мутафаккир бир шоир хар  
томонлама ҳисобга олмаслигига ақл бовар этмайди. Шу-  
нинг учун охириги байтдаги ҳукми ўқувчи киноядан йи-  
рок, эҳтиёт мазмунида билдирилган ҳукм ўлароқ қабул  
килади.

Бундан ташқари, ғазалда илгари сурилган танқидий  
маънони қайси бир даражада шох холис қабул айлашига  
шоирда ишонч бўлган. Акс ҳолда Огаҳий бу қадар журъ-  
ат ва эркинлик билан қалам тебрата олмасди.

Адабиётни ҳеч вақт замон ва даврдан ажратиб бўлмай-  
ди. Бироқ адабиётни замон ва даврга тобе қиёфада та-  
саввур этиш ҳам нотўғри. Ўз-ўзича замоннинг ҳам, давр-  
нинг ҳам адабиётга унча қизиғи йўқ. Ҳақиқий адабиёт —  
инсонни давр ва замон кўзгусида эмас, балки замон ва  
давр қиёфасини инсон тақдири ойнасида акс эттириш  
санъатидир.

Адабиётнинг мутлақ ҳақиқат ва абадиятга дахлдор  
тушунчалари ана шундай тараққий топади. Адабиётга  
хос ана шу талаб ва қонуниятни Огаҳий ниҳоятда теран  
англаб ижод қилган. Огаҳий учун шеър «Жаҳонда то  
қиёмат ёдгор» бўлиб қоладиган кашф ва илҳом ҳосиласи  
эди. Буюк шоирнинг девонида умри боқий шеърларнинг  
кўплиги ҳам шу фикрнинг тасдиғидир.

## *Истеъдод ва маҳорат*

Шеърият тарихининг ҳамма даврларида шеър ёзди-ган иқтидорли, иқтидорсиз қофиябозлар кўп бўлган: бир-лари шуҳрат ва шахсий манфаатларни кўзлаб шеърбоз-лик қилишган; яна бошқалари қўрқоқлик, эътиқодсиз-ликдан истеъдодини маддоҳлик билан хароб этишган ва ҳоказо. Лекин замон ва ижтимоий муҳит билан юзма-юз туриб ҳақиқатни куйлаган шоирнинг дунёга келиши сий-рак ходиса бўлган.

Инсон фарзанди атроф ёлгон ва алдовларга тўлаёз-ганлигини чуқур хис эта бошладими — у чин сўз толи-би, ҳақгўй шоирни қўмсайди. Бу — аслида ўзини шоир билиб, маъно-мазмунни суст турли-туман ўткинчи гаплар билан қалбларни зада қилган қанчадан-қанча қаламкаш-лардан бешиш, маълум бир авлод илғор вакиллари юрак дардларини акс этиришга қодир шоир овозига ички эҳтиёждир. Шу маънода шоир — соғинч фарзанди. У эл ва юрт номусини бадий сўзда муҳофаза қилиш эҳти-росида ёниб, поэтик тасвирда ҳеч пайт сохталикларга йўл қўймайди. Қадимги Рим файласуф шоирларидан бири шундай деб ёзган эди:

*Эй, кўксингда мудраган ғазабларни ёқ,  
Ҳаяжонли руҳнинг қаъридан чиқар  
Ғазабнинг қадимги ҳамлаларини!*

Эркисиз ва энг алдоқчи замонларда ҳам шоир ғазаб-нинг қадимги ҳамлаларини уйғотувчидир. Адолат танта-наси учун у курашдан чекинмайди. Аваз Ўтар ўғлининг шеърияти, аввало, шу жиҳатдан ибратли.

Адабиётнинг улкан вазифаси бор: ўзини-ўзи ҳимоя этолмайдиган, маънавий ҳуқуқлари топталган кишилар учун у ҳар қандай шароитда ҳам курашмоғи шарт. Ада-биёт ҳаёт ва инсон билан алоқадор ҳамма нарсани чу-қур ўзлаштириши керак. Адабиётнинг ўз озодлик муҳи-ти, дунёдаги жамики ёлғонларга нафрати, туганмас ар-монлари бор. Жаҳондаги барча даҳолар буни у ёки бу

тарзда билганлар. Бирок бир аччиқ ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди: ўтмишда гоҳо талантли шоирлар ҳам адолатсиз шохларни мадх этиш, уларнинг шафқатсизликдардан иборат зафарларини макташдан ўзларини тия олмаганлар. Бундай пайтларда, албатта, халқ тақдири четлаб ўтилган, заҳматкаш инсоннинг ғаму кулфатларига бепарво қаралган. Бу эса баъзан шоирнинг маънан емирилишига олиб борган.

Авазнинг бир қатор шеърлари бор: фикр таркиби суст, хислар сўник, тасвир бўёқлари хира, маъно қайтариклари кўп. Бунинг сабаблари нимада? Маълумки, Аваз Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг диққатини жалб этиб, саройга чақиртирилган. У сарой шоирлари муҳитида, қисқа фурсат бўлса-да, уларга ҳамоҳанг асарлар ёзган.

Авазда «Дилкашу ахмар эмас дилдор пистони каби, Этмагил, эй боғбон, ҳаргиз манго таърифи себ» ёки «Дедим: Менинг бирла келиб ёт эмди ҳамоғуш ўлуб...» қабилдаги оҳ-воҳлардан иборат бўлган саёз сатрлар ҳам учрайди. У гоҳо назирачилик майлидан мисралар тизган, улардаги кайфият — хонга ўзича бир меҳр изхори, унинг шаъни шавқатини мадх қилиш. Бугина эмас, Аваз ижодининг илк даврларида поэтик фикрнинг янги ва оригиналлигига ҳамиша ҳам қатъий этибор қилавермайди. У баъзан жўн, шунчаки маъноларни ҳам, сўз ўзгаришлари билан қатор-қатор байтларда кўп маротаба такрорлайверади. Масалан, бир ғазал «Паривашлар тамоми бевафодир, Ситамгар, пуржафо, ноошнодур», деб бошланса, ўзга ғазал матлаъсида ўқиймиз:

*Сийминбарлар бори номехрибондур,  
Алар бедоди машҳури жаҳондур.*

Бу мазмун мана бундай сўзларда ҳам ифодаланган: «Вафосиздур фиғонким, дилраболар, На бир оромижон, қоши қаролар». Дилрабо ва сийминбарларнинг ноошно ва бевафолиги ҳақида сўзлашга шоир шу даража маҳлиё бўлиб кетадики, натижада баъзан аёл ҳақида номатлуб тушунчаларни ҳам илгари суради:

*Бори маҳбуби оламдур вафосиз,  
Ки онларни барисидур ҳаёсиз.*

Авазнинг бир шеъри бор. Унда шохларга яқин киши қафасдаги булбулга ўхшатилади. Бунда нимага ишорат қилинаётганлиги аён, албатта. Аваз табиатан эрк одами

бўлган. Саройга боғлиқлик теран ижодий дард ва эхтиросдан йироқ сухангуфторликлар уни қийнаганлиги табиий. Бошқача бўлганда, Аваз бугун биз билган виждон шоири мавқеига кўтарила олмасди. Чунки мумтоз шоирларимиз шахси ва ғоявий эътиқодларининг шаклланиши улар мансуб муҳит ва замон билан келишмаслик сабабларига ҳам бевосита тегишли. Бугина эмас, Аваз халқи ва жонажон юртига қандай хизмат қилишни вақтида англаб етган эди.

*Лағнат ул шоиргаким, ҳирсу тамаъ таҳрикидин,  
Кўргазур ҳар сифлау нокасга изҳори мадҳ...*

Бу — Авазнинг салафларидан Шермуҳаммад Мунининг гапи. Аваз бундай сўзларга бефарқ қараб, дилидагини яшириб яшаш «бахтига» чидайдиган ижодкор эмас эди. Аваз қандай характердаги шоир бўлган? Унинг шеърини билан атрофлича танишиш шундай хулосага келиш имконини беради: Аваз қалби оламнинг ўткинчи хавасларидан покланган, секин-аста шахсий хузур-халоватлардан кечган, туйғулари хужумкор шоир. Тўғри, унинг табиатида ошиқлик кучли. Дилида ишқ аланга ёқади. У — оқил шахс. Дунёнинг пасту баландларини чуқур англайди. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда уни ўз сўзлари билан «исён баҳрига ғаввос» шоир деб таърифлаш тўғри бўлади.

Аваз ўз исёнининг оқибатларидан мутлақо чўчимайди. У шоирни халқ ва Ватан истиқболи учун қурбон бўлишга тайёр шахс деб билди. Унинг тилидан:

*На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз, халқим учун тўқилса қоним, —*

деган сўзлар рост ва самимий эшитилади. У салтанатдан юз буриб, шеърят аскарига айланди, кундан-кун ҳаётнинг зарур ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалаларини поэтик талқин этишда фаоллик кўрсата борди. У хорланганлар шоири эди. Ўзининг ҳам хорланишини сезарди. «Келур бошимга турфа можаролар», дея у аввалдан ҳар қандай ранжу офатларни бўйнига олади. Уни «фуқаро бошидаги», «минг шўр ила шар», «ҳасрат чекиб» сўзлашга мажбур этди. У «Топар эркан қачон, ё Раб, ҳаёти жовидон миллат? Топиб илму хунар бирла маорифдин нишон миллат?» каби саволларга жавоб ахтарар ва у жавоблар фидойилик чақириғи эди:



*Фидо миллат йўлига молу жон этмак керак, ҳар ким —  
Бўлай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.*

Дунёда ночор халқ ва эркисиз юрт дардида ёнган юрак қадар тўғри йўл кўрсатадиган сарбон бўлмайди. Авазнинг халқ дардидан йироқ амалдорларга нисбатан нафрат ва норозиликни акс эттирувчи шеърлари кўпайган сари унга душманлик ҳам кучайган. Бироқ бор-йўғи ўттиз беш йилгина умр кечирган, шу қисқа ҳаётнинг кейинги йиллари ҳам кулфат ва оғир азобларга тўла бўлишига қарамай, Аваз катта ижодий мерос қолдира олди.

Бадиий сўз ҳеч пайт вазият, мақсад ва шоирнинг рухий ҳолатларидан ажралган тарзда воқе бўлмайди. Шундай экан, шоирлик маҳоратини ҳам ижодкорнинг даврга муносабати, ҳаётини фикр-қарашлари, ғоявий юксалишларидан ажратиб таърифлаб бўлмайди.

Аваз — умид шоири, замонаси тан олмаган, иштибоҳ ва ишончсизликлар оралаб қад ростлаб борган орзулар куйчиси. У ҳаммадан ортиқ ҳаётдаги ўзгаришларга, куллик ва нодонлик кишанлари парчаланишига умид боғлар ҳамда ишонарди. У «фалак» даврига доим ўзгариш «расму одат» эканлигини англаб, англаган сайин эрк ва ҳурлик тўғрисидаги тушунчалари собитлашарди.

Аваз кўп ижодий вақтини ғазал ёзишга бағишлаган шоирлардан. У бир ўринда минг ғазал яратишни орзу қилади. Шоир кўп ва ҳўб дилкаш ғазаллар битиб, оламда яхши от қолдиришни ният қилади. Аваз мингдан ортиқ ғазал ёзган. Гап сонда эмас, албатта.

Ғазал — инсон қалбининг армони, дардли рухнинг рангин манзараси. Ғазалнавислик — бу, озод рух оҳанглари тасвирлаш. Ғазал мазмунан хоҳ ишқий бўлсин, хоҳ фалсафий ёки ахлоқий бўлсин, бунинг унча аҳамияти йўқ. Чунки рухий кўтарилиш бўлмаган юракда ақлий юксаклик бўлиши мушкул.

Шарқ шеърляти — анъанавий шеърлят. Унинг дахлсиз қоида, талаб ва шартлари бўлганлиги аён. Анъана истеъдодни тарбиялайди. Дид, савия имкониятларининг очилиши ва кенгайишига беҳад таъсир кўрсатади. Бироқ у юракни оловлантирмайди.

Аваз ғазалларининг марказий қахрамони — аламдийда ошиқ ва ғўзаллик рамзи — маъшуқа. Ошиқ — жабрдийда, толеи нигун. «Кишиким бўлмаса бахти хумоюн, Ҳамиша бўлғуси нокому маҳзун», — дейди у ва ўзини

«муродоти ҳамиша нораво», кўзига бу ёруғ дунё қаро одамлардан ҳисоблайди. Унинг махзунлик ила ғамга чўмиши бежиз эмас. Чунончи:

*Фалакдан бўлгуси ҳар дам манго юз минг бало ҳодис!  
Қутулсам гар балодин ҳодисоти можаро ҳодис.*

«Ҳодисоти можаро»лардан бири ҳақида эса у мана бундай дейди:

*Тонг йўқки, бўлсам бу нафас ўз ҳолима мотамзада,  
Кўйида асру бўлмишам хайли рақибондин малул.*

Ёр, агёр, замон жафоларидан малуллик, хижрон ҳасратлари, инсон табиатидаги номукамалликлар ранжи унинг кўзидан ёшлар оқизади:

*Тушуб хижрон қаро шоми аро юз навъ савдога,  
Ишим доим ғаму дарду ано бўлгонга йиғларман.  
Бўлуб гарчи жаҳон аҳлин ҳосил мақсуди, лекин,  
Муродоти ҳамиша нораво бўлгонга йиғларман.*

Шундай қилиб, у жаҳонга қўл силтайди. Аммо ғофилликдан эмас, огоҳликдан. Унинг мана бу сўзларини тингланг:

*Жаҳонким, эй биродар, бебақодур,  
Бақосиз бемадору бевафодур.  
Анга дил бермангизларким ҳамиша  
Иши бедоду зулм ила жафодур...*

Нега шундай? Жаҳон аълдан одам бошига офат ёғдириб келган. Оқилу хушёрларгина ундан алданмаган. Уларни «Қани гар вафо айласа бу жаҳон — Кишига, Фаридун, Жамшиду Жам?» — деган ибратли саволлар тарк этмаган. Авазининг лирик қахрамони «бу дунё ишрати бир замонлиғ»ини теран фахмлайди. Бироқ фикрларига харидор юрак топа олмайди. У бошқаларда фикр кўзғаш ниятида «Гардунни йўқ вафоси тун-кун жаҳон элига, Юз минг жафоу офат андин аён эмасму?» — дейди. Лекин саволлари жавобсиз қолаётганлигини англаб туради. Шунинг учун унинг холимдан «Жаҳон мулки аро, ваҳким, бир инсон ўлмади вокиф», дея зорланишидан ажабланишга ҳожат йўқ. У:

*Эй дўстлар, даҳр аҳлига ҳамроҳу ҳамдам бўлмангиз,  
Ҳамроҳу ҳамдам демайин, бал ошно ҳам бўлмангиз.*

*Хошоки доно эрсангиз онларга топиб ихтилот,  
Бир кун паришон ўлгасиз масруру хуррам бўлмангиз.  
Аҳли жаҳонким бордурур меҳру муҳаббатдин йироқ,  
Онлар фиребин еб яна расвои олам бўлмангиз, —*

каби навоиёна сатрларда ҳақиқатни бўлуғ оҳангларда сўзлаган эди. Хўш, «халойикнинг фиғон ила навоси» кўкка чирмашаётган экан, «эрларнинг бошига савдолар тушуб, аҳли ҳимматларда ҳиммат қолмаган», тубанлик ва нокаслик авжига минган экан, уларга барҳам бериш чораси борми? Аваз тасвиридаги ошиқ қаҳрамон бу муаммоларни дастлаб соф ошиқона нуқтаи назарларда ҳал қилишни истайди. Унинг тушунчасида олам ва одамдаги мавжуд барча ёмонлик ҳамда ноқисликларнинг ўзак-негизи «аҳли олам»нинг муҳаббатсизлиги, «онларда бу ҳислат»нинг қолмаганлигида. Унингча, ҳақиқий бахт ҳам, тахт ҳам, поклик ҳам муҳаббатда:

*То муҳаббатни кулоҳин киймасам ушшоқ аро,  
Эмди Искандар масаллик тожи Дорони нетай?*

Аваз ғазалда лирик характер яратиш, характер йўналиши ва дунёқарашига мувофиқ ғояларни образли акс эттиришда мохир. У вақт ва ҳаёт тақозоси билан лирик қаҳрамони тилидан гоҳо шу қадар муҳим ҳақиқатларни сўзлайдики, биргина ғазалдан шеърхон замин, замон, турмуш фожиаларини ўзига хос изчилликда билиб олади. Шундай ғазаллардан бирининг мактаъсида ўқиймиз:

*Фигонким, мунъадам бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам,  
Йўқолди ушбу оламдин бари из ат, адолат ҳам.*

Жаҳондан роҳат, иззату адолатнинг йўқолиши, хаёл қилингики, булар кулфатнинг умумий дебочаси. Унинг мудҳиш манзаралари олдинда. «Халойиқ молу мулки» «торожу яғмога» юз тутган мана бу разолатни кўринг: унда, ҳатто «бари номусу иффат ҳам», «хон нафсига қурбон»:

*Гуноҳсиз норасида дахлсиз эл қизларин зўрлаб,  
Кўринг, ўз қонига олуда Зевар, Саодат ҳам!*

Бундай шароитда химоясиз, ночор эл — «ададсиз хонадонлар», албатта, «мотам либосига чулғанади». «Хукумат ҳам, сиёсат ҳам» «жон қасдиға мойил», замин мусибатга тўлмасдан нима ҳам бўлсин? «Саноксиз авлиёлар, шайхлар, эшону муфтилар»нинг дину диёнатлари

кани? Улар «лаинлар комига далла». Шунинг учун барча «дарду бало хам», «бори хусумат, касофат хам» «мазлумнинг бошига» дўл бўлиб ёғилган. Назаримизда, Авазнинг ушбу ғазали — маҳоратли шоир шеърга кўчирган тарихий бир ҳаёт манзарасидир.

Аваз мазлум шоир. Шунинг учун бўлса керак, у «миллати мазлума ахволин паришон» этганлар билан баҳсга киради. Шунда шеър сўзи оғзаки нутққа яқинлашади, халқнинг асрий дардлари, турмуши ва тақдирига оид саволлар қўйилиб, поэтик таъкидлар кучаяди:

*Бизни айлаб хору зору нотавон этмоқ учун,  
Бермайин осори ҳурлик банди зиндон этдингиз.  
Бу фалокатлар учун масъул ўлурсиз оқибат,  
Зулми истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.*

Ушбу мисралар ўрин олган шеърда шоир бири қози, бири «аъламу муфтий бўлиб» миллатни «ер билан яксон» этган, бу фалокатга бош-қош бўлган уламоларга, «Беҳабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз», дейди.

*Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиги бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.*

Авазнинг машҳур «Халқ» шеъри ушбу сўзлар билан бошланади. Айтиш мумкин: «жаҳон мулки» деганда Аваз бутун дунёни кўзда тутмаган. Бироқ «жаҳон мулки» байтда мағзи бўш ё муаллақ ибора хам эмас. «Биздек ожизу бечора халқ» йўқ, дейилиши — шоир кечинган ҳақиқат. Буни «жаҳон мулки» миқёсида таърифлаш-чи? Шеърхон бу тўғрида ўйлаб хам ўтирмайди. Аксинча, айти шу ибора ёрдамида халқнинг «ожизу бечоралиги»ни барча жиҳатлари билан ҳис қилгандай бўлади. Энди мисрадаги «биздек» сўзига эътибор қилинг. Унда умумнинг хасратини ифодалаётган шоир шахсияти хам бор. Шу сўз мисрадаги кучли оғриқ кўзгайдиган сўз. Шунинг учун «ожизу бечора халқ»қа мансуб ҳар бир шеърхон «биздек»да шоирни хам, бошқани хам гўё эсдан чиқаради. Яъни ўзини бечора халқ вакили ўлароқ тасаввур айлайди. Албатта, ҳамма хам бундай қилолмайди. Бу ган, у ёки бу зайлда халқда ўзини, ўзида халқни идрок этиш туйғуси мавжуд шеърхонга тааллуқли.

Шоирнинг вазифаси — эзилган одамнинг дилини эзиш, ахволнинг беҳад оғирлигини писанда қилиб, рухни жон-

сарак қилишдан иборат эмас. Балки, ҳар қандай қийнок ва ночорликнинг сабабини ёритиш, ўзини англашга чорлашдан иборат. «Халқ» шеърида Аваз ҳам шу тамойилда қалам юритган.

Шартли бир савол қўйлик: бутун халқ ожизу бечораликка маҳкум қилинган экан, бунинг боиси нима? Ростини айтганда, бундай савол бугун жўн эшитилади. Негаки, биз бу ҳақда кўп эшитганмиз, китоблар ўқиганмиз. Феодал тузумда зулм, адолатсизликлар қандай кечган, ҳарҳолда биламиз. Бирок ўша қонли ҳақиқатларни Аваз нечоғлиқ тўғри ва таъсирли тасвирлай олган? Бу бошқа масала.

«Кўзи вақти сахар сайёра бўлган халқни кўрдум», деган эди Бобораҳим Машраб. Аваз яшаган замонлардаги мазлум, жумладан, Хоразм ҳукмронларига қарашли халқ ҳам Машрабни титратган «тани дарду аламдан ёра», «дили тиғи ситамдан пора бўлган халқ»нинг аждоди, дард, алам, азоб, ҳақорат меросхўрлари эди. Шу боис қуйидаги мисра машрабона оҳангда янграйди: «Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ». «Зулм тиғи» — истиоравий образ. У Машрабнинг «тиғи ситами»га ўхшаш. Лекин қувватлироқ. Ҳарқалай менга шундай туюлади. Машраб тасвиридаги «тиғ»дан халқ дили — пора. «Зулм тиғи»дан эса халқ бағри «юз минг пора».

«Зулм тиғи» билан ҳам яширин, ҳам ошқора бағри тилинган халқ аҳволи изоҳсиз аён. Бу — унинг «ожизу бечора»лигига бош сабаб. Қолган гуссаларнинг барчаси мана шундан пайдо бўлган. Шоир энди конкретликка ўтиб, дейди:

*Бир неча авбош мундоғ ҳукмронлиг айласа,  
Қолмағай, ори, на ёнглиг меҳнату озора халқ?*

«Бир неча авбошлар» — халқнинг қонини сўриб яшайдиган бир гуруҳ мустабид амалдорлар, хон ва унинг теvaraгидаги мансабдорлар. Шоир уларни шунчаки айбламайди. Фаолиятда кўрсатади. Уларнинг «мундоқ ҳукмрон»ликлари, «зулм тиғи» билан халқ сийнасини «юз минг пора» қилиш. Шундоқ экан: «Қолмағай, ори, на ёнглиг меҳнату озора халқ?»

Иккинчи байтдаги «мундоғ» сўзи тўлиф байт доирасида олиб кўрилса ҳам аниқ маънони англамайди. Аммо у шоир учун таянч сўзлардандир. Аваз «бир неча авбош»ларнинг ҳукмронлик «фалсафа»сини шу сўзда изоҳлашга муваффақ бўлган. «Мундоғ» диккатни дастлаб ҳоким

синф вакилларининг зулмкорликлари («зулм тиғи» билан иш кўриш)га жалб этади. Сўнг бошқасига:

*Не аларда бордурур илму адолатдан асар,  
Не ажабким топмаса доди дилига чора халқ!*

«Мундоқ ҳукмрон»ликнинг моҳияти «илму адолат»дан бенасиблик бўлгач, халқ «доди дилига чора» топиши мумкинми? Ахир, орзу-умидларини тупрокка кўмиб, нурсиз воқелик ичида келажагини бўғиб яшашга халқ чидаши мумкин эмас-ку!

Аваз мушоҳада қобилияти ўткир шоир. У кўламли фикрлайди. Айниқса, тадқиқотчиларимиз ҳаққоний қайд этганларидек, унинг асримиз бошларидан кейинги ижод босқичларида яратган шеърлари — маърифатпарвар, демократ шоир қалбида улғайган ғоя ва эҳтирослар халқ, эрк, озодлик нурларига тўлиқ. Аваз шахс эркини поймол қиладиган ижтимоий, сиёсий, ахлоқий қараш ҳамда тушунчаларнинг муҳолифи эди. Олис тарихлардан буён халқ тафаккурини абгор айлаб келаётган мутелик, миллий шуурдаги шикасталик ва қуллик уни изтиробга солган. Қаранг, бу хусусда шоир қандай хулосани билдирган:

*Етган офатни бошига доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.*

Ҳеч шубҳасиз, «етган офатни» тақдир билиш халқнинг айби эмас. Дин, сиёсат, ахлоқ «тили» билан уни шу ҳолга туширишган. Бироқ халқ онгсиз оломонми? У «ҳасрату армон» ботқоғига чўкиб бош эгиши, чидайвериши керакми?

«Энг ёқимсиз такаббурлик — генийга бўлган муносабатдаги такаббурлик», — дейди рус олимларидан бири. Ёмони шундаки, бу такаббурликка, аксарият пайтларда «меҳр» ва бир ёклама билим ниқоб этилади. Ҳар бир санъаткор ҳаётга ўзича баландликдан қарайди. Ҳаётни ўзича юксакликда идрок қилиб қалам тебратади. Шу жойда у ҳеч кимга ўхшамайди, асарлари орқали ўқувчилари назарини ҳеч бировникида учрамайдиган дунёвий кенгликларга ошно этади. Айтайлик, Навоийда шундай. Бобур ва Машрабда шундай.

Агар биз ўткинчи ташвишларга ўч, инсон қалби «ёвузликдан зада кўриқхона»га айланаёзган мавжуд бу оламга фақат Аваз кўтарилган, фақат унинг шеъриятигагина хос мавжуд ҳаёт ва умр юксаклигидан қараш имконига

эга бўлмаганимизда, рухимиз ҳам, маънавий нигоҳимиз ҳам анча нарсадан маҳрум қоларди.

Шоирлар бўлади, ўзлигини таниганидан охириги на-фасигача ижодини улуғ мақсад, курашчан туйғулар ҳара-катлантириб туради. Бундай ижодкорлар қайси шеърый шаклларда ёзишмасин адолат, одамийлик гоёлари усту-ворлиги учун куч сарфлайди.

Шоир ҳам барча қатори одам. Аммо уни оддий ки-шилардан фарқлайдиган нодир фазилати бор. Бу — истеъдод. Умумнинг гаму ҳасратларини айни ўзиникидай қабул этишда истеъдод тенгсиздир. Истеъдодли шоир руҳан ва маънан замонасидан ҳам, замондошларидан ҳам илгарилайди. Лекин бир қарич бўлсин, элу юртидан йироқлашиб кетолмайди. Авазнинг куйидаги сўзлари ҳам бунинг бир исботи эди:

*Фидои халқим ўлсун танда жоним,  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.  
Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур мақсуди қалби нотавоним.*

Аваз кичик шаклдаги шеърлари — қитъа ва рубой-ларида ҳам некбинликка содиқ, яхшилик ва одамдаги яхши хислатларга ҳомий, разолат, риё, нодонлик ва жа-ҳолат душмани. Шоир бир қитъа ё рубойсида гўё дунёнинг бир ёлғонини парчалайди, ихчам шаклларда ҳақиқатнинг катта моҳиятларини гавдалантиришга ури-нади.

Мардликдан дунё ишлари ўнгланади, номардликдан таназул топади. Мардлик одам умрини безайди, номард-лик қарога бўяйди. Номард ўзини мард аҳлига тенглаш-тиргани билан танти, бағри кенг, ўз сўзига эга, матонат-ли киши бўлиб қолмайди. Аваз қитъаларидан бирида «умримда бир йўл мардлик расмини кўргазмай», ўзини эрларга ташбеҳ қилган кимса тўғрисида сўзлаб, дейди:

*Бошига келса ҳам шамшири захролуд мард ўлгон,  
Керакдур турмоқ собит ҳамиша аҳдини бузмай.*

Демак, мардлик — собитлик. Бошга қилич келганда ҳам ваъдага вафо, аҳдни бузмаслик. Авазнинг бу гапи янгилик эмасди. Лекин бунда муҳими: шоир ёқлаган, юрак-юрақдан ташвиқ этаётган ҳақиқатнинг эскирмасли-ги ва чуқурлигидадир.

Доно одамлар дардни имон рамзи деб ҳисоблашган. Машрабнинг «Кимнинг дарди бўлса, мен анинг қурбони-

ман», деган сатри хамон эскирмаган. Оқил ва зукко кишилар оромини кемирадиган ўзга «дард» ҳам бор. Бу — бедардлик, бедардларнинг дарди. Бу — Навоий, Машраб, Огаҳий ва Увайсийлар армон билан муносабат билдирган қайғу. Авазнинг ҳам шу масалага бағишланган китъаси бор:

*Фалон бедард ўзин қотғуси дард аҳли қаторига,  
Хамонким, мағас қилгон киби шаҳбоз ила парвоз.  
Учуб не ерга борғай турфақим шунқорға баҳс айлаб,  
Агар жўжа ушбу соат учмоқ айласа оғоз?*

Бу тўртликда умумий гап йўқ. Шоир фалсафий мулоҳазага берилмайди, қиёслар келтиради. Чунончи: 1. «Фалон бедард» — мағас (паншша). Унинг дард аҳли қаторига ўзини қўшиши — мағаснинг шаҳбоз ила парвозга шайланиши демак. 2. Мағас-ку, мағас, агар жўжа шунқорға баҳс айлаб учмоқни орзу айлаганда ҳам не ергача бориши тайин.

Китъада фалсафий маъно йўқ дедик. Аммо у фалсафий лириканинг намуналаридан. Шоир «мағас», «жўжа» ва «шунқор» образлари орқали дард одами ҳамда бедард кимсаларнинг таърифини беради. Ва ақлни мушоҳаданинг катта йўлига бошлайди. Бу гап шоирнинг қуйидаги китъасига ҳам тегишли:

*Агар ҳар ким сани севмас эса, борма онинг сори,  
Десанким, етмасун ўзга бировдан ранж ила озор.  
Агар бир маҳфил ичра бир кишини дўст этсанг фарз,  
Вале фарз айла онда душманинг ҳам бордур бисёр.*

Аваз Ўтар ишқ ўтида ёнган одамни — «олам аро хушёр» одам ҳисоблайди. Шоир рубоийларида ҳам биз жуда хушёр ошиқ билан юзма-юз келамиз. У «ишқ банди»да нафас олади. Жонони ғамидан кўзлари гирён. «Шаб — рўзи асири кулфати хижрон». Булбулга ўхшаб ҳар лаҳза афғон қилади. У қисматининг оғирлигини фалакдан кўради:

*Ваҳким, яна жаврин ошкор этти фалак,  
Шамшири ғам ила дилафгор этти фалак.  
Васл била бор эдим ҳамиша сархуш,  
Ул ойни фироқига дучор этти фалак.*

«Минг ҳасрат ила аламга дучор» ошиқ «жафои айём» тутқуни. Бироқ ғафлат ва фикрсизлик тутқуни эмас. Севги оташида қанча куйса, у дунёга ўшанча очиқ кўз



билан боқади. Унингча, «жаҳон аро ҳимматлиғ» киши «ҳамиша бахтлиғу давлатлиғ»:

*Ҳимматли киши топиб мурод ўлса доғи,  
Ҳотам киби доим ўлғуси шуҳратлиғ.*

У «ёғли палов»нинг роҳатига иқрор. Нафс ғолиблигига ғаним. Таъмадан ҳазарли:

*Эй кимса, ҳамиша қилма изҳор тамаъ,  
То қилмасун оқибат сани хор тамаъ.  
Каж англаб анинг коми дилин, гардундин  
Ҳеч айламагай оқилу ҳушёр тамаъ.*

Бу қаҳрамонга яна бир хислат хос — риндлик. Шу боис у «дайр ичра ҳамиша ихлос» билан одим ташлайди. Қўлида «гулгун жом», на зоҳид, на обидлар ақида-сига эътиқод бор. Аксинча, зоҳидга «Ринд аҳли билан ичгил жом», деса шайхга:

*Беҳуда қилиб турфа алоло, эй шайх,  
Даҳр ичра ўзингни қилма расво, эй шайх, —*

дейди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида саховат ва ҳиммат таърифида ёзган эди. «Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур... Ҳиммат аҳлиғадуру саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат шоҳи вилоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат унга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас». Аваз ғазалларидан бирини Навоий «руҳ» сифатида баҳолаган ҳиммат масаласига бағишлаган. Мана, ўша ғазал.

*Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат,  
Они айлар ҳамиша сарвари аҳли жаҳон ҳиммат.  
Қўлингни чекма ҳиммат, айлмакдин, эй биродарким,  
Қилур авлоди одамни давомат комрон ҳиммат.  
Кўрарсан сидқидилдан нозир ўлсанг аҳли ҳимматни,  
Халойиқ ичра айлар айбу зиштини ниҳон ҳиммат.  
Ажойиб хосият ҳимматда бордур оқил эрсанг кўр,  
Паривашилар забонин қилғуси мўъжизбаён ҳиммат.  
Фидойи хоки пой бўлса оздур барча жон нақди,  
Кишиким пешасидур олам ичра ҳар замон ҳиммат.  
Кишига умри жовид эрмаса ҳиммат недин қолмиш,  
Ҳануз овозаи Ҳотамдин оламда нишон ҳиммат...  
Ким олиҳиммат ўлса аҳли олам ичра ўлғусидур бешак,  
Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат.*

Шарқ дидактикасида вафо, садоқат, саховат, ҳиммат сингари инсоний фазилатлар тўғрисида кўп доно гаплар айтилган. Авазнинг ғазали ҳиммат хосиятига бағишланган. Шеър суҳбат-насихат оҳангида яратилган. Бу оҳанг иккинчи байтдан бошланади. Чунончи: 1. Эй биродар, ҳиммат қилишдан қўлингни тортма. Ҳиммат одам авлодини доимо комрон қилади. 2. Сидқидилдан назар ташласанг кўрасан: ҳиммат халойиқ орасида ҳиммат аҳлининг «айбу зиштини» яширади. 3. Ҳимматда ажойиб хусусият бор. Оқил эрсанг бил: ундан паривашлар забони мўъжазбаёнدير. 4. Кимнингки ҳиммат ҳар лаҳза шиори бўлса, унинг «фидойи хоки пойи» бўлиш камлик қилади. 5. Кишига абадий умр ҳимматдандир. Бўлмаса нега Ҳотамнинг овозаси оламда ҳимматдан нишон. 6. Эй дўстлар, кимки аҳли жаҳон аро олийҳиммат бўлса, унга моли жонимни садқа этсам арзийди.

Шеър мазмунидан англашилаётирки, шоир бир шахс — «эй биродар»га хитобан бошлаган ҳиммат баҳсидаги фалсафий-ахлоқий насихат-суҳбатини умум — «эй аҳбоб»га билдирилган истак сўзларида ниҳояга етказган. Аммо ғазал ҳали тугаганича йўқ:

*Аваз уқбо аро саршиорком ўлғусидур бешак,  
Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат.*

Бу — ғазалнинг мақтаъи. Шеър қандай бошланган бўлса, охирида ҳам ўшандай, яъни «жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат» сатри билан тугалланган. Демак, ғазалнинг икки маъно чегараси — муқаддима ва хотима якоҳанг.

*Мени ҳолим ашборим ичрадурур,  
Баёну баёну баёну баён, —*

дейди Аваз. Бу — ҳақиқат! Биз унинг шеърларини ўқиганимизда «қабих онларда» эрк ва озодликни эркин куйлаган шоирнинг тафаккур қудрати ҳамда бадийий закосига тасаннолар деймиз.

# Аҳмад калла

Эссе

*Устод Иброҳим Мўминов хотирасига бағишланди.*

## 1

Биз мумтоз адабиётимиз билан фахрланамиз. Унинг ўзига хос хусусиятлари ва тафаккур тараққиётига кўшган хиссаси ҳақида кўп гапирамиз. Албатта, ҳар қанча гапирсак, фахрлансак арзийди. Бироқ бу ҳақда сўз кетганда фақат ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, адабиётнинг мураккаб ривожланиш йўлидан бугунги кунимиз учун тегишли сабоқ ва хулосалар ҳам чиқарсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий адабиётимиз XVI асрдан кейин эркин нафас олмаганини ҳам таъкидлаш лозим; у инсон тақдири ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини бутун мураккаблиги ҳамда зиддиятлари билан ёритиб беролмаган. Чунки ўша даврлардаги жаҳолат бунга йўл бермаган. Натижада, асардан асарга кўчиб юрадиган анъанавий фикр ва ғоялар ҳам бора-бора турғунлик, яқранглик; оҳанжамолик, тақлид ва китобийлик рамзига айланиб қолган. Дунё адабиёти ютуқларидан беҳабарлик эса таназулни янада чуқурлаштирган. Айниқса, кейинги уч хонлик даврида сарой талаби, сарой завқи ва мафқураси адабиётни самимият, шижоат ва исён руҳидан маҳрум этган. Ўн тўққизинчи аср иккинчи ярми Бухоро адабий муҳитидаги аҳвол бунинг ёрқин мисолидир. Холбуки, ўша замондаёқ халқнинг адабий ва маданий ҳаётидаги бундай муаммоларни билган, улар тўғрисида жиддий бош қотирган, адабиётни оддий инсон ҳаётига яқинлаштиришга дадил уринган қалам соҳиблари ҳам бўлган. Улардан бири — Аҳмад Дониш. «Наводири Зиёия» тазкираси муаллифи, олим ва маърифатпарвар Садри Зиё Донишни шоирликда Саъдий Шерозийга, мусаввирликда Бехзоду Монийга, фалакиёт илмида Улуғбек Кўрагонийга, табо-

батда Ибн Синога ўхшатади. Дониш хаттот, мусикашунос, беназир муаррих ва давлат арбоби ҳам бўлган. Аммо буюк аллома ижодий фаолиятининг чўккиси, унинг шоҳ асари ва умр китоби, шубхасиз, «Наводир ул-вакое»дир.

Садри Зиёнинг эътирофича, Аҳмад Дониш бутун умрини амир, вазир, козиқалон ва бошқа амалдорларни келажакдан огоҳ этиш, оддий одамларга зулм ўтказмасликка чорлаш, уларни зўравонлик, бераҳмлиқдан қайтаришдек эзгу ишларга сарфлаган. Лекин жамият ҳаётида бирон бир ўзгариш кўрмаган.

Дониш умрида таъма илинжида бировни мақтаб, бировнинг олдида эгилиб-букилмаган, шахсий фойданигина кўзлаб ҳақгўйлик, танқидбозлик ҳам қилмаган. У ҳар бир сўз ва ҳар бир ишдан ҳақиқат ахтариб яшаган. Унинг сўз ва фикрлари доимо асосли, теран, қиличдек кескир бўлган. Кўп йиллик тажриба, ўй-мулоҳазалар уни сабр-бардошга ўргатган. Яхшилик, диёнат йўқ жойда собитлик ва улугворлик бўлмаслигини у жуда эрта англаган, ўсмирлигидаёқ бошқача яшашга аҳд қилган. «Ейиш-ичиш, ухлаш, дўстлар билан борди-келди қилиш — инсон мана шулар учунгина яратилган деб ўйлардим. Чунки катта-кичик ҳамма замондошларим шу балога йўлиққан эди...» Аҳмад Дониш ақлий майибликдан туғилажак кўплаб балою офатга қарши сокин бир жасорат-ла бош кўтарган улкан адиб эди.

## 2

Ўтган йил қиш фаслининг бошлари эди. Эрталабки ёмғир тушга яқин қорга айланди. Чор атроф оқликка буркана бошлади. Тунда Бухорога кетишим керак. Вақт-лироқ вокзалга бориб, купега ўрнашиб олдим. Негадир поездда юришни ҳуш кўраман. Бемалол ҳаёл сурасиз, ўтган-кетгани хотиржам эслаб кетасиз. Хоҳласангиз, китоб ўқишингиз мумкин. Таниш-билиш учраса-ку, йўлнинг таноби тортилганини сезмай ҳам қоласиз. Совуқ ҳаво таъсирими ёки бошқа бир сабабданми, бу гал ҳеч кимсага дуч келишни истамасдим.

Шиддат-ла чопаетган поездда кетиш хотира отлиғ тулпорга миниб ёшлиққа саёҳат қилишга ҳам ўхшайди. Қизиғи шундаки, қачонлардир бўлиб ўтган ва кўндан буён эсланмаган воқеа-ҳодисалар дафъатан жонланиб, гўё қаршингиздан чиқиб келаверади: бири қувонтиради, бири

ўйлатади, яна бири... Соғинч кўмсашга, кўмсаш армонга йўл берганда эса барибир хўрсиниблар кетасиз...

Мен бир неча йилдан буён дарс бергани Бухорога бораман. Хар гал ул-бул «кўшимча» юмушларни ҳам олдиндан белгилаб оламан. Бу навбат Аҳмад Дониш борасида Тошкентда бошлаган ёзувларимни, имкон топилса, ул зот таваллуд топган заминда, уни тарбиялаб вояга етказган шаҳарда давом эттирмоқчи эдим. Дониш ҳақида домлаларим Охунжон Сафаров, Раҳим Воҳидов билан суҳбатлашиш, аллома яшаган уйни бориб кўриш, қабрини зиёрат этиш ниятим ҳам бор эди.

Шуни ҳам айтишим керакки, Аҳмад Донишни талабаликда яхши кўриб қолганман. Бу учун, албатта, устод Айнийдан хар қанча миннатдор бўлсам арзийди. Менимча, устоднинг «Эсдалиқлар»идаги Донишга бағишланган саҳифалар унинг ҳаёти, шахсияти, халқ ва адабиёт тарихидаги хизматларини англаш, идрок қилишга илҳомлантирадиган бебаҳо бир манбадир. Дониш характер эътибори билан қайси бир жиҳатлардан Ибн Синони эслатса, қай бир маънода у Шайх Саъдий ва Мирзо Бобурга яқин. Ростгўйлик, тўғрилик, жимжимасиз бир услубда ёзишда Дониш Бобурга издош десак, асло хато бўлмайди. «Наводир»ни ўқиган хар бир ўқувчи буни пайкаши, шубҳасиз.

Хуллас, ўзим таҳсил олган, бағрида энг яхши, энг беармон кунларим ўтган Бухорои шарифда устозу шогирд, ёр-дўстлар билан дийдорлашдик. Дарсни ҳам бошладим. Адашмасам, орадан уч кун ўтгач, танаффусга яқин талабалардан сўрадим: «Аҳмад Донишнинг уйини ким биледи? Бориб кўрганлар борми?» Жавоб эшитилмади. «Бормаганмисизлар?» «Йўқ». «Билмайсизларми?» «Йўқ». Етмишдан ортиқ талаба, гўё жўр бўлгандай, қабр хусусида ҳам яна бир сўзни такрорлади: «Билмаймиз».

Ўшандаги ҳолатимни шарҳлаб ўтирмайман. Ўзим-чи? Менинг ҳам билагонлигим каттакон хонани тўлдириб ўтирган ана шу ёшларникидан беҳроқми? Ахир, мен ҳам тўрт йил Бухорода яшаб, ўқиганман. Дониш тўғрисида кўп эшитганман. Китобларини мутолаа қилганман. «Эсдалиқлар»да у истиқомат қилган маҳалла ҳам, адибнинг лойиҳаси бўйича бино этилган ва қурилишига ўзи бошқош бўлган ховли, кўркам боғ, анвойи гуллар қулф уриб очилиб ётадиган гулзор ҳам батафсил тасвирлаб берилган. Нега уни излаб топиш хаёлга келмади? Нечун До-

нишнинг қабри қаерда ва қандай аҳволда деган гап хаёлимизга келмаган? Демак, бизда шахсий хоҳишдан кўра умумий кўникма, тарихга ботиний яқинликдан кўра бегоналик устунлик қилган. Ўшанда, ўтган асрнинг 70-йилларида қарам ва эрксиз миллат фарзанди бўлган биздек ёшлар учун бу ғайритабиий ҳодиса эмасди, албатта.

...Дарс тугагач, ўқитувчилар хонасига кирсам, домла Раҳим Воҳидов билан ёш олим укамиз Дилшод Ражабов ўтирган экан. «Чарчамадингизми?» деди домла. «Чарчашга-ку чарчамадим, аммо жуда уялдим». «Нега? Нимадан?» Саволни жавобсиз қолдириб, «Раҳим ака, — дедим, — Донишнинг қабри қаерда?» Лаҳзалик сукутдан сўнг сал заҳарханда билан «Донишнинг жасади кўмилган мазористон бор, лекин унинг қабри йўқ. Қабрдан ному нишон ҳам қолмаган», деди у киши. «Ховлиси-чи?» «Устод Айнийнинг маълумотлари бўйича, гузар — аник, хонадон эса номаълум...»

Дилшод гапга аралашиб, «Сафаров домла ҳовлини тахминан аниқлаганлар. Сўраш керак...» деди.

Охунжон ака билан учрашолмадим. Англадимки, Дониш яшаган, Бухоронинг илғор зиёлилари — олим, адиб, шоир, машшоқларини бирлаштирган ўша муборак маскан асл ҳолида топилиши даргумон. Айтишга осон бу. Мулоҳаза юритсангиз, дил тирналади...

Дарвоқе, Тошкентга қайтиш куни тушдан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг зиёратларига бордик. Ўзгариш ва қурилишларни кўриб жуда қувондим. Шўро даврида бу ерга Ахтам тоғам билан, эл кўзидан яшириниб, шом пайтлари келганимиз, қоровулнинг қўрқа-писа эшик очганларини эсладим. Ўша кезлардаги доимий таъқиблар, Баҳоуддин бобомиз шаън-шавкатларига мутлақо тесқари таҳқирли ҳукмлар — барчаси барҳам топди, бир туш янглиғ ўтдию кетди.

Лекин қанчадан-қанча йўқотишлар захри хали ҳам дилни ўртайди. Ахир, Аҳмад Дониш ҳам ўз асрининг яғонаси эмасмиди? Чорак асрдан зиёд давлат маъмуриятида тишни тишга қўйиб, алам ва ҳасратини ичга ютиб меҳнат қилган, зулм, жаҳолат, кулфат ва мусибат қуршаган Бухоро осмонида ёруғ юлдуз бўлиб чарақлаган, асрий куллик, умидсизлик, ожизликлардан қутулиш чораларини излаб яшаган алломанинг қабрига бир белги қўйиш нахотки ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлса? Эҳтимол, хон ва арқони давлатнинг мақсад-муддаоси ўзгача бўлгандир. Халқнинг доно, танти, фидойи фарзанди

сифатида тан олинган адиб қабри бошида келажак насллар дуои фотиҳа ўқиб, эҳтиром кўрсатишини улар балки хоҳламагандир. Бошқалар-чи? Ўзини таниган қайси эл улуг фарзандига нисбатан шундай муносабатга чидайдими? Биз чидаганмиз. «Ҳақиқатда... инсон улуг оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир...» дейди Дониш. Мазлум халқ бу моҳиятни билмаган. Билишга ақлий ва рухий қуввати ҳам етмаган. Зиёли-чи?

Маълумки, илм-фан, маърифат нури сўнган мамлакатда чин зиёли эмас, балки чала зиёли ёки зиёлинамолар кўпайиб кетади. Улуг шоиримиз Чўлпон уларни зиёли эмас, зиёнчилар деб атаган. «Бизда бир хил кишилар бор, — деган эди Абдулла Қодирий, — яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдилар, аммо оғизда кўча саситиб, хасратланиб» юрадилар. Ўз шахсий роҳатини кўзлаб, қайғусиз, ғоясиз кун кечирувчи ночор, ношуд ва ўлгудай кўрқоқ зиёлинамо кишилар барча замонларда ҳам миллат манфаатини фақат оғизда ҳимоя қилган, холос.

Донишдан ёдгор қолган хонадон, ундаги жиҳозлар, расм ва китоблар игна эмаски, дафъатан ғойиб бўлса?

### 3

Тахминан, XIX асрнинг ўнинчи йилларида Носир бин Юсуф деган бир йигит мадрасада ўқиш ниятида Шофиркондан Бухорога келади. Унинг туғилган жойи Суғд кишлоғи, отаси ўзига тинч бир деҳқон киши бўлган. Носир мадрасани тугатгач, Бухоро гузарларидан бирида имомлик қилган. Сўнг Кўчаи Сангин гузарида кичикрок ҳовли қилиб уйланган. 1827 йили ана шу ҳовлида Аҳмад дунёга келган.

Мулло Носирнинг хотини ҳам хат-саводли бўлиб, ёш болаларга таълим берган. Аҳмад илк муаллим сифатида онасини эслайди: «Мен мактабга бормасдан илгари онам ҳузурда абжадни, тахтага ёзиб берадиган ҳижо харфларини ўқиб ўргандим. Сўзларнинг маъносини чақолмасам ҳам, уларни вазнга солиб гапирар эдим. Уйда юрган чокларимда Қуръоннинг тўртдан бирини, «Чор китоб»нинг бир китобини ўқиб битирдим».

Ўшанда Аҳмад тўққиз яшар бола эди. Мактабга қатнай бошлагач эса, унинг қизиқиш ва тасаввур дунёси янада кенгайган. Мактабдан чиқиши билан қаерда қисса-хонлик мажлиси бўлса, ўша ерга қараб чопган. Пайғам-

барларнинг ахволи, подшоҳларга доир воқеаларни тинглаб завқланган, уларни қанча эшитса, яна эшиттиси келган. «Подшоҳларнинг салтанат ва давлат қурилишларидаги уруш-талашишлари, қанчадан-қанча ноҳақ қон тўкишларини, тахт ва бахтдан ажралган шоҳларнинг ҳалок бўлганларини, дунёнинг ва дунёдаги халқларнинг қандай ўзгаришлар устида турганини билиб хайрон қолардим», дейди Дониш.

Регистон ва Девонбеги лабиҳовузидаги қиссаҳонларнинг нақлларини тинглашдан Аҳмад сира толиқмасди. Диний ва тарихий-афсонавий воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ғаройиб саргузаштлари, кураш ва жасоратлари унинг кўнглига шавқ бағишлаб, хаёлини қанотлантирарди.

Ул зот қайси мадрасаларда сабоқ олган, устозлари ким — булар борасида аниқ маълумот йўқ ҳисоби. Аммо Хофиз, Саъдий, Жомий, Навоий девонларини севиб ўқигани аниқ. «Аҳмад Донишнинг, — дейди академик Иброҳим Мўминов, — Фузулийнинг озарбайжон тилида ёзилган шеърларидан олган парчалари жуда эътиборли. Бу эса Донишнинг Фузулий ғоялари, унинг астрономия ҳақидаги фикрлари билан қизиққанидан далолат беради».

Дониш Шарқнинг буюк файласуф шоири Мирзо Бедилнинг муҳиби эди. Бедил шеърларидаги маъно, туйғу ва фалсафий тушунчаларнинг Аҳмад қалбида ўрнашиб қолиши кейинчалик ҳаётнинг шафқатсиз зарбаларига чидаш, кин, ҳасад, адоват, ғийбат бандаларининг ҳужумларини енгиб ўтишда унга катта кўмак берган. Шунга қарамай, болалигиданоқ Бедилга таклид қилиб бўлмаслигини, унга шунчаки пайравлик на адабиёт, на истеъдодга фойда беришини тўғри англаган.

«Наводир»даги мана бу сўзларга эътибор қилинг: «Шумликдан китобат қилиш орқали пул топишни ўйлаб, дарсдан чиққанимдан сўнг ёзиб юриб, ҳар ойда бир Бедил девонини тайёрлайдиган бўлдим. Бозорга чиқариб уни 20 тангадан 30 тангагача сотар эдим».

Бедил шеърларини кўчириб, девон тартиб берганда Аҳмад, албатта, даромадни, фойдани кўзлаган. Шу аснода беназир файласуф шоирнинг сўзлари сийратини поклаб, дунёқарашига эврилиш ҳосил этаётганини у сезмаган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Гап шундаки, Бедил — инсонни, энг аввало, ўзини таниш, ўзини-ўзи таҳлил қилишга ўргатадиган донишманд. Унингча, ин-



соннинг ўз сифати — илмсизлик, Оллоҳ берган сифати эса илмдир. Одам ўзининг моҳият эътибори ила ғофил ва жоҳил эканини англаса, оз миқдордаги билими Оллоҳдан эҳсон тарзида берилганига иқрор бўла олсагина ирфоннинг моҳиятини тушунади. Ва ўз шахсиятига рост қарайди, асло иккиланмай ўзини тафтишдан ўткази.

Бедил девони савдосига қайтайлик. Пул кўпайгани сайин Аҳмад ўзида бахиллик ғалаба қилаётганини пайқайди: кўп емай-ичмай икки йил ичида 600 тангага эга бўлади. Пул топишда хийлакорлик, маккорликда ҳам анча илдамлайди. Атрофида «нон дўстлар» кўпаяди. Шайтонга ҳам макр ишлатиб, уни алдайдиган даражага етади. Кўзга кўринмайдиган ва биров ёрдам бериши ҳам қийин бўлган бундай «яра»нинг шифоси нима? Ақлми? Илм ёки фикрми? «Мен дунёни ўз ихтиёрим билан ташлаганим йўқ, — дейди Дониш, — балки кўп йиллар ўтиб орттирган тажрибам орқали маълум бўлдики, менинг бахтли бўлишим мол йиғмасликда, бой бўлмасликда экан. Чунки менда яшириниб ётган нафс ва шайтоний ишларнинг кўплиги ўзимга аёндир».

Хўш, адиб бой бўлишдан қашшоқ яшашни афзал кўраётирми? Йўқ, албатта. Бу ерда гап Муҳаммад алайҳиссалом «Фақирлик менинг фахримдир», дея ифтихор этган туйғу хусусида. Чунки инсондаги гўзал хулқ ва юксак фазилатларни намойиш этадиган, тўла-тўқис рўёбга чиқарадиган ҳис Оллоҳ қошидаги маънавий фақирликдир.

Аҳмад бир воқеа таъсирида фақр йўлига юз бурган эди. У ота қишлоғига бориб, неча кун меҳмон бўлади. Бухорога қайтишда аммасининг ўғли унга ҳамроҳлик қилади. Йўлда бир қариндошлариникида тунайдилар. Кетмон урса, ер титрайдиган соғлом, бақувват халиги йигит бирданига касалланиб, ўша кечасиёқ вафот этади. Аммаваччасининг ўлими Аҳмаднинг фикр-қарашларини тубдан ўзгартириб юборади; у биринчи марта одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Шу кундан эътиборан у бақосиз нарсалар, жумладан, бойлик тўплаш, ҳузур-ҳаловатда яшаш майлини дилдан чиқариб ташлайди. Фақр майли тасаввуф маслагига иштиёқ уйғотади. Қалбга хос адаблар, мақсад ва сирлар, руҳоний латифлик, нафсни руҳга таслим айлашни Дониш тасаввуф таълимотидан ўзлаштиради. Ва унга бутун умматлар орасида нафс билан кураша олганлар нажот соҳиби бўлиб кўринади. Хусусан, Имом Ғаззолий асарлари билан танишгандан кейин у замонасининг «ула-

мо ва машойхлари тўғри йўлда эмас»лиги ҳақида очиқ-ойдин сўзлай бошлайди. Унингча, «ҳасадгўйлик, такаб-бурлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик» каби чиркин иллатлар «бошқаларга қараганда мусулмонларда кўпроқ-дир». Бу иллатларни тағ-томири ила қуритишга Донишнинг кўзи етмаса-да, уларнинг кескин камайишига ҳам унча инонолмасди...

#### 4

Ўн тўққизинчи асрдаги Бухоро шароитида Аҳмад Донишдек олим, адиб, мутафаккир ва давлат арбобининг камол топиши хайратланарли ҳол. Дониш яшаган Бухоро манғит амирларигача ҳукм сурган салтанатлар замонасидаги Бухоро эмасди. Бу Бухоро — тожу тахт ғавғоларидан безган, ҳақирлик, бахтсизлик, оху фиғонлардан бағри тилинган жафокаш бир диёр эди. Илм-фаннинг саёзлашуви, маърифат бўстонларининг ковжираши, хуррият нурларининг сўниши Бухоронинг тинка-мадорини қуритган эди. Давлат ва ҳокимият Бухорои шариф аҳли хоҳиш-иродасига зид бўлган ақида ва орзу-ҳавасларга тобе эди. Мадрасалар ишонч ва умидларни оклаёлмай қолган, адолат, диёнат, ҳиммат, халқпарварлик каби «анъанавий» тушунчалар воқелиқдан узилган, ҳаёт талабларига тамоман жавоб бермас эди. Тўғри, бу тушунча ва қадриятлар тўғрисида бемалол сўзлаш мумкин эди, амалда эса ҳеч бирини жорий қилиб бўлмасди. Чунки улар ҳаётдан, одамлар тақдиридан четга суриб ташланган эди. Ҳатто олимларга ҳам эркин фикрлаш қўрқинчли туюларди. Кўпчилик олиму уламо моҳиятни умуман мушоҳада этолмас, курашса — ё амал, ё мавқе ёки бойлик учун курашарди. Уларнинг дид ва савияси оломонниқидан фарқ қилмасди. Бордию фарқ қилса, у сўзсиз жазоланарди. Адабиёт — шоиру ёзувчининг, илм — олиму уламонинг кишанига айланиб қолган эди.

Масалан, Амир Насрулло ҳар бир ҳақгўй олим ва ижодкорни давлат, жамият учун ҳам хавфли, ҳам зарарли деб ҳисобларди. Унинг замонида илм ва ижод билан озгина ном чиқариш ёки тилга тушиш — офат ва мусибатга йўлиқиш билан баробар эди. Маълумотларга кўра, амирга илми, ҳақиқий олимлик хусусиятлари туфайли обрў-эътибори юксалаётган Мулло Ҳожибой Сафар деган уламо тўғрисида хабар етказилади. Бухоро ҳукмдори шу уламо хонадонида мехмон бўлиш истагини билди-

ради. Ҳожибой имкон қадар уни меҳмон қилиб, иззат-икром кўрсатади. Зиёфат тугайди. Амир қароргоҳига қайтаётганда ҳеч ақл бовар қилмас ҳодиса содир этилади: у шўрпешона олимнинг уйини бузишга фармойиш беради. Мулло Ҳожибой Сафар мадрасадан ҳайдалиб, гўшанишинликка маҳкум этилади. Насруллохонни бундай олимнинг қандай пайдо бўлгани қизиқтиради. Суриштириб билсаки, бунинг боиси – кутубхона экан. Шундан кейин амир катта кутубхоналардаги нодир китобларни қайларгадир тарқаттиради ва зиёлиларни китоб ўқишдан бутунлай маҳрум қилади. Азиз китобхон, бу эртақ ё афсона эмас – устод Айнийнинг «Тарихи амирони манғитияи Бухоро» асарида битилган аччиқ ҳақиқат!

Амир Насрулло том маънода золим, риёкор, шубҳагўй бир кимса эди. У қуришдан кўра бузишни, бунёдкорликдан кўра вайронкорликни хуш кўрган. Унинг қаҳр-ғазабидан бутун мамлакат қалтираб, одамлар ихтиёрий равишда юпунликни, ҳақ сўздан – тил тишлашни, эркинликдан – қулликни афзал билишган. Бутун Бухоро салтанатида амирнинг айғоқчи ва жосуслари тафтишидан холи жойни топиш душвор бўлган.

Амир Музаффар тахтга мустаҳкам ўрнашиб олгач, Бухоро ва бухороликларнинг бошига ёғилаётган мусибат, кулфат, ҳасрат тошлари минг чандон ортиб кетган. Тарихчи ва шоир Мирзо Азим Сомий у ҳақда фикр юритиб, «Жабр ва зулмкорликда отасидан ҳам ўзди, бора-бора тажовузда иш шариат чегарасидан ошиб кетди», дейди.

Музаффархоннинг табиатидаги телбалик ва ёвузликни кўрган фикри очиқ олимлардан баъзилари азиз юртини тарк этади ва ўзга диёрларда хору зорликда яшайди. Баъзилари бутунлай узлатга чекиниб, ҳаттоки қавм-қариндошлари билан ҳам муомала-муносабатни йиғиштириб кўядилар. Тақдир тақозоси билан мансабга минганлари эса бағри дарду қайғуга тўлган, бир амаллаб кун кечираётган мазлумларга юзлашганда, кўрқа-писа амирнинг ҳаракатларидан норозилигини билдиради. «Бу тоифа, – дейди Айний, – ё замонасоз эди, ёки риёкорлик қиларди. Аммо нима қилишмасин, уларнинг хатти-ҳаракатларидан амир идорасидаги қабоҳатлардан каноатланаётгани яширин қолмасди».

Рост сўз, тўғри фикрнинг бир қақалик қиймати бўлмаган ана шундай қалтис шароит ва бадбўй муҳитда Аҳмад Дониш сарой хизматида эди.

Амир Музаффар ва Аҳмад Дониш муносабати, бу алломанинг шундай мустабид ҳукмдор даргоҳида узок вақт юргани, халқ ва давлат манфаатини кўзлаб унга таъсир ўтказиш учун қандай йўллари излагани, ҳимоя қалқони сифатида нималарга таянгани хусусида кўп гапириш, ҳар турли мулоҳазаларни илгари суриш мумкин. Шунини инобатга олиш лозимки, ёлғиз илму дониш, тадбир ва эҳтиёткорлик, ғайрат ва фаоллик билан Амир Музаффар ишончини қозониш жуда-жуда қийин эди. Боз устига, у саройнинг энг нуфузли амалдорларидан бўлмиш Аҳмад Дониш тўғрисида деярли ижобий, ҳолис фикр эшитмаган. Модомики, шундай экан, қаҳру ғазаби чексиз бу ҳукмдор панжасидан Дониш қандай омон қолди?

Ғарб олимларидан бирининг ёзишича, «Хаёт — хаёл ўйини бўлмагани сингари, мушоҳада, илоҳиёт ва санъат ҳам эмас. Бу оламда хаёт ўзининг жиддий маъноси, мақсади ва ўзининг «қурол-яроғи»га эга».

Бизнингча, Донишдаги тоза ўй-фикрлар турғени айнан шу ҳақиқат ифодаси эди. Бу инсон шахсияти ва ижодиётининг туб моҳиятини шу ҳақиқат ташкил қиладди. У хоҳ турмушда, хоҳ расмий хизмат ё ижодда бўлсин, на хаёл, на мушоҳада ўйинига ён берган.

## 5

Ер юзида тараккиётнинг улкан ютуғи сифатида давлат пайдо бўлганидан буён илм ва ижод аҳли уни бошқаришда фаол иштирок этиб келади. Умуман олганда, бунинг ёмон томони йўқ. Ёмон бўлса, нафс ва таъмани истеъдоди, эрки ва ижодидан афзал билган олим ёки ижодкорга ёмондир. Виждонга хилоф йўллардан юрмаса, адабиёт, санъат, илм-фан ривожига хизмат қилса, мабодо ўзи ёзишдан тўхтаса ҳам бошқаларнинг йўлини тўсмаса — нимага амалдан қочиш, мартабадан кечиш керак? Афсуски, адабиёт билан мансабнинг «бошини қовуштириш», икки жаҳада бир зайлда илгарилаш ҳам осон эмас.

Бир мисол. XIX асрда буюк ёзувчи Толстойга фамилядош яна бир рус адиби бор эди. У киборлар муҳитидан чиққан. Бой-бадавлат бўлган. Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг болалик дўсти бўлганидек, Толстой ҳам рус подшоси Александр Иккинчининг ёшлик ўртоғи эди. Александр тахтга чиққанидан сўнг ҳам улар ўрта-

сидаги дўстлик алоқалари узилмаган. Толстой ёш ҳукмдорнинг хамсухбати ва мулозими сифатида адабиёт вакилларининг фойдасини кўзлаб анча-мунча хайрли ишларни амалга оширади. Аммо у имконият танқислигини ҳар кун ва ҳар соатда сезиб турган. 1864 йили подшоҳ ундан адабиёт соҳасида бўлаётган ишлар, ижодкорларнинг аҳволи ҳақида сўраганида, у «Чернишевскийга ноҳақ жазо берилгани учун аза тутилаётир», дейди. Александрнинг феъли бузилиб, буюради: «Билиб қўй, Толстой, бундан буён ҳеч қачон Чернишевский тўғрисида менга оғиз очмайсан!» Шўрлик адибнинг подшодан ихлоси қайтади ва бундай дейди: «Мен санъаткор бўлиб туғилганман, бироқ ҳозирги шарт-шароит ва менинг турмуш тарзим санъаткорлик илҳомига изн бермайди. ...Хаммаёқдан хизмат, мансаб, вицмундир, раҳбарият ва шунга ўхшаш сўзлар эшитилиб турганда, санъат учун нима ҳам қила олардингиз?»

...Аҳмад Дониш Бухоро амири элчилари сафида уч маротаба — 1856, 1869, 1873–74 йиллари Россияга боради. Ва сафар чоғида Петербургда, Москвада қўрган кечирганларини «Бадоеул-вақое»нинг алоҳида фаслларида ҳикоя қилиб берган. 1874 йил февраль-март ойларида Россияда чиқадиган «Голос», «Новое время» газеталарида Аҳмад Донишнинг билим-савияси ва сиёсатдонлиги таърифланган фикрлар босилади. Шунга қараганда, ул зот рус подшоҳи хизматидаги ёзувчи ва олимларнинг эътиборини тортган.

Бухорода бир амир даврида неча вазир, қози, муфти ва беклар алмашганига қарамай жамиятда ҳеч нарса ўзгармайди: халқ ҳаёти йилдан-йилга ёмонлашиб бораверган. Бир вақтлар сургун қилинган Наполеон тантилиги тутиб: «Менга ўхшаш одам миллионлаб кишиларнинг ҳаётига тупуради», — деган экан. Бухоро амири ҳам халқ ҳаётини бир чақага олмаган, дейиш ғирт содалик бўларди. Акс ҳолда Дониш давлат бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш масаласида махсус рисола ёзиб, амир Музаффарга тортиқ қилмасди. Табиийки, «Халқ ахлоқининг тузалишидан илгари подшоҳ ва ҳукумат арбоблари ахлоқининг тузалиши зарурроқ. Чунки подшоҳ ахлоқли бўлса, бир шаҳарга эмас, балки вилоятга, хаттоки бутун бир иқлимга таъсири ўтади. Шунингдек, подшоҳнинг маънан бузуқлиги ҳам бутун бир мамлакат халқининг бузилишига сабаб бўлади» қабилидаги гаплар амирга ёқмасди. Шунинг учун рисола муаллифга

атрофидаги миш-миш ва ғийбатларни кучайтиришдан ўзга наф келтирмаган эди. Шунга қарамасдан, Дониш «Наводирул-вақо» асарини ёзиб тугатади.

«Наводирул-вақо»ни ёзгандан кейин, — дейди Садри Зиё, — Донишни нодону кофирга чиқаришди... Қозикалон уни кўрганда, вазир, қушбеги у билан ҳар жойда учрашганда, гарчи бош ирғитиб, табассум ила «яхши», «бале» десалар-да, ортидан кулиб, «Девона бўлибди...» дер эдилар».

Чунки «тили аччиқ» Донишдан амирнинг тамоман кўнгли совиганини бу мунофиқлар яхши билганлар.

Аҳмад Дониш манғит салтанати хонадони мухтасар тарихи битилган «Рисола»сининг асосий қисмида амир Музаффардан — унинг турмуши, феъл-атвори, мамлакатга раҳбарлик қилиш тартиб-усуллари, чор давлатига таслим бўлиш сабабларидан баҳс юритади. Ва масаланинг икки жиҳатига алоҳида урғу беради: бири — Музаффарнинг тахтга чиқиши билан юртда таҳлика, кўркув, қуллик ва ёлғоннинг фавқулодда зўрайиши; иккинчиси — катта-кичик, паст-баланд мансабларнинг энг кўрқок, муттаҳам ва юлғич кимсаларга тақсимлангани.

Масалан, Бухоро вазоратини эгаллаган Муҳаммад Қушбеги шунчалик ожиз, бесавод ва ақлсиз бўлганки, у бутун «иқтидори»ни давлатнинг аянчли аҳволи ҳақидаги заррача тўғри фикрни ҳам амирга етказмасликка сарфлаган. Чунки адолат, диёнат, инсоф талабидаги ҳар қандай гап амирнинг кайфиятига ёмон таъсир ўтказиб, уни ғазаблантирган.

Донишнинг иқрорига кўра эса, «Қуруқ хушомад, бемаъни мақтовлар билан давлат ишлари ўнглалмаганидек, халқнинг аҳволи ҳам яхшиланмайди».

## 6

Аҳмад Дониш новча, тўладан келган, боши ҳалдан зиёд катта киши бўлган. Шунинг учун унга Аҳмад Калла лақаби берилган. Ўзи эса ҳазил билан одамлар мени нима десалар десинлар, «Ман ҳамон Аҳмади порина ки будам, ҳастам» — «Мен ўша-ўша бултурги Аҳмадман, ҳозир ҳам ўшаман», дер экан. Айнийнинг таърифлашича, у буғдой ранг, юзи тўла ва тоза эди, ёшини олтмишдан ошган деб тахмин қилиш мумкин бўлгани ҳолда бетида ажин сезилмасди. Ўртача ва калта соқолининг оқи қорасидан кўпроқ эди.

Аҳмад Махдумни ҳиммат ва саховат бобида Хотами Тойга тенглаштирганлар. Бироқ шундай илм-маърифат ва фазилат соҳибини бировлар коҳин, яъни фолбин — «ғайбдан хабар берганда ажина ва париларнинг талкинлари юзасидан хабар беради», деб айблашган. Ақл-идроқи паст, калтабин муллалар ва уларнинг қулига айланган муллавачалар уни диний илмдан беҳабар ва шариат асосларига шикаст етказувчи кофир деб ҳисоблашган. Нафсу таъма қўлида қўғирчоқ амалдорлар унинг тимсолида давлат душманини «кашф» этиш ва бу бўҳтонга амирни ишонтиришга уринганлар. Хуллас, Аҳмад Махдум ғийбатчилик ва ғийбатчилар учун катта бир мавзу бўлган. «Наузибиллох, бу худобеҳабар кофир бўлибгина қолмай, Намруд, Фиръавн ва Шаддодлар каби худодлик даъвосини ҳам қилади...» Бу «айбнома» ҳам Дониш ҳақида. Шарқ жаҳолати ана шундай хавфли, ана шундай таҳликалидир. Унинг замирида худодлик даъвосини қилган Мансур Ҳаллож дорга осилганда Аҳмад Дониш нечун тирик юрибди, дегандек мудҳиш талаб яшириниб ётибди. Тухмат, ивво, ҳасад ва бўҳтон ҳамлалари филни ҳам қулатиши ҳеч гап эмас. Бироқ Дониш қилт этиб тебранмаган, қуламаган. Негаки, унинг қўнгли маърифат нури, ҳақиқат ишқи билан тўлиб-тошганди. Ожиз, пасткаш, салоҳиятсиз кимсаларнинг бирлашиши ҳам, зимдан қаҳр сочишлари ҳам уни чўчитмасди. У куч-қувватини душманлар билан тортишиш ва олишишга эмас, асосан, нафсини «хайвоний ва шайтоний сифатлардан поклаш»га сарфлаган.

Донишнинг табиатида ғаройиб бир эркинлик ва муросасизлик бўлган. Ҳар қандай эзгу ишда қалби ва руҳи тубанлик, фирромлик ва нокаслик шарпасини сездими — бас, ундан қўл силтаган.

«Мударрисларнинг дарс беришлари одам қўлига босқинчилик қилиш учун қилич тутқазишга ўхшайди. Шунинг учун мен бу ишдан четлашдим». Бу — мударрисликдан кечган Донишнинг иқрори.

«Ғофилликда юрган кезларимда мен ҳам бир неча вақт муфтилик билан шуғулланган эдим. Ўйласам, эшикдан ким келар экан, нима берар экан, деб келганларга сўз ўргатиб, йўл кўрсатиб, шундан бирор нарса олиб, нон топар эканман... Шунинг учун... бу ишдан ҳам қутулдим». Бу — муфтиликка қўл силтаб, иттифоқо, нафсини тийган Донишнинг эътирофи.

Дониш ўз даврининг зўр наққоши, хаттоти ва рассо-

ми бўлганини таъкидлагандик. «Мен Аҳмад Махдум кўчириб, расм ва лавҳалар билан беаган бир «Юсуф ва Зулайҳо» китобининг уч юз пуд бугдойга сотилганини кўрганман», дейди Айний. Қарангки, Донишнинг хат-тотлик ва наққошлиқдан ҳам ҳафсаласи пир бўлади. Унинг изоҳлашича, «бу санъатга уринган кишиларнинг мақсади ё муаллим бўлиш, ёки саройга ва бошқаларга котиблик қилишдир. Менинг кўнглим эса ҳар икковини ҳам кўтармас эди...»

Дониш бу дунёда мутлақ озодлик йўқлигини билгани холда, инсонга ҳурлик ва озодликдан буюк саодат, олий неъмат бўлмаслигига ҳам шак келтирмаган. «Мен ўзимни таниганимдан бери эркин юрганман, ҳеч қачон ва ҳеч бир мавридда асоратга тушмаганман, саройда ишлаб, маъмур ва маошхўр бўлган вақтларда ҳам эркинлигимни қўлдан бермай, асоратни тан олган эмасман...»

Мана шундай кучли, эркига содиқ шахс бўлган Аҳмад Калла.

## 7

Индаллосини айтганда, улуғ ижодкор, ҳақиқий санъаткорларнинг қисмати мураккаб, баъзан эса ниҳоятда оғир бўлади. Улкан санъаткор жамият билан келишса, давлат ва ҳокимият билан чиқишолмайди, давлат билан тил топишса, халққа мақбул келмайди. Бу зиддият истеъдодни ўз гирдобига тортганда, ақл бовар қилмас бахтсизлик, кулфат ва фожиалар юз очади. Шу маънода жаҳон адабиёти тарихига назар ташланса, «Сен она эмассан, жаллодсан дунё!» деган шеърий сатр беихтиёр ёдга тушаверади.

Н.Герцен буюк рус шоири Пушкинга бағишланган бир мақоласини қуйидагича: «Рилеевни Николай дорга осди. Пушкин ўттиз саккиз ёшида дуэлда ўлдирилди. Грибоедов Техронда сотқинлик қурбони бўлди. Лермонтов ўттиз ёшида Кавказда дуэлда нобуд этилди. Веневитинов йигирма икки ёшида оломон қурбони бўлди. Кольцов ўттиз уч ёшида ўз хонадонидида ўлдирилди. Белинский ўттиз беш ёшида очлик ва қашшоқликдан жон таслим қилди. Баратинский ўн икки йиллик ҳарбий сургундан сўнг дунёдан кетди. Бестужев Сибирь қамоқхонасидан кейин, ҳали ёш чоғида, Кавказда жувонмарг этилди...»

Адабиётнинг иродаси, сабр-бардошига балли! Ахир,



унда ҳам оталик, оналик туйғуси бор. Хар бир истеъдод — унинг нуридийдаси, умиди ва ишончи. Йўқотишлар, ажралишлар, янги-янги мусибат адабиётга қандай таъсир ўтказган, қалбини қандоқ эзган — бу ҳақда сўзлаш ҳам қийин.

Аҳмад Дониш узок муддат саройда хизмат қилган, бераҳм сарой ҳаётини ичидан кузатган. Бир эмас, уч амир — Насруллоҳон, Музаффархон ва Аҳадхоннинг қалам аҳлига муносабати, уларни қарамликда сақлаш, таҳқирлаш сиёсатини энг хуфия жиҳатларигача билган.

Буюк маърифатпарвар бошқа ўлкалардаги салтанат сохибларининг хизматида бўлган олим, ёзувчи ва шоирларнинг аҳволидан ҳам воқиф эди. Адиб шу хусусда тез-тез фикр юритар, гоҳо таҳликали ҳаёлларга бериларди. Айниқса, бир танишидан эшитган қонли бир воқеа унинг хотирасига чуқур ўрнашиб қолган эди. Бу — озарбайжон шоири Мулло Паноҳ Воқиф қисматидаги фожиа эди.

Қорабоғ ҳукмдори ўзининг бир навқари томонидан ўлдирилганидан кейин, унинг тахтини эгаллаган Муҳаммадбей ҳам Воқифга душман назари билан қараган. Ва шу даражада тубанликка борганки, шоирнинг ҳам жонига, ҳам гўзал хотинига кўз олайтирган.

Воқиф Қизхоним исмли бир малаксиймо гўзалга уйланганида, ёши анчага бориб қолган эди. Бироқ ишқ оташининг нималигини у ўшанда англаган, дунёни унутиб, бутун борлигини Қизхонимга бағишлаган. Бой-бадавлат бир хонадонда вояга етган Қизхон ҳусну жамолда тенгсиз, таърифга сиғмас бир санам сифатида донг таратган ва Воқифнинг чинакам илҳом парисига айланганди. Янги ҳаёт, қутилмаган бахт тимсоли бўлиб кўринган ёрига у кўплаб шеърлар бағишлайди:

*Соз тутилиб юз минг санам ўйнаса,  
Жам бўлиб Руму Ажам ўйнаса,  
Кўкда малак, ерда одам ўйнаса,  
Қувонч етмас ҳаргиз ўзгадан, келин...*

Бу сўзлар ва самимий эътирофларнинг оқибати нима бўлиши ёки нимага олиб боришини шўрлик шоир ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Қизхоннинг таърифини эшитган Муҳаммадбей аёл билан пинҳона алоқа боғлаб, унга уйланиш истагини билдиради. Хоннинг ваъдаларидан ўзини йўқотган сохибжамол: «Токи Мулла Паноҳ ўлмас

экан, мен сизга шаръан хотин бўлолмаман», — дея жавоб қайтаради. Хонга айнан шу икром ва ишорат керак эди. У Вокифни ҳузурига чорлайди. Зўр зиёфат уюштириб, гўё иззат-икром кўрсатган бўлади. Уни ва-зирлик мансаби кутаётганини айтади. Хуллас, хар қанча узрлар айтиб, хар қанча ўзини олиб қочмасин, Вокиф вазири аъзам бўлишга кўндирилади. Кўп ўтмай у умрида қилмаган, қанча таклиф ва даъватлар бўлса ҳам ўзини мажбур этолмаган ишга қўл уради — бирин-кетин мад-ҳия ва қасидалар битади:

*Қаламда, қиличда, сўзда, садода,  
Баробари йўқдур дорилфанода,  
Меҳру муҳаббати ҳаддан зиёда,  
Кўрсатур чўх эътиқодин Муҳаммад.*

Эхтимол, золимни — одил, қахрни — меҳр дейишда адашиш мумкиндир. Аммо жони, аёли, номусу шони ва истеъдодига чанг солишга чоғланаётган жаллодни мак-ташга киришган шоирни қандай оқлаш мумкин?

Хон ўзини голиб сезишга ҳақли эди. У улкан бир шоирни маънан синдириш, имон-эътиқодига зид гаплар-ни сайратиш ва эл-юрт олдида обрўсизлантиришга эри-шади. Воқиф учун эркинлик, ҳақгўйлик мавсуми тугай-ди. Энди унинг бошида мусибат булутлари қуюқлашиб борарди. Вокифнинг саройдан ташқаридаги душманлари ҳам сарой аёнларига тухмат ва бўхтонларни зўр бериб етказа бошлайди.

Нихоят, хоннинг яқинлари унга қуйидагича маслаҳат беради: «Тез кунда Иброҳимхон Қорабоғ заминига хужум бошлайди, ана шунда вазилингиз мулла Паноҳ сизга хиёнат қилади... Фурсат борида уни ўлдириш ва мали-каи офоқ бўлмиш хотинини ҳарамга олиш керак». «Олам-паноҳ» буни маъқуллайди. Вокиф фожиа кўланкасини сезади. Унинг «Бош олиб бу аҳли дунёдан аёқ етгунча қоч, На қизга, на ўғилга, на дўсту на ёрга боқ», деган сатрлари буни тасдиқлайди. Лекин шоир қочиш чораси-ни тополмайди.

Бир тунда уни Қосим оға исмли ўғли билан қатлгоҳ-га олиб борадилар. У ўғлидан олдин ўлдиришларини ёлвориб сўраса ҳам, кўз ўнгида аввал фарзандини қатл этиб, сўнг ўзининг бўйнига пичоқ тортадилар. Худди шу кеча шоирнинг хотини подшоҳнинг ҳарамига олиб кели-нади...

Бу воқеанинг Аҳмад Донишга қаттиқ таъсир этгани бежиз эмасди. Чунки аллома бунга ўхшаш ҳодисаларга кўп гувоҳ бўлган эди. Айниқса, Амир Музаффарнинг рухсатисиз чиройли бир қизга уйлангани учун бир олим йигитнинг ўлдирилгани ва ўша қиз чимилдикдан тўппатўғри харамга олиб келинганини у ҳеч унутолмасди. Дониш сарой амалдорлари орасида ўзини қанча бегона сезса, майда гап, мунофиқ, қаланғи-қасанғи ижодкорлардан ҳам шунча кўнгли қолганди. Унинг истеъдод бобида ҳам, садоқатда ҳам ишончли бир шогирди бор эди. Афзал Пирмастий деган бу йигитни у бағрига олади, сабоқ беради, тарбиялайди. Қаддини ростлагунча суяйди. Мансаб эгаллашига кўмаклашади. Лекин хом сут эмган банда, барибир адашар экан. Бу йигит, ҳамма яхшиликларни эздан чиқаргандай, бошқа бир кимсага айланади. Устозидан гап ўғирлаб, амирга етказишни одат қилади.

Хон хизматига қандай кишилар муносиб кўрилади, қанақа кимсалар мансабга тез кўтарилади, сарой муҳити, асосан, нимани ўргатиб, нимага рағбатлантиради — Аҳмад Дониш буларни ўша шогирдига қайта-қайта уқтирган эди.

Устоз қозилиқдан ҳам истеъфо бериб, узлатга чекинган, Исо Махдум, Қори Каромат Танбурий, Қори Неъмат каби бир неча мусохибидан ўзга одам билан дил очиб суҳбатлашмасди. «Водариг! Бизнинг замонамизда қулоқлар қар, кўзлар кўрдир. Ягона йўл қолди: нимани билсанг, шуни ёзиш, ўзинг ўқиб, ўзинг йиғламоқ учун уни қоғозга битиш...» Аммо ошпоқ қоғозга дардларни тўқиш, танҳоликда йиғлаш учун ҳам имкон йўқ эди.

Эл-юрт орасида катта обрў қозонган қайсар алломанинг фикрларини амир билгиси келарди. Афзал Махдум айғоқчиликни қойиллатиши керак эди. Бироқ кўп ўтмай сир фош бўлади. Шундан сўнг Афзал Махдум ҳам Донишга, ҳам устозининг айрим яқинларига ташланади...

## 8

Минг саккиз юз тўқсон еттинчи йилнинг эрта баҳори. Кўклам кучоғида эркин нафас ола бошлаган қадим Бухоронинг кент ва олис қишлоқларида ҳам ҳаёт қайнайди. Қишки қарахтлик, сокинлик кўнгилларни тарк этган. Дунё гўёки бир жўшқинлик — баҳор ва тириклик завқидан бошқа шукухни тан олмайдигандай. Қушлар қий-чувиға тўлиб кетган боғ-роғларда одамлар кўклам юмушлари билан машғул.

...Кеча Садриддин кўшнисидан эшагини сўраб олган. Бугун Гиждувон марказига бормоқчи. Пешинга якин у эшакка миниб йўлга тушди.

Туман марказига етиб келиб, эшакни бозор рўпарасидаги карвонсаройга боғлади. Чорсу томонга юриб, тўғри Файзибой ҳолвачининг дўконига кириб борди. Файзибой унинг эски ошнаси. Дўкон эса хамиша гавжум, хабар тўпланиб, тарқаладиган ўзига хос бир «марказ» эди...

Ҳолвачи унга вужудни қақшатадиган совуқ бир хабарни айтди. Бу — Аҳмад Донишнинг вафоти хусусида бир ҳафта олдин Бухородан етиб келган машғум хабар эди.

— Водариг, шундай улуғ одам вафот этди, — дея гапни давом эттирарди Файзибой, — Аҳмад Махдум беназир одам эди. Унинг улуғворлиги муллаглиги, ёши, мартабасида эмас, балки ростгўйлиги, одиллиги ва донишмандлигида эди. Сухбатдошни ипсиз боғлай оладиган бир кучи бор эди. Хислатли, хосиятли бунақа зотни мен умримда кўрмаганман. У зўр дуохон эди деб ўйлайман, хоҳлаган одамини асир айлай биларди. Шунча савлату салобати билан каттаю кичикка оға-инидек муомала қиларди... Биз бир неча гиждувонликлар тунов куни уйига бориб аза очдик. Уч кун мобайнида дуои фотиҳа ўқидик.

Садриддин Аҳмад Калланинг Гиждувон яқинида қароргоҳи борлигини эшитган, лекин кўрмаган эди.

— Ака Файзи, шу уйга бориб фотиҳа ўқисак бўлади-ми?

— Албатта. Бутун Бухоро ҳозир Махдумга мотам тутаётир. Вобкент, Шофиркон, Пешкўда ҳам аза очилган...

Файзибой узок куттирмади. Икковлон йўлга чиқдилар. Садриддин хомуш эди. У қанча мусибат ва йўқотишларни бошдан ўтказди. Бироқ бу ажралиш аламини сўз билан ифодалаб бўлмасди. «Нега тириклигида уни сўроқлаб бормадим? Сухбатларидан нечун ўзимни мосуво қилдим?» деб ўзини қойир ва у ҳам «Ҳай дариг, минг дариг» демокдан бошқа таскин тополмасди.

Файзибойга таниш икки киши уларни қарши олди. Тиз букиб ўтиришлари ҳамон Садриддин қироат бошлади. Қуръони карим калималари овозидан мунг бўлиб, муножот бўлиб оқди, оқаверди.

У ўлимнинг ҳақлигини билса ҳам, шундай мунаввар, шу қадар муқаррам зотнинг вафотига кўниқолмасди.

Файзибой Аҳмад Махдумнинг бу жойга қачон келиши, кимлар билан учрашиши, юриш-туриши ҳақида билганларини сўзлай бошлаганда Садриддин тўққиз ёғочлик хашаматли уйни нигоҳдан ўтказарди. Деворларга ганчкорлик, ўймакорлик усулида ҳар турли нақшлар солинган. Гуллар эса шунчалик жонли ва жозибалики, узиб хидласа бўлаверадигандай. Хонанинг олд девори тепасига махсус лавҳада: «Э кўргувчи, бу нақшни асло унутмагил, Мир Аҳмад фақир синиқ килкин эслагил!» деган байт заррин ҳарфлар билан нақшланганди.

Файзибойнинг айтишича, буларнинг ҳаммасини Дониш ўз қўли билан яратган экан.

Садриддин Айний Соктареда кейин узоқ туrolмади. Аммо Бухорога ҳам боргиси келмасди. Донишдай жигарбандидан жудо бўлган Бухоро унга бениҳоя ўқсик, ғариблашиб қолгандай туюларди. У Пешкўга — Аҳмад Донишнинг садоқатли дўсти, туман қозиси Шарифжон Махдум ёнига борди.

«Мен қози билан Аҳмад Дониш ҳақида кунда узоқ суҳбат қилишдан ташқари, — дея хотирлайди Айний, — Дониш қўли билан ёзилган катта дафтардан унинг асарларини ўқиб чиқдим. Қизил чарм муқовали бу дафтарнинг бўйи тахминан икки қарич, эни бир ярим қарич бўлиб, Кўконнинг жайдари китобот қоғозидан тузилган эди».

Ушбу дафтар маълум бир жиҳатдан кундалик характерида бўлган: муаллиф турли ҳолат, кайфият ёки вазиятда туғилган фикр-мулоҳазаларини шу дафтарга пешма-пеш ёзиб, қайд қилиб борган. Сўнг «Наводирул-вақое»ни ёзишда уларнинг баъзиларидан фойдаланган.

Аҳмад Донишнинг дастлабки асари «Манозирул-кавокиб»дир. Бу рисолада нужум, яъни юлдузшуносликдан баҳс юритилган бўлса ҳам, асосий эътибор инсон тақдири ва толе сирларини очишга қаратилган. Расмий уламолар Донишни ислом дини асос ва ақидаларини билмасликда айблайди. Шунда у ғанимлар бўхтонига «Меъёр ут-тадайюн» (1894) рисоласини ёзиш билан жавоб берган, унда дину диёнат меъёрларини ёритган эди. Манғит амирлари сулоласи ҳукмронлиги тўғрисидаги китобида эса юз йиллик тарих тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Иброҳим Мўминовнинг қайд этишича, «Мажмуаи хикояти Аҳмади Калла» тўпламида Ўрта Осиё тарихидаги, хусусан, Мирзо Улуғбек давлатни бошқарган даврдаги энг муҳим ҳодисалар қаламга олинган.

Албатта, бугун кўпчилик замондошларимиз бу асарларнинг номини ҳам билмаслиги мумкин. Негаки, «Наводир»нинг ўзбекча таржимаси уч минг нусхада 1964 йилда босилиб чиққан. Орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтди. Бу китоб на қайта нашр этилди, на Донишнинг бошқа бир асари таржимасига қўл урилди. Илм ва ижод ахлида муносабат шундай бўлгач, ёш авлод Донишни қайдан билсин, қайси китобини қаердан ахтариб, қандай топиб ўқисин?

Е.Бертельс «Дониш — Ўрта Осиё жадидларининг отаси», деб таъриф берган эди. Шундай экан, бундай улуг зотнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганмасдан туриб озодликнинг, илм-маърифатнинг аҳамиятини тушуниш қийин.

## 9

Маълумки, ҳаётдан адабиётга, адабиётдан ҳаётга бориш айна бир йўл эмас. Адабиётнинг бош вазифаси ва туб моҳиятини чуқур тушунмай ҳаётдан баҳс юритадиган ижодкорлар бўлганидек, ҳаётнинг асосий талаби ва боқий ҳақиқатларини теран англамай туриб адабиётга хизмат қилишни кўзлаган қалам соҳиблари ҳам кўп учрайди. Истеъдод фақат адабиётда синалмайди, уни ҳаёт ҳам синовдан ўтказди. Аслида, ижодкор куч-қуввати, шижоати ва маҳоратини намойиш айлайдиган чинакам синов шу. Инсон тақдирини ҳаёт кўзгусида, ҳаётни инсон қисмати орқали акс эттиришни эплаган ҳар бир санъаткор буни албатта ўйлайди.

«Ҳаёт — моддий ва жисмоний ҳаракат, ҳар қандай фаолият, ўз моҳиятига кўра номукамал ва бетартиб. Мен эса фақат ҳаёт талабига мувофиқ ҳолда унга хизмат қилишга интиламан», — дейди француз адиби ва мутафаккири Мишель Монтен. Ана шундай нуктаи назарга асосланган ижодкор маънавий-ахлоқий, диний-руҳоний мавзуларда ҳеч вақт сафсатабозлик қилмайди. Ҳеч қачон китобий ғоя ва тушунчалардан илҳомланиб асар ёзишга умрини сарфламайди. Бухоро адабий муҳитида эса бадиий ижод воқеликдан, воқелик адабиётдан йироқда судраларди. Ўртада уйғунлик, табиий алоқа йўқ эди. Аксарият қаламкашлар маҳдуд аҳволи, қилаётган ишига танқидий нигоҳ билан қарай олмасди. «Эй биродарлар, сиз кам фикрлайсиз. Мушоҳада юритолмай, тайёр фикрларга ёпишиб яшайсиз. Ҳатто туйғу ва изтиробларингиз ҳам

янгиликдан махрум» дейдиган одам топилмасди. Адабиёт назиранавислик, маддохлик лойига ботган, айниқса, Мирзо Бедилга кўр-кўрона тақлид «мода»га айланган эди.

Бу жараёни тўхтатиш, қандай қилиб бўлмасин, бундай иллатларга барҳам бериш зарур эди. Буни уйдлаш осон эмасди. Адабиётдаги нафислик ва гўзалликнинг манбаи қаерда? Ҳаётда. Адабиёт ва санъат нозикликни қаердан ўзлаштиради? Ҳаёт ва воқеликдан. Демак, ҳаёт адабиётдан нозикроқ. Шу боисдан ҳаётни тез бой бериб, осон булғатиш мумкин. Бу ҳақиқатга етишган ижодкор ўз ҳаётини минг-минглаб кишилар кўзгусида мушоҳада этишда қийинчилик сезмайди. Ва ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай шароитда ўз китобхонини топади. Зеро, чин истеъдод ўқувчи марҳаматига зор эмас. Ёзган ёки ёзилажак асари ҳар томонлама мукамал — ғоявий, руҳий, бадий жихатдан ҳам қизиқарли бўлса, китобхон уни албатта топиб ўқийди. Бинобарин, ўзига инонган истеъдод сохиби адабиёт «ярмарка»сидаги галаёнларга аралашувдан тийилади. Аҳмад Донишнинг илмий-ижодий фаолияти шу маънода ибрат мактабидир.

Бу дунёда ҳар бир ютуқ ва муваффақият ўзича қурбон талаб қилади. Нимадандир кечилса, нимагадир эришилади. Ниманидир сақлаб қолсангиз, ниманидир бой берасиз. Хуллас, муваффақият дегани — маҳрумият, маҳрумият дегани — муваффақият бўлмоғи мумкин.

Дониш ҳаётни севиб, ҳеч бир тўсиқ ва қаршилиқни писанд этмай мардона кун кечирди. Шу боисдан ҳам унинг асарлари ростлик, матонат руҳи билан суғорилган. У куч-қувватини ўзи хоҳлаган зайдда ижодий ишларга бағишлай олмаган бўлса-да, ҳеч бир маънода тил-қисқиклик жойи ҳам йўқ эди.

Аҳмад Дониш халқ ва давлат, ҳокимият ва юртнинг таназзулдан қутилишини ўйларди. Шу боисдан ҳам у жоҳил, нодон ва аҳмоқ кимсаларни давлатдан ҳимоя айлашга уринмаганидек, ичдан чириб, бузилиб кетган давлатнинг одамлар ҳаётида бирор ўзгариш қилиши ҳақида сўзлашни ҳам истамасди. Унинг биринчи орзуси ахлоқ ва тафаккур эди. «Илм-фан тафаккурни озод қилади, эркин тафаккур эса халқдир», деган ҳақиқатга Донишда ҳам иштибоҳ йўқ эди.

Менимча, олмон файласуфи Эрих Фроммнинг мана бу мулоҳазалари айнан Аҳмад Донишга ўхшаган мутафаккирлар ҳақида айтилгандир: «Камдан-кам кишилар-

гина ёлғизликка чидаб, жамоатдан четда умргузаронлик қилишдан қўрқмай, ҳақиқатни айтишга қодир бўлади. Булар инсониятнинг чинакам қахрамонларидир. Агар шундай шахслар бўлмаганда, биз ҳозиргача мафораларда кун кечириб юрган бўлардик».

Аҳмад Дониш ана шундай қахрамонлардан эди. У ҳақиқат, маърифат, тафаккур нури билан халқининг қалбини нурлантиришга бел боғлаган танти аллома эди.

Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва ижодиётини ўрганишда тожик, ўзбек, рус олимлари бир қанча хайрли ишларни амалга оширган. Улар орасида С.Айний, Е.Бертельс, И.Мўминов, С.Улуғзода, З.Ражабов, М.Шукуров каби атоқли олим ва адиблар бор. Бугун юртимизда сиёсий-ижтимоий иқлим тубдан ўзгарган, фикр-қарашлар янги-ланган, маданий меросга муносабат ҳам бошқача. Лекин афсуски, Аҳмад Донишга бағишлаб янги давр талаб ва эҳтиёжини ифодалайдиган бирорта ҳам махсус тадқиқот бизда ҳали яратилгани йўқ.

Юрт, миллат, инсон эрки дардидан бошқа дардни писанд қилмаган маърифатпарвар адибнинг илмий-адабий меросини қайта-қайта ўқиб-ўрганишимиз керак. Шундай бетимсол аждодимизнинг ибратли ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, маънавий-фалсафий сабоқларидан бахраманд бўлиш маърифатли жамият қуриш йўлида тинмай изланаётган биздек авлодга янги куч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиздир.



## Устод

Дунёга машхур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам босилган «Икки санъаткор» номли мақоласида «Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир», деб ёзган эди. Мана шундан буён кечган вақт мобайнида дунёда кўп ўзгаришлар — ижтимоий, сиёсий, маънавий эврилишлар содир бўлди. Ўзининг куч-қудрати ва имкониятларига ҳаддан ташқари ишонган муаззам бир империя — шўро салтанати ҳам парчаланиб кетди. Адабиёт ва санъат учун бундан ортиқ, бундан муросасизроқ синовни тасаввур қилиш қийин, албатта. Чунки фақат шўро мафкурасига таянган, ўзини шўро тузумининг тарғиботчиси деб билган адабиётнинг ҳам умри тугади. Айни пайтда қайси тузум, қандай мураккаб даврда кун кечиритишдан қатъи назар, буюк истеъдодлар қаламига мансуб асарлар яшашда давом этавериши мумкинлиги яна бир қарра тарихий тасдиғини топди. Ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, шу икки қондош ва жондош халқ адабиётининг дунёга доврўф таратишига улкан хисса қўшган улуғ адиб Садриддин Айний ҳам худди ана шундай умри боқий асарлар яратган санъаткорлардандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Садриддин Айний вақт ўтгани сайин ижодиётининг қадр-қиммати ортиб, теранлик сирлари кенгрок, чуқуррок кашф этиладиган қалам соҳибларидан саналади. Оллоҳ устод Айнийга бир неча яхши олим, сермахсул ёзувчига етадиган истеъдод берганди. Айний яратган илмий тадқиқотларнинг ҳажмига тенг асарлар ёзиш, эҳтимолки икки-уч захматкаш олимнинг қўлидан келар. Аммо бу асарларнинг Айний тадқиқотлари сифат ва савияси билан беллаша олишига ҳеч ким кафолат беролмаса керак, деб ўйлайман. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими», «Эсдалиқлар» китоби манаман деган улуғ бир истеъдоднинг шон-шухратини жаҳонга таратиш ва муаллифига бадиий хайкал ўларок боқий яшаш қудратига эга, деса асло хато бўлмайди. Бунга аниқ ишонмоқ учун эса ушбу икки нодир китоб-

нинг жаҳоннинг қайси халқлари тилларига таржима қилинганлигини хаёлдан ўтказиш кифоя. Айнийнинг ҳикоя ва романлари, тарихий асарлари-чи? Шеърляти, шоирлик кифоаси ва Шарқ шеърлятига қўшган хиссаси ҳақида биз нечоғли биламиз? Деярли ҳеч нарса. Чунки, ҳатто ўзбек айнийшунослари ҳам бу шеърлят билан жиддий қизиқишгани йўқ.

Айнийнинг илмий-ижодий меросини адабиёт, тарих, педагогика ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридангина эмас, балки тилшунослик жабҳасидан ҳам баҳолаш лозим бўлади. Тожикистонда нашр этилган Айний қуллиётининг 12-жилдидан у тузган тожик адабий тилининг луғати ўрин олган.

Чоп этилиш арафасида луғатни кўздан кечирган машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс 1939 йилнинг баҳорида Айнийга йўллаган мактубида мана нима деб ёзган эди: «...Мен сизнинг «Тожик адабий тилининг луғати»ингизни, яъни янги шоҳ асарингизнинг айрим қисмларини ўқиб чиқдим. Бемалол айтишим мумкинки, Сиздан бошқа ҳеч бир киши бундай ишнинг урдасидан чиқа олмасди...»

Айнийнинг улуғлиги ҳам, тенгсизлиги ҳам ана шунда — у бошқа бировлар уддалай олишга ақл бовар қилмайдиган ишларни қойиллатиб бажаришга қодир билим ва салоҳият соҳиби эди. Айний илм ва ижод учун туғилганлигини билар, шунинг учун бутун куч-қуввати, меҳнат қобилиятини илм-фан, адабиёт равнақиға бағишлаганди.

Садриддин Айний кўҳна — мумтоз адабиётни яхши ва атрофлича билади. Унинг асарларида мағиз бор. Киши ўқиса зерикмайди, асарларини ўқиган сари кишини ўзига тортади.

Айний ҳақида сўзлаганда бир ҳақиқатни асло унутмаслик ва доимо инобатға олиш лозим: Айний Бухоро фарзанди. У Шарқнинг энг қадимий, энг мўътабар илм-фан марказларидан бири бўлган Бухорода, яъни шариф бир ўлкада туғилиб, камолға эришган. Айнийнинг бош муҳофизи, бош мураббийси ва муршиди комили Бухоридир. Шунинг учун ҳам у жон ипи ва виждон амри ила Бухороға боғланган. Айний яшаган даврлардаги Бухорода ижтимоий-маданий ҳаётда турғунлик ҳукмронлик қиларди. Одамлар иқтисодий йўқсиллик, фикрий қолоқлик ва руҳий тушқунликка маҳкум этилганди. Илмсизлик, жаҳолат ва мутелиқдан туғилган фожиаларни санаб адоғиға етиб бўлмасди. Шафқатсиз ҳаётнинг қулфат ва

қийинчиликлари, кундалик турмуш машаққатлари билан болалигидаёқ юзма-юз келган Айний маънан жуда эрта улғайганди. Унинг иродаси ғам-андух, ҳасрат ва армон, қашшоқлик ва ночорлик панжасида тобланган, деса асло хато бўлмайти. Инсоф билан айтганда, Айний босиб ўтган ҳаёт йўли — матонат ва қаҳрамонлик йўли. У шундай қалтис ва таҳликали ҳолатларни бошдан ўтказганки, Оллоҳ инояти ва Бухоро мададисиз улардан қутилиш ёхуд омон қолишга ақл бовар этмайти. Айний буларнинг барчасини асарларида, хусусан, «Эсдаликлар»ида ақл ва тадбир, илм ва ироданинг куч-қувватига ишонган ҳар бир шахснинг қисматида учраши мумкин бўлган ҳодиса ўлароқ тасвирлаб беради. Чунки Айний Бухоронинг кулфат ва мусибатлари олдида ўзининг қайғу ва мусибатлари бир томчи ҳам эмаслигини билар, уни ўлим таъқиб этган чоғларда ҳам азиз Бухоросининг меҳр ва шафқатидан умид узмас, шу боисдан ҳам тушқунликка берилмасди. Таниқли тожик адиби Жалол Икромий ҳаққоний таъкидлаганидек, «Айнийнинг Бухорога ошиқи беқарор юраги унинг учун ачинар, нажот истарди. Айний Бухоронинг дарду жафоларига қалбан шерик, чинакам ватанпарвари эди». Ана шу ошиқлик ҳисси, ватанпарварлик бурчи ва ҳамдардлик холи донишманд Айнийни охири нафасгача тарк қилмаганди. Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илм-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам Ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратларга ўхшаб ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасизки, у мўрт бир адабий шахсият билан ўртамиёначилик чегарасидан бир одим ҳам нари ўтолмасди. Холбуки, Айний дунё диққат-эътиборини Бухоро ва бухороликлар қисматига қарата олди. Тўғри, Айний тасвирларидаги Бухоро ва бухороликлар ҳаёти ўқувчи дилини кўпроқ қувонч ва шодликка эмас, фожиа ва қайғуга ошно этади, уни бир-биридан оғир, бири-биридан ёқимсиз воқеа-ҳодисотлар билан юзлаштиради. Ҳақиқат билан учрашганда одам қанча қийналса, муҳокама-мулоҳазаларида нечоғлик фаоллашиб, эзгулик ва инсонийлик шарафига қанчалик инонса, Айний асарларини ўқиганда ҳам тахминан худди шу зайлда қийналиш, фаоллашиш ва ишонч ҳосил бўлади.

Айнийнинг услуби содда, лекин жонли, фавқулудда самимий ва безаксиздир. У ҳеч бир асарида ўзи кўрмаган, билмаган ёки моҳиятига етмаган нарсани китобхонга

кўрсатиб, уни ишонтиришга уринмаган. Унинг учун бадий талкин, бошдан-охир табиий, ҳаққоний — ҳар қанақа адабий ясамаликдан йироқ талкин ҳисобланган. Айнийнинг ижодий шахсияти — ҳавас қилиш ва ибрат олишга арзирли шахсият. Унда асардан-асарга ҳақиқат ҳисси ўткирлашиб, донишмандлик заковати теранлашган. Бу ҳам тасодифий эмас, албатта. Бизда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан Шарқ мумтоз адабиётини ўқиб-ўрганмасдан, билмасдан ҳам бадий ижод билан машғул бўлиш мумкин, деган бир қаноат пайдо бўлган, вақт ўтган сайин эса у умумий кўникмага айланиб қолган. Айнийнинг тажрибалари бундай кўникма адабиёт ривожини учун мутлақо зарарли ва Румий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобур, Бедил каби даҳо санъаткорларнинг асарларидан сабоқ олмай туриб, узокқа бориш мумкин эмаслигини билиш ва тан олиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли.

Дарҳақиқат, устод Айний Шарқ мумтоз адабиётининг беқиёс билимдони бўлган. Унинг илмда — адиб ва мутафаккир, бадий ижодда олим ва муаррихлиги доимо назарга ташланиб туради. Бу камёб фазилат, ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган фазилатдир. Айнийнинг дунёкараши, адабий шахсияти, ғоявий-эстетик тушунча ва ҳаётий идеаллари бевосита Шарқ оғзаки ва ёзма адабиёти, Шарқ маданияти ва маънавияти асосида шаклланиб камол топган. Шунинг учун Айний ҳақида гапирганда ўз-ўзидан Рудакий ёки Ибн Сино, Саъдий ёки Навоий, Бедил ёхуд Аҳмад Дониш сингари улугларни эслаш, уларнинг ахлоқий-фалсафий нуқтаи назарлари билан муштарак бир тарзда мулоҳаза юритиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Айнийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятида шеърга муҳаббат ва шоирликка қизиқиш муҳим ўрин тутди. У шеър, шоир ва адабиётга ихлосманд бир оилада туғилган. Адибнинг отаси ўз даврининг очиқ фикрли анча ҳаққўй кишиси бўлиши билан бир қаторда илм ва адабиётнинг қадрини ҳам билган. У ўз фикрларининг тасдиқ ва исботи учун гоҳ шеър, гоҳ мақол ва маталлардан фойдаланган.

Айний ўн ёшларга етмасданок Ҳофиз, Бедил, Соиб шеърлари билан танишган. «Ўн ёшимда мактабни тугатдим, — деб ёзади адиб «Қисқача таржимаи холим» асарида. — Бироқ ҳали саводсиз эдим, мактабда ўқитганларини ўқий олсам, аввалдан ўзимга таниш бўлмаган бошқа нарсаларни ўқий олмас эдим.

Аммо шеърларни севар эдим. Уларнинг мазмунига яхши тушунмасам ҳам, оҳанги мени завқлантирарди. Баъзи шеърларни ёдлашга тиришар эдим. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Соиб, Навоий ва Фузулий каби шоирларни «вали», яратган шеърларини каромат деб ҳисоблар эдим».

Албатта, валилик фазилатларига соҳиб бўлмаган одам Ҳофиз, Навоий, Фузулий ёки Бедил кўтарилган шоирлик мақомига кўтарила олмайди. Ҳақиқий шеър каромат бўлмаса-да, кашф ва илҳом маҳсули. Ёш Садриддин буларни эмас, «вали» бўлмаган каромат кўрсатолмайди, демакки, шеър ёзолмайди, деб ўйлаган. Бир воқеа муносабати билан отасидан эшитган гаплар унинг шоирлик хусусидаги хулосасини тубдан ўзгартириб юборган.

Айнийнинг ёзишича, Бухоро мадрасаларидан бирида дарс берувчи ва Исо таҳаллуси билан шеърлар ёзган Исо Махдум уларнинг қишлоғига меҳмон бўлиб келади. Новча, озғин, сийрак соқолига оқ оралаган, эғнида оқ сурп яқтак, бошига кичик салла қўндирилган бу кишини масжидга яқин бўлган ўз ховлиларидан отаси Садриддинга кўрсатиб «Ҳозир мадрасадан бир киши чиқиб, хужрага томон йўл олади, сен уни яхшилаб кўриб ол. У акангнинг домласи бўлади. Шоир, жуда яхши шеърлари бор», — дейди. Ва пешин намозидан қайтгач, унинг шеърларини ўқиб беришга ваъда беради. Саидмуродхўжа намоздан қайтиб келиб ўғлига Исонинг қачонгача бекорликдан муздай қотиб ўлмоқ, ҳеч бўлмаганда қўлингдаги varaқларни тўплаб бир китобча қил мазмунидаги:

*То ба кай зи бекори  
Ба фурсати мурдан.  
Нухае бакаф дори  
Жамъ созу ажзо кун —*

сатрларини қайта-қайта ўқиб, яна бундай дейди: «Донишмандлар кишиларни меҳнат қилишга чакирадилар, улар бекорчиликни ўлим билан тенглаштирадилар. Бошқа муллалар бўлса, ўзлари молу дунёга ботиб кетган бўлишларига қарамай, кишиларга «тарки дунё» қилинг!» дейдилар... Шундан кейин отам уй тоқчасидан Соиб ғазаллари ёзилган бир неча varaқни олиб, ундан бу матлаъни ўқиб берди:

*Ба дўши таваккул манеҳ бори худро  
Валинеъмат хеш кун кори худро.*

(Мазмуни: Ўз юкингни таваккул кўкрагига ташлама. Ўз ишингни ўзинг учун валинеъмат айла!) ва деди:

– Кўраяпсанми, улуғ кишилар бир-бирлари билан қанчалик ҳамфикрдурулар. Бундан 250 йил муқаддам ўтган Бобо Соиб (отам исфаҳонлик Соибни ҳурмат юзасидан «Бобо Соиб» дер эди) билан бизга замондош бўлган Исо бир мазмунда сўзлайдилар».

Эътибор беринг: ота фарзандининг шеърни севиши, ўзича шоирликка ҳаваси борлигини билади. Ўғли ҳали бирор бир шоирнинг тирик қиёфасини кўрмаганлиги учун уни масжид чорбоғи ўртасидаги девор устига кўтариб қўйиб, Исо Махдумни унга кўрсатади. Сўнг унинг шеърлар тўпламини таништириб, ғазалларидан мақбул санаган байтларни ўқиб беради. Аммо у шу билан қаноатланмайди: Исо байтларининг мазмунига асосланиб меҳнатнинг фойдаси ва бекорчиликнинг ўлим билан тенг эканлигини донолик ила боласига тушунтиради. Ва дунёпараст муллоларнинг мунофиқликлари, халқни тарки дунё қилишга ундовчи сафсаталарини қоралайди. Шундан кейин олис ўтмишда яшаб ижод этган бошқа бир шоирнинг қачонлардир ўзи кўчириб қўйган ғазалларидан бирининг матлаъсини ўқиб, Садридинни улуғ кишилар бир-бирлари билан ҳамфикр бўлишларига ишонттиради.

Ушбу суҳбат «менинг адабий фаолиятимга катта таъсир этди. Аввалгидан кўра кўпроқ шеър ўқиш ва шеър ёдлаш билан шуғулландим...» — дейди Айний. Дарҳақиқат, отаси Айнийнинг биринчи устози, адабиёт, ҳаёт, инсон тақдирига доир қарашларининг тўғри ва чуқур шаклланишида ўғлига у жуда катта таъсир ўтказган эди. Саидмуродхўжа вабо чанғалида жон таслим этаркан, ўғлига дейди: «Ўқи, ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам ўқи, одам бўл! Лекин қози, раис ва имом бўлма! Мударрис бўлсанг майли!»

Булар падари бузургворидан Айний эшитган ва ўқисик болалик хотирасида нақшланиб қолган сўнгги сўзлар эди. Эҳтимол, шу васият иқтисодий аҳвол ва шароитнинг беҳад танглигига қарамай, Айнийнинг Бухорога бориб, мадраса ҳаётининг барча машаққатларини енгишга куч бағишлагандир. Эҳтимол, шу васият боис Айний на қозилик, на имомлик ва на биқик муллолик кўчаларига қайрилиб ҳам боқмагандир.

Хуллас, Айний 14–15 ёшларидан бошлаб шеър ёзиш билан жиддий машғул бўла бошлайди. Ва дастлаб Сифлий, Мухтожий, Жунуний тахаллуслари билан шеърлар битади. «Эсдалиқлар»да бу тахаллусларнинг танланиш сабаблари ва улардан кўзланган мақсадни шарҳларкан,

Айний, жумладан, шундай дейди: «Ёшлигимда бошимга тушган оғир турмуш таъсирида мен асабий бўлиб қолгандим, тирикчиликдан кўп сиқилардим. Баъзан танҳолик кечалари ўтган замон шоирларининг марсиянамо шеърларини ўқиб, юрагимни бўшатиш учун йиғлардим. Одамлар менинг бу хусусиятимни пайқаб, қобил бола, аммо бир оз девоналиги бор, дер эдилар. Мен ҳам элнинг шу фикрига мойил бўлиб, девона маъносида «Жунуний» сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим».

Айнийнинг Муҳтожий ва Жунуний тахаллуси билан ёзилган шеърларидан намуна сақланиб қолмаган. Сифлий тахаллусидаги шеърларидан эса бир ғазал ва Ҳозик ғазалига битилган мухаммас сақланган. «Сифлийи бечораам, сар то по кардам ғалат» — «Сифлийи бечораман, бошдин то оёққача хато қилдим», деган надомат ила тугалланган ғазалда ҳам, мухаммасда ҳам шоир ўзининг ниҳоятда қайғули, маҳзун танҳолик ҳолини тасвирлайди. Умуман, Айний илк машқларидан бошлабоқ шеърнинг ҳаётий асосга эга бўлишига, нурсиз, шарафсиз ва бўғик бир муҳит қафасида сиқилган, азобу изтиробга маҳкум этилган шахс қайфияти ва ҳолатларини акс эттиришга алоҳида эътибор берган. Шунинг учун унинг анъанавий мавзу, шакл ва услубда ёзилган шеърларида ҳам реалистик моҳиятнинг устунлиги доимо аниқ сезилиб туради.

*Шаби танҳойи, дили ман хун шуд,  
Дили ман хун шуд, шаби танҳойи  
Дили шайдойи ба кужо гум шуд?  
Ба кужо гум шуд дили шайдойи? —*

(Мазмуни: Танҳолик тунида менинг дилим қон бўлди, менинг дилим қон бўлди, танҳолик кечасида. Шайдо юрак қаёнга ғойиб бўлди? Қаёнга ғойиб бўлди ул шайдо юрак?) каби мисралар эса бевосита шоирнинг ҳасби ҳолини шеърхонга жуда аниқ изохлаб беради.

Айний шеърляти — дарддан, ғамдан, армондан қайнонган шеърлят. Айний бошданок шеърни назирабозлик, сунъий ялтироклик, шахсиятсизлик панжасидан ҳалос айланишга интиланган ва бунга муваффақият ила эришиб ҳам билган. Унинг нуқтаи назарига кўра, «Ҳақиқий шеър ўқувчи ва эшитувчига чуқур ҳаяжон бағишламоғи шарт. Бунга эришмоқ учун эса шоир самимиятга асосланиши ва ўз шахсиятини ўша «айтгани»да зухурлантира билиши керак».

Айнийнинг ўзи ҳам шеъриятда худди шу усулда иш юритган ва насрда ҳам уни давом эттирган. Бундан ташқари, унинг турли жанрларда яратилган шеърлари билан пухта танишган киши Айнийнинг насрдаги истеъдоди айнан шеъриятда куртакланганлигига асло шубҳа қилмайди.

«Мен ўз умримда кўплаб китоб ёздим, — деган эди Айний, — буларнинг ҳаммаси бир мавзуга бағишланган бўлиб, ўз ҳаётим материаллари асосида юзага келди». Айнийнинг реалистлиги, ҳақиқатга содиқлиги, характер яратишда ўзига хосликка эришиш маҳорати ҳам, аввало, мана шунда. Шунинг учун адибнинг бирор бир асарини унинг ҳаёт тажрибалари, адабий шахсияти, воқеликка эстетик муносабатидан айри тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Ҳатто, «Судхўрнинг ўлими» қиссасидан ҳам ёзувчи образи муҳим ўрин эгаллаган. Тўғри, Айний кейинчалик қаттиқ ишонган, қисса ва романларида кенг кўламда тасвирланган ёки идеаллаштирилган гою ва ҳақиқатларга иштибоҳ билан қараш, улардан айримларини бугун бемалол инкор ҳам этиш мумкин. Лекин мана шу жойдаёқ асосий масалага тўқнаш келинадик, бу улуг адиб ижодиётининг тарихий-фалсафий қиммати ва умуминсоний моҳиятидир. Мана, «Қуллар»ни олайлик. Оддий меҳнаткаш халқнинг қарийб бир асрлик машаққатли ҳаётдан ҳикоя қилувчи бу романда октябрь тўнтаришигача бўлган давр ва шароит тарихий ҳақиқатларга мувофиқ манзараларда кўрсатиб берилган.

Қарийб юз эллик йилдан зиёдроқ муддат ҳукм юритган манғит амирлар салтанатининг кейинги вакиллари Бухоро халқи учун нима қилди? Улар бир-бирларидан қай жиҳат ва қайси хусусиятлари билан фарқланганлар? Ёки фарқланмаганлар? Илм-фан, маданият ва маънавият нечун айнан ўша манғит амирлари даврида бутунлай таназулга юз тутди? Зулм ва зўравонлик, таҳқир ва ҳуқуқсизлик қафасида яшаган омма адолат ва озодлик хисларини қандоқ бой беради? Қўркув ва мутелик тантана қилган шароитда илм аҳли ва адабиёт вакиллари қандай майдакашлик ёхуд найрангбозликлар билан жон саклашади?

Бу ва бунга ўхшаш ўнлаб саволларга Айний ўзининг қисса ва романларида шунчалик аниқ, шунчалик ёрқин жавоб берганки, бундан кўз юмиш кўрлик билан баробардир. Айний қиссаларида шахс онгидаги ўзгариш, алоҳида бир шахснинг хурликка интилиш, демакки, ўзли-



гини англаш жараёнини мохирлик билан қандоқ бадиий талқин қилса, шу ғояни романларида хилма-хил ижтимоий гуруҳга мансуб, турли нуктаи назар ва ахлоқий-диний тушунчаларга таяниб кун кечирувчи халқ образи орқали ифодалашда яна ҳам юқорироқ ютуқларга эришган. Айний яратган инқилобий ва инқилобчи қаҳрамонларга келсак, балки улар ўз умрларини яшаб бўлишгандир. Балки уларни ёвуз ва сохта бир мафкуранинг қурбонлари дейиш керакдир. Нима бўлмасин ва нима дейилмасин, бунинг учун Айнийни айблаш, зўравон тузум, бешафқат ва мурасасиз бир сиёсат талабларини унутиб, айбни биргина ёзувчининг ўзига тўнкаш ғирт инсофсизлик бўлурди. Афсуски, матбуотда шундай уринишлар ҳам кўзга ташланди. Бошқа бирор бир нарса ёзмасдан, ёлғиз «Эсдаликлар»ини ёзганда ҳам Айний — Айний бўлиб қоларди. Маълумки, «Эсдаликлар» 1957 йили машхур француз ёзувчиси Луи Арагон таҳририда «Шарқ» номи билан Францияда босилиб чиққан. Ундаги мухтасар маълумотномада Айний Жек Лондон, Киплинг, Горький, Кнут Гамсун каби жаҳон адабиётининг улкан вакиллари билан бир сафга қўйилган.

Айнийнинг ҳаёти, адабий ва илмий фаолиятига бағишлаб қатор тадқиқотлар яратган йирик шарқшунос олим И.С.Брагинскийнинг эътирофи бўйича, «Эсдаликлар» Айнийнинг ўлими олдидан ёзган шоҳ асаридир.

«Эсдаликлар» — Айнийнинг умр ва хотира китоби. Уни тақдирлар комуси деса, ҳам асло хато бўлмайди. Бундоқ қараганда, ушбу асарда ҳам ғам-ғусса, мусибат, кулфат кўп, зулмат жуда қуюқ — гўё бошдан-охир фожиа тамойили ҳокимлик қилади. Уни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи Айнийни ғирт фожианавис адиб деб билади. Ва асарнинг баъзи қисмлари, «Нахотки, шу воқеалар рост бўлса? Нахотки, шундай бўлиши мумкин? Собик шўро давлати ҳадя этган «бахт ва озодлик»ни шарафлаш учун ўтмиш давр суврати атайин қора бўёқларда чизилмаганми?» — деган саволларни пайдо қилади.

«Эсдаликлар» айблашнимас, англашни ўргатади, тарихий мушоҳадада бир ёқламаликка ён бермасликка ундайди. «Эсдаликлар» моҳият эътибори ила шундай бир қудратли китобки, у бундан кейин ҳам миллатни ичдан кемирадиган, халқнинг яхлит, қудратли халқ бўлишига тўсиқлик қиладиган ижтимоий, сиёсий, диний ва ахлоқий иллат ҳамда фожиаларнинг туб илдизларига диққатни қаратишга давом этаверади.

Мен уни яна қайта қўлга олдим: бу гал ўқиш олдингига нисбатан секин ва анча узоқ давом этди. Хуллас, икки нарса мени жуда хайратлантирди. Биринчиси — Айнийни илҳомлантирган миллий эътиқод ва маънавий ғоянинг бениҳоя теранлиги. Иккинчиси — муаллифнинг фақат ва фақат Виждон амри ила қалам юритгани. Яна шуни айтмоғим керакки, маълум бир тайёргарликсиз, яъни зулмат ва жаҳолат, зулм ва зўравонликлар ила қуршалган Бухоронинг камида юз йиллик тарихини зарур даражада ўрганмай туриб «Эсдалиқлар»нинг маъно-моҳиятини ҳар жиҳатдан мукамал ўзлаштиришга уриниш унча самара бермайдиган ишдир.

Энди икки оғиз гап устод Айнийнинг олимлиги ҳақида. Айнийнинг бадиий услуби билан илмий услуби ўртасида қандайдир яқинлик, умумий бир ўхшашлик бор. Шунинг учун бўлса керак, унинг илмий асарларида ҳам тил жонли, енгил, ифода равон, бошни гангитувчи оғир ёки китобий жумлаларга дуч келинмайди. Масалан, Сиз Айнийнинг «Манғит амирлари тарихи» китобини ўқидингиз дейлик, илмий асар мутолаа қилдингизми ёки бадиий асарми — бунини унча фарқламайсиз. Чунки Айний факт ва далил танлашдагина эмас, талқин, таҳлил ва фикр-мулоҳаза ифодасида ҳам жуда моҳирдир.

Шарқ классиклари илмий-адабий меросини ўқиб-ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилишда Айний эришган натижа ва ютуқларга фақат ҳавас қилиш, улардан фақат ибрат олиш мумкин. Аммо Айнийнинг «панжасига панжа уриш» беҳад душвор. Шунинг учун ҳам унинг Рудакий, Ибн Сино, Саъдий, Навоий, Бедил каби даҳоларга бағишланган тадқиқотлари шу кунгача ўзининг илмий қиммати ва аҳамиятини сақлаб келмоқда. Биз бу ўринда устоз Айнийнинг фақат бедилшунослигига дахлдор айрим бир мулоҳазаларга эътиборни қаратмоқчимиз. Маълумки, Айний мадрасада таҳсил олаётган даврларда Бухорода улуг файласуф шоир Мирзо Бедил ижодиётига қизиқиш анча кучайган эди. Турли ижтимоий табақадаги дид ва савияси турлича бўлган кишилар бедилхонлик қилишган. Шоирлар Бедилга эргшиб назира ва тахмислар битишган. Айний бу жараённинг ҳам кузатувчиси, ҳам иштирокчиси бўлган. У Бедилга кўр-кўрона тақлид қилишларни истиқболсиз бир ижодий ҳаракат ўлароқ рад этган. Чунки Айний мадрасадаёқ зукко бедилшунос сифатида шаклланган. Ушбу даъвони тасдиқлайдиган муҳим бир далилга тўхталсак.

Минг тўққиз юз ўнинчи йили Уфада чоп этиладиган «Шўро» журналида «Мирзо Бедил ҳақинда» номли бир мақола босилиб чиқади. Журналда ўша муаллифнинг Бедилга бағишланган янада кенг ва каттароқ мақоласи босилиши хусусида хабар ҳам берилади. Лекин Бухорода Садриддин Айний билан мадрасада бирга ўқиган Олимжон Идрисий деган туркиялик бу тадқиқотчи Бедилнинг таржимаи холини ёритишда хатоликларга йўл қўйганлигини англайди. Шундан сўнг у Садриддин Айнийдан ёрдам истаб Истанбулдан — Бухорога мактуб йўллайди. Айний Олимжон Идрисийнинг истагини адо айлаб, Бедилнинг таржимаи холи, асарлари хусусида анча батафсил маълумот берувчи бир мактуб ёзиб, Истанбулга жўнатади. Форсийда битилган ушбу мактубни туркийга таржима қилиб «Шўро» журналига юборган Идрисий дейди: «6-адад «Шўро»да Бедилнинг таржимаи холини мухтасар бир суратда ёзғоч, Бухородаги шеригим Садриддин Айний афандига хат ёзуб, бу ҳақида муфассал маълумот сўрадим. 1911 сана 3 мартда жавоб ҳам олдим эсада, бир чўқ сабабларга кўра бу вақтга қадар таржима этуб юбора олмадим».

Хуллас, «Шўро» журналининг 1912 йил иккинчи сониди Идрисийнинг мақоласи эмас, балки унинг таржимасидаги Айнийнинг ўша мактуби мақола шаклида босилиб чиқади. Ва ушбу мактуб-мақола кейинчалик тожик олимлари М.Шукуров, Жўра Боқизода томонидан икки тилда эълон этилгандир.

Асосий нарса шундаки, Айний Истанбулга йўллаган мактубида Мирзо Бедил таржимаи холи, муҳити, фалсафаси, услуби хусусида айтилиши зарур бўлган барча муҳим гапларни баён этган. Шунингдек, хижрий 1199 йили Бомбайда чиққан ва 12 қисмдан таркиб топган Бедил «Куллиёти»даги асарларнинг ҳажмини ҳам бирма-бир қайд қилиб ўтган.

Бизнинг назаримизда, «Шўро» журналида босилган Айнийнинг мана бу фикрлари унинг Бедил шахсиятига эҳтиромини англаш ва изоҳлашга яқиндан ёрдам беради: «Мирзо Бедил бой қалб соҳиби, олижаноб бир зот бўлиб ағниё ва умаро эшигига ҳеч яқинлашмас, билъакс, улар Мирзонинг ҳузурига келурлар ва уни таъзиму тақрим этардилар».

Нуфуз ва иқтидор соҳиби амалдорлардан бириси Мирзога бир мактуб юбориб, уйига даъват этгани замон у:

*Дунё агар диҳанд, нахезам зи жои хеш,  
Ман бастаам ҳинои қаноат ба пои хеш, —*

(мазмун: Агар менга дунё қадар молу мулк берсалар ҳам, ўрнимдан қимирламайман, чунки мен оёғимга қанот ҳиносини боғладим, шунинг учун тўраларга ва бойларга хушомад этувчи эҳтиёжим йўқ) байти билан жавоб қайтаради. Агар ана шу нуқтаи назардан Айнийнинг ижодкорлик эътиқоди ва шахсиятига баҳо бериладиган бўлса, унинг Бухоро амири Аҳадхон тузоғига тушмаслик учун дадил йўл излашлари Бедил сабоқларига содиқлик эканлигини ҳам эътироф этиш керак бўлади.

Мирзо Бедил куллиётини қайта-қайта варақлаш, файласуф шоирнинг инсон тақдири, умр мазмуни, тириклик ва ўлим тортишувлари, олам, одам ва Оллоҳ бирлигига доир фикрларини такрор-такрор муҳокама ва мушоҳададан ўтказиш Айнийнинг мароқли машғулотларидан бўлган. Ҳатто у ҳаётининг анча оғир ва қийноқли фурсатларида Бедил шеърларини ўқиб юнган, ўзича улардан тасалли топган. Айний ўша вақтлар дунё ишларидан безган кишилар тилида дoston бўлиб юрган Бедилнинг қуйидаги байти кўнглига тасалли бағишлаганлигини эътироф этган:

*Зиндаги бар гардан афтодаст, Бедил, чора чист?  
Шод бояд з истан, ношод бояд зистан.*

Мазмуни: Тириклик тушди бошга, Бедил, энди не чора? Шод бўлсанг ҳам, ношод бўлсанг ҳам яшаш керак, албатта.

Бедил асарларининг тили жуда оғир, ифодалари мураккаб, маъно қатламларини очиш бағоят қийин. Буни файласуф шоирнинг ўзи ҳам билган. У бир шеърида бежиз:

*Маънии баланди ман фаҳми тунд мехоҳад,  
Сайри фикрам осон нест, кўҳаму кўтал дорам, —*

демаган. Айний ана шу юксак маъниларни кашф айлай оладиган ирфон соҳиби эди. У Бедил фикр-туйғуларининг моҳиятини анча осон мушоҳада қилиб, таҳлил ва талқинда таҳминбозликка эрк бермасди.

Айнийнинг «Шўро» журналида босилган мақоласидан «Бедил» монографияси чиққанигача бўлган вақт қирқ йилдан ортади. Ана шу муддат оралиғида устоз Айний Бедил яшаган давр ва замон, унинг шахси, адабий муҳити, ижодиётининг фалсафий-ахлоқий манбаларига тегишли деярли барча тарихий, илмий, адабий ва диний китобларни синчиклаб ўрганган, шуларга алоқадор маъ-

лумотларни шоирнинг ўз асарларидан ҳам териб олган. У 1946 ва 1947 йилларда «Шарқи сурх» журналида Бедилга бағишланган мақолаларини эълон қилган.

Охир-оқибатда эса унинг жаҳон бедилшунослигида янги саҳифа очган «Мирзо Абдулқодир Бедил» монографияси яралди. Бу ишни уддалаш осон эмасди, албатта. Шунинг учун ишнинг барча қийинчилик ва мураккабликларини инобатга олган Е.Э.Бертельс китобга ёзган муқаддимасида «Камдан-кам одам бу ишнинг уддасидан чиқа оларди, шунда ҳам С.Айнийга ўхшаган ўз халқининг ўтмишдаги адабиётини, тилини ва шу тилда ёзилган барча адабиётини яхши билган забардаст устозгина бу ишни муваффақият билан ниҳоясига етказган бўлур эди», дея Айнийнинг чиндан-да забардаст устозлигига тан берган эди. Албатта, Айний Мирзо Бедилнинг муҳташам ижодиётининг барча масала ва муаммоларини тўлиқ ҳал қилиб бергани йўқ. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунга қарамасдан, бир қанча адабиётшуносларнинг умумий эътирофларига кўра, жаҳоннинг бирор бир ўлкасида Бедил ҳақида Айнийнинг китобига тенглаша оладиган, ундан мукамалроқ тадқиқот хали яратилганича йўқ.

Хеч иккиланмасдан айтиш жоизки, Айний ижодиёти XX аср дунё адабиётининг энг нодир, энг эътиборли ва энг мазмундор саҳифаларидан ҳисобланади. Айний бадиий ижодининг пойдевори илм, маърифат, тарих, ҳаёт ва ҳақиқатдир. Айний асарларини билиш кўҳна Шарқ тарихи, маданияти, мумтоз адабиёти ва миллий қадриятларини англашга йўл очади. Айнийни четлаб на Рудакий ва Фирдавсийнинг, на Саъдий ва Ҳофизнинг, на Жомий ва Навоийнинг, на Бедил ва Донишнинг ижод оламига дадил кириб бориш мумкин эмас. Айнийнинг илмий-адабий мероси ўтмиш, бугун ва келажакни бир-бирига боғловчи бир олтин халқа эрур.

# Абдулла Қаҳҳор

## жасорати

Эссе

1

Гапнинг индаллосини айтсак, адабиётимизнинг мустақилликдан кейинги қиёфасини мен бошқача тасаввур қилганман. Истиклол адабиёти — ҳақиқат адабиёти, шижоат адабиёти, ҳавасга арзигулик хуррият ва маърифат адабиёти ўлароқ шаклланади, деб ўйлаганман. Юрти озод, тили, дили эркин ижодкор нега мутелик ва ожизликка кўнсин? Ёлғон ва тилёғламаликка не ҳожат? Саёзлик, маддохлик, офаринбозликдан ижод аҳли ҳар қалай халос бўлар, деб умид қилганман. Истеъдодсиз ижодкорлар, яроксиз асарларнинг йўли тўсилишига ишонч бўлган менда.

Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан аввало адабиётда акс этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам дастлаб адабиёт малҳам топади. Чунки халқнинг яшаш завқи сусайса — ғайрати сусаяди. Маънавий-руҳий ғайрат пасайса — фикр ва ташаббус тўхтайтиди. Бунга биринчи навбатда адабиёт масъул. Абдулла Қаҳҳор айтганидек: «Адабиёт атомдан кучли...» Агар унинг кучи «ўтин ёриш»га сарф қилинмаса, адабиёт покиза ва муқаддас иш бўлиб қолса, ҳеч шакшубҳа йўқки, бадий сўзнинг куч-қуввати ортиб боради.

Мустақиллик арафасида, маълум бир муддат ундан кейин ҳам Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби буюк адиблар ижодига бир оз беписанд, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Уларнинг ижодий ютуқлари, миллий адабиётнинг ҳақиқий адабиёт бўлиши учун чеккан захмат ва азобларини назарга илмаганлар ҳам майдонга чиқа бошлади. Аммо бундай нотўғри муносабат натижасида адабиётимиз ривожланиб қолгани йўқ. Аксинча, икки

жумла фикрни эплаб ёзолмайдиган, ижод моҳиятини ниҳоятда юзаки тушуниб қоғоз қоралайдиганлар сафи кенгайиб кетди. Ўқувчилар олдида адабиётнинг кадр-қиммати, ёзувчининг обрў-эътибори пасайди. Агар бадиий ижодга Абдулла Қаҳҳор ёки Ойбек нигоҳи билан қараб, уларнинг бадиият мактабидан таълим олиб, тажрибаларидан хулосалар чиқарилганида, шундай бўлармиди? Менимча, ахвол нисбатан бошқача бўлур эди. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда ёзувчилар янги асарлари неча саҳифадан иборат эканидан ҳам ғурурланиб гапирадиган бўлиб қолди: «Мен фалон бетлик хикоя ёздим, юз эллик бетлик эссеми тугатдим» ва ҳоказо. Ёзувчининг асар бадиияти ҳақида эмас, ҳажми тўғрисида сўзлаши нимани англатади? Беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари хотирга келади: «Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур нарсанигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, *инсоф ҳам керак*». Таассуфки, ҳозирги пайтда инсофли истеъдодлар кам, истеъдодсиз беинсофлар кўпроқ. Айтишлари-ча, Миртемир домлага бир тавсиянома зарур бўлиб қолганида Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилган экан. Шунда Абдулла Қаҳҳор Миртемирга «Зиёд ва Адиба» каби бадиий жихатдан бўш асарларга муҳаррирлик қилганини эслатиб, тавсиянома бермаслигини билдирган экан. Ўзингиз айтинг, Абдулла Қаҳҳор адабиёт манфаатини, ҳатто истеъдодли ижодкор манфаатидан ҳам юксак қўймаганида, Миртемирдай шоирнинг раъйини қайтарармиди? Ёки беғаразлик, бағрикенглик Абдулла Қаҳҳорнинг бош фазилати бўлмаганида, Миртемирнинг аслида ўша ишидан пушаймон эканини билгач, уни ҳузурига чорлаб тавсиянома берармиди?

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китоби Саид Аҳмаднинг «Тортиқ» номли хикоялар тўпламига бағишланган танқидий мақола билан бошланади. Мақола 1940 йилда ёзилган. Абдулла Қаҳҳорнинг шундан кейинги адабий-танқидий фикр-мулоҳазалари ҳам бири биридан ўткир, бири биридан аҳамиятли ва қимматлидир. «Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам қиради», деган сўзларига ўзи қандай амал қилганини би-

лиш учун мунаққид-ёзувчи Абдулла Қаххор фаолияти билан танишиш кифоя.

## 2

Талабалик йилларимда Абдулла Қаххорни яқиндан кўриш, икки оғиз гапини эшитишни орзу қилганман. Аммо бу орзум амалга ошмаган. Абдулла Қаххорни фақат телевизорда икки маротаба кўриб, сўзларини эшитганман. Иккаласи ҳам менда кучли таассурот уйғотган.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталари. Пахта яккахокимлиги авжига чиқаётган кезлар. Ўзбекнинг етти ёшидан етмиш ёшигача пахта даласида. Ёшу қари гўё эгатларга сочилиб кетган. Қилча бўлсин, норозилик билдириш мумкин эмас. Масковдан белгиланган йиллик режани бажармагунча на қиз-жувон, на болаларда тиним бор. Кузнинг вужудни жунжиқтирувчи изғирин ва совуқларини енгиб, ниҳоят, вилоятлар бирин-кетин кўзланган марраларни эгаллай бошлайди. Қўлга киритилган улкан ғалаба билан пахтакорларни қутлаб ёзувчи, шоир ва олимлар ҳам телевизорга чиқади. Табрик сўзлари ниҳоятда кўтаринки, бири-бирдан силлиқ ва ялтироқ. Иттифоқо, Абдулла Қаххор ҳам юртдошлари — Фарғона меҳнаткашларини телевизор орқали қутлайди. Лекин унинг қутлови ҳеч кимникига ўшамасди: сўз ҳам, гап ҳам жуда оддий ва табиий. Дехқоннинг қувончига шерик бўлиш, кўнглини кўтариш ниятида айтилаётган фикрлар ҳам тошдай оғир. Мен ўша даврда пахтакорни табриклаш учун радио ёки телевизорга чиққан бирон-бир ижодкорнинг журъат билан «Машина пахтакорнинг меҳнатини нақадар енгиллатган, уни машаққатдан нақадар қутқарган бўлса ҳам, хануз қиз-жувонларимизнинг хусн-латофати пахтазор жўякларидида қолиб бораётипти, студентларимиз хануз тўлиқ таҳсил кўрмаётипти, қишлоқ болалари хануз мактабдан чаламулла бўлиб чиқаётипти», деганини эслай олмайман...

Ёв қочса, ботир кўпаяр, деганларидек, қайта қуриш ва ошқоралик замонларида қўлига қалам ушлаган зот борки, пахтакорнинг аҳволига қайғурадиган, пахта ишининг оғирлигидан бонг урадиган бўлиб қолди. Бу «қалтис» масалада шу қадар кўп гапирилдики, охири тинглашга ҳам тоқат қолмади. Айниқса, айрим журналист ва ёзувчиларнинг бийронлиги, чечанлиги андишасизликка-



ча етиб борди. Холбуки, ғамкашлик ва муҳофизлик кайфиятидаги ўша фикр-мулоҳазаларни бир жойга жамласангиз, уларнинг маъно салмоғи Абдулла Қаҳҳорнинг юқоридаги уч жумласига яқин ҳам йўламайди.

### 3

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, бадиий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткордир. Бу ҳақиқатлар уни қаттиқ қийнаган, қалбида оғир-оғир тебраниш ва тортишувлар пайдо қилган. Аммо у онгли ҳаёти ва истеъдод қувватини айнан шу ҳақиқатларга бағишлаган. Кўнглини нурафшон айлаган шу ҳақиқатларга суюниб, Абдулла Қаҳҳор маънан улғайган, маънан улғайган сайин эса шу ҳақиқатларнинг боқийлигидан илҳомланган. Абдулла Қаҳҳорнинг чўнг меҳнат ва заргарлик билан яратилган ҳар бир асариди боқий ҳақиқат муҳри ва шукуҳи бор. Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий шахсияти беҳад бой ва фавқулудда саховатли. Шунинг учун, рус олимаси И.Баролина тўғри қайд этганидек, «Абдулла Қаҳҳор ижодига қизиқиш унинг шахсиятига, инсоний моҳиятига қизиқиш билан бевосита боғланган. Унинг шахсий фазилатлари — фикрлаш тарзи, характери, ғайрат-шижоати, маънавий дунёси асарларида шу қадар ёрқин акс этганки, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан унинг шахси ичдан ажралмас алоқада бўлиб кўринади».

Бу ҳаммага насиб этадиган ва ҳамма ёзувчидан талаб қилса бўладиган хусусият эмас. Барча буюк ёзувчилардек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам шахси — ижодига, ижоди — шахсига бир кўзгудир. Адиб ижодини севганлар, албатта, унинг шахсига мафтун бўлади, шахсини билганлар эса — унинг ижодидан айри яшаёлмайди.

1967 йили Абдулла Қаҳҳор олтмиш ёшга тўлган эди. Ўша санага бағишлаб сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган катта анжуман телевизорда бутун жумҳуриятга намойиш этилди. Бу адабий йиғинни кўриш талабалик давримнинг асло ўчмайдиган хотираларидан бири бўлиб қолган. Буюк адибнинг қордай оппоқ сочлари, нуроний чехраси, вазмин ва салобатли қадду қомаги, ўзига ярашиқли бир оҳангда сўзлашлари тасаввуримда ҳали-ҳануз тез-тез жонланиб туради.

Абдулла Қаҳҳорга хос сокинлик, мулоҳазакорлик ва

теранликка етишмоқ учун қанча билим, мушоҳада, қанча ҳаётий тажриба ва дард зарурлигини кейинроқ — анча вақт ўтгач англадим. Мана, ёш ҳам эллиқдан ўтиб, олтишга қараб чопаётир. Ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён пойтахтда яшайман. Қанча-қанча ёзувчи, шоир, санъаткор ва олимлар билан учрашдим, яқиндан танишдим, мулоқотда бўлдим. Айримларининг юбилей тантаналарида иштирок этдим. Аммо улар орасида Абдулла Қаххорга ўхшаб ўзининг Сўзига ўзи ҳоким бўлган, ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил фикрлайдиган ижодкор инсонни кам учратдим. Ҳақ ва ҳақиқат қаршисида тили қисик, юзи шувут бўлмаган ёзувчи борки, барчаси ўз сўзига ўзи ҳокимдир. Абдулла Қаххор шундай беназир ёзувчи эди.

#### 4

Оламнинг ўзгариши — одамнинг ўзгаришига боғлиқ. Одамнинг онги, фикр-қарашлари янгиланмас экан, ҳеч қачон олам янгиланмайди. Абдулла Қаххор мустабид хонлар, султонлар ҳукмронлик қилган эски замон инсоннинг қўл-оёғи билан бирга онги, ақли ва қалбини ҳам кишанлаб ташлаганини болалигидаёқ кўрган, ўша чиркин қуллик муҳитида яшаб улғайган эди. Абдулла Қаххорнинг ўнлаб асарлари, хусусан, «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида тасвирланган воқеа-ҳодиса ва ижтимоий манзаралар — асрлар мобайнида халқни янчиб, таъқиб этиб келган мусибат, ғам-андух ва фожиаларнинг ўзига хос ҳаққоний талқинидир. «Халқнинг кўзи боғланса, қулоғига кўрғошин куйилса, тақдир ҳукми ўлимдек ҳақ, деган ақидани унинг зехнига сингдириш осонроқ бўлади». Бу фикр — халқнинг кўзи боғланиб, қулоғига кўрғошин куйилганда, унинг оғир алам ва ситамларга йўлиқишига бевосита гувоҳ бўлган, бу ҳаётда инсон тасаввурига сиймайдиган бало-қазолар қўпишини ўз кўзи билан кўрган, кўнглидан ўтказган ёзувчининг, яъни Абдулла Қаххорнинг фикри. Тўғри, адиб октябрь тўнтариши халқимизнинг кўзини, қулоғи ва онгини очади, энди тақдир ҳукмига ўлимга ишонгандек ишонишлар барҳам топади, деб умид қилган, давлат ва партия белгилаган мафқуравий чизиқлардан четга чиқмаслик нияти билан яшаб, ижод этган. Шу маънода Абдулла Қаххорни айблашга ёки қоралашга далил бўладиган фикр-мулоҳазаларни унинг асарларидан кўчирма олиб, қаторлаштириш кийин эмас. Аммо

бунинг билан Абдулла Қаҳҳорнинг асл бадиий олами, ёзувчилик қиёфаси хиралашиб қолмаганидек, санъаткорлик мақоми ҳам пасаймайди.

Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатида: «Мен адабиётга унинг моҳиятини билмасдан, адабиёт пропаганда қуроли эканини юзаки, жуда ҳам юзаки тушуниб кирганман», дейди. Таваллудига олтмиш йил тўлганда эса: «Мен қирқ йиллик ижодий фаолиятим давомида кўп иш қилганим йўқ, чунки бу қирқ йилнинг кўпини тажриба орттиришга сарф қилдим», деган эди. Табиийки, адабиётнинг моҳиятини билмасдан қилинган иш — адабиёт намунаси сифатида яшай олмайди. Абдулла Қаҳҳор бундай асарларини кўп жилдлигига киритмаган. Ва бу иши билан ҳақиқий ёзувчи наинки бошқаларнинг, балки ўзининг ижодига ҳам танқидчи кўзи билан ҳолисона қарашга қодирлигини исботлаган. Демокчимизки, агар Абдулла Қаҳҳорнинг шўро давлати ва коммунистик партияга муносабати оддий одамлар ишончидан фарқ қилмаса эди, ўзини сиёсат ва адабиёт раҳнамоси деб билган «доҳий» ва «доҳийча»ларни ваҳимага солган ўша машҳур фикрни у ҳеч вақт айтмаган бўларди.

Устоз Озод Шарафиддинов бундай ҳикоя қилади: «Баъзан дўстларим, — дейди Абдулла Қаҳҳор юбилей кечасидаги нутқида, — менга таъна қилиб, «катта»ларга ҳеч бериб турмайсан, дейишади. Мен ҳеч беролмайман. Чунки мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзосиман». Аввало шуни айтиш керакки, бу гаплар бирдан, мажлис вақтидаёқ ёзувчининг эсига келиб қолган, ҳаяжон ичида оғзидан чиқиб кетган гаплар эмас, Абдулла Қаҳҳор беш кун аввал икки-уч шогирдига тантанали кечада гапирадиган гапини ўқиб берган эди. Шунда шогирдлари юқоридаги иборани айтмасликни, агар бу ибора айтиладиган бўлса, адабий муҳитга ёмон таъсир қилишини таъкидлашди...»

Шогирдлар ҳам оддий кишилар бўлмаган, албатта. Уларнинг ҳар бири эл-юртга танилган, ҳаётнинг паст-баландини яхши билгувчи истеъдод соҳиблари эди. Шунга қарамасдан, Абдулла Қаҳҳор шогирдларининг фикрини олмасдан, гапириши шарт деб ўйлаган гапини айтган. Унга муносабат кескин ўзгаришини билса-да, «Мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзосиман», дейишдан ўзини чеклай олмаган. Чунки замонасозлик, хушомадгўйлик, мадҳиябозлик авж олган ва партияга ял-

тоқланиш, унинг ҳар бир даъватига «лаббай» дея жавоб қайтариш умумий удумга айланган муҳитда «онгли аъзолик» ҳуқуқи ҳам катта гап ҳисобланган. Онгли аъзо бўлмоқ — ҳеч бир нарсага кўр-кўрона сиғинмаслик, бўлар-бўлмасга садоқат изҳорига берилмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг ақл-идроқи ва салоҳиятига суяна билиш деганидир. Онг ва фикр мустақиллигига эришган киши — қалби ва руҳонияти ҳур инсон бўлади. Фақат шундай инсонгина умумий бетамизлик, ҳеч кимдан ҳисоб талаб этилавермайдиган «улгуржи» риёкорликка бош қўшмайди.

Абдулла Қаҳҳор одамнинг Одам бўлиб кун кечиришини, инсон ўз аҳволини билишда адашмаслигини, тош чайнаса ҳам, ҳақиқатга хиёнат қилмаслигини истаган. Агар ўтмишда қуллик, қарамлик, забунлик ҳукм сурган бўлса, келажакда эркинлик, тенглик, бахтиёрлик қарор топади, деб умид қилган Абдулла Қаҳҳор. Агар мозийда меҳнаткаш халқ кўзидан қонли ёшлар оқиб, ажодларимизнинг боши мусибат ва кулфатдан чиқмаган бўлса, шўро замонида йиғи — шодликка, кулфат — қувонч ва хотиржамликка ўрин бўшатар деб ишонган Абдулла Қаҳҳор. Вақт ўтиши билан буюк адиб бу ишонч аслида улкан адашиш, алданиш эканини билган, ширин орзу ва умидлар бағридан умидсизлик ва дилни чўктиргувчи иштибоҳлар улғаяётганига иқдор бўлган.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларини ўқигансиз. Унинг қаҳрамонларини яхши биласиз. Уларнинг орасида ибрат олиш ва намуна этиб кўрсатишга арзийдиган нечта эркак бор? Хаёлан бир жойга уларни тўпланг: фикри, савияси, мақсади, муносабати ва холини бирма-бир таҳлилдан ўтказинг. Кўнглингиз чўкиб кетади. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг реалистлигидан, жонли образ яратиш санъати ва самимиятидан дил равшанлашади. Абдулла Қаҳҳор нуктаи назарида ижобий қаҳрамон — ясама қаҳрамон эмас. У образ яратишда сунъийлик ва сохтакорликка тоқат қилолмаган. Шунинг учун ҳикояларидаги ҳар бир деталь, ҳар бир бадиий тўқима ҳаёт ҳақиқатига ўта мос ва улар инсон тақдирини ҳаққоний шаклда ёритишга хизмат эттирилган. Абдулла Қаҳҳор оддий инсонни севган, унинг аҳвол-руҳиясини теран тушунган, қисматига куйинган. Адиб оддий одамлар тўғрисида ёлғон ёзишдан, уларни сохта ва ясама киёфада кўрсатишдан ҳазар қилган. Бундан ташқари, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини

Ўқисангиз, жасурлик ва матонат нафақат эркакларга, балки аёлга ҳам хос эканига тан берасиз. Нега шундай? Бу ҳақда ҳар ким ўзича ўйласа, ўзича бир хулосага келса, менимча, фойдадан холи бўлмайди. Мен бу ўринда фақат бир нарсага — Абдулла Қаҳхорнинг қаҳрамон танлаш ва характерни типиклаштиришдаги талабига эътибор қаратишни истар эдим. Ёзувчи асарларида ибратли образ ва қаҳрамон бор, лекин идеал образ ҳам, қаҳрамон ҳам йўқ. Бу санъаткорнинг том маънодаги реалист ижодкорлиги ва ҳақпарастлиги ҳам, йўқни бор демагани, сохта ва сўхтаси совуқ китобий қаҳрамонларни бино қилиб сиёсат «тегирмони»га сув қуймагани, китобхонни алдамаганида яққол намоён бўлади.

«Биз мансуб бўлган миллат, — дейди Америка ёзувчиси Ролф Эмерсон, — оломонга айланиб қолди. Биз ханузгача комил инсонни кўра олганимиз йўқ. Унинг маънавий-рухий ҳолатини ҳам хали тўғри тасаввур этолмаймиз. Комил шахсни фақат орзу қиламиз. Лекин у ҳақидаги хабардан нари ўтолмаймиз. Унга хос бўлган қувват ва сеҳрли қобилият биз учун мубҳам ва номаълумдир...»

Тахминан мана шундай фикр Абдулла Қаҳхорнинг қалбида ҳам зилдек армон бўлиб чўкиб ётган. У ҳаётда учратмагани — комил шахсни тасаввурда ёки хаёл кучи билан бино қилишга умуман рағбат сезмаган деса, хато бўлмайди.

Абдулла Орипов Абдулла Қаҳхорга бағишланган хотираларида «Абдулла аканинг лафзидан учган сўзлар нечоғлиқ шафқатсиз бўлмасин, унинг кўзларида доимо қандайдир бир мунг яшириниб ётарди», дейди. Эҳтимол, бу мунг — ҳасрат ва армон мунги бўлган. Эҳтимол, бу — англаш азоби ва чорасизлик хисси бўлгандир. Эҳтимол, бошқа нарсадир. Нима бўлганда ҳам, ўша хосиятли Мунгда кучли Шахс соғинчи яширинганига шахсан мен шубҳа қилмайман.

## 5

«Ватандош бўлмаса, ватан бўлмайди», дейди Ибн Арабий. Демак, ҳар қандай ватаннинг тарихи, бугуни ва келажаги ватандошлик туйғусининг қандай шакллангани, нечоғлиқ куч-қудратга эга эканига боғлиқ. Ҳақиқий ватандошликдан доимо маслақдошлик туғилади. Бундай

маслакдошлик эса ўзни англаш ва ўзига ишонишга, ҳеч нарсадан чўчимай, кўркмай яшашга руҳлантиради. Ҳар қандай ўткинчи ҳислар, ғаразли муддао ва даъволар ватандошлик туйғуси таъсирида жуда хунук ва паст, бағоят сўник кўринади. Чинакам ватандошлик туйғусигина кўнгилдан кўнгилга йўл очади, эл-юрт дардини виждон дардига, хуррият ишқини ҳаёт мазмунига айлантиради. Мана шунга эришилмаса, ватандошлик ҳисси қуруқ гап бўлиб қолаверади. Натижада авомлик, нодонлик ва сохтакорликлар авж олади.

Авом ким? Одамдай эркин фикр юритиш, эркин яшаш шавқидан маҳрум кимса. Қорни тўқ, уст-боши бут бўлса, оромини ҳеч ким бузмаса — авомнинг «озодлиги» ана шу бўлади. Авомлик бу — гушналик, лақмалик, кўр-кўрона эргашиш, ихтиёрий равишда қулликка чидаш деганидир. Шунинг учун авомни алдаш, лақиллатиш осон. Унинг ҳақиқати корнидан бошланиб, бўғзида тугайди. Айниқса, мустамлакачилик шароитида, босқинчилик мафкураси қиличга айланган замонларда авомни уйғотиш, оломонни хурриятга бошлаш бошни кундага қўйиш билан тенг бўлади. Чунки донишманд Абдулла Қаҳҳор ҳаққоний таърифлаганидек, «Мустамлакачилик фақат мамлакатни ғорат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи — одамларни, халқни руҳан ғорат қилади, шундай қиладики, қул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамда шу ҳаётга қарши норозилик, исён руҳи буткул сўнади».

Абдулла Қаҳҳор бу гапни ҳинд мустамлакачилигини назарда тутиб айтган. Лекин юртимизда юз йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик биринчи галда халқимизнинг руҳини, жасоратини ғорат қилиб, турли хийла-найранглар билан уни кишанда, қуллик қафасларида сақлашга уринмаганмиди? Элимизни динидан, тили ва тарихидан ажратиб ташлаш учун бор куч, бор имкониятини сарфламаганмиди?

Ўзини қайси дин, қайси мазҳабга мансуб билмасин ва ўзини ким деб ҳисобламасин, барибир авомнинг дини, мустаҳкам эътиқоди бўлмайди. У Худодан эмас, бошида қилич қайраб турган бандасидан кўрқади. Холиқни шарафлаб, махлуқнинг пойига бош эгади. Унинг қошу қабоғи ва ҳукмига қараб югуради, елади. Мамлакат бошига босқин офати, мазлумлик кулфатлари ёғилганда, номусу ор учун майдонга чиқиш зарурати юзага келганда нодон

диндор ҳам, ғофил дахрий ҳам адолатни эмас — зулмни, одилликни эмас — золимликни, ҳақиқатни эмас — ёлғон ва қаллобликни ёқлайди. Чор босқини замонларида ҳам худди шундай бўлган. Келгиндиларга юртимизнинг қўл-оёғини боғлаб беришда пешқадамлик қилганлар кимлар? Пешво бўлганлар ким? Фақат сиёсат арбоби ва амалдорларми?..

Озарбайжоннинг буюк фарзанди ва мутафаккири Хусайн Жовид масжид ва минбарларда жамоатни жаннат хузур-халовати ила алдаб, авом муслмонларга охираат саодатини ваъда қилиб, уларни гафлат, кулфат ва бахтсизликларга кўниктиришга жон-жаҳди билан уринган шариат сохибларининг қилмишларидан бахс юритиб, бундай деб ёзган эди:

*Агар муслмонлик будурки, бизим муслмонда бор,  
Вой унинг эртасигаки, бу куннинг ортидан келур.*

Туркистондаги диний маҳдудлик ва ғофиллик эса Кавказдагига нисбатан минг карра зиёдроқ ва аянчлироқ бўлганини тарихий мисоллардан яхши биламиз. Кулликни хурлик дея фатво бериш, халкни бош эгиш, хайвоникидан ҳам ёмонроқ ҳаётга кўниктиришда баъзи шариат намояндалари яловбардорлик қилган. Шу туфайли эркин фикр қафасга солинган, инсондаги табиий майлар аёвсиз таъқиб этилган. Исломнинг илғор, ниҳоятда ҳаётий ва инсонпарвар дин эканига шубҳа қилмаган ҳолда, Абдулла Қаҳҳор дин билан диндорлик айна бир тушунча эмаслигини ёритишга интилган. У бир ўринда ёзади: «Инглиз мустамлакаларида нима қилган бўлса, хаммаси қон сўриладиган найчалардан иборат бўлган: темир йўл, ҳар хил иморатлар, хом ашё ишланадиган корхоналар, динга ривож, одамларда куллик рафтори ва психологияси. Дин ҳам шу найчалардан бири...»

Бу ҳукм бир оз кескин эмасми? Куфр ва дахрийлик майли сезилмайдими унда? Менимча, коса тагидаги нимкосани пайқаган киши адибнинг хулосасига қўшилади. Ахир, эътиқод эркинлиги чекланган ва тақиқланган муҳитда, қоқоқлик, саводсизлик ва гумроҳлик тантана қилган шароитда диннинг маъно-моҳияти каттиқ «тахрир»га учраши, қонун-қоидалар эса анча-мунча замонавийлаштирилиши мумкин, албатта. Модомики шундай экан, маълум даврларда диндан ҳам «қон сўриладиган бир найча» ўрнида фойдаланилганини асло инкор этиб бўлмайди.

Дин номи билан дунёда жуда кўп яхши ва хайрли ишлар қилинган. Шу билан бирга, дунёдаги кўпдан-кўп ёмон ишлар, ақл бовар этмас қабоҳат ва ёвузликлар ҳам бир замонлар дин ва шариат номи остида амалга оширилганини инкор этиб бўлмайди. Буни унутмаслик ва бундан зинҳор-базинҳор кўз юммаслик керак. Мен Абдулла Қаҳҳорнинг динга муносабатини, дин ва диндорлик хусусида илгари сурган фикр-мулоҳазаларини тўлатўкис ёқламайман. Шунингдек, адибнинг дин ва жамият ривожини, дин ва инсон эрки, дин ва шахс камолига доир фикрларининг бугунги кунда ахамияти колмади, деган гапларга ҳам асло қўшилмайман.

## 6

Улкан ёзувчи, агар ҳақиқатан ҳам санъаткор бўлса, майда ҳиссиётларга берилмайди. Бунга жаҳон адабиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мана, буюк рус адиби Лев Толстойни олайлик. Унинг бой-бадавлат киши бўлганини ҳамма билади. Лекин ёзувчининг атрофидаги қашшоқлик, камбағаллик унга беҳад ёмон таъсир ўтказган, унинг кўнглини эзиб, руҳини янчган. Эллик ёшларида Толстой онгида қутилмаган эврилиш содир бўлади: у ҳаётдан, қилаётган ижодий ишларидан қоникмай қолади. Атроф-муҳитни ақлга сифмас кулфат, бахтсизлик қўршаб ётган бир замонда ўтириб олиб роман ёзиш — ғирт беъманилик, деган қарорга келади. Ва бадий ижодни вақтинча тўхтатиб, халқнинг офир аҳвали ҳақида оташин публицистик мақолалар ёза бошлайди. Бу мақолалар жамиятдаги ижтимоий адолатсизликка нисбатан нафрат ва ғазаб ҳисси билан тўлиқ эди.

Абдулла Қаҳҳор «Толстой санъаткор сифатида биз учун битмас-туганмас маҳорат хазинаси, мактаб, бутун бошли бир академиядир», деганида бу буюк сиймодан халқ тақдири, шахс эрки учун кураш жасоратини ўрганишни ҳам назарда тутган. Ахир, тоғдай талантга Оллох тариқдек шижоатни раво қўрмаса — бу ҳам бир толесизлик. Бунақа истеъдод ҳавасга арзимайди: у ёниб ёнолмайди, куйиб куёлмайди, эҳтиёткорлик «қонун-қоида»ларини четлаб, мардона қадам ташлаёлмайди. Одатда, бундай ижодкорлар ўзларининг ички кучига эмас, аллақандай ташқи кучга таслим бўлиб яшайди.

Биз истаимизми, истамаймизми, ҳақиқий ёзувчининг



шахсияти — очик шахсият. Шунинг учун у хар қандай ёпиқ жамият билан чиқишолмайди. У ҳамма нарсада очиклик, аниқлик бўлишини хоҳлайди. Бундай ижодкор, хатто ортидан болта кўтариб югурганларида ҳам ўз сўзи ва журъатига содиқ қолади. Шу ҳақда сўз очилганда Абдулла Қаххорни хотирламасдан бўладими?

Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Абдулла Қаххорнинг мардлиги ибрат бўлиб қолган. Жамол Камол «Абдулла Қаххор хотирасига» шеърда хаёлан устозга мурожаат этиб бундай дейди:

*Ким ҳам кия олур энди тўйингни,  
Ким ҳам боғлай олур сенинг белбогинг?*

Абдулла Қаххор елкасига олган «кўқоний тўн»ни кийиш осонми? Абдулла Қаххорнинг «белбоғи»ни белга боғлашга кимнинг қудрати етади-ю, ким журъат топади?

Замон синовларидан ўтган, эътиқод ва иродаси мустаҳкам ижодкорларимиз бор. Эҳтимол шулар ҳам курашчанлик ва матонатда, ҳақгўйлик ва жасоратда Абдулла Қаххорга ҳавас қилса ажаб эмас. Лекин унга тенглашишни хаёлга келтирмасалар керак. Таниқли рус адиби Константин Симоновнинг ёзишича, у Қаххор билан танишмасидан олдин «Сароб» романини ўқиган. Ва китоб муаллифининг хаёт, унинг мураккабликларию зиддиятлари ҳақида теран, дадил фикрлай олишига тан берган. Шахсан танишувдан сўнг эса «Мен нафақат теран ва доно инсонга, балки ҳаракатлари мардонавор, қатъиятли, мулоҳазалари кескин, хатто дағалга ўхшаб кетадиган, хижолат бўлар даражада кескин бир инсонга тўқнаш келдим», дейди у.

Хўш, Қаххорнинг жасорати нимадан озикланган? Аввало, тўғрилиқ ва ҳақиқатдан. Тўғрилиқ ва ростлик Абдулла Қаххорнинг тарбиячиси, йўлбошчиси бўлган. Шунинг учун унинг охиста ва вазмин фикрлари ҳам ўзгаларни чўчитган, таҳликага солган. Ўзларини адабиёт пешволари деб билган, ҳақиқатга юзма-юз келишдан қочиб яшайдиган фармонбардорларнинг фикр ва талабларини Абдулла Қаххор эътиборга лойиқ кўрмаган. Ва ҳеч иккиланмай уларга қарши сўзини айтган. Бу сўзлар ёзувчи шаъни ва мартабасини муҳофаза этиш жихатидан ҳамон қимматлидир.

«Культ давридаги ваҳимачилиқдан хануз қутулмаган

шубҳа бандалари, — деб ёзади Абдулла Қаҳҳор бир мақолада, — тухумдан тук кидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, хидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан албатта нуқсон топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гаплар айтиб, миш-мишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди». Маълумки, ваҳима ва шубҳабозликдан адабиётимиз катта зарар кўрган. Бу иллат қулай шароит туғилиши билан дарров ўзининг жирканч башарасини намоён этиб келган. Узоққа бормасдан, саксонинчи йилларнинг ўрталарини хотирлайлик. Ўшанда қатор ёш истеъодлардан ғоявий хатолар топиш учун асарлари «тирноқлаб» ҳам, «хидлаб» ҳам ўқилди. Кимлардир «тухумдан тук» кидириб, палағда иддао билан адабий жамоатчиликни чалғитишга, ижодида миллий руҳ кучли бўлган ёшларнинг китобларига миллатчилик тамғасини босишга уринди. Хайриятки, замон нафаси ўзгарди, хайриятки, Қодирий ва Қаҳҳор каби улуғларимизнинг руҳлари адабиётимизнинг навқирон авлодини кўллади — ёвузлик, зўравонлик мақсадига эришолмади. Кўрқоқлик нақадар жирканч нарса эканига, ёзувчи учун кўрқувдан ортиқ тавкилаънат бўлмаслигига мен ўшанда аниқ ишонч ҳосил қилганман.

Кўрқув ҳаётнинг оддий муаммоси эмас, жуда катта — баҳайбат муаммоси экан. Ҳинд файласуфларидан бири айтганидек, кўрқувга тобе, кўрқув домида қолган ақл шубҳа ва зиддият ичида яшар экан. «Ана шунинг учун бундай ақл бузуқ ва тажовузкор, зўравонликка мойил бўлади». Демак, қандай юксак тоғни кўзлаб, қандай маъбудга сиғинмайлик, шўро даврида қон-қонимизга сингдирилган кўрқувдан қутулмасак, ҳаётимизни, журъат ва жасоратимизни емирадиган, мажруҳ айлайдиган даҳшатли офатдан ҳеч вақт халос бўла олмаймиз. Ёвузлик, жаҳолат ва зулми қораловчи қаламкашлар ҳар қадамда учрайди. Бу ишни қоғозда бажариш осон. Қийини — ёвузлик ва адолатсизликни камайтиришга амалий ҳисса қўшишдир. Шу маънода Абдулла Қаҳҳорнинг сўзи билан амали орасида тафовут йўқ эди. К. Симонов буни жуда яхши англаган, яхшигина изоҳлаб ҳам берган. У ёзади: «Абдулла Қаҳҳор ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетаверадиган одам эмасди, афтидан, бу ҳол уни қайғуга соларди, худди мана

шу қайғу унинг ақлли кўзларида хамиша сезилиб турарди... Бундан ўзгача муносабатда бўлиш унинг қўлидан келмасди, у бошқача муносабатда бўлишга интилмади ҳам». «Тобутдан товуш» ёзилганидан буён порахўрлик, юлғичлик шу қадар кенг ва чуқур илдиз ёзиб, ривож топдики, жамиятни тубидан кемириб, емириб ётган бу офатга қарши курашиш мумкинлигига эндиликда одамларни ишонтириш ҳам осон бўлмай қолди. Холбуки, мазкур асар эълон қилинган вақтда баъзи ёзувчилар Абдулла Қаххорнинг бу масалада ҳақлигига шубҳа билдирган, адабиётшунос ва мунаққидлар эса уни воқеликни бузиб кўрсатишда айблаган эди.

Одамнинг эркин яшаши, эркин фикрлаб, эркин сўзлаши қийин бўлган, чор атрофда ҳадик, кўркув, ваҳима шарпаси ўрмалаб юрган тахликали бир шароитда ҳақгўй, курашчан шахс қандай озод, қандай мардона яшаган бўлса, Абдулла Қаххор ҳам шундай умр кечиргани ҳайратланарлидир. Миллати, юрти, адабиёти равнақиға бир улкан адиб нечоғлиқ беғараз хисса қўшган бўлса, Абдулла Қаххор ҳам шундай меҳнат қилгани, ўзини аямасдан ўлмас асарлар яратишга эришгани ҳам хавас қилишға муносибдир.

## 7

Истеъдодли ижодкор истеъдодсизлик билан асло чиқиша олмайди. Чунки ҳақиқий истеъдод — адабиётнинг сергак поёни. Адабиётни истеъдодсизлар хуружидан истеъдод соҳиблари муҳофаза этмаса, бошқа ҳеч ким ҳимоя қилолмайди.

Бизнинг назаримизда, ўтган асрда яшаб ижод қилган ҳеч бир ўзбек ижодкори адабиётимизнинг тақдири, тозалиги ва дахлсизлиги учун Абдулла Қаххор каби қатъият билан курашмаган, бу йўлда Абдулла Қаххорчалик азият ҳам чекмаган. Инсоф юзасидан буни тан олиш лозим.

Абдулла Қаххорнинг борлиги — тириклигининг ўзи ўртамиёначилик, истеъдодсизлик, китобхонни назар-писанд этмасликка қарши бир қалқон бўлган. Фақат яхши асар ёзишни эмас, ғоявий ночор, бадий яроқсиз асарларға йўл бермасликни у ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаган. Унга кўра ёзувчи адабиётга икки хил йўл билан — бири тутаб, иккинчиси яшнаб кириб келади.

«Тутаб кирган ёзувчи узок тутайди, кўнглидан чиқариб эмас, корнидан чиқариб асар ёзади, ёзувчилик умрининг охиригача тутайди... Ёзувчиликка чўғдай яшнаб кирган ижодкор асардан-асарга яшнаб беради, охирда абадий сўнмас ўтга айланади».

Яна бир тоифа қаламкашлар бўладики, улар адабиётга «ўғри мушукдай туйнукдан» тушади. Булар учун адабиёт санъат эмас — касб, тирикчилик манбаи. Адабиётга тутаб ёки ўғри мушукдай туйнукдан кирадиган ёзувчиларнинг энг олий аъмоли маҳаллий ва «маҳалла классиклари» бўлишди. Адабиёт шуларнинг дастидан жабр кўради. Шулар бадий сўз, образли фикр завқидан китобхонни бенасиб этиш билан машғул бўлади. Ҳозирги кунда ёзиш-чизишга бўлган ҳавасни истеъдод деб ўйлайдиганларнинг сони шу қадар кўпайиб кетдики, улар адабиётда ўзларини сувдаги балиқдай эркин сезадиган бўлиб қолди.

Шундай аҳволга Абдулла Қаҳҳор чидармиди? Лоқайд қарай олармиди? Душман орттириш ёки қандайдир имтиёзлардан айрилиб қолишдан чўчирмиди? Келинг, унинг ўлими олдидан содиқ шогирди Шухратга айтган мана бу сўзларини ўқийлик: «Одамлар мени душмани кўп деб ўйлайди. Ваҳоланки, менинг душманам йўқ. Мен ҳеч кимга душманлик қилган эмасман. Мабодо бирор одамга каттик гапирган ёки у ҳақда ёзган бўлсам, адабиётимизнинг равнақини кўзлаб, жоним ачиганидан, ўша одамнинг талантсизлиги ёки ёмон асар ёзгани учун шундай қилганман...» Бундай дейишга Абдулла Қаҳҳор ҳақли эди. Бундай қийин ишни бажаришга Абдулла Қаҳҳор кодир эди. Вафотидан кейинок ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам унинг ўрни билинди. Абдулла Қаҳҳордан кейинги адабиётимиз тўғрисида ўйлаб, бундай мулоҳазалар пайдо бўлади: албатта, Абдулла Қаҳҳор бўлиш қийин. У танлаган йўлдан одим ташлаб, катта адабиёт дарди билан яшаш бундан-да душвор. Биз Абдулла Қаҳҳорни севамиз, деймиз. Унинг асарларини эъозлаб, кўзга суртиб ўқиймиз, деймиз. Издош ва шогирдлари хусусида энди бемалол гапирамиз. Дўппи тор келганда «Мен Абдулла Қаҳҳорга сафдошман, холос...» дея шогирдликдан тонишлар ҳам унутилди. Лекин айтинг: ҳақиқат ва адабиёт истикболи учун Абдулла Қаҳҳор тортган машаққатларнинг, боринги, ўндан бирини елкасида кўтара оладиган бирор ёзувчининг номини нега дадил тилга

ололмаймиз? Абдулла Қаххорга ишонгандек ишонадиган, унга суянгандек суянадиган адабий шахсият қаерда? Ишончим комилки, обрў-эътиборли қайси бир ижодкорга ҳозир «Сиз — адабиётимизнинг Қаххорисиз, яъни посбонисиз», деб сўзламанг, у ё ноқулайлик сезади ёки «Қўйсангиз-чи...» дея эътироз билдиради. Аслида, ҳолатларнинг иккаласи ҳам тўғри. Шунинг учун ҳам бизда Абдулла Қаххорни соғиниш, ич-ичдан қўмсаш ҳисси бор. Юксак чўккиларни кўзлаган йўлчи муаззам тоққа суянгандек, биз ҳам бугун Абдулла Қаххорга суянамиз, ҳаётга, адабиётга, истеъдодга устоз нигоҳи ила қарай олсак, ижод оламидаги офаринбозлик, сохта даҳочилик, майдакашлик ва дидсизлик иллатларидан халос бўлиш муқаррарлигига ишонгимиз келади.

Абдулла Қаххор олтмишинчи йилларнинг бошларида ёзилган «Шижоат ҳақида» номли мақоласида бундай деган эди: «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма ҳислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зехнига боғлиқдир».

Ёзувчи ҳалол бўлмоғи учун, биринчи галда, истеъдодли бўлиши шарт. Чунки қитмирлик, бахиллик, писмиқлик — бундай ноқисликларнинг бари истеъдодсизликнинг ҳосиласидир. Истеъдод ва шижоат эса қарийб эгизак тушунчалардирки, талант шижоатни, шижоат талантни қўллабгина қолмасдан, бири иккинчисини қаноатлантириб боради. Бунинг энг ёрқин мисоли Абдулла Қаххорнинг истеъдоди ва шунга муносиб шижоатидир. Мен гапни айланттириб, бирон-бир ёзувчи ёки шоирнинг шижоатсизлигини писанда қилмоқчи эмасман. Бу — бесамар иш. Бесамарлиги шундаки, таъна, танқид ёки маломат билан олчокни оқил, қўрқокни жасурга айланттириб бўлмайди. Маломатда саломат бор, деганларидек, ижодкор ўзини ўзи маломат қилишни жуда яхши билмоғи керак. Абдулла Қаххорга ўхшаб шафқатсизликни ўзидан бошламоғи лозим. Ана шундагина у ўзини алдамаслиги, ўзига ўзи чап бериб яшамаслиги мумкин.

Тирикликдаги синовлар камлик қилганидек, ҳаёт Абдулла Қаххорни ўлимидан кейин ҳам синовдан ўтказди. Адибнинг юраги уришдан тўхташи ҳамон бир қанча шоғирдлар қалбида «жўш урган» меҳр, садоқат, эътиқод ҳам гўё маълум бир муддат тўхтади. Адабий йиғин ва

анжуманларда унинг номи ва хизматлари камдан-кам тилга олинадиган бўлди. Қаххоршунос сифатида танилган баъзи олимлар тадқиқот мавзуларини бутунлай ўзгартирди... Адибнинг етмиш йиллик юбилеи хўжақўрсинга -- жуда совуқ бир муносабат билан ўтказилди. Бунинг сабаблари кейинчалик айрим китоб ва мақолаларда изоҳлаб ҳам берилди.

Вақт чопавераркан. Хаётда ўзгаришлар бўлавераркан. Ана-мана дегунча Абдулла Қаххор таваллудига 80 йил ҳам тўлди. Ушбу санага бағишлаб ёзилган мақола, хотира ва чиқишларни олдинги юбилейники билан умуман қиёслаб бўлмасди. Мана, иззат ва эҳтиром. Мана, содиқлик ва ҳақгўйлик. Бундан кимлардир ҳайратланди. Кимлардир ажабланди. «Шунча гап бор экан, нечун шу пайтгача сир сақланди?» дегувчилар ҳам бўлди. Чунки кўп мулоҳазалар уйдирма-ёлғоннинг юзини пардозлаш учун тўқилган эди. Хўш, Абдулла Қаххорнинг асл қиёфасини сохталаштириш ва ҳақиқатни бузиб-бежаб кўрсатишдан муддао нима эди? Ёзувчи Тохир Малик сўзларини эшитинг: «Атоқли адиб Абдулла Қаххорнинг 80 йиллиги муносабати билан айрим одамлар уни хорлик кўрган, жабр чеккан, таъқиб этилган бир бечорага чиқариб қўйдилар. Уялмай-нетмай: «Абдулла Қаххор ҳақида гапириш мумкин эмас эди», деб даъво қилдилар. Улар ўзларининг кўрқоқлигини, тамагирлигини яшириш учун шундай гаплар тарқатдилар. Абдулла Қаххор -- бечора одам эмас, КУРАШЧИ(!) эди. Ўзининг шахсий фикри бор эди ва бу фикрни химоя қила оларди. У бировнинг фикри билан яшамаган, бировга куллуқ қилмаган, бирон ниманинг тамасида юрмаган. Уни бечорага чиқариб қўйганлар, аксинча, Абдулла Қаххорни мақтасам, фалончи акамга маъқул келмаса-чи, ҳозир катта унвонга, катта мукофотга навбатда турибман, яна навбатдан чиқариб ташламасинлар», деб кўрқиб яшашган. Ана энди, «Абдулла Қаххор устозингиз экан, нима учун шунча йил индамадингиз?» деган саволга мана шундай даъволар тўқиб чиқаришди...»

Бу сўзлар юқорида ўртага ташлаган саволимизга тўғри ва энг одил жавобдир. Ҳақиқат «таъқиби»да яшаган ижодкор бора-бора одамлар таъқибига парво қилмайдиган бўлади. Ташки зўравонлик, бедодлик ва найрангбозликлар уни қийнаши мумкин, лекин руҳини сўндираолмайди. Негаки, ҳеч вақт унинг МОҲИЯТИга етиб бориб

бўлмайди. Моҳияти теран ШАХСга ачиниш керак эмас — ундан ўрганиш, ибрат олиш лозим. Чунки махрумият ва мағлубият унинг қисматида зоҳиран нечоғлиқ кенг қулоч ёзмасин, барибир, у ҳақ ва ғолибдир. Шунинг учун унинг дарди, ғам-ғуссалари ва кўзёшларидан шодлик, некбинлик, ишонч чечаклари униб чиқади...

## 8

Ёзувчининг таянадиган тоғи, ишонадиган боғи уни сўзлашга, ўйлаш ва дунёни англашга ўргатган она тилидир. Миллий тилининг гўзаллигини идрок қилолмаган ижодкор бошқа ҳеч бир гўзалликни теран идрок этолмайди. Нафосат туйғуси — тил туйғусидан бошланади. Она тилининг табиатини яхши билган киши ўз миллатининг табиати, миллий завқини ҳам яхши англайди. Тилнинг руҳи — халқнинг руҳи экани буюк боболаримиз томонидан бежиз таъкидланмаган. Ижодкорни саёз фикрлаш, бачкана ҳис-туйғуларни қоғозга кўчиришдан энг аввало, тил муҳофаза қилади. Тилга жавобгарлик — сўз, тасвир, услубга жавобгарлик демак. Бир маънода истеъдод — сўзга жон бағишлаш, ўлик сўзни ҳам тирилтиришдир. Истеъдодсизлик эса бунинг акси — ҳатто, тирик сўзни ҳам ўлдириш.

Абдулла Қаҳхорни нега бунча эъзозлаймиз? Маҳоратига нечун бунчалик таҳсин ўқиймиз? У сўз билан мўъжиза ярата билган, тил меҳнатини заргарлик санъати даражасида юксалтира олган ёзувчи эди. Абдулла Қаҳхор ҳикоя ва қиссаларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир иборанинг ўрни шу қадар муқим ва мустаҳкамки, уларни бошқа сўз, бошқа ибора ёхуд жумла билан ўзгартириш деярли имконсиз.

«Мен тажриба учун, — дейди Саид Аҳмад, — устознинг «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устунни олиб ташланган айвонга ўхшаб лапанглаб қолди».

Ахир, ҳар бир саҳифа ўрта ҳисобда 15–16 марта кўчирилса, ҳар сафар жумлаларга сайқал берилса, боз устига бир саҳифадаги гапни бир жумлага, ўн саҳифа мазмунини биргина саҳифага сиғдириш учун қунт ва илхом ила меҳнат қилинса — сўз нари турсин, тиниш белгисини ҳам кимирлатиб бўлмайди.

Азиз биродар, она тилимизнинг хотираси тўғрисида

хеч ўйлаб кўрганмисиз? Тилимиз хотирасида нималар сақланиб қолгани ва нималар бизгача етиб келганини билишга уринганмисиз? Ўзбек тили дунёдаги хотираси энг бой тиллардан. Унинг хотирасида жуда қадим бир дунё бор — ана шу дунёнинг қайғуси, алами ва армонлари жойлашиб қолган унда. Бу тилдаги кўп сўзлар курашлар гувоҳи, мағлублик ва ғолиблик, йўқотиш ва айрилиқларнинг хабарчиси эрур. Уларнинг ботинида ғусса ва хасрат, мусибат ва надомат пинҳон ётибди. Абдулла Қаххор — мана шундай сўзларнинг сирларини кашф этган ёзувчи. Шунинг учун ҳам унга сўз билан юзма-юз келиш, сўз хотирасидан таралган садоларни тинглаш қийин бўлган. Умуман, у сўзнинг юрагига кулоқ тутишни ҳам, уйғоқ сўз билан иш юритишни ҳам ниҳоятда теран эгаллаган.

Бир донишманд олим: «Сўзнинг томирларида қон оқса, юраги уриб турса, кўзи кўриб, кулоғи эшитса — сўз тирикдир», дейди. Фақат шундай сўзларгина бадий матнда тириклик руҳини акс эттиради, ўқувчини ҳақиқатга иқроқ қилади, ҳаётнинг очилмаган зиддиятлари, бири биридан мураккаб ходисотлари сирини очади.

Абдулла Қаххорнинг сўзга муносабати, сўз қўллаш санъати кўпчиликка маълум: у сўзга беҳад ҳасис. Сўзни ҳаддан зиёд танлаб, чертиб-чертиб ишлатади. Ундан бизга мерос қолган асарларнинг аксарияти томирида қон югураётган, кўзи, кулоғи, шуури очиқ сўзлардан яралгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

## 9

Маълумки, Абдулла Қаххор маҳоратининг илдиэлари нафақат миллий адабиётимиз замини, балки мумтоз рус адабиёти намояндалари — Толстой, Тургенев, Гоголь, энг аввало, Чехов ижодий тажрибалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Сирасини айтганда, Абдулла Қаххор жаҳон адабиётидаги ютуқларни имкон даражасида ижодий ўзлаштириб, миллий насримизда янги саҳифалар очган. Бу саҳифаларда муҳрланган сўзлар, туйғу ва характерларга такрор-такрор нигоҳ ташлаган сайин инсоннинг сўз воситасида мўъжиза яратиш салоҳиятига бўлган ишонч шунча ортади.

Мен, барча тенгдошларим қатори, Абдулла Қаххор асарларини ўқишни болаликда — мактаб дарсликларидан бошлаганман. Абдулла Қаххорнинг мени дастлаб жуда



кизиктирган асари «Анор» ҳикояси эди. Шу ҳикоядан кейин бирин-кетин адибнинг юпқа-қалин китобларини топиб ўқишга киришиб кетганман. Болалик олисларда қолди. Йигитлик шамолдай ўтди-кетди... Лекин мен ҳамон қаххорхонликдан тўхтаганим йўқ. Ўқиш иштиёқи ҳам, таассурот ва мушоҳада ҳам энди нисбатан ўзгача. Бултур «Сароб»ни қайта ўқидим. Қандай ажойиб роман! Йигирма уч ёшли ўспирин йигит шундай кўркем, шундай бақувват китоб ёзганига ақл бовар қилмайди.

«Сароб»да сирли-сехрли бир руҳ бор. Ана шу руҳ асар қахрамонлари тақдирига бирёқлама қарашга имкон бермайди. Илк ўқишда романнинг туб моҳиятини етарли даражада тушунмаганман. Лекин Саидий ҳам, Мунисхон ҳам менга ёққан. Негадир уларни айблашга, душман дейишга тилим бормаган. Бошқа образларга нисбатан Саидий, Мунисхон ва Муродхўжа домла характерлари жуда пишиқ ишлангандай туюлган. Маълумки, «Сароб» шўро тузуми душманлари — ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган гуруҳга қарши, «буржуа миллатчилигининг синфий моҳиятини фош этиш» мақсадида ёзилган. Адибнинг эътирофи бўйича, у «Сароб»да болалигида қалбини яралаган ўтмиш ҳаётни «қайтаришга бел боғлаган душманларнинг бошига» қалбидаги «ғазаб ўтини ёғдиришга» тиришган. Аммо нечундир романда ғазаб ўти сезилмайди: унинг саҳифаларидан холислик шуъласи таралиб туради. Салимхон, Мунис, Саидий, Муродхўжа каби образлар, албатта, салбий типлар. Ёзувчи уларнинг ҳаёт тарзи, фикр-қараш, психологияси ва дунёқарашини ич-ичидан инкор этади. Уларнинг наинки маиший ҳаёти, балки маънавий оламига ҳам дадил кириб боради. Ўқувчи мутолаа жараёнида уларнинг ҳар бири гўл, лақма ва анойи кишилар эмаслигини сезиб, шунга иқрор бўлиб боради. Шўро мафкураси «кўзгу»сида қараладиган бўлса, бу қахрамонлар ҳақиқатан ҳам адашган, худбин, маккор ва ғаним, бир сўз билан айтганда, зараркунанда кимсалар. Бироқ уларга адолат ва холислик мезони билан баҳо берилса-чи?

Инига чўп суқилса, ари ҳам одамга ёпишади, талайди. Юрт босиб олинса, вайрон этилса, элнинг қони тўқилса, ҳокимият зўравонликка, қарамликка асосланса, одам фарзанди ари қадар қаршилик кўрсатмасинми?! Аричалик ҳам қаҳри йўқми унинг?! Ҳа, Саидий худбин, мешчан ва шуҳратпараст. У миллатчи ва шўро сиёсатининг

душмани. Нима қилиб бўлса ҳам одамларни «большевизм зулмидан дод» дегизишни кўзлайди. Бошқа давр, бошқа бир замон бўлганда, эхтимолки, унинг қисмати бутунлай ўзгача бўлар, «ички ҳаёти билан ташқи ҳаёти орасидаги кундан-кун ўсиб борган қарама-қаршилиқ» жонига қасд қиларли даражага етмасди. Саидий бадиий ижодда катта бир муваффақиятларга эришмаган бўлсада, умрининг охирларигача ёзув-чизувдан ўзини чеклай олмайди. Агар у дўсти Эҳсоннинг «Сиз ўзбек адабиёти-ни бутун дунё кўрадиган юксакликка кўтаришда қатнашасиз. Бу фаолиятни сиз шўро ҳукуматини нима мустаҳкамласа, нима социализм қурилишига ёрдам берса, шу «менинг мавзуим» деб бошланг...» деган фикрларини қабул айлаб, амалда шуни кўрсатишга жаҳд этса, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам қандайдир ютуқларни қўлга киритармиди? Шубҳасиз, шундай бўларди. Унда у — Саидий эмас, ихтиёрий равишда шўро босқини ва қирғинларини қўллаб-қувватлаган ижодкорга айланарди.

Романнинг саккизинчи қисмида бир лавҳа бор. Саидий илк бор Салимхонларникига келганида Муниسخон роялда унга бир куй чалиб бермоқчи бўлади ва дейди: «Бу жуда кекса машқ. Ҳарбий машқ... Араблар Ундулусни олганда чалинган машқ. Кишини шундай ғайратлантирадики, буни эшитганда ўлик ҳам тирилиб, жангга отланади. Эшитинг, Раҳимжон...

Машқни эшитганда Саидийнинг кўз олдига гижинглаган араб отлари, найза, қалқонлар келиб, қулоғига кураш ва қондан хабар берувчи товушлар эшитилиб кетди».

Авалло, Муниسخон кишини ғайратлантирувчи, ўлик ҳам тирилиб, курашга отланадиган қадимий бир ғалаба куйини Саидийга бежиз чалиб бергани йўқ. Иккинчидан, уни тинглаган Саидийнинг кўз олдига гижинглаган араб отлари, найза, қалқонлар гавдаланиб, қулоғига кураш ва қон товушлари эшитилгандай бўлиши мутлақо тасодифий эмас. Бунда кизил байроқ баланд кўтарилган бир юртдаги мағлубиятга ҳам, айна пайтда, ҳали сўниб битмаган умид, омонсиз кураш ва жангларда туғилажак ғалабага ҳам ишорат бор. Саидий «эрк эртақлари»га ишонмайди ва ишонишни ҳам истамайди. У «ўз доирасидаги кишиларнинг ҳаммасини ақлли, ҳаммасининг мия механизмлари бут» ва «тушунадиган одамлар» деб билгани боис бошқа бир «эртак»нинг қурбони бўлади. Саи-

дий ва атрофидагиларнинг фожиаси — фақат адашиш фожиаси эмас, курашиш фожиаси ҳам.

Муродхўжа хонадонидаги ўзаро бир суҳбатда келажигига билдирилган ишончга жавобан Саидий: «Адиблик менинг касбим бўлишига ишонаман, домла... Архимед: «Менга таянч нуқтасини берингиз, ричагим билан ерни кўтараман», деган. Мен ҳам ерни кўтараман, домла, менга ҳам таянч нуқтаси керак, бу — шароит», дейди. На турмушда, на сиёсий ҳаракатда, на ижодда «таянч нуқтаси»ни топиш шўрлик Саидийга nasib этмайди. «Норозиликдан кўра келажакда рози бўлиш умидининг» кундан-кунга йўқолиб бориши уни толиқтиради, ақл-идрокини кишанлайди, ичкиликка фарқ этади, ҳалокат ёқасига судрайди. Саидийни маслаксизлик ёки эътиқодсизликда айблаб бўлмайди. Шу гапни унинг Салимхон, Муродхўжа, Аббосхон ва бошқа даврадошларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Одам таниш, илм-маданиятни қадрлаш, халқдан кучли шахслар чиқишини орзу этиш, кишидаги заковат ва қобилиятни англаш, тадбиркорлик ва удабуронликда Муродхўжа домла Салимхондан илгариласа илгарилайдики, ортда қолмайди.

Шўро салтанатини кулатиб, янги бир давлат барпо этиш мақсадида тузилган ташкилот аъзолари йиғинида асосий мавзу бир четда қолиб, изҳори ҳасрат бошланганда Муродхўжа домла қатъиян норозилик билдириб бундай дейди: «Ҳаммаларинг ўз дардларингни айтасизлар. Бундай ҳол жами халқнинг бошида бор. Шундан қутулиш йўли тўғрисида гапирингларда! Бу ерга нахот ҳасрат қилгани тўпланган бўлсак! Ҳар қайсимиз буюк бир ғоянинг эгаси. Бу нима майдаганлик!»

«Буюк ғоя... буюк ғоя...» дейишдан мурод ҳосил бўлмайди. Пана-пастқамларда тўпланиб ҳасрат тўкиш билан буюк ғояни ҳаётга жорий қилиш ва олий бир натижаларга эришиш орасидаги фарқ ердан осмон қадардир. Хуллас, шўро давлатининг тотли ваъдаларига ишониб, унинг ортидан эргашган омма алданишга маҳкум бўлганидек, нажот маркази хорижда, дея ўз миллатининг кучқуввати, миллий руҳи, ижтимоий-сиёсий талаб ва имкониётларини тўғри баҳолай олмасдан, янги давлат қуришга уринган мулкдорлар, зиёлилар, дин ва шариат намояндлари ҳам ожизлик ботқоғига ботган эдилар. Бу ботқоқ уларни бирин-кетин домига тортарди. Аммо улар ҳам «кишан киймай, бўйин эгмай», ғайриинсоний сиёсат

оёқлантирган зўравонлик ва кўрқувлар домига тушмай яшаши, хатолардан кечиши, фикрий чалғишлардан қутулиши мумкин эди-ку! Уларнинг ҳаёти, тақдирини шўро давлати бир чақага ҳам арзитмагани рост. Аммо ўзининг ўқимишлилиги, хушёр, зийрак ва камтарлик каби фазилатлари билан хотирада яшаб қоладиган Саидий ҳам, ташқи гўзаллиги билангина эмас, фаросати, диди, ички латифлиги билан кишини мафтун айлайдиган Муниҳондек дилбар бир қиз ҳам шу миллатнинг фарзанди эмасмиди? Муниҳон жонига қасд қилади — тўппонча билан ўзини отади. У нимага ўзини отганини кўплар билмайди. Жумладан, Саидий ҳам. Муниҳон — ишқ ва гўзаллик тантанаси учун туғилган қиз. У ишқсиз ва бахтсиз яшашига кўниқолмайди. Тақдир унга Саидийни нега рўбарў қилганини кейин англайди. Кечикиб бўлса-да, хатосини тушунади. Бахтсизлиги учун оламга лаънат ёғдирмайди. Ўлим олдидан битиб қолдирган хатини «Олам тўла бахт, фақат мен бахтсиз эдим», деб тугатади.

Тақдир драмасини ҳаққоний ёритиш, мураккаб қисматли шахс фожиасини холис тасвирлашда, менимча, адабиётимизда «Сароб» билан беллашадиган асар йўқ. «Сароб»ни ўқиганда кўнгилда бир сергаклик уйғонади. Тарих жафокаш халқимизга нечун бундай бўлиниш, тоқат қилиб бўлмас парчаланишни раво кўрди, деб ўйлайсиз. Кеча айтилмаган бўлса, энди бугун, келинг, салбий деб атаганимиз, душман деб билганимиз «Сароб»даги қахрамонларни оқламасак ҳам, қораламайлик, мактамасак ҳамки, таҳқирламайлик. Уларни тушунмоққа ҳаракат қилайлик. Мулкидан ажралиш, эркини бой бериб, она тупроғида сифинди бўлиб, кўркиб, бегона одамдай яшаш қандоқ азоб, қандоқ кулфат бу! Бугунги баъзи мулкдор ва бойларнинг фикр даражаси, мақсад-муддаосини ҳам кўриб турибмиз-ку! Улар юзлаб салимхон ва мухторхонларни доғда қолдириши, диёнат, инсоф ва савияда улардан юз чандон тубан туришига нима дейсиз!..

Не ёзиқки, мулк даъвоси, бойлик тўплаш психологияси ҳарислик, манманлик, худбинлик, шухратпарастлик, даб-дабабозлик ҳирслари билан чамбарчас боғлиқ экан!

Одам ҳаётни билиши учун, энг аввало, ўзининг ҳақиқий аҳволини билиши керак. Ўзининг аҳволини билиш — ўз миллатининг ҳақиқий аҳволини билиш йўлидаги олтин халқадир. «Сароб»ни ўқишдан туғилажак бир хикматли хулоса ана шу!

Одатда, ҳақиқат суслик ва сокинликни ёқтирмайди. Ҳақиқат кўнглидан чуқур жой олган одам-чи? У, албатта, сокинлашади. Бу сокинлик, бугун бўлмаса эртага, уни дунё ортидан ҳаллослаётган, билиб-билмай тирикчилик тегирмонида янчилаётганлардан ажралишга, ҳаёт ҳодисотларига жуда холис ва ҳаққоний қарашга мажбур қилади. Агар ижодкор шундай сокинлик қадрини билмаса, катта билим ва мушоҳада ила уни шакллантира олмаса, шошқалоқлик, ҳавойилик, ўзни кўз-кўз қилиш майлларидан ҳеч қачон қутула олмайди. Бу майллар охир-оқибатда уни худди кўғирчоқдек ўйнатади. Ҳақиқий санъаткорнинг сокинлиги ҳақдан фэйз етган орифнинг хотиржамлигига бағоят яқин бўлади. Қалбида фикр тўғони кўзғалиб, эҳтирос аланга олса ҳам у жўшмайди — сукут ва сокинлигига содиқ қолаверади. Қадрини билган, камтар ва андишали ҳар бир ижодкорда шу ҳолни кузатиш мумкин. Мен Абдулла Қаҳҳор шахсини кўкларга кўтариб, идеаллаштириш фикридан бутунлай йироқман. У ҳам фаришта эмас, шу заминда яшаб ўтган бир инсон эди. У ҳақиқат юкини кўтариш бутун бир жамиятга оғирлик қилган мураккаб замонларда яшаган. Унда ҳам ўзига хос камчиликлар, чекиниш ва чалғишлар бўлган. Гап шундаки, шулар ҳам Абдулла Қаҳҳорни маънан улғайтиришга, қалбидаги маънавий-руҳий теранликни кучайтиришга хизмат қилган. Бир кун келиб адабиётда виждон тимсолига айланишни Абдулла Қаҳҳор, эҳтимол, ҳаёлига ҳам келтирмагандир. Лекин у адабиётимизнинг бедор Виждони бўлиб тарихда қолди.

Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий мақолаларини ўқиб, суҳбатларидаги фикрларнинг маънисини мулоҳаза қилиб кўрган бўлсангиз, демак, адабий танқид нима, ҳақиқий танқидчи ким, унинг фаолияти қандай бўлиши ҳақида тўғри тасаввурга эгасиз.

Танқидчилик билан шуғулланиш ҳавасида юрган кезларимда мен қайси мунаққиднинг асари қўлимга тушса ўқийверганман. Баъзиларини жиддий ҳафсала билан мутолаа қилганман. Айримларини ўқишга қийналганман: ифода ғализ, аксарият жумлалар тушунарсиз, илмий атамалар қаланштириб ташланган, муаллифнинг шахси ва ижодий қиёфасини аниқ тасаввур этиш қийин, ночор

китоблар ҳам мақталган, таъриф ва тавсифлар далил-исботсиз ва ҳоказо.

Мен ҳам нимадир ёзгим, қай бир китобларга муносабат билдиргим келар, аммо ёзишга қийналардим, бордию ёзсам ҳам қоникмасдим. Шунда Абдулла Қаҳҳорнинг бир неча бор ўқиганим «Ёшлар билан суҳбат» ва олти жилдлигининг охиригидаги ўзимга жуда ёққан мақоаларни кўчириб ёзишга киришдим... Шундан сўнг наинки танқид — адабиёт, бадиийлик, истеъдод ва ҳақиқат тўғрисидаги фикрларим ҳам тиниклашди. Шунда мен Абдулла Қаҳҳор танқидчиларнинг ҳам донишманд устози эканини, унинг сабоқларига риоя қилиш, ғоявий-эстетик талабларини бажариш бағоят қийинлигини билдим. Абдулла Қаҳҳор дейдики, «*Танқид ёмон асар билан китобхон орасида даллол, ширинкомага виждонини сотадиган юраксиз даллол бўлмаслиги керак*». Қани бунақа танқид? Ёмон асар билан китобхон ўртасида даллоллик қилмаган мунаққид топиладими ўзи? Топилса, неча киши улар? Гапириш ноқулай.

Дид, савия, жасорат бобида танқидчи ва адабиётшунос ёзувчи ёки шоирдан илдамлаб кетмаса ҳам, кейинда юрмаслиги зарур. Танқидчи аввалбошдан «Ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч алоқаси йўқ»лигини билиши керак. Гўзаллик туйғуси сўнган мунаққид ана шу масалада ўзини фош этади: адабиётга алоқаси йўқ асарларни киприк қоқмасдан мақташга ё мавзунинг долзарблигини дастак қилиб, тахлил этишга киришиб кетади. Билмайди ва билолмайдики, «Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди — мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади...»

Ўзбек танқидчилигида ноқислик тамали нима дейилса икки сўз билан жавоб берса бўлади: савия ва журъат. Ҳолбуки, Абдулла Қаҳҳор мунаққиднинг савияси ва журъати масаласида жон куйдириб сўзлаган. Дардсиз ва эҳтироссиз ёзилган асарларни мақтайдиган савиясиз танқидчилар ҳақида у бундай деган эди: «Бу тоифа танқидчилар ўқиб бўлмайдиган, бадиий жихатдан ғоятда ғариб бўлса ҳам рўйирост «ғоявий хатоси» йўқ китобларни ахтариб юриб, улар тўғрисида мадҳиялар ёзиб ўрганган, шуни касб қилиб олган».

Танқидчида билим, савия, дунёқараш, маслак қанча теран бўлса, у адабиётни қанча кенг ҳис қилса, ҳеч бир

масалага тарафкашлик ва ғараз билан ёндашмаса асарни ўшанча холис таҳлил эта олади. Акс ҳолда, ташхисда адашган табибга ўхшаб, қилаётган ишида фақат тахмин ва ғалатга асосланади. Бундан на ёзувчи, на адабиёт, на китобхонга фойда тегади. Бадиий-эстетик идроки пачок танкидчи-адабиётшунос жавобгарлик ва жонкуярликни жангарилик ёки ботирлик, деб тушунади. Қалам ўрнига найза, болта кўтариб ёзувчига ҳамла қилади. Абдулла Қаххор «Сароб»дан бошлаб то охириги асарларигача шундай ташланиш ва адолатсиз танқидларга дуч келган. Бу ҳақда баҳс юритган Озод Шарафиддинов: «Ҳозир адибнинг бутун умри давомида танкиддан еган даккиларини ўйлар эканман, унинг рўпарадан ҳам, орқаваротдан ҳам қилган ҳужумларини даф этишга кўп кучи сарфланганини тасаввур қилар эканман, бу одамнинг саботига, тоғдай бардошига қойил қоламан», деганди. Бунда Абдулла Қаххорни суяб, мухофаза айлаган куч, бир томондан, ўзининг ҳақлиги, холислигига ишонч бўлса, иккинчидан, ҳақиқий танқид илмининг вазифаси, ҳуқуқ ва хусусиятларини англаши эди. Шунинг учун у мунаққид истеъдодини ёзувчи истеъдодидан кам деб билмаган.

Ҳозирги пайтда адабий танкиднинг қиёфаси кундан-кунга мавҳумлашиб бораётир. Унинг майдони гавжумлашиш ўрнига тобора сийраклашиб, бўшаб қолмоқда. Адабий танкиднинг бир замонлардаги обрў-эътибори ва нуфузи йўқ энди. Абдулла Қаххор бошқа ишга ярамай, ўзини танкидчиликка урганларни «хар нарсадан чўчиб шакилдоқ чалаверади»ган қўрқоқ қоровулга ўхшатган эди. «Шакилдоқ»бозликнинг ўрнини ҳам хайбаракалчалик, мадхиягўйлик эгаллади. Лекин ахвол бундай давом этиши мумкин эмас. Ўзбек танкидчилиги қайта қад ростлашни, неча ўн йиллардан буён мерос бўлиб келаётган замонасозлик, эҳтиёткорлик, даллоллик сингари иллатлардан халос бўлиб, шахдам одим ташлашни истаса, Абдулла Қаххор талаб қилганидек, энг аввало, «адабиётимизга катта адабиёт чўққисидан» қарашга бел боғлаши керак. Ана шунда унинг ўзи ҳам янги чўққиларни забт этиши мумкин.

## 11

Абдулла Қаххор асарлари бир мўъжиза эканини кўпчилик эътироф этган. Жумладан, атоқли адиб Шу-

кур Холмирзаев: «Ўзбек адабиётида ана шундай мўъжизаларни яратиб, қолдириб кетган инсонга топиниш мумкин», дейди. Мен ақлимни таниганимдан буён Абдулла Қаҳҳорнинг шахсини ҳам, асарларини ҳам яхши кўрганман. Қолаверса, чинакам буюк адибга топинишнинг нимаси айб? Лекин ҳозир бошқа бир гапни айтишим лозим, деб ўйлайман.

Ётмишинчи йилларнинг охирларида Абдулла Қаҳҳорга менинг муносабатим бир оз ўзгарган эди. Бунга Тошкентга келиб яшай бошлаганимдан кейин айрим адабий давра ва суҳбатларда Қаҳҳор ҳақида муросасизлик ила айтилган танқидий мулоҳазаларни эшитишим ҳам сабаб бўлгандир. Энди Қаҳҳорга муҳолиф кайфиятдаги ёш ижодкорларга ҳам дуч келиш мумкин эди. Улардан баъзилари Қаҳҳорни «сочидан тирноғигача шўро ёзувчиси» экани учун қораласа, бошқа бирлари унинг Чўлпон тўғрисида айтган икки жумла гапини дастак қилиб, айбнома тўқир эди. Хуллас, Қаҳҳорнинг, ҳатто ҳикоянависликдаги ютуқлари ҳам назарга илинмас, унинг энг сара, энг ўқишли ҳикоялари ҳам паст баҳоланарди. Кунлардан бир кун икки-уч яхши ҳикояси билан танилиб қолган ёзувчи биродарларимиздан бири бундай деган эди: «Абдулла Қаҳҳор ҳикоя яратмайди — тўқийди. Ҳикоя ясайди. Ўтмиш мавзуидаги ҳикоялари эса тарихни айблаш, тарихга қора чаплаш учун қилинган ишлардир...» Охирги, ўтмишга тегишли жумлалар менда ҳам эътироз туғдирмаган. Чунки Қаҳҳорнинг асарларини ўқиб, тарихдан фахрланолмайсиз, тарихга суянолмайсиз, тарихдан рухий мадад ололмайсиз. Уларнинг деярли барчасида мозий жуда нурсиз, сурурсиз ва қоп-қора бўёқларда — қалбни ғам-ғуссага чулғайдиган манзараларда намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўттизинчи йилларда ёзилган «Бемор», «Ўғри», «Анор», «Миллатчилар» каби ҳикоялари менга ёққан. Уларни ўқиб, «Хайрият, шафқатсиз, адолатсиз, ўша тенгсизлик замонлари барҳам топган. Хайрият, халқимиз ўша кулфат, мусибат, сон-саноксиз бахтсизликлардан халос бўлган», деб ўйлаганман. Аммо бир кун келиб: «Наинки, ҳўкизидан айрилган мусибатдийда бир мўйсафидга ҳеч ким раҳм қилмаса, ахир, амалдор ҳам одам-ку!.. Наинки, бемор хотинга гўдакнинг сахарлари қиладиган дуосидан бошқа даво топилмаса; наинки, соғ-саломат йигит бошқоронғи хотинига икки донагина анор олиб беролмаса...» қабилдаги эътирозлар менда



хам пайдо бўлишини ўйламаганман. Аммо шунда ҳам негадир Қаххорни ўқишдан ўзимни тўхтатолмаганман. Ҳикояларини бўлмаса, қиссаларини, қиссаларини бўлмаса, бошқа асарларини қайта-қайта ўқийверганман. Шуни ҳам айтишим керакки, мен қаххоршунос бўлман, шу соҳада бирор илмий тадқиқот яратаман деб Абдулла Қаххор ижодиётига боғланиб қолганим йўқ. Аммо Абдулла Қаххор ижодиёти сир-асрорларидан воқиф бўлиш ниятида кўп олимларнинг, хусусан, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Қўшжонов, Умарали Норматов каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари билан ҳам танишганман.

Абдулла Қаххорни саксонинчи йилларда ўзимча янгидан кашф қилдим десам хато бўлмас. «Сароб»да Саидийнинг «Муваффақиятли чиққан бир ҳикоядаги тиғни мамлакатнинг ҳар бурчидан юзлаб, минглаб топиш мумкин», деган фикри бор. Қизиғи шундаки, бундай типлар кўп учрашидан ташқари, уларнинг умри ҳам узок бўларкан. Замон, макон, вақт тушунчаларини улар кўпда тан олавермас экан. Мен ана шунда «Ўғри» хикоясидаги Қобил бобо биздан анча олис даврларда яшаб, ўтиб кетган бўлса-да, «қобилбобочилик» ўзига хос тарзда давом қилаётганини англадим.

Абдулла Қаххорнинг ўндан ортиқ хикоясини битта ном — «Бошсиз одам» номи остида бирлаштириш мумкин... Тўлиқ маънода Фахриддинга монанд, унингдек лақма, иродасиз, мустақил фикрдан маҳрум гўл кимсани, эҳтимол, ҳаётда учратиш қийиндир. Аммо атрофга синчковлик билан кўз ташлаб, мушоҳада этилса-чи? Ҳайронлар қоласиз... Беихтиёр, «бошсиз одам» бунча кўп-а, дейсиз.

Абдулла Қаххор ўтмиш мавзуига бежиз қизиқмаган экан. Мозийнинг замон билан доимо боғланидиган нозик ришта ва халқаларини топиб, фақат тарих бағрида қолиб кетмайдиган ҳаёт ҳақиқатлари ва фожиаларини куйиб-ёниб тасвирлаган экан. Абдулла Қаххор ижодидаги шафқатсиз реализмнинг туб илдизи ҳам балки ана шундадир.

Сўнгги йилларда айрим ёзувчи, олим жўраларимиз билан Абдулла Қаххор тўғрисида кўп гурунглашиб, фикр алмашдик. Энди ўйласам, «Абдулла Қаххор наинки адабиётнинг, юрт ва миллатнинг ҳам виждони» деган мохиятга мен алоҳида урғу берган эканман. Дарвоқе, марҳум адибимиз Ўлмас Умарбеков ҳам устозни миллат виждонини тамсил этган ёзувчилардан деб таърифлаган. Ҳа,

Абдулла Қаххор босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам, ижод йўли ҳам виждон йўли эди. У сўнги нафасигача миллат дари билан яшади. Шунинг учун ҳам унга оғир бўлган. Мамлакатда тоза фикрлайдиган одамлар камайиб кетгани, шулар ҳам иқтидорини янги ҳақиқат излашга эмас, эскиларини такрорлашга сарф айлаганига қарамай, Абдулла Қаххор доимо озод фикр, янги ҳақиқатлар учун курашган — ёлғизланиш, танкиду таъқибларни писанд қилмасдан курашган. Абдулла Қаххорнинг ижодий нафасидан номардлик, ҳар қандай фирромлик титраган, тубанлик ўзини панага тортган. Унга тиш қайраганлар эса юзларига ниқоб тортишга мажбур бўлишган. Унинг борлиги миллатнинг ҳам давлати, ҳам сарвати, ҳам шавкати бўлган. Муболағасиз шундай!

Константин Станиславскийнинг «Санъатдаги ҳаётим» китобида Л. Толстой ҳақида айтилган бундай бир гап бор: «Унинг ҳаётлигида биз «Толстой билан бир замонда яшаш қандай бахт!» дер эдик. Юрагимиз ғам-ғуссага тўлиб-тошганда, ҳаётда қийналганда ёки кишилар кўзимизга йиртқич бўлиб кўринганда «Ясная Полянада Толстой бор-ку!» деган фикр билан ўзимизга тасалли берардик...»

Худди шу каби Абдулла Қаххор тириклигида ўзбек зиёлиларида ҳам шундай бир қаноат ва тасалли бор эди. Лекин ишончим комилки, «Бизнинг Абдулла Қаххордек беназир ёзувчимиз бўлган, у ўзининг боқий асарлари ва ўлмас жасорати ила доимо биз билан бирга яшаётир...» деган ғурур-ифтихор туйғуси бугун ҳам ижод аҳлининг маҳзун қалбига умид ва жасорат бағишлаб туради.

## *Ойбек шахсияти ва шеъриятига доир*

XX аср ўзбек адабиёти фавқуллода оғир қийинчилик ва синовлар ичида шаклланган. Бироқ эркин фикр, мустақил қараш, юксак ижодий рухнинг ғаними бўлган давр ҳам Ойбекнинг шаффоф шахсиятли бетимсол Ойбек ўлароқ камол топишига монелик қилолмаган. Ойбек — маъсум санъаткор, дили ҳам, тили ҳам покиза, сафдошлари орасида умр бўйи болалик софлигини сақлай билган ижодкор. Оллох унга бутун бир миллат суйанса, фахрланса, ибрат олса арзигулик самимият ва масъулиятни ато этган.

Кўнгил йўли билан Ойбекка яқинлаша олган одам ўзини янгидан туғилгандай ёки ҳис-туйғулари тозариб, янгилангандай тасаввур қилади. Кўнгли қаттиқ, ҳислари кирланиб, моғорланиб ётган кимса Ойбек дунёсига ошно бўлгандан сўнг ҳам ич-ичидан бир пушаймонлик сезмаса, ундан одамийлик кутмаслик лозим.

Олмон файласуфларидан бири: «Боши осмонга етadиган дарахтнинг томирлари дўзах қаърига узаниши керак», — дейди. Ҳа, илдиз қудратли бўлмаса, илдиз қийинчилик ва қийноқларга чидамаса, дарахт кўкка томон бўй чўзолмайди. Йигирманчи аср воқелиги, айниқса, унинг биринчи ярми дўзахдан ҳам баттар кўрқинч кўзган. Ўшандаги хор-зорлик, юртимизда содир этилган ўша қаро кунлардаги қирғин ва хунрезликлар жаҳаннамда ҳам бандасига раво кўрилмайди.

Баъзан шуни ўйлаганимда, «Нега жаннатда адабиёт йўқ?» — деган саволга жавоб топгандай бўламан. Чунки жаннатда азоб, уқубат, зулм ва зўравонлик йўқ. Адабиёт эса дунёни дўзахга айлантирган ёвузлар, шайтонларга қарши курашиш учун зарур қурол ва дахлсиз таянчдир.

*Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи,  
Соядек йўлингда ҳамқадам.*

Ойбек ҳаётга ана шундай дақиқ ва рост назар ила қараган. Ҳаёт ҳамроҳига айланган кулфат хамиша унинг

бағрини эзиб турган. У нечоғлиқ ўзини бардам тутмасин, нечоғлиқ кўтаринки, кувончли оҳангларда асарлар битмасин, якранг, турғун ва биқик хаёт уни барибир толиктирар, зериктирарди:

*Зерикшидан зерикдим жуда.*

Шунда ҳам Ойбекнинг рухидаги ёлкин сўнмаган, кўнгли ўлмаган. Чунки миллатининг ночор аҳволи, мазлум элнинг чўнг ва чегарасиз қайғуси, хасрату армонлари олдида омад, шон-шухрат, мақтову мукофотлар бир чақага арзимаслигини у ниҳоятда теран ва ҳаққоний мушоҳада қилган. Мен Ойбекнинг танҳоликдаги хаёл, ҳол ва ғуссаларини ўзимча кўп ўйлайман, аммо бир йиғи овози ҳар гал бағримни тилгандай бўлаверади.

*Танҳо кезаман. Йиғлар  
Юрагимда Ватаним...*

Шундай юракни англашга уринмаслик, шундай улф шахсиятга таъзим қилмаслик мумкинми?

Ўрни адабиётга буткул бағишлаш, ҳар қандай шароитда адабиётга ҳолис ва виждонан хизмат қилиш учун фақат истеъдодли бўлиш, фақат истеъдодга таяниш етарли эмас экан. Истеъдодни синдириш, сўндириш, Ҳақ йўлидан бемалол чалғитиб, кўғирчокқа айлантириш мумкинлигига тарих кўп гувоҳлик беради. Инсоний қиёфа билан ижодий қиёфа орасидаги фарқ ҳам ана шу синиш, сўниш ва чалғишдан далолатдир. Адабиётнинг куч-қуввати, равнақи учун бу, албатта, зиён, албатта, ёмон.

Талант — халқ мулки, талант халққа суянади, деган гапни кўп эшитганмиз. Сиртдан қараб қабул қилинганда, бу фикр тўғри. Аммо аслида талант — Ҳақ ва ҳақиқат мулки, ҳар қандай халқ ўзининг буюк талантларига суянмаса, хуррият руҳини бой беради, кундалик ташвишлар «тегирмон»ида янчилиб, эзилиб юраверади. Шу ўринда мен муҳим бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим: Ойбекнинг шахс ва ижодкор сифатида камол топишини Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Айний, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода сингари улф замондошларининг инсоний ва ижодий тақдирдан айри ҳолда тасаввур этиш тўғри бўлмайди. Уларнинг биридаги нурли ишонч иккинчисининг ёрқин иқрорига, биридаги қатъият ўзгасидаги жасоратга, бировларидаги покизалик бошқа биридаги садоқат ва масъулиятга боғланиб, уйғунлашиб кет-

ган. Зеро, улардан ҳеч бирининг миллат ва адабиёт манфаатидан олийроқ, муқаддасроқ мақсаду матлаблари бўлмаган. Энг қийин, энг таҳликали вазиятларда ҳам улар бадий ижодда руҳ, маслак, эътиқод бузғунчилигининг олдини тўсувчи дахлсиз «майдон» борлигини эсдан чиқаришмаган. Агар Чўлпон ўзлигини Абдулла Қодирий ёки Фитратдан, Ойбек Ғафур Фулом, Шайхзода ва Қаххордан бутунлай йироқ сезганда, тилда бошқача сайраб, дилда тамоман ўзга бир иддао учун олишганида адабиётдаги парокандалик «ҳадди аъло»сига етиб, олчоклик, кўрқоклик, иккиюзламачилик муҳити адабиётимизни адоий тамом қилган бўларди. Менимча, XX аср ўзбек адабиёти етишган бирлик, чин маънодаги ижодий маслакдошлик туйғусини барқарор этишда Ойбек марказий сиймолардан ҳисобланади. Зеро, Ойбек каттадир, кичикдир, ҳеч бир истеъдоднинг ютуқларига ғашланиб қарамаган, гуруҳбозлик қилмаган, ёлғиз мен зўрман ва ҳақман деб туну кун ўз шахсиятини илгари суришга интилмаган.

Ҳар бир одамда бири иккинчисига ўхшамайдиган, кўп ҳолларда ўзаро кескин фарқланадиган гўё икки мавжудлик яшайди. Бири — унинг моҳияти, иккинчиси — шахсияти. Моҳият — бу ички «мен», фақат унга хос бўлган меросий ҳислат ва хусусиятлар. Шахсият-чи? Моҳиятга нисбатан муваққат, ҳаттоки, тасодифий борлик: шу боисдан файласуфлар уни либосга, сунъий никобга қийслашган. Дарҳақиқат, атроф-муҳит, тарбия, илм ёки сиёсат онга таъсир ўтказса, ҳеч шубҳасиз, шахсият ўзгаради. Шунинг учун олдин бирор нарсага қатъий инонган одам ташқи таъсирлар туфайли ёки зарурият боис энди бошқа нарсага инонади. Негаки, шахсиятни ташкил қилувчи «унсур»ларни ўзгартириш ҳам, зохирий куч ва воситалар орқали тубдан янгилаш ҳам мумкин. Моҳиятни эса бундай қилиб бўлмайди. Ойбек сингари зотларнинг бошқалардан асосий фарқи — ўша кўзга кўринмас Моҳиятнинг гавҳардай тозалиги ва фавқулодда ёрқинлигида. Ойбекнинг нурга, ой, қуёш, юлдузларга опшиклигининг сирларини, энг аввало, шундан ахтариш керак. Ойбек характериға яқин ижодкорлар бошга бало-ю қазо, тухмату иғво дўл бўлиб ёғилганда ҳам ҳақиқатга хиёнат нари турсин, қарши бўлишни хаёлга ҳам келтиролмайдилар.

Тўғри, собиқ шўро замонида яшаб ижод қилган атоқ-

ли санъаткорларнинг кўпчилиги қайси ғоя, қайси мавзуларда қалам тебратган бўлса, Ойбек ҳам тахминан шулар тўғрисида ёзган. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бошқачасини талаб этиш — истевдоди, тўғрилиги ва илоҳий илҳом завқидан бўлак муҳофизии бўлмаган адибга энг машъум жазо тилаш билан тенгдир. Чўлпон, Қодирий, Фитрат ёхуд ўспирин Усмон Носирга шафқат қилмаган мустабид тузум, унинг манқурт малайлари Ойбекни аярмиди?

Ўзни чеклаш, умумий ёлгон ва мадҳиябозликларга мажбуран аралашиб, чаладан-чала ҳақиқатларга зоҳиран кўникиш, кишан ва қафасни эслатиб тургувчи эҳтиёжлардан эзилиш — шулар Ойбек қалбини ғам-ғуссага чулғаган. Аммо мутафаккир адиб ҳақиқат ахтаришдан тинмаган. Охир-оқибат билсаки, ҳақиқат — соқов, инсон заиф ва кучсиз экан.

*Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,  
Тошлар ҳам йиғлайди — сир тўла осмон.  
Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!  
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлгон.*

Фалсафа ва сиёсат, илм ва адабиёт тили ила тўқилган ҳисобсиз ёлғону алдовлар оломон кўзига парда тортиб, онг ва шуурини заҳарлаган. Эркисиз инсон ҳолига тошлар йиғлаган, бироқ алданган маълум — «эрк эртаклари»га инониб, овуниб яшайверишган.

*Турк улуси, халқи мунча эзилдинг?  
Фақирлик, ғариблик ошган ҳаддидан.*

Ойбекнинг усмонли турк эли ҳақида айтган бу фикри унинг ўз жафоқаш улусига ҳам тегишли эди.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзилишича, Шайх Саъдий оташнафас шоир Хусрав Дехлавий ҳақида: «Қиёматда ҳар киши бир нима била фахр этгай. Мен бу туркнинг, яъни Хусравнинг кўксининг куюки била фахр қилғумдир», — дер эканлар. Бу «куюк» кўнгулнинг садр, қалб, ишчоф, фуод сингари номлар билан аталадиган етти тавридан бири, яъни сувайдодир. Уни илоҳий гўзаллик ва латифлик сирларини кашф этиш мартабаси ҳам дейишади.

Агар биров бугун мандан: «Сен қиёматда нима билан фахр этгайсан?» — деб сўраса, ишонинг, «Ойбекдай

содикларнинг кўнгли билан», — дея жавоб берган бўлурдим. Ойбекнинг кўнгли — чин гўзаллик ва севги чашмаси, меҳр ва шафқат гулшани, ижод ва илҳом уммони. Лекин у ҳақда қанча гапирманг, барибир, таърифу тавсифга сиедириб бўлмайди уни. Чунки оламини мунаввар қилган нур ва ёлқин офтобдан таралгани билан унинг аини ўзи эмас-да!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган устоз Озод Шарафиддиновнинг Ойбек ҳақидаги «Миллатни уйғотган адиб» номли мақоласида шундай бир гап бор: «Эхтимол, бир оз муболаға бўлар, лекин ўйлайманки, ёзувчилар орасида XX асрда иккита комил инсон бўлса, уларнинг бири Ойбекдир, агар битта бўлган бўлса, у ҳам Ойбекдир».

Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан. Агар комиллик матлаби ила сайри сулук йўлига кирган сўфий ва дарвешлар Ойбек сийратидан хабардор бўлишганда, шулар ҳам унга тан беришарди. «Қандай қилиб бу одам, ҳатто нафси ҳам рухга ошиқ айлаган?» — деб хайронлар қолишарди. Ҳолбуки, нафс ва таъма қайғусида имонни сотиш, ҳақиқий истеъдодларга гўр қазिश, забун ва ночор миллат ахволига бефарқ бўлиш тақдирланаётган замонларда Ойбек ботиний узлатдан ором олиб, фароғат топиб, бир дарвеш ҳаётини яшаган. Энг кизиғи, у ўзини «сўнгги дарвеш» деб англаган.

*Салом, эй ой,  
Мунгли эски дўст!  
Боқ, тагимда яна  
Ўша тақир нўст.  
Ўша шамшод асо,  
Ўша қамиш най...  
Фақат ўзга ҳижрон,  
Ўзга жом ва май,  
Мажҳул саҳродамен,  
Ой, бўл тир ва эш.  
Гояга эришсин  
Бу сўнгги дарвеш!*

Қаранг, эски дўст — Ой. Мунгли мусоҳиб — Ой. Орада най, жом ва май. Кўзланаётган пир, яъни муршид ҳам Ой. Нақл этилмишким, подшоҳликдан кечиб, дарвешлик йўлига кирган Иброҳим Адҳам ўтин орқалаб бозорга бораётганда аввалдан таниш бир одамга дуч

келибди. Албатта, собиқ султоннинг ахволи унга ачинар-ли туюлибди. Ва ундан: «Сен тожу тахтингдан ажралиб нимага эришдинг?» — деб сўрабди. Шунда Иброҳим Адхам: «Агар мен етишган ботиний завқ ва хузурни ҳукмдорлар билганида эди, аллақачон менга қарши жанг эълон қилишарди», — деган экан. Менимча, Ойга қараб: «Менга пир бўл, мусоҳиблик қил», — дейиш ҳеч бир дарвешнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Боз устига, мангу чиройга мафтунлик чакалоқликдаёқ бошланганига нима дейсиз?

*Онамнинг қўлида талтиниб ойга,  
Қўлларим чўзаркан, туйдим сеҳрини.*

Хуллас, Ойбек — ҳали тўла кашф этилмаган Сир. Ойбек — куёш ва ой соғинчига соҳиб муаззам бир Ўлка.

Маълумки, адабиёт иши — қисмат иши, ҳақиқат ва шижоат иши. Бадий ижодга ўзини бағишлаган кишининг масъулияти — машаққатидан, ранжу азоблари — роҳату фароғатидан ортиқ. Лекин у қийналаркан, оромга етади, қайғуга чўмаркан, шодлик ва қувончини топади.

Ҳақиқий санъаткор учун Ватан, миллат, ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик оддий ва одатий тушунчалар эмас, балки қудсий борлиқнинг хилма-хил тажаллилари дир. У ана шу юксак ва муқаддас тушунчалар ишқида азият чекади, ҳар турли қаршиликларни енгиб ўтиш учун йўл излайди, таънаю маломатларга бардош беради. Шу маънода буюк бир шоир таъкидлаганидек:

*Унга ҳар зарба шифо, ҳар аччиқ сўз бир мужда!  
Тошлар теккач, сизган қонлар у қудсий юзда.*

Аммо дунё ва аҳли дунёдан етган ҳар зарбани шифо билган ва ҳар аччиқ сўзни бир мужда ўлароқ қабул айлашга қодир ижодкорлар, афсуски, камдан-кам учрайди.

Бадий ижодда кўп нарсани сўз ҳал қилади. Агар ёзувчи айтган кичик бир сўз фақат унинг ўзига мансуб бўлса ва янгилик ўлароқ қабул қилинса, демак, у ҳар қалай мақсадга эришган саналади. Зеро, сўзнинг қудрати чексиз. Чунки сўз — ҳад ва чегара билмас инсон рухий идрокининг ифодаси. Ойбек:



*Ай санъат, боғчангда мангу қолайин,  
Олтин найларингни узоқ чалайин, —*

деганида айнан «олтин найлар»ни эмас, балки «олтин мисраларга нақшланган» сўз ва фикрни назарда тутган.

«Адабиёт — сўз санъати», дея сўзга урғу берилиши ҳам бежиз эмас. Кўпчиликнинг қалб нигоҳини ўзига жалб эта олган тирик сўзни, рухи порлоқ, иродаси мустаҳкам ва бағоят сирли сўзларни кашф қилган ижодкорга қойил қолиш керак. Шарқ санъаткорлари сўздан маърифат ва ҳақиқат эшикларини очувчи бир олтин «қалит» сифатида фойдаланишган. Шу учун ҳам улар сўз ила маъно, сўз ва рух, сўз ва тафаккур, сўз ва маҳорат каби масалалар хусусида тўхтовсиз баҳс юритишган.

Сўз шундай бир мавжудликки, унга таяниб истеъдоднинг табиати ва характери, диди, дунёқараши тўғрисида бемалол аниқ хулосалар чиқариш мумкин. Санъаткорликда адашиш — аслида сўзда адашиш. Ойбек буни жуда чуқур фаҳмлаган. Унинг «Кеча туйғуси» деб номланган дастлабки шеърларидан бири шундай сатрлар билан бошланади:

*Ярим кеча... Япроқлар-да уйқуда.  
Юргун ойнинг ҳафиф нури ерларда.  
Кўчалар бўш, ҳар тарафда бир сир бор,  
Титрар эди ҳар бурчакда оҳ-зор.*

*Босиқ уйлар, йиқиқ томлар устида  
Гизли-гизли хаёлотлар йиғларди.  
Йўқчиликнинг, йўқсилликнинг юртида  
Мангу алам, мангу ҳасрат инграрди...*

*Хаста қалбим шу холларнинг ичида  
Нима учун йиғламасин, куймасин?  
Ҳар кун, ҳар чоқ шу фарёдлар кўнглимда  
Қандай қилиб руҳим қувнаб ўйнасин?*

Бу сатрларда туйғудан ёришган манзара бор. Манзарага мувофиқ ҳолат ифодаланган. Ҳолат бағрида ҳасрат ва фарёд қалқиб ётибди. Руҳ изтироби эса «юргун ой» нуридай ҳафиф ва ҳаракатли. Буларнинг бари сўз билан, сўзнинг кучи билан амалга оширилган.

Ижодкор чиндан ҳам санъаткорлик туйғусига соҳиб бўлса, агар ҳақиқатда ҳам санъат моҳиятини теран ан-

ласа, ҳеч қачон у ўз даври ва замонасининг муаммолари билан ўралашиб қолмайди. Ҳаётнинг энг ўткир, энг долзарб жумбоқларини ҳаёт бағрида ечиш, улар тўғрисида очиқ сўзлаш имконияти кескин чекланган бўлса-чи? Унда тахайюл «от»ига минилади. Сўз тили — рамз, мажоз, тимсол тилига айланади. Туйғу рангдорлик касб этиб, фикр энг тиниқ оҳангдорликка етишади. Бунда, ҳатто ҳарф ва товушга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Чунки улкан мағлубият ва маҳрумиятдан жони эзилаётганига иқроор бўлган санъаткор фикран ё мозийга чекиниб, тарихдан нажот излайди, ёки келажакка кўз тикиб, ўзининг ички, яъни руҳоний ва виждоний эркинлигини таъминлайди. Ойбек:

*Кувват — фақат эрқда, виждонда, —*

эканлигига тўлиқ инонади.

Атоқли ойбекшунос Ҳомил Ёқубовнинг қайд этишича, Ойбек Қора денгиз манзаралари тасвирланган талай шеърлар яратган. «Онлар» номли икки шеърига эса Бельгиянинг машҳур шоири Э. Верхарннинг «Қара, абадият нақадар гўзал ва сокинدير», деган сўзларини эпиграф қилиб олган. Абадиятнинг гўзаллиги ва самовий сокинлиги Ойбек шеъриятида ҳам ўз аксини топган, десак, асло хато бўлмайди. Кўкда юлдузлар ёнган коинотга боққанида унинг кўзига «Абадият — гўзал киз» бўлиб кўринган. Шоир кўнгли қанча кенг, қанча хассос бўлса, унда борлиқнинг ниҳоясизлиги ва абадийлигидан завқланиш ўшанча кучланади. Шоир руҳи нечоғли ҳаракатчан, нечоғли ёруғ бўлса, чексизлик илҳоми шунча мавжланади.

*Ипак нурларига боғланиб қолиб,  
Абадий шеърларга бир дам толамен.  
Қўлимга суюкли созимни олиб,  
Чексиз дунёларнинг куйин чаламен.*

Ойбек жаҳоний оҳанглардан ҳаракат ахтаради. Шу ҳаракатларга боқиб, гўё абадият йўлини белгилайди.

*Оҳангдор сузар жаҳон  
Абадиятга томон...*

Абадият мавҳум бир тушунча эмас, балки умр мазмунига тенг, сув каби реал ва ҳаётий тушунчадир.

*Абадият ва умр  
Сингари оқади сув...*

Ойбек шеърларида сезим сезгига, сезги туйғуга, туйғу ва эхтирос эса фикр бағрига эркин окиб боради. Унинг шеърларида вазн, сўз қурилиши, тасвир жозибаси нисбатан бошқача:

*Хаёлларим поёнсиз  
Узоққа қочар.  
Ёлғизлигим омонсиз  
Қалбимни сиқар...*

Бундай мисраларда заррача бўлсин, ясамалик, сунъийлик ёки зўракилик кўзга ташланмайди. Умуман, Ойбек ҳеч пайт сўзга зуғум ўтказмайди. Унинг лирик шеърларида сўз ва тимсоллар туйғудан тўлиқиб, кўнгил ҳолатларига мувофиқ равишда жонланиб туради. Шоир бир шеърида:

*Кўксимга сукут тўлди,  
Қонларда алам йиғлар, —*

дейди. Ойбек шеърларини англаш, кенг мушоҳада айлалаш ўқувчини сукут хайқириғини тинглаш ва қонда нола чеккан Алам ила тиллашишга ўргатади.

Шеъриятдаги символизм оқими тажрибаларини пухта ўрганган ва ижодий ўзлаштирган Ойбек борлиқ — оламга таассуротлар нигоҳи билан қарайди, ундаги нарса, воқеа-ҳодисалар қандай ҳис этилади, руҳ ва кўнгилга улар қандай шавқ, қандай изтироб кўзгайди — мана шуларни рангин бўёқларда тасвирлаб беради. Унингча, табиатдаги ҳамма нарса тирик ва жонли, ҳар бир нарсанинг ўз руҳи, қалби, хаёл олами бор. Шунинг учун қуёш, ой, юлдуз, тоғу дарахтлар билан бемалол сирлашиш, ҳамдардлик қилиш мумкин. Шунинг учун Шамолга:

*Тоглар рўёсини айт,  
Юлдузлар саломин айт,  
Шивирла ҳаёт сасин,  
Севги дуосини айт, —*

дея илтижо қилишида асло ғайритабиийлик йўқ. Ойбек қалбининг табиатга фавқулудда ошиқлиги ва сирдошлигининг тамали ҳам мана шунда. Сўзда бўлсин, туйғу ва тасвирда бўлсин, табиат унинг доимий илҳомчиси. У фақат табиат қучоғида ўзини эркин сезиб, дахлсиз осу-

даликка етишади. Тим қаро тунлар яна ва яна сирли тасаввур ва хаёлларга чорлайди:

*Сезамен, қаҳрингда буюк сирлар бор,  
Тим-қора сочингни ёйдингми яна?  
Ёлғизмен, аллала, овут, эй кеча,  
Сўйла асрлардан чўпчак, хаёллар...*

*Чолғунга тўксанг-чи, ичингдагини,  
Қорадарё каби қўйнингга чўкай.  
Яширин гулларни қалбингга тўкай,  
Бекитма, қизгонма дилингдагини!*

*Мен секин кирайин сирли қўйнингга  
Сочлари қоп-қора, эй гўзал кеча!*

Тунга бағишланган ёки ташхис усули ила тунга муурожаат шаклида битилган шеърларни кўп ўқиганман. Бироқ бунақа шеърни, тун билан бунақа дардлашувни учратганим йўқ. Менимча, «Ёлғизмен, аллала, овут...» деган илтижо, «Қорадарё каби қўйнингга чўкай» деган истак тун кўнглига ҳам бир титроқ солган бўлса, ажабмас. Ана шунақа сўз сеҳргари бўлган Ойбек.

Тўғри, Ойбек домланинг ҳамма шеърый асарлари ҳам зўр ва мароқ ила ўқилади, деб бўлмайди. Улар орасида бадий бўёқдорлиги хира, маъно қимматини бой берганлари ҳам бор. Лекин шуларда ҳам Ойбекнинг ўтли нафаси сезилиб туради. Сўз қўллаш, ҳолатни нозик ифодалаш, оҳанг, ҳар турли манзара яратиш маҳоратини шулардан ҳам ўрганса бўлади.

Ойбекда рухоний нафас ниҳоятда тоза. Хаёл кенг. Сўзнинг хаёти ҳам, тақдири ва хизмати ҳам, аввало, туйғуга боғлиқ. Туйғу уйғонмаса, сўз уйғонмайди. Рух ёлқинланмаса, на сўз, на фикр нурланади. Ойбекда ҳистуйғу имкони шу қадар юқорики, унинг энг яхши лирик шеърларида табиатдан таъсирланиш эмас, балки табиат оламига таъсир ўтказиш ҳақида гап бораётганга ўхшайди. Ва ҳамма мавжудлик гўё шоирнинг Рух асрори, Қўнгил ҳолатларининг изхорига хизмат қилади. Мана бу мисраларга эътибор беринг:

*Кўнглим каби ўқсиз тоғлар,  
Рухим каби бўш, кенг боғлар.*

*Ичдан сирли йиғлар эди,  
Шу кўксимни тиглар эди.*

Албатта, тоғлар кўнгилга ўхшаб ўксиз, «кенг боғлар» рух каби бўм-бўш бўлиб, ичдан сирли йиғламаганидек, кўкракка тиг ҳам санчмаган. Аммо шоир қалбидаги ўксиклик ва руҳидаги бўшлиқ шу қадар кенг қулоч ёзганки, одам фарзанди илғамаган ва ҳамдардлик кўрсатишга қодир бўлмаган ҳасратга табиат бефарқ қолмаслигига у тўла ишонган. Унинг дилга яқин, энг ишончли сирдошларидан бири «оқшом юлдузи» бўлган:

*Оқшом юлдузи, яна  
Олтин китрикларинг-ла  
Дардларимни ёза қол...*

Ойбекнинг бир туркум шеърлари бор: уларда у сир шоири. Бундай шеърларда Рух ва Кўнгил ҳамма нарсадан баланд кўрилади, ичкин бир завқ асосан ҳис ва туйғудан туғилади. Бу шеърларнинг яралишига кўнгилми илҳомчи ёхуд табиатми — баъзан буни фарқлаш қийин бўлиб қолади. Ойбек табиат салтанатидаги эркинлик инсон Рухида ҳам мавжуд, шоир ана шу хурликни албатта кашф айлаши зарур, деб ўйлаган. У табиатдаги гўзалликларга нисбатан кўнгил гўзалликларининг истиқболига зўр ишонч билан қараган. Бироқ ташқи воқелик, сиёсат ва мафкура белгилаган талаблар Ойбекни чеклаб, бора-бора соф шеърият намуналарини яратиш имконини чеклаган. Натижада, Ойбек ҳам «замонавий» мавзуларда қалам тебратишга, ижтимоий тарғибот ва сиёсий ташвиқотчилик ишларига бош қўшишга мажбур бўлган. Бундан кўз юмишнинг хожати йўқ. Айни пайтда, бошқа жихатни ҳам унутмаслик зарур.

Ойбек олтмиш бешинчи йилда ёзган бир шеърида кечган ҳаётини сарҳисоб қилгандай дейди:

*Тош экан бошим,  
Ҳеч ёрилмади —  
Ёгилди минг тош...  
Гар қолдим нонсиз  
Ва бошпаноҳсиз, —  
Дарз кетмади қалб.  
Кўнглимда ҳақиқат  
Бир он сўнмади...*

Шундай қийноқли кунларни ўтказган Ойбек. У пуш-типаноҳсиз қолганда ҳам ҳақиқат ишқини бой бермаган. Йилдан-йилга унинг қалбида кучли эврилиш пайдо бўлиб, у ҳақиқатга сиғиниш йўлига ўтган.

«Ҳақиқат — ҳаёт машъали», дейди шоир. Шу машъал нури сўнса, ҳаёт зулматга бурканади. Рост гап ва тўғри амалнинг ҳеч қандай кадр-қиммати қолмайди. Демак,

*Ҳақиқат ва ахлоқ яқин туғишган,*

яъни эғизакдирки, ахлоқсизлик — ҳақиқатнинг, ҳақиқат эса ахлоқий тубанликларнинг қушандасидир.

*Ҳақиқатни севмас виждонсиз бахил;  
Куйганман улардан: ёғдирган тош-дўл.*

Дарвоқе, биз ҳақиқат деймиз. Ҳақиқат учун мардона кураш деймиз. Ҳақиқат меҳрини гўё ҳамма нарсадан юқори кўямиз. Бироқ бу дунёда кўпчиликни бирлаштирадиган, фикр-қарашлар, ғоя ва эътиқодлардаги зиддиятларни четга суришга қодир ҳақиқатга етишиш қийинлигини инобатга олавермаймиз.

Рус адиби А. К. Толстойнинг «Ҳақиқат» номли ҳикоятида нақл этилишича, етти оға-ини ҳақиқатни топиш мақсадида дунё бўйлаб сафарга чиқишибди. Аммо улар нақадар кўп юриб, узоқ кезишмасин, ҳақиқатга элтидиган ягона йўлни топишолмабди. Хуллас, оға-инилар ҳақиқатга етти йўл билан бориб, унга етти томондан қараб, уни турли ёқдан кўришибди. Ортга қайтишгач, уларнинг ҳар бири ҳақиқатни ўзича таърифлаб, тавсиф этибди. Ўртада баҳсу мунозара бошланиб кетибди. Мунозара жанжалга айланибди. Ақа-укаларнинг бари шу урушда ўлибди. Бироқ ҳар қайси ота ўлаётиб ўғилларига ўзи ёқлаган ҳақиқат тантанаси учун охириги нафасига-ча курашишни васият қилибди.

*Хуллас, ўғил бермиш ўғилга жазо,  
Қон тўқар уларнинг набиралари.  
Улар ҳақиқат деб солишар, илло,  
Шу йўлда олишиб адодир бари...*

Ойбек ва унинг сафдошлари яшаб, ижод этган замон гирдоби ниҳоятда тахликали ва хавфли бўлган. Улар

бир миллат фарзандларини бир-бирига қарши қўйган, бирларини бошқасининг қонини тўкишга чорлаган «хақиқат»ларга ён беришга мажбур бўлишган. Шунинг учун уларнинг асосий дарду алами, ғусса ва ҳасратлари қат-қат бўлиб қалбларида қолиб кетган.

Ойбекдан, биринчи навбатда, қалб ва руҳ тажрибасини ўрганиш керак. Ойбекнинг шодлик «парда»сига бурканган ғам-ғуссаларини, ҳасрат ва алам ичига бекинган қувончларини ёритиш лозим.

# *Тасаввуф ва мумтоз шеъроятни ўрганиш муаммолари*

Маълумки, ўтмиш адабиётмизда шеърят етакчилик қилади. Демак, адабиётшуносларимиз шеър тадқиқи, мумтоз шеърят жараёнларини текширишга кўпроқ вақт ажратиши табиий. Аммо ушбу йўналишдаги шеършунослик савияси мени унча қаноатлангирмайди. Дунё шеърятининг намуналари билан беллаша оладиган шеърлар гоҳо шундоқ жўн ва сохталаштириб талқин қилинадикки, ҳеч тоқат қилолмайсиз. Мумтоз шеърятимиз, хусусан, тасаввуф билан яқин алоқада бўлган шеърят матнлари маълум бир ўзига хослик ва мураккабликлари билан ажралиб туради. Буни инобатга олиш лозим. Мумтоз шеърят намуналарини ўқиб-ўзлаштиришни шартли равишда иккига ажратиш мумкин: биринчиси — анъанавий ўқиш, иккинчиси — замонавий мутолаа.

Анъанавий ўқишда шоирнинг дунёқараши, адабий муҳити, бадиий анъаналар билан боғлиқлиги, у мансуб замон ва ундан кейинги даврлардаги шеърхонларнинг шеърга муносабати, англаш савияси, умумий тарзда бўлса ҳамки, ҳисобга олинади. Бундай микёсда ўқиш эса анчамунча илм ва махсус тайёргарликни талаб қилади. Шеърят манфаати ва таъсир даражаси нуктаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, анъанавий мутолаада тил, услуб, тасвир янгилиги ва гўзаллиги мушоҳадасидан йироқлашув нисбатан камроқ кўзга ташаланади. Негаки, бунда шеърхон ўзининг субъектив майл ва туйғуларини эмас, шеърда акс эттирилган бош туйғуга, фақат мазмунга эмас, балки шу мазмуннинг қандай жозибали шаклда тасвирланишига ҳам аҳамият беради. Бу эса, ўз навбатида, уни тахминий мулоҳазаларга берилиш, шеър ғояси ва бадииятига тегишли хусусиятларни ўзбошимчалик билан изоҳлашдан чеклайди.

Хўш, тадқиқотчи нима қилади? Шеърый матнга яна-



да кенгроқ, янада теранроқ ёндашади. Матннинг маъно-мохияти ҳақида узил-кесил хулосага шопилмайди. У сўздан фикрга, фикрдан туйғуга ўзича бир саёҳат қилади, образли тасвирларга алоҳида диққат ила қарайди. Ана шундан кейин унда шеърнинг «тарихий ҳаёти»га қизиқиш майли ҳаракатга тушади. Шеърнинг тарихий ҳаёти, албатта, унинг яралиш тарихидан бошланади. Аммо бу тарихгача бўлган жараён зохиран кўзга ташланмайдиган, ҳаттоки шоирнинг ўзи ҳам ҳар томонлама аниқ ва тўлиқ баён этиб беролмайдиган бир «тарих»дир. Худди шу нуктада ҳар қандай зукко, билимдон шеършунос ҳам имконининг анча чекланганини пайқайди. Бугина эмас, тадқиқ ва талқинда қандайдир юзакилик, ҳатолик, умумийликка эрк беришдан ўзга чора йўқлигини бўйнига олишга мажбур бўлади. Бундан унинг қизиқиши сустлашмайди, аксинча кучаяди. Энди у шеърдан шоир шахсиятини кашф этишга, шоирнинг ички кечинмалари, айниқса, дин, фалсафа, тарих билан боғланишини аниқлашга интилади. Натижада, шеъринг матн гўёки тилга киради ва тадқиқотчига «парда» ортидаги ғоявий-бадий ҳақиқатларни ошкор қилади. Бироқ бизнинг баъзи шеършуносларимизда шеърни эстетик ҳодиса ўлароқ қабул қилиш лаёқати шаклланмаганлиги учун гўзаллик мохияти бир ёнда қолиб, улар шеъринг матн билан деярли боғланмайдиган фикр-мулоҳазалар баёнига киришиб кетадилар. Боз устига, ижтимоий, ахлоқий ва сиёсий мазмундаги бундай фикр-мулоҳазалар яқраган ва зерикарли. Тўғри, мумтоз шоирларимиз ижодиётида шакл, ғоя ва ифодада ўхшашлик, бир хиллик бор. Бироқ бу уларнинг барчасига битта кўзойнак билан қараш, шеърларини битта қолипча тадқиқ қилиш керак, дегани эмас, албатта. Шеър тадқиқи ва талқинида Фарба пайдо бўлган герменевтика, семиотика сингари методлар муваффақият билан жорий этилса, ўйлайманки, мумтоз шеърятни ўрганишда катта ютуқлар қўлга киритилади. «Шундай уринишлар нега муваффақиятсизликка учради?» — дея сўралиши мумкин. Чунки асоси сохтакорлик, найранг-бозлик ва ғайриилмийликдан иборат ишлар бошқача натижа бермайди. Умуман олганда, мумтоз адабиётимизни илмий ўрганишда илгарилаш бор, деб айта олмайман.

Ҳақиқий ижодкорнинг қалби мисли дарё. Ҳамид Олимжон «Дарё каби уйғоқ ўтарман», деб бежиз ёзмаган. Ана шу ижодий ва руҳоний бедорлик санъаткорга

хаётдаги турғунлик, адабиётдаги якранглик билан келишишга мутлако изн бермайди. У доимий равишда ўзгариш, янгиланиш ва юксалишни истайди. Аммо хаёт ва ижтимоий мухит ҳамма вақт ҳам ижодкорнинг интилишларини қўллаб-қувватлайвермайди. Айтайлик, Чўлпон бир аср муқаддам дунёга келганида мумтоз адабиёт ҳақида «Бир хил, бир хил» дермиди? Менимча, демасди. Ва ижодида анъанавий йўлдан четга чиқмасди. XX асрга келиб миллатимизнинг фикрий ҳаётидаги аҳвол ўзгарди. Шунинг учун Чўлпоннинг юқоридаги таъкидларини фақат янгиликка ташна бир шоирнинг сўзи эмас, айти пайтда, у мансуб давр ва замоннинг сўзлари деб ҳам ҳисоблаш керак. Худди шунга ўхшаш фикрлар айрим усмонли турк, озарбайжон шоирлари томонидан ҳам баён этилган эди. Зеро, тил, маъно ва ифода эътибори билан янги шеърятга эҳтиёж туғилганди. Усмон Носирнинг «Шеърим, яна ўзинг яхшисан», деб бошланадиган машхур шеърда «Бир мен эмас, хаёт шахсисан» сатри бор. Шеърда шоир шахси нечоғлиқ ёрқин аксини топса, у яшаган давр ва хаёт «шахси» ҳам шу қадар аниқ ифодаланиши керак. Мумтоз шеърят анъана тилида сўзлаш санъати эди. Бир неча асрлар мобайнида бадий ижодни бошқарган, унга ҳукмронлик қилиб келган анъанавийлик қонуниятлари эса оригинал асарлар қатори, тақлидчилик, нусхакашлик ва якрангликнинг адабиётда мавке топишига ҳам имкон берган. Шунга қарамасдан, анъанавийлик – улуғ йўл ва буюк санъат мактаби. Навоийдек даҳо санъаткор ҳам шу ижод мактабида таҳсил олган. Бобурнинг Бобур бўлишида анъананинг йўлини камситиш гумроҳлик бўлурди. Демак, ҳамма гап – истеъдодда. Адабиёт фақат ҳақиқий истеъдодларга таяниб, ўзини ўзи янгилаб боради. Машрабга ўхшаш ноёб истеъдодлар эса тез-тез туғилавермайди.

Гадоий ижодиётини ўрганган олимнинг ёзганлари дейлик, Лутфий шеърятини тадқиқ қилган тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари билан ўхшашлиги, бу энди адабиётшуносликнинг камчилиги. Синфийлик ва партиявийлик таълимотини амалда жорий қилишга уринган олим ҳеч пайт адабий ходисаларга мустақил ёндашиб, мустақил шахс ўлароқ баҳо беролмасди. Шоирнинг номи ўзгарса, шеърый мисоллар янгилансаю, фикр, таҳлил тарзи, баҳо ва хулосаларда ўзгариш унчалик сезилма-

са? Ўқувчи нега эътироз қилмаслиги керак? Икки томчи сувдай бир-бирига монанд, бир-биридан рангсиз ва жонсиз мулоҳазаларнинг умуман илмга нима алоқаси бор? Ёш тадқиқотчиларимиз буни обдан ўйлаб кўрмоқлари лозим. Мумтоз адабиётимизни ўрганишда янги бир йўл излаш, янги усуллар устида бош қотириш ҳозир жуда-жуда зарур.

Мавлоно Жалолиддин Румий бир рубоийсида ёзадики:

*Ман бандаи Қуръонам агар жон дорам,  
Ман хоки роҳи Муҳаммади мухторам.  
Гар нақл кунад жуз ин кас гуфторам,  
Безорам аз ў-ву з-он суҳан безорам.*

Мазмуни: Агар жоним бор экан, мен Қуръонга бандаман, унинг асириман. Мен соҳибихтиёр Муҳаммад йўлининг тупроғиман. Биров менинг сўзимни бундан бошқача нақл этса, ўша кишидан ҳам, унинг сўзларидан ҳам безорман.

Румийнинг ушбу эътироф сўзларини Шарқнинг кўп улуғ санъаткорларига нисбат бериш мумкин. Чунки уларнинг аксарияти Қуръоний ҳақиқатлар талаби ила яшаб, муқаддас калом илҳомида ижод қилганлар. Пайғамбар ҳадисларини ижод аҳли изчил бир тарзда ўқиб-ўрганишдан ташқари, хилма-хил шаклларда бадиий талқин этишган. Қуръон оятлари ва ҳадислар шеърят қонун-қоидаларига мувофиқ равишда, яъни образли тарзда талқин қилинган бўлса, уларни ўрганиш филологик тадқиқотга киради. Агар у ёки бу шоирнинг ижодидан бир қанча оят ва ҳадисларни топиб олиб, шунчаки қайддан нари ўтилмаса ёки бор-йўғи ўша шоирнинг диндорлиги, ижоди диний манбаларга алоқадорлигини очишга берилиб кетилса, буни адабиётшунослик иши дейиш, менимча, ўзини тўла оқламайди. Адабиёт — сўз санъати. Шоир — санъаткор. Санъат ва санъаткордан, аввало, нима талаб қилинади? Образли тасвир маҳорати. Поэтик тасвирда ўзига хослик ва янгиликка эришилмаса, шеърхоннинг кўнглига йўл очиш, фикр-туйғуларини янгилаш қуруқ даъволигича қолаверади. Сўз ва тасвир гўзаллигининг биринчи шарт руҳни завқлантириш, маъно ва моҳиятни руҳоний идрок объектига айлантира боришдир. Ўтмишда ёзилган шарҳ китоблари ва рисоалари борки, уларнинг кўпчилиги ада-

биётни диний-тасаввуфий жихатдан тадқиқ ва талқин этишнинг ўзига хос намуналаридир. Биз уларни етарли ўрганганмиз, деб мақтанолмаймиз. Менимча, муаммоларнинг муаммоси тасаввуф ҳақида кўп гапириб, кўп ёзиб, тарихий, ахлоқий-маърифий ва руҳоний жараён ўлароқ тасаввуфни кам билганимиздир.

Шундай ижодкорлар борки, на истеъдод йўналиши, на дунёкараши, на воқеликка муносабати уларни сўфий дейиш ёки мутасаввуфлар сафига қўшишга имкон беради. Ҳаётини эҳтироси баланд, қалбидан халқ ва юрт дарди чуқур ўрин эгаллаган бундай ижодкорларнинг асарларини мажбуран тасаввуфга келтириб боғлаш уларнинг санъаткорлик мавқеини юқори кўтармайди, аксинча, пасайтиради. Турди Фароғий шундай шоирлардан. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганган, шеърларини ўқувчиларга етказган улкан олимларимиздан ҳеч бири, Фитрат домла таъбири билан айтганда, «ўзбекнинг бу қизикарли шоири»нинг сўфийлиги бир ёнда турсин, мутасаввиғлигига ҳам ишорат қилмаганлар. Бу жуда тўғри муносабат бўлган. Ва бунинг исботи Турдининг бизгача етиб келган мавжуд шеърларидир. Филология фанлари доктори Н. Жумахўжа буни англаганига яраша, тасаввур этишни ҳам хохламайди. Ахир, Турди Фароғийга мутасаввиғлик «ёрлиғи»ни елимлаб ҳам ёпиштириб бўлмайди. У табиатан мутлақо бошқача шоир. Адабиётни реал образлар билан бойитган, уни турмуш воқеалари билан боғлаган ва шеърларида «гражданлик мотивлари» устунлик қилган курашчан шоирни мактаб ўқувчисига бир мутасаввиғ қиёфасида таништириш оловни сув дейишдай бир кашфиётдир. Бу ҳам ёлғон, ҳам алдов. Мен бунга икки ўринда фикр билдирдим. Н. Жумахўжа гўё буни билмаган ва кўрмаган киши бўлиб, филология фанлари номзоди В. Раҳмоновга қарши ёзган «Нуктадонлик — нуктадонлик эмас» мақоласида мана нима дейди: «Биз дарсликда (ўнинчи синфлар учун ёзилган «Ўзбек адабиёти» дарслиги назарда тутилаетир — И.Х.) Турди Фароғий сиймосини ёритарканмиз, анъанавий йўлдан бормаганмиз. Яъни Субҳонкулихон ҳақидаги мухаммасни эмас, тасаввуфий мазмунга эга бўлган... «Мухаммаси туркийи Турди»ни танлаб дарсликка киритдик ва уни биринчи марта таҳлил этдик. Панду насихат услубида битилган ушбу мухаммас ислом ва тасаввуф маърифати, ахлоқи ақидалари билан

йўғрилган. Турди ҳаётий кузатишларидан чиқарилган хулосаларнинг тасаввуф назарияси асосидаги талкинидан вужудга келган мазкур мухаммас таҳлили жараёнида Турди Фароғийнинг мутасаввиф шоир сифатидаги адабий сиймоси, ўй-кечинмалари, дунёқараши яққол намоён бўлади. В. Раҳмонов эса булар ҳақида лом-мим демайди».

Нуктадонликка ишонч яхши. Лекин зарур ўринда «нукта»нинг сири ва аҳамиятини илғамаса — бу ҳам нуктадонликка путур етказаркан. В. Раҳмонов Турдининг мутасаввиф шоир сифатидаги «адабий сиймоси» хусусида нега «лом-мим» демаганлигини мен аниқ билмайман. Агар Турди Фароғий мутасаввиф шоир эмаслигига ишончдан гапирмаган бўлса, тўғри йўл тутган. Айнан ўша «Мухаммаси туркийи Турди»да шоир «ҳаётий кузатишларидан» чиқарган хулосаларини тасаввуф назарияси асосида талкин қилмаган. Тасаввуфий ҳаётнинг алифбосидан хабардор шеърхон эса буни қийинчиликсиз аңлайди.

Умуман, ижод аҳлини кўр-кўрона улуғлаш, улар ҳақида асоссиз таърифлар тўқиш ёмондир.

Адабий матнни дунёвий ёки тасаввуфий тамойилда талкин қилиш масаласи — анча нозик ва мураккаб масала. Хорижда тасаввуфий матнларни таҳлил этиш методига бағишланган махсус тадқиқотлар ёзилган. Биз ҳам шундай ишларга қўл уришимиз керак. Бу — бир. Иккинчидан, ғарбда тасаввуф ислом мистикаси, дейилган. Мистика ва мистик ҳаёт жараёни тўғрисида зарур даражада тасаввурга эга бўлмасдан туриб илоҳий маъно ва туйғуларнинг тагига этиш ниҳоятда қийин. Бунда ислом мистикасининг бошқа динлардаги мистик ҳолатлар билан айрим ўхшашликларини эътиборга олган ҳолда, унинг моҳиятида Тавҳид инончи ва Бирлик руҳи устувор бўлганлиги ҳаминша назарда тутилиши шарт.

Абул Аъло Афиғийнинг таснифи бўйича, ҳақиқатни аңлаш ва идрок этишларига кўра Ҳақ йўлчилари икки гуруҳга ажралдилар. Улардан бир гуруҳи Ибн Арабий ва Ибн Форизларга ўхшаб ҳақиқатни илоҳий гўзаллик зухурланган хусусий-хорижий кўринишларда мушоҳада қилганлар. Иккинчи тоифа эса нафс ва руҳларида ичкин ўлароқ мушоҳада айлаганлар. Биринчи гуруҳга Ҳақ жамоли мутлақ бўлиб тажаллий этса, кейинги гуруҳ вакилларининг мушоҳадасида психологик тамойил устун

бўлганлиги боис уларнинг рухий салоҳияти ва имкониятлари ниҳоятда тараққий топган. Буларнинг кўнглида дард, алам, изтироб ҳокимлик қилиш билан бир қаторда, виждонларида доимий бир азоб, ҳол ва туйғуларида тўхтовсиз ўзгариш рўй берган. Булар учун мистик мушоҳада — ўз ботинида юз очган гўзалликдан завқланиш ва унинг сирларини кашф қилган сайин ишққа таслим бўлишдан ўзга бир нарса эмас.

Тасаввуф адабиёти сир-асрорларини билиш истаги тадқиқотчини, албатта, тасаввуф таълимотини имкон даражасида кенгрок ўрганишга ундайди. Тасаввуф ва тариқатларга доир асарларнинг аксарияти нақл, ривоят ва ҳикоятларнинг бебаҳо хазинаси. Тасаввуфнинг асл моҳияти ва сирларини тўғри ўзлаштираман, деган киши худди шу ривояту ҳикоятларга кўпроқ мурожаат этса, ютқазмайди. Баъзан биргина ҳикоятдан бутун бошли китобдан топмаган моҳиятни топиб, таъсирланиб кетасиз. Гап қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирай.

Шайх Сирри ас-Сақотий кунлардан бир кун мусоҳибларига: «Алҳамдулиллоҳ» деганим учун мана ўттиз йилдирки, Оллоҳга тавба ва истиғфор айлайман», — дебди.

Мусоҳиблар эса: «Ё ажаб, инсон Оллоҳга шукр қилганлиги учун ҳам тавба қиладими?» — деб сўрашганида, у дебди:

— Бир кун Бағдоднинг чорсусида катта ёнғин чиққан эди. Кўп зиён кўрилди. Хар ким ёниб, кул бўлаётган мол-мулки қайғусида ўртанарди. Иттифоқо, ёнимга биров келиб: «Сенинг дўконинг ёнғиндан қутқарилди», — деди. Мен беихтиёр: «Алҳамдулиллоҳ», — дедим. Чунки қувонган эдим. Бироқ бир оздан кейин жуда уялдим. Ахир, дод-фарёд кўпган. Шундай бир кунда бошқаларнинг зарарларини хотирга келтирмасдан, ёлғиз ўзим учун «Алҳамдулиллоҳ» дейиш... Ўшандан буён хар қанча тавба-тазарру этмайин, кўнгул ёришмас.

Инсоний бирлик, ҳамжихатлик, ўзаро меҳр-муҳаббат моҳиятни бундан аниқ, бундан таъсирли тарзда акс эттириш мумкинми? Деярли кўпчилик ёлғиз ўзи ва ўз атрофидагилар учун «Алҳамдулиллоҳ» дейишга ўтган бир замонда бу ҳикоя энг худбин кимсани ҳам бир қадар ҳушёр торгтирса керак.

Хуллас, тасаввуф оламини етарлича билмай туриб,

мумтоз адабиётимизни на ғоявий, на бадий нуктаи назардан ҳаққоний тадқиқ ва талқин этиб бўлмаслиги шубҳасиз. Ва яна шунга инонмоқ лозимки, кейинги пайтларда тасаввуф хусусида ёниб-жўшиб ёзаётганларнинг кўпчилиги унинг туб мохиятини билишмайди. Энг ёмони эса адабий матни ўзбошимчалик билан бузиб таҳлил этиш, шоирнинг етти ухлаб тушига кирмаган маъниларни «кашф» қилишдир. Бундан адабиёт ҳам, ўқувчи ҳам баб-баробар зиён кўраётир. Тасаввуф масалаларини текшириш учун уч-тўрт кишининг кучи ва имконияти кифоя эмас, ўнлаб тадқиқотчилар астойдил меҳнат қилмоғи керак. Тасаввуф майдони беҳад кенг, муаммолар эса қат-қат қалашиб ётибди. Уларнинг муҳимини энг муҳимидан ажратиш, зарурини белгилаб олиш учун, энг аввало, қадимги мўътабар манбаларни шошилмасдан ўқиш, улардаги фикр-қарашларни ўзаро қиёслаш, ана ундан сўнг маълум бир хулосалар чиқариш зарур. Бизда бундай тамойил йўқ. Биров тасаввуф мавзуида икки жумла янги гап айтдимиз — бўлди: мисоллар ўзгартирилиб, шу фикр чайналгани-чайналган. Ҳозир ўқувчилар «нафс», «ишқ», «май», «фано» каби истилоҳларга доир изох ва мулоҳазалардан безиб кетишди, десам адашмасман. Кимга ва нимага керак бунақа мусобақа? «Комил инсон» тўғрисидаги чиройли ва баландпарвоз фикрлар-ку, меъдага тегиб бўлди. Комиллик ҳақида ёз, лекин ҳеч бўлмаганда, Ибн Арабийни, Ғаззолийни, Насафий ва Абулқарим Жилийларнинг китобларини ўқиб, сўнгра ёз. Йўқ, «пойга»дан ортада қолмаслик учун ёзиш, ёзиш ва ёзиш керак. Сўнги вақтлардаги менинг танқидий чиқишларим тасаввуфга эмас, балки ғайрат ила уни жўнлаштириб, одамлар эътиборини ундан сусайтиришга мушарраф бўлаётган «тасаввуф-шунос»ларга қаратилгандир. Саёзлик, юзакилик мўри малахдай бир нарса. Унга қарши курашмаса, илм ва адабиётга қаттиқ азият етади.

Бундоқ қаралганда, шеър ҳам «безабон» бир хил қат-да. Шу боис уни ҳар ким ҳар қандай англайди. Ҳар ким ўзича ва ўзи билганича талқин қилаверади. Бунда биров нафосат ва гўзалликка асосланса, биров воқелик ва тахайюлга таянади. Кимдир фалсафа ва сиёсатга таянса, бошқа биров дин ёки дахрийликка суянмоғи мумкин ва ҳоказо. Бизда яқин-яқингача шеърни сиёсат тошу тарозуси ила баҳолаш умумий қоида бўлиб

колган эди. Энди дин ва тасаввуф олдинга чиқаётир. Шеърятдан тасаввуф ахтариш ҳақиқатда бир дардисарга айланиб бормокда. Шундай майлдаги айрим мақола-ларни ўқиб бошимдан хуш учгандай бўлади. Ёшларни-ку ёш, хали тажрибасиз деса, номзодлик ва докторлик илмий даражасига эга бўлган баъзи олимларни нима бало урди? Айтиш ноқулай. Ахир, шеърни тадқиқ ва талқин этиш — хаёлга келганини коралайвериш дегани эмас-ку! Фикрда масъуллик, талабчанлик, ўзини-ўзи назорат ҳам зарур-ку, ахир. Бир қанча мақолаларда бу нарсанинг шарпасини ҳам кўрмайсиз.

Хайриятки, А.Орипов «Тилла балиқча» деган саккиз сатрлик бир шеър яратган экан. Нималар дейилмади у ҳақида? Аввал шахс фожиасига эътибор қаратилди. Сўнг талқин ва бахслар шахс ва жамият фожиаси даражасига кўтарилди. Лекин Сувон Мелининг академик Матёқуб Қўшжонов домла билан ҳаммуаллифликда ёзган «Абдулла Орипов» номли китобидаги кейинги талқинини ўқисангиз, ҳеч муболағасиз, ақлингиз шошади. Тахайюлда С. Мели шу қадар илдамлаганки, бунинг таъриф ва тавсифини бериш жуда-жуда қийин. Ахир, биздан Одам Атогача бўлган тарихни тасаввур қилинг. Эҳ-хе... Хулласи калом, Сувон Мелига кўра, «Тилла балиқча — дастлабки одам, Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳи учун жаннатдан қувилган гуноҳкор Одам тимсоли».

Жаннатдан қувилган гуноҳкор Одам ҳақидаги ҳар қандай афсона, исталган эртаққа ишонса бўлади, лекин юқоридаги гапга ишониб бўлмайди. Кейинги фикрлар бундан ҳам тахминий ва тўқима. Чунончи: «Балиқча оддий эмас, тилла, яъни Тангри катта имконият, катта қобилият ато этган мавжудот.

*Дунёда кўргани шу тор ҳовузча  
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.*

«Тор ҳовузча» — кўзга ташланиб турган моддий дунё. «Мудроқ толлар» шу ҳовузчани кўриб, кўриқлаб турган девор, икки карра икки тўрт қабилдаги сирсиз-сеҳрсиз, маънавиятсиз, рухониятсиз ақидалар мажмуи».

«Мудроқ толларнинг» «аччиқ хазони» билан копланган ҳовузча қаёндаю, рангларга, оханг ва гўзалликларга тўлиғ бу олам қаёнда?

Абдулла Орипов — мутафаккир шоир. У дунёнинг



кадр-қимматини яхши мушоҳада қилади. У дунёга тор ва махдуд бир назар билан боққанида, эҳтимолки, «Тилла балиқча»ни ёзмасди. Сувон Мели «Тилла балиқча фожиаси» мақоласида шоирнинг академик Бахтиёр Назаров билан суҳбатидан шундай сўзларни келтиради: «Одамга алам қиладиган жойи шуки, балиқча бор дунёни ўзи яшаётган сассиқ ховуздан иборат деб билади. Ҳолбуки, дунё сассиқ ховуз эмас, анча каттакон, гўзал, мўъжизакор бир олам». Ҳамма гап ана шунда: бу бепоён, бу гўзал ва мўъжизакор олам кўлмак бир ховуз эмас. Шеърда ҳам бунга ишорат йўқ. Лекин тадқиқотчимиз эътирофи бўйича «тор ховузча» «кўзга ташланиб турган моддий дунё»дир. Биз кўзга ташланиб турадиган бир ховузчани (гарчи у катта бир жамият ёки салтанатни тамсил этса-да) дунё дея таърифлай олмаймиз. Уни дунё деб англаш ва шу биқиқликка тамоман кўникиш учун тилла балиқчага ўхшаб «тор ховузча»даги айниган сувнинг оби ҳаёт эканлигига заррача ҳам иштибоҳсиз ишонмоқ керак. Ҳолбуки, ҳамма давр, ҳамма замонлардан кўлмакни кўлмак, ховузни ховуз, дарёни дарё деб, яъни ҳақиқатни ҳақиқат ҳолида билганлар бўлган ва доим бўлади. Дунёнинг улуғлиги ва буюк бир адолати ҳам шунда.

Тилла балиқча тақдирида Сувон Мели «вужуд қобиғида қолиб, вужуд эҳтиёжларини ҳаётнинг бирдан-бир маъноси деб билган одам фожиаси»ни ҳам кўради ва «Вужуднинг ғамини еб, унда қолиб кетган тилла балиқча руҳи борлигини ҳам унутган ёки асли руҳсиз бадан бўлган», дейди. Бу гап моҳиятан тўғри эмас. Инсон амр олаמידан инган улвий ва самовий руҳ сирларини кашф айлолмаслиги мумкин. Бироқ халқ оламига дахлдор башарий руҳдан охирги нафасигача ажралолмайди. Башарий руҳ руҳи илоҳийнинг жойи ва макони бўлганлиги туфайли ҳам тирик одамни қатъият-ла руҳсизликда айблай олмаймиз. Менинг бир нарсага ишончим комил: руҳ илми ва руҳоният сирларини яхши ўзлаштирган киши тасаввуфни ҳам яхши билади. Руҳ завқини идрок эта олган одам у ёки бу шоирнинг шеърда тўрт-бешта тасаввуфий истилоҳни кўриб, «Ана тасаввуф, мана тасаввуф», дея ҳаяжонланмайди.

Яна бир фикр. Шарқ адабиётида, жумладан, туркий адабиётда асрлардан асрларга, ижодкор аждодлардан авлодларга ўтиб келган тасаввуфий анъаналар бўлган. Бу —

тасаввуфдаги адабиёт эмас, балки адабиётдаги тасаввуф. Яъни бадий ижод «корхона»сида ишланган, сайқалланган, ҳаёт ва тириклик руҳи сингдирилган тасаввуфий ғоя ва тимсоллардир. Шу маънода ва ушбу анъана таъсирида ҳозирги адабиётимизда қайсидир шаклда тасаввуф ўз аксини кўрсатиши мумкин. Фақат бу ҳодисанинг тамалини тўғри белгилаш, унинг натижаларини холис баҳолай олиш лозим. Ҳозирча шундай малака етишмай турибди. Жўшишлар, чалғишлар, ёшликка хос журъаткорликлар шундан деб биламан.

Тасаввуф буюк ислом заминида ва исломий ҳақиқатлар бағрида дунёга келди. Қарангки, тасаввуфнинг мустақил бир таълимот ўлароқ шуҳрат топганига ҳам қарийб ўн икки аср бўлибди. Бу — ўн икки юз йиллик дегани. Ана шу юз йилликларда ислом оламида не-не воқеа-ҳодисотлар, не-не ўзгаришлар, қанчадан-қанча бунёдкорлигу, қанчадан-қанча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий бухронлар бўлиб ўтмади дейсиз? Тасаввуф шуларнинг ҳамма-хаммасига шохид. Барча давр ва замонларда ҳам ботил нуктаи назарлардан йироқ бўла олган тасаввуф Оллоҳ ишқига асосланиб, меҳр ва шафқатни, эзгулик ва маърифатни, одиллик ва диёнатни ёклаган. Бирор-бир буюк сўфий, мутасаввиф ва шайх йўқки, у инсон қадр-қимматининг камситилишига ёки зулм ва зўравонликка ён берган бўлсин. Бирор-бир атоқли тасаввуф арбобини топмайсизки, у бошқа дин вакилларига камситиш ва таҳқир назари ила қарашга ундаган бўлсин! Чунки улар Мавлоно Жалолиддин Румий таъкидлаганларидек:

*Миллати ишқ барча динлардан жудо,  
Аҳли ишққа миллату мазҳаб — Худо. —*

деган олий бир нуктаи назар билан кун ўтказишган.

Шунга қармасдан, расмий дин вакиллари, сиёсат одамлари ва мадраса аҳли орасида тасаввуфни хушламайдиган, тасаввуфчиларга нисбатан душманлигини яширмай, изчил бир тарзда уларга қарши кураш олиб борганлар ҳам кўп бўлган. Бу жохиллик ва ақидапарастлик курашлари, албатта, қурбонсиз бўлмаган. Мансур Ҳаллож сингари ўнлаб ориф зотлар ё қатл этилган, ёки хибсхоналарга тиқилиб, жазоланганлар. Тасаввуфни қоралаш, унга қизиқишни сўндиришга уриниш айрим исломий давлатларда ҳозир ҳам давом этмоқда.

Албатта, ҳар бир давр ва замоннинг ўзига хос ахлокий, маънавий, ижтимоий, сиёсий талаб ва эҳтиёжлари бор. Олис ўтмишда юзага келган у ёки бу ходиса, у ё бу таълимотдан фойдаланиш зарурияти сезилганда буни ҳисобга олиш шарт. Акс ҳолда, кўзланган фойда зарарга айланиши ҳеч гапмас. Биров агар мендан: «Юзлаб мурид ва толибларни ортидан эргаштириб, уларнинг эрку иродасини ўзига таслим айлаган муршидларни, соколи кўкрагини қоплаган навкирон қаландару сўфийлар жамоасини ҳозир жамиятда кўришни истайсанми?» — деб сўраса, мен ҳеч иккиланмасдан «Йўқ!» деб жавоб қайтарган бўлардим. Негаки, энди давр бошқа, ҳаёт талаблари бошқа. Одамларнинг фикрлаш тарзи, дунё халқлари билан алоқа ва муносабатлари кескин ўзгариб кетган. Қолаверса, Абдуҳолик Фиждувоний, Ҳожа Ориф Ревгарий, Аҳмад Яссавий ва Баҳовиддин Нақшбанд каби маърифат ғаввосларининг ўрнини босадиган кишилар майдонга чиқади деб ўйлаш — хомхаёлдан бўлак нараса эмас. Тариқат ва тариқатчилик даври аллақачон ўтган. Тасаввуф биз учун илоҳий, ахлокий, фалсафий, руҳоний ва маънавий мерос. Унинг башарият ҳавас қиладиган ва қизиқадиган энг ёрқин ва илғор жиҳатлари ёки тамойилларини қунт билан ўрганиб, ўзлаштиришимиз керак. Бироқ тасаввуфни тўла-тўқис қайта оёққа қўйишга уриниш — ўликни тирилтиришга уринишдай ғайритабиий иш саналади. Демокчиманки, тасаввуфга иштиёқ ва қизиқиш бизнинг оёғимизни ортга тортмайдиган, миллатнинг тафаккур ривожини, маданий савиясига заррача ҳам халал етказмайдиган даражада кенг ва юқори бўлмоғи лозим. Бунинг бирдан-бир йўли тасаввуф тарихи, унинг туб моҳияти ва ҳақиқатларини ҳар томонлама пухта ўрганиш, ҳолис баҳолай олишдир. Ана шундагина тасаввуфнинг кадр-қимматини ҳам тўғри англамоғимиз мумкин. Бунга эса сира шубҳаланмаслик керак. Зеро, Шарқда ми, Ғарбда ми, бундан қатъи назар, қайси жойдаки тасаввуф яхши ўрганилган бўлса, ўша жойда у эътибор қозонган. Шу маънода айрим далилий фикрларни эслатиб ўтсам.

Мусулмонликни қабул этган ва ўз номини Ҳасан Абдуллоҳ Абдулҳамид деб ўзгартирган ғарблик бир олим Ж. Аутон ёзади: «Бутун динларнинг синтезини ўзида тамсил эттирган тасаввуф барча талаб ва маънавий эҳтиёжларимга жавоб бериши». Бу гаплардан анча олдин

А. Я. Арбери мана бундай деган эди: «Тасаввуфий мерос наинки шу кунимизнинг, балки келажак авлодларнинг эҳтиёжларига ҳам жавоб бериши шубҳасиздир».

Ғарб одамнинг аклини асир айлаш осон эмас, кўнглига таъсир ўтказиш эса бундан-да қийин. Ғарбнинг билимдон ва пешқадам вакиллари тасаввуфнинг куч-қувватига тан бериб, маънавий-руҳий ва тарбиявий имкониятларига умид кўзи билан қараганда, биз нега уни четга суришимиз керак? Инсонни камолга етказиш — аввало ахлоқни камолга етказиш, яъни ахлоқ гўзаллигига эришиш демак. Тасаввуф асосан шаҳар мухитида ривож топган ва шаҳарларда тармоқ ёзган. Лекин тасаввуфий ахлоқ ва ахлоқ-одобнинг тасаввуфий талқинлари шаҳар халқи орасида ҳам, кишлоқ одамлари ўртасида ҳам айтарли теппа-тенг қизиқиш пайдо қилган. Тасаввуф — бошдан-охир одоб, тасаввуф — хулқ ва одоб гўзаллиги, деган фикрларнинг илгари сурилиши бежиз эмас. Абул Ҳусайн Нурий: «Тасаввуф — русум ҳам эмас, улум тарзи ҳам эмас, балки гўзал ахлоқ эрур», — дейди. Тасаввуфий ахлоқ учун тарки даъво, тарки қийлу қол (беҳуда гап-сўз), тарки такаллуф, тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтоқланиш), ғаразли сўз ва нияти шумнинг тарки шарт, деб белгиланган. Қалбни поклаш, ирфон соҳиби бўлиш, меҳр ва вафо талабларидан чекинмаслик, вақтни ғанимат билиш, Тангрига таваккул ила яшаш, нафс ва шайтонга асир бўлмаслик — булар тасаввуфнинг ахлоқий мажбуриятлари эди. Тасаввуфий одоб ўткинчи дунё ташвишлари учун эгилиб-букилавермаслик, тирикчилик машаққатларини сабр ва қаноат ила енгишга ўргатади, айниқса, тангдиллик ва зикналикни қоралайди. Зеро, Абдурахмон Жомий қайд этганларидек, «шикоят ва тангдиллик маърифатнинг камлигидан туғилади».

Ахир, шуларни ўрганмасак, биз нимани ўрганамиз? Бутун дунё ахлоқий бухрон ичида бўғилиб, қийналаётганда, нахотки, биз асрлар синовидан ўтган тажриба ва ориф аждодларимизнинг ўғитларига бепарво бўлсак? Тасаввуфий нуқтаи назардан уятнинг кучи ва хосияти одамнинг бошқа бировлардан эмас, аввало ўзидан, ўзининг ҳавойилиги, ичикоралиги, бағритошлиги, фитнакорлиги, ҳасадгўйлиги, хуллас, нимаики салбий хусусият ва нуқсонлари бўлса, шуларнинг барчасидан ўзи уялишидадир. Тасаввуфда тил, дил, хулқ одоби билан бир қатор-

да, хол ва рухоният одоби ҳам кенг камраб олинган. Умуман, тасаввуфнинг тавбани тавбасизликка, маърифатни жаҳолатга, комилликни ноқисликка, ишқни зуҳд ва диний ақидапарастликка, факру фанони эркисизлик ва кулликка кескин қарши қўйганлиги, менимча, хамиша ибрат олишга арзирлидир.

Тасаввуфнинг ривожи, асосан, тафаккур юксалиши, маърифат йўлининг теранлашуви ҳамда ишқ завқининг кучайиши билан боғлиқ. Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, тафаккур тушунчасининг икки асоси бор: биринчиси — инсонга манфаат етказувчи муомала ҳақида фикрлаш. Бунда инсон ўз қусур-камчиликларини билиши ва идрок этиш билан чегараланмасдан, ботинида юзага келадиган маъноларнинг қандай туғилишини ҳам барча ноцикликлари билан англай олади. Натижада, қалб гўзал ниятлар, эзгу ҳаёллар, покиза фикру туйғулар масканига айланади.

Иккинчи асос — мукошафа илмига дахлдор тушунчаларга соҳиб бўлиш. Бу — Оллоҳнинг неъматлари, зоҳир ва ботин эҳсонларини билиш, Ҳақ билан алоқани чуқурлаштириш, унинг қудратидан устун бир куч ва қудрат бўлмаслигига ишончни юксалтириш. Шу икки асосдан ҳосил бўлган маърифат ва муҳаббатдан инсонда янги бир рухоний шахсият туғилади. Чунки, Ғаззолий айтмоқчи, қалбда маърифат пайдо бўлгач, унинг холи бутунлай ўзгаради. Қалбнинг холида эврилиш ҳосил бўлди, инсон аъзоларининг амаллари ҳам ўзгаради. Демак, инсон ўз-ўзидан дунёни бошқача идрок қилади, бошқача маънавий ҳаёт майдонига юксалади, ўзининг башарий иродасини Ҳақ иродасига фоний айларкан, чексиз-чегарасиз қудрат қувончини топади. Тасаввуфда ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва сиёсий инқирозларга кескин норозилик бўлган. Аммо у ҳеч вақт ожизлик ва ожизларнинг «сахна»си бўлмаган. Юнус Эмро: «Бир мен бордир менда менадан ичкари», дейди. Тасаввуф ҳар томонлама холис, Ишқ ва Маърифат оловида ҳар жиҳатдан тобланган ана шу «ичкари»даги «мен»га хамиша умид билан қараган. Тасаввуф ўзининг истикболини доимо инсоний ҳурлик, рухоний тенглик, ирфоний чексизликда қўрган. Тасаввуф ҳада этган завқ сахрони бўстон, қулни султон айлайди.

Тасаввуф шундай бир таълимотки, у ҳеч бир муаммони охиригача ҳал қилиш, сўнгги нуқтани қўйишга им-

кон бермайди. Ҳақиқат ҳақиқатга, сир сирга, ҳол ҳолга уланиб кетаверади. У ёки бу масала хусусидаги фикр-қарашлар ҳам хилма-хил. Шайх ва орифларнинг тасаввуфга берган таърифларини олайлик. Уларни бир жой-ласангиз, «Тасаввуф нима?» деган саволга ягона бир жавоб тополмайсиз. Лекин айти пайтда, тасаввуф том маъноси ила Ишқ ва Маърифат йўли эканлигига ҳам шубҳа қолмайди. Бизда эса ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Маърифат ва орифлик ҳақида тинимсиз гапирилади, тўхтовсиз ёзилади. Аммо ирфоний нуқтаи назардан «Ориф ким? Маърифат нима?» деган саволга тўлақонли жавоб қайтарадиган бир мақолани ҳам учратмайсиз. Йўқ бундай мақола. Ҳолбуки, ориф нечоғлик Оллоҳпараст бўлса, шунчалик халқпарастдир. Ибн Арабий ёзганидек: «Ориф мамлакатнинг бутун юкини елкасига олур. Барча масалаларнинг пинҳоний жиҳатларини юзага чиқармоқни истар...» Халқу халойиқнинг оғирини енгил қилиш учун ориф нима хизматларга бел боғлаган? Унинг орифлиги миллат ва мамлакат тақдирида қандай аҳамият касб этган? Омма онгини жаҳолат, ёвузлик, ақидапарастлик тузоғидан кутқозишда ориф қандай йўл тутган? Бундай саволларга ишончли ва асосли жавоблар топиш, албатта, чанг ютиб китоб варақлаш, вақт сарфлаб мушоҳада юритишни талаб этади. Масалага шу жиҳатдан баҳо берилганда, тасаввуфшунослик хорижда анча ютуқларга эришганлигига тан бериш лозим бўлади.

Яқинда япон олими Т. Изутсунинг усмонли туркчага таржима қилиниб босилган тўрт юз саҳифалик бир китобини ўқидим. Ибн Арабийнинг биргина «Фусуси хикам» асари тадқиқига бағишланган китобнинг учинчи фасли «Нафсини билган Раббини билур», охириги бўлими эса «Инсонни комилнинг тасхир қудрати» деб номланган. Нафс тарбияси ҳақида ҳам, комил инсон хусусида ҳам асосли ва айтарли янги маълумотлар баён қилинган. Чунки бирламчи манбаларга таяниб иш кўрилган. Анқарада «Тасаввуф» деб номланган катта ҳажмдаги илмий-академик бир журнал чиқади. Унда хорижий тилларда чоп этилган китоблар тўғрисида маълумот ва тақризлар ҳам бериб борилади. Шу журналнинг 2002 йилги сонларидан бирида Т. Изутсунинг «Исломи мистик тушунчасига доир мақолалар» деган янги китобига тақриз бор

экан. Бу тўнлам ҳам аллақачон таржима қилиниб, ўқувчиларга етказилибди. Биласизми, япон олими Махмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз»ини ўқиб-ўрганиб, ундаги нур-зулмат тазодини талқин қилиб берса, «Айнул Қузот Ҳамадонийнинг мистик фалсафаси» деб мақола яратсаю, «Гулшани роз»дек бебаҳо бир асарни биздаги тасаввуфшунослар назарга ҳам илмаса? Ёки Мансур Ҳалложнинг энг содиқ издошларидан бирининг мероси билан умуман қизиқилмаса?

Агар тасаввуф ва тасаввуф адабиёти бўйича чет элларда сўнгги йигирма-ўттиз йилда қилинган тадқиқотлар бирма-бир шарҳланадиган бўлса, демак, бу жабҳада юртимизда ҳали жиддий ҳаракат ҳам бошланмаган эканда, деган хулосага келишга мажбур бўласиз.

Тасаввур қилинг, чет эллик бир олим, дейликки, ўша Т. Изутсу келиб, Ибн Арабийнинг илмий мероси ёки ваҳдати вужуд таълимоти бўйича маъруза ўқиди: анграйиб, ҳайрон қолиб эшитишдан бошқа нима қиламиз? Ибн Арабий меросини у махсус ўрганган, биз эса йўқ, у билади, бизнинг билганларимиз ҳаминқадар. Шунинг учун тасаввуфни ўрганиш ва тадқиқотлар яратишда ўзибўларчилик ҳолига кўникиб, дунёдан ортда қолишга ҳаққимиз йўқ. Ўзбекистон ҳам бир вақтлар буюк тариқатларнинг маркази бўлган. Бу ҳудуддан дунёга донг таратган орифу авлиёлар етишиб чикқан. Тасаввуф адабиёти шу муқаддас заминда ҳам қулф уриб ривожланган. Илм-фанимиздаги интилиш ва изланишлар ҳам шунга мувофиқ бўлмоғи зарур, деб ўйлайман.

Тасаввуф истилоҳлари орасида «Адвия» деган калима ҳам бор. Адвия — арабча даво сўзининг кўплиги. Тариқатда эҳсон, илм, ҳикмат, ҳиммат каби энг безавол фазилатларга эришиш адвия мақоми орқали бўлган. Бунда пир ва муршид мурид ботинидаги кибр, ҳасад, кин, адоват, қаҳр-ғазаб каби ўнлаб маразларни йўқотишда бир «шифокор» вазифасини бажарган. Маломатийликда аҳвол нисбатан ўзгачарок: ҳаммаси инсоннинг ўз зиммасига тушади. Чунончи, «бемор» ҳам, «ташхисчи» ҳам, «шифокор» ҳам маломатийнинг ўзи. Унинг биринчи вазифаси нафси амморани таҳқирлаш ва маломат қилиш. Кейин диққатни риёга қаратиш. Абу Амр Исмоил бин Нужайб деган маломатийнинг эътирофига кўра «Бир кимса бутун феъллари риё, барча ҳоллари даъво дея иқроп бўлмагунча маломатийлар орасида


хеч қандай мавқе ва мақом соҳиби бўла олмайди». Шунинг учун маломат аҳлининг ҳаёти ўзининг хол ва амалларини қаттиқ тафтиш қилиш, ҳатто яхши деб англонадиган амалларда ҳам даъво ва риё «микроб»и борми-йўқлигини аниқлаш билан ўтган. Маломатийни қийнайман ва ўз йўлидан оздираман десангиз, уни мактанг, ундан маънавий-руҳоний сирларини ошкор этишни талаб қилинг, унга ёрдам қўлини чўзишни таклиф этиб қўринг. Унинг учун мактов эшитиш таҳқирланишдан минг чандон ёмон, сирни очиш Оллоҳ омонатига хиёнатнинг айни ўзи, ёрдамга мухтожликни сездириш нафсни енгилда кучсизлик кўрсатишдир. Камтарлик, холислик, тамасизликда ҳақиқий маломатий билан мусобақа қилиш мумкин бўлмаган. Сулабийнинг «Рисола маломатия»сини ўқиган киши уларнинг ибратли хислат ва фазилатлари жуда кўп бўлганига ишонч ҳосил қилади.

Маломатийларнинг ибратли фазилатлари — дунёга таҳқир кўзи ила қарамаганликлари, одамларни тарки дунёчиликка чорламаганликлари ва оддий кишилардан ажралишга уринмаганликларидир. Уларнинг бир шиори «халқ қандай ҳолатда бўлса, айнан шу ҳолатда халқ билан бирга бўлмоқ»дир. Бу эса маломатийларни «мутасаввифларнинг жавонмардлари», дея эътироф этишга сабаб бўлган.

Хуллас, тасаввуф ва мумтоз адабиёт муаммоларини ҳал қилишга астойдил киришмоқ лозимдир.



АДАБИЯТ-  
МАЪРИФИЯТ  
СУХБАТЛАР



## «БУ ЙЎЛ ИХЛОС, ЭҲСОН, АДАБ ЙЎЛИДИР...»

— Иброҳим ака, ҳаётда шундай улуғ зотлар борки, Жалолиддин Румий айтганларидек, жаҳоннинг юраги улар кўксига уриб туради. Халқининг фахр-ифтихорига айланган бундай кишилар ботинида инсоният руҳи яшайди. Шунинг учун ҳам улар қолдирган мерос халқни юксакликка чорлаб туради. Хожа Аҳрор Валий ана шундай пири комиллардан бири. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бу йил мамлакатимизда улуғ шайхнинг 600 йиллик тўйлари нишонланади. Айтингчи, 27 та давлат ҳукмдори бир сўзини икки қилмаган бу улуғ зот аслида ким бўлган? Жамиятимизнинг бугунги тараққиётида унинг илмий мероси қандай аҳамиятга эга?

— Биласизми, қайси юрт, қайси заминда тил, тафаккур ва виждон эркинлиги бўлмаса, инсон фарзанди ҳайвон ҳаётидан ҳам баттар бир ҳаёт бағрида яшайди. Бу ҳаёт инсон қалби ва руҳини шунчалик эзиб, мажруҳ айлайдики, охир-оқибатда жамият сўлгинлик, лоқайдлик, карахтлик ва ноумидликдан боши берк кўчага бориб қолади. Ваҳдат, яъни бирлик туйғуси соат сайин емирилиб, ёлғизланиш, машъум бир танҳолик хиссиёти кучаяди.

С. Цвейг айтадики, Виждон эркинлигига тенглаша оладиган қудрат йўқ. Шаҳарларни вайрон этиш, ҳокимиятларни ер билан яксон айлашга қодир куч ҳам Виждон эркини таслим қилолмайди. Бу гапга мен юз фоиз ишонаман. Ва шунинг учун ишонаманки, бизнинг тарихимиздаги барҳаёт сиймоларнинг деярли барчаси энг офир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ақлни кишанлардан озод айлаш, фикр хурлигига етишиш, виждон эркинлигига йўл очиш учун курашганлар. Уларнинг қўлида қиличлари бўлмаган. Милтиқ ушламаган улар. Лекин илм ва маърифат кучига суяниб, қурол ва лашкар билан қўлга киритиб бўлмайдиган зафарларга эришишган. Хожа Аҳрорнинг фаолияти бунинг ёрқин бир далилидир. Маърифатпарварлик жихати бизга жуда

осон, мақсад-муддао қийинчиликсиз амалга ошаверадигандай бўлиб туюлади. Холбуки, бу йўл нодонлик, жаҳолат, яқравлик ва қоқоқлик билан юзлашиб, шуларни енгиб ўтиладиган йўлдир. Агар Оллоҳ Хожа Аҳрорга илм-маърифатига мувофиқ шижоат ҳам бермаганида у буюк шайх ўлароқ донг таратмасди. Асрлар мобайнида одамларни жавонмардлик ва жасоратга руҳлантирмасди.

Инсон нақадар истеъдодли, кучли, шон-шуҳратли бўлса, шунга яраша унга душманлик ортиб, йўлидаги ҳар турли тўсиқ ва ғовлар кўпайиб боради. Бу шафқатсиз ҳақиқат ва ҳаракатни ислоҳ қилиб бўлмаганидек, тўхтатиб ҳам бўлмайди. Зеро, ҳеч бир улуғ шахс йўкки, ё ҳасад, ё адоват жафосига юзлашмаган бўлсин. Эҳтимол, бу улкан синовдир. Эҳтимол, ғафлат ва ожизлик ҳамласидир. Нима бўлмасин, ҳақ ва ҳақиқат йўлига содиқ инсоннинг дарду ҳасратлари ҳам ибрат. Бунга мисол бўладиган далиллар Хожа Аҳрор ҳаётида ҳам бисёр эрур. Маълумки, у умрини халқни маърифатли қилиш ва мазлумларнинг оғирини енгиллатишга ҳисса бўлиб қўшиладиган хайрли ишларни амалга оширишга бағишлаганди. Унинг халқ ва ҳукмдорлар назарида обрў-этиборининг баландлашувига бош сабаб шу эди. Табиийки, бу ҳаммага ҳам мақбул бўлмас, кимлардир ғашланар, кимлардир хусумат пичоғини қайраб хужум учун пайт пойларди. Душманлар турли тоифага мансуб бўлишган. Улардан бири Самарқанд муфтиси Мавлоно бин Исомиддин эди. Султон Абусаид вафот этиши ҳамон у баъзи давлат маъмурларини ҳузурига чорлаб Хожа Аҳрор билан алоқани тўхтатишни талаб қилиш билан кифояланмай, унинг мол-мулкини мусодара этишга фатво беради. Султон Аҳмад Хожа Аҳрорнинг кимлигини яхши билган, уни эъзозлашга қодир подшоҳлардан эди. У Самарқанд тахтига чиққач, муфтининг қора нияти амалга ошмай қолди.

Мавлоно Шайхнинг маълумоти бўйича эса ўша муфти катта миқдорда пул бериб, Абдураззоқ исмли қароқчинини Хожа Аҳрорни ўлдиришга кўндирди. Қарангки, бу навбат ҳам «Оллоҳ валийсига душман бўлган кимсаларга уруш эълон этар», деган гап ҳам ўз исботини топади...

*— Дунё илм-фани ва маънавиятининг нузли бешиги бўлган она заминимиздан кўплаб алломалар етишиб чиқ-*

*қан. Аммо улар орасидан унча-мунча кишини валий дейишмаган. Хожа Убайдуллоҳни эса валиуллоҳ, деб эъзозлашган. Хатто бу сўз ул зотнинг тахаллусига айланиб кетган. Хўш, валийлар аслида ким, валийликнинг шартлари қандай?*

— Менинг бир ёзувчи танишим бор: тасаввуф сўзини эшитса, пешонаси тиришиб, асаби бузилади. Унингча, тасаввуфни ўрганишнинг ҳам, тарғиб-ташвиқ қилишнинг ҳам кераги йўқ. Чунки тасаввуф фикрий фаолликни сусайтириб, ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш, ўз тақдири учун курашишдан одамни чалғитармиш; карамлик, пассивлик, ўзни тақдир қўлига топшириш хисларини чуқурлаштирармиш. Ҳолбуки, ҳақиқий тасаввуф, ҳаёт ва кураш руҳи барқ урган тасаввуф буларга қарши бўлган. Агар тасаввуф билан боғлиқ айрим муаммо ва баҳсли масалалар юзага қалқиб чиқаётган бўлса, бунинг сабабларини тасаввуфданмас — тасаввуфшунослик ва илмсизликдан ахтариш лозим. Керакли нарсани ахтариш ва топиш учун ҳам ички интилиш, нуктаи назар зарур. Шу маънода бир мисол келтирмоқчиман.

Л.Н.Толстой «Ҳаёт хусусида» деган рисоласида Аристотелнинг айрим фикр-қарашларини танқид қилади. Шунда бир олим буюк адибни Аристотелни яхши билмасликда айблади. Толстой унга жавоб қайтариб дейди: «Сиз менга Аристотелни чуқур билмайсан дейсиз. Ҳа, мен уни шунинг учун билмайманки, ўша асарида мен билишим зарур бўлган нарсанинг ўзи йўқдир...»

Ўтмишда яратилган илмий, маърифий меросни ўрганаётганда замон талабини албатта инобатга олиш зарур. Аммо эски қараш, сохта тасаввур ила инкорчилик қилмаслик керак. Биз ҳеч бўлмаганда, валийнинг кимлиги ва валоят сирларини яхшироқ билганимизда ўзимизга бу қадар маҳдудлик, бу қадар манманлик ёки ғурусизликни раво кўрмасдик.

Тасаввуф аҳли валий деганда, Ҳақнинг чин дўсти ва суюкли қулини назарда тутишган. Валий нафсидан фоне бўлиб, Ҳаққа боқи бўлган, яъни илоҳий ирода соҳибидир. Шунинг учун у каромат даъвосидан йироқ яшаган. Валий ғўзал ахлоқ муҳофизини, маънавий интизом таянчидир. У инсонни комил, орифи биллоҳдир. Халқу халойиқ уни танимаслиги, унинг сўз ва кўрсатмаларини ҳисобга олмаслиги мумкин. Бироқ Оллоҳ валийлари шайтон «валий»ларидан фарқли равишда туну кун халқ

гами, халқ манфаатларини кўзлаб нафас олишган. Тасаввуфга доир манбаларнинг энг ёркин, энг таъсирли саҳифалари валийларга бағишланганлиги ҳам тасодиф эмас.

— *Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрлик ва огоҳликка ўргатиб, иродасини чиниқтиради. Шу боис тарихини билган, ундан руҳий қувват олган кишини йўлдан уриш, турли ақидалар таъсирига тушириш осон эмас. Фанимлар эса бирор юртни қамал қилмоқчи бўлсалар, аввало, шу халқни маънавий-маданий, тарихий меросидан жудо этишган. Шўролар салтанати даврида Хожа Аҳрор шахсияти ва мероси нафақат халқдан айро тутилди, балки асоссиз, адолатсиз қораланди. Ҳаттоки ҳурматли ёзувчиларимиз асарларида ҳам Хожа Аҳрорнинг образи қора бўёқларда тасвирланди. Бу, сизнингча, маънавий таназзулми ёки давр сиёсати?*

— Шўро сиёсати — энг шафқатсиз, фирром ва энг маккор сиёсат бўлган. У фақат давр ёки замоннинг эмас, аҳли замоннинг ҳам қиёфасини ўзгартириб, бузиб юборган. Чунки у ёвузликка асосланган, зулм ва зўравонликка таяниб илгариланган. Бутун бошли миллатларни кулик ва қарамликда сақлаш учун сиёсат тили билан нима ёлғон, қандай алдовлар тўкилмаган дейсиз?

Тенгсизлик, адолатсизлик, йўқсиллик, жаҳолат — ҳамма-ҳаммасини сезиб, кўриб, билиб турардик. Аммо ҳақиқатни очик-ойдин айтадиган марди майдон йўк. Чунки ҳамма кўрқув, таҳлика атрофида бирлашиб, эҳтиёт сўқмоқларидан одимлашга маҳкум этилганди. Эрк ва хурлик туйғуларидан кечиш, давлат ва сиёсат йўл-йўриқларига сидку садоқат ила кўникиш — бош талаб, хавфсиз яшашнинг асосий шarti мана шу эди. Зулмни адолат, таназзулни тараққиёт, кулфатни шодлик дегувчилар эса ошиғи олчи кишилар ҳисобланарди. Айниқса, ижодкор ва амалдорларнинг маънавий иккиюзламачилиги, фосиқлик ва олчоқликларига тоқат айлаш қийин эди. Шўро давлати ўз бошини ўзи еб, тарих саҳнидан бутунлай барҳам топди. Аммо одамларимиз онги ва психологиясида ундан жуда кўп ёмонлик ва ноқисликлар мерос қолди. Мана шуни мен маънавий таназзул деб биламан. Агар тасаввуфни ўрганиш ички эҳтиёжга айланса ва тўла равишда тўғри йўлга туширилса, Туркистон валийлари, жумладан, Хожа Аҳрор таълимоти ахлоқий кучсизлик, фикрий тутуруксизлик, рухоний ожизлик офатларидан

халос бўлишда бекиёс фойда етказди. Маърифат ва ҳақиқатчи Хожа Аҳрор нигоҳи ила қарай олишнинг ўзиёқ кўнгилни нурлантириб юборади. Одамда улугвор бир мискинлик, қаҳру ғазаблардан фориф бир сокинлик пайдо бўлади.

— *Бу ёруғ оламда сон-саноқсиз йўллар, тариқату одатлар бор. Аммо ўзингиз айтганингиздек, инсон қалбига борадиган йўл битта. Бу оддийлик ва самимият йўлидир. Хожа Аҳрор одамлар қалбига қайси йўл, қайси тариқат орқали кириб бордиларки, шайхлар шайхининг саховати, эзгу ишлари тиллардан дилларга кўчиб, ҳали-ҳамон кўнгилларни ёритиб турибди.*

— «Фақат бемор кишигина бошқа одамларнинг ҳаётини сўз билан ўзгартириш мумкин деб ўйлайди», — дейди Л. Н. Толстой. Курук сўз билан ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаганидек, яхши натижага ҳам эришиб бўлмайди. Тариқатда эса сўз ва даъво эмас, хол ва маъно муҳимдир. Хожа Аҳрорга эргашиш — бу қалбни мушоҳада ила ислоҳ айлаш ва боқий ҳақиқатларга юз буриш демак.

Айрим тариқат арбоблари халқдан қочиб, ўзи учун Ҳаққа томон йўл очишни тасаввуф деб билишган. Нақшбандийлик бундай фикр-қарашга қарши тушунчаларни илгари сурган. Шунинг учун Хожа Аҳрор Ҳақ деб халқни, халқ деб Ҳақни унутмаслик «тажриба»сига қатъий амал қилганлар. Бу улуг зотнинг шахсиятига илоҳий туйғуларга берилиб дунёга таҳқир назари ила боқиш, ўзни ҳаёт ва тириклик муаммоларидан четга тортиш кайфиятлари умуман ётдир.

«Рашаҳот»да келтирилишича, у киши: «Ман бу тариқни сўфийянинг китобларидан олғоним йўқ туруп, балким хизматидин олдим, на улким манга ўргатган бўлсалар», — деган эканлар. Халққа хизматни назарписанд этмай, Ҳақ хизматига бел боғлаган сўфий ёки дарвеш, шайх ёки муршид комиллик «санъати»да ҳар қанча юксакликларга кўтарилмасин, у мазлумнинг дарду ҳасратига шериклик қилолмайди, ҳақ-ҳуқуқи янчилган элнинг манфаати учун асло курашолмайди. Ҳақиқий тариқатчи худди шу жабҳада ўзининг журъат ва жасорати, тадбир ва салоҳиятини намоиш айлай оладики, бунга тўла ишонч ҳосил этмоқ учун Хожа Аҳрор ҳақида кўп билиш, кўпроқ маълумотлардан хабардор бўлиш керак. Умуман олганда, Хожа Аҳрор таълимоти

инсонга ўз аҳволини билиш, аҳвол-рухиясидаги ожизлик, кучсизлик ва гумрохликларни ҳаққоний идрок қилишга яқиндан ёрдам беради. Хожа Аҳрор билан тариқатдош Амир Бухорий деган шоиримиз бор. Бир рубойида у:

*Ўзга савдоларда кечди умримиз,  
Куруқ гавголларда кечди умримиз.  
Орзуи мансаб ва савдойи жон,  
Бу таманноларда кечди умримиз, —*

дейди. Шу ва шунга ўхшаш «таманнолар»га алданиб, бошқаларни ҳам алдамаслик учун тариқи аҳрор маърифатидан огоҳлик кони фойдадир.

— *Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрор Валийни «Қаъбаи мақсудим», Алишер Навоий эса «Тариқат қутби», деб эъзозлаган. Алишер Навоий унинг мактубларини бир китобга жамлаган. Номаларнинг аксарияти халқ, миллат дарди билан уйғунлашиб кетган. Бу уч буюк зотни бир мақсадга боғлаган ришталар ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Биринчидан, буларнинг ҳар учовлари ҳам Абдулҳолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг содиқ издошлари эди. Демак, маслак ва камолотда умумий яқинлик бўлганлиги шубҳасиздир. Иккинчидан, бу беназир зотларнинг ҳаётга, оддий инсон тақдирига ва давлатга қарашларида муштараклик бўлган. Хожа Аҳрордан кейин салтанат ва салтанат соҳиблари ҳақида чўчимасдан гапириш, яъни рост сўз ва бор ҳақиқатни айтишга ишонч қанот ёзган. Жомий ҳам, Навоий ҳам шундан илҳомланган. Бундан ташқари, улардан ҳеч бири ҳукмронлик манфаатини дин, миллат ва юрт манфаатларидан юқори қўймаган. Тама ва манфаатпарастлик ҳирсларидан ғолиб кела олганликлари боис замон подшоҳларининг иззат-эҳтиромларига эришишган.

«Насойим»да Мовароуннаҳр салотини Хожа Аҳрорга ўзларини муридзода ва унинг ҳукмларига тобе деб билишгани қайд этилган. Фақат шуми? Йўқ, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, «хаттоки бир соридин Рум ва Мисргача, Хито ва Хиндғача» барча мулк соҳиблари Хожанинг мактублари орқали етиб борган ҳукм ва фармойишларини бажаришни ҳам буюк шараф деб

ҳисоблашишган. Зеро, улар маънавий ҳукмдорлик ва ҳукмронликнинг нималарга қодирлигини чуқур англашган.

— *Хожа Ахрор Валий билан Мирзо Бобур муносабатлари адабиётшуносликда алоҳида мавзу ҳисобланади. Маънавий пирига эҳтиром рамзи сифатида у «Валидия» асарини таржима қилиб, насрдан назмга ўйирган. Бундай эҳтиром замирида яширинган сир нимада: шоир Бобурнинг дилбар қалбидами ёки подшоҳ Бобурнинг ақл-заковатида?!*

— Хожа Ахрор ва Мирзо Бобур мавзуида олим ва адибларимиз томонидан анча-мунча фикр-мулоҳазалар баён этилган. Мен уларни такрорлаб ўтирмайман. Фақат бир ҳақиқатни айтмоқчиман: қайси замон ва даврда яшашидан қатъи назар, Хожа Ахрор каби кашфу каромат соҳиблари ҳамиша буюк тарбиячи ва муҳофиздилар. Улар ҳамма пайт, ҳамма шароитда ҳам инсонни ақлан адашиш, қалбан майдалашиш, охир-оқибатда нафсга қурбон бўлишдан асрай оладилар. Бунинг учун маърифат уммонига дўнган уларнинг қалби ва руҳини завқлантирадиган ҳол дунёсига йўл топишга уринмоқ керак. Ана шунда яхши гап ёхуд тилдан-тилга ўтиб такрорланаверадиган эзгу тушунчалар ҳам яхши ҳулқ, мустақил тафаккурга замин бўлмаслигини, эркин шахсиятни шакллантиришнинг турган-битгани ранж ва азоб эканини аниқ фаҳмлайсиз. Фаҳмлаш кучайгани сайин эса ботиндаги ҳар бир ноқислик, ҳар бир иллат, ҳар бир сохтакорлик ва риё Сизни омонсиз таъқиб этади. Ҳасрат, пушаймонлик, надомат бўронида ўзингиздан қаёнга қочиш, кимдан қандай нажот тилашни билмай қоласиз. Худди шундай пайтда маънавий робита — қайсидир валий ё орифга маънан ва рухан боғлиқлик одамни ҳар қандай тушқунлик, забунлик ва ночорликдан қутқазиб қолади. Шундан бошлаб дунё Сизнинг ортингиздан чопса чопадик, Сиз дунёнинг кетидан қувмайсиз. Ва дунёнинг бақоси ҳам, завқу сафоси ҳам ўз-ўзидан юракни тарқ этади. Бобурнинг маснавийларини ўқиган киши ушбу ҳолатни бир қадар аниқ тасаввур қилади ва бунинг сир-асрори билан кизикқанда унинг Хожа Ахрорга эътиқод ва эҳтиромини янада олқишлаб, «Бобурнома»да битилган туш воқеаларини қайта-қайта хотирлагиси келади.



— Билимсизликдан жаҳолат, жаҳолатдан эса му-таассиблик келиб чиқади. Хожа Аҳрор Валий эса зулм ва зўрликка қарши адолат ва маърифатни, жаҳолат ва гафлатга қарши ақл ва тафаккурни ҳаракатлантира олган улуғ зот. Шу боис халқ унга ишонган, суянган. Манбаларда қайд этилишича, Умар Шайх Мирзо Шош аҳолисидан 250000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганда Хожа Убайдуллоҳ бу солиқни ўзлари тўлаб, яна қўшимча тарзда 70000 динорни ҳам солиқ тўловчиларга топшириб қўйган эканлар. Бу ҳақда энг ишончли манбалардан бири «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асарини яратилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнал-ҳаёт» китоби чиндан ҳам нақшбандия тариқати вакиллари, хусусан, Хожа Аҳрор таржимаи холи, фикр-қарашлари, манкабавий ҳаётини ёритувчи бебаҳо ва бекиёс манбадир. Унинг муаллифи 1469 йили Сабзаворда туғилиб, кейинроқ Хиротга келган. Тасаввуф ва тариқатга қизиқиши уни Убайдуллоҳ Аҳрор зиёратига чорлаган. У Самаркандга ташриф буюрганида йигирма икки ёшли йигит бўлган. Сафий илк келишида тўрт ой Хожа Аҳрор суҳбатларида иштирок этади. Шайхдан кўп нарса ўрганadi. Орадан тўрт йил вақт ўтгач, у яна улуғ шайх ҳузурига келади. Бу навбат таҳсилу мулоқотлар саккиз ой давом қилади. Ана шу учрашув, суҳбат ва тайёргарлик асосида «Рашаҳот» дунёга келади. Бу асарнинг илмий-амалий қиймагини тасаввур айлаш учун унинг уч бора усмонли турк тилига, икки маротаба араб тилига ва 2001 йилда инглизчага таржима этилганлигини эслатиш кифоя деб ўйлайман.

Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот»дан ташқари, «Латифуът тавоиф», «Махмуд ва Аёз» номли асарлар ҳам яратган. Унинг илмий, адабий мероси ёлғиз бизда эмас, Туркия, Эрон, Тожикистонда ҳам тадқиқ қилиниб, китоблари нашр бўлган. Сафийнинг Мулло Нур номи ила танилган жияни ва муриди Қавомиддин бин Муҳаммад Носир сафавийлар Хиротни қўлга олгач, Бухорога келган. Одамларга ҳадис, тасаввуф илмидан таълим берган. Шу заминда вафот этиб, Ромитанда дафн этилган.

— Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн ўзини сўнги йўлга кузатаётганда, тобутдан қўлларини чиқариб қўйишни, ҳатто жаҳон Шоҳи ҳам у дунёга

қуруқ қўл билан кетаётганини кўришсин, деб васият қилган экан. Аммо инсон зоти борки, нафсининг қули бўлиб яшайди. Хожа Аҳрор Валий ҳамиша тамадан йироқ бўлган. Хатто бирор кимсадан тухфа ҳам олмаган эканлар. Шу ростми?

— Алишер Навоий китъаларидан бирида:

*Сен агар тарки тама қилсанг, улуғ ишдур бу ким,  
Олам аҳли борча бўлғай бир тараф, сен бир тараф, —*

дейди. Демак, оламда тамасиз кишини топиш доимо душвор бўлган. Нега? Негаки, хатто нафс жиловини қўлга олган одамлар ҳам ўзлари билиб, билмай тамага ён бердилар. Тама ва манфаатпарастликнинг минг тузоғи бор — бирига илинмасангиз, иккинчисига илинасиз, биттасидан қочсангиз, бошқасига тугиласиз. Айниқса, йўқсиллик, қашшоқлик ҳукм сурган замонларда тама ўз-ўзидан улғайиб, фавқулудда ҳайбат касб этиб бораверади. Бундай чоғларда гушна, юлғич ва маккор бойларнинг молдавлати эмас, сабр ва қаноатли доноларнинг маънавий ҳиммати, беғараз саховати ахлоқий емирилишларнинг йўлини тўсади.

Нақл қилинишича, Хожа Аҳрор Мирзо Шохрух замонида Хиротда юрган даврларида бир эски дастордон бўлак бойликлари бўлмаган экан. Бир куни Бозори Маликдан ўтиб кетаётганларида бир гадоё учрабди. Унга берадиган нарса йўқ. Шунда дасторни бошдан олиб, ошпазнинг олдига ташлаб деган эканлар: «Бу дастор покиза турур, қазон ювғондин сўнг дастмол бўлур, сағлағил бу гадоёга бир нимарса бергил».

Хуллас, ошпаз гадоёга таом беради. Аммо дасторни қайтармоқчи бўлганда, Хожа Аҳрор уни олмайдилар.

Мавлоно Аҳмад Коридий сидку ихлос ила бир чакмон тиктириб, тухфа тарзида Хожа Аҳрорга юборади. У киши эса: «Бу жомани кийсак бўлур, валекин ондин садаканинг хиди келур. Биз умримизда ҳеч кишидан бир нимарса қабул этмадук», дея узрхоҳлик ила уни ортга жўнатадилар.

Бугунги қайси одам шу гапларга инонади? Ёки шундай ишларни қила олади? Аммо булар афсона ҳам, ривоят ҳам эмас, ҳақиқат бўлган. Шу ҳақиқатларга ишонилмаганлиги, шундай ҳақиқатларга амал қилиш салоҳияти бой берилганлиги туфайли биз олтиндан-да қимматли кўп туйғу ва хислатлардан ажралдик. Шу боис энг доно ва яхши гап ҳам ёмон ишларнинг йўлини тўсолмай-

диган, бегараз кўмак ёки химматга ишонилмайдиган бўлиб қолди...

— *Хожа Аҳрор бизнинг гуруримизни юксалтирадиган, томирлари мозийга бориб туташиган тарихий йўлимиздир. Унинг меросини ўрганиш борасидаги ишлардан кўнглингиз тўладими?*

— «Рашахот», «Хожа Аҳрор насабномаси», мактубларини ўқинг. Сўнгги йилларда Хожа Аҳрорга бағишлаб яратилган рисола ва мақолалар билан танишинг. Албатта, хурсанд бўласиз. Хожа Аҳрор сингари улуғ шайхларнинг меросини кенг ва чуқур тадқиқ этиш учун катта куч, алоҳида диққат-эътибор керак. Олти юз йиллик тўй муносабати билан бошланган хайрли ишлар изчил давом эттирилиб, Хожа Аҳрорнинг муридлари қаламига мансуб «Силсилатуъл орифин ва тазкиратуъс сиддиқин», «Маноқиби Хожа Убайдуллоҳи Аҳрор», «Малфузоти Аҳрор» каби китоблар ҳам чоп этилса, ўйлайманки, бутун миллат бундан манфаат топади. Бизга мисни тилло деб кўрсатишган, тилло нархидан минг карра ортик ирфоний хазиналардан халқ бенасиб қилинган. Бу чалғиш, бу ажралишларнинг манфий таъсир ва натижалари қанчалик узоқ пайт ўзини кўрсатиб турмасин, барибир улардан халос бўлиш лозим.

Бас шундай экан, Хожа Аҳрор Валийдан мадад исташимиз, унинг ўлмас меросига таянишимиз ҳам табиий эҳтиёждир.

Сўхбатдош **Амина Қодирова**,  
«Ишонч», 2004 йил февраль.

## **«БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИФ ҚИЛФИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ...»**

— Иброҳим ака, Бобур ҳақидаги бир мақолангизда «Бобур биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юлдуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқ-бахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусоффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимизни ёришувига хизмат қилди. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверди», деб ёзгансиз. Айтинг-чи, Бобурнинг буюклиги шоҳлигидами ёки шоирлигида?

— Дунёда Мирзо Бобурга ўхшаш шоҳ ва салтанат соҳиблари кўп бўлган. Лекин улар орасида айнан Бобурга ўхшайдиганлари йўқ. Шунингдек, тарихда шоирлик билан машғул бўлган хукмдорлар кам эди дейсизми? Улар орасида диди, савия, завқ ва истеъдод эътибори ила Бобурга тенглашадиганларини топиш қийиндир. Демак, Бобурнинг буюклиги, энг аввало, бетакрор ва беназир шахсиятида. Биласизки, Оллоҳ инсонни фақат бахтсизлик, мусибат ва қийинчиликлар билан эмас, истеъдод ва бахт бериб ҳам, тахт бериб ҳам синайди. Бу синовлардан омон-эсон ўтиш, хаётий ва илоҳий имтиҳонлар чоғида мардона кад ростлаб, ҳақиқат, тўғрилиқ, шижоат йўлидан адашмаслик, бу — ниҳоятда оғир ва қийноқли иш. Ҳамма ҳам бардош беролмайди бунга. Барчанинг ҳам куч ва журъати етавермайди бунга. Шунинг учун бировлар тақдирнинг илк зарбасидаёқ ишонч-этикодидан йироқлашади. Кўркув ва ночорлик айримларнинг шахсини синдириб, парчалаб ташлайди. Кимлардир «Замон сенга бокмаса, сен замонга бок» қабилда иш кўриб, иккиюзламачилик, риёкорлик билан «зафар»га эришиш «усули»ни танлайди ва ҳоказо.

«Тангри таолонинг инояти билан ва Ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бешида саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум», — дейди Бобур. Ўн икки ёшда подшоҳ бўлишни тасаввур этиш мумкин. Лекин омонсиз давр қуюнлари ўн икки ёшли

тахт соҳибининг бошига ёғилиб келиши, замон унинг жангу жадаллар, конли курашлар, хиёнат, жиноят ва мағлубият гирдобига ташлаши, узлуксиз равишда нотинчлик, меҳнат-машаққат ва бири-биридан оғир, бири иккинчисидан қалтис хавф-хатарларга юзма-юз этиши — буни хаёлдан ўтказиш, қабул қилиш қийин, албатта. Бобур:

*Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
Айирди бир йўли мени хонумондин,  
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин, —*

деганида мутлақо ҳақ эди. Бобур улуғ ақл, метиндай мустаҳкам ирода, ниҳоятда ўткир ва мунаввар фаросат соҳиби эди. У тангрининг инояти, Ҳазрат Расулulloҳнинг шафоатига ҳамиша ишонган. Аммо даҳр ва даврон унинг руҳини эзиб, жонини чиғирикдан ўтказган онларда тахт даъвосидан кечишни, бошни олиб бирор ёқларга кетиш, ҳатто ўлимни сўнгги нажот деб ўйлаган. Бобур бу хусусдаги фикр ва туйғуларини ҳам асарларида очиқ-ойдин изҳор этади. Яъни томирларида жаҳонгирлик қони гупурган Мирзо Бобур ҳеч вақт ўзини енгилмас, мард, жасур қиёфада кўрсатишга уринмайди. Унинг мана бу фикрларига диққат қилинг:

*Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.  
Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,  
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.  
Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,  
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда...*

Албатта, булар жангу жадал, ранжу риёзат, ғавғо-ю надоматдан безган ва хаёлий бир осудаликка муҳтож кўнгилининг гаплари. Айни пайтда унинг ўлимни хотирлаб, тириклик қувончини олқишлаши, дунё ҳақидаги орифона ҳукмига қойил қоласиз. Бобур деярли ҳеч бир масалага тор қарамайди, уни ўзининг майл ва манфаатига мослаб ҳал қилмайди. Ва ахлоқий-диний, маърифий-ҳуқуқий асосларидан ҳам ажратмайди.

Хуллас, Шахси — фазилатларга бой, эътиқоди бут, элпарвар, ҳаётсевар ва маърифатли бир ҳукмдор бўлса,

Бобурдай бўлади. Бир кўлида қилич, бир қўлда қалам ушлаб ёвузлик, разолат, тубанлик, жаҳолат ва хиёнатга қарши борган алп бир курашчи бўлса, Бобур қадар бўлар.

— Бу оламда ҳар бир нарса сир-синаотга тўла. Уни англаб етмоқ учун инсонда ақл, тафаккур, билим билан бирга кўнгил кўзи ҳам очиқ бўлмоғи керак. «Ғунчадек кўнглум мани...» деб фиғон чеккан Мирзо Бобур ижодини ёритиб турган шуъла унинг дилбар қалби — минг бор синса-да, яна қалқиб чиққан қуёшдек порлоқ кўнгли эмасми?

Шеърят — бошқа олам, сиёсат — бошқа олам. Шоирлик — бошқа бир хунар, шоҳлик — мутлақо бошқа бир фаолият. Салтанат йўли — ақл, тадбир, ҳуқуқ, қонун, ҳукмронлик йўли. Шеърят йўли — рух, кўнгил, тахайюл, нафосат ва гўзаллик йўли. Шеърят онг қашшоқлиги, қалб дарди, руҳоний саёзлик, тафаккур равнақиға чора ахтаради. Сиёсатни эса ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий муаммолар кўпроқ қизиқтиради. Сиёсатчининг тили — ақл ва мантиқ тили, шоирнинг тили — кўнгил ва туйғу, нафосат ва гўзаллик тили. Шунинг учун шоирнинг ақли ҳам, мантиқий мулоҳазалари ҳам эстетик мушоҳада ёки идрокка албатта бўйсунди. Акс тарзда образли тасвир тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ана шу сабабларга кўра ҳам шоирликни шоҳлик билан, шоҳликни шоирлик билан бирлаштириш жуда мушкулдир. Тўғри, Шарқда шеър ёзган, шоир сифатида тарихда из қолдирган подшоҳлар бисёр бўлган. Аммо уларнинг кўпчилигида шоирлик мақоми ҳукмдорлик мавқеидан паст туради. Бобурда бундай эмас. Бобурнинг шоҳлиги на истеъдоди, на ижодий қиёфасига соя ташлолмайдди. Аксинча, ҳукмдорлигини илмий-ижодий, фикрий-маърифий фазилатлар бойитади. Бобур подшоҳлик билан шоирлик рост келавермаслигини яхши билган. Бобур ўз мемуарида зоҳирий сафар, саргузашт ва курашларини баён этган. Шеърларида эса у кўнгил ва рух саёхатига дахлдор маъно ҳамда туйғуларни тасвирлаб беради. Чиндан ҳам кўнгил Бобур маънавий ҳаётининг энг сўнмас, энг кўркем водийси эрур...

— Тасаввуф гўзал ахлоқ ва руҳий баркамоллик таълимоти. Шу билан бирга қалбни қувватлантириб, кўнгилни губорлардан тозалаб, латифлаштирувчи тажрибадир. Бобурнинг тасаввуф дунёси билан алоқаси борми, бўлса у қай даражада? Орифлик Бобур шеърятининг жозибасими ёки тасаввуфий завқ ҳосиласими?

— Ҳақиқатан, тасаввуф гўзал ахлоқ, руҳий баркамоллик таълимоти. Тасаввуфда Оллоҳ ва инсон муносабати, комиллик ва илоҳий бирликка эришиш муаммолари, асосан, Ишқ ва Кўнгил сирларини очиш йўли билан ҳал қилиб берилади. Бу сирлар шу даражада нафис, жозибали ва теранки, бефарқ қолишнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Тасаввуфий ҳаёт — кўнгил ҳаёти. Бу ҳаётнинг замини маърифат, самоси руҳоният, куёши ишқ, мохияти ошиқликдир. Ошиқлик, биринчи навбатда, гўзаллик тасарруфидаги ҳол соҳиби бўлиш деганидир. Шунинг учун тасаввуф илми «илми ҳол» ҳам дейилган. Ишқдан туғилган, маърифат ва ҳақиқат кучоғида парвариш топган, дард ва изтироб оташида тобланган ҳол камолни бир тасаввур этинг! Аниқ ишонаманки, дунёнинг бирор-бир қўполлиги, саёзлиги, ёвузлик ва чиркинлигини қабул қилолмайсиз. Ҳол завқи руҳни қувватлантиради. Рух нима қилади? Ишқ ва гўзаллик, меҳр ва эзгуликка «мулозим» бўлишга ярамайдиган барча ҳис, барча нафсоний майл ва эҳтирослардан кечишни талаб этади. Бу ҳақда ўйлаганда Бобурнинг муножот оҳангида битилган бир рубойиси беихтиёр ёдга келади:

*Рухум яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла,  
Рухумни чу тан эвига келтурдинг пок,  
Мундин бори элтма касофат бирла.*

Дарҳақиқат, руҳнинг вужуддаги ҳамроҳи бир офат бўлиб, у нафсу ҳаводур. Рух латифлигини нафс касофатидан муҳофаза айлашга уриниш — тасаввуфий ҳаёт тажрибасидан баҳс юритишнинг айни ўзи ҳисобланади. Тасаввуф таърифланган бир шеърда:

*Тасаввуф ёр бўлиб, бор бўлмасликдир,  
Тасаввуф гул бўлиб, хор бўлмасликдир, —*

дейилади. Бу фикрнинг содда баёни мана бундай: тасаввуф бу — одамлар билан дўст, ёр, ҳамдам бўлиш, лекин

хеч бировга бор, яъни юк ва офирликни ташламаслик; тасаввуф — борлигини гул каби гўзаллаштириб, хеч бировни ранжитиб, унга тиканга ўхшаб зарар етказмаслик.

Мана шу ҳақиқатни англаган киши тасаввуфнинг асл моҳиятини билишда чалғиб кетмайди, деб ўйлайман. Афсуски, чалғишлар кўп бўлаётир. Бобур шеърятини ҳам кўр-кўрона ва зўракилик билан тасаввуфлаштиришга уринишлар борки, буни асло қувватлаб бўлмайди. Тасаввуфий мавзулар вақт-вақти билан Бобурнинг диққат-эътиборини ўзига тортган. Лекин у хеч вақт бу мавзуларни ёритишда бир сўфий ёки дарвеш ўлароқ қалам тебратмаган. Бобур ғазалларидан бирида:

*Жафодур жонга, бўлмағлик муқайяд олам аҳлига,  
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор этса, —*

деб ёзади. Бундоқ қаралганда, шоир ушбу байтда ёлғизлик, узлат, хилватнишинлик майлини тарғиб этаётганга ўхшайди. Аммо қийин бир вазият, мураккаб бир шароит таъсирида туғилган бундай ҳолат ёки кайфиятлар Бобур учун ўткинчи эди. Аксарият ҳукмдорларга хос ёлғизланиш ва танҳолик балосидан балки Бобур ҳам қочиб қутулолмагандир. Балки шу учун ҳам:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим, —*

дея ҳасратини қоғозга тўқкандир. Лекин булардан қатъи назар, Бобур одамга интилиб, бир умр эл меҳрини дил чароғи этиб яшаган. Унинг рубоийларида «аҳбоб» сўзи тез-тез такрорланади. Улардан бир нечасида, «Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим», «Аҳбоб, фирокингиз била эл нетгай», «Аҳбоб йиғинидин неча мен қолгаймен», «Аҳбобки базмида гулистон хостур» каби мисралар битилган. Бошқа бир рубоийда эса чин дўстларнинг йиғинини — фароғат, шундай анжуманнинг мавжудлигини — давлат деб билишини айтади:

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,  
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,  
Чун гардиши чарх будур, Тенгри учун,  
Бир-бири неча кун ғанимат тутунгиз.*

Инсон фарзанди, хеч бўлмаганда, «неча кун» қадар қисқа умрида бир-бирини ғанимат билишни ва ғанимат-



лик туйғуси ила бир-бирини кадрлашни уддалай олса эди, инсоният меҳрсизлик, бағритошлик, қахру ғазабдан бу қадар қақшамаган, кулфат ва мусибатдан бунчалик инграмаган бўлурди.

Бобур ориф шоир. Унинг маърифати ҳаммадан аввал одамни ва одамиятни тушунишга қаратилган. Унингча, одамни англаш — одамнинг дарди, ҳоли ва кадрини англашидир:

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,  
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.  
Мендин неча кўнглида губори бўлғай,  
Кетдим муна эмди топмағай гардимни.*

Бундай самимий, табиий ва ҳикматли мисралар ўқувчини китобий, сунъий, ялтироқ ва баландпарвоз сўзлардан тўқилган шеърларга қайрилиб ҳам қарамасликка ўртади. Бу ҳам жуда муҳим, албатта.

— *Бобур рубоийлари билан адабиётимизда янги саҳифа очди. Ойбек «Бобур рубоийлари шоир поэзиясининг чўққисидир», деганда нимани назарда тутганди? Умуман, Бобур рубоийетидаги ғоявий-бадший ўзига хослик нималарда яққол кўзга ташланади?*

— Абдулла Авлоний: «Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир», — дейди. Бу фикрга умуман эътироз бўлиши мумкин эмас. Оллоҳдан ҳам: «Ё Раб, дунёда Аршингдан улуг ва қудратлироқ нимани яратдинг?» деб сўралганда, «Ақлни. Аршни қучиб бўлмаганидек, ақлнинг ҳам сирсинаотига етмоқ душвордир», — деган экан. Ақли кулл, яъни ақли илоҳий хусусиятларидан сал-пал воқиф киши ушбу эътирофга юз фоиз ишонади. Афсуски, биз ақл тўғрисида ҳам мукамалроқ бир билимга эга эмасмиз. Руҳ хусусида-ку гапиришга ҳам ҳожат йўқ. Шу боисдан тасодиф ва муваққатлик, шошқинлик ва худнамолик бизни кўп ўйнайди, сарсону саргардон қилади. Бобур ишқ ва кўнгил ҳақида нечоғлик кўп сўзламасин, кўнгил йўлбошчилигини қанчалик тан олмасин, барибир Ақли куллга суянган, шу ақлни ўзининг бош мухофизи деб билган. Шу боис унинг ҳис-туйғулари, ғаму ҳасратларида бирор бир майдалик сезмайсиз. Бобур зулму ситами, найрангу ёлғонларининг ниҳояси йўқ дунёнинг қоқ ўрта-

сида туриб, кўнгил эшигини унга очмайди. Чунки дунё уни танимаса ва тан олишни истамаса-да, буюк ақл сохиби, беназир мутафаккир ўлароқ у дунёни танийди ва ҳукмини ҳам яширмайди:

*Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отни ҳам демакка бу дунё.*

Дунёку на ғам, на эъзозга арзимас экан, арзирлиси нима? Бобурнинг дилбар шеъриятидаги ғазал ва рубоийларнинг ҳар бири ғўё мана шу саволга бир жавобдир. У аҳли жаҳондан яхшилик кутмайди. Замондан яхшилик чиқмаслигини билади. Бироқ яхшиликнинг шарофати ва истиқболига ишончдан чекинмайди, чекинмаслик зарурлигини ҳам таъкидлайди:

*Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.*

Бобур Шарқ шеъриятининг қадимий жанри бўлмиш рубоийнинг маъно олами, руҳи ва оҳангларини янгилай олган эди. У рубоий шаклининг имконият ва талабларига асосланиб, ўзбек рубоийетини янги тақдир, янги фикр-қараш, янги-янги образли тасвир ва бадий бўёқлар билан бойитди. Бобурнинг рубоийлари — унинг дил изхори, дард, ҳасрат ва армонларининг очиқ баёни, юрт хижрони, давр, замон ва инсон толеи ҳақидаги ишқий, фалсафий, ирфоний мушоҳадаларининг ҳаққоний ифодасидир. Шу маънода Бобур рубоийларини қанча юқори баҳоласа ҳам арзийди. Бобур рубоийлари севилиб ўқилади. Улар тўғридан-тўғри юракка кириб боради, ақл-идрокни нурлантиради, ўзингни таниш, мавжуд аҳволингни билишда адашмасликка ўргатади. Ақл-хуши, фаҳм-фаросати жойида бўлган ҳар бир ўзбек мана шу учун ҳам шукрона айтишга бурчлидир. Албатта, Бобур рубоийларини ўқиганда буюк бир армон ва соғинч ҳисси дилни ўртади. Ўз майдалигинг, бечоралигингдан қаёнга қочишни билмай қоласан. Шунда сени ўйлатадиган, суяйдиган кадрдон сўзлар хотирага келади:

*Не чора қилай, нетайки, Тенгри ғўё,  
Меҳнатни менга ёр этти, меҳнатқа мени...*

— *Тарих инсон учун руҳий қувват бўлиши билан бирга катта сабоқ мактаби ҳамдир. Айтингчи, биз*

*«Бобурнома»ни фақат тарихни билиш, мозийда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқариш учун ўрганишимиз керакми ёки унинг бошқа муҳим сабаблари ҳам борми?*

— «Бобурнома» — бошдан-охир ҳаёт китоби, реал ҳаётда кечган, лекин маъно-мазмуни беҳад хилма-хил воқеа-ҳодисалар тасвирланган қомусий китобдир. Унинг қомусий характери муаллифининг қомусий иктидори ва салоҳиятидан юзага чиққан. Айни пайтда, «Бобурнома» Шахснинг тарихдаги роли, ўзига хос хизмати, кураш йўли, маслак ва матонатини кўрсатувчи ибратли асар ҳисобланади. Ундаги марказий қахрамон, албатта, Мирзо Бобур. Шунинг учун ўн икки ёшида Фарғона тахтига чиққан ўспирин шаҳзоданинг Шахс сифатидаги шаклланиши, мустақил ва мустаҳкам бир давлат бунёд этиш мақсадидаги амаллари ва подшоҳлик тақдирини ўқувчи қизиқиш билан кузатиб, янада кучлироқ қизиқиш ила билиб, мушоҳададан ўтказиб боради. У кузатган, билган, ёқлаган ёки инкор айлаган воқеа-ҳодиса ва маълумотларнинг айтарли барчаси, энг аввало, Бобурнинг кимлиги, инсоний моҳиятининг туб замини ва илдизлари нималарга асосланганини чуқур англашга хизмат қилади. Бунда Бобур характеридаги очиклик, холислик, тўғрилиқ ва жавонмардликнинг жозиба қувватини эсга олмасликнинг иложи йўқ. Муддао янада равшанлашиши учун бир мисол келтирмоқчиман. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Отабекнинг «Бобурнома»ни ўқиши ҳақида сўзлайди. Нега бошқа бир асар эмас, айнан «Бобурнома» танланган? Биринчидан, қай бир зайлда Бобур ва Отабек қисматдош. Бобур тожу тахт учун жангу жадал қилса, Отабек бахт учун олишади. Бобурга қарши сиёсий адоват ва душманлик қилич кўтарган бўлса, Отабек ифво, фитна, ҳасад бандаларининг пичоғига кўксини қалқон қилган ва хоказо. Отабек фитна, адоват боис ўлимга ҳукм этилганда ҳам таҳликага тушмайди, кўрқиб-қақшамасдан хон ҳузурида «Ҳақсиз жазо», дея эътироз билдиради. Энди айтинг, Отабекнинг сийратида кўрқоқлик, номардлик мудраб ётганида ёки «айбдор» сифатида хон қаршисида титраб-қақшаб ўзгача ахволга тушганида, унинг «Бобурнома»ни ўқиши оқлармиди ўзини? Мутлақо оқламасди. Демокчиманки, кеч-

миш тарихни, адабиёт, илм-фан, маданиятимизни билиш учун «Бобурнома»ни ўқиб-ўрганиш зарур. Лекин борлигимизни бири-биридан увок, бири-биридан ўткинчи майллар таъкиб этиб турса, хурлик ва ростликни шарафлаб, ёлғон ва мутеликдан хижолат чекмасак, ичимизда номардлик, соткинлик, хашакилик туйғулари яшнаб турса-ю, Бобурнинг жасорат ва жавонмардлигини мадҳ айласак — бундай ҳолатда «Бобурнома»даги бош моҳият, бош ҳақиқат, маънавий-руҳий қудрат сирасорини кашф этолмай, сўз ва ҳарф чайнашдан нари боролмаймиз. «Бобурнома»га ўхшаш китобларни мутолаа қилганда, «Қандай ўқиш керак?» деган саволга асосланиш камлик қилади. Бунга «Ким бўлиб ва нимани кўзлаб ўқиш керак?» деган савол ҳам кўшилмоғи лозим, албатта.

— *Навоий ва Бобур ўзбек мумтоз адабиётидаги муаззам икки чўққи. Бу чўққи буюк халқ қалби ва руҳидан юксалган. Бетакрор истеъдод соҳиби Мақсуд Шайхзода улар ҳақида шундай ёзган эди: «Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин». Менимча, икки буюк шоир кўнглини бир ипга боғлаб, ягона мақсадга бирлаштирган — сўз, адабиёт, миллат, адолат ва ҳақиқат эмасми?*

— Маълумки, адабиёт иши — қисмат иши, ҳақиқат ва шижоат иши. Бадиий ижодга ўзини бағишлаган кишининг масъулияти машаққатдан, ранжу азоблари роҳату фароғатдан ортиқдир. Лекин у қийналаркан, оромга етади, кайғуга чўмаркан, шодлик ва қувонч топади. Навоий ва Бобурдек буюк сўз санъаткорлари учун Ватан, миллат, ҳақиқат, эзгулик тушунчалар эмас, балки қудсий борлиқнинг хилма-хил тажаллилари эрур...

Бобур учун Навоий «назири йўқ» устод эди. У бошқа шоиру ёзувчилардан кўра Навоийга кўпроқ эргашди, унинг «туркий тил била» айтилган «кўп ва хўб» ижодиётини шеъриятдаги биринчи ва доимий мактаби деб билди. Бобур ижодининг дастлабки босқичидан бошлаб Навоий шеърияти билан мунтазам равишда машғул бўлган. Бу ҳақда қуйидаги факт ҳам маълум бир тасаввур бериши шубҳасиздир. Бобур ёзади: «Одина қуни ойнинг йигирма учиди (1519 йил) Алишербек-

нинг тўрт девонидин бухур, авзон тартиби била газаллар ва абётким, интихоб қилилодур эди итмомига етди». Бобур Навоийдан, аввало, ҳаётга, инсонга эътиқодни, юксак содикликни ўрганди. Айниқса, Навоийнинг ватанпарварлик туйғулари ифодаланган шеърлари унга илҳом бағишлаган.

*Ватан таркин бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама...*

Ажабмаски, Навоийнинг ушбу фикрлари Бобурга башорат бўлиб туюлган бўлса. Негаки, Бобур дилида Ўрта Осиёни ягона қудратли давлатга бирлаштириш эътиқоди ғалаён қилар, шу мақсад ва ҳаракати билан ўзаро қирғин қабоҳатларга барҳам бермоқчи бўлди. Лекин тарихнинг шафқатсиз тўлкини Бобурнинг орзу кemasини чилпарчин қилиб, ўз азиз тупроғидан бадарға этди.

Бобур «охируламр» «ўз ерни қўйиб Ҳинду Афғон сори» юзланди. Бобурнинг юксак ҳиссиётларга бой шоир юраги ўшанда дилбар Фарғона, азиз Андижон тупроқларида қолган. Бобурнинг эрк ва эзгуликка ташна қудратли Руҳи улуғ Самарқанддан ажралмаган. Шоир олис ўлкаларда диёрини қўмсаб кўп рубоийлар ёзган. Бу шеърларнинг айримлари эса бевосита Алишер Навоийдан илҳомланиб, улуғ устози рубоийларига татаббу сифатида яратилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий ва Бобур мумтоз адабиётдаги бир-бирига елка тутиб турган икки муаззам тоғдир.

*— Бобур қалбида армонларга қоришиқ Ватан яшаган. Шу боис унинг қайғусида киши ўз қайғусини, унинг қалбида ўз қалбини кўради. Бобурни ўқиганинг сайин Ватан — Ўзбекистон меҳри юрагингни иситади. Шоирнинг тажриба-ю сабоқлари йўлингни ёритади. Оддий бир гийҳ ҳақида ёзганда ҳам Ватан сийрати ва сурати акс этади. Унинг асарларида шаклни мазмундан ажратиб бўлмайди. Адабиётшунос олим сифатида Бобур ижодини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлардан кўнглингиз тўладими?*

— Фанимизда навоийшунослик сингари бобуршунослик деган мустақил тармоқ бор. Бу бир-икки кишининг

меҳнати билан юзага келган бир илм тармоғи эмас, жуда кўп олимларимиз унга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшишган. Бу ўринда барча бобуршуносларимизнинг исм-шарифлари ва тадқиқотларини номма-ном санашнинг имкони йўқ. Лекин Бобурнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган тадқиқотларнинг аксариятини мен қадрлайман. Маълумки, шўро замонида Бобур ҳақида ҳамма гапни бемалол очиқ-ойдин айтиш ва ёзишнинг иложи йўқ эди. Ҳозир сиёсий тўсиқ ва назоратлар барҳам тонди. Шунинг учун юксак савия, фидойилик билан янги-янги тадқиқотларга қўл уриш зарур. Чунки Бобурнинг илмий ва адабий мероси маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимизнинг бебаҳо хазинаси эрур.

— *Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.*

Суҳбатдош **Амина Қодирова,**  
*«Ишонч», 2004 йил февраль.*

## ТАСАВВУФ ВА АЁЛ

— Ҳазрати Момо Ҳавво ерга тушгандан бери дунёга неча минг-минг закий ва доно, ишқнараст ва ишқнафас аёллар келиб кетди. Биринчи гуноҳкор (осия) аёл Момо Ҳавво эди. Ва биринчи сўфий (сўфи аёл) ҳам ўша зот эди. Чунки Оллоҳ амрини эшитган, ерда заҳматлар чекиб, тавба-тазарру қилиб покланган, дунёга ўз вужудидан одам фарзандларини тарқатган Аёл удир. Ва балки шу сабаб Одам фарзанди кўнглидаги Оллоҳга бўлган ишқ, жаннат соғинчи шу Аёл туйғуларидан яралиб, мерос бўлиб қолгандир. Негаки, Дил Аёл кўксига яқин. Ва Она ўз фарзандига меҳр сунтини, муҳаббатини беради. Дил эса меҳр мавзеи, муҳаббат макони, Оллоҳ манзаридир. Ва шу сабаб ҳам Аёл зоти меҳр-муҳаббатга эркакдан кўра кўпроқ ташина, кўпроқ муҳтож бўлади. Ва шу сабаб ҳам Аёл зоти севса, ўзини унутиб севади. Кўпроқ ақл ҳукмларига қараб эмас, кўнгил туйғуларига суянади. Шу сабаб ҳам аёл зоти Ишқ деган Нур билан Оллоҳга интилади. Бу жазбада у ўзини боғлаб турган ҳамма кишанларни, ҳатто унинг учун энг катта тўсиқ бўлган эркак зотига тегишли кишанларни узиб ташлайди.

Нақл қилишларича, Оллоҳ аёл зотини тупроқдан эмас, балки Одам Атонинг қовурғасидан бино қилди. Аёл зоти шу жиҳатдан эркак зотининг илоҳий мулки, омонати бўлиб қолди. Ва балки шу сабаб — уларнинг бир вужуддан яралганлиги — дунёда аёл ва эркак зотининг узилмас муҳаббатини вужудга келтирди.

Ҳа, аччиқ ҳақиқатки, Аёл бу жиҳатдан Эркак зотига қарам, унинг ҳимоясига муҳтож бўлиб қолди. Аммо Рух-чи? Жисм Одам Ато жисмидан яралган бўлса-да, руҳ Оллоҳдан эди-ку! Рух ёлғиз эди. Ва шу сабаб Момо Ҳаввога Оллоҳ руҳ ато этди. Рух қайтгувчидир ҳукмига кўра руҳнинг ўз манзили томон, ўз эгаси томон тортилиши табиий эҳтиёж эди-ку, бу Ишқ олдидан жисм кишанларининг тупроқчалик эътибори йўқ эди.

Мен Аёл руҳияти ва унинг муҳаббатга муҳтожли-

*гини шундай тасаввур қиламан. Ва одамзод тарихида учраган сўфий аёлларнинг илоҳий ишқи, ҳаёт йўли ва фаолияти шу ишқнинг, шу Илоҳий жазбанинг (тортилишининг) у ёки бу кўринишлари, деб ўйлайман.*

*Иброҳим ака, сиз кўп йиллардан буён тасаввуф тарихи, илми билан шуғулланасиз. Сўфий аёллар ҳаётига ўзгача назар билан қарашингиз табиий. Сиз тасаввуфнинг Аёл руҳиятига таъсири, Аёлнинг тасаввуфдаги мавқеини қандай изоҳлайсиз?*

— Одам Атонинг яратилиши — дунёнинг яралишидан кейинги энг буюк, энг оламшумул ҳодиса. Лекин биринчи Аёл — Момо Ҳаввонинг яралиши билан наинки Одамнинг, балки оламнинг қисматида туб бурилиш, янгиланиш ва илгарилаш даври бошланган. Мен Сизнинг Аёл ҳақидаги гапларингизга деярли кўшиламан. Ўйлайманки, Аёл ва аёллик хусусида қанча баҳс юритилмасин, аёллик олами нақадар теран ва кенг мушоҳада этилмасин, барибир сир сирлигича қолаверади. Яъни Аёл қалби ва руҳоний имтиёзлари, нафосат ва гўзаллиги тўғрисидаги бизнинг тасаввур ёки англаганларимиз ўша Сирнинг зарралари ва шарпалари бўлиши мумкин.

Ҳожи Бектоши Вали ўзининг машҳур «Мақолот» рисоласида «Оллоҳ она бағрини чақалоққа меҳроб этар. Чақалоқ сажда қилар ва сажда баракотидан онаси шубҳали нарсалардан сақланадиган бўлар», — дейди. Бу ҳодисанинг ҳақиқатларини ким аниқ ва беҳато изоҳлай олади? Ҳеч ким.

Момо Ҳаввонинг яратилиш тарихига қайтсак: ислоний нуқтаи назардан у чинданам Одам Атонинг ковурафасидан пайдо этилган. Демак, аёлнинг мазҳари — эркак. Аёлнинг эркакка интилиши нечоғлиқ табиий бўлса, эркакнинг аёлни севиши ҳам шунчалик қонуний. Шунинг учун улрдан бирлари иккинчисига паст назар билан қараши, моҳиятда кескин зиддият ва ихтилофлар топишга уриниши саёзликдан бошқа бир нима эмас. Умуман, Аёл масаласи тасаввуфда қандай ҳал қилинган? Зебохон, гапни сиз қайта-қайта тилга олган Рух муаммосидан бошласам. Рухи инсоний ва Рухи ҳайвоний деган ибораларни эшитгансиз. Узвий ва самовий бўлмиш руҳи инсоний амр оламига мансуб бўлса, башарий мазмун касб этувчи руҳи ҳайвоний халқ ола-



мига тегишли. Қалбдаги туйғу ва ҳаракат кучини ифода-  
далайдиган бу рух ҳам латиф бир мавжудлик. Қачон-  
ки руҳи илохий ана шу нафсдан ғолибликка эришса,  
инсон руҳи бошқа ҳайвонларникидан бутунлай фарқла-  
нувчи янги моҳият ва хусусият касб этаркан. «Нафс-  
нинг шаклланиши демак, — дейди Абу Хафс Шаҳо-  
биддин ас-Сухравардий ҳазратлари, — руҳи инсоний-  
нинг руҳи ҳайвоний устидан ғолиб чиқиши ва шу тарз-  
да руҳи ҳайвонийнинг ҳайвонлардаги рух жинсидан  
ажралишидир». Сухравардийнинг айтишича: «Ҳазрати  
Ҳавво волидамиз халқ оламидан, Ҳазрати Одам эса  
амр оламидан яратилган... Улар орасида юзага келган  
ўзаро севги руҳи ҳайвоний ила руҳи инсоний орасида-  
ги бир ишқ ва яқинлашувдан ҳосил бўлмиш». Шу  
маънода бу икки буюк зот ўртасида мутлақ бир тенг-  
лик, холислик, табиий таважжуҳ ҳоким бўлган, дейиш  
мумкин.

Тасаввуфда аёлга муносабат бир қадар мураккаб ва  
хилма-хил. Тариқат арбоблари бор: нафсини енгиб ру-  
хий комилликка эришган аёлни малакка тенг, ҳатто ма-  
лакдан-да устун қўйишган. Тариқат вакиллари борки,  
аёлни шайтонга тенг кўриб, нафс тимсоли деб билишган.  
Хужвирий ёзади: «Жаннатдаги илк фитна хотин туфай-  
ли, ер юзидаги илк фитна ҳам хотин туфайли бўлган.  
Одамни тақиқланган мевани ейишига хотин сабабчи эди.  
Қобил Ҳобил хотин учун ўлдирилди. Оллоҳ Ҳорут ва  
Морут исмидаги малакларни азоблашни хоҳлаганда улар  
аёл фитнасидан жазоланишди. Бироқ булар зоҳирдаги  
фитналар. Ботиндаги маънавий фатналарни бунга киёс  
этиб бўлмас...»

Мана шундай фикр ва тушунчаларга кўра Ҳайдарий,  
Қаландарий тариқидаги дарвешлар умуман уйланмаслик-  
ни пиор қилиб олганлар (Пайғамбаримиз эса роҳиблик-  
ни манъ қилганлар).

Эҳтимол, хийла, макр, фитна жабҳасида Аёл қавми-  
нинг «моҳир»лиги баландроқдир. Эҳтимол, аёл табиати-  
да шайтоний сифатлар устунроқдир. Аммо умуман, шун-  
дай фикрларни ҳамма аёлга нисбат бериш тўғрими? Мут-  
лақо нотўғри. Ҳазрат Навоийнинг китъаларидан бирида-  
ги:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ,  
Пок хотинлар аёгиннинг изи, —*

деган гапларига менда заррача ҳам иштибоҳ йўк. Қалб покизалиги, ахлоқ гўзаллиги ва нозикликда Аёл хар қандай эркакни йўлда қолдириб кетишига жоҳил кимсаларгина ишонмаслиги мумкин.

Мавлоно Румий ҳазратлари: «Аёл ақлли кишиларни ва кўнгил аҳлини мағлуб айлар. Бироқ разил ва жоҳилларга мағлуб бўлур», дейдилар. Аёлнинг ғолиблигин билиш ва тан олиш учун ҳам юксак ақлу фаросат керак. Тасаввуфда кўнгил аҳли кўпчилик бўлганлиги учун ҳам аёлга бениҳоя баланд ва ибратли назар билан қарашган. Албатта, бунда фақат Аёлнинг аёллиги, зоҳирий гўзаллиги эмас, биринчи галда тафаккур ва маърифат даражаси, илоҳий гўзалликни идрок этиш салоҳияти, дид ва кўнгил олами эътиборга олинган. Биз «Ишқ», «Мухаббат», «Севги» сўзларини кўп эшитамиз. Лекин бу сўзларнинг замирида нафсоний туйғулар завқидан бошқа яна нималар мавжудлигига айтарли қизиқмаймиз. Холбуки, маърифат ва рухониятдан ёлқинланмаган сеvgи барча адашиш, барча хатолик ва ботил ҳавасларнинг дояси ҳисобланади. Шайх Нажмиддин Кубродан «Мухаббатнинг қаноти баландми, маърифатнингми?» деб сўралганда, «Маърифатнинг қаноти кўп баланд», деган эканлар. Биз ана шу ҳақиқатнинг мағзини чақишимиз, рухоний ишққа етишиш сирлари билан кенг қизиқишимиз зарур, деб биламан. Бу эса ўз-ўзидан миллат кўнглининг сифат ўзгариш ва руҳи инсонийнинг ҳайвоний нафсдан устунлашувига хизмат қилади.

— *Сиз юқорида баъзи тариқатларда аёлга наст назарда қараш, аёлдан «қочиш» ақидаси бўлганлигини айтдингиз. Умуман, одам одамни севмасдан, Оллоҳни севиши мумкинми? «Мажозий ишқ, аниқроғи, аёлни севиш илоҳий ишқ камолига зарар етказади. Ҳақ ошиғини чалғитади», деган фикрларга қандай қарайсиз?*

— Оллоҳни Оллоҳ учун севган кишилар бўлган. Булар ишқда фанолик саодатига эришган зотлар. Бошқа бировлар Оллоҳни ҳам Оллоҳ учун, ҳам ўзлари учун севишган. Ибн Арабий айтмоқчи, бу ишқ, бу ҳолатнинг ҳар иккиси ҳам гўзал. Аммо уларнинг ҳар иккисида ҳам мажозий ишқни инкор айлаш ёки инсонни камситиш ва таҳқирлаш йўк. Зеро, кимда-ким чиндан ҳам Оллоҳни севаркан, ўзи истасин-истамасин, Оллоҳ яратган бар-

ча гўзал мавжудотларни, аввало, инсонни севади. Акс холда, даъво билан маъно орасида бирлик, тўла боғлиқлик бўлмайди.

Аёлни яхши кўрмаган, аёл муҳаббатидан қалби нурланмаган, шу севги таъсирида ахлоқида бир латифлик, ақлу идрокида олижаноблик ва фидойилик туйғулари барқ урмаган эркакнинг ишқига ишонмоқ қийин. Ким бўлмасин ва қайси руҳоний мақомга кўтарилмасин, олий ва бир маънода, олий ва бир савияда Эркак Аёлнинг кули эрур. Хурликка, эркинликка даъвогар эркак ана шу қуллик «водийлари»ни кечиб ўтмоғи шарт. Шундагина унинг кўнгли чаёнзор, илонзор эмас, гулзор бўлади. Келинг, яхшиси бир ривоят айтай.

Нақл қилинишича, Шерозда бир буюк Шайх бўлган экан. Эрталаб муридларига ваъз айтиш учун кетаётса, бир киши келиб: «Эшагимни йўқотиб қўйдим, тонишга ёрдам қилинг», — дебди. «Ваъзни тугатгунимча эшикнинг ёнида кутиб тур», — дебди Шайх. Иш охирлагач, у жамоатга мурожаат этиб: «Орангизда ҳеч пайт ошиқ бўлмаган киши борми?» — дея сўрабди. Шунда ўтирганлардан бири шоша-пиша ўрнидан турибди. Шайх сўрабди: «Муҳаббат дардини чекмаган сенмисан?» У кимса «Ҳа», деган ҳамон Шайх кутиб турган одамни чақириб, «Эшагинг топилди. Мана, ол уни!» — деган экан. Мутасаввифларнинг башарий ишқни «афиф ишқ», «зариф ишқ», «мажозий ишқ» дея аташларининг ўзиёқ улар «Мажоз -- ҳақиқатнинг кўприги» (хадис) эканлигига тўлиқ ишонганликларидан далолат беради. Ибн Арабий «Футухоти маккия»сида «Хотиннинг хислати, ундаги сир ва ҳикматни билганлар хотинга талпинмасликлари ва уларни севмасликлари мумкин эмас. Хотинларни севмак орифлар учун камолдир», дейди.

— *Шундай орифлар ҳозир ҳам борми?*

— Орифларни билмайману, хотин хислати ва ҳикматини ҳар холда яхши фаҳламайдиган эркаклар бор. Лекин уларнинг сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бораётир.

— *Сабаб нимада?*

— Сабаби кўп. Биринчиси, моддий ҳаёт тарзининг ўзгариб, маънавий фазилатга қараганда, моддий манфаат «нарх»ларининг ошиб кетганида. Бир ҳақиқатдан

сира кўз юммаслик лозим: пулни, мол-дунёни севган кимса гўзалликнинг кадрилини ҳам, завқини ҳам англай олмайди. Фақат соф ва холис ишқ инсоннинг кўнглига куч бағишлайди ва ахлоқни поклайди. Акс ҳолда муҳаббат ҳам бозор «махсулот»ига айланиб қолади. Яна бир сабаб. Давлат маънавият ва маърифатни сиёсатнинг устувор йўналиши деб эълон қилди. Маънавият ва маърифат ривожини кўзлаб махсус қарорлар, фармонлар чиқди, кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, нашр этилаётган мақолаларнинг сони беҳисоб. Лекин натижа қандай? Очиги, натижа яхши эмас. Аксарият ёшларда илм ва маърифат шавқи йўқ. Мустақил фикрлаш лаёқати суст. Айниқса, диндорлик даъвосидаги айрим қизларимизнинг онг маҳдудлиги хайрон қолдиради. Чунки улар адабиётдан йироқ. Санъатни севишмайди. Тарихни деярли билишмайди.

Агар мендан: «Қандай қизларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш керак?» деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан: «Билимли, замонавий ва диний ҳиссиёти ўткир Раънога ўхшаш қизларни», — деган бўлардим. Абдулла Қодирийнинг даҳо санъаткорлиги шундаки, у шўро босқини ила авж олган маънавий-рухий бухронлар ичида миллат онги қандай офатлар исқанжасида қолишини аниқ билган. Миллат характеридаги қанақа ожизлик ва нуқсонлар юзага қалқилишини, хатосиз кўра олган. Шунинг учун романларда яратилажак бош қаҳрамонларига миллат дунёқараши, миллат Рухонияти ва миллат табиатида доим собит сақланиши шарт бўлган фазилат ва хислатларни маҳорат билан умумлаштириб тасвирлаган. Шу маънода Раънога озроқ тўхталсак.

«Меҳробдан чаён»нинг биринчи фаслини Қодирий Солих Маҳдум, Нигор ойим, уларнинг тўнғич фарзанди Раъно ва «Раънонинг эгасига» бағишланган тасвирлар билан бошлайди. Ўқувчи Раънони илк маротаба «ҳовли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб, уларнинг «лой ўйинига» иштирок этгани ва «ер супуриб ётган соч ўримларининг тупроққа белашганидан хабарсиз» бир ҳолатда кўради. Табиатида ҳали болалик сақланиб қолган, ҳали болалик ўйинларига иштиёқи сўнмаган мана шу гўзал киз ўн етти ёшни тўлдириб, ўн саккизга қадам қўйган эди. Адиб аввалига гўё Раънони зоҳиран таништиради. «Раъно» деб номланган еттинчи фаслида эса унинг ботиний хусусиятлари, илм даражаси-

дан ҳам баҳс юритилади. Раъно «Саводни отасидан ўқиб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб программаси бўлган барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан — «Хафтияк», «Қуръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Маслак ул-мутаққин», адабиётдан Навоийнинг барча асарлари, «Девони Фузулий»... «Лайли ва Мажнун», Амирий, Фазлий ва шулардек чигатой-ўзбек катта шоирларининг; форсдан — Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил; хуснихат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса, бир томондан кизларга сабоқ бериб, онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасидан қофия (араб нахв ва сарфи) ҳамда Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс олади ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадий асарларидан алоҳида бир мажмуа тuzиб юрийдир...»

Лекин бу хали ҳаммаси эмас. Раънонинг кўнгли шеърга ҳам ошно, «ўзича манзумалар» ҳам тўқийди.

Кейинги пайтларда ўн тўрт-ўн беш ёшларда «Хафтияк» ўқиган, «Қуръон» кироат қила оладиган, анчамунча диний адабиётлардан хабардор кизларимизнинг пайдо бўлиши шахсан мени қувонтиради. Хўш, булар орасида «Навоийнинг барча асарлари»ни ўқиб чиққанлари топиладими? Менимча, топилмайди. Форсийда хофизхонлик ёки бедилхонлик ила машғул кизларимизни қаерда учратгансиз? Бизда шоирлар анча, аммо шулардан нечтасини Раъно қадар билим ва савияга эга дея оласиз? Албатта, китоб ўқиш билан ҳамма нарса ҳал бўлиб қолмайди. Маънисеварлик ва мохиятбинлик истеъдоди бўлмаса, ҳатто илм ҳам фойдадан кўра зарар етказиши мумкин. Аҳмад Рифоий: «Қанча илмлар борки, натижаси жаҳолат ва билимсизликдир. Қанча илмсизликлар бордурки, самараси илм эрур...» деганида нечоғлиқ ҳақ эканлигини ўзимиз кўриб, бошимиздан кечириб ўтирибмиз. Гап шундаки, улуғ Қодирий ўтган хон ва султонлар замонида ҳам «нодир учрайтургон якто фозила кизлардан» ҳисобланган Раъно дин ва шариятни билиш билан чегараланиб қолмаган. Уни тасаввуф ҳам қизиқтирган. Унинг ахлоқий сифатлари бевосита тасаввуф тушунчалари, энг безавол тасаввуфий ҳистуйғулар таъсирида шаклланиб борган. Бунини ёзувчи сўз ва фикр билан эмас, бутун роман давомида имо-ишоралар билан таъкидлаб ва тушунтириб боради. Буларни пайқаманган ўқувчи Анвар ва Раънонинг кўнгил оламига эркин кира олмайди.

Эсингизда бўлса, хон совчилари иккинчи маротаба кириб, тўй кунини тайинлашидан олдин Анвар билан Раъно учрашиб, суҳбатлашадилар. Шунда Анвар бошига тушган оғир савдонинг сабабларини Раънога тушунтирар экан, ифлосликка енг шимарганлар нимага эришажаклари ҳақида дейди: «...улар бизни бир-биримиздан ажрата оладиларми? Йўқ. Мажозий ажралиш — ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий боғланмаганмиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш ифлослар уҳдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икков нега хафа бўлайлик, Раъно? Ишқ даъвоси авом ўйлаганча васл эмас, ҳажрдир. Зеро, висол ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир». Тасаввур қилинг: Раъно тасаввуфнинг марказий тушунчаларидан бўлмиш мажоз ва ҳақиқат сирларини аввалдан билмаганида, ишқда ҳақиқий нажот васлда эмас, ҳажрда эканлигига ишонч ҳосил этмаганида, ёзувчи Анвар тилидан юқоридаги фикрларни изҳор этармиди? Анвар: «Сен шу иккисидан қайси бирин танлайсан?» — деганда, Раъно аввал жавоб бермайди. Савол яна такрорлангач, у: «Мен кейингисини...» — дейди. Тўғри, Раъно «хоннинг ифлос тўшагида» ётишни истамаганлиги учун шундай дейди.

Бугун тасаввуф ҳақида сўзлаганимизда, тасаввуф — бу қисмат иши, яшаш тажрибаси, виждон тарбияси, руҳ ва кўнглини жилолантириш малакаси эканлигини етарли даражада билмоғимиз керак.

Камина қизларимизда Раънодаги бир-биридан гўзал ва ибратли фазилатларни кўришни истардим. Айникса, тафаккур меҳнати ва адабиётсеварликни.

— *Аллоҳни севиш эҳтиёжи дунёни тоза кўриш эҳтиёжидан келиб чиқади. Аллоҳни севган, дунёни Аллоҳ нури билан кўрган инсон Ҳаётнинг асл моҳиятини англаб етган ва ўзгаларга англата оладиган инсондир. Эркак киши бу туйғуни ақли билан етказди. Аммо Аёл бу ишқни қалб билан бера олади. Дунёга Ҳазрати Баҳовуддин, Бухорий, Яссавий каби зотларни берган зот, аввало, онадир. Баҳовуддин ҳазратлари зиёратига борган киши аввал у кишининг волидаларини зиёрат қилади. Ўз заминимизда ҳам Қизбиби, Биби Мусаллам, Тигинабегиммоҳ каби маълум ва номаълум валий аёлларимиз кўп ўтган. Шу кишиларнинг баракоти туфайли инсоният ўз олдигаги вазифаларни*

уддалай олган. Ўз маънавиятининг тоза ўзанларини сақлай олган бундай покдомон, Аллоҳ ёди билан ёнгувчи Аёл бағрида яралган гўдак бир кун келиб жаҳонга маърифат нурини таратган, авомга бошчи бўлган, жамиятни поклаган. Бу зотлар вақти келиб янги тариқатларга асос солган, Аллоҳга борар йўлларнинг энг тўғриси — Дини Исломни мустаҳкамлаганлар. Жамият ва Аёл, Аёл ва жамият — бу бир-бирига боғланган иккита ҳалқадир. Тоза жамиятни тоза оила яратади. Тоза оилани тоза аёл яратади. Яъни демоқчиманки, жамиятни, оилани тоза сақлашда Аёл кишининг вазифаси Эркак кишининг вазифасидан кўра икки ҳисса кўпдир. Шундай эмасми?

— Окила ва покдомон аёл истикомат қиладиган хонадонлардаги файз ва осойишталикни бирор нарсага тенглаштириб ёки қиёслаб бўлмайди. Чунки унда қандайдир илохийлик, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам одамни суяйдиган хикмат бор. Халқимизда «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин», деган мақол бор. Мазмун эътибори билан бу зўр мақол. Зеро, оилани — оила, жамиятни — жамият қиладиган ҳам хотин. Кўп ҳолларда эркак катта ёшдаги бир «бола». Тўғри, уни бошқариш қийин, аммо англаш анча осон. Зебохон, мен аёлларнинг аёл тўғрисидаги чиройли ва «нақшинкор» сўзларига эмас, балки амалий ишларига, туғма виқор ва табиий камтарлигига ишонаман. Атоқли шоирамиз раҳматли Зулфия опа билан биринчи бор учрашиб, суҳбатлашганимда ана шундай виқор ва камтарликни кўриб қойил қолганман у кишига. Одамлар баъзан самимиятнинг камайиб бораётганлиги ёки самимиятсизликдан нолишади. Бунинг сабабларини биринчи галда аёл табиатидан ахтариш керак. Зеро, самимиятнинг ҳақиқий посбони аёл. Мен гоҳо ўз бувиларимни соғинаман. Қанча вақт, қанча замон бўлди уларнинг вафотига. Лекин «ўлган» дейишга тилим бормади. Ўзимча гап-сўзларини эслайман. Шафқат тўла меҳрли нигоҳларини қўмсайман. Соддадиллик ила айтиладиган насиҳатларини эшитгим келади. Биласизми, шулар менга енгиллик беради, қайси бир қийноқли дамларда мени суяйди. Фароғат бувим (онамнинг оналари) «Тириклар — ўлик, ўликлар — тирик, болам», деган гапни тез-тез такрорлардилар. Энди англасам, шу ҳадис тушунчаси у кишининг қалб

мулкига айланган ва бу дунёнинг ҳамма ишлари, ҳамма ташвишларига ўзларича бир фано назарида қарай олган эканлар. Хокисорлик, қаноат, захматқашлик, оқибат туйғуларини айтмайсизми? Демокчиманки, оналик мартабасига қиз чоғидаёқ, бувилик мақомига оналикдаёқ тайёрланиш лозим. Бу мартаба ва мақомга муносиб умр кечиришдан ортик садоқат ҳам, саодат ҳам йўқ. Хуллас, аёл ва аёллик муаммоларини ҳар томонлама инобатга олмай ва ҳал этмай туриб миллатнинг на ахлоқий, на маънавий ва иктисодий-сиёсий ахволини тубдан ўзгартириб ёхуд юксалтириб бўлмайди. Шах тарбияси ва балоғати бевосита аёлдан бошланади. Билим савияси паст, кундалик турмуш ташвишлари ва оила қобигидан нари жила олмайдиган, иродаси мўрт онадан ақл-идроки баланд, заковатли бола туғилади, деб ўйлаш хомхаёлдан бошқа нарса эмас.

— *Ҳа, оилада оталик мавқеи олдинда. Бир машина рулини икки киши баб-баробар бошқара олмаганидек, ота бажарадиган кўп ишларни онадан талаб қилиб бўлмайди. Бироқ рўзгор, бола, эр ҳаёти билан алоқадор шундай юмушлар борки, буларни санъат даражасида уддалай олмаган аёл ўзи сезиб-сезмаган ҳолда оила қувватини сусайтириб боради.*

*Жаноб пайгамбаримиз с.а.в. иймонли аёлга уйлашни буюрганлар. Иймонли аёл солиҳ фарзандларни улғайтиради. Бундай фарзандлар эса ўзгаларнинг ҳақидан қўрқадиган, ота-онаси, ака-укалари, дўст-ёрларининг ҳаққини тўлиқ адо этадиган, меҳрибон, диёнатли инсон бўлиб етишади. Ва айнан шу инсон жамият юқини кўтара оладиган Шахсга айланади. Профессор Маҳмуд Асъад Жўшон айтганларидек, бола туғилгунча Ота уч нарсани қўлга киритган бўлиши керак. Биринчиси: иймонли, тақволи, солиҳа аёлни танлаш. Иккинчиси: никоҳ ила уйланиш. Учинчиси: унга ҳалол луқма едириш. Негаки, ҳалол вужудда ҳалол луқма еб ўсган бола тоза гул каби атрофига хушбўй ҳид таратади. Аммо ҳозир ўзини иймонли деб билган баъзи аёлларда тақво нишонасини кўрмайсиз. Никоҳ деб аталган нарсани фақат ҳужжат биллиб, унинг моҳиятидан бенасиб аёлларни кўриб ачинасан. Фийбат, гараз, ҳасад, кин, туҳмат каби балолар ҳалол луқма эмас, гумон луқмаларининг асорати*



*эканлигидан куясиз. Жамиятимиз учун бугунги кунда маънавияти юксак, маърифатли аёл нақадар кераклигини ич-ичдан ҳис қилсангиз керак. Ҳар муслима сўфия бўлмайди, аммо ҳар муслима мўмина бўлиши керак. Балки менинг мулоҳазаларим сизда эътироз уйғотар?*

— «Халоли ҳисоб, ҳароми — азоб», деган халқ нақли бор. Чуқурроқ назар ташланса, барча азоб, кулфат, мусибат ва бахтсизликлар ҳаром луқмадан юзага келади. Ҳаром луқмадан сақланиш — дунёдаги барча ёмонлик ва толесизликлардан сақланиш демак. Шу боис динда ҳам, тасаввуфда ҳам бу ишга ниҳоятда қатъият билан қаралган. Алишер Навоий тасаввуфда ҳалол луқма энг муҳим талаб бўлиб, ундан файз ва маърифат туғилишини айтганди.

Ҳозир «Кашф ул-махжуб»да ўқиганим ҳайратланарли бир воқеа эсимга келди. Нақл қилинишича, машҳур шайхлардан Аҳмад Нишопурий унинг зиёратига келган бир қанча буюк зотлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Шу пайтда ўғли маст бир ҳолатда, уд чалиб, саломаликсиз, йиғилганларга ҳурматсизлик кўрсатиб, ичкарига кириб кетибди.

Албатта, бундан меҳмонлар ранжишибди. Буни сезган Нишопурий дебди: «Бу ўғлонни маъзур тутинглар. Чунки бир кеча қўшнимизникидан овқат келтирилган эди. Эру хотин уни едик, ётдик. Лекин ғафлат босиб саҳарга туролмадик. Кейин бунинг сабаби билан қизиқдик. Равшан бўлдики, қўшнидан чиқарилган таом ҳалол эмас экан... Еган ўша ҳаром луқманинг таъсири шу ўғилда зоҳир бўлибдир».

Ушбу гаплар бир ривоятга ўхшаб эшитилиши мумкин. Бироқ ҳалолнинг файзи ва хосияти, ҳаромнинг қусру касофати — бу бор нарса. Буларга фақат муносабат ўзгариб кетган. Эҳтимол, шу ўзгариш туфайли табиатимизда ёмон қусур ва тубан ўзгаришлар кўпайгандир. Балки бу «жараён» инсоният бошига ҳали кўп кулфат ва мусибатлар ёғдирар.

— *Сиз аёллик ва эркаклик бахти деганда нимани тушунасиз?*

— Энг аввало, аёлнинг эркакка, эркакнинг эса аёлга ўхшаб қолмаслигини. Аёлнинг — она, эркакнинг — ота шарафига етишувини. Муҳаббат шавқи одамга куч ба-

фишлайди. Шундай куч бағишлайдики, қалб лоқайдлик-ка мутлақо ён бермайди. Ахир ишқ бир тан ила иккинчи бир танни, бир жон ила иккинчи бир жонни қовуштиради. Бундай бирлашув ишқнинг энг гўзал, энг илохий хусусиятидир. Тасаввуфий маслақда ҳам оила — муқаддас. Ҳа, дунёнинг буюк низом ва интизомига амал қилмаслик мумкин эмас. Севги ва муҳаббат қўли билан тикланган оилага тасаввуф аҳлининг ҳам эҳтироми юқори эди, десак асло хато бўлмайди.

Сухбатдош **Зебо Мирзаева**,  
«Қалб кўзи», 1999 йил, ноябрь.

## **МУНДАРИЖА**

### **Боқий сарчашмалар**

Асрори Ҳаллоҷ . . . . .	4
Ахмад Яссавий . . . . .	19
Шайхлар ва шаҳидлар Куброси . . . . .	52
Руҳи ҳур, ирфони ҳур шоир . . . . .	74
Шайхи Акбар . . . . .	91
Навоийга қайтиш . . . . .	109
Рухум яратиб эдинг латофат бирла... . . . .	160
Маърифат-ла боқий сўз . . . . .	168
Ҳақиқат ва абадият . . . . .	178
Истеъдод ва маҳорат . . . . .	194
Ахмад калла . . . . .	207
Устод . . . . .	229
Абдулла Қаҳҳор жасорати . . . . .	242
Ойбек шахсияти ва шеърятига доир . . . . .	271
Тасаввуф ва мумтоз адабиётни ўрганиш муаммолари . . . . .	284

### **Адабий-маърифий суҳбатлар**

«Бу йўл ихлос, эҳсон, адаб йўлидир...» . . . . .	302
«Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ...» . . . . .	312
Тасаввуф ва аёл . . . . .	323

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**

## **Тақдир ва тафаккур**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент—2007

Муҳаррирлар: *Носиржон Тошматов, Қодиржон Қайумов*  
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Рассомлар: *Ж. Гурова, Т. Саъдуллаев*  
Мусахҳиҳлар: *М. Зиямуҳамедова, Н. Ўролова*  
*Саҳифаловчи А. Шафиуллина*

Теришга берилди 03.02.2007. Босишга рухсат этилди 04.05.2007.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 17,64. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,81. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 3405. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмахонаси,**  
**100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**